


# Ярослав Гашек

---



---

# ШОВВОЗ АСКАР ШВЕЙКНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

## СУЗ БОШИ

*Улуғ даврга улуғ кишилар керак. Лекин Наполеон шуҳратиغا эришмаган, ҳеч ким томонидан тан олинмаган, камтарин қаҳрамонлар ҳам бор оламда Тарихчилар улар тўғрисида ҳеч нима дема-яптилар. Бироқ диққат билан қаралса, уларнинг шуҳрати олдида ҳагто македониялик Искандарнинг шуҳрати ҳам ил эшолмай қолади. Шу кеча-кўндуз сиз фақиргина кийинган, янги, улуғ давр та-рихидаги ўзининг аҳимияги қандайлигини хаёлига ҳам келтирма-ётган бир кишини Прага кўчаларида учратишингиз мумкин. У кам-торгина бўлиб, ўз йўлидан юради, ҳеч кимга тирғалмайди ҳам, жур-*

налистлар интервью беришни сўраб унинг олдига келишмайди ҳам. Агар сиз, фамилиянгиз нима, деб сўрасангиз, у оддийгина «Швейк» деб жавоб берган бўлур эди.

Ҳақиқатан ҳам эски кийимдаги бу ювош, камтар киши Австрия-Венгрия империяси замонида Чехия қироллигидаги ҳамма граждандларнинг оғзидан номи тушмаган ва республикада ҳам шуҳрати сўнмаган жасур қаҳрамон, ўша шоввоз солдат Швейкнинг ўзгинасидир.

Шоввоз солдат Швейкни жуда яхши кўраман, унинг жаҳон уруши вақтидаги сарғузаштларини китобхонлар эътиборига тақдим қилар эканман, донг таратмаган бу қаҳрамонга ҳамма хайрихоҳ бўлиб қолишига аминман. У газеталарда ва мактаб хрестоматияларида ном қолдирмоқ учун тентак Герострат сингари Эфесдаги маъбуда ибодатхонасига ўт қўйган эмас.

Ҳозирча шунинг ўзи ҳам кифоя қилса керак.

А в т о р,

Биринчи қисм



**ФРОНТ  
ОРҚАСИДА**



1 боб

## ШОВВОЗ СОЛДАТ ШВЕЙКНИНГ ЖАҲОН УРУШИГА КИРИБ КЕЛИШИ

— Шўрлик Фердинандимизни ўлдиришибди,— деди Швейкка унинг хизматларини бажарувчи аёл.

Медицина комиссияси бундан бир неча йил муқаддам Швейкни савдойи деган хулосага келган ва шундан бери ҳарбий хизматни ташлаган Швейк зотсиз ҳар хил хашаки итларни ўзича зоти яхши итлар деб мақтаб, уларни сотиш билан тирикчилик қиладиган бўлиб қолган эди.

Бундан ташқари, у бод касалига мубтало бўлганлиги туфайли ҳозир тиззасига оғриқни йўқотадиган малҳам суркамоқда.

Швейк тиззасини уқалаб, аёлдан сўради:

— Қайси Фердинандни айтяпсиз, пани<sup>1</sup> Мюллер? Мен билладиган иккита Фердинанд бор. Бири дрогист\* Прушининг дўконида хизмат қилади. Бир кун у ўша аптекада соч ўстирадиган бир шиша дорини билмай ичиб қўйган эди; яна Фердинанд Кокошка ҳам бор, у ҳар хил итларни йиғиштириб юради. Уларнинг иккови ҳам сира ачинишга арзийдиган одамлар эмас.

— Йўқ, жаноб, эрцгерцог Фердинандни\* ўлдиришибди. Конопишт\*да яшайдиган художўй семиз Фердинандни...

— Ё алҳазар! — қичқириб юборди Швейк. — Ҳали шунақа денг! Жаноб эрцгерцог бу фалокатга қаерда учрабди?

— Сараевода уни отиб ташлашибди, жаноб. Тўппончадан. Маликаси билан автомобилда кетаётган экан...

— Буни қаранг-а, пани Мюллер, автомобилда кетаётган экан денг! Бунақа зотнинг автомобилда юришга қурби етади, албатта. Автомобилда юришнинг оқибати шунақа аянчли бўлишини эҳтимол ўйламагандир. Сараевода шундай бўлади деб хаёлига ҳам келмагандир! Сараево Босниядаги шаҳар-ку, пани Мюллер... Бу бўлса бўлмаса туркларнинг иши. Уларнинг қўлидан Босния билан Герцеговинани\* тортиб олмаслигимиз керак эди... Шунақа ишлар бўлибди-да, пани Мюллер. Демак, эрцгерцог нариги дунёга кетди денг. Анча азоб тортгандир?

— Тил тортмай ўлибди. Тўппонча билан ҳазиллашиб бўлмайди. Бунини ўзингиз биласиз. Яқинда бизнинг Нуследа бир жаноб тўппонча ўйнаб ўтириб, бутун оила аъзоларини отиб ўлдирибди, яна бунинг устига, тўртинчи қаватда ким тўппонча отаётган экан, деб кўргани келган швейцарни ҳам отиб ташлабди.

— Шундай тўппончалар бўладики, пани Мюллер, мнинг урининг, барибир отиб бўлмайди. Бунақа тўппончалар тўлиб ётибди. Лекин эрцгерцогни отиш учун асил тўппонча сотиб олинган бўлса керак. Олт ичиб айтаманки, тўппонча отган одам башанг кийинган бўлса керак.

Эрцгерцогга ўқ узиш ҳазилакам иш эмас-ку, ахир. Бунини дуфия ов қилаётган кишининг ўрмон қоровулни отиб қўйиши билан сира тенглаштириб бўлмайди. Бунақа зот-

---

<sup>1</sup> Пани — хоним деган маънони билдиради, хотин-қизлар номига қўшиб айтиладиган олд қўшимча. (Тарж.)

га яқин йўлаш ҳазилакам иш эмас. Жулдур кийим билан унақа зот-бобаракотга яқин йўлаб бўлмайди. Бунинг учун албатта цилиндр кийиб олиш керак, бўлмаса полициячилар гирибонингдан гиппа бўгади.

— Айтишларига қараганда, халойиқ жуда кўп экан, жаноблари.

— Албатта, пани Мюллер,— деб тасдиқлади Швейк тиззасини уқалаб бўлгач.— Масалан, мабодо, сиз эрцгерцогни ёки император жанобларини ўлдирмоқчи бўлсангиз, албатта бирор кимса билан маслаҳатлашиб олур эдингиз. Маслаҳатлашиб иш қилган яхши. Биров ундоқ қил, биров бундоқ қил, деб маслаҳат беради, шу тариқа бизнинг гимнда айтилганидек, «зафарга йўл очилади». Энг муҳими шуки, бундай зот қаердан ва қачон ўтишини искаб билиб олиш керак. Бизнинг марҳума Елизаветани\* эгов тиқиб ўлдирган жаноб Люккенъ эсингиздами? Ахир у хоним билан дон олишиб юрарди-ку. Шундан кейин одамларга қандай ишониб бўлади! Шу-шу бўлди-ю, император хонимлардан биронтаси ҳам пиёда сайр қилмайдиган бўлиб қолди. Бунақа кулфатга учрайдиганлар ҳали кўп топилади. Мана, мени айтди дерсиз, пани Мюллер, улар рус подшоси ва унинг маликасига ҳам кўз тикишадди, модомки, император ҳазратимизнинг тоғасидан\* иш бошлашган экан, демак, эҳтимолки, император ҳазратларига ҳам қасд қилишлари турган гап, лекин худо сақласин. У қариянинг душманлари кўп, Фердинандникидан ҳам кўп. Яқинда бир жаноб қовоқхонада гаплашиб ўтириб, «бу императорларнинг бирин-кетин тухуми қурийдиган вақт келади, уларга ҳатто давлат прокуратураси ҳам асқотолмай қолади», деган эди. Кейин билсак, у вайсақининг пивога тўлайдиган пули қолмаган экан. Қовоқхоначи полиция чақирришга мажбур бўлди, у бўлса, қовоқхоначига бир шапалоқ, полициячига икки шапалоқ урди. Кейин уни ўзига келтириш учун кажавага солиб олиб кетишди...\* Мана, шунақа ғалати ишлар бўлиб турибди, пани Мюллер! Демак, Австрия яна бир жудоликка учрабди. Мен ҳарбий хизматда бўлган вақтимда бир пиёда аскар капитанини отиб қўйган эди. Милтигини ўқлаб тўппа-тўғри маҳкамага борибди. Маҳкамада унга, бу ердан чиқиб кетди дейишса, у нуқул: капитан билан гаплашадиган гапим бор, деб тураверибди. Капитан чиқиб, уни казармадан ташқарига чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўйибди, у бўлса, милтиқни олибди-ю, капитаннинг қоқ

кўкрагидан отибди! Уқ капитанни тешиб ўтиб, маҳкамада ҳам анча ташвишли ишлар қилибди: сиёҳ солинган шиша-ни синдириб, хизмат қоғозларини сиёҳга белаб ташлабди.

Швейк кийинаётганини кўриб, пани Мюллер бир дақиқа тўхтаб тургач, савол берди:

— Кейини солдатни нима қилишди?

— Ўзини тизгинга боғлаб осиб қўйди,— жавоб берди Швейк овқат идишини тозалаб туриб.— Аммо бу тизгин ҳам унинг ўзиники эмас эди, турма қоровулидан сўраб олганди. Иштоним тушиб кетяпти, боғлаб қўймасам бўлмайди, деб олган экан. Мени қачон отишар экан деб кутиб ўтириш осон гапми, ахир? Бунақа аҳволга тушиб қолган ҳар қандай кишининг ҳам калласи гангиши турган гап, пани Мюллер! Турма қоровулини ишдан бўшатишиб, олти ой авахтага тиқиб қўйишди, лекин у Швейцарияга қочиб кетди. Ҳозир у ерда қандайдир бир черковда хатиблик қилаётибди. Ҳозир инсофли одамлар кам, пани Мюллер. Эрцгерцог Фердинанд ҳам ўзини отган кишини инсофли одам деб ўйлаган бўлса керак. Чамамда, у ўша жанобни кўрган ҳамона: «Тузук одам бўлса керак, менга салом беряпти-ю», деб ўйлагандир. У бўлса суриштирмай отиб ўлдирибди. Унинг теккизган ўқи битта эканми, ёки кўп эканми?

— Газеталар, ўқлар эрцгерцогни ғалвир қилиб юборди, деб ёзишибди, жаноблари. У тўппончадаги ҳамма ўқни бўшатибди.

— Бунақа ишлар жуда тез қилинади, пани Мюллер. Ниҳоят даражада тез. Мен бўлсам, бунақа ишлар учун браунинг сотиб олган бўлардим: кўринишда ўйинчоққа ўхшайди-ю, аммо бунақа тўппонча билан хоҳ ориқ, хоҳ бақалоқ, йиғирмалаб эрцгерцогни бир нафасда отиб ташлаш мумкин. Аммо гап шу ерда қолсин, пани Мюллер, эрцгерцогнинг оригини нишонга олишга қараганда, бақалогини нишонга олиш осонроқ. Португалияда португалияликлар\* қиролнинг қандай отиб ўлдирганликлари эсингизда бўлса керак. Улгудек бақалоқ одам эди! Ўзингиз биласиз-ку, қирол ориқ бўлмайди... Энди мен «Товоқ устида» қовоқхонасига кетдим... Терьер<sup>1</sup> учун закалат олиб қўйганман, агар шу итти олиб кетиш учун келишса, мен уни шаҳар ташқарисивдаги итхонамда сақлаб турганлигимни, яқинда қулоғини кесиб қўйганли-

<sup>1</sup> Итнинг бир тури,



гимни, қулоғи битмагунча кучукни олиб кетиш мумкин эмаслигини, шамоллаб қолиш эҳтимоли борлигини айтиб қўйинг. Калитни уй қоровулига қолдириб кетинг.

«Товоқ устида» деган қовоқхонада фақат бир киши ўтирар у ҳам бўлса махфий полиция агенти Бретшнейдер эди. Қовоқхоначи Паливец идишларни ювмоқда. Бретшнейдер эса, зўр бериб у билан жиддий гап бошлашга урқнардн.

Паливец ўзининг коскилиги билан машҳур эди. У ҳар сўзга «қуймич» ёки «насаж» деган ҳақоратни қўшиб гапирарди. Аммо ўзи жуда ўқимишли одам эди ва Наполеоннинг гвардияси Ватерлоо\* ёнидаги жангда инглизларга қандай жавоб қилганлигини ҳикоя қилиб, Виктор Гюго нималарни ёзганлигини ўқиб чиқишни ҳар кимга маслаҳат берар эди.

— Ёз яхши келди,— деб жиддий гап бошлади Бретшнейдер.

— Бунақа аблаҳона гапларнинг кераги йўқ,— жавоб берди Паливец, идишларни жавонга жойлаштираётиб.

— Сараевода бизни жуда ҳам боплашди-ку!— деди Бретшнейдер, қовоқхоначини илинтирарман, деган умид билан.

— Қайси «Сараево»да?— сўради Паливец.— Нуследаги қовоқхонадами? У ерда ҳар кун жанжал бўлиб туради. Нусле жанжалнинг кони-ку!

— Босниядаги Сараевода, муҳтарам пан<sup>1</sup> қовоқхоначи. У ерда эрцгерцог Фердинандни отиб қўйишди. Бунга сиз нима дейсиз?

— Мен бунақа ишларга аралашмайман. Бунақа ишларни қиладиган аблаҳларнинг тухуми қурисин!— эҳтиром билан жавоб берди пан Паливец, трубкасини чекиб туриб.— Ҳозирги вақтда бунақа ишларга аралашган кишининг бошидан жудо бўлиши турган гап. Мен қовоқхоначи одамман. Қовоқхонамга кириб пиво талаб қилинса, қуйиб бераман. Сараево дейсизми, сиёсат ёки марҳум эрцгерцог дейсизми — буларнинг менга дахли йўқ. Булар биз учун ёзилган эмас. Бундан Панкрацнинг ҳиди келяпти.

Бретшнейдер индамай қолди ва ҳафсаласи пир бўлиб, бўм-бўш қовоқхонага кўз югуртирди.

— Бир вақтлар манави жойда император жанобла-

---

<sup>1</sup> Пан — жапоб (тарж.).

рининг портрети осифлик турарди,— деди бир оз жим тургач яна гап бошлаб Бретшнейдер.— Ҳозир кўту осиб қўйилган жойнинг ўзида турарди.

— Жаноблари ҳақ гапни айтдилар,— жавоб берди пан Паливец,— ҳақиқатан ҳам бир вақт осифлик эди. Аммо пашшалар булғатиб юборганидан кейин, мен уни чердакка чиқариб қўйдим. Ўзингиз биласиз-ку, битта-яримта киши келиб, бу хусусда мени койиб, раижитишига тоқатим йўқ. Бунақа галваннинг менга нима кераги бор?

— Сараевода аҳвол ёмон бўлса керак? Бунга нима дейсиз, оғайни?

Бу қалтис саволга пан Паливец жуда эҳтиётлик билан жавоб берди.

— Ҳа, бунақа вақтда Босния билан Герцеговинада жазирама иссиқ бўлади. Мен у ерда хизмат қилган вақтимда обер-лейтенантимизнинг бошига нуқул муз қўяр эдик.

— Сиз қайси полкда хизмат қилгансиз, оғайни?

— Бунақа майда-чуйда нарсалар эсимда қолмайди, бундай бемаъниликка ҳеч қачон қизиққан эмасман,— жавоб берди пан Паливец.— Умуман, билишни хоҳламайман ҳам. Ҳар нарсани билишга қизиқаверишнинг зарари кўп.

Махфий агент Бретшнейдер энди чурқ этолмай қолди, Швейк қовоқхонага кириб келиб, ўзига қора пиво буюрганидан кейингина қовоғини солиб ўтирган Бретшнейдернинг чеҳраси очилди. Швейк пиво буюрар экан, деди:

— Бугун Венада ҳам мотам.

Бретшнейдернинг кўзлари умидли чақнаб кетди ва дарров ганга аралашди:

— Конопишчеда ўнта қора байроқ осиб қўйишибди.

— Йўқ, ўн иккита қора байроқ осилган бўлиши керак,— деди Швейк, пиводан хўплаб туриб.

— Нега ўн иккита бўлиши керак, дейсиз?— сўради Бретшнейдер.

— Ҳисоб тўппа-тўғри бир дюжина бўлсин, дейманда. Дюжиналаб санаш осонроқ бўлади, арзонга ҳам тўшади,— жавоб берди Швейк.

Орага яна сукунат чўкди. Аммо Швейк хўрсиниб жимликни бузди:

— Демак, умри қисқа экан-да, худо раҳмат қилсин! Императорлик тахтига ўтиришга ҳам муяссар бўлол-

мади. Мен ҳарбий хизматда бўлган вақтимда бир генерал отдан йиқилиб тушди. Қўлтиғига кириб, отга миндириб қўйишмоқчи бўлиб қарасалар, жони узилган экан. Ваҳолонки, у фельдмаршал бўлишни орзу қилиб юрарди. Кўрик вақтида шу кулфатга учради. Бунақа кўриқлар ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Сараевода ҳам бирор кўрик ўтказилган бўлса керак. Кўриқлардан бирида эгнимдаги мундирнинг йигирманчи тугмаси етишмай қолганлиги эсимда. Бунинг учун мени ўн тўрт кун карцерга қамаб қўйишган. Худди Лазарь каби мен ҳам икки кун оёқ-қўлим боғланиб\* ётганман. Ҳарбий хизматда интизом бўлиши керак. Интизом бўлмаса ҳеч ким сариқ чақалик иш қилмайди. Бизнинг обер-лейтенантимиз Маковец ҳаминша бизга айтар эди: «Интизом керак, ҳўкизлар. Интизом бўлмаса, маймунларга ўхшаб дарахтларга чиқиб кетаверасанлар. Сен каллаварамларни ҳарбий хизмат одам қилади!» Ростдан ҳам шундай эмасми, ахир? Карлови майдони ва шу майдондаги ҳар бир дарахт устида биттадан интизомсиз солдат ўтирганлигини тасаввур қилиб кўринг. Шунақа бўлишдан худо ўзи асрасин.

— Сараеводаги можаронинг ҳаммасига серблар сабабчи,— деди Бретшнейдер гапни буриб юбормоқчи бўлиб.

— Янглишасиз,— жавоб берди Швейк.— Буларнинг ҳаммаси туркларнинг иши. Босния билан Герцеговина деб шундай қилишди.

Шундан сўнг Швейк Австриянинг Болқондаги ташқи сиёсати тўғрисидаги ўз фикрини баён қила кетди: турклар,— деди у,— 1912 йилда Сербия, Болгария ва Греция билан бўлган урушда ютқизиб қўйдилар; улар Австрия бизга ёрдамлашади, деб ўйлашган эди, аммо бу ниятлари рўёбга чиқмаганидан кейин, Фердинандни отиб ўлдиришди.

— Сен туркларни яхши кўрасанми?— деди Швейк қовоқхоначи Паливецга қараб.— Уша ғайри динларни-я! Ёки ундай эмасми?

— Ким бўлса ҳам майли, туркми, бошқами, биздан пиво нчса бўлгани,— деди Паливец.— Биз қовоқхоначиларнинг сиёсат билан ишимиз йўқ. Пивога пул тўладингми, қовоқхонада ўтириб айшингни суравер, хоҳлаган гапингни гапиравер— менинг қондам шундай. Фердинандимизни ўлдирган сербми, ёки туркми, като-

ликми, ёки мусулмонми, анархистми, ёки ёш чехми\* менга барибир.

— Яхши, огайни,— деб гап қўшди Бретшнейдер. Унинг булардан бирортасини тилидан илинтиролмаглигига ақли етиб қолганди.— Лекин шуни унутмангки, бу Австрия учун катта жудолик.

Қовоқхоначининг ўрнига Швейк жавоб берди:

— Албатта, жуда оғир жудолик бўлди. Фердинандни бошқа бирор ладавур билан алмаштириб бўлмайди. Лекин у семизроқ бўлиши керак эди.

— Бу гапингиз билан нима демоқчисиз? — деди жонланиб Бретшнейдер.

— Нима демоқчи бўлганимни билмоқчимисиз? — бажону дил жавоб берди Швейк.— Демоқчиманки, агар у семизроқ бўлганида эди, уни Конопишчедаги боғида чўпчак ва қўзиқорини териб юрган кампирларга тегишиб қувлаб юрган чоғидаёқ аллақачон гумдон қилувчи одамлар тошлаган бўлур эди\*. Ўзингиз ўйлаб кўринг, уни жаноб императорнинг тоғаси бўлишига қарамай ҳам отиб ташлашди-ку! Бунақа шармандалик бўладими! Бу тўғрида ҳамма газеталар жар соляпти! Бундан бир неча йил аввал бизнинг Будейовицадаги бозорда жиндак жапжал чиқиб қолди: бозорда Биржетислав Людвиг деган бир чўқафурушни чавоқлаб ташлашди. Унинг Богуслав деган ўғли бўларди, шу йигит чўқа болаларини сотиш учун қаерга борса ҳам, ҳеч ким ундан ҳеч нима сотиб олмас эди. Ҳар ким ўзича тўнғиллаб, «ахир, бу бозорда чавоқланган чўқафурушнинг ўғли-ку. Бу ҳам яхшигина муттаҳам бўлса керак!» деб қўярди. Ниҳоят, йигитни шундай аҳволга солиб қўйишдики, у Крумловеда кўприкдан ўзини Влтава дарёсига ташлади, кейин дарёдан уни судраб олиб чиқиб, сунъий нафас олдиришга ҳаракат қилинди, ичидаги сувини тўкишга тўғри келди... Аммо шундай бўлса ҳам, у докторнинг қўлида жон берди. Доктор унга ниманидир укол қилганидан кейин ўлиб қолди...

— Вой-бўй, бу таққослашингиз жуда ғалати бўлди-ку,— деди маънодор қилиб Бретшнейдер,— аввал гапни Фердинанд тўғрисида бошлаб, кейин чўқафурушга ўтиб кетдингиз.

— Бу таққослаш эмас-ку,— эътироз қилди Швейк.— Худо сақласин, мен ҳеч ким билан таққослаётганим йўқ! Ана, пап Паливец ҳам мени билади. Мен ҳеч қачон

уларни таққослаганим йўқ, тўғрими? Ҳеч ким эрцгерцогнинг хотини ҳолига тушмасин, дейман, холос. Энди бечоранинг ҳоли нима кечади? Болалари етим, Конопишчедаги боғи эгасиз қолди. Бошқа эрцгерцокка тегсинми? Бундан нима фойда? Яна у билан Сараевога боради-да, яна иккинчи марта бева қолади... Мана, масалан, Зливда, Глубокая деган жойнинг яқинида бундан бир неча йил аввал Пиндюр деган бесўнақай фамилияли бир ўрмончи яшар эди. Уни пинҳона ов қилаётган кишилар отиб ташлашди, шундан сўнг унинг хотини икки боласи билан есир қолди. Орадан бир йил ўтгач, у яна бир ўрмончига тегди. Миловар деган жойдаги Пепик Шалловиц деган шу ўрмончини ҳам кунларнинг бирида отиб ўлдиришди. Хотин, «уч мартаси ҳалол, худо бунга ҳам яхши кўради, агар эндиам омадим келмаса, унда пешанамдан кўрдим», деб учинчи марта яна бир ўрмончига тегди. Бу ўрмончиниям отиб ўлдиришди, ҳозир ўша хотиннинг ўрмончилардан орттирган олтига боласи бор. У Глубокаядаги князнинг маҳкамасига бориб, зор-зор йиғлаб, ўрмончилардан шунча азоб тортдим, деб нолиди. Шундан кейин унга, Ражицкая тўғонининг қоровули Ярсини эр қил, деб маслаҳат беришди. Тақдирни қарангки, уни ҳам балиқ овлаб турган вақтда сувга ботириб юборишибди! Хотин ундан ҳам иккита бола орттирди. Кейин у Воднянидаги бир отбоқарга тегди, кунларнинг бирида кечаси отбоқар шу хотинни болта билан чопиб ташлаб, жиноятни очиқ бўйнига олди. Кейин уни Писекдаги округ суди олдида дорга осатганларида попнинг бурнини тишлаб олиб, энди менинг ҳеч армоним қолмади, деди, яна бунинг устига жаноб император шаънига ҳам гоятда ёмон сўзни айтди.

— Қанақа ёмон сўзни айтганини билмайсизми?— деди умидвор бўлиб Бретшнейдер.

— Бунга мен сизга айтиб беролмайман, бунга айтишга ҳеч ким ҳам ботина олмайди. Аммо шундай ёмон сўзларни айтди дейишадик, суд ходимларидан бири ўша жойда шу сўзларни эшитиб ақлдан озиб қолибди, ҳеч нарса ташқарига чиқмасин, деб ўша ходимни шу вақтгача ҳам жиннихонадан чиқаришмас эмиш. Жаноб император шаънига маст бўлиб айтиладиган одатдаги сўз.

— Жаноб император шаънига қандай ҳақ сўзларни айтишди?— сўради Бретшнейдер.

— Жаноблар, гап мавзуини бошқа ёққа буринглар, илтимос қиламан,— деб гапга аралашди қовоқхоначи Паливец.— Ўзларингиз биласизлар-ку, мен бунни яхши кўрмайман. Оғиздан бирон бемаъни гап чиқиб кетади-да, кейин одамнинг боши ташвишдан чиқмай қолади.

— Маст одамлар жаноб император шаънига қандай ҳақорат сўзлари айтишади дейсизми?— қайтариб сўради Швейк.— Бунақа ҳақоратларнинг хили кўп. Мириқиб ичиб, менга Австрия гимнини чалиб беринг, деб айтиб кўрсангиз, оғзингиздан қанақа гаплар иккинчиси ўзингиз кўрасиз. Жаноб император тўғрисида шунақа гапларни тўқиб юборасизки, башарти шу гапларнинг лоақал ярмиси тўғри бўлган тақдирда ҳам, уни умрбод шарманда қилишга кифоя қилади. Ваҳоловки, у қария бунақа ҳақоратларга, ростини айтсам, сазовор эмас. Ахир, ўзингиз ўйлаб қаранг: у забардаст, қирчиллама ўгли Рудольфдан\* ажралди, хотини Елизаветага эгов тикиб ўлдиришди, кейин укаси Ян Ортдан\* жудо бўлди, яна бир укаси — Мексика императорини эса, қандайдир қалъада\* отиб ташлашди. Буларга бардош бериш учун кишининг асаби темирдан бўлиши керак. Шунча ташвишлардан кейин қандайдир бир бетайин маст уни эсга олиб сўка бошласа, бунга нима деб бўлади. Энди яна бирор машмаша бошланиб кетадиган бўлса, ўзим кўнгилли бўлиб бориб, жаноб императорга охири қатра қоним қолгунча хизмат қиламан!— Швейк пивонни яхшилаб шмириб, яна давом этди:— Жаноб император буларнинг ҳаммасига индамай қўя қолади, деб ўйлайсизми? Сиз уни яхши билмас экансиз. Турклар билан уруш бўлиши турган гап. «Тоғамни ўлдирдингизми, мана энди тумшугингизга соламан!» Уруш бўлиши турган гап, бусиз асло мумкин эмас. Сербия билан Россия бу урушда бизга ёрдам беради. Ҳазилакам жанг бўлмайди!

Швейк берилиб шу гапларни айтаётганда кўрниниши жуда ёқимтой эди. Унинг ойпарчадай ярқираб турган чеҳрасидан нур ёғилиб турарди. Ҳамма нарса унга оддий ва равшандек эди.

У Австриянинг келажagini тасвирлашда давом этди:

— Туркия билан уруш бошласак, бизга немислар хужум қилиб қолвишлари ҳам мумкин. Ахир, немислар турклар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш-япти-ку. Булар шу қадар аблаҳларки, асти қўяверинг. Лекин биз Франция билан иттифоқ тузишимиз мумкин,

у етмиш биринчи йилдан бери Германияга тишини қай-  
раб келяпти. Ана шунда ҳамма ишимиз юришиб кета-  
ди. Уруш бўлиши турган гап, энди мен сизга бошқа гап  
айтмайман.

Бретшнейдер ўрнидан туриб, тантана билан деди:

— Сизнинг бошқа гап айтишингизнинг энди кераги  
ҳам йўқ. Икки оғиз гаплашиб олиш учун мен билан  
даҳлизга чиқасиз.

Швейк махфий полиция агенти кетидан даҳлизга  
чиқди, бу ерда уни кутилмаган ҳодиса пойлаб турарди:  
ҳамтовоқ агент унга бургут суратини кўрсатиб\*, энди  
сиз қамоққа олиндингиз ва дарҳол полицияга олиб бо-  
раман,— деди. Швейк, сиз янглишаётган бўлсангиз ке-  
рак, англашилмовчилик рўй бергандир, чунки менда ҳеч  
бир гуноҳ йўқ, бирор кимсани ҳақорат қиладиган ҳеч  
бир сўз айтганим йўқ, деб тушунтиришга уриниб кўрди.

Аммо Бретшнейдер Швейкнинг бу гапига жавобан,  
сиз бир неча жиноят қилдингиз, шу жумладан, давлат-  
га хиёнат қилиш каби жиноятга ҳам йўл қўйдингиз, деди.

Сўнгра иккови қовоқхонага қайтиб киришди, Швейк  
эса, Паливецга деди:

— Беш кружка пиво ичиб, макаронли бир жуфт сосис-  
ка евдим. Менга яна бир қадаҳ сливянка ароғингиздан  
беринг. Мени қамоққа олишди, энди кетмасам бўлмайди.

Бретшнейдер Паливецга ўзининг бургутини кўрсат-  
ди, қовоқхоначига бир дақиқа тикилиб туриб, сўнгра  
сўради:

— Сиз уйланганмисиз?

— Ҳа.

— Сиз йўқлигингизда ишингизни хотинингиз бажара  
оладими?

— Бажара олади.

— Демак, ишимиз жойида экап, оғайни,— деди хур-  
санд бўлиб Бретшнейдер.— Рафиқангизни чақириб ке-  
либ, бутун ишни унинг қўлига топширинг. Кечқурун ке-  
либ сизни олиб кетамиз.

— Ташвишланма,— деб юпатди Швейк Паливец-  
ни.— Мен фақат давлатга хиёнат қилди, деган айб би-  
лангина қамоққа олиндим.

— Ҳўш, менинг гуноҳим нима?— ёлворди Пали-  
вец.— Мен ўзимни жуда эҳтиёт қилардим-ку!

Бретшнейдер жилмайиб қўйди ва ғолиб тусда ту-  
шунтирди:

— Гуноҳингиз шуки, сиз жаноб императорнинг афтини пашшалар булғатиб кетди, дедингиз. Жаноб императорни сизнинг миянгиздан албатта ситиб чиқаришади.

Махфий полиция агенти ҳамроҳлигида Швейк «Товоқ устида» қовоқхонасидан чиқиб кетди. Улар кўчага чиқишганида Швейк унинг башарасига қараб туриб, ўзининг одатдаги мулойим жилмайиши билан сўради:

— Йўлкадан тушиб юрайми?

— Нега?

— Қамоққа олинганимдан кейин йўлкада юришга ҳаққим йўқ. Менимча, шундай бўлса керак.

Швейк полиция бошқармасининг дарвозасидан кира туриб деди:

— Хўб айш қилдик-да! Сиз «Товоқ устида» қовоқхонасига тез-тез келиб турасизми?


Швейкни полиция маҳкамасига олиб кирилаётган вақтда «Товоқ устида» қовоқхонасида Паливец ишларни йиглаб турган хотинига топира туриб, уни ўзича юлатмоқда эди:

— Оби дийда қилаверма! Жаноб императорнинг пашшалар булғатган портрети деб менга улар нима жазо бера оларди?

Шоввоз солдат Швейк мана шундай хурсандлик ва мулойимлик билан жаҳон урушига кириб кетди. У қандай қилиб шу қадар узоқ келажакни кўра олдийкин, деган масала тарихчиларни қизиқтирса керак. Башарти кейинроқ воқеалар «Товоқ устида» қовоқхонасида Швейк баён қилган тарзда давом этмаган бўлса, бунинг учун биз Швейк лозим бўлган даражада дипломатия илмини ўқимаганлигини назарда тутишимиз лозим.







## II боб

### ШОВВОЗ СОЛДАТ ШВЕИК ПОЛИЦИЯ БОШҚАРМАСИДА

Сараеводаги суиқасд натижасида полиция бошқармаси жуда кўп одамларни ушлаб қамади. Полициячилар уларни бирин-кетин олиб келаверди, кекса инспектор эса, уларни маҳбуслар қабул қилинадиган маҳкамада кутиб олар экан, очиқ кўнгиллик билан гап ташлаб қўярди.

— Энди Фердинанд деб шўрларинг қурийдил!

Швейкни биринчи қаватдаги серодам камералардан бирига тиқиб қўйишди. У кирган камерада яна олтита киши бор эди. Беш киши стол теварагида, олтинчи ки-

ши — ўрта ёшлар чамаси бир эркак эса, ҳаммадан ўзини четга олиб, бурчакдаги каравотда ўтирарди.

Швейк улардан нима учун қамоққа олинганликларини бирма-бир суриштириб кетди. Стол теварагида ўтирган беш кишининг ҳаммаси бир хилда жавоб қилди:

— Сараево касофатига.

— Фердинанд касофатига.

— Эрцгерцог ўлдирилганлиги учун.

— Сараевода эрцгерцог ўлдирилганлиги учун.

Ҳаммадан ўзини четга олиб ўтирган олтинчи киши эса, бу беш кишига менинг ҳеч қандай адоқам йўқ, уларга шерик экан деган шубҳага қолишни истамайман, чунки мен Галицдаги тегирмонни талаш мақсадида тегирмончини ўлдирмоқчи бўлганлигим учун мени қамаб қўйишди, деди.

Бу ерга қандай келиб қолганликларини бир-бирларига ўзинчи марта ҳикоя қилиб ўтирган фитначилар ёнига келиб, Швейк ҳам уларга улфат бўлди.

Маҳбусларнинг биттасидан бўлак ҳаммаси ё қовоқхонада, ёки ертўладаги майхонада, ёки кафедра қўлга туширилган эди. Кўзойнак таққан, йиғлаганлиги кўзидан сезилиб турган, гоят семиз бир жаноб булардан мустасно эди; уни ўзининг квартирасида қамоққа олишган экан, чунки Сараевода суиқасд бўлмасдан икки кун олдин «Брейшка олдида» деган қовоқхонада иккита серб студент — техниклар билан ичишиб ўтириб, уларнинг иккови учун ҳам пул тўлаб чиққан экан, бундан ташқари, Брикси деган агент Ржетезова кўчасидаги «Монмартр»да уни ўша студентлар билан ичиб маст бўлиб ўтирганини кўрган экан, бу қовоқхонада ҳам ичкилик пулини студентлар учун ўзи тўлаганлигини протоколга имзо чекиб тасдиқлаб берибди.

Полиция участкасида ўтказилган дастлабки терговда ҳамма саволларга:

— Менинг ёзув қоғозлари сотадиган магазиним бор! — деб бир хилда жавоб бераверибди.

Унинг бу ганига эса:

— Бу билан сиз ўзингизни оқлай олмайсиз, — деган айни бир хилда жавоб олаверибди.

Ертўладаги майхонада худди шундай кулфатга учраган ўрта бўйли иккинчи бир жаноб тарих муаллими экан. У ҳар хил суиқасдларининг тарихини мазкур май-

хона хўжайинига гапириб ўтирган экан. У суиқасдлар тўғрисидаги умумий психологик анализни:

— Суиқасд қилиш Колумбнинг тухум тўғрисида берган жумбоғи каби жўн деб тамомлаши биланоқ қамоққа олишибди. Тергов вақтида полиция комиссари унинг хулосасига илова қилиб:

— Сизни Панкрац турмаси кутаётгани ҳам жўн иш,— дебди.

Учинчи фитначи Годковичкадаги «эркпарварлар» хайр-аҳсон тўғарагининг раиси экан. Суиқасд қилинган куни бу тўғарак боғда музыкали сайил ташкил қилган экан. Жандарма вахмистри келиб, улардан ҳозир Австрия мотам тутяпти, дарров тарқалинглар, деб талаб қилибди. Бунга жавобан «эркпарварлар» тўғарагининг раиси ҳеч нарсадан хабари йўқ:

— Бир минутча сабр қилинг, «Ҳой, славянлар»\* чалиниб бўлиши билан тарқаламиз, дебди.

Энди бўлса у бошини қуйи солиб, нолиб ўтирарди.

— Августда президиум қайтадан сайланади. Агар шунгача қамоқдан қутулиб уйга бормасам, сайланмай қолишим аҳтимол. Сурункасига ўн марта мени ранс қилиб сайлашпти. Бунақа шармандаликка сира чидай олмайман.

Марҳум Фердинанд сабабли қамаб қўйилган тўртинчи маҳбус ғалати бир ҳолатда қўлга олинибди. Бу маҳбус тўғрисида шуни айтмоқ керакки, у очиқ кўнгил ва бениҳоя виждонли одам эди. Фердинанд тўғрисида икки кунгача чурқ этиб оғиз очмабди, фақат кечқурун кафедра ўтирганида еттилик гиштин кузир билан чиллик қиролни босиб туриб:

— Худди Сараеодагидек еттита ўқнинг хизматини қилади бу карта!— дебди.

Маҳбусларнинг бешинчиси эса, «Сараеода эрцгерцог ўлдирилганлиги касофатига бу ерда ўтирибман», деб ўзи иқрор бўлди. Қўрққанидан бугун унинг сочлари тиккайиб, соқоли игна бўлиб кетган, шунинг учун ҳам унинг башараси ҳурпайган пинчер итнинг тумшугини эслатадиган бўлиб қолганди. У бир оғиз ҳам гапирмай, ҳатто Фердинанд ўлдирилганлиги тўғрисида газеталарда ёзилган гаплардан ҳам беҳабар бўлиб, ресторанда ўтирган вақтда қамоққа олинибди: у стол ёнида якка ўзи ўтирган пайтда тўсатдан қандайдир бир жаноб келиб унинг рўнарасига ўтириб, дарров сўрабди:

— Шу тўғрида ёзилганларни ўқидингизми?  
 — Уқиганим йўқ.  
 — Нима тўғрисида ёзилганини биласизми?  
 — Билмайман.  
 — Хўш, ўзи нима гаплигини биласизми?  
 — Билмайман, билишни ҳам истамайман.  
 — Ҳар ҳолда, бу нарса сизни қизиқтириши керак эди.  
 — Мени қизиқтирадиган нарса нималигини билмайман. Мен сигара чекиш, бир неча кружка пиво ичиш ва овқатланишдан бошқа нарсани билмайман. Газеталарни бўлса қўлимга ҳам олмайман. Газеталарда нуқул ёлгонни ёзишади. Уқиб жингибийрон бўлишнинг нима кераги бор?

— Демак, Сараеводаги суиқасд ҳам сизни қизиқтирмас экан-да?

— Умуман, ҳеч қандай суиқасд мени қизиқтирмайди. Прагадами, Венадами, Сараеводами, ёки Лондондами, бу билан менинг ишим йўқ. Буни текширадиган тегишли идоралар, судлар ва полиция бор. Агар бирор жойда бировни ўлдиришган бўлса, демак, у ўлдирилишга арзийдиган одам экан. Ўлгинг келмаса лақиллама, қотилнинг қўлига тушма.

Шу билан гап тамом бўпти. Шу пайтдан бошлаб у ҳар беш минутда баланд овоз билан бақириб:

— Мен айбдор эмасман, мен айбдор эмасман!— деб такрорлайверди.

Полиция бошқармасининг дарвозасидан кираётган вақтда ҳам у қичқириб ана шу сўзларни айтди. Уни Прагадаги жиний иш кўрадиган судга олиб бораётганларида ҳам шу сўзларни такрорлайверса керак. Турмадаги ўзининг камерасига ҳам у шу сўзлар билан киради.

Швейк фитначиларнинг бошига тушган мана шу даҳшатли воқеаларни эшитиб, маҳбусларга уларнинг аҳволи бутунлай умидсиз эканлигини тушуштириб беришни лозим топди.

— Ишимиз пачава,— деб таскин бера бошлади у.— Ҳаммангизга, ҳаммамизга ҳеч бало урмайди, дейиш бутунлай нотўғри. Полициячилар бизни тилимизнинг бийронлиги учун жазолаш билан шуғулланмаса, уларнинг нима кераги бор? Модомки, эригерцогларни ҳам аямай отиб ўлдириляётган мана шундай даҳшатли вақт келган экан, сизни ушлаб полиция участкасига олиб келишларига ажабланишингизнинг ҳожати йўқ. Ферди-

нандни дабдабали кўмиш учун шунақа ишлар қилин-  
япти. Биздақалар бу ерда нечоғлик кўп тўпланса, тагин  
ҳам яхшироқ бўлаверади: зеркишга вақт қолмайди.  
Мен армия хизматида бўлган вақтимда кунларнинг би-  
рида ротадаги солдатларнинг ярмисини қамаб қўйишди.  
Фақат ҳарбий хизматдагина эмас, ҳаттоки граждан  
судлари томонидан ҳам қанчадан-қанча бегона одам-  
лар ҳукм қилинган-ку, ахир! Эгизак туққан бир хотин  
ўз чақалоқларини бўғиб ўлдиргани ва бунинг учун уни  
суд жазолагани ҳали ҳам эсимда. Ўша хотин, мен эги-  
закларни бўғиб ўлдирмаганман, чунки мен биттагина  
қиз туққан эдим, уни осонгина бўғиб ўлдирдим, деб  
ҳар қанча ёлвориб оит ичса ҳам барибир ўша хотинни  
иккита одамни ўлдирди, деб кесиб юборишди. Ёки бўл-  
маса, Рождество кечаси боққолнинг дўконини бузиб  
кирган бегуноҳ лўлини айтмайсизми, Забеглицдан кел-  
ган бу лўли, дўконга исингани кирган эдим, деб оит  
ичган бўлса ҳам, бунинг нафи бўлмади. Суднинг қўли-  
га авваламбор тушма, тушдингми ишинг чатоқ. Кейин  
ҳеч бир илож қилолмайсан. Ҳар ҳолда ҳамма одамлар  
ҳам бошқалар ўйлаганидек аблаҳ эмас. Лекин ҳатто  
Фердинанднинг ҳам ёстиги қуритилган айниқса ҳозир-  
гидек жиддий бир пайтда яхши одамни ёмондан қан-  
дай фарқ қилиб бўлади? Будейовицада ҳарбий хизмат-  
да бўлган вақтимда ўшанда ҳам машқ қилинадиган  
майдон нариёғидаги ўрмонда бир итни отиб ташлашган  
эди. Аммо ит капитанники экан. Капитан буни билиб  
қолганидан кейин ҳаммамизни чақириб, сафга турги-  
зиб: «Ҳар ўн кишидан бири олдинга чиқсин»,— деди.  
Бахтга қарши, мен ўнинчи киши бўлиб чиқдим. Солдат-  
лар «смирно» ва «кўзингни пирпиратма» деган буйруқ-  
ни бажо келтириб, қаққайиб тураверишди. Капитан  
уларнинг олдидан ўтиб бора туриб: «Саёқлар! Мутта-  
ҳамлар! Аблаҳлар! Йиртқичлар! Мана шу ит учун ҳам-  
мангизни карцерда чиритсам ҳаққим кетади! Ҳамманг-  
изни гажиб ташлаш керак! Отиб ташлаш керак!  
Сенларнинг гўштингни қийма-қийма қилиб ташласам  
ҳам оз! Бирортангни соғ қўймайман, ҳаммангни икки  
ҳафта отпускасиз қолдираман...»— деб бақираверди.  
Кўрдингизми, битта кучук деб шунча машмаша бўлди,  
ҳозир эригерцог ўлдирилган пайт-ку. Бундай пайтда  
метам дабдабали бўлиши учун ваҳимани жуда катта  
қилиш керак.

— Мен айбдор эмасман, мен айбдор эмасман!—яна такрорлашга тутинди сочи ҳурпайган киши.

— Исо пийгамбар ҳам айбдор эмас эди, аммо шундай бўлса ҳам уни бутга парчинлашган. Бегуноҳ одамнинг тақдирин билан ҳеч ким асло қизиққан эмас. Ҳарбий хизматда бизга «Maul halten und weiter diuken»<sup>1</sup> дейишар эди. Ҳамиша мана шундай қилиш керак.

Швейк каравотга ётди-ю уйқуга кетди.

Шу орада яна иккита кишини тутиб келишди. Уларнинг бири босниялик эди. У камеранинг у бошидан бу бошига юриб, тишларини ғижирлатар ва дам-бадам онагни деб сўкинарди. Мол тўла дўкончам полиция маҳкамасида талон-торож бўлиб кетади, деб жигибийрон бўларди. Тутиб келтирилганларнинг иккинчиси Паливец эди. У, Швейкни кўриб уйғотди ва аламли овозда:

— Мени ҳам олиб келишди!— деди.

Швейк меҳрибонлик билан унга қўл чўзиб жавоб қайтарди.

— Жуда соз. Сизни келиб олиб кетаман, деб ваъда берган жаноб ўз сўзининг устидан чиқишини билардим. Лабзда туриш жуда яхши нарса.

Лекин Паливец, бунақа лабзда туришнинг уйи куйсин, деди-да, Швейкнинг қулоғига шивирлаб, булар ўғри одамлар эмасми, тагин майфурушлигимни билиб қолишиб зарар келтириб юришмасин, деб қўйди.

Швейк унга, Голицда тегирмонни талаш мақсадида тегирмончини ўлдирмоқчи бўлган бир кишидан бошқа ҳамма ўзимизга ўхшаган кишилар: эрцгерцог касофатига ўтиришибди, деб тушунтирди.

Паливец бу гапдан ранжиб, мен қандайдир бемаъни эрцгерцог касофатига эмас, балки жаноб императорнинг ўзи учун бу ерга келганман, деди. Қолган маҳбусларнинг ҳаммаси бу гапга қизиқиб қолганларидан кейин, Паливец уларга жаноб императорни пашшалар қандай қилиб булғаб кетганлигини гапириб берди.

— Мени бадном қилишди, баччагарлар,— деди пировардида у ўзининг кулфатлариини гапириб бўлиб,— ниҳоят, турмага қамалишимга сабабчи бўлишди. Мен ўша пашшаларнинг онасини кўрсатиб қўяман!— деди пўписа қилиб Паливец.

<sup>1</sup> Тишингни-тишинига қўйиб хизмат қилавер (тарж.).

Швейк ётиб яна уйқуга кетди, лекин узоқ ухламади, чунки дам ўтмай уни терговга олиб чиқиб кетишди.

Хуллас, Швейк зинадан учинчи бўлимга чиқиб борар экан, пешанаси шўрлигига тан берар, бунинг оқиба-ти нима бўлишини ҳали билмас эди. Швейк «Даҳлизда туфлаш ман қилинади» деган ёзувни ўқиб, соқчидан тундонга туфлаш учун рухсат сўради ва ўзига хос енгил-гина илжайиб, маҳкамага кирар экан:

— Яхшиларга салом бердик!— деди.

Саломга алиқ олмиш ўрнига кимдир биров унинг би-қишига бир пиқтаб, столнинг олдига туртиб олиб борди. Стол ёнида эса, чиновник башара бир жаноб ўтирган эди. Унинг баджаҳллигини ифодаловчи совуқ башараси худди ҳозиргина Ломброзонинг «Жиноятчиларнинг типлари»\* деган китобдан чиққан кишини эслатиб ту-рарди.

У қонга тўлган кўзи билан Швейкка бақрайиб деди:

— Ўзингизни савдойиликка солманг.

— Иложим қанча,— жиддий жавоб қилди Швейк.— Савдойилигим учун мени ҳарбий хизматдан бўшатиш-ган. Алоҳида комиссия мени савдойи деб расмий эъти-роф қилган. Мен расмий савдойиман.

Башараси жиноятчиникига ўхшаш жаноб тишини гижирлатиб қўйди.

— Сизга қўйилган айб ва сиз қилган жиноятлар ақ-лингиз жойида, соғлом эканлигингизни кўрсатиб ту-рибди.

Шу гапни айтди-ю, у, Швейкнинг бир қанча жиноят-ларини қаторлаштириб санаб берди. Давлатга хиёнат қилишдан тортиб жаноб императорни ва император хо-надони аъзоларини ҳақорат қилишгача бўлган бу жи-ноятлар орасида эрцгерцог Фердинанд ўлдирилганли-гини маъқуллаганлигини алоҳида таъкидлайди. Айни вақтда бу жиноятлар орасида исёнга даъват қилиш де-ган жиноят алоҳида таъкидланиб кўрсатилди, чунки бу ҳодисалар ҳаммаси жамоатчилик жойида содир бўл-ган эди.

— Хўш, сиз бунга нима дейсиз?— сўради сержаҳл ва бадбашара жаноб ғолибона бир қиёфада.

— Шунинг ўзи етарли,— жавоб берди мулойимлик билан Швейк.— Ортиқча гапнинг ҳожати йўқ.

— Мана, кўрдингизми, ўзингиз ҳам эътироф қиляп-сиз...

— Ҳаммасига иқрорман. Қаттиқ қўллик бўлиш мутлақо зарур. Қаттиқ қўллик бўлмаса, ҳеч ким ҳеч нимани қўлга киргизолмайди. Мен ҳарбий хизматда бўлган вақтимда...

— Ёас қилинги!— бақирди полиция комиссари Швейкка.— Сиз қақат берилган саволга жавоб қайтаринги! Тушундингизми?

— Тушунмай бўладими,— деди маъқуллаб Швейк.— Ижозатингиз билан шуни айтаманки, тушуниб турибман ва сиз жаноблари айтган гапларнинг ҳаммасини фаҳмлай оламан.

— Қимлар билан алоқа қиласиз?

— Уйимдаги хизматчи хотин билан, жаноб.

— Хўш, бу ердаги сиёсий доираларда бирор танишларингиз борми?

— Албатта, жаноб. «Миллий сиёсат» газетасининг кечки нашрини ўқиб тураман, «Малла»ни\* ўқимай бўладими?

— Йўқол!— деб бўқирди баджаҳл жаноб.

Швейкни маҳкамадан олиб чиқиб кетаётганларида, у:

— Яхши тушлар кўринг, жаноб,— деди.

Швейк ўзининг камерасига қайтиб келгач, маҳбусларга, мени тергов қилишгани йўқ, нуқул масхаралашди, бир оз бақириб, сўнгра ҳайдаб юборишди, деб сўзлаб берди.


— Илгари,— деди Швейк,— тергов бунақа бўлмасди. Қандайдир бир китобда ўқиганман: айбланувчи кишилар ўзларининг беғуноҳликларини исботламоқ учун қиздирилган темир устидан яланг оёқ бўлиб юриб ўтишлари ва эритилган қўрғошнинг ичишлари керак экан. Иқрор бўлишни истамаган кишининг оёғига испанча этик кийгизиб, қаққайтириб қўяр эканлар ёки авлиё Ян Непомуцкийни куйдирганликлари\* каби ёшиб турган машъал билан биқинини куйдиришар экан. У айтишларига қараганда, худди бўғизланаётган кишидек дод солар ва сув ўтмайдиган қопга солиб Элишкин кўпригидан\* сувга улоқтирилгунча бақираверар экан. Бунақа воқеаларнинг сов-сапоғи йўқ. Сўнгра гуноҳқорни тўрт бўлак қилиб чопиб ташлашар ёки Музей олдига олиб бориб, қозикқа ўтказиб қўйишар экан. Агар жиноятчини очдан ўлиб кетсин, деб зиндонга ташлаб қўйишса, у ўзини онадан янги тутилгандек бахтиёр ҳис



Зангори Антон\* полиция бошқармасининг дарвозасидан чиқиб кетаётганида Швейк ўзининг ҳамроҳларига.

— Кеч қолган қуш кўзини ишқайди, эрта турган қуш тумшугини тозалайди,— деб қўйди.





III боб

## ШВЕЙК СУД ВРАЧЛАРИ ҲУЗУРИДА

Область жишони судининг саришта, шинам хоналари Швейкда жуда яхши таассурот қолдирди: деворлар оқланган, қора панжаралар йилтиллар, тергов турмасининг бош назоратчиси бақалоқ пан Демертини ёқасига гунафша ранг белги тақилганлиги ва шапкачасининг кизаги унинг терговчи эканлигидан далолат бериб турар эди. Уларнинг фақат бу ердагина эмас, рўза чоршанбаси ва насха ҳайити ҳафтасидаги жума куни черков маросимлари адо этилаётган вақтда ҳам, гунафша

ранг белги кийимларда бўлиши шарт қилиб қўйилган эди.

Қуддусда румоликлар ҳукмронлик қилган вақтдаги машҳур ҳодиса такрорланди. Маҳбусларни олиб чиқиб 1914 йилги Пилатлар суди бошланиши олдидан пастдаги подвалга киритиб қўйишарди, ҳозирги замон Пилатлари — терговчилар эса, қўл ювиб покиза бўлиб туриш ўрнига, қизил қалампир солиб қовурилган гўшт ва Пльзен пивосини олиб келиш учун «Тессиг» ресторанига одам юборишади, янгидан-янги айблаш материалларини давлат прокуратурасига жўнатишади.

Бу ерда ҳеч қандай маптиққа риоя қилинмайди, қонунлар параграфни ҳамма нарсадан устун, бемаънилик, ўшқирини, калака қилиш, дўқ-пўписалар, ўлдириш, шафқатсизлик параграф ихтиёрида. Бу ердагилар қонунбоз тўтиларга айланиб қолган, қонуннинг жонсиз ҳарфи қаршида сажда қилишга одатланган, ўлаксаҳўрлар, Австрия қонунларидан иборат чангалзор йиртқиқларига айланганлар, параграфларнинг миқдорига қараб айбдорга ташланадилар.

Булардан бир неча кишигина мустасно бўлиб, улар қонунни жиддий бир нарса деб қабул қилишмасди (бундайлар полиция бошқармасида ҳам бор эди). Чунки дунё фақат ёмон одамлардангина иборат эмас.

Швейкни сўроқ қилиш учун ана шундай жаноблардан бири ҳузурига олиб келишди. У хушрўй, кекса одам эди: айтишларига қараганда, бир вақтлар у таниқли қотил Валешни ҳам тергов қилган экан. У ўша тергов вақтида қотилга: «Қани, марҳамат қилиб ўтирсангиз, пан Валеш, мана бу ерда бўш стул ҳам бор», деб турар экан.

Швейкни олиб киришлари билан судья ўзига хос илтифот билан ундан ўтиришни илтимос қилиб:

— Демак, сиз ўша пан Швейкнинг ўзимисиз?— деди.

— Худди ўзи бўлсам керак, деб ўйлайман,— жавоб берди Швейк.— Модомики, отам ҳам Швейк, онамнинг исми ҳам пани Швейкова бўлган экан, мен ўз фамилиямдан воз кечиб уларга иснод келтира олмайман.

Суд терговчисининг қиёфасида илтифотли табассум пайдо бўлди.

— Сиз бу ерда ғалати ишлар қилиб қўйибсиз! Баъзи бир гуноҳларингиз борга ўхшайди.

— Мен ҳеч қачон гуноҳсиз юрмайман,— деб жавоб берди Швейк ва жаноб суд терговчисидан кўра ҳам юмшоқроқ илжайди.— Сизнинг гуноҳларингизга қараганда ҳам меники кўпроқ бўлса керак, жаноб.

Суд терговчиси тагин ҳам мулоимлашиб деди:

— Ўзингиз имзо чеккан протокол шуни кўрсатиб турибди. Полицияда сизга тазйиқ қилишмадим?

— Йўғ-е, жаноб олийлари. Бунга қўл қўйишим керакми деб ўзим улардан сўрадим, улар менга қўл қўйиш кераклигини айтганларидан кейин мен буни бажо келтирдим. Ўзим чекадиган имзо учун улар билан муштлашармидим. Бунинг менга нафи тегмас эди. Ҳамма ишда тартиб бўлиши керак.

— Пан Швейк, сиз ўзингизни соғлом ҳис қилияпсизми?

— Соппа-соғман деёлмайман, жаноблар. Бод касалим бор, малҳам суриб юраман.

Терговчи чол яна ёйрилиб жилмайиб қўйди.

— Мабодо сизни биз суд врачларига юборсак бунга нима дейсиз?

— Менимча, аҳволим унчалик ёмон эмас, менинг учун жаноб врачлар беҳуда вақт сарфламасалар ҳам бўлади. Полиция маҳкамасида бир доктор мени кўриб чиқиб, сўзакмасмисан, деб сўраган эди.

— Ҳар ҳолда, пан Швейк, сизни суд врачларига кўрсатмасак бўлмайди. Яхши врачлардан комиссия тузамиз, унгача сиз қамоқда турасиз, фурсатдан фойдаланиб ҳордиқ чиқариб оласиз. Яна бир саволим бор. Протоколдан маълум бўлишича, сиз тез орада уруш бошланиб кетади, деган овозаларни тарқатиб юрган экансиз.

— Бошланади, жаноб, жуда тез орада бошланади.

— Тутқаноқ касалингиз йўқми?

— Кечирасиз, менда бунақа касал йўқ. Ростини айтсам, бир вақт Карлови майдонида мени автомобиль туртиб юборганида ағдарилиб тушишимга сал қолган эди. Аммо бу воқеага кўп йил бўлган.

Шу билан тергов гугади. Швейк суд терговчиси билан қўл бериб хайрлашиб, ўзининг камерасига қайтиб тушди, камерадаги шерикларига бўлган воқеаларни сўзлаб берар экан, қўшиб қўйди:

— Демак, эрцгерцог Фердинанд ўлдирилганлиги сабабли энди мени суд докторлари кўриқдан ўтказар экан.

— Гидамлар ўғирлаганим учун присяжникилар судига тушганимда, деди ёш йигит,— мени ҳам суд врачлари кўриқдан ўтказишган эди. Ушанда мени ақли пастга чиқаришганди. Энди мен буғ билан ишлайдиган галла ялчиш машинасини сотиб, пулини ичиб юбордим, бунинг учун ҳам менга ҳеч бир жазо берилмайди. Кеча адвокатим менга, сизни бир марта ақли паст деб топишган бўлса, бу нарса умрбод сизга асқотаверади, деди.

— Суд врачларига заррача ишонмайман,— деди зиллинамо бир жаноб.— Қалбаки вексиллар яшаш билан шуғулланиб юрган вақтимда мен ахир бир кун фойдаси тегиб қолар деб, профессор Геверох лекцияларига бориб юрардим. Қўлга тушиб қолганимдан кейин мен ўзимни, худди профессор Геверох\* тасвирлаганидек, фалаж қилиб кўрсатавердим: комиссия аъзоларидан бири бўлган суд врачини тишлаб олдим, сиёҳдондаги сиёҳни ичиб юбордим ва сизлардан, жаноблар, кечирим сўраб шуни айтишим мумкин, бутун комиссия аъзоларининг кўзи ўнгиде бурчакка бориб ўтириб қўйдим. Аммо ўша комиссия аъзоларидан бирининг сонини тишлаб олганим учун мени мутлақо соғлом деб топишди. Демак, тишлаганлигим учун балога қолдим.

— Бунақа кўриқлардан мутлақо кўрқмайман,— деди Швейк.— Ҳарбий хизматда мени бир мол доктори кўриқдан ўтказган эди, лекин оқибати барибир яхши бўлиб чиқди.

— Суд докторларининг ҳаммаси аблаҳ!— деб тўнгиллади бужмайиб ўтирган киши.— Яқинда менинг ўтлогимдан тасодифий равишда бир скелетни ковлаб олишди, суд врачлари эса, бу одам бундан қирқ йил муқаддам бошига урилган тўмтоқ нарсанинг зарбидан ўлган экан, дейишди. Ёшим ўттиз саккизда, шундай бўлса ҳам мени қамаб қўйишди, ваҳолонки чўқинтирилганлигим тўғрисида гувоҳномам, метрика дафтаридан олинган кўчирмам ва прописка қилинганлигим тўғрисида справка бор.

— Менимча,— деди гапга аралашиб Швейк,— ҳамма нарсага бегараз қараш керак. Ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин, башарти, бирор нарса тўғрисида жуда узоқ ўйлайверсангиз, хато қилиб қўйишингиз турган гап. Врачлар ҳам одам-ку, ахир. Маълумки, хато қилмайдиган одам бўлмайди. Бир вақт мен Нуследаги Ботич\* дарёси устидаги кўприк орқали кечаси «Банзет» дан

қайтиб келатганимда бир жаноб олдимга келди-ю, қўлидаги қамчи билан бошимга урди; мен албатта, ағдарилиб тушдим, у бўлса, башарамга чироқ тутиб: «Янглишибман, бошқа одам экан!»— деди. У ўзининг шундай янглишганлигидан жиғибийрон бўлиб, яна бир марта елкамга солди. Хато қилиш одамнинг пешанасида бор экан, ўлгунича хато қилаверади. Бир вақт шундай бир ҳодиса бўлган эди: бир одам кечаси музлаб, чала ўлик бўлиб қолган кутурган итни топиб олиб, уйига олиб келибди ва хотинининг ёнига ётқизиб қўйибди. Иссиқ таъсир қилиб ит ўзига келибди ва бутун болачақасини қопибди, беланчақда ётган кичкина боласини эса ғажиб ташлабди. Ёки бизнинг ҳовлимиздаги бир токаръ қандай хато қилиб қўйганлигини ҳам мисол қилиб кўрсатиб ўтай. У уйимга келдим деб ўйлаб, калит билан бутхонанинг эшигини очибди, ўзини ошхонага кирдим деб ўйлаб, меҳробда ечишибди, ўзини ўз уйдаги ўринда ётибман деб ўйлаб, минбарга ётиб, ҳар хил дуолар битилган пардаларга бурканиб олибди, инжилни ва бошқа табаррук китобларни, ёстиғим баланд бўлсин, деб боши остига қўйибди. Бутхона қоровули эрталаб уни шу алфозда топибди, токаръ бўлса ҳушига келиб, унга тавба-тазарру қилиб, хато қилиб қўйганлигини айтибди. «Бунақа хатодан ўргилай!» дебди бутхона қоровули. «Бунақа хато касофатига энди биз бутхонани қатрон қилиб тозалашимиз керак». Кейин ўша токарни суд врачларига юборишган экан, улар токарнинг ақли ҳуши жойида, агар ҳақиқатан ўзини билмас даражада маст бўлганида эди, калитни қулфнинг тешигига тика олмаган бўлар эди, дейишибди. Кейин шу токаръ Панкрацда ўлди... Полициячиларнинг ити, машҳур ротмистр Роттернинг овчаркаси Кладнода қандай қилиб янглишганини кўрсатувчи яна бир мисолни сизларга айтиб берай. Ротмистр Роттер итларини саёқ одамларга тус-туслаб ўргатар эди. Бу нарса саёқларнинг шу қадар жонига тегдики, улар Кладно районида оёқ босмайдиган бўлиб қолдилар. Шундан сўнг Роттер жандармларга, ўлсаларнинг ҳам бирор шубҳали кишини топиб келтиришлар, деб буюрди. Бир куни жандармлар Лан ўрмонидан тузуқкича кийинган бир одамни топиб, уни ротмистр ҳузурига олиб келишди. У ўрмонда тўнкада ўтирган экан. Роттер дарров ўша одам пиджанининг этагидан бир парчасини кесиб олишни буюрди

ва шу парчани ўзи ўргатаётган итларга ҳидлатди. Кейин ўша одамни шаҳар ташқарисидаги гишт заводига олиб бориб қўйишди. Ургатилган итларни унинг изидан қўйиб юборишган эди, итлар уни топиб, қайтариб олиб келишди. Сўнгра ўша одамга шотидан чердакка чиқишни, тош девордан сакраб ўтишни, ўзини ҳовузга ташлашни буюришди, итларни эса унинг кетидан қўйиб юборишди. Ниҳоят, ўша одам радикал депутат эканлиги аниқланди, парламентда ўтиравериш жонига теккашдан кейин, бир сайр қилиб келай деб, Лан ўрмони-га борган экан. Шунинг учун ҳам мен одам хоҳ олим бўлсин, хоҳ ўқимаган аҳмоқ бўлсин, барибир одамларнинг ҳаммаси янглишиб хато қилаверади, демоқчиман. Министрлар ҳам янглишаверади.

Швейкнинг руҳий ҳолатини назарда тутганда, унинг ўзи айбноманда кўрсатилган жиноятларнинг ҳаммасини қилганлиги учун жавобгар бўла оладими, деган масалани аниқлаб бериши лозим бўлган суд медицина комиссияси учта нуфузли жанобдан иборат эди. Комиссия аъзоларидан бирининг фикри бошқа икки аъзонинг фикрига бутунлай зид эди. Комиссия аъзолари психиаторларнинг уч хил мактабига мансуб кишилар эди.

Модомки, бир-бирига қарама-қарши уч илмий лагерь намоёндалари Швейкка баҳо беришда бамаслаҳат бир фикрга келишган экан, бунинг сабаби фақат бир нарса, яъни Швейк комиссия аъзоларининг ҳаммасида жуда катта таассурот қолдирганлигидир. Швейкнинг руҳий ҳолати текшириб кўрилиши лозим бўлган залда Австрия императорининг портрети деворга осиб қўйилган эди. Швейк шу залга кириши билан: «Жаноблар, яшасин Биринчи Франц-Иосиф император ҳазратлари!» деб қичқириб юборди баланд овоз билан.

Бунинг оқибати нима бўлиши мутлақо равшан эди. Швейкнинг шундай астойдил қичқирishi туфайли унга бир қанча саволлар беришга ўрин қолмади ва фақат бир печа энг муҳим саволларнигина бериш лозим, деб топилди. Бу саволларга олинадиган жавоблар психиатрия доктори Каллерсон, доктор Геверох ва инглиз Вейкнинг\* системаси асосида Швейк тўғрисида ҳосил қилинган дастлабки фикрни тасдиқлаб бериши лозим эди.

— Радий қалайдан оғирми?

Бу саволга Швейк ёқимли жилмайиб жавоб берди:  
— Кечирасиз, мен уни тортиб кўрганим йўқ.

— Қиёмат бўлишига ишонасизми?

— Аввало, мен қиёматнинг ўзини кўришим керак. Лекин ҳар ҳолда, эртага қиёмат бўлмайди,— деди лоқайдлик билан Швейк.

— Сиз ер шарининг диаметрини ҳисоблаб чиқа оласизми?

— Кечирасиз, мен буни уддалай олмайман,— деди Швейк.— Бироқ,— деди давом қилиб Швейк,— мен ҳам сиз жанобларга битта жумбоқ айтмоқчиман. Тўрт қаватлик уйнинг ҳар бир қаватида саккизтадан дераза, томида иккита дарича ва иккита труба бор, ҳар бир қаватда иккитадан квартирант бор. Энди, сиз жаноблар, швейцарнинг бувиси қайси йили ўлганлигини менга айтиб бера оласизми?

Суд врачлари бир-бирларига маъноли қарашиб олишди. Шундай бўлса ҳам, улардан бири яна бундай савол берди:

— Тинч океанининг энг чуқур жойи қаердалигини биласизми?

— Кечирасиз, буни билмайман,— деди жавоб бериб Швейк,— лекин унинг чуқур жойи Влтава\* дарёсидаги Вишеград қоясининг тагига қараганда чуқурроқ бўлса керак, деб ўйлайман.

— Бас қилайликми?— деди лўндагина савол бериб комиссия раиси.

Лекин комиссия аъзоларидан бири яна битта савол беришга ижозат сўради:

— Ун икки минг саккиз юз тўқсон еттини ўн уч минг саккиз юз олтмиш учга кўпайтирсак қанча бўлади?

— Етти юз йигирма тўққиз,— деб жавоб берди ўйлаб-естиб турмай Швейк.

— Энди бас қилсак бўлади деб ўйлайман,— деди комиссия раиси.— Айбланувчини аввалги жойига элтиб қўйишигиз мумкин.

— Сизлардан мишнатдорман, жаноблар,— деди тавозе билан Швейк, мен ҳам бас қилсам бўлади.

Швейк чиқиб кетганидан кейин уч кишилик бу комиссия яқдиллик билан хулоса чиқарди: машҳур психиатор олимлар кашф қилган жамки табиат қонунларига кўра, Швейк гирт савдойи кишидир. Суд терговчисига топширилган хулосада яна қуйидаги сўзлар ёзилган эди.



«Қуйида имзо чеккан суд врачлари мазкур комиссия ҳузурига олиб келинган Йозеф Швейк мутлақо савдойн бўлиб туғма кретинизм дардига мубтало деган фикрга келдилар, ундаги кретинизм «яшасин император Биринчи — Франц-Йосиф» каби сўзлар айтилганлигидан кўриниб турибди, шу сўзларнинг ўзи Йозеф Швейк руҳий хаста, савдойн деб белгиламоқ учун кифоя қилади. Шунга асосан, қуйида имзо чеккан комиссия бундай деб таклиф қилади:

1. Йозеф Швейк иши юзасидан суд тергови тўхта-тилсин ва

2. Йозеф Швейкнинг руҳий ҳолати атрофдагиларга қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш учун уни психиатрик клиникага муолижага юборилсин».

Шу хулоса ёзилаётган вақтда Швейк турмадаги ўр-тоқларига қуйидагиларни ҳикоя қилиб бермоқда эди:

— Фердинандни бир чақага ҳам олишгани йўқ, аммо мен билан қандайдир бемаъни нарсалар тўғриси-да лақиллашиб ўтиришди. Ниҳоят, биз бир-биримизга кифоя қиларлик даражада гаплашиб олганлигимизни айтиб тарқалишдик.

Ўтлоғидан тасодифан скелет топиб олинган бужмай-ган киши гапга аралашиб, деди:

— Ҳеч кимга ишонмайман. Ҳамма ёқни муттаҳам-лар босиб кетибди.

— Муттаҳамлик қилмасанг иш битмайди,— деди бунга эътироз қилиб Швейк ва ичига похол тиқилган тўшакни ёя бошлади.— Агар одамлар фақат бошқалар тўғрисида меҳрибонлик қилаверганида, бир-бирлари билан тезроқ муштлашиб кетган бўлишарди.



#### IV боб

### ШВЕЙКНИНГ ЖИННИХОНАДАН ҲАЙДАЛИШИ

Швейк жиннихонада бўлганлигини кейинчалик ҳикоя қила туриб, бу муассасани гоят мақтаган эди.

— Ростини айтсам, бир нарсасига ҳайронман. Нега жиннилар, бизни жиннихонада сақлашади, деб хафа бўлишади. Жиннихонада қип-яланғоч эмаклар юрсанг ҳам, қашқир бўлиб увласанг ҳам, қутуриб дуч келган кишини тишлаб олсанг ҳам, ҳеч ким ҳеч нима демайди. Агар бирор киши кўчада шундай қилиқ қиладиган бўлса, буни кўрган одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишарди.

Аммо жиннихонада бунақа қилиқлар оддий бир нарса бўлиб қолган. У ерда социалистларнинг ҳам тушига кирмаган эркинлик бор. У ерда хоҳлаган киши ўзини худо деб ҳам кўрсатса бўлади, Биби Марям деб ҳам, Рим папаси деб ҳам, Англия қироли деб ҳам, жаноб император деб ҳам, авлиё Вацлава\* деб кўрсатса бўлаверади. (Шуни ҳам айтиб ўтайки, уни қип-яланғоч ҳолда оёқ-қўлини боғлаб бир ўзини қамаб қўйишган эди.) У ерда яна бир одам ҳам бор эди, у ҳамиша, мен архиепископман деб қичқирар эди. У, ҳеч бир иш қилмасдан, нуқул овқат ер, яна бунинг устига, уят бўлса ҳам ижозатингиз билан шуни айтишим керакки, ичар деган сўзга қофиядош сўз билан ифодаланадиган қилиқларни ҳам қилаверар эди. Аммо у ерда ҳеч ким буни уят деб ҳисобламасди. Жиншилاردан бири эса, у ерда икки порция овқат олмоқ учун ҳатто ўзини авлиё Кирилл билан авлиё Мефодей деб даъво қилар эди. У ерда яна бир мешқорин жаноб ҳам бор эди. У ҳаммани нуқул исм қўйиш тўйига таклиф қиларди. У ерда шахматчилар, сиёсатчилар, баллиқ овловчилар, скаутлар, почта маркалари тўпловчи коллекционерлар, ҳаваскор фотографлар ҳам кўп эди. Бир одамни у ерга қандайдир эски сопол кўзаларни қутилар деб атагани учун олиб келишган экан. Бошқа бир кишини эса, қиёмат қачон бўлишини ҳисоблаб чиқара олмасин деб, ҳамиша қоп ичида боғлаб сақлашар эди. У ерда мен бир неча профессорлар билан танишиб олдим. Улардан бири нуқул менинг орқамдан юриб, лўлиларнинг асл ватани Крконошеда\* деб тушутирар эди, иккинчи бир профессор эса, ер шарининг ичида сиртқи шардан анча катта бошқа бир шар бор деб даъво қилар эди. Жиннихонада ҳар ким худди парламентдагидек нимани хоҳласа шуни гапираверарди. Кунларнинг бирида жиннихонадагилар бир-бирларига эртақ айтаверишиб, қандайдир малика ёмон аҳволга тушиб қолганлиги ҳикоя қилинаётган пайтда бир-бирлари билан уришиб кетишди. Ўзини Отто Илмий энциклопедик лугатининг ўн олтинчи томи деб даъво қилиб юрган ва дуч келган ҳар бир кишидан агар сиз лугатнинг шу тоmidан «муқава тикиладиган бигиз» сўзини қидириб топмасангиз мен ўламан, деб илтимос қилиб юрган бир жаноб энг серхархаша жинни эди. Уни қопга солиб боғлаб қўйганларидан кейингина тиниб-тиничиди. Шундан сўнг у мени муқавалаб қўйишди, деб

мақтана бошлади ва муқавани бежирим, чиройли қилиб қирқишни илтимос қилишга тутинди. Хуллас, жинни-хонада ҳамма худди жаннатдагидек яшар эди. У ерда қичқирсангиз ҳам, бўқирсангиз ҳам, ашула айтсангиз ҳам, йиғласангиз ҳам, маърасангиз ҳам, чинқирсангиз ҳам, сакрасангиз ҳам, ибодат қилсангиз ҳам, дўмбалоқ ошганча тўрт оёқлаб юришу, бир оёқлаб сакрасангиз ҳам, чир айланиб югуриб, ўйинга тушсангиз ҳам, лўкиллаб югурсангиз, кун бўйи чордона қуриб ўтирсангиз ҳам ёки деворга тармашсангиз ҳам ҳеч ким олдингизга келмайди ва «менга қаранг, бундай қилиш ярамайди, бундай қилиш уят, айб бўлади, ахир сиз маданиятли кишисиз-ку», деб айтмайди. Лекин тўғрисиини айтиш керакки, у ерда фақат индамас жинниларгина бўларди. Масалан, у ерда ихтирочи бир олим ҳам бор эди. У ҳамisha бурнини ковлаб ўтирар ва кунига бир марта: «Мен ҳозиргина электрин кашф қилдим», деб айтиб қўярди. Яна бир неча кун бўлдим, шу кунларни мен ўз ҳаётимдаги энг яхши кунлар деб ҳисоблайман.

Дарҳақиқат, Швейкни синаб кўрмоқ учун уни область жинной судидан жиннихонага олиб келишганида Швейкни у ерда ўзи кутганидан кўра ҳам яхшироқ қабул қилиб олишди. Аввало, Швейкни қип-яланғоч қилиб ечинтиришди, сўнгра халат бериб чўмиладиган жойга олиб боришди, уни қўлтиқлаб кетаётган санитарлардан бири яҳудийларнинг латифаларини ҳикоя қилиб, хурсанд қилиб борди. Чўмиладиган жойда уни илиқ сув солиб қўйилган ваннага туширишди, сўнгра ваннадан чиқариб совуқ душ остига турғизиб қўйишди. Уч марта шундай қилишганидан кейин, ёқяптими, деб сўрашди. Швейк бу чўмилиш Карлови кўприги олдидаги ҳаммомда чўмилишдан ҳам яхшироқ бўлди ва мен чўмилишни жуда яхши кўраман, деб жавоб берди. Сўнгра у ёқимли табассум билан: «Агар тирпоқларимни қирқиб, сочимни ҳам олиб қўйсангиз, жуда бахтли бўлардим», деб ҳам қўйди.

Унинг истагини бажо келтиришди. Сўнгра Швейкни яхшилаб уқалаб, ходими қилиб қўйишди, чойшабга ўраб, биринчи бўлимга олиб бориб ўринга ётқизишди. Уни ётқизиб, кўрпага ўраб, энди ухланг, деб илтимос қилишди.

Швейк ўша вақтни ҳозир ҳам хурсандлик билан эслайди:

— Узингиз ўйлаб қаранг, мени авайлаб кўтариб, ўринга ётқизиб қўйишди-я. Уша пайтда мен ўзимни жаннатда юргандек ҳис қилдим.

Швейк ўринда дарров ухлаб қолди. Сўнгра уни уйғотиб, бир кружка сут ва оппоқ нон беришди. Нон бурда-бурда қилиб кесиб қўйилган эди, санитарлардан бири Швейкнинг қўлларидан ушлаб, иккинчиси нонни сутга ботирганча, унинг оғзига солиб турди, Швейкни худди розларни думалоқ хамир билан боққандек парвариш қилишди.

Сўнгра Швейкни қўлтиғидан ушлаб, ҳожатхонага олиб боришди, у ерда ундан каттасини ҳам, кичигини ҳам бемалол қилаверинг, деб илтимос қилишди.

Швейк мана шу ажойиб дақиқа тўғрисида оғзидан бол томиб ҳикоя қилади. Кейин Швейкни нима қилганликлари тўғрисида унинг ўзи айтган гапларни такрорлашга ботина олмаймиз. У хотирлаб айтган биргина жумлани келтирамиз: «Улардан бири ўшанда мени қўлида кўтариб тўсиб қўйди», деган эди Швейк.

Сўнгра уни қайтариб олиб бориб, ўринга ўтқизишди ва ухлай беринг, деб яна илтимос қилишди. Бир оз ўтгач уйғотишиб, врачлар кўригидан ўтказиш учун кабинетга олиб боришди. Швейк шу кабинетда иккита врач олдида қип-яланғоч бўлиб туриб, аскарликка олиш вақтини эсга туширди ва унинг оғзидан бехитнёр:

— Таугlich! деган сўз чиқиб кетди.

— Нима деяпсиз?— сўради докторлардан бири.— Беш қадам олдинга, беш қадам орқага ташланг.

Швейк ўн қадам босди.

— Ахир, мен сизга беш қадам босинг, деб айтдим-ку,— деди доктор.

— Ортиқча қадам қўйсам камайиб қолмайман.

Шундан сўнг докторлар Швейкдан стулга ўтиришни талаб қилишди; улардан бири Швейкнинг тиззасига бир неча марта шапиллатиб уриб қўйди, сўнгра ўзининг шеригига, бунинг рефлекслари жуда нормал ишлаб турибди, деган эди, у бошини қимирлатиб қўйди ва Швейкнинг тиззасига уриб шапиллатди, шу пайтда биринчи доктор Швейкнинг қовоғини кўтариб, кўз қора

---

<sup>1</sup> Ярайди. (Немисча.)

чиқларини кўрмоқда эди. Сўнгра улар стол ёнига бориб, бир-бирларига бир неча лотинча сўзлар айтишди.

— Қани айтинг-чи, сиз ашула айтишни биласизми?— сўради Швейкдан докторларнинг бири.— Сиз бизга бирор қўшиқ куйлаб бера олмайсизми?

— Жоним билан,— жавоб берди Швейк.— Гарчи овозим бўлмаса ҳам, музикадан беҳабар бўлсам ҳам, аммо сизлар ашула эшитиб ҳузур қилмоқчи бўлган экансиз, билган ашуламни албатта айтиб бераман.

Швейк шу гапни айтди-ю, ашулани бошлаб юборди:

Мунча энди, мопах йигит,  
Эгдинг азиз бошингни,  
Қаро ерни куйдирасан  
Тўкиб қайноқ ёшингни...

— Бу ёғини билмайман,— деди ашулани тўхтатиб Швейк.— Агар хоҳласангиз, бошқа бир ашулани айтиб бераман:

Оҳ, дилимни эзди жуда  
Кўксимни ғам тўлдириб.  
Йўлларингга кўз тикаман  
Остонада ўтириб,  
Қайда қолдинг, жонгинам.

— Бу ашулани ҳам охиригача билмайман,— деди энтикиб Швейк.— «Ватаним қаерда»\* ашуласининг биринчи байтини, сўнгра «...Виндишгрец»\* ва бошқа генераллар тоғда уруш бошлади» деган ашулани, бундан ташқари, яна «Э худо, подшоҳимизни ўзинг асра», «Тўппа-тўғри Яромерга йўл олдик»\* ва «Ростин айтсам, дўстларим...» сингари бир-иккита оддий халқ қўшиқларини ҳам биламан.

Иккала доктор бир-бирига қараб қўйишди, улардан бири сўради:

— Сизнинг руҳий ҳолатингизни илгарин ҳам ҳеч текшириб кўришганмиди?

— Ҳарбий хизматда текшириб кўришган эди,— деб

таитанали жавоб берди Швейк.— Жаноб ҳарбий врачлар мени расмий равишда бутунлай савдойи деб топишган эли.

— Чамамда, сиз муғамбирлик қиялпсиз!— деди иккинчи доктор Швейкка ўшқириб.

— Асдо муғамбир эмасман, жаноблар,— ўзини ҳимоя қилишга уринди Швейк.— Мен бориб турган савдойининг ўзиман. Чехия Будейовицасидаги Тўқсон биринчи полк маҳкамасидан ёки Карлендаги Запасдагилар бошқармасидан суриштириб кўришингиз мумкин.

Бош врач умидини узиб қўл силтади ва санитарларга Швейкни кўрсатиб, деди:

— Бу одамга кийимларини қайтариб беринг ва уни биринчи коридордаги учинчи бўлимга топширинг. Сўнг-ра биттангиз қайтиб келасиз ва ҳамма ҳужжатларни маҳкамага олиб борасиз. Бу одам бизга узоқ вақт товон бўлиб юрмаслиги учун у ердагиларга, бу ишни чўзаверманглар, деб қўйинг.

Врачлар тавозе билан таъзим қилиб, эшикка томон тисарилаётган Швейкка яна бир марта жирканиб қараб қўйишди. Санитарлардан бири, кўп аҳмоқлик қилаверма деган эди, Швейк бунга жавобан тегишли жавоб берди:

— Ахир, мен кийинганим йўқ-ку, онадан туғмадек қип-яланғочман-а. Бу жанобларни мени нодон ёки сурбет экан деб ўйлашга мажбур қиладиган нарсани уларга кўрсатмай қўя қолай, деб шундай қиялпман.

Санитарлар, Швейкка кийимлари қайтариб берилсин, деган буйруқ олган пайтларидан бошлаб унинг гамини эмай қўйишди, унга кийинишни буюришди ва улардан бири Швейкни учинчи бўлимга олиб бориб қўйди. Швейкни жиннихонадан чиқариб юбориш тўғрисидаги ҳужжатлар маҳкамада расмийлаштирилгунча уни учинчи бўлимда бир неча кун сақлаб туришди, шунинг учун ҳам Швейк бу жойни тўла кўздан кечириш имконига эга бўлди. Алданган врачлар Швейк тўғрисида: «Ақли паст, муғамбир», деган хулоса ёзиб берди.

Тушки овқат эндигина бошланай деб турган пайтда Швейкни шифохонадан чиқариб юборганликлари сабабли бир оз гап-сўз ҳам бўлиб ўтди.


Швейк мени жиннихонадан ҳайдаб чиқараётган бўл-

сангиз ҳам, лекин овқат бермасликка ҳақингиз йўқ,  
деди.

Бу жанжални чақиртириб келинган полиция тўхта-  
тиб, Швейкни Сальмови кўчасидаги полиция комисса-  
риятига олиб кетди.







V боб

## ШВЕЙК САЛЬМОВИ КҮЧАСИДАГИ ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИАТИДА

Жиннихонадаги фароғатли яхши кунлардан кейин Швейк учун нуқул кулфат ва қувғин, хуллас, машаққатли дамлар бошланди. Полиция инспектори Браун Швейкни машҳур император Нерон замонидаги римлик жаллодлар кутиб олгандек қабул қилди. Уша жаллодлар: «Бу ярамас христианны шерлар олдига ташланглар!» деб ўз вақтида шафқатсиз буйруқ беришган бўлса, инспектор Браун ҳам:

— Уни турмага тиқиб қўйинглар!— деб буюрди.

Бор-йўғи айтган гапи шу бўлди. Аммо полиция инспектори шу сўзларни айтаётганида унинг қиёфасида қандайдир калака қилиш аломатлари кўринган эди. Швейк таъзим қилиб, одмиликни қўлдан бермай, деди:

— Мен тайёрман, жаноблар. «Қамоққа» деган сўзигизни яққа маҳбус ўтирадиган хона деб тушундим, бу ҳам ёмон эмас.

— Сен бу ерда жуда ҳам сергап бўлаверма,— деди полиция инспектори. Швейк эса, бунга жавобан:

— Мен камтар одамман, мен учун нияйинки қилсангиз, ҳаммасига миннатдор бўлавераман,— деб қўйди.

Камерадаги тахта каравот устида қандайдир бир киши ўйга толиб ўтирарди. Унинг қиёфасидан ҳамма нарсага бепарво эканлиги кўриниб турарди. У ўзини қамоқдан бўшатиб юбориш учун эшик очилганлигига ишонгани келмаётгандай эди.

— Салом бердик, жаноблари,— деди Швейк, каравотга ўтирар экан.— Ҳозир соат нечаллигини билмай-сизми?

— Соат қаёқда-ю, мен қаёқда,— жавоб берди жиддий қиёфали жаноб.

— Бу ер чакки эмас экан,— деди гапни улаб кетишга уриниб Швейк.— Каравотни рандаланган ёғочдан қилишибди.

Жиддий қиёфали жаноб жавоб бермади, ўрнидан туриб, эшик билан каравот ўртасида тез-тез қадам ташлаб, худди бирор нимани қутқариб қолишга шошаётгандек у ёқдан-бу ёққа юраверди.

Швейк эса бу пайтда деворларга тирнаб ёзилган хатларни қизиқиб кўздан кечирмоқда эди. Қандайдир бир маҳбус шу хатларнинг бирида полицияга ҳаёт-мамот уруши эълон қилибди. Хатда бундай дейилган эди: «Сизлар бундан осонликча қутулмайсиз!» Бошқа бир маҳбус: «Сенларни бир чақага олмайман, хўрозлар!»\* деб ёзиб қўйибди. Учинчи бир маҳбус бор фактни қайд қилиб қўй қонти: «Бу ерда мен 1913 йил 5 майда ўтирдим, мен билан тузук муомала қилишди. Вршовицдаги баққол Йозеф Маречек». Маъносининг чуқурлиги билан ҳайратда қолдирадиган: «Гуноҳимни кечир, э худо!» деган ёзув ҳам бор эди.

Шу ёзувнинг остига эса: «Менинг к...имни ўпинглар», деб ёзиб қўйишибди.

Аммо кимдир «к» ҳарфини ўчириб ташлаб, унинг

ёнига катта ҳарфлар билан: «ФАЛДУ» деб ёзиб қўйибди. Унинг ёнига қандайдир шоир табиат бир киши қуйидаги сатрларни тирнаб битибди:

Ултирибман анҳор лабида ғамгин,  
Нўққилар ортига чўкмоқда офтоб.  
Мен севган яккаю ёлғиз нозанин  
Адирлар ортида чекмоқда азоб.

Эшик билан каравот ўртасида худди Марафон пойгасида мусобақалашгандек тинмай югуриб турган жаноб энтикиб тўхтади, ўзининг аввалги жойига ўтириб, бошини қўли билан ушлагани ҳолда тўсатдан фарёд қила бошлади:

— Мени чиқариб юборинглар!.. Йўқ, улар мени чиқаришмайди,— у бирмунча тўхтаб, ўзига гапираётгандек деди,— чиқаришмайди, йўқ, йўқ. Бу ерда мен эрталаб соат олтидан бери ўтирибман.

У нима учундир бирданига сергап бўлиб қолди. Урниндан туриб, Швейкнинг олдига келди:

— Ўзимни ўлдириб шу ғамдан қутулмасам бўлмайди, камарингиз йўқми?

**Швейк** камарини еча туриб, деди:

— **Жоним** билан сизга хизмат қилишга тайёрман. Якка маҳбус турадиган камерада ўзини камарга осган кишини сира кўрмаган эдим.... Аттанг, буни қарангки,— деди у камерага кўз югуртириб,— бу ерда битта ҳам илгак йўқ экан. Деразанинг тутқичи сизни кўтара олмайди. Ё бўлмаса, тиз чўкиб ўзингизни каравотга оса қоласизми, Эмауз монастирида бир монах ёш яҳудий қизни яхши кўриб қолиб ўзини катта бутга осиб ўлдирган эди, сиз ҳам шунақа қилиб қўя қолинг. Ўзини ўлдирадиган одамларни жуда яхши кўраман. Қани, кела қолинг...

Швейк камарини қовоғи солиқ жанобнинг қўлига тутқазди, жаноб камарга тикилиб қаради-да, уни бир бурчакка улоқтириб юборди, ҳўнграб йиглаб, ифлос қўллари билан кўз ёшларини артди-да, бақира бошлади.

— Бола-чақалик одамман, аммо бу ерда мени ичкиликбозлик ва хотинбозлик қилди деб қамаб қўйишибди, ё тавба! Бечора хотинимнинг шўри қуриди! Хизматдагилар менга нима дейишади! Бола-чақалик одамман!

Аммо бу ерда мени ичкиликбозлик ва хотинбозлик учун қамаб қўйишибди!

Хуллас, шу алфоздаги гапларни тинмай такрорлай-верди.

Ниҳоят, у бир оз тинчигандек бўлди, эшик олдига келиб уни қўли билан уриб, оёғи билан тегиб тақиллата бошлади. Эшик орқасидан қадам товушлари, ниҳоят, одам овози эшитилди:

— Нима гап?

— Мени чиқариб юборинглар!— бу гапни у худди ўлим олдидаги васият оҳангида айтди.

Эшик ортидан бунга жавобан:

— Қаёққа?— деган савол эшитилди.

— Хизматимга юборинглар,— деб жавоб берди бечора ота, эр, чиновник, пияниста ва хотинбоз.

Жимжит коридорда қаттиқ кулги эшитилди.... Сўнгра қадам товушлари яна тиниб қолди.

Швейк гамгни камерадоши ёнига келиб ўтирганидан кейин, унга деди:

— У жаноб сизни жуда ёмон кўрса керак, бўлмаса шунчалик масхара қилиб кулармиди! Жаҳли чиққан турмачининг қўлидан ҳар қандай ёмонлик келаверади. Агар у ғазабланса, ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмайди. Модомики сиз ўзингизни осииш ниятидан қайтган бўлсангиз, индамай ўтираверинг, пешанангиздагини кўраверасиз. Ҳақиқатан ҳам сиз чиновник, хотинбоз, болачақалик бўлсангиз, сизга жуда оғир. Агар янглишмасам, сиз мени хизматдан ҳайдаб юборадим, деб қўрқаётган бўлсангиз керак.

— Бир нима дейиш қийин,— деди хўрсиниб у.— Бутун гап шундаки, нима қилиб қўйганимни ўзим ҳам билмайман. Фақат шу нарсани биламанки, мени қасрдандир итариб юборишди, лекин мен у ерга қайтиб бориб, сизга чекмоқчи бўлдим. Улфатчилигимиз жуда яхши бўлгандек эди... Биласизми, бўлимимизнинг бошлиғи туғилган куни муносабати билан бизни майхонага зиёфатга таклиф қилди, кейин биз у майхонадан иккинчи майхонага ўтдик, сўнгра, ундан учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчиси-сига...

— Санаш учун сизга ёрдамлашиб юборсам бўлади-ми?— деди илтифот билан Швейк.— Бунақа ишларни яхши биламан. Қушларнинг бирида мен бир кечанинг

Ўзида бунақа жойлардан йигирма саккизтасига кириб чиқибман, лекин ўзимга қойил қолиб шуни айтишим керакки, шу жойларнинг бирортасида ҳам уч кружкадан ортиқ пиво ичганим йўқ.

Ўзининг туғилган кунини шу қадар яхши зиёфат билан ўтказган ўша бошлиқнинг қўлида ишловчи бечора ходим гапини давом эттириб, деди:

— Хуллас, биз ҳар хил майхоналарга кириб чиққанимиздан кейин, қарасак, бошлиғимизни йўқотиб қўйибмиз. Уни арқонга боғлаб, ит етаклагандек судраб юрган бўлсак ҳам қўлдан чиқариб юборганимизни билмай қолибмиз. Шундан сўнг ҳаммамиз уни қидира бошладик, ниҳоят, биз ҳам бир-биримизни йўқотиб қўйдик. Мен Виноградигаги тунги майхоналардан бирнга кириб қолибман, жуда яхши майхона экан, у ерда ликёр шишасини олиб шу шишанинг оғзидан ичавердим. Кейин нималар қилганим эсимда йўқ... Фақат бу ерга, комиссариатга келиб қолганимни биламан. Иккита полиция ходими, мени ичиб маст бўлди, ножўя ҳаракатлар қилди, бир хонимни калтаклади, қўлидаги пичоқчаси билан бировнинг қозиқдаги шляпасини олиб қирқиб ташлади, хогинлар капелласини ҳайдаб юборди, обер-кельнерни ўн икки крои пул ўғирлади деб ҳамманинг олдида айблади, ўзи ўтирган стол устидаги мрамар тахтани синдириб ташлади ва ёнидаги столда турган бировнинг қора кофесига атайин тупурди, деб рапорт берганини биламан холос. Шундан бошқа ҳеч нарса қилганим йўқ... Ҳар ҳолда яна бирор ёмонлик қилганлигимни эслай олмайман... Гапимга ишонаверинг, ўзим тузуккина зиёли одамман, оиламдан бошқа ҳеч нимани ўйламайман. Хўш, сиз бунга нима дейсиз? Ахир, мен қандайдир жанжалкаш одам эмасман-ку!

Швейк жавоб бериш ўрнига, қизиқиб сўради:

— Ўша мрамар тахтани синдиришга кўп овора бўлдингизми, ёки бир урушдаёқ иккига бўлиб ташладингизми?

— Бир уришдаёқ парчалаб ташладим,— деб жавоб берди зиёли жаноб.

— Бўлмаса ишингиз пачава,— деди ўйлаб туриб Швейк.— Сизга, узоқ машқ қилиб, бунинг учун анча тайёргарлик кўргансиз, деб исбот қилиб беришади. Сиз номаълум жанобнинг кофесига тупурибсиз, ўша кофе ром аралашмиди ёки ром аралашмаганмиди?— Швейк

Ўзининг бу саволига жавоб кутмай, тушунтириб берди:— Агар ром аралашган бўлса ёмонроқ бўлади, чунки ром аралашган кофе қимматроқ туради. Судда ҳаммасини ҳисоблаб чиқишади ва сизни бирор жиддий жиноятда айбламоқ учун шу ҳисобларнинг ҳаммасини яқунлаб қўйишади.

— Судда дейсизми?..— деди ёлворган овоз билан ўтакаси ёрилиб муҳтарам мазкур оила бошлиғи. Шу гапни айтди-ю, бошини энгаштириб виждон азобида қолган одамдек, маънос бўлиб қолди.

— Қамалиб қолганингиздан уйдагилар хабардорми, ёки буни фақат газеталардан ўқиб билишадими?— савол берди Швейк.

— Ҳали бу тўғрида газеталарда ҳам ёзилиб чиқадими?— соддалик билан савол берди ўз бошлиғи турилган кунда ўтказилган зиёфатдан зарар кўрган зиёли.

— Сира ҳам оқизмай-томизмай ёзишади,— деб астойдил жавоб берди Швейк, чунки Швейкда бирор нимани ўз суҳбатдошидан яшириш одати йўқ эди асло.— Бунақа нарсалар газетхонларга жуда ёқади. Мен ўзини ҳам ичкиликбозлик қилганлар ва уларнинг жанжал-суронлари тўғрисидаги хабарларни ҳамани маза қилиб ўқийман. «Товоқ устида» қовоқхонасида яқинда бир киши ичиб ўтириб, ғалати ҳунар кўрсатди: пиво кружкаси билан ўзининг бошини уриб ёрди. Кружкани баландга иргитиб, боши билан илиб олмоқчи бўлди. Кейин уни олиб кетишди. Эрталаб эса, биз бу тўғридаги хабарни газеталарда ўқидик. Ёки масалаи, кунларнинг бирида мен «Бендловка»\* да тобутсозлик устахона чироқчисининг тумшугига туширдим, у ҳам менга жавоб қайтарди. Бизларни яраштириш учун иккаламизни қамаб қўйишди, бу тўғридаги хабар дарров «Оқшом» газетасида босилиб чиқди... Ёки яна бир ҳодисани айтиб берай. «Мурда» кафесида бир ўнбоши иккита ликонни чил-чил қилиб ташлади. Хўш, уни амалдор деб аяшди, деб ўйларсиз? Эртасигаёқ газетага ёзилди... Сизнинг фақат битта иложингиз бор: раддия ёзиб, турмадан газетага юборинг, ўша раддияда газетада босилган хабарнинг менга тааллуқлиги йўқ, газетага ёзилган шахс гарчи мен билан фамилиядош бўлса ҳам, аммо у менга қариндош ҳам эмас, у билан ҳеч қандай алоқам ҳам йўқ, деб айтасиз. Уйингизга эса, алоҳида хат ёзиб юборинг, шу хатда газетада босилиб чиққан раддияни кесиб олиб

яшириб қўйинглар, кейин мен ўз муддатимни тамомлаб қамоқдан чиққанимдан кейин ўқийман, деб айтиб қўйинг... Совуққотяпсизми?— деб сўради раҳмдиллик билан Швейк жаноб зиёлининг безгак тутгандек қалтираётганини кўриб.— Бу йил ёзнинг охири нима учундир салқинроқ келди.

— Мен тамом бўлдим!— ҳўнграб йиғлади Швейкнинг суҳбатдоши.— Энди меннинг мартабамни асло оширишмайди...

— Нимасини ҳам айтасиз,— деди яна раҳмдиллик билан Швейк.— Агар қамоқ муддатини ўтаб чиққанингиздан кейин сизни хизматга қайтиб олишмаса, билмадим, бошқа бирор жойни тезроқ топармикинсиз, чунки ҳамма жойда, ҳаттоки ҳаром ўлган молларнинг терисини шилиб оладиган жойда хизмат қилишни истасангиз ҳам, сиздан ахлоқингиз яхшилиги тўғрисида справка талаб қилишади. Ҳақиқатан ҳам бу ҳузур-ҳаловат сизга жуда қимматга тушади... Хўш, айтнинг-чи, сиз қамоқда ўтирган вақтингизда хотин, бола-чақангизнинг тирикчилик ўтказиш учун бирор нимаси борми? Ёки хотинингизнинг худо йўлига деб гадойлик қилиши, болаларингизга эса ҳар хил фирибгарликларни ўргатиши лозим бўлиб қоладими?

**Бунга жавобан Швейкнинг суҳбатдоши ҳўнграб йиғлаб юборди:**

— Бечора болаларим! Бечора хотиним!

Тавбасига таянган гуноҳкор ўрнидан туриб, болаларни тўғрисида гап бошлади:

— Бешта болам бор, энг каттаси ўн икки ёшда, ўзи скаутлар ташкилотининг аъзоси, сувдан бошқа нарсани ичмайди, ўз отасига ибрат бўла олади. Унинг отаси худо ҳаққи, умрида биринчи марта шундай шармандагарчиликка учраб турибди.

— Уғлингиз скаутми?— деб хитоб қилди Швейк.— Скаутлар тўғрисидаги гапларни эшитишни яхши кўраман. Кунларнинг бирида, Чески Будейовици округининг Жарлик районида, Злива яқинидаги Миловар деган жойда, бизнинг Тўқсон биринчи полкимиз машқ ўтказётган вақтда теварак-атрофдаги деҳқонлар скаутларни тутиб олишга отланишди, чунки деҳқонларнинг ўрмонида скаутлар ўша вақтда жуда кўпайиб кетган эди. Учта скаутни тутиб келтиришди. Бунга қаранг, ўша уч боладан энг кичкинаси ушлаб олинаётган вақтда шу

қадар жон-жаҳди билан чийиллаб йиғлардики, бизлар кўпни кўрган солдатлар бўлсак ҳам, унинг аҳволига юрагимиз ачиб кетди, бу аҳволни кўриб туриб нидай олмай... ўзимизни нарига олиб қочдик. Уша учта скаутни деҳқонлар қўл-оёғини боғлаб қўйгунча саккиз кишини тишлаб олишди. Кейин қишлоқ оқсоқоли дарра билан урганидан кейин улар, бутун округда биз офтобда исиниб пайҳон қилмаган битта ҳам ўтлоқ қолгани йўқ, деб иқрор бўлишди. Ҳа, айтгандек, улар яна бир нарсасага ҳам иқрор бўлишди: деҳқонлар ўрмонида битта кийикни тутиб олиб, сўйиб, бутунлигича сихга тортиб кабоб қилаётган пайтларида Ражиц деган жойда эндигина ўриб олинмоқчи бўлган қора буғдой тасодифан ёниб кетибди. Кейин скаутларнинг ўрмондаги уясидан ҳар хил уй паррандалари ва ўрмон ҳайвонларининг ғажиб ташланган эллик килодан кўпроқ суяги, жуда кўп олча данаги, беннҳоя кўп тишлаб ташланган хом олмалар ва яна кўпгина бошқа ҳар хил шу каби нарсалар топилди.

Лекин скаутнинг бечора отаси шунча гапларни эшитиб ҳам ўзига келолмади.

— Нималар қилиб қўйдим!— деб нола қилаверди у.— Обрўйимни бир пул қилдим!

— Худди шундай,— деб тасдиқлади Швейк ўзига хос самимият билан.— Шу воқеалардан кейин обрўйингиз умрбод бир пул бўлди. Чунки шу воқеа газеталарда ёзилиб чиққанидан кейин бунга таниш-билиш, ошналарнингиз ҳам анча-мунча нарсани кўшиб ҳикоя қилишаверади. Шундай қилиниши одат бўлиб қолган, яхшиси, бунга эътибор берманг. Обрўси тўкилган одамлар оламда обрўси тўкилмаган одамлардан кўра ўн барабар кўп бўлса керак. Обрўйим тўкилди деб, хафа бўлаверманг.

Коридорда қаттиқ-қаттиқ юриб келаётган кишининг қадам товушлари эшитилди, қулфга шақиллатиб калит солинди, эшик очилди ва полиция Швейкни чақирди.

— Кечирасиз,— деди тавозени қўлдан бермай Швейк.— Бу ерда мен фақат кундуз соат ўн иккидан бери ўтирибман, аммо бу жаноб эрталаб соат олтидан бери шу ерда. Мен унчалик шошилаётганим йўқ.

Жавоб бериш ўринга бақувват қўл Швейкни коридорга тортиб чиқарди, навбатчи эса уни индамай зинадан иккинчи қаватга олиб чиқди.



Швейк кирган хонада — олифтагина, йўғон полиция комиссари стол ёнида ўтирарди. У Швейкка қараб, деди:

— Эҳе, Швейк сиз экансиз-да? Қандай қилиб бу ерга тушиб қолдингиз?

— Қандай қилиб бўларди,— жавоб берди Швейк.— Мени бу ерга полициянинг ўзи олиб келди, чунки жиннихонадан овқатсиз чиқариб юборганликлари менга ёқмади. Ҳар қалай кўчада қолган хотин эмасман.

— Биласизми, Швейк,— деди муросага келмоқчи бўлиб комиссар,— бу ерда, Сальмови кўчасида сиз билан жанжаллашиб ўтиришимизнинг нима ҳожати бор? Агар сизни полиция бошқармасига юборсак яхшироқ бўлмасмикин?

— Ростини айтсам, сизнинг қўлингиздан ҳамма нарса келади,— деб мамнуният билан жавоб берди Швейк.— Дарҳақиқат, кечқурун полиция бошқармасига юриб бориш унчалик ёмон бўлмайди, бундай юриб бориш озроқ бўлса-да, лекин жуда ёқимли сайр бўлади.

— Сиз билан осонгина келишиб олганлигимга жуда хурсандман,— хурсанд бўлиб яқунади полиция комиссари.— Келишиб олишдан ҳам яхшироқ нарса борми. Шундай эмасми, Швейк?

— Мен ҳам бошқалар билан маслаҳатлашишни жуда яхши кўраман,— жавоб берди Швейк.— Сизнинг бу яхшилигингизни асло унутмайман, бу гапимга ишонинг, жаноб комиссар.

Швейк икки букилиб таъзим қилиб, полициячи билан бирга пастга, қоровулхонага тушди, чорак соатдан сўнг уни Ечная кўчаси билан Карлови майдони бурчагида полициячи билан кетаётганлигини кўриш мумкин эди. Полициячи немисча: «Arristantenbuch»<sup>1</sup> деб ёзиб қўйилган қалин дафтарни қўлтиқлаб олган эди.

Спаление кўчасининг бурчагида Швейк ва унинг соқчиси ёпиштирилган эълон олдида тўпланиб турган одамларга дуч келишди. Соқчи Швейкка деди:

— Бу император аъзамнинг уруш эълон қилганликлари тўғрисидаги манифест.

— Шундай бўлади, деб қўйган эдим,— деди дафтардан Швейк.— Жиннихонадагилар гарчи буни биринчи

---

<sup>1</sup> Маҳбуслар рўйхати ёзилган дафтар (немисча).

манбадан билишлари лозим бўлса ҳам, аммо ҳали бу тўғрида ҳеч нимадан хабарлари йўқ.

— Бу билан нима демоқчисиз?— сўради полициячи.

— Ахир, у ерда офицер жаноблар кўп-ку,— изоҳ берди Швейк.

Улар манифест олдида тўпланишиб турган бошқа бир одамлар тўдасига яқинлашганларида Швейк баланд овоз билан қичқирди:


— Яшасин император Франц-Иосиф! Биз енгамиз!

Ҳаяжонланиб турган одамлар орасидан кимдир биров бир уриб Швейкнинг қалпоғини қулোগига тушириб қўйди ва шоввоз солдат Швейк тўпланган халойиқ олдида шу алфозда иккинчи марта полиция бошқармасининг дарвозасидан ичкарига кирди.

— Бу урушда биз албатта ютиб чиқамиз, мен буни яна бир марта такрор айтаман, жаноблар!— деди Швейк орқасидан келаётган халойиқдан ажрала туриб.

Қадим замонларда Европада тарқалган эртаги кун ҳатто бугунги куннинг режаларининг ҳам бузиб юборади, деган ҳақ гап яна бир бор неботланди.





VI боб

## ШВЕЙКНИНГ КҮП КУЛФАТЛАРДАН ҚУТУЛИБ УЗ УЙИГА ҚАЙТИШИ

Полиция бошқармасида халққа ёт ҳокимият аломатлари сезилиб турарди. Бу ҳокимият уруш эълон қилинганига халойиқ қай даражада хурсанд бўлганлигини кузатиб борарди. Узига бутунлай ёт бўлган манфаатлар учун қонга беланиши муқаррар кўриниб турган, ўз халқидан ажралиб қолмаган бир неча кишини мустасно қилганда, полиция бошқармаси ваҳший бюрократлар йиғиндисидан иборат эди. Бу ваҳший бюрократлар фақат турма ва дорлардан ҳар томонлама фойдаланиш

йўли билангина бемаъни қонунларни сақлаб қолиш мумкин, деб ҳисоблар эдилар. Айни вақтда улар қўлларига тушган қурбонларга заҳархандали илжайиб муомала қилар, ҳар бир айтган сўзларини олдин обдан ўйлаб кейин бемалол гапираверардилар.

Ана шу бюрократлардан\* бири ҳузурига Швейкни олиб келганларидан кейин, заҳархандали тиржайиб деди:

— Афсус, минг афсус, яна бизнинг қўлимизга тушибсиз. Тузалиб кетарсиз, деб ўйлаган эдик... лекин аттанг, янглишибмиз.

Швейк гапингиз тўғри, дегандек индамай бошини қимирлатиб қўйди, бюрократ одамга шундай маъсум қиёфада термилдики, буни кўрган полициячи унга савол назари билан қараб туриб, кескин овозда деди:

— Сиз ўзингизни овсарликка солманг!— Бироқ дам ўтмай у яна мулойим оҳангда гапни давом эттирди:— Ростини айтсам, сизни қамоқда ушлаб туриш бизга ёқмайди. Менимча, сизнинг айбингиз у қадар катта эмас, чунки ақлингиз камлигини эътиборга олганда, сизга бунақа гапларни, ҳеч шубҳасиз, бошқалар ўргатганлиги кўриниб турибди. Қани айтинг-чи, пан Швейк, бунақа бемаъниликни сизга ким ўргатяпти?

Швейк бир йўталиб олиб, жавоб берди:

— Кечирасиз, мен ҳеч қандай бемаънилик қилаётганим йўқ.

Бюрократ ясама меҳрибонлик оҳангида ўз гапини давом эттирди:

— Бу ерга сизни олиб келган полициячининг айтишига қараганда, уруш тўғрисидаги манифест ёпиштириб қўйилган жойга одамларни тўплаб, уларга: «Яшасин император Франц-Иосиф! Биз енгамиз!» деб қичқирибсиз ва бу билан халойиқни галаёнга солмоқчи бўлибсиз, ахир, шунинг ўзи бемаънигарчилик эмасми, пан Швейк?

Швейк амалдорга гуноҳкорона термилиб, тушунгирди:

— Мен жим туриб қололмадим. Уруш тўғрисидаги ўша манифестни ҳамма ўқиётганини, лекин ҳеч ким ўзининг хурсандлигини билдирмаётганини кўриб ҳаяжонланиб кетдим. Ҳеч ким галабага ҳам даъват қилмаяпти, «ура» деб ҳам қичқирмаяпти, умуман, ҳеч ким миқ этмади, жаноб кенгашчи. Худди бу нарсага уларнинг

алоқаси йўқдек. Мен Тўқсон биринчи полкнинг солдати бўлганлигим важдан бу аҳволга чидаб туrolмадим ва бор овозим билан ўша сўзларни айтдим. Агар менинг ўрнимда бўлганингизда сиз ҳам, эҳтимол, шундай қилган бўлур эдингиз. Уруш эълон қилинибдими, шунга яраша ҳаракат ҳам бўлиши керак, бошқа иложимиз йўқ, биз уни охирги галабагача етказишимиз лозим, жаноб императорга ҳамиша шон-шуҳрат тилашимиз лозим. Бу фикрдан мени ҳеч ким қайтара олмайди.

Бу гапдан лол бўлиб қолган амалдор беозор қўзидек термилиб турган Швейкнинг қарашига бардош беролмади, кўзини қоғозларга тикиб туриб, деди:

— Агар сиз бошқа бир ҳолатда шундай қилганингизда эди, мен нима сабабдан ҳаяжонга тушганлигингизни тушушган бўлар эдим. Сизни полициячи олиб келаётганлигини ва бундай ҳолатда сизнинг ватанпарварлигингиз халойиқда чуқур таассурот қолдириши эмас, балки унинг кулгисини қистатиб юбориши мумкинлиги ва ҳатто лозимлигини ўзингиз жуда яхши биласиз.

— Полициячининг ҳайдаб юриши ҳар қандай одам учун ҳам оғир. Аммо уруш эълон қилинган бир пайтда, нима қилиш кераклигини мана шундай оғир ҳолатда ҳам унутмаган кишини, менимча, ёмон одам деб бўлмайди.

Амалдор дўнғиллаб, яна бир марта Швейкнинг кўзига тикилди. Швейк ҳам унга мулойим боқиб тураверди.

Улар бир дақиқа бир-бирларига ана шундай тикилиб туришди.

Ниҳоят, амалдор чидай олмай гўлдиради:

— Йўқолинг бу ердан. Агар яна бир марта қўлга тушиб бу ерга келсангиз, мен сиздан ҳеч нимани сўраб ўтирмай, тўппа-тўғри Градчанидаги\* ҳарбий судга жўнатаман. Тушундингизми?

У гапини тамомлашга улгурмасданоқ, Швейк бирданга сакраб ўрнидан турди-да, амалдорнинг қўлини ўпа туриб:

— Худо хайрингизни берсин! Агар сизга зотли ит керак бўлиб қолса, менга айтсангиз, дарров топиб бераман. Мен итфурушман,— деди.

Шундай қилиб, Швейк яна озодликка чиқди.

У уйига қайта туриб, олдин «Товоқ устида» пивохо-

насига бир кириб ўтсаммикин, деган фикрга келиб, яқиндагиша агент Бретшнейдер ўзини олиб чиқиб кетган жойнинг эшигини очди.

Жимжит қовоқхонада пиво ичиб ўтирганлар орасида авлиё Аполлиарий черковининг қоровули ҳам бор эди. Ҳамманинг қовоғи солиқ. Паливецнинг хотини пиво қуядиган жойда лоқайдлик билан пиво бочкасининг жўмрагига қараб ўтирибди.

— Мана, яна қайтиб келдим!— деди хурсандлик билан Швейк.— Қани, бир кружка пиво қуйиб беринг. Хўш, ошнамиз пан Паливец қани? Худо хоҳласа уйга қайтиб келгандир?

Хотин жавоб бериш ўрнига ҳўнграб йиғлаб юборди ва кўз ёши аралаш базўр бир-икки оғиз сўз айтди, холос.

— Унга... ўн йил беришди... бир ҳафта бўлди...

— Мана, кўрдннгизми!— деди Швейк.— Демак, ўн йилнинг етти куни ўтибди.

— У ўзини жуда... эҳтиёт қиладиган одам эди!— деди йиғлаб туриб хотин.— У ҳамиша ўзи тўғрисида гапирганида шундай дер эди...

Ҳар доим эҳтиёт бўлишга даъват қилувчи Паливецнинг арвоғи бу ерда ҳам мавжуддек қовоқхонадагилар чурқ этмай ўтиришарди.

— Эҳтиёткорлик — донишмандлик,— деди Швейк стол ёнига ўтириб, пиво тўла кружкани олдига суриб қўяр экан. Паливецнинг хотини пивони столга олиб келаятганида бир неча томчи кўз ёши кружкага томганлиги учун пиво кўпигида тешикчалар пайдо бўлган эди.— Ҳозир замон шунақа нозик, эҳтиёт бўлиш керак.

Авлиё Аполлиарий черковининг қоровули гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб:

— Кеча иккита дафи маросими бўлди,— деди.

— Қимдир биров ўлган бўлса керак!— гап қўшди иккинчи бир пивохўр.

— Уликин катафалкада олиб кетишдими?— сўради учинчи пивохўр.

— Қизиқ,— деди Швейк,— уруш вақтида ҳарбийларни дафи этиш қанақа бўларкин?

Одамлар ўришларидан туриб, пиво ҳақини тўлашгач, аста-аста чиқиб кетишди. Швейк Паливец хоним билан ёлғиз қолди.

— Бегуноҳ одамни ўн йилга кесганликларини тасав-

вур қилолмайман,— деди Швейк.— Дуруст, қачонлар бир бегуноҳ одамни беш йилга кесишган экан, буни эшитганим бор, лекин ўн йилга кесишганини эшитмаганман. Жуда кўпайтириб юборишибди!

Паливец хоним йиглаб туриб:

— Иложим қанча, эрим қурмагур ўзи иқрор бўлди-да,— деди.— Пашшалар ва портрет тўғрисида бу ерда нимаики гапирган бўлса шу гапларини полиция бошқармасида ҳам, судда ҳам такрорлабди. Мени ҳам гувоҳ қилиб чақирди, эрингиз билан қариндошлик муносабатларида бўлганингиз сабабли гувоҳлик бериб айтган гапингиздан воз кечишга ҳақингиз бор, дейишгандан кейин мен нима ҳам дея олар эдим. Қариндошлик муносабатлари туфайли бу гапдан тагин бир бало чиқиб қолмасин, деб кўрқиб кетиб, гувоҳлик беришдан воз кечдим. Бечора чолим менга шундай термилиб қарадики, буни ўлгунимча унутмайман. Сўнгра ҳукм ўқилиб бўлганидан кейин олиб кетишаётганда худди эси оққан одамдек зинадан туриб: «Яшасин ҳур фикр!»\* деб хитоб қилди.

— Пан Бретшнейдер энди бу ерга кирмаяптими?— сўради Швейк.

— Бир неча марта келиб кетди,— жавоб берди хоним.— Бир-икки кружка ичади-да, менам, бу ерда кимлар бўлади, деб сўрайди ва пивоҳўрларнинг футбол тўғрисидаги гапларига қулоқ солиб ўтиради. Улар пан Бретшнейдерни кўришлари билан ҳаммиша фақат футбол тўғрисида гапиришади, бу гаплар эса, унинг жигига тегади, бужмайиб, жигибийроқ бўлиб ўтиради. Ушандан бери Поперечная кўчасидаги пардоз қоғози ёпиштирадиган кишигина унинг қармоғига илтиди, холос.

— Унинг ҳунари шу-да,— деб қўйди Швейк.— Пардоз қоғози ёпиштирувчи киши аҳмоқроқмиди дейман?

— Худди эримга ўхшарди,— жавоб берди йиглаб туриб Паливец хоним.— Пан Бретшнейдер ундан, сен сербларга ўқ отармидинг, ёки отмасмидинг, деб сўради. У бўлса, отишни билмайман, фақат бир марта тирда бўлганим бор, отган ўқим тожга\* теккан эди. Ана шунда биз ҳаммамиз, пан Бретшнейдернинг ўз ёнидан дафттарчасини олиб: «Жуда соз! Яна бир яхшигина давлат хиёнатчиси қўлга тушди!» деганини эшитдик. У Поперечная кўчасидаги ўша пардозчини олиб чиқиб кетди-ю, шундан бери қайтиб келгани йўқ.

— Уларнинг кўпи қайтиб келишмайди,— деди Швейк.— Қани, менга ром беринг.

Швейк иккинчи рюмка ромни буюриб турган пайтда қовоқхонага махфий агент Бретшнейдер кириб келди. У бўм-бўш қовоқхонага бир кўз ташлаб чиқди-да, ўзига пиво буюриб, Швейкнинг ёнига ўтирди ва у бирор гап айтармикин, деб қўлогини динг қилиб турди.

Швейк қозикдаги газеталардан бирини олиб, унинг эълонлар босилган охириги саҳифасига кўз ташлаб туриб, деди:

— Буни қаранг-а, Страшково қишлоғида, Рачиневес почта бўлимига қарашли бешинчи сонли уйда истиқомат қилувчи Чимпера ҳайдаладиган етти десятина ери билан кўрасини сотар экан. Қишлоқда мактаб ҳам бор, ёнидан темир йўл ҳам ўтар экан.

Бретшнейдер бармоқлари билан асабий тарзда столни чертиб туриб, Швейкдан сўради:

— Ҳайронман, нега сиз ўша кўрага қизиқиб қолдингиз, пан Швейк?

— Ие, сизиндигиз?— деди Швейк унга қўл бериб туриб.— Сизни таниёлмай қолибман. Ҳамма нарсени эслаб қололмайман. Агар, янглишмасам, сиз билан биз охириги марта полиция бошқармаси маҳкамасининг қабулхонасида кўришган эдик, шекилли. Хўш, нималар қилиб юрибсиз? Бу ерга тез-тез келиб турасизми?

— Бугун сизни кўриш учун келдим,— деди Бретшнейдер.— Полиция бошқармасида менга сизни итфурушлик қилади, дейишди. Менга яхшигини бир пинчер ёки масалан, шниц, ё бўлмаса умуман, шунга ўхшаш бир зотли ит топиб берсангиз...

— Айтганларингизнинг ҳаммасини муҳайё қила оламиз,— жавоб берди Швейк.— Жуда зотлиси бўлсинми, ёки... шунчаки кўчадан ушлангани бўлса ҳам бўлаверадими?

— Итнинг жуда яхши зотлисини олсам дейман,— жавоб берди Бретшнейдер.

— Сиз полиция хизматини бажарадиган ит боқсангиз бўлмайдими?— сўради Швейк.— Бунақа ит сизга истаган одамингизни дарҳол топиб бериши мумкин, жиноят изи йўқолиб кетмайди. Вршовицадаги бир қассобнинг шунақа ити бор: қассоб уни аравачага қўшиб юради. Уша итни ўз ихтисосидан бўлак ишда ишлапти, дейиш мумкин.



— Мен спиц зотидан бўлган итни олмоқчиман,— такрорлади эҳтиётлик билан Бретшнейдер,— қопмайди-ган спиц бўлиши керак.

— Тиши йўқ спиц бўлсинми?— суриштирди Швейк.— Шунақасини мўлжаллаб қўйганман: Девицадаги бир қовоқхоначининг шунақа ити бор.

— Пинчер зотли итни олсам яхшироқ бўлармиди...— деди иккиланиб Бретшнейдер. У итлар тўғрисида кам нарса биларди. Полиция бошқармасидан буйруқ берилмаганида умуман итлар тўғрисида ҳеч нарса билмай қолаверарди.

Лекин унга ҳар қандай бўлса ҳам Швейк билан яқинлашиб, унинг итфурушлигидан фойдаланинг деган мазмунда қатъий буйруқ берилган эди. Бу мақсадга эришмоқ учун Бретшнейдерга ўзига ёрдамчилар топиш ва итлар сотиб олмоқ учун ёнида маълум миқдорда пул олиб юриш ҳуқуқи берилганди.

— Пинчер итларнинг каттароғи ва майдароғи бўлади,— деди Швейк.— Мен мўлжаллаб қўйган иккита кичкина ва учта каттароқ ит бор. Шу беш итнинг ҳаммасини тиззада олиб ўтирса бўлади. Уларни сизга чин кўнгилдан тавсия қила оламан.

— Менга шунақаларни маъқул,— деди Бретшнейдер.— Пинчер қанча туради?

— Катта-кичиклигига қараб баҳо қўйишади,— жавоб берди Швейк.— Пинчер бузоқ эмас, у катта бўлгани билан баҳоси баланд бўлмайди, аксинча, нечоғлик кичик бўлса, нархи шунчалик қиммат бўлаверади.

Бретшнейдер полициянинг махфий фондидан берилган пулни ошиқча сарф қилиб қўйишдан ҳайқиқиб деди:

— Мен каттароғини олишим керак, уйни қўриқлатиш учун шунақаси даркор.

— Жуда соз!— деди шоша-пиша Швейк.— Энг каттасини эллик кронга, ундан ҳам каттасини қирқ кронга сотишим мумкин. Лекин бир нарсани сўрашни унутибман: сизга кучук керакми, ёки итми, эркаги дейсизми ё қанжиги?

— Менга барибир,— жавоб берди Бретшнейдер, чунки бу мушкул муаммолар унинг жонига теккан эди.— Сиз ўша итларни олиб келиб қўйинг, мен эртага соат еттида уйингизга келаман. Келишдикми?

— Келишдик, келаверинг,— истар-истамас рози бўлди Швейк.— Агар шундай бўлса, менга ўттиз крон за-калат бериб қўйсангиз.

— Бажону дил!— Бретшнейдер, пулни санаб берди.— Энди биз сиз билан чоракта ичмасак бўлмайди, буни ўзим қуйиб бераман...

Улар ичиб бўлишганидан кейин Швейк ҳам ўзи чо-ракта вино олиб қуйиб берди. Сўнгра Бретшнейдер бу-юрди. Швейкка, сиз мендан қўрқманг, деб далда бериш-га уринди.— Бугун мен хизматда эмасман, деди у,— сиз сиёсат тўғрисида мен билан бемалол гаплашавер-сангиз бўлади.

Швейк, сиёсат тўғрисида мен қовоқхонада ҳеч қа-чон гаплашган эмасман, умуман, сиёсатнинг ўзи ёш бе-лаларнинг иши, деди.

Бунинг аксича, Бретшнейдер ўзини энг революцион маслак эгаси қилиб кўрсатишга уринди. У ҳар бир кучсиз давлат ҳалокатга маҳкум дер ва Швейкдан, сиз бу хусусда қандай фикрдасиз, деб сўрарди.

Швейк бунга жавобан, менинг давлат билан ҳеч бир ишим бўлган эмас, лекин бир вақт қўлимга нимжонги-на, сенбернар зотли бир кучук тушган эди, мен уни сол-дат сухарилари билан ҳар қанча боқсам ҳам, лекин ба-рибир ўлиб қолди, деди.

Бешинчи шиша вино ичила бошлаганида Бретшней-дер ўзини анархист деб эълон қилди ва мен қайси таш-килотга ёзилсам яхшироқ бўларкин, деб Швейкдан мас-лаҳат сўрай бошлади.

Швейк бир вақт бир анархистга леонберг зотидан бўлган итни сотганини, лекин ўша анархист қолган қарзни ҳануз узмаганлигини ҳикоя қилиб берди.

Гал олтинчи чорактага етганида Бретшнейдер ўзи-нинг революция тарафдори эканлиги ва сафарбарлик-ка қарши эканлигини айтди, Швейк эса, шу гапдан сўнг энгашиб унинг қулогига шивирлаб:

— Бу ерга ҳозиргина бир одам кириб келди. Тагин гапингизни эшитиб қолмасин, эшитса бошингизга бало бўлади. Кўряпсизми, қовоқхоначи хотин йиғлай бошла-ди,— деди.

Паливешининг хотини ҳақиқатан ҳам йиғлаб ўти-рарди.

— Хоним, нега йиғлаяпсиз?— сўради Бретшнейдер.— Уч ойдан кейин галаба қиламиз, ана шунда афв умумий

берилади, эрингиз ҳам қайтиб келади. Ушанда жуда катта зиёфат қиламиз! Еки сиз бизнинг галаба қилишимизга ишонмаяпсизми?— Бретшнейдер энди Швейкка савол берди.

— Ҳадеб бир гапни такрорлайверишнинг нима ҳожати бор,— деди Швейк.— Галаба қилишимиз керак, вассалом! Энди уйга қайтмасам бўлмайди.

Швейк ҳисоб-китобни қилиб, ўзининг кекса хизматчиси пани Мюллер ҳузурига қайтиб келди, у эшикка калит солиб очаётган одам Швейкнинг ўзи эканлигини кўриб капалаги учиб кетди.

Кампир оқкўнгиллик билан деди:

— Мен сизни анча йилдан кейин қайтиб келасиз, деб ўйлагандим, жаноб. Шу сабабдан раҳмим келиб... вақтинча турар деб... тунги кафедаги бир швейцарни бу ерда туриш учун олиб келган эдим, чунки... уйимни уч марта тинтув қилишди, ҳеч нарса топиша олмаганларидан кейин, аҳволингиз чатоқ, катта жиноятчи эканлигингиз кўриниб турибди, дейишган эди.

Швейк нотаниш киши боплаб ўрнашиб олганига дарров қаноат ҳосил қилди, чунки у Швейкнинг каравотида ётарди. У шу қадар олижаноб киши эканки, ўша каравотнинг ярмисн билангина қаноатланиб қўя қолибди, қолган ярмини бир аёлга бериб қўйибди, аёл эса, миннатдорчилик важдан бўлса керак, унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб ухламоқда. Каравотнинг атрофида эркак ва аёл буюмлари сочилиб ётибди. Бу манзара «тунги кафе»даги швейцар кеча ўз хоними билан шикайф бўлиб қайтганлигини кўрсатиб турарди.

Швейк чақирилмаган меҳмонни туртиб:

— Жаноб, ҳой жаноб, тагин тушки овқатга кечикиб қолманг,— деди.— Агар сиз, мени ҳеч қаерда тушки овқат топиб бўлмайдиган бир вақтда уйдан ҳайдаб чиқарди деб ҳаммага гапираверсангиз, менга яхши бўлмайди, албатта.

«Тунги кафе» швейцари, ниҳоят каравот эгаси қайтиб келганлигини ва каравотни бўшатиб қўйишни сураётганлигини тушуниб, кўзидан уйқу қочиб уйғонгунча хийла вақт ўтди.

«Тунги кафе» хизматчиси швейцарига хос одат бўйича, мени уйғотмоқчи бўлганларнинг онасини кўрсатиб қўяман, деб бир-икки дўнғиллади-да, уйқуни яна давом эттирмоқчи бўлди.

Швейк унинг сочилиб ётган кийим-бошларини тўлаб, ўриннинг олдига келтириб қўйди ва швейцарни қаттиқ силкитиб, деди:

— Агар кийинмасангиз, яланғоч ҳолингизча кўчага улоқтириб ташлашга тўғри келади. Кийиниб қорангизни ўчирсангиз, ўзингизга яхшироқ бўлади.

Швейцар ҳайрон бўлиб шимини кияр экан, тагин дўнғиллади:

— Мен кечқурун соат саккизгача ухламоқчи эдим. Каравот учун уй бекасига кунига икки крондан тўлаб турибман, мен бу ерга кафедаги хонимларни олиб келиб тураман, деб гаплашиб ҳам қўйганман... Маржена, тур ўрнингдан.

Швейцар ёқасини тақиб, галстугини боғлаб бўлгач, анча ўзига келиб қолди ва Швейкка тунги кафе «Мимоза» энг яхши ошхоналардан бири эканлигини, бу кафега сариқ билетига доғ тушмаган хонимларгина киришга ҳақли эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилиб, Швейкни кафега келиб туришга астойдил таклиф қилди.

Аммо унинг тунги ҳамроҳи бўлган хотинга Швейк маъқул бўлмади шекилли, аёл киборларга хос дағдаға билан: «Подшонинг эшаги бўлмай ўл!» деб дўнғиллаб қўйди.

Чақирилмаган меҳмонлар чиқиб кетганидан кейин Швейк хизматчи иккита аёл билан бирга уйни тартибга солмоқ учун пани Мюллерни қидириб, ошхонага кирди, лекин уни тополмади. Фақат пани Мюллер қалам билан ажи-бужи хатлар ёзиб қолдирган бир парча қоғозгина Швейкнинг қўлига тушди. Шу қоғозда пани Мюллерова Швейк каравотини тунги кафедаги швейцарга ижарага беришга тааллуқли бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги фикрини солдагина қилиб ифодалаган эди. Швейк қоғоз парчасидаги қуйидаги сўзларни ўқиди:

«Мени кечиринг, сизни энди кўролмайман, чунки ўзимни деразадан ташлайман».

— Бекор айтибсан!— деди Швейк ва кутиб ўтираверди.

Ярим соатдан сўнг бечора пани Мюллер судралиб ошхонага кириб келди, унинг ғамгин қиёфасидан, Швейк менга таскин берувчи сўз айтар, деб кутаётганлиги кўриниб турарди.

— Агар сиз деразадан ўзингизни ташламоқчи бўл-

сангиз,— деди Швейк,— уйга киришг, деразани очиб қўйдим. Ошхона деразасидан сакрашга маслаҳат бермайман, чунки тўппа-тўғри боғдаги атир гуллар устига тушасиз, гул шохларини синдириб юборасиз, бунинг учун жарима тўлашга тўғри келади. Аммо анави деразадан ташласангиз, худди йўлканинг ўзига тушасиз, агар омадингиз келган бўлса, бўйнингиз майиб бўлади, холос. Омадингиз келмаган бўлса, қовургангиз, қўлингиз ва оёғингиз синиши мумкин. У ҳолда касалхонада даволаниш ҳақини тўлашга тўғри келади.

Пани Мюллер зор-зор йиғлаб, секингина Швейкнинг хонасига чиқиб кетди... деразани ёпиб қўйди ва қайтиб келиб:

— Шамол киряпти, бунақа совуқ шамол бодингизга яхши бўлмайди, жаноб,— деди.

Сўнгра у ўрин ёзди-да, эҳтиётлик билан нарсаларни жой-жойига қўйгач, йиғламсираган ҳолда ошхонага кириб Швейкка:

— Ҳовлида турган иккита кучугингиз ўлиб қолди, жаноб, сенбернар эса тинтув вақтида қочиб кетди,— деди.

— Емон бўпти-ку!— жаҳли чиқди Швейкнинг.— Бу ит бир балога учраш мумкин! Энди полиция пайнга тушиши турган гап.

— Тинтув вақтида, жаноб, полиция комиссарларидан бири уни каравот остидан тортиб чиқараётган эди. қопиб олди,— деб давом қилди пани Мюллер.— Уша жаноблардан бири каравот тагида кимдир биров бор, деб қонун номи билан у ердан чиқишни сенбернарга буюрди, лекин каравот тагидан чиқиш итнинг хаёлига ҳам келмаганидан сўнг, уни судраб чиқарди. Сенбернар уларга ириллаб қўйди-да, сўнгра югурганича эшикка чиқиб кетиб, шу-шу қайтиб келмади. Мени ҳам тергов қилишди, бу ерга кимлар келиб туради, чет мамлакатлардан пул олиб турасизми, деб сўрашди. Мен уларга, аҳён-аҳёндагина чет мамлакатлардан пул олиб турамиз, охирги марта Брнодаги жаноб бошқарувчидан (ўзингизнинг ҳам эсингизда бўлса керак) ангор зотли ит сотилади деб «Миллий сиёсат» газетасида эълон бериб, унинг ўрнига фокстерьер зотидан бўлган кўр кучукни хурма яшигига солиб юборганингиздан кейин олтмиш крон закат олганимизни айтган эдим, менга, бу хотин аҳмоқ экан, дейишди. Сўнгра улар мен билан жуда му-

лойим гаплашишди, сиз бу ерда ёлғиз экансиз, тагин кўрқиб юрманг деб, ўша сиз ҳайдаб чиқарган швейцарни бу ерда ётиб юрсин, деб тавсия қилишди.

— Полициячилар жуда ҳам жонимга тегди-да, пани Мюллер,— деди хўрсиниб Швейк.— Мана, ҳали кўрарсиз, улар ит қидириб энди бу ерга келишади.

Илқилобдан сўнг полиция архивини кўриб чиққан кишилар давлат полициясининг махфий фондида: СБ-40 к; ФТ-50 к; Л-80 к ва шу каби белгилар билан ифодаланган харажатлар нималарга қилинганлигини тушунишадими-йўқми, билмайман, аммо улар СБ, ФТ ва Л ҳарфлари чех халқини 40, 50, 80 ва ҳоказо крон эвазига қора-сариқ бургутга сотган шахсларнинг исм ва фамилияларининг бош ҳарфлари деб ўйлаган бўлсалар, ҳеч шубҳасиз, янглишадилар.

Ҳақиқатда эса, СБ сенбернарни, ФТ — фокстерьерни, Л эса, леонбергни билдиради. Шу итларнинг ҳаммасини Бретшнейдер Швейкдан сотиб олиб полиция бошқармасига олиб келган эди.

Швейк ўша итларни Бретшнейдерга жуда зотли итлар деб сотган бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда зотли итларга ҳеч қандай алоқаси йўқ ирқит кўппаклар эди, холос. Сенбернар деган ит зоти паст пудель билан хонаки итнинг дурагайи эди: қулоғи такса итникига ўхшаган фокстерьер деб аталган ит эса, худди кўпакка ўхшар, оёқлари эса, рахит касалига учраган итларники каби қийшиқ эди: леонберг деб аталган, тумшуги сержун ит, думи қирқик, бўйи таксаникидек ва орқаси павиан маймуни каби оқ ит бўлиб, бир оз овчаркага ўхшаб кетарди.

Агентларнинг энг зўри Қалоус\* ит сотиб олмоқчи бўлиб Швейкнинг уйига борди-ю, ола чипор қоплонга ўхшаш бир махлуқни олиб келди. Бу итнинг ёли гарчи шотланд овчаркасиникига ўхшаса ҳам, аммо унинг наслдор итлар зотига ҳеч бир алоқаси йўқ эди. Шунинг учун ҳам махфий фонддан қилинган харажатлар рўяхатига: Д-90 к деган янги белги ёзиб қўйилди.

Швейк бу махлуқни зотли доғ деб пуллаган эди. Лекин ҳатто Қалоуснинг ўзи ҳам Швейкдан ҳеч бир гап ололмади. Швейк Бретшнейдерга қандай муомала қилган бўлса, унга ҳам шундай муомалада бўлди. Энг қалтис сиёсий гапларни ҳам Швейк кучуклардаги вабо касалини даволаш тўғрисидаги сафсатага буриб юбо-

раверди, Бретшнейдер усталик билан ишлатган ҳийла-ларнинг охири шу бўлдики, у Швейкдан яна турқи со-вуқ зотсиз бир махлуқни сотиб олиб, уйига етаклаб кетди.


Машҳур агент Бретшнейдернинг иши шу билан ту-гади. Унинг квартирасида еттига баҳайбат махлуқ пай-до бўлганидан кейин ўша итлар билан ўзи орқадаги хонага кириб бекиниб олди ва итларга овқат бермай қўйди, ниҳоят, итлар ўзини еб қўйиб, аламдан чиқди. Бретшнейдер шундай инсофли одам эдики, у ўзини дафн қилиш учун хазинани харажатлардан ҳам холи қилиб қўйган экан.

Полиция бошқармасида унинг хизматлари ёзиб бо-рилган дафтарнинг «Хизмат бўйича кўтарилиши» деган графасига: «Ўзининг итлари еб қўйди», деган ғоят фо-жиона сўзлар ёзилган эди.

Кейинроқ Швейк мана шу фожиона ҳодисадан хабар топиб:

— Қиёматда жавоб бериш пайти келганда унинг суякларини ҳам топиб бўлмаса керак,— деди.





VII боб

## ШВЕЙКНИНГ УРУШГА КИРИШИ

Раб дарёси бўйлаб чўзилиб кетган Галиция ўрмонлари Австрия кўшнларининг шу дарёдан қочиб ўтишларининг шоҳиди бўлиб турган, жанубда, Сербияда Австрия дивизиялари ҳар ойнинг дастлабки кунларида тумтарақай қилнаётган маҳалда (улар бунга аллақачон сазовор бўлган эдилар) Австрия ҳарбий министрлиги шундай оғир кезларда монархиянинг жонига ора кирармикин деган умидда Швейкни эсга олди.

Медицина кўригидан ўтиш учун Стршелецки оролига бир ҳафтадан сўнг келинг, деган чақирiq қоғозини



Швейкка келтириб берганларида у яна боди қўзиб ўрнидан туролмай ётарди. Пани Мюллер ошхонада Швейкка қаҳва қайнатмоқда эди.

Қўшни хонадан Швейкнинг шикаста овози эшитилди:

— Пани Мюллер, пани Мюллер, бир дақиқа менинг олдимга келиб кетинг.

Жориа Швейкнинг каравотига ўтиргач, у яна ўша шикаста овоз билан бир нафас ўтиринг, пани Мюллер, деб илтимос қилди.

Унинг овозидан қандайдир сир айтмоқчи эканлиги сезилиб турарди. Пани Мюллер Швейк ёнига ўтирганидан кейин у ёстиқдан бошини кўтариб:

— Мен урушга бораман,— деди.

— Ё парвардигор!— хитоб қилди пани Мюллер.— Урушда нима қиласиз?

— Жанг қиламан,— деди овозини кўтаришга уришиб Швейк.— Австриянинг иши пачава. Юқоридан Краковга бостириб келишяпти, пастдан эса, Венгрияга бостириб киришяпти. Ҳам орқадан, ҳам олдиндан савалашяпти. Кўз очирмай қўйишди. Шу вайдан мени урушга чақирешяпти шекилли. Куни кеча мен сизга газагадан «азиз ватанимиз осмонини қора булут қоплаб олди» деб ёзилган сўзларни ўқиб берган эдим.

— Ахир, қимирлашга ҳам ҳолингиз йўқ-ку!

— Бунинг аҳамияти йўқ, пани Мюллер. Мен коляскада ҳам урушга боравераман. Муюлишдаги қандолатчин биласизми? Унинг мана шунақа коляскаси бор. У чўлоқ бувасини неча йиллаб ўша коляскада очиқ ҳавода олиб юргани эсимда. Сиз, пани Мюллер, мени ўша коляскада ҳарбий хизматга элтиб қўясиз.

Пани Мюллер йиғлаб юборди.

— Доктор чақирайми, жаноб!

— Керак эмас, пани Мюллер. Тўп еми бўлиш учун ярайман, фақат оёғим... Лекин Австриянинг иши пачава бўлиб турган экан, ногиронлар ҳам ўз постларида туришлари лозим. Сиз бемалол қаҳва тайёрлайверинг.

Пани Мюллер йиғлаганча қаҳва сузаётган пайтда шоввоз солдат Швейк каравотида ётиб, барала ашула айтар эди:

Виндишгрец ва ҳоказо пан генераллар  
Уруш бошлаб юборишди каллаи саҳар,  
Ҳайё-ҳайё-ҳайт!

Уруш бошлаб, кўкка боқиб этишди сўнг зор:  
«Ҳазрат Исо! Биби Марям! Бўлинг мададкор!»  
Ҳайё-ҳайё-ҳайт!

Жанговар қўшиқ оҳангидан таъсирланиб, кўрқиб кетган пани Мюллер қаҳвани унутиб шоввоз солдат Швейк қўшинига бутун вужуди титраб қулоқ солиб тураверди:

Биби Марям мадад берсин. Тўрт кўприк ана.  
Пьемонт\*, қани аскарларинг, хўш, борми яна?  
Ҳайё-ҳайё-ҳайт!  
Солферино\* яқинида жанг бўлди шитоб,  
Қонлар оқди, тўкилгандай кўзадан шароб.  
Ҳайё-ҳайё-ҳайт!  
Қонлар оқди, шароб каби, титилди этлар,  
Ҳа, бекорга погон тақмас бизнинг йигитлар,  
Ҳайё-ҳайё-ҳайт!  
Ҳа, шоввозлар, юрагингиз этмасин ҳеч жиз,  
Пул юкланган аравалар келар изма-из,  
Ҳайё-ҳайё-ҳайт!

— Худо ҳаққи, жаноб, ўтинаман, бас қилинг!  
Аммо Швейк ошхонадан эшитилаётган бу ёлворишга қулоқ солмай, жанговар қўшиқни ниҳоясига етказди:

Пуллар келар, бўтқа олиб ошхона келар,  
Қайси полкнинг йигитлари биздан шўх кулар?  
Ҳайё-ҳайё-ҳайт!

Шундан сўнг пани Мюллер доктор чақириб келиш учун югурди. У қайтиб келганида Швейк ухлаб ётарди. Бақалоқ доктор уни уйғотиб, қўлини пешанасига қўйиб туриб, деди:

— Қўрқманг, мен виноградилик доктор Павекман. Қўлингизни менга беринг. Термометрни қўлтигингизга тиқиб қўйинг, ана шундай. Тилингизни кўрсатинг. Яна. Тилингизни чиқаринг. Қани энди, отангиз билан онангиз қандай ўлганлигини айтиб беринг.

Хуллас, Австрия-Венгрия фуқароси садоқат кўрсатсин деб Вена курашиб турган бир пайтда доктор Павек Швейкни ватанпарварлик ғайрати қўзиб кетган лард-

дан аритиш учун унга бром ичишни буюрди, мард ва виждонли солдатга уруш тўғрисида ўйламасликни тавсия қилди.

— Қимирламай ётинг, сира ташвишланманг. Эртага яна ўзим келиб кўраман.

Эртасига доктор яна келди ва ошхонага кириб пани Мюллердан беморнинг аҳволини суриштирди.

Пани Мюллер ич-ичидан куюниб жавоб қилди:

— Аҳволи оғирлашяпти, пан доктор, Кечаси бодни кўзиб турган пайтда Австрия гимнини айтиб юборди.

Доктор Павек беморнинг яна ўз садоқатини кўрса-таётганлигига жавобан ичилиши лозим бўлган бром дозасини кўпайтиришни лозим топди. Учинчи куни пани Мюллер докторга Швейкнинг аҳволи тагин ҳам баттарлашганини маълум қилди.

— Тушки овқатдан кейин, пан доктор, у менга уруш ҳаракатлари харитасини топиб келишни буюрди, кечаси эса, Австрия ғалаба қилади, деб алаҳсираб чиқди.

— Бромни мен айтганча ичяптими?

— У ҳали менга дори олиб келишни буюргани йўқ, пан доктор.

Доктор Павек Швейкни қаттиқ койиб, менинг бром билан даволашимни рад қилаётган подшони энди даволамайман, деб жаҳл билан чиқиб кетди.

Швейкнинг ҳарбий чақириқ комиссияси олдига боришига яна икки кун қолган эди. Шу вақт ичида Швейк тегишли тайёргарлик кўриб қўйди: биринчидан, пани Мюллерни юбориб, ҳарбий фуражка сотиб олиб келишни буюрди, иккинчидан, муюлишдаги қандолатчига бориб ундан бир вақтлар озгин бувангизни тоза ҳавога олиб чиқиб юрадиган коляскангизни бериб туринг деб илтимос қилди. Сўнгра Швейк ўзига қўлтиқтаёқ топиш ҳаракатига тушди. Яхшики, қандолатчи бувасидан қолган қўлтиқтаёқни ҳам табаррук қилиб сақлаб қўйган экан. Энди Швейк армияга бораётган ҳамма йигитлар каби гулдаста топиши керак эди. Пани Мюллер унга гулдастани ҳам топиб берди. Шу кунлар ичида бечора аёл югуравериб озиб кетди, қаерга бормасин нуқул кўз ёши қилиб йиғлар эди.

Ниҳоят, ўша унутилмас кунда Прага кўчалари чинакам ватанпарварликни ифодаловчи ажойиб намунанинг шоҳиди бўлди. Ярқироқ кокарда тақилган ҳарбий фуражка кийиб олган бир эркакни кампир коляскага ўт-

қизиб олиб борар, коляскадаги эркак эса қўлтиқтаёқларни ўйнатиб кетарди. Унинг пиджагига ранг-баранг гуллар тақилган, дам-бадам бутун кўчани бошига кўтариб: «Белградни оламиз! Белградни оламиз!» деб қичқирарди.

Швейк урушга жўнамоқчи бўлиб уйидан чиқаётганида уй олдида тўпланган бир тўда одам коляска кетидан келмоқда эди. Швейк чорраҳаларда турган баъзи полициячилар қўл кўтариб салом берганлигини кўриб борарди. Вацлава майдонида Швейк тушган коляска атрофида бир неча юз киши тўпланди, Краков кўчаси бурчагида эса, студентча шапка кийган бир зот Швейкка қараб: — Heil! Nieder mit den Serben?<sup>1</sup> деб қичқирган эди, уни кимлардир ўлгудек калтаклади.

Шу орада етиб келган отлиқ полициячилар Водичкова кўчаси бурчагида одамларни тарқатиб юборди. Швейк отряд бошлиғига, бугун мен чақиріқ комиссиясига боришим керак эди, деб тушунтирганидан кейин у бир оз ҳайрон бўлиб қолди ва жанжал чиқмасин, деб иккита отлиқ полициячига Швейк тушган коляскани Стршелец оролига элтиб қўйишни буюрди.

Уша куни нималар бўлганлиги «Прага ҳукумат газетаси»да босилган қуйидаги хабарда ҳикоя қилинган эди:

## ЧҲЛОҚ КИШИНІНГ ВАТАНПАРВАРЛИГИ

Кеча Праганинг катта кўчаларидан ўтиб бораётган кишилар ажойиб бир ҳодисанинг шоҳиди бўлишди; бу ҳодиса мана шу улуг ва жиддий пайтда халқимизнинг фарзандлари кекса подшоҳимиз тахтига содиқлигининг ёрқин намуналарини ҳам кўрсатишга қодир эканликларини яққол исботлаб берди. Юнонлар ва румоликларининг шошли замонлари қайтиб келгандек. Уша замонда Муций Сцевола қўли куйганлигига қарамай, жангга борган эди. Кекса онаси беморларни олиб юрадиган коляскага ўзининг чўлоқ ўғлини солиб борди. Кеча ўша қўлтиқтаёқли чўлоқ муқаддас ватанпарварлик ҳисларини намойиш қилди. Чех халқининг бу фарзанди шундай бедаво дардга учраганлигига қарамай, ўзининг бутун кучини ва ҳатто жонини ҳам ўз импера-

<sup>1</sup> Хайл! Ўўқолсин серблар! (немисча).

тори учун бермоқчи бўлиб кўнгилли равишда урушга жўнади. Унинг «Белградни оламиз!» деган даъвати Прага кучаларида ҳаммага ғоятда таъсир қилганлиги, Прага аҳолиси ватанга ва подшо ҳазратларига юксак меҳр-муҳаббат намуналарини кўрсатаётганликларидан далолат беради.

«Прагер Тагеблатт»\* газетасида ҳам шу мазмундаги хабар босилиб чиққан эди. Мазкур хабар охирида: «Кўнгилли чўлоқни бир тўда немислар кузатиб қўйишди, улар Антанта агентлари бўлган чехларнинг оломон қилишидан муҳофаза қилиб туришди», дейилган эди.

Бу хабарни босиб чиқарган «Богемия»\* газетаси ҳам, чўлоқ ватанпарвар тақдирлансин, деб талаб қилиб ёзди ва помаълум қаҳрамон учун немис граждандаридан редакция совғалар қабул қилмоқда, деб эълон қилди.

Дарҳақиқат, мазкур уч газета чехлар мамлакати бундан кўра олижаноброқ граждандарни етказмаган, деб эътироф қилиб ёзган эди. Бироқ чақириқ комиссиясидаги жаноблар газеталарнинг бу фикрига қўшилишмади. Айниқса бош ҳарбий врач Баутце мутлақо қарши бўлди. У ўша қайсар, ҳар қандай ҳаракатни ҳам ҳарбий хизматдан, фронтдан, ўқ ва шрапнеллардан бўйин товлаш учун муғамбирлик билан қилинаётган уриниш деб билар эди.

Хуллас, ўша унутилмас куни Швейк комиссияга чақирилган бошқа ҳамма йигитлар каби қип-яланғоч бўлиб, ўзи таяниб турган қўлтиқтаёқ билан уят жойини пана қилганча Баутцега рўпара бўлди. Уятини яширадиган бунақа хурмо барглари жаннатда ҳам топилмайди.

Фельдфебель Швейкнинг ҳужжатларини ўқиб чиқиб:

— Савдойилиги сабабли ҳарбий хизматдан озод қилинган экан,— деди.

— Яна нима касалингиз бор?— сўради Баутце.

— Ижозатингиз билан айтсам, бод касалим бор. Лекин император жанобларига охириги қатра қоним қолгунча хизмат қиламан,— деди камтарлик билан Швейк.— Тиззам шишиб кетган.

Баутце шоввоз солдат Швейкка ваҳшат билан қараб қўйиб, бақирди:— Sie sind ein Simulant<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Сиз муғамбирсиз (немисча).

Сўнгра фельдфебелга қараб, осойиштагина:—*Den Kerl sogleich ein sreggen!*— деди.


Найзалари чиқариб қўйилган милтиқли икки солдат Швейкни гарнизон турмасига олиб кетишди. Қўлтиқтаёқларга таяниб бораётган Швейк бод касали йўқолиб бораётганини сезиб ваҳимага тушди. Кўприк олдида коляскани ушлаб Швейкни кутиб турган пани Мюллер уни милтиқ кўтарган икки солдат судраб бораётганини кўргач, йиғлаб юборди ва энди бундан буён сира қўл тегизмасликка аҳд қилиб астагина коляскани ташлаб кетди...

Шоввоз солдат Швейк эса, давлатнинг қуроли ҳимоячилари ҳамроҳлигида индамай бормоқда эди. Милтиқларнинг найзалари қуёшда ярқираб турарди, Малая Странага келганда Радецкий\* ҳайкали олдида Швейк орқадан келаётган халойиққа қарата:

— Белградни оламиз!— деб қичқирди.

Маршал Радецкий эса, кўксига гуллар тақиб олган ва эски қўлтиқтаёқларга таяниб, оқсоқланиб келаётган шоввоз солдат Швейкка тепадан ўйчан қараб турарди.

Қандайдир одмигина бир жаноб атрофдаги халойиққа, қочоқни олиб кетишяпти, деб тушунтирди.



<sup>1</sup> Буни дарров қамоққа олишлар (немисча).



VIII боб

### ШВЕЙҚ — МУҒАМБИР

Мана шу улуғ замонда врачлар муғамбирларнинг сирини очиб, уларни армия сафига қайтармоқ учун жон олиб-жон беришди деса бўлади. Муғамбирларни ва муғамбир деб гумон қилинган кишиларни, яъни сил, бод касалига мубтало бўлган, чурраси тушган, буйраги яллиғланган, тиф билан оғриган, қанд касалининг азобини тортаётган, ўпкаси шамоллаган ва бошқа дардларга мубтало бўлган кишиларни азобламоқ учун кўпгина чора-тадбирлар белгилаб қўйилган эди.

Муғамбирларга бериладиган азоблар тартибга солиниб, қуйидаги турларга бўлиб қўйилган эди:

1. Қаттиқ парҳез: уч кун давомида эрталаб ва кеч-қурун бир пиёладан чой, бундан ташқари, беморларнинг қандай дардга мубтало бўлганликларидан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига, муғамбирлар яхшилаб терласин деб, аспирин беришар эди.

2. Одамлар ҳарбий хизматни айш қиладиган жой, деб ўйламасликлари учун уларга катта-катта дозаларда хинин бериларди. Буни «хинялаш» деб айтилар эди.

3. Кунига бир литр иссиқ сув билан икки марта ошқозонни ювиш.

4. Мағзава билан глицерин аралаштирилган сувни йўғон ичакдан юбориш.

5. Муздек нам чойшабга ўраб қўйиш.

Азобларнинг мана шу беш турига ҳам чурқ этмай бардош бериб, оқибат натижада тобутларда ҳарбий қабристонга юборилишга муваффақ бўлган қаҳрамонлар ҳам бўларди. Лекин сабри кишилар ҳам учраб турарди. Бундайлар мағзава билан глицерин аралашган сувни йўғон ичакдан юборишга гал келиши билан мен мутлақо соғман, навбатдаги марш батальони билан оқопларга жўнатилишдан бошқа нарсани орзу қилмайман, деб қўя қоларди.

Швейкни гарнизон турмаси ҳузуридаги касалхона баракига, худди мана шундай чидамсиз муғамбирлар орасига тиқиб қўйишди.

Унинг ёнидаги каравотда ётган ва ошқозонни иккинчи марта ювилиб, ҳозиргина амбулаториядан олиб келинган, ўзини узоқни кўролмайдиган ногирон қилиб кўрсатган киши кириши билан бундай деди:

— Бундан ортигига чндай олмайман.

Швейкнинг чап томонидаги каравотда ётган ва ҳозиргина йўғон ичагига мағзава суви юборилган, ўзини ғирт гарангман, деб кўрсатишга урилиб, муғамбирлик қилган киши дангал:

— Эртагаёқ полкка жўнайман,— деди.

Муздек нам чойшабга ўраб қўйилган, эшик олдидаги каравотда жони узилай деб ётган киши сил касалига мубтало эди.

Швейкнинг ўнг томонида ётган бемор:

— Шу ҳафта ичи бу билан учинчи киши ўляпти,— деб қўйди.



— Касалинг нима?— сўрашди Швейкдан.

— Бодим бор,— деб жавоб берди Швейк. Ҳамма унинг бу гапига қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Узини сил деб кўрсатишга уринган, жон берай деяётган «муғамбир» ҳам кулиб юборди.

Бақалоқ жаноб Швейкка насиҳат қила кетди:

— Сен бу ерда бодингни кўпам рўкач қилавермасанг бўларди. Бу ердагилар учун сўғал нима-ю, бод нима, барибир. Менинг қоним камайиб кетган, ошқозонимнинг ярмиси ва бешта қовургам йўқ, аммо ҳеч ким бунга ишонмайди. Яқинда бу ерга бир гунг одамни олиб келишган эди. Ун тўрт кунгача уни ҳар ярим соатда муздек нам чойшабга ўраб қўйишар, ҳар кун йўғон ичагига мағзава билан глицерин аралаштирилган сув юборишиб. ошқозонини ювишар эди. Ҳатто санитарлар ҳам, энди унга жавоб беришса керак, деб юришарди. Аммо доктор бунинг ўрнига унга қустирадиган дори ичишни буюрди. Ана шунда унинг жони ҳалқумига келди. Ниҳоят, у тоқат қилолмади. «Энди, деди у, ўзимни гунг қилиб кўрсатишга ортиқ чндай олмайман. Тилим ҳам гапирадиган, қулогим ҳам эшитадиган бўлиб қолди». Беморларнинг ҳаммаси унга, аҳмоқлик қилма, деб хўп насиҳат қилиб кўришди. Лекин у, мен ҳам бошқаларга ўхшаб эшитяпман ва гапиряпман, деб ўз айтганида туриб олаверди. Эрталабки кўрик вақтида бу аҳволни маълум қилишди.

Ўзининг бир оёғини ўн сантиметр калта қилиб кўрсатмоқчи бўлиб муғамбирлик қилаётган бир киши гапга аралашиб деди:

— Чиндан ҳам узоқ чидади. Узини фалаж қилиб кўрсатган анави киши унинг олдида ип эшолмайди. Уша фалажга фақат уч порошок хинин бериш, йўғон ичагига бир марта мағзава юбориш ва бир кун овқатсиз қолдиришининг ўзи кифоя қилди. Ошқозонини ювдиришга гап келмасданоқ иқрор бўлди. Ундаги фалаждан ҳатто асар ҳам қолмади.

— Қутурган ит қопган киши бу ерда ҳаммадан кўра кўпроқ чидаб турди. Ҳақиқатан у қутурган одам ролини бошлаб бажарар, учраган кишини қопар, ув торгар эди. Лекин оғзидан сира кўпик чиқара олмасди. Биз кўлимиздан келганча унга ёрдамлашдик. Кўрик бошланишдан олдин уни баъзан, ҳаттоки соатлаб қитиқлаган вақтларимиз бўлди, уни кўкартириб, титрайдиган қилиб ҳам қўйдик, барибир оғзидан кўпик чиқара олмадик: жуда

ҳам қийналди, бечора. Ниҳоятда оғир аҳволда қолган эди. Ниҳоят, эрталабки кўрик вақтида айбига иқроо бўлгач, унга жуда ачиндик! У ўзининг каравоти олдида худди шамдек қаққайганча қўлини пешанасига қўйиб: «Ижозатингиз билан айтишим керакки, жаноб бош врач, мени қопган ит қутурмаган экан», деб юборди. Старший врач кўзини шундай чақчайтириб қарадики, ит қопган киши дағ-дағ титраб, яна гапга кирди: «Ижозатингиз билан айтишим керакки, жаноб бош врач, мени умуман ҳеч қандай ит қопгани йўқ. Мен қўлимни ўзим тишлаб олган эдим». Шундай иқрордан сўнг уни, фронтга бормаслик учун ўз қўлини ўзи тишлаб узиб олмоқчи бўлди, ўз танасига зарар етказди деб айбладилар.

— Оғиздан ёлгондакам кўлик чиқариш осон эмас,— деди учинчи муғамбир.— Мана, мисол учун тутқаноқ дардини олиб кўрайлик. Мен битта тутқаноқни билардим. У ҳамиша хоҳлаган вақтимда тутқаноғим тутди деб ағдарилиб тушиш менга ҳеч гап эмас, деяр эди. У кунига ўн марталаб тутқаноғи тутиб ағдариларди, буралавериб бужмайиб кетар, бармоқларини мушт қилиб кўкартириб юборар, кўзлари чақчайиб, пешанасигача чиқиб кетар, ўзини ерга ураверар, тилларини осилтриб ётаверар эди. Хуллас, у асл тутқаноқ эди, бунақа тутқаноқни биринчи нав тутқаноқ деса бўлади. Аммо тўсатдан унинг бўйнига ва орқасига иккитадан чипқон чиқиб қолди, шундан сўнг тиришиб бужмайиши ҳам, йиқилиб ўзини ерга уриши ҳам соб бўлди. Ҳатто, бошини ҳам буролмайдиган бўлиб қолди. На ўтира олади, на ёта олади. Безгаги тутадиган бўлиб қолди, ниҳоят, врач кўриктан ўтказаётган вақтда алаҳсираб, ўзининг бутун айбига иқроо бўлди. Унга чиққан чипқонларнинг касофати бизларга ҳам тегди. Шу чипқонлар важдан у яна уч кун ёнимизда ётди. Унга парҳезни ҳам бошқача қилиб қўйишди: эрталаб булқача билан қаҳва, тушки овқат вақтида шўрва, соус билан кнедлик, кечқурун бўтқа ёки шўрва беришар эди, ошқозони ювилган ва қаттиқ парҳезга солиб қўйилган биз очлар эса, унинг чапиллатиб овқатланиши, тўйиб кечкириши ва ел чиқаришига термилиб ўтиришга мажбур эдик. У ўзининг бу ҳаракати билан дил ўйноғи дардига мубтало бўлган бошқа уч кишини ҳам қўлга туширди. Улар ҳам иқроо бўлишди.

— Ўзини жинчилиikka солиб муғамбирлик қилишдан осони йўқ,— деди муғамбирлардан бири. Қўшни иккин-

чи палатада иккита муаллим ётибди. Шу муаллимларнинг бири кеча-ю кундуз тинмай: «Жордано Бруно куйдирилган гулхан ҳозир ҳам тутаяпти! Галилей устидан судни яна бошланглар!» деб қичқиргани қичқирган. Иккинчиси эса, дастлаб уч марта секингина, «вов, вов, вов», сўнгра беш марта тез-тез, «вов-вов-вов-вов-вов», деб ундан кейин эса, яна беш марта секинроқ вовиллаб қўяди. Уларнинг иккови уч ҳафтадан кўпроқ бардош берди... Аввал мен ҳам ўзимни жинни қилиб кўрсатмоқчи бўлдим, ўзимни дин савдойиси қилиб, папанинг бегуноҳлиги тўғрисида нуқул тарғибот юритмоқчи бўлдим. Лекин оқибат натижада, мен Малая Странадаги бир саргарошга ўн беш крон бериб ошқозон ракини сотиб олдим.

— Вржевнода менинг мўрконларни тозаловчи бир танишим бор,— деди бошқа бир бемор,— ўн крон берсангиз сизда шундай иситма пайдо қиладики, ўзингизни деразадан ташлаб юборадиган бўлиб қоласиз.

— Буларнинг ҳаммаси бир чақага арзимади,— деди учинчи бемор.— Вршовицада бир доя хотин бор, йигирма крон берсангиз дарров оёғингизни майиб қилиб қўя қолади. Умрбод чўлоқ бўлиб юраверасиз.

— Мен беш крон бериб оёғимни майиб қилганман,— деди дераза олдидаги каравотда ётган бемор.— Беш кронни нақд тўладим ва яна уч кружка пиво қуйиб бердим.

— Менинг касалим икки юз крондан кўпроққа тушди,— деди унинг ёнида ўтирган, тарашадай қотиб кетган бир киши.— Дунёда мен ичмаган заҳар қолгани йўқ. Бамисоли жонли заҳар омбори бўлиб қолдим. Сурма ичдим, симоб буғини ҳидладим, маргимуш ғажидим, наша чекдим, қора дорини эзиб ичдим, нонга афъюн сепиб едим, стрихнин ютдим, фосфор эритмасини олтингугурт углеродига ва пикрин кислотага аралаштириб ичдим. Жигаримни, ўпкамни, буйрагимни, ўт пуфагимни, миямни, юрагимни ва ичакларимни ишдан чиқардим. Касалим нималигини ҳеч ким тушуна олмайдиган бўлиб қолди.

— Энг яхшиси шуки, қўл териси остига керосин укол қилиш керак,— деди эшик олдида ётганлардан бири.— Амакимнинг ўғли жуда қойил қилди: унинг қўлини тирсагидан кесиб ташлашди, энди у ҳеч қандай ҳарбий хизматдан қўрқмайди.

— Мана, кўрдингизми,— деди Швейк.— Ҳар бир киши мана шу дардларнинг ҳаммасига жаноб император

деб бардош бериши керак. Ошқозонни ювдириш ва йўгон  
ичакка мағзава суви юбориш ҳам шунинг учун қилина-  
ди. Бундан бир неча йил муқаддам ҳарбий хизматда  
бўлган вақтимда полкимизда бундан ҳам ёмонроқ ҳоли-  
салар бўлар эди. Беморни қўл-оёғини боғлаб, тузалсин  
учун совуқхонага тиқиб қўйишарди. Совуқхонада бу ер-  
дагидек тушакли каравот ҳам, ёки туфдон ҳам йўқ эди.  
Совуқхонада куп-қуруқ каравотларда ётган беморлар  
бор эди, холос. Бир вақт у ерда оғир тиф касали билан  
оғриган киши, унинг ёнида эса, қора чечак тошган бемор  
ётган эди. Икковининг ҳам оёқ-қўли боғлаб қўйилган  
бўлиб, полк врачлари сенлар муғамбирлик қиляпсан, деб  
нуқул уларнинг қорнига тепарди. Лекин иккала солдат  
ўлиб қолгандан кейин, бу иш парламентгача бориб етди  
ва газеталарда ҳам босилиб чиқди. Шундан сўнг, бизга  
ўша газеталарни ўқишни дарров тақиқлаб қўйишди ва  
бизнинг сандиқчаларимизда газеталар йўқмикин, деб  
ҳатто ичини титиб ҳам қарашди. Мен қурғур сира омади  
юришмаган кишиман-да. Бутун полкда ҳеч кимдан газе-  
та чиқмади, фақат менинг сандиқчамдан топишди.  
Оёғимни ерга теккизмай полк командири олдига олиб бо-  
ришди. Полковникимиз раҳмаглик шундай тўқим табиат  
одам эдики, мени кўриши билан «смирно» деб бақирди  
ва газетага кимлар ёзганини айтиб бер, бўлмаса баша-  
рангни дабдала қиламан, турмада чиритиб юбораман,  
деб ўшқирди. Сўнгра полк врачлари келиб қолди-да, мушти  
билан тумшугимга туртиб: Sie verfluchter Hund, Sie  
schäbiges Wesen, Sie unglückliches Mistvieh<sup>1</sup> «Социалис-  
тик аблаҳ!» деб бақирди. Мен бўлсам, кўзларимни пи-  
риллатмай, уларга тик қараб, индамай туравердим. Ўнг  
қўлимни пешанамга тираб, чап қўлимни ёнимга қўйиб  
туравердим. Улар худди ит каби атрофимда айланиб,  
менга ўшқирди, мен бўлсам, дамимни чиқармай, ин-  
дамай туравердим, ўнг қўлимни пешанамга қўйиб, чап  
қўлимни осилтириб олгандим. Улар шу тахлит ярим  
соат ер тепиниб туришди. Сўнгра полковник олдимга  
югуриб келиб: «Савдойнимсан ёки йўқ?..» деб бўқирди.  
«Худди шундай, жаноб полковник, савдойиман», дедим.  
«Савдойилигинг учун йигирма бир кун қамоқда ётасан!  
Ҳафтасига икки кун овқатинг ёвгон бўлади, бир ой сен-

<sup>1</sup> Сизлар лаънати итларсиз, битлиқи махлуқларсиз, ваҳшийлар-  
сиз (немисча).

га отпусқа берилмайди, қирқ саккиз соат оёқ-қўлинг боғлаб қўйилади! Дарров қамаб қўйинглар, овқат берманглар! Қани боғланглар! Давлатга савдойилар керак эмаслигини унга кўрсатиб қўйинглар. Сен итваччанинг бошингдан газета сўзларини ситиб чиқарамиз!» Жаноб полковникнинг дўқ-пўписаси шу билан тугади. Мен қамоқда ётган вақтимда эса, казармада жуда ажойиб воқеалар бўлибди. Полковникимиз солдатларга ҳатто «Прага ҳукумат газетаси»ни ўқишни ҳам тақиқлаб қўйибди. Солдатлар дўконида сосиска ва пишлоқни газеталарга ўраб беришни ҳам ман этилибди. Ана шундан кейин солдатлар газета ўқишни одат қилиб олишибди. Полкимиз дарров газетхон полк бўлиб қолди. Биз дуч келган газетани қолдирмай ўқийвердик, ҳар бир ротада полковник тўғрисида шеърлар ва ашулалар тўқилди. Полкда бирор ҳодиса рўй бериб қолса, дарров бир эслироқ солдат топилиб қолар ва у газетага, «солдатлар қийноққа солиняпти», деган сарлавҳа билан хабар юборар эди. Бу билан ҳам кифояланмай, Венадаги депутатларга хат юбориб, улардан бизни ҳимоя қилингллар, деб илтимос қилишар, улар эса бизнинг полковникимиз номини тилга олиб, унинг йиртқичилиги ҳукуматга маълумми, каби саволлар билан парламентда сафсатабозликни авж олдиршар эди. Буни текшириб чиқиш учун министр бизга комиссия юборди, натижада глубокаялик Франт Генчл деган бир солдат икки йил муддат билан қамаб қўйилди,— машқ майдонида полковникдан шапалоқ едим, деб шикоят қилиб, Венадаги парламент депутатларига хат юборган эди. Комиссия қайтиб кетганидан кейин полковник ҳаммамизни, бутун полкни сафга тизиб қўйиб, солдат солдат бўлиши керак, чурқ этиб оғиз очмаслиги ва хизмат қилиши керак, кимгаки бу нарса ёқмаса, шунинг ўзи интизомни бузиш бўлади, деди. «Аmmo сен аблаҳлар, бизга комиссия ёрдам беради, деб ўйлабмидинглар?— деди полковник.— Хўш, комиссия ёрдам бермади-ку!

Қани, ҳар бир рота менинг олдимдан марш қилиб ўтсин ва мен айтган гапларимни баланд овоз билан такрорласин». Биз ҳам рота-рота бўлиб, ўнгга, полковникка бурилган ҳолда саф тортиб, қўл билан милтиқ тасмасини ушлаганча, овозимиз борича: «Биз аблаҳлармиз, бизга комиссия ёрдам беради деб ўйлабмиз. Комиссия бизга ёрдам бермади!» деб бақириб ўта бер-

дик. Жаноб полковник қорни ёрилгудек бўлиб, ўлгудек хахолаб кулиб турарди. Ниҳоят, ўн биринчи рота қадам ташлаб ўта бошлади. Тарс-тарс юриб, полковник олди-га етди-ю, лекин чурқ этмади! Индамади, товуши ҳам чиқмади. Полковник бўлса, сувда пишган қисқичбақа-дек қип-қизариб кетди ва ротани, ҳаммасини бошидан бошлаб такрорла, деб орқага қайтариб юборди. Ун биринчи рота яна қадам ташлаб келиб... индамай ўтаверди. Ҳамма саф-саф бўлиб ўтяпти-ю, бақрайиб полковникка тикилади, холос. Полковник: «Rucht<sup>1</sup>», деб команда берди-да, қамчиси билан этигининг кўнжиги ура-ура ҳовлида тинмай туфуриб юраверди, сўнгра бирданига тўхтаб: «Abtreten<sup>2</sup>», деб бақариб юборди. Шундан сўнг отини минди-ю, жўнаб қолди. Ун биринчи ротага нима бўларкин, деб кутиб юрдик, аммо ҳеч нима бўлмади. Бир кун кутдик, иккинчи кун кутдик, бир ҳафта кутдик — ҳеч нима бўлмади. Полковник казармаларга бутунлай келмай қўйди, солдатлар эса жуда хурсанд, солдатлар у ёқда турсин, унтерлар ҳам, ҳатто офицерлар ҳам хурсанд. Ниҳоят, бизга янги полковник юборишди. Айтишларига қараганда, эски полковник қандайдир бир санаторийга юборилган эмиш, чунки ўн биринчи рота исён қилди, деб жаноб императорга ўз қўли билан хат ёзиб юборган экан.

Тушки овқатдан кейин кўрик бошланадиган вақт яқинлашиб қолди. Ҳарбий врач Грюнштейн, унинг кетидан эса, дафтар кўтарган фельдшер каравотдан-каравотга юриб ўтаверишди.

— Мацуна!

— Шу ерда.

— Йўғон ичагидан мағзава юборилсин, аспирин берилсин.

— Покорний!

— Шу ерда.

— Ошқозони ювилсин, хинин ичирилсин!

— Коваржик!

— Шу ерда.

— Йўғон ичагидан мағзава юборилсин, аспирин берилсин!

— Котятко!

<sup>1</sup> Больно! (немисча).

<sup>2</sup> Разойдись! (тарқалинг) (немисча).

— Шу ерда.

— Ошқозони ювилсин, хинив ичирилсин!

Шу тариқа ҳаммани қаторасига сўраб чиқиб, уларга ҳеч бир тушунтирмай, аямай ва дағаллик билан шунақа дорилар буюраверишди.

— Швейк.

— Шу ерда.

Доктор Грюнштейн янги келган беморга назар солди.

— Нима касалинг бор?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим мумкинки, бод касалига мубталоман.

Доктор Грюнштейн докторлик касби билан шуғуллана бошлаганидан бери беморлар билан ўткир пичинг қилиб гаплашишга одатланиб қолган эди. Пичинг ҳақиқатан ҳам бақиришдан кўра кучлироқ таъсир қилар эди.

— Ие, ҳали бодман денг...— деди у Швейкка.— Бод ҳақиқатан оғир дард. Буни қаранг-а, худди жаҳон уруши бўлиб турган пайтда, фронтга кетиш лозим бўлиб турган бир маҳалда бод билан оғриб қолибсиз-да! Сиз бунга ғоят хафа бўлаётгандирсиз, деб ўйлайман?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб бош врач, ғоят хафаман.

— Ҳали шундай денг. Уни дард хафа қилаётган эмиш? Худди шундай бир пайтда мен бодман, деб бизга мурожаат қилиш фикри миянгизга келганлиги жуда ҳам яхши бўлибди-да. Тинчлик замонда бечора серкадек сакраб юраверади, уруш бошланиши билан эса, унда бод пайдо бўлиб қолади-ю, тиззалари сира букилгиси келмайди. Тиззангиз оғримаёптими?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, оғрияпти.

— Кечаси билан ухлай олмай чиқаман, денг? Шундайми? Бод жуда хатарли, азоб берадиган ва оғир дард. Бу соҳада бизнинг катта тажрибамиз бор: қаттиқ парҳез қилиш ва даволаш учун биз ишлатаётган бошқа усуллар жуда яхши натижа берапти. Пештяна\*дагига қараганда, бу ерда тезроқ тузалиб кетасиз, фронтга шундай шахдам қадам ташлаб борасизки, ҳар қадам ташлаганингизда йўлнинг чангини чиқарадиган бўлиб қоласиз.

Сўнгра бош врач фельдшерга қараб, деди:

— Езинг: «Швейк, қаттиқ парҳез, кунига икки марта ошқозони ювилсин ва ҳар кун бир марта йўғон ичагига мағзава юборилсин». Кейин яна кўрамиз. Ҳозирча уни амбулаторияга юбориб, ошқозонини ювинглар ва ўзига келганидан кейин, йўғон ичагига мағзава юборинглар, лекин шундай қилиб боплангларки, авлиёларнинг ҳаммасини эсга оладиган бўлсин ва боди дарров қўрқиб учиб кетсин.

Сўнгра доктор Грюнштейн беморларга бурилиб, ифодали ва доно насиҳатлардан иборат нутқ сўзлади.

— Сизлар, бизнинг олдимизда бемалол лақиллатса бўладиган эшак турибди, деб ўйламанглар. Сизлар ҳунларнингиз билан мени лақиллата олмайсиз. Ҳаммангиз муғамбир эканлигингизни ва ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ниятида эканлигингизни мен яхши билман-ку, ахир. Шу сабабли мен сизларга ўзларингизга муносиб муомала қиляпман. Мен ўз умримда сизларга ўхшаш аскарларни юзлаб кўрганман. Жанговарлик руҳи йўқлигидан бошқа ҳеч бир дарди бўлмаган талай-талай одамлар мана шу каравотларда думалаб ётганини биламан. Улар ўз ўртоқлари фронтда жанг қилиб турган пайтда биз маза қилиб каравотда ётамиз, касалхона овқатини еб ҳузур қилиб, уруш тамом бўлишини кутиб тураверамиз, деб ўйлашган эди. Лекин муродига етолгани йўқ, ўша муттаҳамлар! Сизлар ҳам муродларингизга етолмайсиз, итваччалар! Бу ердан муғамбирлик қилганлигингиз йигирма йилдан кейин ҳам тушингизга кирганида сизларни бақириб юборадиган қилиб чиқарман.

Шу пайтда дераза олдидаги каравотдан оҳистагина бир овоз эшитилди:

— Ижозатингиз билан айтишим керакки, жаноб бош врач, энди мен соғайиб қолдим. Нафас сиқиншим йўқ бўлиб кетганлигини кечасиёқ пайқадим.

— Фамилияиңиз нима?

— Коваржик. Ижозатингиз билан айтишим керакки, менинг йўғон ичагимга мағзава юборилсин, деб буюрилган эди.

— Яхши,— деди доктор Грюнштейн ва буюрди:— Мени даволашмади деб биздан шикоят қилиб юрмаслигингиз учун йўлга чиққунингизча йўғон ичагингизга яна бир марта мағзава юборилади. Хўш, энди мен айтиб



ўтган беморлар фельдшер билан бориб, лозим бўлган дори-дармонни олишглар.

Ҳар ким ўзига буюрилганини тўла-тўқис олди. Баъзилари доктор буйруғини бажарувчиларга ёлвориб, ёки биз ҳам санитар бўла оламиз, ҳозирги санитарлар бир кун келиб бизнинг қўлимизга тушиб қолар, деб дўқ-пўписалар билан таъсир ўтказишга уриниб кўришди. Швейкка келсак, у қаҳрамонликни қўлдан бермади. Ўзининг йўғон ичагига мағзава юбораётган одамга далда бериб турди:

— Мени аяма, ичган қасаминг эсингда бўлсин. Башарти бу ерда отанг ёки туғишган уканг ётса ҳам унинг йўғон ичагига мағзава юборавер, ҳеч нарсага қулоқ солма. Бутун Австрияга мана шу мағзава мададкор эканлигини унутма. Биз ғалаба қиламиз!

Эртасига доктор Грюнштейн беморларни кўраётган вақтда Швейкдан, қалай, сизга госпиталь ёқдимиз, деб сўради. Швейк бунга, госпиталь жуда шинам ва яхши жой экан, деб жавоб берди. Бунинг мукофоти учун у кеча қабул қилган дори-дармонларнинг ҳаммасини олди ва унга сийлов қилиб яна аспириин ва уч порошок хинин ҳам беришди, аспириин билан хининни сувга аралаштириб, дарров ичиб юбор, деб буюришди.

Грюнштейн ўзи ўйлаб чиқарган азобларнинг ҳамма турларини хинин ишлатиб синаб кўрган эди. Швейк хининни шундай осойишталик билан ичдики, ҳатто Сократнинг ўзи ҳам заҳар солинган пиёладаги сувни шунчалик осойишталик билан ичмаган бўлса керак.

Врачнинг ҳузурида Швейкни муздек нам чойшабга ўраётган вақтларида у доктор Грюнштейннинг, қалай ёқяптими, деган саволига жавоб бериб:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб катта врач, мен ўзимни бамисоли денгиз бўйидаги курортда чўмилаётгандек ҳис қилияпман,— деди.

— Қалай, бодингиз ҳали тузалгани йўқми?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб катта врач, сира тузалмаяпти.

Швейк янги хил қийноқларга солинди.

Швейк шундай қийноқларга солиниб турган маҳалда марҳум инфантерия<sup>1</sup> генералидан қолган бева баро-

<sup>1</sup> Пиёда қўшинлар генерали (тарж.).

несса фон Боценгей яқинда «Богемия» газетасида босилган бир хабарда айтилган солдатни зўр бериб қидирмоқда эди. Уша газета, бир чўлоқ солдат беморлар тушиб юрадиган коляскада мени комиссияга олиб бординглар, деб буюрди ва «Белградни оламиз!» деб бақирди, деган гапларни ёзган эди. «Богемия» газетаси мана шундай ватанпарварлик кўрсатилаётганлигидан фойдаланиб, ўз газетхонларини чўлоқ қаҳрамон фойдасига пул тўплашга даъват қилган эди.

Ниҳоят, баронесса полиция бошқармасини ҳам суриштириб, маълумотлар олиб бўлганидан кейин, уша солдатнинг фамилияси Швейк эканлиги аниқланди. Энди уни қидириб топиш осон бўлиб қолди. Баронесса фон Боценгей ўзининг шериги ва камердинер билан бирга корзина кўтартириб, Градчанадаги госпиталга равона бўлди.

Бечора баронесса гарнизон турмаси ҳузуридаги госпиталда ётиш нималигини тасаввур ҳам қилолмасди. Баронессанинг визит карточкаси унга турма эшигини очиб қўйди. Турма маҳкамасида ҳамма унга гоят илтифот билан муомала қилмоқда эди. Хийла вақт ўтмасданоқ, баронесса ўзи суриштираётган «*der brave Soldat*» Швейк учинчи баракда, ўн еттинчи номерли каравотда ётганлигини билиб олди. Доктор Грюнштейннинг ўзи бундай улуғ зот тўсатдан келиб қолганлигини кўриб, эсини йўқотиб қўйган бўлса ҳам, аммо баронессани учинчи баракка бошлаб борди.

Доктор Грюнштейн буюриб қўйган тарзда одатдагидек, ҳар кунги даволанишдан эндигина қайтиб келган Швейк каравотда ўтирарди. Озиб-тўзиб кетган ва очлигидан тинкаси қуриган, шу вақтгача таслим бўлмай доктор Грюнштейннинг қаттиқ парҳези билан мусобақалашишни сабот ва матонат билан давом эттираётган, мугамбир деб ном олган беморлар Швейкни қуршаб олишган эди.

Агар бирор кимса мана шу тўдада бўлаётган гапларни эшитиб қолса, у ўзини олий пазандалик мактабининг ошпазлари орасида ёки гастрономия магазинлари сотувчилари учун берилаётган дарсда тургандек ҳис қиларди.

— Ҳатто чўчқанинг жинзасини ҳам иссиғида еса бў-

---

<sup>1</sup> Шоввоз солдат (немисча).

лади,— деди бу ерда анчадан бери ошқозон касалидан даволанаётган киши.

— Агар ёғи эриб тома бошласа, уни сиқиб туз, қалампир сепиб қўйсанг, шунақа мазали овқат бўладики. унинг олдида ғоз ёғининг жиззаси ҳам ҳеч нима бўлмай қолади.

— Ғоз ёғининг жиззаси деб оғзимизнинг сувини келтираверма,— деди «ошқозон раки» билан оғриган бемор,— дарҳақиқат, ғоз ёғининг жиззасидан яхши овқат йўқ! Уни чўчқа ёғининг жиззаси билан тенглаштирмай қўя қолинг! Ғоз ёғини тўғраб, уни олтиндай бўлиб сарғайгунча қиздириш керак, албатта, яҳудийлар ҳамиша шундай қилишади. Улар семиз ғозни сўйиб, терисидаги ёғни шилиб, қовуришади.

— Менимча, сиз чўчқа қовурдоғи нималигини билмасангиз керак,— деди Швейкнинг ёнида ўтирган киши.— Мен чўчқа ёғидан қилинадиган қўлбола жиззани айтмоқчиман. Бу жизза ўз номи билан қўлбола жизза деб аталади. Уни жигар ранг деб ҳам, сариқ ранг деб ҳам бўлмайди, бунақа жиззанинг туси шу икки рангга яқин деса бўлади. Қўлбола жизза ҳаддан ташқари юмшоқ ҳам, ҳаддан ташқари қаттиқ ҳам бўлмаслиги керак. Ёғанингда жиззаси карсилламаслиги лозим. Агар карсилласа, қовурилавериб қовжираб кетган бўлади. Бунақа жизза оғизда эриб кетиши керак... аммо бу жиззани еган вақтингда ёғи оғзингдан оқиб тушмайдиган бўлсин.

— От ёғидан қилинган жиззани еганингиз борми?— деб савол берди кимдир биров, лекин унга ҳеч ким жавоб бермади, чунки фельдшер югуриб кириб қолди.

— Қаравотларингда ўтиринглар! Бу ерга улуг малика ташриф буюряптилар. Ифлос оёқларинг кўрпадан чиқиб турмасин!

Улуг маликанинг ўзи ҳам баронесса фон Боценгеймдан кўра тантаналироқ қилиб бу ерга киролмаган бўлар эди. Баронесса бир талай мулозимлари қуршовида кириб келди. Булар орасида госпиталнинг бухгалтери ҳам бор эди. У ўзича, баронессанинг келиши махфий ре-визия бўлса керак, агар шундай бўлса мени бу ёғлиқ жойдан бўшатишиб, фронтга тўп еми қилиб юборишлари, олдинги позицияларнинг тиканли симлар билан ўраб ташланган жойларига жўнатишлари мумкин, деб хавотирланарди. Шунинг учун ҳам ранги ўчиб, оқариб

кетган эди. Аммо доктор Грюнштейн ундан ҳам баттароқ оқариб кетганди. Кампир баронессанинг «марҳум генерал рафиқаси» деб ёзиб қўйилган кичкина визит карточкаси докторнинг кўзидан нари кетмас, унинг назарида, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишлик, шикоятлар, бу ердаги хизматдан олиб фронтга жўнатиш ва бошқа шу каби даҳшатли нарсаларнинг ҳаммаси мана шу унвон билан чамбарчас боғланган эди.

Доктор баронесса фон Боценгеймни Швейкнинг каравоти олдига олиб келаркан, ўзини имкон борича вазмин тутишга уришиб, деди:

— Мана, Швейк. У ҳамма нарсага чидам билан бардош берапти.

Баронесса фон Боценгейм Швейкнинг ўрнига қўйилган стулга ўтириб, гап бошлади:

— Чех золдат, зўр золдат, чўлак золдат, ботир золдат. Австрия чехларини шуда яхши кўраман.— Баронесса шу гапни айтиб, Швейкнинг соқоли олинмаган юзини силаб қўйди.— Газетда ёзилганларнинг ҳаммасини ўқидим. Сизга мен овкат: «Ҳам-ҳам», чекадиган, ейдиган емишлар келтирдим... Чех золдат, шоввоз золдат! Johann, kommen Sie her<sup>1</sup>.

Ҳурпайган бакенбардлари билан Бабинскийга\* ўхшаб кетувчи камердинер катта саватни судраб, каравот олдига олиб келди. Баронессанинг шериги, йиғлаганлиги чеҳрасидан кўриниб турган новча хоним Швейк ёнига келиб, унинг каравотига ўтирди ва похол тикилган ёстиқни тўғрилаб Швейкнинг орқасига тираб қўйди, у ярадор қаҳрамонлар олдига келган вақтда албатта шундай қилинади, деб ўйлаган бўлса керак.

Баронесса эса, келтирилган совғаларни саватдан чиқара бошлади. Бу совғалар орасида пушти ранг хитой қоғозга ўралиб, қора-сариқ ипак лента билан боғланган бир дюжина қовурилган жўжа, ҳарбий заводда тайёрланган ва ёрлиғига: «Gott strafe England<sup>2</sup>» деб ёзиб қўйилган икки шиша қандайдир ликёр ҳам бор эди: шишага ёпиштирилган ёрлиқнинг орқа томонига Франц-Иосиф билан Вильгельмнинг суратлари туширилган бўлиб, улар болаларнинг: «Ҳой ўртоқ, жон ўртоқ», деган ўйинини ўйнаётгандек бир-бирларининг қўлларини

<sup>1</sup> Иоганн, бу ерга келинг! (немисча).

<sup>2</sup> Худо, Англияни жазола! (немисча).

ушлаб туришарди; сўнгра баронесса соғайиб тузалаётган беморлар учун винони ва икки қути сигаретни ҳам саватдан олди. Бу нарсаларнинг ҳаммасини у Швейк ёнида бўш турган каравотга назокат билан териб қўйди. Сўнгра муқоваси чиройли «Подшомизнинг ҳаётидан олинган манзаралар» номли китобни ҳам олди. Бу китобни ҳозирги расмий газетамиз «Чехословакия Республикаси»нинг баобрў бош муҳаррири ёзган бўлиб, у кекса Франц-Иосиф ҳаётининг ҳамма позик жиҳатларини жуда яхши билар эди.

Яна ўша «Gott strafe England» деган сўзлар ёзилган, бу сафар ҳам Австрия императори билан Германия императорининг суратлари тасвирланган бир бўлак шоколад олиниб, каравотга қўйилди. Лекин шоколадаги расмда императорлар қўл ушлашиб эмас, балки бир-бирларига орқаларини ўгириб турган ҳолда, алоҳида-алоҳида суратга тушган эдилар. Шоколаднинг ёнига баронесса «Viribus unitis<sup>1</sup>» деган сўз ёзилган чиройли, қўшалоқ тиш чўткасини олиб қўйди. Чўткаларнинг қўшалоқлигига сабаб шуки, бу чўткалар билан тишини тозалаган ҳар бир киши Австрияни унутмасин деб унга «Viribus Unitis» деган сўз ёзиб қўйилган эди. Фронт ва окоплар учун мутлақо зарур бўлган яна бир ажойиб совға, яъни маинкюр қилиш учун керакли асбоблар ҳам саватдан олиб қўйилди. Унинг қутисига ёпиштирилган суратда портлаб сочилаётган шрапнель ва пўлат каска кийиб, атакага бориш учун милтиқни маҳкам ушлаб турган қахрамон тасвирланган эди. Суратнинг остига «Für Gott Kaiser und Vaterland<sup>2</sup>» деган сўзлар ёзилган.

Совғалар орасида бир пачка сухари бўлиб, унга сурат солинмаган бўлса ҳам, аммо қуйидаги шеър ёзиб қўйилган эди:

Österreich du, edles Haus,  
Steck deine Fahne aus,  
Lass sie im Winde wehen,  
Österreich muss ewig stehen!

Унинг иккинчи томонига шу шеърнинг чехча таржимаси берилган эди:

---

<sup>1</sup> Бирлашган куч билан (немисча).

<sup>2</sup> Худо, подшо, ватан учун! (немисча).

О Австрия-Венгрия! Қудратли диёр!  
Бошинг узра қилпирайди покиза байроқ!  
Ҳилпирасин бошинг узра мангу улугвор,  
Австрия мағрур турар, турар худди тоғ!

Оқ гул ўтқазилган тувакча совғаларнинг охиргиси бўлди. Баронесса фон Боценгейм шу совғаларнинг ҳаммаси Швейк каравотида турганини кўриб хурсандлигидан ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Очлиги ҳаддан ошган бир неча муғамбирларнинг ҳам оғизларидан... сўлақлари оқиб кетди. Қаравотда Швейкни суяб ўтирган баронессанинг шериги ҳам йиғлаб юборди. Худди черковдагидек жимжит эди. Бу жимликни тўсатдан Швейкни ўзи бузди, у икки қўлини кўксига қўйиб, гап бошлади:

— «Худои таоло умрингизни боқий қилсин, болаларингизнинг орзусини кўринг...» Афв этасиз, бир оз янглишдим. Дуо қилиб айтмоқчиманки: «Эй, худоё худовандо, умрингиз боқий бўлсин, келтирган тухфаларингизни ўз даргоҳида қабул қилсин. Омин».

Шу сўзлардан сўнг у каравотдаги товуқни олиб, катта-катта тишлаб ея бошлади, доктор Грюнштейн эса, қўрқиб унга қараб турар эди.

— Қаранг, маза қилиб еяптия, бу золдат!— деди кекса баронесса доктор Грюнштейнга тантанали пичирлаб.— Энди у сопа-соғ бўлиб қолди, жанг майдонига йўл олса бўлади. Бундан нафланганига шуда ва шуда хурсандман.

Баронесса ҳамма каравотларнинг олдига бирма-бир бориб, ҳаммага сигарет ва шоколад конфетлар улашиб берди, сўнгра яна Швейкнинг олдига келиб, «Behüt euch Gott!» деган сўзлар билан унинг бошини силади ва ўзи билан келган ҳамма мулозимларни эргаштириб палатадан чиқиб кетди.

Доктор Грюнштейн баронессани кузатиб қайтиб келгунча, Швейк жўжаларни улашиб берди, беморлар бу жўжаларни бир зумда ямламай ютишди. Доктор қайтиб келганида топ-тоза қилиб қўйилган бир тўда суяккагина кўзи тушди. Суякларнинг эти шу қадар тозалаб шилиб олинган экини, бу суяклар калхатларнинг уясига тирик тушиб қолган жўжаларнинг бир неча ой-


<sup>1</sup> Сизни худо асрасин (немисча).

штаб врачидан сўз беришни илтимос қилди. Унинг нутқи самимий ва жўнлиги билан бошлиқнинг нутқидан фарқ қиларди.

У лагердан чиқиб, ўз полкига қайтиб бораётган ҳар бир солдат ғолиб ва паҳлавон бўлиши керак, деган гапни эзмалик билан қайта-қайта такрорлади. Мен,— деди у,— сизлар жанг майдонида қуролдан яхши фойдаланишингизга, урушда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам, хуллас, ҳамма жойда виждонли кишилар бўлишингизга аминман, сизлар енгилмас жангчилар бўлиб қоласиз, Радецкийнинг ва шаҳзода Евгений Савойскийнинг\* шуҳратини ҳеч қачон унутмаслигингизга аминман, сизлар Австрия монархиясини бепоён шон-шуҳрат далаларини ўз қонингиз билан суғоришингизга ва тарих зиммангизга юклаган вазифани муносиб бажаришингизга ишонаман. Сизлар ўз полкларингизнинг ўқлар тегавериб чиқиқан байроқлари остида жонингизни аямай, янги шуҳрат, янги ғалабалар сари олға бораверасиз...

Старший штаб врач коридорда бора туриб, бу соддадил ёш врачга деди:

— Менинг гапимга қулоқ солинг, биродар, сиз шунча гапларни гапириб беҳуда овора бўлдингиз. Радецкий ҳам, шаҳзода Евгений Савойский ҳам бу муттаҳамларни тарбиялаб солдат қилолмас эди. Ҳар қанча гапирсангиз ҳам уларни одам қилолмайсиз, улар шайка-ку!



IX боб

## ШВЕЙК ГАРНИЗОН ТУРМАСИДА

Гарнизон турмаси урушга боришни истамаганларнинг охириги паноҳи эди. Ўткир бир математика ўқитувчисини ўзим кўрганман. У артиллерияда хизмат қилиши керак эди, лекин тўп отишдан қутулиб қолиш учун бир подпоручикнинг соатини «ўмарди». У фақат гарнизон турмасига тушиш учун кўра-била туриб шундай қилди. Уруш майдонига бориб, тўпчилик қилишни у сира истамас эди. Фронтнинг нариги томонидаги ўзи сингари бечораларни, штатдан ташқари математикадан дарс бе-



рувчи муаллимларни тўп ўқи ва гранаталар билан ўлдиришни, душманга ўқ узишни аҳмоқона иш деб ҳисобларди.

У ўз-ўзига, «қон тўкиб кўпчилик нафратига дучор бўлишни истамайман», деди-да бемалол соат ўғирлади. Дастлаб унинг руҳий ҳолатини текшириб чиқишди, мен соатни бойлик орттириш мақсадида ўғирладим, деб айтгандан кейингина уни гарнизон турмасига жўнатишди.

Ўғирлик ва фирибгарлик қилиб, гарнизон турмасида ўтирган кишилар кўп эди. Булар орасида идеалистлар ҳам, идеалист эмаслар ҳам бор эди. Ҳарбий хизматни шахсий даромад манбаи деб ҳисобловчи кишилар: интендантлик хизматида, фронтнинг орқа томонида ва фронтнинг ўзида ишлаб, қаллоблик билан солдатларнинг овқати ва маошларини ўғирлаш ҳисобига кун кўрувчи турли бухгалтерлар ва бошқа ходимлар, шунингдек ўзларини бу ерга юборган шоввозларга қараганда минг марта инсофлироқ майда ўғрилар ҳам шу турмадан топиларди. Бундан ташқари, гарнизон турмасида ўтирганлар орасида фақат ҳарбий характердаги жиноятларни қилганликлари учун, чушончи, иштизомни бузганликлари, исёи кўтаришга уришганликлари, қочоқликлари учун қамалган солдатлар ҳам бор эди. Сиёсий маҳбуслар турмада ўтирганларнинг алоҳида группасини ташкил этар, буларнинг саксон проценти бутунлай бегуноҳ кишилар эди; бу бегуноҳ кишиларнинг тўқсон проценти суд ҳукми билан қамалиб ётарди.

Ҳарбий юридик аппарат тинимсиз ҳаракатда. Ялли сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳалокатга учраш олдида турган ҳар бир давлатда мана шундай суд аппарати бор. Судлар, полициячилар, жандармерия ва сотқин айғоқчилар галаси мазкур давлатнинг қўлдан кетаётган қудрати ва шуҳратини қўриқлаб турарди.

Австриянинг ҳар бир ҳарбий қисмида ўзлари билан бир каравотда ётган ва сафарларда ўз нонига шерик қилган ўртоқлари устидан чақимчилик қилувчи жосуслар бўларди.

Гражданлик полицияси: жаноб Қлима\*, Славичек ва шериклари ҳам гарнизон турмасига янги маҳбуслар етказиб бериб турарди. Фронтдагилар билан ўз уйида нигорон бўлиб қолган кишилар ўртасида ёзилаётган хатларнинг авторларини бу ерга ҳарбий цензура юборади; жандармлар фронтга хат жўнатган кекса, ишга лаёқатсиз

деҳқонларни судраб келишар, ҳарбий суд эса, уларни ўз хатларида юпатувчи сўзлар ёзганликлари ёки ўз уйларидаги қашшоқликни тасвирлаб берганликлари учун ўн икки йиллаб турмада ётишига ҳукм қилаверар эди.

Градчани гарнизон турмасидан бошланган йўл Бржевнов орқали Мотоль майдонида олиб борарди. Соқчи солдат қўли кишанланган кишини ҳайдаб олиб борар, уларнинг кетидан эса, тобут ортилган арава келаверар эди. Мотоль майдонида қисқа-қисқа «An! Feuer!»<sup>1</sup> командаси берилиб турарди. Эридан ажралиб қолишни сира истамаган хотинини капитан қилч билан урганлиги учун «исён» кўтарган бир йигит отиб ўлдирилганлиги тўғрисида полк бўйича берилган буйруқ ҳамма полкларда ва батальонларда ўқиб эшиттирилмоқда эди.

Гарнизон турмасида эса, штаб турмасининг назоратчиси Славик, капитан Лингардт ва «жаллод» деб ном берилган фельдфебель Ржепа уювлари бир бўлиб билган номаъқулчиликларини қилаверишди. Улар қанчадан-қанча одамларни якка камераларда калтаклаб ўлдиришди. Эҳтимол, капитан Лингардт республикада ҳам капитан бўлиб хизмат қилаётгандир. Агар шундай бўлса, мен унинг гарнизон турмасида хизмат қилган йилларини инобатга олишларини истар эдим. Давлат полицияси Славик ва Климининг стажларига уларнинг гарнизон турмасида хизмат қилган йилларини қўшиб қўйди. Ржепа ҳарбий хизматдан бўшаб, яна ўзининг гишт терувчилик касбини қила бошлади. Эҳтимол, у республикадаги ватанпарварлик тўғаракларининг аъзоси бўлса керак.

Штаб турма назоратчиси Славик республикада ўғрига айланиб кетди ва ҳозир турмада қамалиб ётибди. У бечора бошқа кўпгина жаноб ҳарбийлар сингари республикага мослаша олмади.

Ўз-ўзидан маълумки, турма назоратчиси Славик Швейкни қабул қилиб ола туриб, унга таънали назар ташлади.

— Бу ерга келтирилдингми, демак, гуноҳинг бор экан, биродар! Бошқалар қатори бошлаб ақлингни ки-

<sup>1</sup> Отинглар! (немисча).

ритиб қўямиз. Қўлимизга тушган одам осонликча қутулмайди, оғайни.

У сўзлари беҳуда айтилмаётганини исботлаш учун гурзидай мушти билан Швейкнинг тумшугига туртиб:

— Буни ҳидлаб кўр, аблаҳ!— деди.

Швейк ҳидлаб туриб:

— Бунақа мушт тумшугимга тушишдан худо асрасин. Нақ жаҳаннам ҳиди келиб турибди,— деб қўйди.

Швейкнинг осойишта, доно гаплари штаб турма назоратчисига ёқиб қолди.

— Ҳой, менга қара!— бақирди у мушти билан Швейкнинг қорнига туртиб.— Қимирламай тур! Чўнтакларингда нима бор? Сигаретларни олиб қол-да, пулни бу ёққа чўз, йўқса, ўғирлатиб қўясан. Бошқа йўқми? Ростданми? Лекин алдама? Ёлғон гапирсанг жазоланасан.

— Уни қаёққа жойлаштирамиз?— сўради фельдфебель Ржепа.

— Ўн олтинчига, ялангоёқлар орасига тиқиб қўямиз,— жавоб берди назоратчи. Капитан Лингардтнинг: «Streng benüten, beobachten»<sup>1</sup>, деб ёзиб қўйган фармойишини кўрмаяпсизми, ахир.

Сўнгра назоратчи Швейкка қараб тантанали оҳангда деди:

— Билиб қўй, оғайни, ҳайвонга ҳайвонча муомала қилинади. Қим ёзғирса, якка камерага тиқиб қўямиз, қовурғаларини синдириб ташлаймиз. Улиги чиқади, холос. Шундай қилишга тўла ҳаққимиз бор. Анали қасобни жуда болаган эдик-ку, эсингиздами, Ржепа?

Фельдфебель Ржепа ўша воқеани ҳузур қилиб эслаб, деди:

— Бизни у жуда ҳам чарчатган эди, жаноб назоратчи! Ўлгидай бақувват экан! Суякларини синдириб, оғзидан қон келтиргунимча беш минутдан кўпроқ тепкиласам бўладими. Шундан кейин ҳам у ўн кун жон бермай ётди. Жони жуда қаттиқ экан, итваччанинг!

Штаб турма назоратчиси Славик ўзининг панд-насиҳатини яқунлар экан, Швейкка қараб:

— Кўрдингми, аблаҳ, исён қилишни, ёки қочишни хаёлига келтирган кишиларнинг мана шундай адабини

<sup>1</sup> Қаттиқ қўллик билан сақлансин, назорат қилиб турилсин (немисча).

бериб қўямиз,— деди.— Бу — ўзини ўзи ўлдириш билан баб-баравар, бизда ўзини ўзи ўлдирганлиги учун ҳам худди шундай жазо берилади. Ё бўлмаса, худо кўрсатмасин, агар сен, муттаҳам, бирор нимадан шикоят қилсанг борми, дарров инспекция етиб келади! Масалан, инспекция келиб сендан: «Шикоятларнинг борми?»— деб сўрайди. Ана шунда сен, итвачча, дик этиб туриб, таъзим қилиб салом бериб: «Ҳеч қандай шикоятимиз йўқ, ҳамма нарсадан мамнунмиз», деб айтишинг керак. Қани, айт-чи, нима дейишинг керак? Тезроқ такрорла, аблаҳ!

— Ҳеч қандай шикоятимиз йўқ, ҳамма нарсадан мамнунмиз,— такрорлади Швейк. У бу сўзларни шундай хокисорлик билан айтдики, штаб назоратчиси Швейк сидқидил билан айтяпти деб ўйлаб, ўзининг янглишганлигини ҳам билмай қолди. Шунинг учун одатдаги «аблаҳ», «итвачча», «муттаҳам» деган сўзларидан биттасини ҳам қўшмай, мулойимлик билан деди:

— Энди сен шимингни ечиб, ўн олтинчи камерага жўна.

Швейк камерага кирганда бу ерда йнгирма эркак шимсиз, иштонда ўтирганини кўрди. Булар орасида турмага юборилган қоғозига «Streng behüten, beobachten» деган сўзлар ёзилган кишилар ҳам бор эди. Улар қочиб-нетиб юрмасин, деб жуда қаттиқ назорат остига олиб қўйилган эди.

Агар бу одамлар топ-тоза бўлса-ю деразаларида панжара бўлмаса, буларни кўрган киши биринчи қарашда ҳаммомнинг даҳлизига кириб қолдим, деб ҳис қилиши мумкин эди.

Соч-соқоли олинмаганига анча вақт бўлган, ёқавайрон оқсоқол Швейкни қабул қилиб олди. У деворга осиб қўйилган бир парча қоғозга Швейкнинг фамилиясини ёзиб, сўнгра деди:

— Эртага бизда томоша бўлади. Ибодатхонага хутба эшиттириш учун олиб боришади. У ерда шу иштонимиз билан тураверамиз. Галати томоша бўлади-да.

Барча авахта ва турмаларда бўлгани каби, гарнизон турмасининг ҳам ўз ибодатхонаси бор эди. Маҳбуслар ибодатхонани эрмак жойи деб жуда яхши кўришарди. Турма ибодатхонасида зўрлаб ибодат қилдириш маҳбусларни худога сизинтирилганлиги ёки савобга шерик қилганлиги учун улар бу жойни яхши кўрадилар,

деб бўлмайди. Бунақа беъманилик тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Маҳбуслар бу ибодатхонани яхши кўриб қолганликларининг сабаби шуки, турмада ётавериш юраги сиқилиб кетган маҳбусларга ибодат қилиш ва хутбани эшитишнинг ўзи кўнгил очар эрмак бўлиб туюлар эди. Худога сизгиниш ҳеч кимнинг эсига ҳам келмас эди. Ҳамма бир нарсани: зинадан ёки ҳовлидан чекилиб бўлган ташландиқ сигарета ёки сигара топармикинман, деган умид билан ибодатхонага келишарди. Мабодо, чекиб ташланган кичкина сигарет туфдондан ёки ердаги чанг-тупроқ орасидан топилиб қолса, худо умуман унутилиб юбориларди. Бу арзимас хушбўй нарса худо устидан ҳам, тавфиқли бўлишга интилиш устидан ҳам галаба қилар эди.

Зотан хутбанинг ўзи ҳам кўнгил очувчи эрмак родини ўйнарди. Умуман фельдкурат\* Отто Кацнинг ўзи жуда яхши одам эди. Унинг хутбалари гоёт қироатли бўлиб, хутба вақтида айтилган илоҳий гаплар гарнизондаги зериктирарли ҳаётни бирмунча жонлантирарди. У «руҳи тушиб кетган» ва шайтон йўлдан оздирган маҳбусларнинг кўнглини кўтармоқ учун худонинг марҳамати кенглиги тўғрисида вайсашларни, меҳроб олдида жон-жаҳди билан «Ite, missa est!» дейиши ёқимли жараанларди. Ибодат қилдиришда унинг ўзига хос алоҳида услуби бўларди. Кайфи тарақ вақтларда янги дуолар, янги ибодат, ўзига хос янгича русм ўйлаб чиқарар, ҳеч ким қилмаган янги-янги қилиқлар қилар эди.

Масалан, у баъзан табаррук сув билан тўла косани ушлаб турганида, ёки кўлидаги дуо китобини варақлаётганида тойиб кетиб, сўкинишга тутинар, маҳбуслардан тайинланган халфа\*ни, сен атайин мени оёғинг билан чалиб юбординг, деб бақириб ҳақорат қилар, сўнгра нақ меҳробнинг олдида халфани, «шпангле»\*га боғлаб, якка камерага жўнатаман, деб дўқ қилар эди. Ҳамма бу манзарани кўриб ичаги узилгудек бўлиб куларди. Жазоланган маҳбуснинг ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетарди, чунки ҳамниша шундай бўлиши одат тусига кириб қолган эдики, шу баҳона маҳбусларнинг бир оз диққатпазликлари ёзилар эди.

Ҳарбий руҳоний фельдкурат Отто Кац яҳудий миллатидан эди. Зотан, бунга ҳеч таажжубланмасангиз

\* Кетинлар, ибодат тугади (лотинча).

ҳам бўлади: архиепископ Кон ҳам яҳудий, яна бунинг устига Махаранинг\* яқин ошнаси эди.

Фельдкурат Отто Кацнинг ўтмиши машҳур архиепископ Коннинг ўтмишидан ҳам ғалатироқ бўлган. Отто Кац савдо институтида ўқиган ва ўз вақтида кўнгиликлар қатори ҳарбий хизматга қақирилган эди. У вексель ҳуқуқини ва векселларни шу қадар яхши билар эканки, бир йил ичида «Кац ва шериклари» фирмасини батамом банкрот бўлиб синишига олиб келди; фирма шу қадар шарманда бўлдики, кекса Кац Шимолий Америкага қочиб кетишга мажбур бўлди. Аммо у Шимолий Америкага кетмасдан олдин ўз шеригининг ва шу кампанияга ўша ишини топширган кишиларнинг рухсатсиз баъзи бир пул комбинациялари қилиб, сўнг-ра йўлга чиқди, унинг шериги ҳам Аргентинага кетишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, ёш Отто Кац «Кац ва шериклари» фирмасини Шимолий Америка билан Жанубий Америка ўртасида бегараз тақсимлаб, мерос тегишига заррача умиди йўқ, бошини қаёққа суқини билмайдиган ва ҳақиқий ҳарбий хизматга жойлашишдан бошқа иложи қолмаган кишининг аҳволига тушиб қолди.

Бироқ ихтиёрий ҳарбий хизматдаги Отто Кац яна бир ажойиб нарсани ўйлаб чиқарди. У христиан динини қабул қилди. Мартабам ошишига Исо ёрдам берсин, деб унга сиғинди. Кац бу ишни ўзи билан худонинг нойибн ўртасида бўлаётган савдо муомаласи деб ҳисоблаб, шу йўлга қадам қўйди.

Уни Эмауз ибодатхонасида тантанали маросим қилиб чўқинтиришди. Бу маросимни патер Альбаннинг ўзи ижро этди. Бу маросим жуда ғалати ўтди. Отто Кац хизмат қилаётган полкнинг тақводор майори, Градчанидаги олижаноб қизлар институтидан келган бир қари қиз ва конвесториянинг вакили бўлиб, уни чўқинтирувчи ота вазифасини бажарувчи келбатли бир зот ҳам маросимда ҳозир бўлишди.

Янги чўқинган христиан Отто Кац офицерлик имтиҳонидан эсон-омон ўтиб, ҳарбий хизматда қолиб кетди. Дастлаб у ишим яхши бораётир, деб ўйлади, шунинг учун ҳам ҳарбий академияга киришни мўлжаллаб юрди, аммо кунларнинг бирида ичиб, ўлгудек маст бўлиб монастирга борди-да, қурол-яроқларини монахлик жандасига алмаштирди. У Градчанидаги архиепископни

зиёрат этгаиллиги учун семинарияга қабул қилинди. Руҳонийлар сафига киришдан олдин у Вейводова кўчасида жориялари бор бадавлат бир уйда ўлгудек ичиб, сўнгра тўппа-тўғри архиепископ хузурига борди, унинг қўлидаги руҳонийлик унвонини қабул қилиб олди. Кейин мавқеига яраша хизмат излаб, ўз полкига борди ва фельдкурат бўлиб тайинлангач, от сотиб олди, Прага кўчаларида от чоптириб юрадиган, ўз полкидаги офицерларнинг базми жамшидида фаол қатнашадиган бўлиб қолди.

Унинг квартираси жойлашган бино зинаси олдида қарзларини ундиролмай сарсон бўлиб қолган кишилар айтаётган лаянат сўзлари тез-тез эшитилиб турарди. Отто Кац кўчадан хотин топиб уйига олиб келар экки деншчигини хотин топиб келишга юборарди. У картабозликни яхши кўрарди, фельдкурат фирром ўйнайди, деган миш-мишлар тарқалган бўлса ҳам, лекин ҳеч ким унинг енигичига яшириб қўйилган туз картани тополган эмас. Офицерлар уни «авлиё ота» деб ҳурматлашар эди. Ибодат қилиш учун у ҳеч қачон тайёргарлик кўрмас, шу жиҳати билан илгари гарнизон турмасига келиб турган ўзидан олдинги руҳонийда фарқ қилар эди. Кацдан олдинги руҳонийнинг миясига гарнизон турмасидаги солдатларини хутба ўқиш билан тузатиш мумкин, деган фикр қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Шунинг учун ҳам у худога илтижо қилган бўлиб, кўзларини чақчайтирар, фоҳишалар тўғрисидаги қонуларни ислоҳ қилиш, шунингдек, бева хотинларга тааллуқли ислоҳотларни ўйнашдан туғилган болаларни тарбиялашга ҳам жорий қилиш тўғрисида маҳбусларга узундан-узоқ гап сотар эди. Унинг хутбалари кундалик ҳаётга ёт, аксари зерикадиган гаплардан иборат бўларди.

Фельдкурат Отто Кацнинг хутбалари эса, аксинча, ҳамманн қувонтирарди.

Ун олтинчи камера маҳбусларини фақат иштонда ибодатхонага олиб келишарди, чунки турма нозирлари улардан бирортаси қочиб кетмаслиги учун шим кийишга руҳсат беришмаганди. Хуллас, тантанали маросим пайти ҳам келди. Оппоқ иштон кийиб олган йигирма маҳбус хатибнинг минбари олдида келгирилди. Улардан баъзилари омадлари юришиб йўлда ташландиқ сигарет топиб олган бўлсалар, яширадиган чўнтаклари бўлмаганлиги сабабли, оғизларида тишлаб туришарди. Бошқа

маҳбуслар иштонидан бошқа кийими бўлмаган бу йнгирма кишига ҳайрон бўлиб тикилиб туришар эди.

Фельдкурат шпорларини жаранглатиб, минбарга чиқди.

— Nabacht! — команда берди у.— Дуони бошлай-миз. Ҳаммаларинг менинг кетимдан такрорланглар! Ҳой, сен, орқадаги аблаҳ, қўлингичи пана қилиб, мишиқ қоқа берма, худонинг уйида турибсан-а, сўзимга кирмасанг, карцерга қаматиб қўяман! «Бизнинг отамиз» дуосини унутиб қўйган бўлсаларинг керак, ялангоёқлар? Қани, айтиб кўринглар-чи... Ўзим ҳам шундай бўлади, деб ўйлаган эдим. «Отамиз» дуосини унутиб қўйибсанлар-ку! Сенларга ловияли икки порция гўшт бўлса-ю, маза қилиб еб, қорин силаб, бурун кавлаб ётсаларинг экан-да, худони ўйламас экансанлар-да. Ё гапим нотўғрими?

У минбардан пастда қаққайиб турган оқ иштонли йнгирмата маҳбусга тикилиб қаради, бошқа маҳбуслар каби улар ҳам ҳузур қилиб қараб туришарди. Орқадаги маҳбуслар эса, «гўшт»\* ўйнашга киришган эдилар.

Швейк ёнидаги шеригига секингина:

— Чакки эмас, қизик бўляпти,— деб шивирлади.

Швейкнинг бу шериги ўртоғини ҳарбий хизматдан қутқариб қолиш учун унинг қўлидаги ҳамма бармоқларини чопиб ташлаган ва бунинг учун ундан уч крон олган, деган миш-миш тарқалган эди. У Швейкка жавоб бериб, деди:

— Ҳали бундан ҳам қизиклари бўлади! Бугун у яна ўлгудек ичиб келибди. Демак, гуноҳнинг машаққатли йўллари тўғрисида тағни сафсата сотади.

Дарҳақиқат, бугун фельдкуратнинг кайфи тарақ эди. Ўзи ҳам билмай, негадир нуқул минбар панжарасига осилганча пастга энгашаверганидан мувозанатини йўқотиб, пастга думалаб кетишига сал қолди. Маҳбусларга юқоридан туриб бақирди:

— Қани, йнгитлар, бирон ашула бошланглар! Ё янги ашулани ўргатиб қўяйми? Қани бўлмаса, мен билан қўшилиб айтинглар:

Менинг севган жононимдан  
Гўзал борми дунёда?

<sup>1</sup> Смирно! (немисча).



Бир мен эмас, бошқалар ҳам  
Боришар бўлиб тўда.  
Унгдан келар, чапдан келар  
Салом бериб дайдилар.  
Гўзалимнинг номин эса.  
Мариям биби дейдилар.

— Сиз, даиғасаларга бир нарса ўргатиш қийин,—  
давом қилди фельдкурат.— Ҳаммангни оттириб юбор-  
сам ҳам ҳақим кетади. Тушундиларингми? Мен шундай  
муқаддас жойда туриб гапиряпман, муттаҳамлар, зеро,  
худонинг ўзи шундай мавжудоддирки... у истиҳола қи-  
либ ўтирмай, позик жойларинга шундай қалампар  
тиқсинки, ўзингларни қаёққа қўйишни билмай қоласиз-  
лар! Зеро, Исо пайгамбарга сизинишни истамай, гуноҳ-  
нинг машаққатли йўлидан бориш орзусидасанлар.

— Ана, ана, бошланяпти. Улгудай ичибди-да! — деди  
Швейкнинг ёнида турган маҳбус унга пичирлаб.

— ...Гуноҳнинг машаққатли йўли ёмонлик билан ку-  
раш йўлидир, шуни бир билиб қўйинглар, аблаҳлар.  
Якка камерада думалаб ётишни яхши кўрадиган сиз  
ҳаромилар, падали бузрукворимиз марҳаматига эриш-  
моқчи бўлсаларинг, арш аълога ёлвориб илтижо қилин-  
лар, мурадларингга етасанлар. Дилларинг параҳ  
топади, безорилар... Ҳой, орқада турган, кўпам пишқи-  
раверма! Ахир отхонада турган айғирлар эмассанлар,  
худонинг уйдасанлар. Мана шуни эсларингга солиб  
қўймоқдаман, бўталарим... Хўш, қаерда тўхтадик?  
ja über den Seelenfrieden, sehr gut<sup>1</sup>. Зулматда бўлсала-  
ринг ҳам одам эканликларингни, дорилбақога кўз ти-  
киб, дорилфано бебақолигини, ёлғиз яратганининг ўзини-  
на боқийлигини тушуниб олишларинг лозим, ҳайвошлар.  
Sehr gut, nicht wahr, meine Herren?<sup>2</sup>. Худонинг меҳр-  
шафқати сизларга тушсин, деб мени кеча-ю кундуз  
худодан илтижо қилаверади, деб ўйласаларинг, янгли-  
шасанлар, аблаҳлар. Агар сен, муттаҳамлар, зулматда  
қолган дилимиз худонинг марҳамати билан тўлсин, қо-  
нунга хилоф ишларимизни кечирсин, бизни ўз даргоҳи-  
да қабул қилсин, марҳаматидан асло дариг тутмасин,  
деб мени кеча-ю кундуз дуо қилаверади, деб ўйласала-

<sup>1</sup> Ҳа, руҳоният тўғрисида, жуда яхши! (немисча).

<sup>2</sup> Жуда яхши, жапоблар, тўғрими? (немисча).

ринг, яна бир бор янглишасанлар, аблаҳлар. Мен сенларни жаннатга олиб кириб бўлман...

Фельдкурат кекириб олди.

— Олиб кириб бўлман...— яна такрорлади у.— Сенларга ҳеч бир яхшилиқ қилмайман. Буни ҳатто хаёлимга ҳам келтирмайман, чунки сенлар тузатиб бўлмайдиган аблаҳларсан. Яратганинг бениҳоя шафқати сенлар учун эмас, меҳр тўла нафасидан ҳам баҳраманд бўлолмайсанлар, чунки сендақа муттаҳамлар билан пачакилашиб юришга худонинг вақти ҳам йўқ. Нима деяётганимни эшитясанларми? Ҳой, сен, иштонли аблаҳ!

Иштонли йигирма маҳбус юқорига термилиб, баравар такрорлашди:

— Худди шундай, эшитяпмиз.

— Эшитишининг ўзи етмайди!— давом этди фельдкурат.— Сен аҳмоқлар шундай зулматдасанларки, худонинг шафқати сенларга ноил бўлмайди, чунки парвардигор марҳаматининг ҳам чегараси бор. Ҳой, сен, орқада турган эшак, пишқиравермагин, йўқса, умрингни карцерда чиритаман; ҳой, пастда турганлар, сенлар ҳам ўзларингни қовоқхонада деб ўйламайлар! Худонинг марҳамати чексиз, лекин бу марҳамат фақат яхши одамларга насиб бўлади, на қонунга, на ҳарбий уставга риоя қилмайдиган пасткаш аблаҳларга марҳамат кўрсатилмайди. Сенларга шуни айтмоқчийдим. Сенлар ибодат қилишни билмайсанлар, черковга боришни театр ёки кино кўрсатилаётгандек эрмак деб биласанлар. Мен мияларингдан бундай галамисликни ситиб чиқараман. мени бу ерга майнавозчилик, сенларни хурсанд қилиш учун келган киши, деб ўйламайдиган қилиб қўяман. Сен итваччаларни битта-битталаб якка камерага тиқиб қўяман. Ҳа, шунақа қиламан. Сенлар билан фақат вақтим кетяпти, қимматли вақтимни оляпсанлар. Агар менинг ўрнимда фельдмаршал ёки архиепископнинг ўзи бўлганида ҳам, барибир, сенларни тузата олмас эди, зимистон дилларингга худо номини жо қилолмаган бўлар эди. Шундай бўлса ҳам, ахир бир кун мени эслаб: «Бизга яхшилиқ қилган эди...» деб айтарсанлар.

Маҳбуслар сафидан пиқиллаб йиғлаган товуш эшитилди. Швейк ҳўнграб йиғламоқда эди.

Фельдкурат пастга қаради. Швейк мушти билан кўзларини ишқаларди. Ҳамма бениҳоя шод-хўррам.

— Ҳар қайсинг мана бу кишидан ибраг олишинг

керак,— деб давом қилди фельдкурат Швейкни кўрса-тиб.— Бу нима қияпти? Йиғлаяптими? Йиғламасанг-чи, сенга айтяпман! Йиғлама! Тузалгинг келяптими? Тузалиш, бўтам, осон иш эмас. Мана ҳозир йиғлаб турибсан, аммо камеранга қайтганингдан кейин яна ўша-ўша аблаҳ бўлиб қолаверасан. Худонинг бениҳоя раҳм-шафқати тўғрисида ҳали кўп ўйлаб кўришинг лозим бўлади, гуноҳкор руҳинг ниҳоят ҳақиқат йўлига тушиб олиб, шу йўлдан борадиган бўлгунча сен ҳали узоқ вақт ўзингни камолга етказишинг лозим бўлади... Мана, бугун фақат бир киши ҳақиқат йўлига тушиб олмоқчи бўлиб, бизнинг кўз олдимизда йиғлаб турибди, хўш, қолганларинг-чи? Ҳеч бало қилаётгани йўқ! Мана, қаранглар: бирингиз худди кавш қайтарадиган ҳайвондан туғилган махлуқ каби ниманидир кавшаб турибди, бошқа бирингиз худонинг ибодатхонасида бит боқиб, кўйлагини титкилаш билан овора. Ахир, уйларингда қичинсаларинг бўлмайдимми? Ибодат вақтида қичиниш шарт эмас-ку. Назоратчи, сиз тартиб сақлашни сира кузатмаяпсиз! Ахир сенлар кўчадан келган ландавурлар эмас, солдатсанлар-ку, лоақал черковда ўзларингни солдат деб билиб, шунга яраша ҳаракат қилсаларинг-чи. Битни уйларингда боқарсанлар, бу ерда худони қидирсаларинг-чи, лаънатилар! Шу билан гапим тамом, безорилар. Ибодат вақтида мўмин-қобил бўлиб туришларингни талаб қиламан, ўтган сафардагидек ёмонлик қилаверманглар, ўшанда орқадаги сафда турганлар хазинага қарашли кўйлакни нонга алиштириб, табаррук сув улашилаётганида ўша нонни ямлаб ютиш билан овора бўлиб қолган эди.

Фельдкурат минбардан тушиб, ўзининг ҳужрасига ўтди ва назоратчи ҳам унинг кетидан равона бўлди. Бир минутдан сўнг назоратчи чиқиб, тўғри Швейкнинг олдига келди, уни йигирма маҳбус орасидан судраб, ҳужрага олиб кириб кетди.

Фельдкурат столда тарвақайлаб ўтириб олиб, тамаки ўрамоқда эди. Швейк кириб келиши билан фельдкурат деди:

— Мана, ўзингиз ҳам келиб қолдингиз. Мен бу ерда ўйлаб-ўйлаб, сизнинг қандай одамлигингизни билиб олдим, десам бўлади. Тушуняпсанми? Мен черковда хутба ўқиётган вақтимда йиғлаб турган биринчи киши шу бўлди.

У столдан сакраб тушди ва Швейкни елкасидан ушлаб силкитгач, Франциск Салескийнинг мудҳиш улкан сурати олдида туриб бақирди:

— Ростини айт, аблаҳ, сен фақат майнавозчилик қилмоқчи бўлиб бўкирган бўлсанг керак!

Суратдаги Франциск Салеский Швейкка савол назари билан қараётгандек эди. Иккинчи томондан эса, қандайдир бир мужтаҳид сурати Швейкка таажжубда қараб турарди. Унинг елкасига кимдир арранинг тишини ботириб турар, қандайдир номаълум румолик солдатлар зўр бериб арра тортмоқда эдилар. Мужтаҳиднинг чеҳрасида на азоб, на мамнуният ва на дин йўлида қийналаётганлигида хурсандлик аломати сезилмасди. Унинг қиёфасида фақат ажабланиш аломати кўринар, «қандай қилиб мен бу аҳволга тушиб қолдим, сиз жаноблар мени нима қиляпсизлар?» деб гапирётгандек туюларди.

Швейк нима бўлса бўлар, деб таваккалига жиддият билан деди:

— Худди шундай, жаноб фельдкурат, парвардигорга ва сиз падари бузрукворимизга тавба қиляпман, ҳўнграб йиғлаганим рост, фақат шунчаки, майнавозчилик учун шундай қилганимга иқрорман. Сизга ўз қилмишига пушаймон бўлаётган гуноҳкор етишмаётганлигини ва шундай одам топилиб қолармикин, деб кўзингиз мўлтираб турганини кўрдим. Худо ҳаққи, одамлардан ихлосингиз қайтмасин, деб сизни қувонтирмоқчи бўлган эдим. Кўнглим бир оз яйрасин, деб ўзим ҳам эрмак қилмоқчи бўлган эдим.

Фельдкурат Швейкнинг соддадиллиги сезилиб турган чеҳрасига тикилиб қаради. Куёш шуъласи Франциск Салескийнинг\* мудҳиш суратида товланар, рўпарадаги деворда осилиб турган, юзидан ажабланганлиги кўриниб турган мужтаҳидни иситаётгандек бўларди.

— Сиз менга ёқиб қоляпсиз,— деди фельдкурат яна столга ўтириб.— Қайси полкдансиз?— сўради у ҳиқичоғи тутиб.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат, ўзимни Тўқсон биринчи полк солдати десам ҳам бўлади, демасам ҳам бўлади, умуман, менга нима бўлганлигини билолмай қолдим.

— Хўш, айтинг-чи, нимага сизни бу ерга ўтқазиб қўйишди?— ҳиқичоғи тўхтамай, яна сўради фельдкурат.

Ибодатхонада орган ўрнида чалинаётган фисгармония товушлари эшитилмоқда эди. Қочоқлиги учун қамаб қўйилган машшоқ-муаллим черковнинг энг ғамгин куйларини чалиб, кўнгил розини ифодаларди. Бу товушлар фельдкуратнинг ҳиқичоғи билан қўшилиб, шу вақтгача янграмаган қандайдир ғалати оҳангга айла-ниб кетмоқда эди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керак-ки, жаноб фельдкурат, ростини гапирсам, мени нима учун қамаб қўйганларини билмайман. Лекин бу ҳолимдан ўзим нолимайман ҳам. Фақат омадим келмаяпти. Яхшироқ бўлармикин, деб жон-дилим билан ҳаракат қиламан, аммо нимаики қилсам унинг оқибати анави су-ратдаги мужтаҳиднинг аҳволига ўхшаб ҳамини баттар-роқ бўлаверади.

Фельдкурат мужтаҳиднинг суратига — иконага қараб қўйиб жилмайди ва деди:

— Худо ҳаққи, сиз менга ёқасиз! Терговчидан сиз-нинг ҳақингизда сурштириб билишга тўғри келади. Энди бас, сиз билан гап сотиб ўтирмайман. Бу дуои ибодатдан тезроқ қутулиш керак! Kehrt euch! Abtreten!

Швейк ибодатхонада тўпланиб турган маҳбус ше-риклари олдига қайтиб келгач, фельдкурат сендан ни-маларни сўради, деб берилган саволларга қисқа ва қу-руққина жавоб берди:

— Ўлгудек маст экан.

Маҳбуслар программанинг навбатдаги номерини — дуои ибодатни хурсандликларини яширолмай астойдил кузатиб турдилар. Ҳатто маҳбуслардан бири, фельдкурат табаррук май тўлдирилган косани қўлидан туши-риб юбормаса менга қўлингни бер, деб гаров ўйнади ҳам. Агар мен ютсам, деди у, икки пайка нонимнинг ҳаммасини бераман, ютқизсам сизларни икки шапалоқ ураман, деди ва оқибат натижада ютди.

Фельдкурат ижро этаётган расм-русмларга тикилиб қараб турган бу кишиларнинг кўнгли ибодатхонадаги диндорлар ёки ашаддий тақводор католиклар каби ас-тойдил эътиқод ҳислари билан тўлиб-тошган деб бўл-майди. Уларнинг кўнгидаги ҳис-туйғуларни театрда туғиладиган ҳис-туйғуларга ўхшатиш ўринлироқ. Маъ-лумки, театрдаги спектаклни кўраётган вақтимизда

---

<sup>1</sup> Кругом! Марш! (немисча).

пъесанинг мазмунини билмаймизу, аммо воқеалар тобора чигаллашаверади ва бу воқеаларнинг охири нима бўлишини сабрсизлик билан кутаверамиз. Меҳроб олдида фельдкурат кўрсатаётган томоша ҳам бамисоли мана шундай спектакль каби ҳамманинг диққат-эътиборини тортмоқда эди. Маҳбуслар унинг тескари кийиб олган жандасидан кўз узмай тикилиб туришарди: меҳроб олдида ижро этилаётган спектаклни ҳамма қизиқиб кузатар ва бу спектаклдан эстетик завқ олиб, ҳузур қилар эди.

Ўзи руҳонийлардан бўлган қочоқ, Йигирма саккизинчи полкдаги эпчил ўғри, ҳозир эса, халфалик вазифасини бажараётган малла соч маҳбус мана шундай маросимда ўқиладиган дуоларнинг текстини, қилинадиган ҳаракатларини ва шу ҳаракатларни қандай бажариш услубини ёддан эслаб, такрорлашга уринарди. Фельдкурат учун у ҳам мишистрантлик, ҳам суфлёрлик вазифасини бажармоқда эди, шундай бўлса ҳам, фельдкурат ҳеч бир ўйлаб-нетмай дуодаги жумлаларни пойма-пой қилиб чалкаш ўқирди. Фельдкурат дуолар китобидан оддий ибодат дуоси ўрнига рождество дуоси ёзилган жойини очиб, мана шу дуони ўқишга ва шунга яраша ибодат русмларини бажаришга киришди, маҳбуслар эса, бу чалкашликни кўриб, ҳузур қила бошладди. Фельдкурат қироат билан ўқишни ўрнига қўёлмас, шунинг учун ҳам кенг бутхона ичида худди чўчқахонадаги бўкириш ва чиққирниш сизгарни ёқимсиз овозлар тарқалмоқда эди.

Меҳроб олдида турган маҳбуслар бу ҳолатдан мамнун бўлиб, бир-бирларига ўз фикрларини изҳор қила бошлашди:

— Бугун ўлгудек ичибди-да, қойил қияпти. Ҳаракатларини қаранг! Чамаси, бирор фоҳиша аёлнинг уйида меҳмон бўлиб, ичган бўлса керак.

Фельдкуратнинг Америка ҳиндлари жангга даъват қилиб тортаётган наърасини эслатувчи «Ite, missa est» ибораларини меҳроб олдида туриб учинчи марта такрорлади. Бу дуони шундай чиққирган овоз билан ўқидики, дераза ойналари дириллаб кетди. Сўнгра фельдкурат вино қолмадимикин, деб яна косага бир марта кўз ташлаб қўйди, сўнгра бужмайиб тингловчиларга қараб давом этди:

— Энди, уйлариנגга қайтсаларинг ҳам бўлади, аб-

лаҳдар. Тамом. Сенларнинг табаррук меҳроб олдида лозим бўлган тарзда дуоғўйлик қилмаётганларингни сезиб турибман. Безорилар! Парвардигор назар солиб турган маҳалда уялмасдан хахолаб қуляпсанлар, йўталиб, тупуряпсанлар, оёқларингни қимирлатяпсанлар... менинг олдимда шундай қуляпсанлар, ваҳолонки, мен бу ерда Биби Марямнинг, Исо пайғамбар, Одам Атонинг вазифасини бажаряпман, лаънатилар! Агар, минбаъд яна шу қилиқларинг такрорланадиган бўлса, адабларингни бериб қўяман. Ана шунда ўтган сафарги хутбамда мен гапириб ўтган дўзахдан ташқари ерда ҳам дўзах борлигини ва бу дўзах нималигини биладиган бўлиб қоласанлар! Нариги дунёдаги дўзахдан қутулиб қолишларинг мумкин-ку, аммо мен айтган иккинчи дўзахдан, яъни менинг қўлимдан қутулиб қололмайсанлар.

— Abtreten!

Бандиларни ибодат қилдиришдан иборат сийқаси чиққан эски русмни шундай яхши ва ўзига хос тарзда ўтказиб бўлгач, фельдкурат ҳужрага кириб, устидаги жандани ечди-да, бошқатдан кийиниб олди, саватга солиб қўйилган катта идишдаги черков виносидан қўйиб беришни буюрди, винони ичиб, ўзининг малла соч халфаси билан ташқарига чиқди, министронт уни ҳовлида боғлаб қўйилган отга қўлтиғидан ушлаб миндириб қўйди. Лекин шу пайтда Швейк унинг эсига тушиб қолиб, отдан тушди, терговчи Бернис маҳкамасига борди.

Ҳарбий терговчи Бернис аввало яхши улфат, уста раққос ва фосиқ киши эди. Ҳарбий хизмат унинг ниҳоят даражада жонига теккан бўлиб, зерикиб юрар, ўзининг ён дафтарига немисча шеърлар ёзиб қўяр ва бу шеърларни ўқишга тахт қилиб қўйиб, ҳамиша ўзи билан олиб юрарди. У ҳарбий суд аппаратининг муҳим кишиси бўлиб, шу қадар кўп протоколлар ва мутлақо чалкаш актларни тўплаб қўйган эдики, шу туфайли Градчанадаги бутун ҳарбий-дала суди унга ҳурмат назари билан қарарди. У ҳамиша қоралов материални унутиб қўяр, шунинг учун ҳам бундай материалнинг янгисини ўйлаб чиқаришга мажбур бўлар, номларини чалкаштириб юборар, айблаш тугунининг ипини йўқотиб қўйиб, бундай пайтларда тўсатдан эсига келиб қолган янги гапларни тўқиб айблашга тутинарди, чунончи, у қочоқларни ўғри деб, ўғриларни эса, қочоқлик қилди, деб суд қилар, уйдирма материалларни ўйлаб чиқариб, сиёсий

судлар ўтказар эди; айбланувчилар бўйнига умрида қилмаган жиноятларни қўяр, тушларига кирмаган жиний ишларда қатнашди, деб айбламоқ учун хилма-хил найранглар ишлатар, уларни подшоҳи аъзамни ҳақорат қилди, деган тухмат гаплар билан айблар ва шундай ҳақорат ибораларни ўзи ўйлаб чиқараверар, кўпинча айбланувчиларга қарши тўпланган материалларни бевариб уюлиб ётган актлар ва бошқа расмий қоғозлар орасида йўқотиб қўярди.

— Servus<sup>1</sup>— деди фельдкурат унга қўл бериб туриб.— Ишлар қалай?

— Мазаси йўқ,— жавоб берди ҳарбий терговчи Бернис.— Материалларимни чалкаштириб юборишибди, энди нима қилишимни билмай ўтирибман. Исён кўтаришда айбланган бир лаънати тўғрисида ишланиб чиққан материални кеча бошлиқларга юборган эдим, бу материалларда исён тўғрисида эмас, балки консервалар ўғирланганлиги тўғрисида ёзилибди, деб менга ҳаммасини қайтариб юборишибди. Яна бунинг устига ўша материалга бошқача номер қўйиб юборибман. Буни қаердан олишганига сира ақлим етмаяпти!

Ҳарбий терговчи бир тупуриб гапини тўхтатди.

— Ҳалиям карта ўйнашга борясанми?— сўради фельдкурат.

— Пулларимни бой бериб бўлганман. Охирги марта мен яроқ бош полковник билан ўйнаган эдим. Ҳамма пулимни ўшага ютқаздим. Лекин мен битта қизни кўз остимга олиб қўйганман... Хўш, жаноб, ўзлари нима қилиб юрибдилар?

— Менга деншчик керак,— деди фельдкурат.— Энг охирги деншчигим олий маълумоти йўқ бир бухгалтер чол эди, лекин ўзи ўтакетган ҳайвон экан. Нуқул ибодат қилгани-қилган, мени худо ўз даргоҳида сақласин, деб дуо қилаверади. Жонимга тегиб, уни марш батальони билан фронтга жўнатдим. Уша батальонни тумтарақай қилиб юборишганимни. Кейин менга бир шоввозни юборишган эди, у ҳеч нарса қилмай нуқул қовоқхонада ўтириб, менинг ҳисобимдан ичгани-ичган. Бунисигаям чидар эдим, аммо оёғи терлайвериб жонимга тегди. Уни ҳам марш батальони билан жўнатишга тўғри келди. Бугун биттасини кўриб қолдим, у ибодат вақти-

<sup>1</sup> Салом (лотинча)



да атайин майнавозчилик қилиб бўкириб йиглаб юборди. Менга мана шунақаси керак. Унинг фамилияси Швейк, ўзи ўн олтинчи камерада ўтирибди. Уни нима учун қамаб қўйганликларини билмоқчиман. Бир амаллаб уни у ердан олиб чиқишнинг иложи йўқми?

Терговчи Швейкнинг материалини қидириб, стол тортмаларини ковлаштира бошлади, лекин ҳар сафар бўлганидек, бу гал ҳам ҳеч нима тополмади. Узоқ қидириб, ҳеч бир натижа чиқара олмаганидан кейин, деди:

— Эҳтимол, капитан Лингардтда бўлса керак. Ҳайронман, нуқул менинг материалларим йўқолаверади! Унинг материалларини Лингардтга юборган бўлсам керак. Қани, унга телефон қилиб кўрай-чи... Алло! Терговчи поручик Бернис гапиряпти. Жаноб капитан, агар бемалол бўлса, бир нарсани айтсангиз, Швейк деган шахс тўғрисидаги материаллар сизда эмасми? Ўзингда бўлиши керак, дейсизми?.. Қизиқ, мен ўзим сиздан қабул қилиб олганманми? Ростдан ҳам қизиқ. Ун олтинчида ўтирибди... Ҳа, жаноб капитан, ўн олтинчидагиларнинг иши менинг қўлимда эканлигини биламан, лекин Швейк тўғрисидаги материаллар сизнинг қўлингизга тушиб қолмаганмикин, деб ўйлаган эдим... Мен билан бу тахлитда гаплашмагин, деяпсизми? Сизда ҳеч нима уюлиб ётмайdimи? Алло! Алло!

Бернис жаҳли чиқиб стол ёнига ўтирди ва тергов ишларини юритишдаги тартибсизликни қоралай бошлади. У билан капитан Лингардт орасига совуқчилик тушиб қолганига анча бўлган эди, аммо уларнинг ҳеч бири бир-биридан узр сўрашни истамасди. Лингардт қўлидаги ишларга тааллуқли қоғоз Берниснинг қўлига тушиб қолса, Бернис бу қоғозни шундай хилват жойга тикиб қўярдики, уни кейин ҳеч ким тополмас эди. Бернис қўлидаги ишларга тааллуқли қоғозларни Лингардт ҳам шундай қиларди. Ишларга илова қилинган қоғозлар ҳам худди шундай йўқ бўлиб кетаверарди.<sup>1</sup>

(Тўнтариш бўлганидан кейингина Швейк тўғрисидаги қоғозлар ҳарбий-дала судининг архивидан топилди. Уша ишнинг устига бундай деб ёзиб қўйилган экан:

---

<sup>1</sup> Гарнизон турмасида қамалиб ётган одамларнинг ўттиз проценти уруш тамом бўлгунча шу турмада ўтираверди ва бир марта ҳам тергов қилингани йўқ. (Авторнинг изоҳи).

«Мунофиқлик ниқобини олиб ташлаб, ҳазрати подшоҳимизга ва давлатимизга очиқдан-очиқ қарши чиқмоқчи бўлди». Швейкнинг иши қандайдир Йозеф Кудель тўғрисидаги қоғозлар орасига тиқиб қўйилган экан. Бу ишнинг муқовасига крест чизиб қўйилибди, унинг остига эса, «ижро этилди», деб қайд қилиниб, санаси ҳам ёзиб қўйилибди).

— Хуллас, менинг қўлимдаги Швейк йўқолибди,— деди Бернис.— Узини бу ерга чақиртириб келтираман, агар у ҳеч нимани бўйнига олмаса, бўшатаман. Уни сенинг қўлингга топширишни буюраман, қолган расмиятнинг ҳаммасини полкда ўзинг тўғрилайсан.

Фельдкурат чиқиб кетгандан кейин, терговчи Бернис Швейкни чақиртириб келтирди. Лекин у Швейкни эшик олдида куттириб қўйди, чунки шу пайтда у полиция бошқармасидан телефонограмма олмоқда эди. Мазкур телефонограммада, оддий пиёда аскар Мейкснерга тааллуқли 7267 рақамли айбнома учун талаб қилинган материални капитан Лингардт имзоси билан биринчи рақамли маҳкама қабул қилиб олганлигини айтилган эди.

Эшик олдида турган Швейк фурсатдан фойдаланиб, ҳарбий терговчи маҳкамасига кўз югуртириб чиқди.

Бу ердаги вазият, айниқса, Галицияда ва Сербияда армия томонидан қилинган ҳар хил ваҳшийликларнинг фотосуратлари жуда яхши таассурот қолдиради, деб айтиб бўлмайди. Бу бадний суратларда ўт қўйилган уйларнинг ё ёндирилган дарахтларнинг суратлари, шу дарахтларга осиб ўлдирилган бечораларнинг оғирлигидан дарахт шохлари ергача эгилиб тушганлиги тасвирланган эди. Сербиядан юборилган сурат айниқса ваҳшиёна эди. Бу фотосуратда дорга осилган онла: жажжигина ўғил бола, отаси ва онаси тасвирланган эди. Бир неча киши осиб қўйилган дарахтни иккита қуроли солдат кўриқлаб турибди, сигарета чекаётган офицер эса, уларнинг олдида гўё ғалаба қозонган қаҳрамондек қаққайиб турибди. Олсроқда овқат пиширилаётган дала ошхонаси кўринарди.

Терговчи Бернис телефонограммани бошқа қоғозларга қўшиб қўйиб, Швейкка қаради:

— Хўш, Швейк, энди сизни нима қйлишим керак? Нималар қилганингизни ўзингиз биласизми? Бўйни-

пгизга оласизми, ёки сизнинг устингиздан айбнома туз-  
гунимизча кутиб тураверасизми? Бундай қилиш яра-  
майди! Ҳаққон ҳарбий хизматда бўлмаган аҳмоқлар  
тергов қилаётган қандайдир суд олдида турибман, деб  
ўйламанг. Бизнинг судимиз ҳарбий суд, к. и. к. *Militärgericht*<sup>1</sup>. Ҳамма қилмишингизга тўла иқдор бўлсангиз,  
шундагина сиз қаттиқ жазодан қутулиб қола оласиз.

Айбланувчи тўғрисидаги материал йўқолиб қолган  
тақдирда, бундай мушкулликдан қутулиш учун тергов-  
чи Берниснинг «ўз методи» бор эди. Лекин бу методда  
ҳеч қандай фавқулодда бир нарса йўқлигини ўзингиз  
кўриб турибсиз, шу сабабли бундай тергов ва сўроқнинг  
натижалари ҳаминша икки пулга қимматлигига тааж-  
жубланмасангиз ҳам бўлади.

Терговчи Бернис ўзини жуда зийрак одам, деб ҳи-  
собларди, шунинг учун ҳам у айбланувчини қоралайдиган  
материалга эга бўлмай туриб, айбланувчи нима  
билан айбланганлигини ва умуман, нима сабабдан гар-  
низон турмасига қамаб қўйилганлигини билмай туриб,  
ўзи тергов қилинаётган кишининг хатти-ҳаракатини ва  
афти ангорини кузатишгагина асосланиб туриб, бу одам  
нима сабабдан турмага қамаб қўйилганлиги тўғриси-  
да хулоса чиқараверар эди. Унинг зийраклиги ва одам-  
ларнинг билиши шу даражага бориб етган эдики, бир  
неча дюжина ички кийимни ўғирлаганлиги учун ўз пол-  
кидан гарнизон турмасига тушиб қолган бир лўлини  
(бу лўли каптенармуснинг ёрдамчиси эди) Бернис сиё-  
сий жиноят қилишда айблади: шу лўли қандайдир қо-  
воқхонада солдатлар билан ичишиб, улар орасида  
Чехия билан Словакиядан иборат мустақил давлат ту-  
зиш, бу давлатга славян қиролини бошлиқ қилиб қўйиш  
учун ташвиқот қилди, деб тўхмат қилди.

— Ҳамма ҳужжатлар бизнинг қўлимизда туриб-  
ди,— деди у бечора лўлига.— Сиз бу гапларни қайси  
қовоқхонада айтганингизга, сизнинг шу гапларингизни  
эшитган солдатлар қайси полкнинг солдатлари эканли-  
гига ва шу воқеа қачон содир бўлганлигига иқдор бўл-  
сангиз бас.

Бечора лўли ҳақиқатда ўзи билмаган солдатларнинг  
қайси полкданлигини ҳам, қайси қовоқхонада ва қачон  
шундай гап бўлганлигини ҳам ўйлаб топишга мажбур

<sup>1</sup> Император ва қирол ҳарбий суди (немисча).

бўлди, терговдан қайтиб келгандан кейин эса, бир амаллаб гарнизон турмасидан қочиб қутулди.

Бернис чурқ этмай турган Швейкка қараб, деди:

— Ҳеч нимага иқрор бўлмоқчи эмасмисиз? Бу ерга нима учун тушиб қолганлигингизни, сизни нима учун қамаб қўйганликларини айтиб бермоқчи эмасмисиз? Мен сизга ўзим буларни эслатмасдан туриб, лоақал менга ўзингиз гапириб берсангиз бўларди. Яна бир марта огоҳлантириб айтаманки, иқрор бўлаверинг. Ўзингизга яхши бўлади, чунки иқрор бўлишингиз терговни осонлаштиради, жазони юмшатади. Бу жиҳатдан қараганда, граждон судларида нимаки тартиб бўлса, бизда ҳам шундай тартиб мавжуд.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки,— деди ниҳоят Швейк ўзининг ёқимтой овози билан,— мен бу ерга, гарнизон турмасига бамисоли топилдиқ бир парса каби тушиб қолдим.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, мен буни сизга жуда лўнда қилиб тушунтириб бера оламан... Бизнинг кўчамизда турадиган бир кўмирчи бўлиб, унинг батамом гуноҳсиз икки яшар ўғли бор эди. Бир кун ўша бола Винограддан Либенга\* бориб қолиб, йўлкада ўтирган экан, шу жойда уни полиция топиб олибди. Уни, ўша икки яшар болани участкага олиб бориб қамаб қўйишибди. Кўрдингизми, бутунлай бегуноҳ болани сира суриштирмай қамаб қўяверишибди. Агар унда нимага қамалиб ётибсан, деб сўраладиган бўлса, башарти тили бўлганида ҳам барибир, бу саволга ҳеч бир жавоб беролмас эди. Мана, мен ҳам шундай ҳолга тушиб қолганман, десам бўлади. Мен ҳам топиб олинган одамман.

Терговчи дарров Швейкни бошидан-оёғигача кўз югуртириб чиқди ва нима дейишини биллолмай қолди. Швейкнинг афти ангоридан бепарволик ва шундай маъсумлик сезилиб турардики, Бернис гижиниб маҳкаманинг у бурчагидан-бу бурчагига юришга тутинди. Агар у Швейкни фельдкуратга юбораман, деб ваъда бермаганида эди, бу терговнинг оқибати нима билан тугаши номаълум бўлиб қоларди.

Ниҳоят, терговчи столнинг ёнига бориб тўхтади ва бепарволик билан теварак-атрофга аланглаб турган Швейкка қараб деди:

— Гапимга қулоқ солинг, агар сиз яна бир марта менга дуч келиб қолсангиз, нима қилишимни ўзим билман... Бунн олиб кетинглар!

Швейкни ўн олтинчи камерага қайтиб олиб кетилаётган пайтда Бернис назоратчи Славикни чақиртириб келтирди.

— Биздан янги йўл-йўриқ бўлгунча Швейк жаноб фельдкурат Кац қўлига топширилади,— деди қисқагина буйруқ бериб Бернис.— Пропуска тайёрлаб қўйинг. Швейкни иккита соқчи билан жаноб фельдкуратга юборинг.

— Кишанлаб олиб борайми, жаноб поручик!

Терговчи столини муштраб ўшқирди:

— Эшак! Мен, пропускаи тайёрлаб қўйинг, деб очиқ айтдим-ку!

Капитан Лингардт, Швейк сабабли терговчи кўнгида тўпланиб қолган бутун ғазабни, бутун аламни бақриб ва ўшқириб назоратчига сочди ва ниҳоят деди:

— Энди тушундигизми, тождор эшак!

Бундай унвон билан фақат қироллар ва императорлар улуғланади, аммо ўзи асло тождор шахс бўлмаган, ҳатто шу оддий назоратчи ҳам бундай муомаладан барибир мамнун бўлмади, ҳарбий терговчининг олдидан чиққач, коридорни юниб турган маҳбусни тепиб юборди. Швейкка келганда, назоратчи уни гарнизон турмасининг лаззатини яна бир тотиб кўрсин, деб лоақал тағин бир кеча шу турмада қолдиришга қарор қилди.

Гарнизон турмасида ўтказилган бир кеча у ерда бўлган ҳар бир киши учун ёқимли хотира бўлиб, абадий сақланиб қолади.

Ўн олтинчи камеранинг ёнида якка маҳбус сақландиган ва мудҳиш ўрани эслатадиган кичкина камера бор эди. Биз тасвирлаётган кечанинг ўзида ҳам шу ўранинг ичидан маҳбус солдатнинг фарёди эшитиларди. Бу солдат қандайдир бир ножўя ҳаракат учун бу ерга тиқиб қўйилган ва фельдфебель Ржепа назоратчи Славикниг буйруғи билан унинг қовурғасини синдирмоқда эди.

Фарёд тўхтаганидан кейин ўн олтинчи камерада маҳбуслар тирноқлари билан ўлдираётган битларнинг қарсиллашигина эшитиладиган бўлиб қолди.

Эшик тепасидаги панжарали токчага қўйилган керосин чироқлардан деворларга хира ёруғ тушиб турар.

чироқнинг ўзи бурқираб тутамоқда эди. Керосиннинг ҳиди ювинмаган одамлар танасидан чиқаётган тер ва парашанинг сассиғи билан қўшилиб кетганди. Маҳбуслар ҳожат чиқариш учун ҳар сафар парашанинг оғзини очганида унинг қўланса ҳиди бутун ўн олтинчи камерага тарқаб, баттароқ саситиб юборар эди.

Овқатнинг ёмонлиги ошқозонда ҳазм бўлишини қийинлаштирар, шунинг учун ҳам маҳбусларнинг кўпчилиги ҳамиша қорни дим бўлиб ел чиқариб турарди; ҳар сафар ел чиқарилганида даранглаган товуш камеранинг тунги тинчлигини бузар, шу тариқа ел чиқариш пойгаси бошланиб кетар ва маҳбуслар ҳар сафар буни шарҳлаб қўярдилар.

Коридорда соқчиларнинг бир меъёردа қадам ташлаб юриши эшитилиб турар, гоҳо-гоҳо эшикнинг «кўзи» очилиб, «дажжол» камера ичига назар солиб қўяр эди.

Ўртадаги каравотда кимдир паст овоз билан гапира бошлади:

— Қочмоқчи бўлиб қўлга тушиб қолганимдан кейин мени бу ерга тиқиб қўйишди. Илгари мен ўн иккинчи камерада эдим. У камерада ишн енгилроқ одамлар ўтиради, деса бўлади. Бир куни бизнинг камерамизга бир қишлоқини олиб келишди. Уни кечаси бир солдатга ўз уйидан жой берганлиги учун икки ҳафтага қамаб қўйишган экан. Дастлаб буни сиёсий фитна деб ўйлашибди, кейин эса пул учун шундай қилганлиги маълум бўлиб қопти. У чакана жиноятчилар билан ўтиришга мажбур бўлди, бизнинг камерамизда эса, бунақа майда жиноятчилар кўп эди, у ҳам шулар орасига тушиб қолди. У уйидан қанча-қанча нарсалар олиб келди, уйидан юборилиб турилган нарсаларни айтмайсизми! Нима учундир унга турма овқатидан ташқари уйидан овқат олиб туришга рухсат бериб қўйишди. Чекишга ҳам рухсат беришди. У ўзи билан икки бўлак сур гўшт, каттагина нон, тухум, мой, сигареталар, тамаки олиб келганди... Хуллас, одам орзу қилиши мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси унда бор эди. Ўзининг шу бойликларини у икки қопга тиқштириб қўйган эди. Буни қарангки, шу овқатларнинг ҳаммасини ўзим ейишим керак, деган гап унинг калласига ўрнашиб қолган экан. Бошқа маҳбусларнинг ҳаммаси ниманки олишса биз билан бирга баҳам кўришади. Аммо у бундай қилмади. Биз билан баҳам кўриш керак, деган нарсанинг

фаҳмига ўзи етмагандан кейин, биз ундан бунни дастлаб яхшиликча илтимос қила бошладик. Аммо у баччағар қизғанчиқ, бермайман, деб туриб олди, мен бу ерда икки ҳафта ўтиришим керак, дейди. Овқат учун берилаётган караму, чириган картошка билан ошқозонимни бузмайман. Мен, дейди у, ўзимга тегишли турма овқатини ва нон пайкасини сизларга бериб тураман, шундай қилишга розиман, сизлар бунни ўртада баб-баравар тақсимлаб ёки навбатма-навбат олиб еяверинглар... Мен сизга айтсам, ўзи нозик табиат киши эди: парашага ўтирмасдан, ташқарига сайрга олиб чиқиладиган пайт келишини кутиб, тишини-тишига қўйиб ўтираверарди, навбат билан ташқарига бизни олиб чиқишганларидан кейингина, ҳожатхонада ёзилиб оларди. Шу қадар эрка ўсган одам эканки, ҳатто ҳожатхонада ишлатиладиган қоғозни ҳам ўзи билан бирга олиб келибди. Биз унга, сенинг улушингни бизга кераги йўқ, дедик бир кун сабр қилдик, икки кун, уч кун ҳам сабр қилдик... У бўлса, сур гўштни оғзига тиқиштириб, нонга ёғни суриб ураверди, тухумни ҳам лўққа-лўққа ютаверди, хуллас, айш қилиб яшайверди. Маза қилиб сигарета чекар ва ҳатто бу сигаретани тортиш учун ҳеч кимга бермас эди: сизларга чекиш учун рухсат берилмаган, агар мен сизларга сигарета берганлигимни «дажжол» кўриб қолса, якка камерага қамаб қўяди, деб баҳона қилар эди. Хуллас, уч кун сабр қилдик. Тўртинчи кун кечаси қасос олиш пайти келди. Эрталаб уйғониб қараса... Ҳай, айтгандек, бир нарсани гапириб беришни унутибман, у ҳар кун эрталаб, тушки овқат вақтида ва кечқурун, овқатланиш олдидан ҳамиша ибодат қилар, узундан-узоқ дуо ўқир эди. Ибодатини қилиб бўлиб, каравот тагидаги қопини очишга тутинарди. Лекин бу сафар у каравот тагидаги қопларнинг олхўри қоқидай бужмайиб, кичрайиб қолганини кўрди. Войдод, овқатимни ўғирлаб қўйишибди, ҳожат қоғозидан бошқа ҳеч нима қолдиришмабди, деб фарёд кўтарди, кейин бирданига жим бўлиб қолиб, беш минутча ўйлаб турди, ҳазиллашган бўлишса керак, нарсаларимни бирор жойга яшириб қўйишгандир, деган қарорга келди-ю, зўрма-зўраки илжайиб гап бошлади: «Вой, муттаҳамлар-эй, барибир ҳаммасини қайтариб берасизлар. Ҳазил қилишга уста экансизлар-ку!» Бизнинг орамизда Либендан келган бир йигит бор эди. Шу йигит дарров жавоб берди: «Мен сизга

бир гап айтаман, бошингизни кўрпага буркаб туриб, ўнгача сананг, кейин қопингизга қаранг». Оғайнимиз бўлса болаларга ўхшаб дарров кўрпага бурканиб, санашга тутинди: «Бир, икки, уч...» Либенлик йигит бўлса: «Бунақа тез санаманг, секинроқ сананг!» деб буюрган эди, у секинроқ, битталаб санашга тутинди: «Бир... икки... уч...» Унтагача санаб бўлиб, каравотидан тушди, қопини очди-да, бирданига бақира бошлади: «Э, худо! Э, яхшилар! Қопларим ҳали ҳам бўш-ку!» Шу пайтдаги унинг кулгини қистатадиган башарасини кўрсангиз эди! Кулавериб, ичагимиз узилиб кетай деди. Либенлик йигит бўлса, унга яна: «Тагин бир марта санаб кўрингчи!» деб қўйди. Қизганчиқ киши довдираб қолганидан яна қайтадан санашга тутинди, қоплари қуп-қуруқлигини, уларнинг ичида ҳожатхона қоғозидан бошқа ҳеч нарса йўқлигини кўргандан кейин, эшикни тақиллатиб бақира бошлади: «Ҳамма нарсани ўғирлаб қўйинди! Ҳамма нарсани ўғирлаб қўйинди! Қоровул! Эшикни очинглар! Худо ҳаққи, очинглар!» Албатта, дарҳол назоратчи югуриб келди, қоровулни ва фельдфебель Ржепани чақирди. Биз бир овоздан уни жиннига чиқардик ва ярим кечагача ҳамма нарсани еб адо қилди, деб туриб олдик. У бўлса, «ҳеч бўлмаса, ушоғи қолиши керак эди-ку», деб нуқул йиғлайверди. Ушоқ қидириб кўришди, лекин барибир топишолмади. Бизлардан ушоқ қолармиди! Ўзимиз тўйгандан кейин қолган овқатни ичга боғлаб, иккинчи қаватга узатиб юборган эдик. Гарчи у аҳмоқ: «Ҳеч бўлмаса бирон жойда ушоғи қолиши керак эди-ку», деб дод-фарёд қилавергани билан барибир, биздан ҳеч нима топиша олмади. У бутун кун бўйи туз татимай, биров бир нарса ермикин, чекармикин, деб пойлаб ўтираверди. Эртасига у ҳатто тушкни овқатга ҳам қўл тегизмади, бироқ кечқурун карам билан чириган картошкани ҳам маза қилиб уриб олди. Шу-шу бўлди-ю, энди у илгари сур гўшт билан тухум ейишдан олдин қиладиган ибодатидан воз кечди. Шу пайт битта-мизга қандайдир йўл билан махорка келиб қолди. Шундан кейингина у биринчи марта бизга гап қотиб, менга ҳам бир марта чектирсанглар-чи, деб ёлворди. Лекин биз унинг ҳавасини келтириб ўзимиз чекавердик.

— Бирортанглар чектириб қўярмикинсизлар, деб чўчиб турган эдим,— деди Швейк.— Агар шундай қилганингларда ишнинг пачаваси чиқарди. Бунақа олижаноб-



лик фақат романлардагина учрайди, гарнизон турмасида эса, бундай олижаноблик қилиш аҳмоқчилик бўлади.

— Уни кўрпага буркаб дўппосламадингларми?— сўради кимдир биров.

— Йўқ, эсимизга келмабди.

Ўша қизғанчиқни кўрпага буркаб уриш керакмиди ёки йўқмиди, мана шу ҳақда ўн олтинчи камерада мунозара бошланиб кетди. Кўпчилик, «керак эди», деган хулосага келди.

Мунозара аста-секин пасая борди. Маҳбуслар бит энг кўп йиғиладиган қўлтиқлари, кўкраклари ва қоринларини қитирлата-қитирлата уйқуга кетавердилар. Керосин чироқнинг хира нури халақит бермасин, деб битлиқи кўрпаларини бошларига буркаб олгандилар.

Соат саккизда Швейкни чақириб, унга маҳкамага боришни буюришди.


Швейк чиқиб кетаётганда маҳбуслардан бири унга ўргатди:

— Маҳкама эшигининг чап томонида тупдон турибди. Шу тупдонда чекиб ташланган папирослар бўлади. Иккинчи қаватда ҳам яна битта тупдон бор. Зинапояни соат тўққизда супуришади. Ҳозир зинапоядан бирон нима топш мумкин бўлади.

Лекин Швейк уларнинг умидини оқламади. Ўн олтинчи камерага шу кетганча қайтиб келмади. Иштондан бошқа кийими бўлмаган ўн тўққиз маҳбус тўпланишиб олиб, ана шу ҳақда баҳслаша кетишди.

Лоф қилишга суюги йўқ серсепкил бир солдат йигит, Швейк ўз ротасининг командирини отиб қўйган, энди уни Мотоль майдонига отишга олиб кетишди, деб гап тарқатди.





Х боб

## ШВЕЙК ФЕЛЬДКУРАТНИНГ ДЕНШЧИГИ

I

Швейкнинг саргушти энди найзалари чиқарилган милтиқлар билан қуролланган икки солдатнинг фахрий соқчилиги остида яна давом этади. Улар Швейкни фельдкурат ҳузурига олиб боришлари керак эди.

Бу икки солдат бир-биридан бутунлай фарқ қиларди: уларнинг бири ориқ ва новча, иккинчиси эса, аксиича, пакана ва бақалоқ эди; новчаси ўнг оёғи билан оқсоқланса, паканаси чап оёғи билан оқсоқланарди. Уларнинг иккови урушдан олдин ҳарбий хизматдан

озод этилганликлари учун мамлакат ичкарасида хизмат қилишарди. Солдатлар жиддий қиёфада тош кўча ўртасидан қадам ташлаб кетишар экан, гоҳо-гоҳо Швейкка кўз ташлаб қўйишар, уларнинг ўртасида бораётган Швейк эса дам-бадам қўлини пешанасига қўйиб, салом бериб борарди. Швейкнинг чақириққа кийиб келган ҳарбий фуражкеси билан эғнидаги оддий кийими гарнизон турмасининг цейхгаузеда йўқ бўлиб кетганди, бунинг эвазига унга эски мундир беришди. Бу мундир илгари қандайдир қорни катта, Швейкдан икки барабар новча одамники бўлса керак. Унинг шимиغا Швейк сингари одамдан учтаси бемалол сифар эди. Шунинг учун ҳам Швейк кийиб олган бу шим унинг бўйнигача бориб етганди. Шимнинг почасидан Швейкнинг бўйнигача бориб етган қат-қат букламалари ҳамманинг беихтиёр эътиборини тортар эди. Енгига ямоқлар тушган бесўнақай, ифлос гимнастёрка Швейкнинг эғнида поллиздаги қўриқчига осиб қўйилган чопонни эслатарди. Шим эса циркдаги масхарабозники сингари шалвираб тушганди. Гарнизон турмасида топиб беришган фуражка катталигидан Швейкнинг қулоғига тушиб турарди.

Одамларнинг калака қилиб кулишига жавобан, Швейк майингина илжайиб қўяр ва мулойим кўзлари билан самимий назар ташлаб борарди.

Шу алфозда улар фельдкуратнинг Карлиндаги уйига боришмоқда эди. Пакана, бақалоқ солдат биринчи бўлиб Швейкка гап қотди. Шу пайтда улар Малая Странна кўчасидаги бостирма остидан ўтиб боришарди.

— Қаерликсан?

— Прагаликман.

— Қўлимиздан қочиб кетмайсанми?

Гапга новча аралашди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиздир: бақалоқ одамлар кўп ҳолда лобар ва оқкўнгил бўлса ориқ ва новча одамлар эса, аксинча, аксари ҳадикчи бўлишади. Бу қоида ҳақиқатан ҳаётда исботланди: новча паканага эътироз билдириб деди:

— Уддасидан чиқса хўпам қочиб кетарди-я!

— Қочиб қасққа ҳам борарди?— деди бунга жавобан пакана солдат.— Энди у гарнизон турмасида эмас, эркин бўлиб қолди. Мана, қўлимдаги пакетни кўр.

— Пакетда нима дейилган?— сўради новча.

— Билмайман.

— Ана, кўрдингми, ўзинг билмайсану, тагин гапирасан...— Улар Карлови кўпригидан индамай ўтиб кетишди. Лекин Карлови кўчасида пакана бақалоқ Швейкка гап қотди:

— Сени нима учун фельдкурат олдига олиб бораётганимизни биласанми?

— Тавба қилдиришга олиб боряпсиз,— деди лоқайдлик билан Швейк.— Эртага мени дорга осишади. Ҳамиша шундай қилинади-ку. Одамнинг руҳига таскин бериш учун шундай қилинади, дейишади.

— Хўш, сени нега... қандай гуноҳинг учун?— эҳтиётлик билан савол берди новча. Пакана бўлса, раҳмдиллик билан Швейкка қараб қўйди.

Бу иккала солдат бола-чақали қишлоқи йигитлар эди.

— Билмайман,— жавоб берди Швейк аччиқ илжайиб.— Ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Тақдир шу экан-да.

Пакана худди билимдон одамлардек раҳмдиллик оҳангида гапга аралашди:

— Бундан чиқди, юлдузинг омадсиз экан. Йозефов яқинидаги бизнинг Ясенное қишлоғида қадимги Пруссия уруши вақтида бир кишини дорга осишган эди. Уни ҳеч нима демай олиб кетишибди-ю, Йозефовда дорга осишибди.

— Менимча,— деди ишонинқирамай новча соқчи,— ҳеч кимни ҳеч қандай сабабсиз дорга осишмайди. Бирон сабаби бўлса керак. Бунақа нарсалар шунчаки қилинавермайди.

— Эҳтимол, тинч вақтда шундай бўлар,— деди Швейк.— Аммо уруш вақтида одамни аяб ўтиришмайди. У ё жанг майдонида ҳалок бўлиши ёки юртида осилиши лозим! Отилиб ўлди нима-ю, осилиб ўлди нима?

— Менга қара, сен сиёсийлардан эмасмисан?— сўради новча соқчи. У шундай оҳангда гапирдики, овозидан Швейкка хайрихоҳлик қила бошлаганлиги сезилиб турарди.

— Сиёсийларданман, ашаддийсиман,— жилмайди Швейк.

— Эҳтимол национал-социалистдирсан?\*

Пакана ҳам ўз навбатида ҳадиксираб гапга аралашди:

— Бизга нима,— деди у.— Ана қара, ҳамма ёқни одам босиб кетибди, ҳамманинг кўзи бизда. Бирор дар-

возахонага кириб, ҳеч ким кўрмайдиган панароқ жой топсак-да, найзаларни олиб қўйсак нима бўларкин, а? Сен қочиб кетмайсанми? Қочиб кетсанг, бизга нима бўлишини биласанми? Тўғрим, Тоник?— деди у новчага қараб.

Тоник аста жавоб қайтарди:

— Найзаларни-ку олиб қўйсак бўлади. Ҳар ҳолда бу ўзимизнинг одам-ку.— Энди унинг ҳадиксираши йўқолиб, кўнглида Швейкка раҳмдиллик ҳислари кучая бошлаган эди.

Улар дарвозахонага ўтиб, пана жой топишганида бақалоқ Швейкка ёлма-ён боришга рухсат этди.

— Чеккинг келаётгандир, огайни? Хумор қияптими?— сўради у.— Ким билади дейсан...

У: «Ким билади дейсан, сени дорга осидан олдин чектиришармикин», деб айтмоқчи эди, лекин бу нарса қаттиқ ботишини тушуниб, гапи оғзида қолди.

Биргалашиб чекиша бошлашди, соқчилар Швейкка Краловеграддаги оилалари, хотинлари, бола-чақалари тўғрисида, бир шапалоқ ерлари, бисотларидаги битта-ю битта сигирлари ҳақида ҳикоя қилиша кетишди...

— Ичким келяпти,— деди Швейк.

Новча билан пакана бир-бирларига қараб қўйишди.

— Бир кружкадан ичсак чакки бўлмасди,— деди пакана, бунга новчанинг ҳам рози бўлишини сезиб,— лекин бегона одамлар кўрмайдиган панароқ жой топишимиз керак.

— «Куклик»ка бориб қўя қолайлик,— таклиф қилди Швейк.— У ерда милтиқларингизни ошхонага қўйиб қўясиз. «Куклик»нинг хўжайини Серабон ўзи соколлар\*дан, ундан қўрқмасаларингиз ҳам бўлади. У жойда ҳаммиша скрипка ва нағма чалиниб туради, «Репрезентяк»\*ка киритилмайдиган кўча хотинлари ва бошқа яхши одамлар ўша жойдан топилади.

Новча билан пакана яна бир-бирларига қараб қўйишди, ниҳоят, новча бир қарорга келди:

— Борсак бориб қўя қолайлик. Қарлингга етгунча ҳали анча бор.

Швейк йўл-йўлакай ҳар хил латифалар сўзлаб борди, шу тариқа руҳлари кўтарилиб «Куклик»ка киришди ва худди Швейк айтгандек қилишди. Милтиқларини ошхонага яшириб қўйиб, ўзлари умумий залга ўтишди, бу залда скрипка билан нағмада чалинаётган «Пан-

крацдаги тепаликда ажойиб хиёбон бор», деган ёқимли ашула янграмоқда эди.

Қандайдир бир жувон сочини силлиқ тараган бад-башара бир йигитнинг тиззасига ўтириб олиб, хириллаган овозда куйларди:

У қизчани севган мену,  
Роҳат қилар ўзгалар.

Бир балиқфуруш маст бўлиб бошини столга қўйганча ухлаб ётибди. Гоҳо-гоҳо уйғониб, столни муштлаб қўяр, «бўлмайди, бўлмайди!» деб дўнғиллаб, яна уйқуга кетарди. Бильярднинг нариги ёғидаги ойнанинг олдида учта қиз темир йўл кондукторига ёпишишмоқда:

— Ҳой, йигитча, бизга вермут қўйиб берсангиз-чи!

Созандалардан сал нарида икки киши кеча қандайдир Марженка облава вақтида патрулларнинг қўлига тушиб қолганлиги тўғрисида баҳслашиб ўтирибди. Уларнинг бири, буни мен ўз кўзим билан кўрдим деса, иккинчиси, Марженка кеча бир солдат билан «Вальшум» меҳмонхонасида ётиб қолди, деб ўз гапини маъқуллаш билан овора.

Эшикка яқин жойда граждон кийимидаги улфатлар билан турган бир солдат ўзининг Сербияда қандай яраланганлигини ҳикоя қилмоқда. Унинг бир қўли бинт билан боғлаб қўйилган, чўнтаклари эса суҳбатдошларидан олинган сигарет билан лиқ тўлган эди. У нуқул, энди ичсам кўплик қилади, дер, улфатлардан ярғоқ бош бир чол унинг гапини бўлиб турарди.

— Ичаверинг, солдат оғайни! Энди сиз билан қачон кўришимизни ким билади? Буюрайми, сизга бирон нима чалиб беришсинми? «Етим қизни» чалиб беришни илтимос қилайми?

Бу — ярғоқ бош чолнинг яхши кўрган қўшиғи эди. Дарҳақиқат, бир дақиқадан сўнг скрипка билан нағма «Етим қиз» куйини чала бошлади. Чол кўзларига ёш олиб, инграгансимон товуши билан хиргойи қилишга тутинди:

Еришгандай бўлди зеҳни сал,  
Онасини сўради гўзал,  
Онасини сўради гўзал,

Нарироқдаги столда ўтирганлар бақриб беришди:  
— Бас! Жонимизга тегди. «Етим қиз»ингизни экиб қўйсангиз-чи!

Бу гаплар таъсир қилмагандан кейин, улар таъсирнинг охириги воситасини қўллаб, овозларининг борица бўкиришди:

Оҳ, ҳижрон, аччиқ ҳижрон,  
Қийналиб кетди-ку, жон.

Уларнинг бўкириши «Етим қиз» куйини босиб кетиб, «Ҳижрон»ни охиригача куйлаб бўлганларидан кейин ярадор солдатни чақира бошлашди:

— Франта! Франта, қўйсанг-чи уларни, бизнинг ёнимизга кел! Уларни бошингга урасанми, сигареталарни бу ёққа чўз. Тентакларнинг кўнглини овлашинг нимаси!

Швейк ва унинг соқчилари бу можарони қизиқиб кузатиб туришди. Швейк урушдан олдин ҳам бу ерга тез-тез келиб турарди. Шунинг учун ҳам у бу ерда кўрган-кечирганларини эслаб, полиция комиссари Драшнер бу ерга қандай қилиб тўсатдан келиб қолиб облава қилганини, фоҳишалар ундан ҳаддан ташқари кўрққанликларидан тортиб унинг ҳақида ашула тўқиганларигача ҳикоя қила бошлади.

Фоҳишаларнинг ҳаммаси биргалашиб ўша қўшиқни бир куни айтишган эди:

Пан Драшнер дастидан  
Кўндан ваҳима, қий-чув.  
Бир Марженка маст экан,  
Пандан ҳеч қўрқмади у...

Шу пайт Драшнер ўз мулозимлари билан даҳшат солиб кириб келиб қолибди. Ўша дамдаги манзара худди каклик овига ўхшаб кетибди: полициячилар ҳамма-ни ҳайдаб бир бурчакка тўплашибди. Швейк ҳам шулар орасида экан. Бахтга қарши, комиссар Драшнер ундан паспорт талаб қилиб қолибди, Швейк бўлса: «Бунинг учун қўлингизда полиция бошқармасининг рухсати борми?— деб сўрабди. Шуларни гапириб бўлиб Швейк ҳув анави ойна олдида, тўс-тўполон қилаётганлар орасига ўтириб олиб, музикага қулоқ солар экан, бир вақтлар шеър ёзиб ўша шеърларни дарҳол фоҳишаларга ўқиб беришни яхши кўрадиган шоирни эслаб кетди.

Швейкни олиб келган соқчилар бошидан бу каби гапириб берса арзийдиган воқеалар кечмаган эди. Улар учун Швейкнинг гаплари ажойиб янгилик бўлди. Бу жой уларга ёқиб қолганди. Ҳаммадан олдин пакана солдат ўзини сувда юрган балиқдек ҳис қила бошлади. Дарвоқе, бақалоқлар оптимист бўлишдан ташқари, хаёл суриб, ғалати-ғалати нарсаларни эслашни ҳам яхши кўрадилар. Новча бир нафас иккиланиб турди, лекин ўзининг ғаламислигини улоқтириб ташлаб, эҳтиёткорликни унутар экан, умуман фикр юритмай қўйди ва бешинчи кружка пивони ичиб бўлганидан кейин эркак ва хотинлар жуфт-жуфт бўлиб, «шляпак»жа\* ўйинга тушаётганларини кўргач:

— Мен ҳам бир ўйинга тушай,— деб қолди.

Пакана тўйиб маишат қилиш пайига тушиб қолди. Унинг ёнида ўтирган қандайдир бир жувон уят-уят латифалар айтар, пакананинг кўзлари чақнаб кетган эди.

Швейк индамай ичиб ўтираверди.

Новча ўйинга тушиб бўлиб, аёлни ўзи билан етаклаб столнинг олдига олиб келди. Кейин соқчилар ашула айтишди, яна ўйинга тушишди, ёнларида ўтирган аёлларнинг елкаларига қоқа-қоқа ҳадеб ичишаверди. Тинимсиз ичишга ва чекишга берилиб кетган бу фосиқлар: «мендан кейин дунёни сув олиб кетмайдими», қабилда иш тутишарди.

Овқатланиб бўлишганидан кейин улар орасига қандайдир бир солдат келиб қўшилди-да, беш крон берсангиз, қонингизни заҳарлаб, касал қилиб қўйишим мумкин, деди.— Укол қилиш учун ишлатиладиган шприц,— деди у,— ёнимда, хоҳласангиз оёғингизга ёки қўлингизга керосиндан укол қилиб қўйишим мумкин<sup>1</sup>. Шундай укол қилганимдан кейин,— деб давом қилди у,— камида икки ой бемалол касал бўлиб ётасиз, агар ярага тупук суриб турсангиз ярим йилгача ҳам ётаверасиз, ана шунда сизни ҳарбий хизматдан бутунлай озод қилишга мажбур бўлиб қолишад.

Кайфи жуда ошиб қолган повча ўзига керосиндан

---

<sup>1</sup> Бу госпиталга тушишнинг энг яхши воситаси. Бироқ кўпинча шишнинг ичида қолган керосин ҳиди сездириб қўяди. Бензин яхшироқ, тез учиб кетади. Кейинроқ солдатлар ўзларига бензин аралаш эфирни укол қиладиган бўлишди: сўнгра эса, бундан ҳам кўра мукамалроқ воситалар топилди. (Автор изоҳи).



укол қилдирмоқ учун солдат билан ҳожатхонага кириб кетди.

Кеч бўлиб, қоронғи тушгандан кейин Швейк, энди йўлга чиқиб, фельдкурат олдига борайлик, деди. Лекин мастликдан тили ғўлдирай бошлаган пакана солдат Швейкдан, яна бир оз ўтирайлик, деб илтимос қилаверди. Новча ҳам, фельдкурат кутиб турса ҳеч нима қилмайди, деган фикрда эди. Бироқ «Куклик»да ўтиравериш Швейкнинг жонига тегди ва у, бўлмаса ёлғиз ўзим кетвераман, деб қўрқитди.

Ниҳоят, улар йўлга тушишди, бироқ Швейк ноилж яна бир жойда тўхтаб дам олиб ўтишга рози бўлган эди.

Улар «Флоренция»дан ўтгандан кейин кичикроқ бир кафега киришди, бу ерда бақалоқ ўзининг кумуш соатини сотиб, унинг пулига ичкилик ичишни давом эттиришди.

Бу ердан чиққандан кейин Швейк соқчиларни ўзи қўлтиқлаб олиб боришга мажбур бўлиб қолди. Бу унинг учун жуда машаққат бўлди. Улар йўл-йўлакай гандираклаб боришар, солдатлар яна бирор жойга кирайлик, деб тиқилинч қилишарди. Пакана фельдкурат қўлига топширилиши лозим бўлган пакетни йўқотиб қўйишга сал қолди, шунинг учун ҳам Швейк пакетни ўзи кўтариб олишга мажбур бўлди. Ҳар сафар рўпарада офицер ёки унтер кўриниб қолганда Швейк бу тўғрида ўз соқчиларини огоҳлантириб қўяр эди. Швейк минг машаққат билан ниҳоят уларни фельдкурат уйи олдидаги Карлови майдонига судраб борди. Швейк ўз қўли билан найзаларни милтиқларга ўрнатиб қўйди ва соқчиларнинг белларига турта-турта бир амаллаб у соқчиларни эмас, балки соқчилар уни етаклаб борадиган ҳолга келтирди.

Иккинчи қаватда эшигига «Отто Қац — фельдкурат» деган визит карточка осиб қўйилган уйдан қандайдир бир солдат чиқди. Ичкари хонадан ғовур-ғувур овоз, шишалар, қадаҳларнинг жиринглаши эшитилмоқда эди.

Новча соқчи солдатга ҳарбийларча салом бериб, аранг ғўлдираб гапирди:

Wir... melden... gehorsam... Herr... Feldkurat ein... Paket... und ein Mann gebracht<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Авф этасиз... жаноб фельдкурат... сизга пакет билан одам келтирдик (немисча).

— Кириглар,— деди солдат.— Қаерда ича қолган эдиларинг? Жаноб фельдкурат ҳам...— солдат шундай деди-ю, тупуриб қўйди.

Солдат пакетни олиб, ичкарига кириб кетди. Улар даҳлизда узоқ кутиб туришди, сўнгра эшик очилди-ю, фельдкурат даҳлизга юриб чиқиш ўрнига ўқдай отилиб чиқди. У ёлғиз жилетка кийиб олган ва қўлида сигара ушлаб турарди.

Фельдкурат Швейкка қараб, деди:

— Демак, сиз бу ерга келибсиз-да. Э, сизни булар олиб келишдими? Ҳмм... Гугуртингиз борми?

— Йўқ, жаноб фельдкурат,— жавоб берди Швейк.

— Э... нега гугуртингиз йўқ? Ҳар бир солдатнинг ёқиб чекиш учун гугурти бўлиши керак. Гугурти бўлмаган солдат... ҳа, айтгандай нима эди?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, гугуртсиз солдат ҳам бўлади,— деб луқма ташлади Швейк.

— Худди шундай, гугуртсиз солдат бўлади ва ҳеч кимга гугурт ёқиб беролмайди. Бу биринчидан, иккинчидан шуки... Оёғингиз терламайдими, Швейк?

— Йўқ терламайди.

— Тузук. Бу иккинчидан. Энди учинчиси. Ароқ ичасизми?

— Йўқ, ароқ ичмайман, фақат ром ичаман.

— Жуда соз! Мана бу солдатга қаранг. Мен уни поручик Фельдгубердан бир кунга қарзга олдим, унинг деншчиги. Бу солдат ҳеч нима ичмас экан, шунақа сў... сў... сўфики, асти қўяверинг, шунинг учун ҳам уни марш ротаси билан жўнатаман. Бу... бунақа одамнинг менга кераги йўқ. Бу деншчик эмас, сигир экан. Сигир ҳам фақат сув ичиб, маърашдан бошқани билмайди.

— Ҳой, сў... сў... сўфи!— деди фельдкурат солдатга қараб.— Сен... уялмайсанми, а! Аҳмоқ! Ғиринг десанг тумшуғингга соламан.

Шу пайт фельдкуратнинг кўзи Швейкни олиб келган солдатларга тушди, улар тик турмоқчи бўлиб ҳар қанча уринсалар ҳам, аммо гандираклардан ўзларини тўхта-та олмай, милтиқларига таяниб йиқилиб кетмасликка уринардилар.

— Сизлар ма... мастмисизлар?!— деди фельдкурат.— Сизлар хизмат пайтида ичибсиз! Бунинг учун сизларни қа...қамаб қўйишга буюраман! Швейк, бу солдатлар-

нинг милтиқларини тортиб олинг, ўзларини ошхонага олиб кириб, патруль келгунча қўриқлаб туринг. Ҳозир ме... мен казармага телефон қиламан.

Хуллас, Наполеоннинг: «Урушда вазият ҳар онда ўзгариб туради», деган сўзлари бу ерда тўла исбот бўлди. Эрталаб соқчилар найза ўқталиб Швейкни олиб келишаётган эди ва тағин у қочиб кетмасин, деб хавотирланган эдилар кечқурун эса, Швейк уларни тайинланган жойга олиб келди ва ўзи уларни қоровуллаб туришга мажбур бўлди. Улар аҳвол қай даражага бориб етганлигини дарров тушуниб ололмадилар, аммо ошхонада ўтирганларида Швейкнинг найзали милтиқни кўтариб эшик олдида турганини кўрганларидан кейин гап нимадалигини тушундилар.

— Бирон нима бўлса ичар эдим,— деди пакана хўрсишиб.

Лекин новча яна ҳадиксирай бошлади. У, бу ишларнинг ҳаммаси ўта пасткашлик, сенинг айбинг билан биз шу аҳволга тушиб қолдик, деб Швейкка таъна қила кетди. Новча Швейкнинг эртага мени дорга осишади, деган гапини эслаб, юзига солар экан, сенинг мени тавба қилдиришади, дорга осишади, деган гапларнинг гирт ёлғон эканлиги энди маълум бўлиб қолди, деб роса сўкниди.

Швейк индамай эшик олдида у ёқдан бу ёққа юрарди.

— Гирт эшак эканмиз,— деб гўлдиради новча.

Швейк бу таъна-маломатларга жавобан:

— Мана, энди ҳарбий хизмат майнавозчилик эмаслигини ҳар ҳолда тушуниб олдинглар. Мен фақат ўз бурчимни адо этяпман. Сизлар каби мен ҳам бу ишга тасодифан аралашиб қолдим, лекин омадим келганга ўхшайди,— деди.

— Бирон нима бўлса ичар эдим!— аламзадалик билан яна такрорлади пакана.

Новча ўрнидан турди-да, гандираклаб эшик олдида келди.

— Мени қўйиб юбор, уйга кетаман,— деди у Швейкка,— ҳазилингни бас қил, оғайни!

— Нар и тур!— жавоб қилди Швейк.— Сизларни қўриқлаб туришим керак. Энди бир-биримиз билан таниш эмасмиз.

Эшик олдида фельдкурат пайдо бўлди.

— Ме... мен казармага сира телефон қилолмаяпман. Энди мени овора қилмай уйларингга кетаверинглар, ammo... эсларингда бўлсин, хизмат вақтида ичкиликбозлик қилишларингизга... йўл қўймайман! Жўнанглар бу ердан!

Жаноб фельдкуратга офарин, дейиш билан шуни айтмоқ керакки, у казармага телефон қилмаган, чунки телефони йўқ бўлиб, стол устидаги электр лампага гапириш билан чекланиб қўя қолганди.

## II

Швейк фельдкурат Отто Кац қўлида деншчик бўлиб хизмат қилаётганига бугун уч кун бўлди, шу вақт ичида у фельдкуратин фақат бир марта кўрди. Учинчи кунни поручик Гельмихнинг деншчиги келиб Швейкка, бизниқига бориб фельдкуратни олиб кел, деди. Йўлда бора туриб, деншчик Швейкка, фельдкурат поручик Гельмих билан уришиб қолганлиги ва пианинони синдириб ташлаганлигини ҳикоя қилиб берди. Фельдкурат ғирт маст бўлиб ётибди, деди у, уйга қайтмайман, деб туриб олган эди, поручик Гельмих ўзи маст бўлса ҳам, уни итариб зинага чиқариб қўйди, энди фельдкурат эшик олдида мудраб ўтирибди.

Швейк фельдкурат олдига келиб уни силкита-силкита уйготди. У ииграб, кўзини очди. Швейк ҳарбийларча салом бериб, деди:

— Ҳузурингизга келдим, жаноб фельдкурат!

— Сиз.. сиз... га бу ерда нима керак?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат, сизни олиб кетиш учун келдим. Келишга мажбур эдим.

— Менга келишга мажбурмидингиз? Хўш, қаёққа борамиз?

— Уйга, жаноб фельдкурат.

— Нега уйга бораман? Бу жой уйим эмасми?

— Йўқ, жаноб фельдкурат, сиз бировнинг уйидаги зинада ўтирибсиз.

— Мен... мен... бу... ерга қандай қилиб келиб қолдим?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, зиёфатга келган экансиз.

— Зи... зиёфатда мен бўл... бўлганим йўқ. Сиз... янглишяпсиз...

Швейк фельдкуратни турғизиб, деворга суяб қўйди. Фельдкурат дам у ёққа, дам бу ёққа чайқалиб Швейкнинг устига ағдарилиб тушар экан, бемаъни жилмайиб, нуқул:

— Мени ҳозир йиқитиб юборасиз...— деб такрорлайверди.

Ниҳоят, Швейк уни яна деворга суяб, аранг турғизиб қўйди, фельдкурат шу ҳолатда туриб ҳам кўзи уйкуга кетиб қоларди.

Швейк уни уйготди.

— Сизга нима керак?— сўради фельдкурат ва девордан сирғалиб ерга ўтирмоқчи бўлган эди, лекин Швейк бунга йўл қўймади.— Узингиз кимсиз?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат,— деди Швейк фельдкуратни яна деворга суяб қўйиб,— мен сизнинг деншчигингизман.

— Менинг ҳеч қандай деншчигим йўқ,— деди фельдкурат аранг гапирар экан, яна Швейкнинг устига ағдарилиб тушишга уриниб.— Мен фельдкурат эмасман, чўчқаман!..— деди яна мастларга хос ростгўйлик билан.— Мени қўйиб юборинг, жаноб, мен сизни танимайман!

Қисқа муддатли кураш Швейкнинг қатъий ғалабаси билан тугади ва Швейк бу ғалабадан фойдаланиб, фельдкуратни зинадан судраб, кўча эшиги олдига олиб чиқди, бироқ фельдкурат бу ерда кўчага чиқмасликка уриниб, унга қаттиқ қаршилик кўрсатди.

— Мен сиз билан, жаноб, таниш эмасман,— деди у қўлдан чиқиб кетмоқчи бўлиб.— Сиз Отто Кацни биласизми? Отто Кац менман.

— Мен архиепископ ҳузурида бўлганман!— деб бақирди у ташқарига чиққандан кейин бир оз тўхтаб туриб.— Ватиканнинг ўзида ҳам мени ҳурмат қилишади. Тушуняпсизми?!

Швейк, «ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки», дейишни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, фельдкурат билан дўсти сифатида гаплаша бошлади.

— Қўлимни қўйиб юбор деяпман,— деди у,— бўлмаса тумшугингга соламан! Уйга борайлик, гапни бас қил! Қани, кетдик!

Фельдкурат эшикни қўйиб юбориб, Швейкнинг устига ағдарилиб тушди.

— Бўлмаса бирор ёққа борайлик. Аммо «Шуги»\*га сира бормайман, у жойдан қарздор бўлиб чиққанман.

Швейк фельдкуратнинг қўлини эшикдан силтаб тортиб олди ва йўлка бўйлаб уйга томон судраб кетаверди. Уткинчилардан бири қизиқиб сўради:

— Бу қанақа зот?

— Менинг укам бўлади,— деди Швейк.— Отпускида мени кўргани келган экан, хурсандлигидан ичибди: акамни тирик кўролмасам керак, деб ўйлаган экан.

Фельдкурат кейинги гапни эшитгач, қандайдир оперетта куйини мингиллаганча сўзларини чалкаштириб, хиргойи қила бошлади. Сўнгра қаддини ростлаб, ўткинчиларга сўз қотди:

— Ораларингизда ўлганлар бўлса, уч кун ичида корпус штабига келсин, у ерда унинг ўлигига табаррук сув сеип берамиз... У шундай деди-ю, йўлкага ағдарилиб тушишига сал қолиб, овози ўчди.

Швейк фельдкуратни қўлтиқлаганча судраб кетаверди. Фельдкурат бошини осилтириб, бели синган мушукдай оёғини судраб борар экан, унинг мингиллаган товуши эшитилиб турарди:

— Dominus vobiscum, et cum spiritu tuo. Dominus vobiscum<sup>1</sup>.

Извошчилар тўхтаб турадиган жойда Швейк фельдкуратни деворга суяб, йўлкага ўтқизиб қўйди, гаплашиб келиш учун ўзи извошчилар олдига борди. Извошчилардан бири, мен бу жанобни жуда яхши биламан, уни бир неча марта олиб бориб қўйганман, энди извошимга сира туширмайман, деди. У нега шундай қилаётганини тушунтира бошлади.

— Бир сафар ҳамма ёғимга қусиб юбориб, кира ҳақини ҳам тўламаган эди. Унинг уйини топгунимча извошда икки соат олиб юрганман. Кира ҳақини сўраб уйига уч марта бордим. Шуича оворагарчиликдан кейин бир ҳафта ўтгач беш крон берди, холос.

Ниҳоят узоқ гаплашилгандан сўнг, извошчилардан бири олиб бориб қўйишга рози бўлди.

Швейк фельдкурат олдига қайтиб келганида у ухлаб қолган эди. Кимдир биров унинг шляпасини олиб кетибди... (Одатда у ҳарбий кийимда юрмас эди).

---

<sup>1</sup> Сизни худо ўз паноҳила асрасин, арвоҳ қўлласин, бир умр худо ёр бўлсин (лотинча).

Швейк фельдкуратни уйғотди ва извошчи ёрдамида ёпиқ извошга бир амаллаб ўтқизди. Извошда фельдкурат баттар кайфи ошиб қолиб, Швейкни Етмиш бешинчи пиеда полк полковниги Юст деб ўйлаб, бир гапни қайта-қайта такрорлайверди:

— Сени сенсирётганимга хафа бўлма, ошнам. Мен чўчқаман!

Извош тош йўлдаги катта тошларга уриниб-силкиниб кетганида фельдкурат бир оз кайфи тарқагандек бўлиб қаққайиб ўтириб олар, қандайдир телба-тескари қўшиқ айтарди. Бу қўшиқни ўзи тўқиган бўлса ҳам эҳтимол.

Жилмаярди ҳар бир одам  
Мени кўрган онда.  
Мерклинда яшардим у дам,  
Домажлиқнинг ёнида.

Аmmo кўп ўтмай яна айний бошлаб Швейкка кўз қисиб қўйиб сўрар эди:

— Аҳволингиз қалай, хоним? Бирор чорбоққа кетяпсизми?

Швейк унинг кўзига икки киши бўлиб кўринган бўлса керак, яна унга қараб, мулойимлик билан дейди:

— Шундай катта ўғлингиз ҳам бор экан-да?— У шундай деб, бармоғи билан Швейкни туртиб кўрсатарди.

— Жим ўтирасанми, йўқми?!— бақирди Швейк фельдкурат ўрнидан туришга уринаётганини кўриб.— Жим ўтиришга ўргатиб қўяман!

Фельдкурат гапиришдан тўхтади ва нималар қилаётганига ақли етмай чўчқаникидек кичкина кўзлари билан теварак-атрофга аланглаб ўтираверди.

Сўнгра яна ҳамма нарсани унутиб Швейкка ўгирилди-да, гамгин оҳангда:

— Опажон, менга биринчи классга\* беринг,— деди-ю, шимини ечиб настга туширмоқчи бўлди.

— Тугмангни дарров қадаб ол, чўчқа!— бақирди унга Швейк.— Қимлигингни извошчилар ҳам яхши билар экан. Бир марта-ку уларнинг устига қусиб юборган экансан, энди бунисиши ҳам қилмоқчимисан. Аввалгидек бу сафар ҳам пул тўламай қутулиб кетаман, деб ўйлама.

Фельдкурат бошини икки қўлига тираб туриб маъюслик билан куйлай бошлади:

Энди мени севмайди ҳеч ким...

Лекин бирданига ашулани тўхтатиб:

— Entschuldigen Sie, lieber Kamerad, Sie sind ein Trottel! Ich kann singen, was ich will!— деди.

Шундан сўнг у қандайдир бир куйни ҳуштак қилиб чалмоқчи бўлган эди, лекин томоғидан ҳуштак ўрнига шундай қўпол «дррр» этган овоз чиқдики, извош бирданига тўхтаб қолди.

Шу ҳолатда бир оз тўхтаб туришгач, Швейкнинг амри билан извошчи яна йўлга тушди, фельдкурат қуруқ муштукни тишлаганча чекапман, деб ўйлаб нафасини ичига тортаверди.

— Енмаяпти-ю,— деди у бир қути гугуртни беҳуда ёқиб тамомлаб.— Гугуртимни пуфлаб ўчириб қўйяпсиз.

Лекин у гапнинг учини тўсатдан йўқотиб қўйиб кулиб юборди.

— Жудаям қизиқ бўлди-да! Трамвайда фақат ўзимиз кетяпмиз. Шундайми, ошнам?

Шундай дегач, чўнтагини ковлаштира бошлади.

— Билетимни йўқотиб қўйибман!— қичқирди у.— Вагонни тўхтатинглар, билетни топиб олишим керак!

Сўнгра бўлар иш бўлди дегандек, қўл силтади-да, баланд овозда:

— Юраверинг!— деди.

Қўп ўтмай алжишга тушди:

— Қўп ҳолларда... Ҳа, ҳаммаси жойида... Ҳамма ҳолатда... Сиз янглишяпсиз... Учинчи қаватдами?.. Баҳона қиялған... Гап менинг тўғримда эмас, балки сизнинг тўғрингизда боряпти, марҳаматли хоним... Ҳисоблашинг! Бир пиёла кофе...

У кўзи уйқуга кета туриб ресторандаги дераза ёлдида ўтиришига рухсат бермай, ўзига ёмон кўрнинг қолган одами билан баҳслаша бошлади. Сўнгра извошни поезд деб ўйлаб, соябондан бошини ташқарига чиқарди-да, чех ва немис тилларда кўчани бошига кўтариб бақирди:

— Нимбурк, пересадка!

---

<sup>1</sup> Кечирасиз, муҳтарам ўртоқ, сиз аблаҳсиз! Мен хоҳлаган ашуламни айтавераман! (немисча).



Швейк уни маҳкам ушлаб извошнинг ичига тортди, фельдкурат ҳам поездни эсдан чиқариб, ҳар хил ҳайвонлар ва қушлар овозига тақлид қилишга тутинди. У ҳаммадан кўра кўпроқ хўроз бўлиб қичқириб борди, унинг, «қу-қу-қу» деб қичқариши бутун кўчага барала эшитилиб турди.

Бир зумда у одатдан ташқари серҳаракат бўлиб жонини қаерга қўйишини билмай қолди ва бошини соябондан чиқариб, йўловчиларни безорилар, деб сўка кетди. Сўнгра дастрўмолчани кўчага улоқтирди-да, извошни тўхтатинглар, багажимни йўқотиб қўйдим, деб бақирди. Шундан кейин яна хотиржам гапира бошлади:

— Будейовицада бир дўмбирачи бор эди. Уйланди-ю, бир йилдан кейин ўлиб қолди.— У бирданига хахолаб кулиб юборди.— Хўш, бу латифа сенга ёқадими?

Швейк бўш келмай фельдкурат билан қаттиқ муомала қилиб турди. Фельдкурат яна бир ҳунар кўрсатишга, масалан, извошдан сакраб тушмоқчи бўлиб ёки ўриндиқни синдирмоқчи бўлиб уриниши билан Швейк дарҳол унинг биқинига туширар, аммо фельдкурат бунга заррача ҳам нарво қилмасди. Фақат бир марта у ҳадидан ошиб извошдан сакраб ерга тушишга ҳаракат қилмоқчи бўлди,— мени Будейовицага олиб бориш ўрнига Подмоқлига олиб кетяпсизлар, у ерга бормайман,— деб бақириб кўрди. Лекин Швейк дарҳол унинг ҳовурини босиб, жойига ўтқазди-да, ухлаб қолмаслик чораларини кўра бошлади. Швейкнинг шу пайтда оғзидан дам-бадам:

— Типирчилама, ўлимтик!— деган сўзлар чиқиб турарди.

Фельдкурат тўсатдан маъюсланиб қолди, Швейкдан онангиз борми, деб суриштириб кўз ёши қилишга тушди.

— Бу дунёда ёлғиз ўзим қолдим, огайнилар,— деб ҳўнграрди у,— менга раҳмларингиз келсин, ёнимни олинглар!

— Мени шарманда қилма,— деди Швейк фельдкуратни турткилаб,— бас қилсанг-чи, мастлигингни ҳамма биллиб қолади.

— Мен ҳеч нима ичганим йўқ, дўстим,— жавоб берди фельдкурат.— Қайфим йўқ-ку!

У тўсатдан тик туриб ҳарбийларча честь берди:

— Ich melde gehorsam, Herr Oberst, ich bin besoffen!<sup>1</sup>  
Мен чўчкаман!

Шу сўзни маст одамларга хос ростгўйлик билан ва тамомила умид узган кишилардек ўн марталаб такрорлади.

Сўнгра Швейкка ўгирилиб, ёлворишга тутинди:

— Мени автомобилдан улоқтириб юборинг. Нега мени ўзингиз билан олиб кетяпсиз?

Шу гапдан сўнг ўтириб олиб, яна алжиди:

— «Оппоқ ойдни кечада...» Сиз арвоҳнинг ўлмаслигига ишонасизми, жаноб капитан? От ҳам жаннатга тушиши мумкинми?

Фельдкурат қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди, сўнгра бир оз ўтгач, Швейкка бепарво назар ташлаб туриб деди:

— Кечирасиз, жаноб, мен сизни қаердадир кўрганман. Сиз Венада бўлмаганмисиз? Мен сизни семинариядан биламан.

Орадан ҳечқанча вақт ўтмай лотинча шеърларининг декламация қилишга тутинди:—*Aurea prima satat, aetas, quae vindice nullo\**. Бу ёғини билмайман,— деди у.— Мени улоқтириб юборсангиз-чи. Нега улоқтириб юбормаяпсиз? Менга ҳеч бало бўлмайди. Мен тумшуғим билан йиқилмоқчиман,— деди у ўжарлик билан.— Жаноб! Азиз дўстим,— давом этди яна у ёлвориб,— орқамга бир мушт туширсанг-чи.

— Биттами ёки кўпроқми?— билмоқчи бўлди Швейк.

— Иккита.

— Мана!

Фельдкурат елкасига туширилаётган муштни овоз чиқариб санар экан, ҳузур қилиб жилмаярди.

— Мушт овқатни яхши ҳазм қилдиради, энди тумшуғимга туширинг... Офарин!— деди у Швейкнинг бу илтимосни дарҳол бажарганидан хурсанд бўлиб.— Жуда хурсанд бўлдим. Энди жилеткамни йиртиб ташлашингизни илтимос қиламан.

У кетма-кет истакларини айтаверди. Швейкдан, оёғимни синдириб, ҳиқилдоғимдан бир оз бўғиб туриб, тирноғимни олиб қўйинг, олд тишимни суғуриб олинг, деб илтимос қилаверди. Хуллас, унда рiezат тортиш дарди пайдо бўлиб қолган эди. У, бошимни узиб олиб

<sup>1</sup> Жаноб полковник, мастлигимни маълум қилиш шарафига муяссарман (немисча).

хадтага солинглар-да, Влтава дарёсига улоқтириб ташланглар, деб талаб қилди\*.

— Бошим атрофига юлдузчалар қадаб қўйилса жуда ҳам ярашар эди\*. Қани, шунақа ўнта юлдузча бўлса,— деди хурсанд қиёфада фельдкурат.

Энди у пойгалар тўғрисида гап бошлади, лекин сал фурсатда гапни балетга бурди, бироқ бу тўғридаги гапни ҳам узоқроқ давом эттира олмади.

— Чардашга рақс тушасизми?— сўради у Швейкдан.—«Айиқ рақсини» биласизми? Бу рақсга мана бундай...

У дик этиб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Швейкнинг устига ағдарилиб тушди. Швейк бир-икки дўппослаб, уни ўрнига ўтқазиб қўйди.

— Кўнглим ниманидир тусаяпти,— қичқирди фельдкурат,— лекин нималигини ўзим ҳам билмайман. Кўнглим нимани тусаятганини сиз биласизми?

Шу гапни айтди-ю, тақдирига тан бергандек бошини осилтириб ўтираверди.

— Кўнглим тусаса тусайверсин, менга нима!— деб қолди бирданига у.— Бунга сизнинг ҳам ҳеч бир даҳлингиз йўқ, жаноб! Мен сиз билан таниш эмасман. Нега менга бунчалик тикилиб қолдингиз?.. Қиличбозлик қилишни биласизми?

У ҳамла қилар экан, Швейкни курсидан суриб туширишга уриниб кўрди. Швейк юз хотир қилиб ўтирмай, бир мушт тушириб фельдкуратни тинчитиб қўйди. Шундан сўнг у:— Бугун душанбами ёки жума, ҳозир декабрь ойими ёки июнми?— каби бўлар-бўлмас саволлар беравериб, бошини қотирди.

— Сиз уйланганмисиз? Горгонзолани яхши кўрасизми? Уйингизда қандада кўпми? Аҳволингиз қалай? Итингиз вабо билан оғриганмиди?

Сўнгра фельдкурат кўнглида нима бўлса ҳаммасини тўкиб солди: чавандозбоп этик учун, қамчи ва эгар олганлиги учун қарздор эканлигини, бундан бир неча йил муқаддам сўзак билан оғриганлигини ва уни марганцовка билан тузатганлигини валдиради. Фельдкурат ўзини ҳиқичоқдан тутолмасди.

— Мен бошқа ҳеч нимани ўйлай олмадим, ўйлашга қўлим ҳам тегмас эди. Эҳтимол бу гаплар сизга оғир туюлаётгандир, ундай бўлса айтинг — ҳиқ! Нима қилиш керак — ҳиқ! Мени кечиринг!

— ...Овқат ёки ичимликнинг,— деб гап бошлади у бундан бир дақиқа олдин нима гапираётганини унутиб,— дастлабки температурасини сақлаб турадиган идишни термос деб аталади... Қани, айтинг-чи, ошнам, карта ўйинларидан қайси бири ҳалол ўйин: «железками», ёки «йигирма бирими?..» Азбаройи худо, сен билан биз қаердадир учрашганмиз!— хитоб қилди у ва Швейкка ёпишиб уни қучоқлашга ва сўлаги оқиб турган лаблари билан ялашга уриниб кўрди.— Ахир, биз иккаламиз бир мактабда ўқиганмиз-ку... Сен жуда яхши йигитсан!— деди оёғини нозиккина силаб туриб.— Буни қара-я, жуда ўсиб кетибсан, сени кўрмаганимга анча вақт бўлди-да! Сен билан улфатчилик қилсам, бошимга тушган ҳамма кулфатларни унутиб юбораман.

Шундан кейин у шоирона кайфиятларга берилиб, оламдаги борки яхши нарсаларни яна қайта қуёш нурига айлантириш тўғрисида гап бошлади. Шу гапдан сўнг у тиз чўкиб: «Биби Марям, шафоат қилинг», деб дуо ўқиш билан бирга хахолаб кулишни ҳам тўхтатмади.

Извош келиб тўхтаганидан кейин уни извошдан тушириш жуда қийин бўлди.

— Биз ҳали жойимизга келганимиз йўқ!— деб қичқираверди у.— Ердам қилинглар! Мени ўғирлаб кетиш-япти! Извошдан тушгим келмаяпти!

Уни извошдан тортқилаб чиқаришдан бошқа илож қолмади. У извошнинг курсисига оёқлари билан шундай ёпишиб олдики, мана шундай пайтда икки бўлиниб ярми извошда қолиб кетгудай бўлди.

Аммо фельдкурат Швейкни ҳам, извошчини ҳам лақиллатдим, деб жуда хурсанд бўлиб қаҳ-қаҳ уриб кулаверди.

— Мени икки бўлиб юборасизлар-ку, жаноблар!

Уни зинадан судраб бир амаллаб квартирасига олиб чиқишди ва диванга қопни улоқтиргандай ўтқазиб қўйишди. Фельдкурат, мен автомобиль заказ қилганим йўқ, автомобиль учун пул тўламайман, деб туриб олди. Унга соябонли извошда олиб келганлигини чорак соатдан кўпроқ овора бўлиб тушунтиришга тўғри келди. Шунда ҳам у, мен фақат извошда юришга одатланганман, деб кира ҳақини тўламай туриб олди.

— Сизлар мени лақиллатмоқчисиз,— деди фельдкурат Швейкка ва извошчига маънодор қилиб имлаб,— биз пиёда келдик.

Аммо тўсатдан сахийлиги қўзиб кетиб, ҳамёнини извошчига улоқтирди:

— Ҳаммасини ол! Бир крейпер ошиқ, кам тўлашни менинг учун аҳамияти йўқ! Ich kamm bezahlen<sup>1</sup>.

Уттиз олти крейцер тўлашни унинг учун аҳамияти йўқ, деса тўғрироқ бўларди, чунки ҳамёнида бундан ортиқ пул йўқ эди. Яхшиямки извошчи фельдкуратни синчиклаб тинтиб чиқди, уни тинтаётган вақтда шапалоқ тўғрисида гапириб турди.

— Хўш, жаноб! Мени чидай олмайди деб ўйлайсанми? Беш шапалоққа бардош бера оламан,— деб луқма ташлаб қўйди фельдкурат.

Извошчи фельдкуратнинг жилетидан беш крейцерлик пул топиб олиб, шунча вақтни бекор сарфлаганлиги, бунинг устига пул ишлолмай қолганлиги учун ўзини ҳам, фельдкуратни ҳам сўка-сўка чиқиб кетди.

Фельдкурат турли режалар тузиб кўзи уйқуга кетар экан, у гоҳ рояль чалишни, гоҳ рақс дарсига боришни, ниҳоят, гоҳ балиқ қовуриб ейишни орзу қила бошлади. Сўнгра у ўзининг синглизис бўлмаса ҳам, лекин синглимга уйлантириб қўяман, деб Швейкка ваъда берди-да, каравотга ётмоқчилигини айтгач, мени чўчқа ҳисоблашларинини истайман, деган мазмунда гап қилиб ухлаб қолди.

### III

Швейк эрталаб фельдкуратнинг хонасига кирганида у диванда, бу қандай гап бўлди, кимдир биров устимга ниманидир қўйиб юборибди, шимим диван чармига ёпишиб қолибди-ку, деб нима бўлганлигини билишга уриниб, ўйлаб ётарди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки,— деди Швейк,— жаноб фельдкурат, сиз кечаси...

Хуллас, Швейк фельдкуратга мени шилта қилиб қўйишибди, деб ўйлаётганлиги бутунлай хато эканлигини бир-икки оғиз сўз билан тушунтириб берди.

Боши қўрғошиндай оғир бўлиб уйғонган фельдкуратнинг аъзойи бадани карахт эди.

<sup>1</sup> Тўлашга қурбим етади! (немисча).

— Қаравотдан диванга қандай қилиб ўтиб қолганимни сира эслай олмаётибман,— деди у.

— Сиз каравотда сира ҳам бўлганингиз йўқ. Келишимиз биланоқ сизни диванга ётқизиб қўйдик, каравотга судраб боришга кучимиз етмади.

— Мен нима қилибман? Бирон нима қилиб қўйдимми? Мен маст эмас эдим-ку!

— Оёқда туролмас даражада маст эдингиз, жаноб фельдкурат,— деди Швейк.— Агар ювиниб, бошқа кийимларингизни кийиб олсангиз, енгил тортармидингиз...

— Худди калтак егандек сёқ-қўлимни кўтаролмаяпман,— нолиди фельдкурат.— Ташна бўлиб кетяпман. Кеча муштлашганим йўқми?

— Бу даражага бориб етгани йўқ, жаноб фельдкурат. Ташналигингизнинг сабаби, кеча кўп ичганингиздан. Бунақа ташналикни қондириш осон эмас. Мен бир дурадгорни билардим, ўша дурадгор биринчи марта бир минг тўққиз юз ўн биринчи йилни кутар кечаси қаттиқ маст бўлди, биринчи январь эрталабдан бошлаб чунонам чапқадик, ўзини ёмон ҳис қилганлиги учун шўр балиқ сотиб олиб, яна ичишга тутинди. Шу-шу ўша дурадгор тўрт йилдан бери ҳар кун сурункасига ичмоқда. Ҳеч ким уни бу йўлдан қайтаролмаяпти, чунки у ҳар шанба кuni бир ҳафтага етарли шўр балиқ сотиб олишга одатланган. Тўқсон биринчи полкимиздаги кекса фельдфебелимиз айтганидек, у ҳамиша шундай тўхтаган жойдан давом эттираверади.

Фельдкурат маъюсланиб қолди. Шу пайтда унинг айтган гапларини эшитган киши ўзини доктор Александр Батекнинг: «Энг яхши кишиларимизни ҳалок қилаётган ичкилик балосига қарши кескин кураш очайлик!» деган лекциясига келиб қолгандек ёки унинг ўша лекцияни оз-моз ўзгартириб нашр этган «Этиканинг юзта учқуни» деган китобни ўқиётгандек ҳис қилар эди.

— Асли одам ароқ, мараскин ёки коньяк сингари аъло нав ичкиликлар ичади, мен бўлса кеча можжевеловкани ичибман,— деб нолишга тушди фельдкурат.— Бунақа паст ичкиликни қандай ичганимга ўзим ҳам ҳайронман. Оғзингга олсанг жирканиб кетасан! Лоақал вишневка бўлса ҳам майли эди. Одамларга ҳайронман, ҳар қандай бўлмағур нарсаларни ўйлаб чиқариб, сувдай симираверишади. Можжевеловкада на маза, на матра бор, фақат томоқни қириб ўтади, холос. Асл

мева шарбатидан тайёрланган бўлса ҳам майлиди-я, мен ҳақиқий можжевеловкани бир вақт Моравияда ичган эдим. Аммо кечаги можжевеловка ёғоч спирти билан ёғоч мойидан тайёрланган... Мана бу кекиришни кўринг! Ароқ — заҳарнинг ўзи,— деди қатъий қилиб фельдкурат.— Ароқ ростакам, чинакам ароқ бўлиши керак, яҳудийларнинг фабрикада тайёрлаб чиқарган сўкма ароғини асло ичмаслик керак. Асл ароқ худди ромга ўхшайди, яхши ром эса камдан-кам топилади... Агар ҳозир чинакам ёнғоқ настойкаси топилса эди,— деди хўрсиниб фельдкурат,— ошқозонимни дарров тузатиб кўя қоларди. Брускадаги капитан Шнабельникига ўхшаган ёнғоқ настойкаси бўлиши керак.

У ҳаменини ковлашга тушди.

— Атиги ўттиз олти крейцер пулим қопти. Ё диванни сотсакмикин...— бош қотира бошлади у.— Қани айтинг-чи, Швейк, бунга нима дейсиз? Харидор топилармикин? Уй эгасига мен диванни бировга вақтинча бериб юбордим, ёки ўғирлаб кетишди, деб кўя қоламан. Йўқ, диванга тегмаймиз. Яхшиси, сизни капитан Шнабель олдига юборай, у менга юз крон қарз бериб турсин. Ўтган куни у картада ютган эди. Агар ундан ундира олмасангиз, Вршовицадаги\* казармага боринг, у ердан поручик Малерни топинг. Агар ундан ҳам ҳеч нима ундира олмасангиз, Градчанага\* бориб капитан Фишерни топинг. Унга, хўжайиним от учун пичан олган эди, шунга пул керак бўлиб қолди, ўзининг ҳамма пулини ичиб қўйибди, деб айтинг. Агар ундан ҳам ҳеч нарса унмаса, роялни гаровга қўямиз. Нима бўлса бўлди! Уларнинг ҳар қайсисига икки энлик хат ёзиб бераман. Кўндиришга уриниб кўринг. Уларга жуда пул керак бўлиб қолди, хўжайиним бир чақасиз ўтирибди, деб тушунтиринг. Умуман, уларга нима десангиз денг-ку, лекин қуруқ қайтиб келманг, қуруқ қайтсангиз фронтга жўнатаман. Капитан Шнабелдан ёнғоқ настойкасини қаердан олганини суриштириб, билиб ўша жойдан менга ҳам икки шиша топиб келинг.

Швейк бу топшириқни боплаб бажарди. Унинг чеҳрасидан содда ва оқкўнгилик эканлиги кўриниб турганлиги сабабли нимаики гап айтса ҳамма шу гапга ишонаверди. Швейк капитан Шнабелга, капитан Фишерга ва поручик Малерга, фельдкурат отга сотиб олган хашак учун қарздор бўлиб қолди, деб айтишни ўнғайсиз

деб билди, бунинг ўрнига, фельдкурат алимент тўлаши лозим бўлиб қолди, шунинг учун қарз топиб беринг, деб илтимос қилаверди.

У ҳамма жойдан пул ундирди.

Швейк сафардан муваффақиятли қайтиб, ювиниб ва кийиниб ўтирган фельдкуратга уч юз кронни кўрсатган эди, у ҳанг-манг бўлиб қолди.

Эртага ёки индинга яна пул ғамини еб юрмайлик, деб айтган одамларингизнинг ҳаммасидан олавердим,— деди Швейк.— Ҳаммаси жуда сип-силлиқ бўлди-ю, аммо капитан Шнабелдан тиз чўкиб ёлвориб сўрашга тўғри келди. Жудаям мумсик экан! Лекин унга мен, алимент тўлаш учун зарур бўлиб қолди, дега-нимда...

— Алимент?!— қайтариб сўради ваҳимага тушиб фельдкурат.

— Ҳа, алимент дедим, жаноб фельдкурат, қизларни тинчитиш учун тўланадиган пул дедим. Ўзингиз менга қандай қилиб бўлса-да, ундириб кел, дедингиз-ку, мен бўлсам шундан бошқа ғамни ўйлаб тополмадим. Бизда бир тикувчи бир йўла беш қизга алимент тўлар эди. Унинг ҳоли жуда ҳам танг бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам кўпинча алимент тўлашга пул қарз олиб турарди. Буни қарангки, ҳар ким унинг аҳволи оғирлигини билганлигидан, қанақа қиз, деб сўрашди, мен, жуда яхши қиз, ҳали ёши ўн бешга ҳам етгани йўқ, дедим. Адресини билиб олмоқчи бўлишди.

— Мени тоза боплабсиз-ку,— деди хўрсиниб фельдкурат ва уйнинг у бошидан-бу бошига юра бошлади.— Шарманда бўлдим!— деди у бошини ушлаб.— Яна бунинг устига бошим тарс ёрилиб кетай деяпти.

— Мен уларга,— давом этди Швейк,— кўчамиздаги бир кар кампирнинг адресини бериб келдим. Ишни пишиқ қилмоқчи бўлдим-да: буйруқ берилгандан кейин уни бажариш ҳам керак-да. Қуруқ қайтиб келолмас эдим, шунинг учун ҳам бирор нимани ўйлаб топишга тўғри келди. Ҳа, айтгандай, рояль учун келган кишилар кўчада кутиб туришибди. Мен уларга рояльни ломбардга элтиб қўйишсин, деб олиб келдим, жаноб фельдкурат. Агар рояльни олиб кетишса чакки бўлмайди. Жой ҳам бўшаб қолади, пулимизга ҳам пул қўшилади— ҳар қалай бир-икки кун пулдор бўлиб юрамиз. Агар уй хўжайини рояльни нима қилмоқчисизлар, деб сўраб қол-



са, мен унга роялнинг тори узилиб кетди, уни ремонт қилдириш учун фабрикага жўнатяпмиз, деб қўя қоламан. Ҳовлини супуриб-сидириб юрадиган хотин биз роялни олиб чиқиб аравага юклаётганимизни кўриб ҳайрон бўлмасин, деб унга ҳам шундай деб қўйдим... Диванга ҳам харидор топиб келдим. Эски мебелфуруш танишим учраб қолди. Тушки овқатдан кейин келади. Ҳозир чарм қопланган диванларнинг бозори чаққон.

— Яна бундан ҳам бошқа бирор иш қилиб келганингиз йўқми, Швейк?— сўради нима қилишини билмай ҳамон икки қўли билан бошини чангаллаб турган фельдкурат.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат, капитан Шнабель ичадиган ёнроқ настойкаси дан икки шиша ўрнига бештасини сотиб олдим, чунки бизда ҳамиша запас туриши керак, ичкингиз келганда қидириб овора бўлманг... Рояль учун келганлар киришсинми? Тагин ломбард ёпилиб қолмасин...

Фельдкурат нима бўлса бўлар, деб қўл силтаб қўя қолди, бир оз ўтгач, роялни аравага юклаб олиб кетишди.

Швейк ломбарддан қайтиб келганида фельдкурат менга чала қовурилган шницель беришибди, деб сўкиниб, очиб қўйилган ёнроқ настойкасининг шишасига тикилиб ўтирарди. Фельдкурат яна ширакайф бўлиб қолган эди. У Швейкка, эртадан бошлаб ичкилик ичишни тарк қиламан, чунки спиртли ичимлик ичиш пасткаш одамларнинг иши, ичкиликсиз чиройли ҳаёт кечириш керак, деб ичмай қўйганлигини айтди.

У ярим соатча фалсафа сотди. Учинчи шиша очилган пайтда эски мебелфуруш кириб келди. Фельдкурат диванни унга арзимас пулга сотиб юборди ва шу билан бирга харидорни ўзи билан улфатчилик қилишга таклиф этди. Мебелфуруш тунги столчани сотиб олиш учун кетяпман, деб баҳона қилган эди, фельдкурат бунга жуда қаттиқ хафа бўлди.

— Афсуски, менда бунақаси йўқ!— деди фельдкурат ноилож қиёфада.— Ҳамма нарсани олдиндан билиб, топиб қўйиш қийин.

Эски мебелфуруш кетганидан кейин фельдкурат Швейк билан дўстона суҳбат қилиб ўтириб икковлари қолган шишани ҳам ичиб тамомлашди. Бу суҳбатнинг бир қисми фельдкуратнинг хотинларига ва карталарга

муносабатига бағишланди. Улар узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Қош қорайган пайтда ҳам Швейкнинг фельдкурат билан ширин суҳбати тугамаган эди.

Бироқ қоронғи тушганидан сўнг улар ўртасидаги муносабат ўзгарди. Фельдкурат яна ўзининг кечаги ҳолатига қайтди, Швейкни бошқа қандайдир бир кишига ўхшатиб унга деди:

— Илтимос қиламан, кетманг. Интендантликдаги ўша сариқ юнкер эсингиздами?

Бу хушчақчақликни Швейкнинг ўзи тўхтатиб, фельдкуратга:

— Бас! Энди гинг демай ўрнингга ёт! Тушундингми?— деди.

— Хўп, жоним, ётаман... Ётмай нима қилардим?— дўнғиллади фельдкурат.— Икковимиз бешинчи синфда ўқиганимиз ва япон тили иншосини сенга ўзим ёзиб берганим эсингдами?.. Сизларнинг Забраслав\*да катта боғингиз бор эди-ку. Уша боққа Влтава билан пароходда борса бўлади. Влтаванинг нималигини биласизми?

Швейк зўрлаб унинг ботинкасини ва кийимларини ечтирди. Фельдкурат бошқа одамлар бордек хаёл қилиб, уларга норозилик изҳор қилса ҳам, барибир Швейкка бўйсунди.

— Кўряпсизми, жаноблар,— деб шикоят қилди у уйда турган шкафга ва фикусга,— қариндошларим мен билан шунақа муомала қилишяпти-я... Ҳеч қандай қариндошни танимайман!— деди тўсатдан у қатъият билан ва ўрнига ётиб олди.— Ер билан осмон менга қарши исён кўтарса ҳам барибир улардан юз ўгираверман!

Фельдкурат шу гапни айтди-ю, уйқуга кетиб, хуррак ота бошлади.

#### IV

Швейк ўзининг кекса хизматчиси пани Мюллерни кўриш учун ўзининг илгариги квартирасига бориши ҳам шу вақтга тўғри келган эди. Швейк квартирасига келиб бу уйда пани Мюллернинг аммавачча синглисига дуч келди. Бу хотин Швейкка пани Мюллер Швейк ҳарбий хизматга чақирилган куни кечқурун қамоққа олинганлигини йиғлаб гапириб берди. Кампирнинг иши ҳарбий

судда кўрилибди, суд ҳеч нарсани исбот қилолмаганлиги сабабли уни Штейнгофдаги қамоқ лагерига жўнатилибди. Кампирдан хат ҳам келган экан. Швейк табаррук қилиб сақланаётган шу хатни олиб ўқиб чиқди.

«Азизим Аннушка!

Биз бу ерда жуда яхши турибмиз, ҳаммамиз соғсаломатмиз. Ёнимдаги каравотда ётадиган хотин терлама ва қора чечак билан оғриб қолди. Бошқа ҳамма нарса жойида. Овқатимиз етарли, шўрва пишириш учун картошка йиғиштириб юрибмиз. Пан Швейк, деб эшитдим, урушдан кейин унинг қабрини зиёрат қилиб турайлик, у қаерда ётганлигини бир амаллаб билиб қўй. Сенга бир нарсани айтишни унутибман, чердакнинг қоронғи бурчагидаги яшикда фокстерьер кучук бола қолган эди. Мени олиб кетишганларига бир неча ҳафта бўлди, шундан бери ўша кучук бола ҳеч нима егани йўқ, ҳозир ўлган бўлса керак, деб ўйлайман».

Хатни кўндалангига кесиб ўтган пушти штемпелла қуйидаги сўзлар ёзилган эди. «Цензура кўриб чиқди. Император — қирол қамоқ лагери, Штейнгоф».

— Дарҳақиқат, кучук бола ўлиб қолган экан,— деди пани Мюллернинг аммавачча синглиси пиқиллаб йиғлаб.— Энди сиз ўзингиз турган хонани таний олмайсиз. Ҳозир у ерда тикувчи хотинлар яшашяпти. Хонангиз ҳозир кийим салони, Деволарига модалар осиб ташланган, деразаларда гуллар.

Пани Мюллернинг аммавачча синглиси ўзини тутолмай пиқиллаб йиғлайверди, ниҳоят, Швейк ҳарбий хизматдан қочиб келмаганмикин, агар шундай бўлса менинг бошимни балога қўйиши мумкин, деб хавотирлана бошлади. Шунинг учун ҳам у Швейк билан ашаддий авантюрист ила гаплашаётгандек гаплашди.

— Ажабо!— деди Швейк.— Бу гапингиз менга жуда ёқди-ку! Кейнинг, мен сизга тўғриси айтиб қўя қолай, пани Кейржова, гапингиз тўғри, қочиб келдим. Лекин бунинг учун ўн бешта вахмистр ва фельдфебелларни ўлдиришга тўғри келди. Бу ҳақида ҳеч кимга оғиз оча кўрманг.

Швейк шундай деди-ю, ҳувиллаб қолган уйдан чиқиб кетди. Йўл-йўлакай пани Кейржовага тайинлади:

— Пани Кейржова, кирчида ёқам билан манжетларим қолган эди. Ушаларни олиб келиб сақлаб қўйинг. Ҳарбий хизматдан қайтганимда яраб қолар. Яна бир

илтимос, жавондаги костюмларимга куя туширманг. Урнимни эгаллаб олган хонимларга мендан салом айтиб қўйинг.

Швейк «Товоқ устида» қовоқхонасига ҳам кириб чиқди. Паливецнинг хотини уни кўриб, қочиб келганга ўхшайсиз, сизга пиво қўйиб бермайман, деди. Сўнгра яна эски гапни бошлади:

— Эрим бечора эҳтиёткор одам бўлса ҳам арзимаган нарсага қамалиб ётибди, манавинақа одамлар бемалол ўйнаб юришибди, ҳарбий хизматдан қочиб келишяпти. Утган ҳафта сизни яна қидириб келишган эди... Бизлар сиздан кўра эҳтиёткорроқ эдик,— деди гапни тамомлаб туриб Паливецнинг хотини,— шундай бўлса ҳам бошимизга бало орттирдик. Ҳамма ҳам сизга ўхшаб бахтли бўлавермас экан.

Бу гап устида ёни ўтиқираган, смиховлик слесарь бўлган эди. У Швейкнинг олдига келиб луқма ташлади:

— Илтимос, жаноб, кетиб қолманг, мени кўчада кутиб туринг. Сизда икки оғиз гапим бор.

Қовоқхоначининг хотини Швейкни қочоқ, деб имлаб қўйганлиги учун у Швейк билан гаплашишга аҳд қилганди. У Швейкка менинг ҳам ҳарбий хизматдан қочиб келган ўғлим бор ва ҳозир у Йозефов яқинидаги Ясеннаяда бувиснинг уйида турибди, деди. Швейк аввало мен қочоқ эмасман, деб қасам ичса ҳам, слесарь бу гапга эътибор бермай унинг қўлига ўн крон қистирди.

Сўнгра у Швейкни муюлишдаги ертўлада жойлашган майхонага таклиф қилди:


— Бу пул бирор кунингизга яраб қолар. Мен сизга жуда хайрихоҳман, лекин сиздан қўрқадиган жойим йўқ.

Швейк уйга ярим кечада қайтиб келди. Фельдкурат ҳали қайтмаган экан. У эрталабга яқин келиб, Швейкни уйғотди:

— Эртага ҳарбий ибодат маросимини бажаришга борамиз. Ром аралаштириб қора кофе қайнатиб қўйинг... Йўқ, ундай қилмай қўя қолинг, грог<sup>1</sup> тайёрлаганингиз маъқулроқ.

---

<sup>1</sup> Грог — ром ёки коньякка қайноқ сув ва шакар аралаштирилиб тайёрланган ўткир ичимлик (*тарж.*)



## XI боб

### ШВЕЙКНИНГ ФЕЛЬДКУРАТ БИЛАН ҲАРБИЙ ИБОДАТ МАРОСИМИНИ БАЖАРИШГА БОРГАНИ

#### I

Одамларни нариги дунёга жўнатиш тайёргарлиги ҳамиша худонинг номи билан ёки инсоннинг ўзи ўйлаб чиқарган бошқа олий руҳ номи билан бажарилиб келинган.

Қадимий финикияликлар ҳам асирни бўғизлашдан олдин худога сифиниб, тантанали маросимни бажо келтирганлар, шундан бир неча минг йил ўтганидан кейин ҳам келгуси авлодлар душманни ўтда куйдириб, қиличдан ўтказишдан олдин худди шундай қилганлар.

Гвинея оролларидаги ва Полинезиядаги одамхўр қабила билалар асирларни ёки душманлари деб билган одамлари, чунончи, миссионерлар, саёхатчилар, турли савдо фирмаларининг вакиллари ва шунчаки томоша қилишга келиб банди бўлиб қолган кишиларни тантанали ейиш олдидан турли диний маросимлар ўтказадилар, ўз худоларига қурбонлар берадилар. Лекин диний маросимларда безаниш маданияти улар орасига ҳали кириб бормаганлиги сабабли бундай тантанали ҳолларда улар ўрмон қушларидан юлиб олинган ярқироқ патларни думбаларига боғлаб ўзларини ясатадилар.

Муқаддас инквизиция ўз қўлларига тушган ўлжаларни ёндиришдан олдин қўшиқ айтиб, тантанали ибодат маросими ўтказарди.

Жиноятчи қатл этилганда ҳамиша руҳоний ҳозир бўлади ва бу билан маҳкумнинг жиғига тегиб туради.

Улимга ҳукм қилинган бечорани Пруссияда пастор жаллоднинг болтасига рўпара қилади, Австрияда уни католик руҳоний дор остига олиб боради, Францияда эса, гильотина жоди тигига тутиб беради, Америкада қатл қилинувчини руҳоний электр стулига ўтқазиб қўяди, Испанияда бўғиб ўлдирадиган мосламалар ўрнатилган креслога жойлаштиради, Россияда эса, серсоқол поп революционерларни қатлга ўзи бошлаб боради ва ҳоказо. Бундай маросимларда бутга парчинланган Исонинг суратини рўкач қилаверишади, бу билан руҳонийлар: «Сенинг фақат бошингни кесиб ташлашади, ёки сени фақат дорга осишади, бўғиб ўлдиришади, ёхуд танангга ўн беш минг вольт электр токи юбориб ўлдиришади, аммо мана, бу Исонинг кўрган азоби олдида булар ҳеч гап эмас!»— деяётгандек бўладилар.

Мислсиз қирғин — жаҳон уруши ҳам руҳонийларнинг дуойи фотиҳасисиз ўтмади. Армиялардаги полк руҳонийлари ўз валинеъматларига ғалаба билан дуо-фотиҳалар қилдилар ва диний расм-русмларни бажариб турдилар. Қўзғолон кўтарган солдатлар қатл этилаётган вақтда, албатта, руҳоний пайдо бўларди, чех легионерлари қатл қилинаётганида ҳам руҳонийни кўриш мумкин эди.

«Авлиё» номини олган босқинчи Войтех бир қўлида қилич, бир қўлида бут ушлаб. Болтиқбўйи славянларини кирган вақтлардан бери ҳеч нима ўзгаргани йўқ.

Бутун Европада одамлар кушхонага ҳайдаб бори-

лаётган ҳайвонлар каби урушга боравердилар, уларга императорлар, қироллар, президентлардан иборат ҳамда бошқа ҳукмронлар ва саркардалар билан бирга бир қаторда жамики дин пешволари фатво берар эканлар, «Қуруқликда, ҳавода, денгизда...» каби сўзлар такрорланадиган қасам ичириб, одамларни мажбуран ҳайдаб келишаверди.

Ҳарбий ибодат маросими икки марта: ҳарбий қисм фронтга жўнатилаётган вақтда, сўнгра олдинги позицияда, қонли қирғин арафасида солдатларни ўлимга олиб кетиш олдидан бажарилар эди.

Ҳарбий ибодат вақтида душман аэроплани позицияга бомба ташлагани ҳали ҳам эсимда. Бомба тўппатўғри кўчма меҳробнинг устига тушди, бизнинг фельдкуратимизни тилка-тилка қилиб ташлади. Газеталар уни шаҳид бўлди, деб мақтаб ёзишди, аммо айни вақтда бизнинг аэропланларимиз ҳам душман томоннинг руҳонийлари шуҳратини худди шу тарзда оширишга ҳаракат қилмоқда эди.

Биз калака қилиб бундан қаттиқ кулганмиз. Фельдкуратдан қолган гўшт парчалари кўмилган қабр устига ўрнатилган бутда эртасига эрталаб қўйндаги марсия пайдо бўлди:

Бизга тилаганларнинг ўзгинанга буюрди:  
Туллаб тиришиб кетган бошингдан уриб худой,  
Мақтаган осмонингни ўзинга раво кўрди,  
Сенинг изингдан энди фақатгина қолди лой.

## II

Швейк эски денгизчилар грогидан ҳам зўр грог тайёрлаб қўйди. Бунақа грогни ҳатто ўн саккизинчи асрнинг қароқчилари ҳам жон деб ичган бўлардилар.

Фельдкурат Отто Кац қувончини ичига сиғдиролмай қолди.

— Бунақа ажойиб нарсани тайёрлашни қаерда ўрганганси?— сўради у.

— Жаҳонгашталик қилган йилларим ўрганганман,— жавоб берди Швейк.— Буни менга бутун вужудига ичкилик сингиб кетган бир матрос Бременда ўргатиб қўйган эди. У грог шунақа ўткир бўлиши керакки, агар уни ичган киши денгизга думалаб тушса, Ла-Манш

сузиб ўта оладиган бўлсин, деяр эди. Кимки кучсиз грогни ичса, кучук боладек сувга ғарқ бўлади.

— Бунақа грог ичгандан сўнг, Швейк, ҳарбий ибодатни бажариш яхшироқ бўлади,— деди ўйлаб туриб фельдкурат.— Маросимни бошлашдан олдин оқ йўл тилаб бир-икки оғиз сўзлаш керак, деб ўйлайман. Ҳарбий ибодатни бажариш анча қийин. Бу — гарнизон турмасида қилинадиган ибодат, ёки анави аблаҳларга хутба ўқиш эмас. Ҳарбий ибодатни бажо келтирмоқ учун ақл жойида бўлиши керак! Чўнтакбоп, буклама меҳробимиз бор... Ё тавба!— Бирданига нимадир эсига тушиб бошини ушлаб қолди фельдкурат.— Биз эшакмиз, деса сам жаҳлингиз чиқади! Буклама меҳробимни қаерга яшириб қўйганимни биласизми? Ўзимиз сотиб юборган диванга яшириб қўйган эдим!

— Шўрнимиз қурибди, жаноб фельдкурат,— деди Швейк.— Аммо мен эски мебелфурушни танийман, ўтган куни унинг хотинини кўрган эдим. Уғирланган жавон учун эрини қамаб қўйишибди, бизнинг диванамиз эса, Вршовицадаги бир муаллимнинг уйида экан. Рост, меҳробни топмасак шарманда бўламиз. Яхшиси, грогни ичиб бўлайлик-да, биргалашиб ўша меҳробни қидирайлик, чунки меҳробсиз ибодатни бажо келтириб бўлмас, деб ўйлайман.

— Дарҳақиқат, фақат кўчма меҳроб етишмай турибди,— деди ташвишланиб фельдкурат.— Қеракли нарсалар ҳаммаси машқ майдонида тахт қилиб қўйилган. Супачани дурадгорлар ясаб қўйишган. Дароносикани<sup>1</sup> Бржевнодан қарзга олиб келамиз. Қоса ўзимда бўлиши керак, лекин уни қаерга қўйганимни билмайман.

У ўйлаб қолди.

— Агар йўқотиб қўйган бўлсам-а... Топилмаса Етмиш бешинчи полк поручиги Витингернинг мукофот кубогини олиб турамиз. У «Спорт-Фаворит» клуби номидан югуриш мусобақаларида бундан бир неча йил олдин қатнашганида ўша кубокни ютиб олган эди. Жуда яхши чопқир йигит эди! Вена билан Медлинг ўртасидаги қирқ километрлик масофани бир соату қирқ саккиз минутда босиб ўтган. Ўзи ҳамиша шу ютуғи билан мақтаниб

---

<sup>1</sup> Гўё Исонинг тани ва қонига айлантирилган нон билан вино солиб қўйиладиган табаррук идиш (тарж.).



юради. Шундай аҳвол рўй беришини билиб кеча у билан гаплашиб қўйган эдим... Ишни нуқул орқага сурадиган одатим бор! Ҳайвон бўлмасам шундай қилармидим! Мен аҳмоқни қаранг-а, диванни кўздан кечирмабман-а!

Бутун вужудига ичкилик сингиб кетган матроснинг рецепти билан тайёрланган грогни ичиб кайфи тарақ бўлиб қолган фельдкурат ўзини энг ёмон сўзлар билан койишга тушди, кимлигини баландпарвоз иборалар билан тушунтира бошлади.

— Юринг бўлмаса, ўша кўчма меҳробни қидириб топайлик!— деди Швейк.— Тонг отиб келяпти. Фақат формани кийиб олиб, йўлга чиқиш олдидан яна битта стакандан отиб олишимиз керак.

Нихоят, улар йўлга тушишди. Эски мебелфурушнинг хотининикига бора туриб йўлда фельдкурат кеча, «худонинг марҳамати билан», кўп пул ютиб олганлигини, агар бундан буён ҳам омади шундай келаверса, ломбарддан олинган пулни қайтариб бериб, роялни албатта олиб келишини Швейкка гапириб борди.

Унинг бу гаплари мажусийларнинг қурбон берамиз, деган ваъдасига ўхшарди.

Фельдкурат билан Швейк эски мебелфурушнинг хотинини уйготиб, унда диваннинг янги эгаси — Вршовицадаги муаллим қаерда туришини билиб олишди. Фельдкурат одатдан ташқари назокат билан муомала қилди мебелфуруш хотинининг чаккасини чимдиб, бағбақасини қитиқлаб қўйди.

Фельдкурат билан Швейк Вршовицагача пиёда боришди, чунки фельдкурат тоза ҳавода нафас олиб, кайфимни тарқатишим керак, деди. Улар Вршовицада художўй кекса муаллимнинг уйида кутилмаган кўнгилсиз ҳолга дуч келишди. Бу чол дивандан кўчма меҳробни топиб олиб, бу худонинг менга марҳамати экан, деб уни Вршовицадаги бутхонага ҳады қилибди ва бунинг эвазига меҳробнинг орқасига қуйидаги сўзларни ёздириб қўйибди:

«Истеъфога чиққан муаллим Коларжик худонинг инояти ва башорати билан мелоди Исонинг 1914 йили ёз куни туҳфа қилди».

Ички кийимда эшик очган муаллим саросимага тушиб қолди. Унинг гапидан маълум бўлишича, муаллим бу топилган кўчма меҳробни мўъжиза, деб ўйлабди ва буни худонинг каромати деб билибди. Мен, деди у, диванни

сотиб олганимда: бу диваннинг қутисиди бирон нима йўқмикин, бир қарасанг-чи, деган гап дарҳол кўнглимга келди. Унинг тушида бир фаришта келиб, «дивандаги қутини оч!» деб буюрганмиш. Муаллим бу буйруққа итоат қилибди. Диван қутисини очиб кичкина буклама меҳробни ва бу меҳробда дарница қўйиладиган жой ҳам борлигини кўргач, диван олдига тиз чўкканча, худогга илтижо айлаб, ибодат қилибди. Муаллим шу меҳроб билан Вршовицадаги бутхонани безатиш керак, деган кўрсатма худо томонидан менга берилди, деган қарорга келибди.

— Бу гапларнинг бизга аҳамияти йўқ,— деди фельд-курат.— Бу нарса сизники эмаслигини билар эдингиз ва сиз уни қандайдир лаънати бир жойга элтиб топширмасдан, балки полицияга элтиб беришингиз керак эди!

— Бу мўъжиза деб бошингиз балога қолмаса яхши эди,— деди гапга аралашиб Швейк.— Сиз диванни сотиб олгансиз, аммо меҳробни сотиб олмагансиз. Меҳроб — ҳарбий мулк. Бу худонинг марҳамати, деган нарсангиз сизга жуда қимматга тушиши мумкин! Фаришталарнинг гапига қулоқ солишнинг кераги йўқ эди. Эгоржада ҳам бир одам ер ҳайдаб туриб, табаррук коса топиб олган эди, кимдир биров бутхонага ўғрилиққа кириб, ўша идишни олиб чиққандан кейин менинг бу қилмишим унутилгунча яшириб кўяй, деб уни ерга кўмиб ташлаган экан. Деҳқон ҳам буни худонинг иродаси, башорати деб билибди ва идишни эритиб бошқа буюм ясаш ўрнига, туҳфа сифатида бутхона попининг кўлига элтиб берибди. Поп бўлса бу деҳқон виждон азобиға тушиб менинг олдимга келди, деб ўйлаб, оқсоқолни, оқсоқол эса жандармни чақиртирибди. Хуллас, ўша деҳқонни бутхонага ўғирлиққа тушди, деб бекордан-бекорга кесиб юборишибди, чунки у судда, нуқул мўъжиза-мўъжиза, деб вайсай берибди. У ўзини оқламоқчи бўлиб қандайдир фариштани шафе қилишга уринибди, яна бунинг устига Биби Марямни ҳам тилга олибди, оқибат натижада ўн йилга кесилиб кетибди. Энг яхшиси шуки, сиз биз билан бу ердаги попнинг олдиға бориб, ундан подшо мулкани қайтариб олишимизга ёрдам беринг. Ҳарбий меҳроб мушук ёки пайпоқ эмаски, сиз уни хоҳлаган кишингизга ҳадя қилиб бераверсангиз.

Чолнинг бутун вужуди қалтираб, кийинишга тутинди. Унинг тишлари бир-бирига тегмай шақилларди.

— Азбаройи худо, ёмонлик қиламан деган фикр хаёлимга ҳам келгани йўқ! Мен худонинг бу туҳфаси билан Вршовицадаги камбағал бутхонамизни ясатишга ёрдамлашарман, деб ўйлабман.

— Албатта, ҳарбий хазина ҳисобидан бўлса керак?— деди Швейк унинг гапини чўрт кесиб.— Худонинг бунақа туҳфаси учун сизга ташаккур, огайни! Хотерборжда Пивонька деган бир киши бировнинг сигаги боғлаб қўйилган арқоннинг бир учи қўлига тушиб қолганида, у ҳам буни худонинг туҳфаси, деб етаклаб кетаверган экан.

Бу гапларни эшитиб бечора чол эсанкираб қолди ва ўзини ҳимоя қилишдан воз кечиб, ошиғич кийинар экан, бу ташвишдан тезроқ қутулиш пайига тушди.

Вршовицадаги фарар\* ҳали уйғонмаган эди, уйғотилгандан кейин уйқусираб сўкина бошлади, чунки мени дуо ўқитишга чақириб келишган бўлса керак, деб ўйлади.

— Дуо ўқитишга чақиравериб жонга тегишди!— деб дўнғиллаб аранг кийинишга тутинди у.— Бу қанақа одамларки, эндигина кўзинг уйқуга кетди, дегунча ўлаверса-я! Қошки бунинг учун менга тузукроқ пул беришса.

Хуллас, улар, яъни Вршовицадаги мўмин католиклар ҳузурига худонинг юборган вакили ва ҳарбий маҳкама ҳузурида худонинг ердаги вакили бўлиб турган шахс — бир-бирлари билан даҳлизда учрашдилар. Аслини олганда, бу учрашув оддий поп билан ҳарбий поп ўртасидаги тортишувдан иборат бўлди. Оддий поп, кўчма меҳроб диванда турмаслиги керак эди деса, ҳарбий поп шундай бўлса ҳам, уни дивандан олиб жўн одамлар ибодат қиладиган бухтонага ўрнатмаслик керак эди, деб жавоб қайтараверди.

Бу гапларга Швейк ўзининг ҳар хил мулоҳазаларини, чунончи, ҳарбий мулк ҳисобидан камбағал бутхонани бойитиш осон экан-да, деган гапларни қайтариб турди, «камбағал» деган сўзни ҳудди кесатаётгандек истехзо билан талаффуз қиларди.

Ниҳоят, улар бутхона ичига киришди, фарар эса, фельдкуратдан қуйидаги мазмунда тилхат ёздириб олиб, кўчма меҳробни унинг қўлига топширди:

«Вршовица ибодатхонасига тасодифий равишда келиб қолган кўчма меҳробни олдим. Фельдкурат Отто

Кац». Шунча гап-сўзга сабаб бўлган бу кўчма меҳроб Венадаги Мориц Малер деган бир яҳудий фирмаси ишлаб чиқарган буюм эди. Бу фирма диний маросимлар ва ибодатлар учун керак бўладиган ҳар хил буюмларни, чунончи: тасбеҳлар, авлиёларнинг суратларини ясаб бериш билан шуғулланар эди. Бу меҳроб уч тавақадан иборат бўлиб, муқаддас черковнинг бутун шон-шухрати каби унинг ҳам сирти сохта ҳал билан безатилган эди. Тасаввур доираси тор бўлган киши мана шу уч қаватга нималарнинг сурати чизилганлигини кўз олдига келтиролмасди. Фақат шу нарса равшан эдики, бу меҳробдан Замбезиядаги мажусийлар ҳам, ёки бурят ва мўғул азаймхонлари ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин эди. Ярқироқ бўёқлар суриб ташланган бу меҳроб олисдан қараган кишига темирйўлчилар кўзининг қуввати-ни текширишга хизмат қиладиган рангли жадвал бўлиб кўринарди.

Бошининг атрофини нур ўраб олган ва танаси жонсиз, сасиб ётган ғозникига ўхшаш кўкариб кетган қандайдир яланғоч одамнинг қоматигина очикроқ кўриниб турарди. Гарчи бу авлиё ҳеч кимга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, аксинча, фаришталарни ифодалашни лозим бўлган қанотли икки мавжудот унинг икки ёнида турган бўлса ҳам, бу суратни кўрган кишига яланғоч авлиё атрофидагиларни кўриб қўрққанидан бақираётгандек туюларди: бунинг сабаби шуки, фаришталар, бир томондан, қанотли ёввойи мушукка, бир томондан эса, қандайдир даҳшатли махлуққа ўхшаш девсифат қилиб тасвирланган эди.

Меҳроб тавақасининг орқа томонига Исо билан Биби Марямни ифодалашни лозим бўлган сурат чаплаб ташланган эди. Рассом умуман олганда кабутарни у қадар бузиб тасвирлаган эмас, унинг тасвирлаган қуши кабутарга ҳам, виандот зотидан бўлган оқ товуққа ҳам ўхшаб кетарди.

Аммо ота-худо Американинг томошабинларини қизиқтириш учун қонли курашларни тасвирлаган фильмларда кўрсатиладиган қадимий ғарбдаги йўлтўсарга ўхшар эди.

Ўғил-худо эса, аксинча, дўппайиб турган қорнини лунги сингари бир нарса билан тўсиб турган хушчақчақ йигит тарзида тасвирланган эди. Умуман, ўғил-худо спортчига ўхшарди; у бутни худди теннис ракеткаси

сингари бошлаб ушлаб турарди. Олисдан қараганда буларнинг ҳаммаси бир-бири билан қўшилиб кетиб, худди усти ёпиқ вокзалга кириб келаётган поездга ўхшаб кўринарди.

Учинчи иконанинг нималигини умуман тушуниб бўлмас эди.

Ибодат вақтида солдатлар мана шу ребусга қараб туриб, ҳамшиша бир-бирлари билан баҳслашар эдилар. Қандайдир бир солдат ҳатто бу расмда Азов бўйи ўлкасининг манзараси тасвирланган, деган фикрни ҳам айтган эди. Барибир иконанинг остига: «Биби Марям, она худо, бизга раҳм қил!»— деб ёзиб қўйилган эди.

Швейк кўчма меҳробни бир амаллаб извошга ортдида, ўзи извошчининг ёнига ўтириб олди. Фельдкурат яхшилаб жойлашгач, оёқларини уч худо сурати устига узатиб ўтираверди.

Швейк извошчи билан уруш тўғрисида гаплаша бошлади. Извошчи исёнкор киши экан. Австрия қуролининг энгилмаслиги тўғрисидаги гаплар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини, чунончи: «Демак, Сербияда ойнинг бириччи куни сизларни бошлашибди-да?» деган сўзларни тап тортмай қайта-қайта такрорлайверди.

Улар озиқ-овқат ротасидан ўтиб бораётганларида бозор қоровулининг извошда нима олиб кетяпсизлар, деган саволига Швейк:

— Уч худо билан Биби Марям, фельдкуратни, — деб жавоб қайтарди.

Шу пайтда машқ майдонида уларни марш роталари сабрсизлик билан кутмоқда эди. Швейк билан фельдкурат аввал поручик Витенгер олдига бориб, ундан мукофот кубогини олишди, сўнгра Бржевнова монастирига кириб, дарницани ва ибодат вақтида керак бўладиган бошқа буюмларни, шу жумладан, бир шиша черков виноси ҳам олишди.

Ҳарбий ибодат маросимини бажо келтириш унчалик осон иш эмас, албатта.

— Бутун шаҳарни кезиб, изғиб юрибмиз!— деди Швейк извошчига. Ҳақиқатан ҳам бу гап рост эди.

Улар машқ майдонига етиб келишди. Олди ёғоч билан ўралиб, кўчма меҳроб қўнқайтирилиши лозим бўлган стол ўрнатиб қўйилган жойдаги супачанинг устига чиқилган пайтда фельдкурат министрانتни унутиб қўйганлиги маълум бўлиб қолди.

Пиёда солдатлардан бири фельдкурат ибодат маросимини бажо келтираётган вақтда ҳамиша министрантик вазифасини ўтарди. Аммо ўша солдат бу хизматдан кўра телефонист бўлишни афзал кўриб, энди фронтга кетиб қолган эди.

— Ҳечқиси йўқ, жаноб фельдкурат,— деди Швейк.— Унинг вазифасини ўзим бажара оламан.

— Сиз министрантик қилишни биласизми?

— Буни ҳеч қачон қилиб кўрган эмасман,— жавоб берди Швейк.— Аммо бир амалласам бўлади. Ҳозир уруш вақти-ку ахир. Урушда одамлар тушларига кирмаган ишларни бажараверишади. Мана шу аҳмоқона «et cum spiritu tio»<sup>1</sup> деган сўзларни сизнинг «dominus vobiscum»<sup>2</sup> деган гапларингизга бир амаллаб ёпиштирарман. Иссиқ бўтқа тепасида изғиган мушук сингари сизнинг атрофингизда парвона бўлиб, қўлингизни ювиш учун сув ва кўзачадан вино қуйиб бериб туриш унчалик қийин иш бўлмаса керак, деб ўйлайман...

— Бўпти!— деди фельдкурат.— Лекин қосамга сув солиб қўйманг. Яна бир нарсга эсингизда бўлсин: яхши-си, ҳозир бошқа бир кўзача топиб, уни ҳам винога тўлдириб қўйинг. Аммо қачон ўнг томонга, қачон чап томонга ўтишни ўзим билдириб тураман. Бир марта ҳуштак чалсам «ўнгга», икки марта ҳуштак чалсам «чапга» ўтасиз. Дуо китобини менга ҳадеб рўпара қилаверманг. Хуллас, бу ишлар у қадар қийин эмас. Қўрқмай-сизми?

— Ҳеч нарсадан қўрқмайман, жаноб фельдкурат, ҳатто министрантик бўлишдан ҳам қўрқмайман.

Фельдкуратнинг бу ишлар қийин эмас, дегани ҳақ гап эди. Маросим сип-силлиқ ўтаверди.

Фельдкурат лўндагина нутқ сўзлади:

— Солдатлар! Биз бу ерга жанг майдонига жўнаб кетишдан олдин, чин кўнгилдан худога илтижо қилиш учун тўпландик; бизга худо зафар ато қилсин ва ўз паноҳида сақласин. Сизларни узоқ ушлаб турмайман, ҳаммангизга зафар ёр бўлсин.

— Rucht<sup>3</sup>— команда берди чап ёпбошда турган кекса полковник.

<sup>1</sup> Ва сенинг руҳинг билан (лотинча)

<sup>2</sup> Сизга худонинг марҳамати ёгсин (лотинча).

<sup>3</sup> Вольно (исмисча).

Ҳарбий ибодат маросими шунинг учун ҳам ҳарбий ибодат маросими деб айтиладики, у ҳам жанг майдонидаги ҳарбий тактика бўйсунган қонуналарга бўйсунди. Ўттиз йиллик уруш вақтида, қўшинларнинг узоқ давом қилган маневрлари чоғида ҳарбий ибодат маросими ҳам одатдан ташқари узоқ давом этган эди.

Қўшинларнинг ҳаракати тезлашиб кетган ҳозирги тактика шароитида ҳарбий ибодат маросимини ҳам тез бажармоқ керак.

Бугунги ибодат роса ўн минут давом этди. Фельдкуратга яқинроқ турган кишиларга ибодат вақтида у ҳуштак чалаётганлиги жуда ғалати бўлиб кўринарди.

Швейц унинг сигналларини дарҳол илғаб олиб, гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга ўтар ва дам-бадам: *Et cum spiritu tuo*», деб такрорлаб турарди. Унинг бу қилиқлари ҳиндиларнинг ўз ўлжалари атрофида рақс тушишларини эслатарди. Лекин умуман, ибодат маросими жуда яхши таассурот қолдирди ва бир чеккаси олхўризор ва орқа томони ҳожатхоналардан иборат серчанг, хилват машқ майдонини бирмунча жонлантирди. Ҳожатхоналарнинг ҳиди бамисоли готика ибодатхоналаридаги хушбўй исириқ хизматини ўтарди. Ҳамманинг кайфи чоғ. Полковник атрофидаги офицерлар бир-бирларига ҳар хил латифалар айтиш билан машғул эдилар. Хуллас, ҳамма нарса кўнгилдагидай. Гоҳ у жойда, гоҳ бу жойда солдатлар орасидан, «бир марта чектир», деган сўзлар эшитилиб қолар, тамакиннинг зангори тутуни худди исириқ тутунидек паға-паға кўтарилиб турарди. Ҳатто унтер-офицерлар ҳам полковник чекаётганини кўриб тутата бошладилар.

Ниҳоят, «*Zum Gebet!*» деб команда берилди, чайг-тўзон кўтарилди ва ҳарбий мундирларнинг кўримсиз квадрати Вена — Медлинг орасидаги масофада, ўтказилган югуриш мусобақасида ютиб чиққан поручик Витенгерга мукофотга берилган спорт кубоги қаршисида тиз чўкди.

Коса лиқ тўла эди, шунинг учун ҳам фельдкуратнинг ибодат вақтидаги ҳар бир ҳаракатини кўриб турган солдатлар хайрихоҳлик билан хитоб қилардилар:

— Мана бу қултумни қаранг-а!

<sup>2</sup> «Ибодатга!» (немисча).

Маросим икки марта такрорланди. Сўнгра яна: «Ибодатга!» деган команда берилди, хор: «Эй худо, подшоҳимизни паноҳингда асра!» деб гувиллади, сўнгра: «Сафга!» ва «Шагом марш!» буйруғи берилди.

Фельдкурат кўчма меҳробни имлаб кўрсатиб, Швейкка:— Лаш-лушларни йиғиштиринг. Ҳаммасини эгаларига элтиб беришимиз керак,— деди.

Улар яна ўша извошга тушиб, йўлга равона бўлишди ва бир шиша черков виносидан бошқа ҳамма нарсани эгаларига бекаму кўст қайтариб беришди.

Улар уйга қайтиб келгандан кейин бечора извошчини, сен жуда секин юрдинг, пулингни комендант бошқармасидан оласан, деб койиб ҳайдаб юборишди. Шундан сўнг Швейк: фельдкуратга деди:

— Ижозатингиз билан сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, жаноб фельдкурат, поп қайси динда бўлса унга хизмат қилаётган мишистрант ҳам шу динда бўлиши керакми?

— Албатта,— жавоб берди фельдкурат.— Акс ҳолда ибодат ўрнига ўтмайди.


— Жаноб фельдкурат! Катта хато бўлибди,— деди Швейк.— Ахир, мен динсизман-ку. Сира омадим келмади-да!

Фельдкурат Швейкка ялт этиб қараб, бир дақиқа жим қолди, сўнгра унинг елкасига қоқиб, деди:

— Шишада мендан қолган черков виносини ичиб олинг-да, ўзингизни яна черков аҳли қаторига ўтдим, деб ҳисоблайверинг.







XII боб

## ДИНИЙ МУНОЗАРА

Швейк диндор солдатлар раҳнамосини кўрмайдиган кунлар ҳам бўларди. Фельдкурат ўзининг руҳонийлик вазифаларини ичкиликбозлик билан қўшиб бажарарди ва томларда ўғринча изғиб юрган мушук каби ширтмоқ ва ҳамма ёғи исқирт бўлиб, аҳён-аҳёндагина уйига келиб кетарди.

Фельдкурат ичавериб тилдан қолмаган вақтларда уйга қайтгач, ётиш олдидан Швейк билан суҳбатлашар, юксак нарсалар тўғрисида, маънавий поклик ва тафак-

кур шодлиги тўғрисида сўз очар, баъзан ҳатто Гейне шеърларини декламация қилишга ҳам уриниб кўрарди.

Швейк фельдкурат билан бирга сапёрлар ҳузурида яна битта диний ибодат маросимини бажарди. Бу маросимни бажариш учун фельдкуратнинг дўсти, илгари мактабларда дин дарсини ўқитиб юрган, ғоят тақводор бир киши ҳам янглишдан таклиф қилинган экан. Швейк диний маросимларни бажо келтириш вақтида керак бўлиб қолар, деб ҳамиша ўзи билан фляжкани олиб юрарди. Қац мана шу фляжкадаги коньякдан бир қултум ичишни ўз ҳамкасби руҳонийга таклиф қилганида у Қацга таажжубланиб қараб қўйди.

— Коньяк чакки эмас,— деди Отто Қац.— Бундан бир қултум отиб, уйингизга кетаверинг. Лозим бўлган ишларнинг ҳаммасини ўзим дўндириб қўяман. Бугун тоза ҳавода бўлишим керак, чунки бошим оғриб турибди.

Фельдкурат бош чайқаб жўнаб кетди, Қац эса ҳар сафаргидек ўз ролини қойил қилиб бажарди. Бу сафар у илоҳий қон, деб фараз қилинган суюқликка сода суви билан вино қўшиб қўйди, унинг хутбаси ҳам одатдагидан бирмунча узоқроқ давом этди, бу хутбада ҳар икки сўздан сўнг «ва ҳоказо» ҳамда «ҳеч шубҳасиз» деган сўзлар такрорланиб турди.

— Солдатлар! Бугун сизлар фронтга жўнаб кетяпсизлар ва ҳоказо. Дилларингизга худони жо қилинг ва ҳоказо. Ҳеч шубҳасиз. Нима бўлишингларни ҳеч кимса билмайди. Ҳеч шубҳасиз. Ва ҳоказо.

Хуллас, меҳроб олдида «ҳоказо» ва «ҳеч шубҳасиз» деган сўзлар худо ва барча авлиёларнинг номи қатори жаранглаб эшитилиб турди.

Фельдкурат жазаваси қўзиб, нотиқлиги тутиб кетар экан, шаҳзода Евгений Савойскийни авлиё даражасига кўтариб қўйди, сапёрлар понтон кўприклар қўяётганида шу авлиё уларга мададкор бўлади, деб хитоб қилди.

Шундай бўлса ҳам, ҳарбий ибодат маросими ҳеч бир кўнгилсиз воқеалар рўй бермай, силлиқ тугади. Бу маросимда қатнашиш сапёрлар учун кўнгил очар эрмак бўлди.

Швейк билан фельдкурат қайтиб кетаётганларида кондуктор уларни буклама меҳроб билан трамвайга чиқармайман деб туриб олди. Лекин Швейк кондукторга дўқ қилди:

— Мен билан ўйнашма, шу муқаддас меҳроб билан бошингга тушираман!

Ниҳоят, улар уйга қайтиб келганларида табаррук май солинадиган — дароносицани йўлда йўқотиб қўйганликлари маълум бўлди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди қўл силтаб Швейк. — Қадимги христианлар бунақа табаррук буюмсиз ҳам ибодат русмларини бажараверганлар. Агар биз эълон берсак, уни топган киши биздан суюнчи талаб қилиши турган гап. Башарти бу буюм пул бўлганида уни ҳеч ким қайтариб бермасди. Аммо топган пулини қайтариб берадиган тентаклар ҳам бўлади. Будейовицада бизнинг полкимизда бир солдат хизмат қиларди, ўзи яхши йигит бўлса ҳам, лекин аҳмоқ эди. Бир кун у кўчадан олти юз крон топиб олиб, полицияга элиб берибди. Уни ҳатто: — Мана шунақа инсофли киши ҳам бор экан, — деб газеталарга ҳам ёзишган. Шундан кейин у бирам шарманда бўлдики! Ҳеч ким у билан гаплашмайдиган бўлиб қолди. Ҳамма унга таъна қилиб: «Э, ландавур, қанақа аҳмоқлик қилиб қўйдинг? Агар сенда озгина инсоф деган нарса қолган бўлса, бунинг учун умрбод уялиб юрасан». Унинг юрган бир қизи бор эди, шу қиз ҳам у билан гаплашмай қўйди. Отпуска олиб уйига борганида бу воқеани эшитган ошналари уни ўйин бўлиб турган вақтда қовоқхонадан ҳайдаб чиқаришди. Бола бечора озиб кетди, нима қилишини билмай боши қотиб, ниҳоят ўзини поезд тагига ташлади... Яна бир воқеани айтиб берай. Бизнинг кўчамизда бир тикувчи олтин балдоқ топиб олди. Уни, сен буни полицияга топшира кўрма, деб кўп огоҳлантиришди, аммо у ўз билганини қилди. Полиция маҳкама-сида уни хушрўйлик билан кутиб олишди, брильянтли олтин балдоқ йўқолди, деб бизга ариза тушган эди, деган гапни ҳам айтишди. Кейин балдоқнинг тошини кўриб қолиб: «Не, биродар, бу брильянт эмас, шиша-ку. Анави брильятини қанчага сотдингиз? Топиб олдим деб даъво қиладиган бунақа инсофли кишилар кимлигини яхши биламиз!» дейишипти. Ниҳоят, яна бир кишининг қалбаки брильянтли балдоқ (оиланинг қандайдир табаррук мулки) йўқотганлиги маълум бўлиб қолибди. Шундай бўлса ҳам, тикувчи уч кун ўтириб чиқди, чунки жаҳли чиқиб кетиб, полицияни ҳақорат қилган экан. Ҳар ҳолда у қонуний суюнчини, ўн процентни, яъни бир крон йигирма гелерни олди, ўша буюмнинг нархи ўн икки

крон экан. Шундан сўнг у қонуний суюнчини балдоқ эгасининг башарасига отибди, балдоқ эгаси уни, мени ҳақорат қилди, деб судга берибди, шундан сўнг тикувчидан ўн крон штраф олишибди. Шу воқеадан кейин тикувчи ҳамма жойда, бирон буюм топиб олдим, деган инсофли кишидан йигирма беш крон штраф олиш керак; бунақа кишиларни уриб, чала ўлик қилиб ташлаш керак ва бунақа ҳолларда нима қилиш кераклигини ҳамма билиб қўйсин учун уни кўпчилик олдида савалаш лозим, деб гапириб юрди... Биз йўқотган табаррук буюм срқасига гарчи полк муҳри босилган бўлса ҳам, уни бизга ҳеч ким қайтариб бермас деб ўйлайман. Ҳарбий буюмлар билан ҳеч ким алоқа қилгиси келмайди. Бунақа буюмларни бошим балога қолмасин, деб яхшиси сувга ташлаб юборишади... «Олтин тож» қовоқхонасида кеча мен бир мусофир билан гаплашиб қолдим, эллик олти ёшда экан. У ўзининг бричка араваси нега мусодара қилинганлигини округ бошқармасидан сурштириб билмоқ учун Янги Пакага келган экан. Уни округ бошқармасидан ҳайдаб чиқаришибди, қайтиб келаётганида ҳозиргина майдонга келиб, тўхтаб турган ҳарбий обозни кўрмоқчи бўлиб тўхтабди. Қандайдир бир йигит (у армия учун консерваларни шу араваларда олиб келаётган экан), шу отларга бир минут қараб туринг, деб уни қўйиб кетибди, қайтиб келмапти. Обоз йўлга тушибди, бизнинг ошнамиз чол ҳам шу обоз билан бирга Венгрияга қадар отни қўриқлаб бораверибди, Венгрияга борганида эса, унинг ўзи ҳам бир кишига аравани қўриқлаб туринг, деб ташлаб кетиб, шу тариқа қутулиб қолибди, агар шундай қилмаса, уни Сербияга ҳам олиб кетишар экан. Жигибийрон бўлиб қайтиб келибди, энди ҳарбий ишларга сира аралашмаганим бўлсин, деб қасам ичиб ўтирибди.

Эрталаб сапёрлар олдида ҳарбий ибодат маросимини бажо келтирмоқчи бўлган тақводор фельдкурат кечкурун Швейклар уйига кириб келди. У ҳар бир бандани худо висолига ноил қилишга интилиб юрган мутаассиб бир киши экан. Дин дарсини ўқитиб, муаллимлик қилиб юрган вақтидаёқ у болаларни тепкилаб художўй бўлишига мажбур қилар экан, баъзан газеталар: «Шафқатсиз мударрис» ёки «Болаларни тепкилаб ўқитаётган домла» каби сарлавҳалар билан унинг ҳақида хабарлар босиб чиқарар экан. Бу домла болалар дарра зар-

би билан катехизисни яхшироқ ёдлаб олади, деб астойдил ишонарди.

Тақводор фельдкуратнинг бир оёғи оқсоқ эди, чунки ўз шогирдларидан бирининг отаси билан хилват кўчада қоронғида дуч келиб қолиб ўзига шу кулфатни орттириб олган эди. Уша бола уч худо мавжудлигига шубҳаланганлиги учун домла уни бошлаб калтаклаган экан; бола бир муштни ота-худо учун, иккинчисини ўғил-худо учун ва учинчисини муқаддас руҳ учун еган экан. Собиқ домла бугун ўз касбдоши Кацни ҳақиқат йўлига солмоқ ва унинг кўнглига худонинг чироғини ёқмоқ учун келибди. У қуйидагича гап бошлади:

— Исо пайғамбаримизнинг бутга парчинланган ҳайкалчаси уйингизда йўқлигига ҳайронман. Сиз қаерда ибодат қиласиз, ибодат суралари ёзилган китобингиз қаерда? Уйингизнинг деворларида битта ҳам авлиёнинг сурати йўқ-ку. Каравотингиз тепасида осилиб турган нарса нима?

Кац жилмайди.

— Бу «Чўмилаётган Сусанна» сурати, унинг остидаги яланғоч хотин эса, менинг илгариги ўйнашим. Унг томондаги японча акварелда эса, кекса япон самурайи билан гейша хотин бир-бири билан алоқа қилаётганлиги тасвирланган. Айтинг-чи, ҳақиқатан ҳам жуда чиройли эканми? Дуолар ёзилган китобим ошхонада турибди. Швейк! Уша китобни бу ерга олиб келиб, учинчи саҳифасини очиб беринг.

Швейк ошхонага кириб кетди, у ердан очилаётган шишаларнинг уч марта пақиллаши эшитилди.

Уч шиша столга келтириб қўйилганини кўриб, тақводор фельдкурат ҳайратда қолди.

— Бу унчалик маст қилмайдиган черков виноси, биродар,— деди Кац.— Жуда яхши рислинг. Таъми мозел виносига ўхшайди.

— Мен ичмайман,— деб туриб олди тақводор фельдкурат.— Кўнглингизга худонинг чироғини ёқиш учун келганман.

— Лекин биродар, томоғингиз қақраб қолади,— деди Кац.— Сиз ичиб гапираверинг, мен қулоқ солавераман. Мен жуда сабрли одамман, ўзгаларнинг фикрини ҳам қулоқ бериб эшита оламан.

Тақводор фельдкурат жиндак ичган эди, кўзи чақнаб кетди.

— Жуда ҳам яхши виножон-да, биродар! Шундай эмасми?— сўради Кац.

Тақводор жиддий қиёфада жавоб қайтарди:

— Чамамда беҳуда гап қилиясиз.

— Иложим қанча, одатим шу,— жавоб берди Кац.— Баъзан худотарслик қилаётганимни ўзим ҳам пайқаб қоламан. Швейк, жаноб фельдкуратга қўйиб беринг. Мен ҳаттоки худони, бутни, арш аълони ва чўқинишларни ҳам тилга олиб сўкавераман. Агар сиз ҳам, ҳарбий хизматда менча хизмат қилсангиз, ўзингиз ҳам шу даражага келиб қолардингиз. Бунақа сўқиниш унча қийин эмас, аммо биз, руҳонийларга айниқса жуда ҳам осон: арш аъло, худо, бут, чўқиниш ва шу каби сўзларни айтиб сўксангиз ҳам чиройли, ҳам касбингизга муносиб бўлади. Шундай эмасми? Ичинг, биродар!

Собиқ дин муаллими бу сафар индамай ичди. Унинг эътироз билдирмоқчи бўлганлиги, лекин удалай олмаётганлиги кўриниб турарди. У ўзи айтмоқчи бўлган гапларини ўйлаб тураверди.

— Бошингизни баланд кўтаринг, муҳтарам биродар,— давом қилди Кац,— худди беш минутдан кейин дорга осиладиган одамдек қовоғингизни солиб ўтираверманг. Эшитишимга қараганда, қайси бир жума кун сиз бугун пайшанба деб ўйлаб, янглишиб ресторандан чўчқа гўшти котлетини еб қўйган экансиз. Шундан сўнг ҳожатхонага югуриб бориб, икки бармоғингизни оғзингизга тиқиб, худонинг қаҳрига қолиб гуноҳкор бўлмайд деб зўрлаб қайт қилган экансиз. Шахсан мен ўзим пасха кунлари гўшт ейишдан қўрқмайман, ҳеч қандай жаҳаннамдан ҳайиқмайман ҳам. Кечирасиз! Буни ичиб олинг! Қалай, энди тузукми?.. Эҳтимол, сиз дўзах тўғрисида бошқачароқ фикрдадирсиз, эҳтимол замоннинг руҳига қараб ва реформистлар билан биргаликда қадам ташлаётгандирсиз? Бошқача қилиб айтганда, сиз, дўзахда бечора гуноҳкорлар учун олтингугурт қайнатиб қўйилган оддий қозонлар ўрнига ванни қозонлари, яъни юқори босимли қозонлар бор, деган фикрдадирсиз? Хўш, сиз, гуноҳкорлар маргарин ёғида қовурилади, гуноҳкорларни тиқиб қўйилган катта сихларни электр двигателлар айлантириб туради, деб ҳисоблайсизми? Уша бечораларни миллион йиллардан бери буғ шиббалагичлари билан эзгилаб тош йўлларга бостиришяпти, деган фикрдамисиз? Тиш докторлари тишни алоҳида машина-

лар ёрдамида суғуриб олади, гуноҳкорларнинг дод-фарёди граммофон пластинкаларига ёзиб қўйилади, сўнгра эса, бу пластинкалар мўмин бандаларнинг кўнглини очмоқ учун юқорига, жаннатга юборилади, деб ўйлайсизми? Жаннатда атир сепиб турадиган машиналар бор, симфоник оркестрлар Брамс асарларини чалавериб шу қадар жонга тегадикки, бунақа жаннатдан кўра дўзахнинг даҳлизи афзалроқ бўлиб қолади, деб ўйлайсизми? Еки сизнингча, фаришталарнинг қаноти чарчаб қолмасин деб уларнинг орқаларига паррак ўрнатиб қўйилганми?.. Ичинг, биродар! Швейк, жаноб фельдкуратга коньяк қўйиб беринг, мазаси қочиб қолганга ўхшайди.

Тақводор фельдкурат ўзига келиб, пичирлаб қўйди:

— Дин ақл-идрок талаб қилади... Уч худонинг мавжудлигига кимки ишонмаса...

— Швейк,— деб унинг гапини бўлди Кац,— жаноб фельдкуратга яна бир қадаҳ коньяк қўйиб беринг, уни бир шимириб ўзига келсин. Унга бирор ҳикоя айтиб беринг, Швейк.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат,— деб гап бошлади Швейк,— Влашимда бир мутавалли бор эди. Унда хизмат қилиб юрган бир аёл боласи ва пуллари билан қочиб кетганидан кейин, у ўзига янги хизматчи ёллади. Қариб қолган шу мутавалли черков авлиёлари қаторига киритиб қўйилган авлиё Августин китобларини мутолаа қилишга киришди. У ўша китобларда, кимки антиподларга ишонса, худонинг лаънатига учрайди, деган гапни ўқибди. Шундан сўнг, у ўз уйидаги хизматчи хотинни чақириб, унга дебди: «Бир кун сиз менга, менинг ўғлим бор, ўзи слесарь-механик, Австралияга кетиб қолган, деган эдингиз. Агар шундай бўлса, демак, у антипод бўлиб қолибди, авлиё Августин эса, антиподлар мавжудлигига ишонган ҳар бир кимсани лаънатлаш керак, деб буюряпти». «Э, тақсир,— дебди бунга жавобан ўша хотин,— ахир, ўғлим менга хат ҳам, пул ҳам юбориб турибди-ку». — «Бу шайгоннинг васвасаси,— дебди унга мутавалли.— Авлиё Августин таълимотига кўра, ҳеч қандай Австралия мавжуд эмас. Сизни шайтон йўлдан оздирибди». Якшанба кuni мутавалли черковда ўша аёлни бутун халқ олдида лаънатлади ва ҳеч қандай Австралия йўқ, деб бақирди. Шундан сўнг уни бутхонадан тўппа-тўғри жиннихонага олиб кетишди. Ростдан ҳам жиннихонага жўнатилса

бўладиган одамлар кўп. Урсулинка монастирида Биби Марям сути деб кичкинагина шишачала сут сақланмоқда. Биби Марям шу сут билан Исони эмизган эмиш. Бенешовдаги етимхонага эса, табаррук Лурд\* суви деб келтирилган суви ўша бечора етимлар ичиб, шунақа ичкетар бўлиб қолишибдики, бунақаси сира кўрилмаган эди.

Тақводор фельдкуратнинг кўзи қамаша бошлади. Фақат яна бир рюмка коньяк ичгачгина бир оз ўзига келди. Кўзини қисиб туриб, Кацдан сўради:

— Сиз Биби Марямнинг ўз-ўзидан ҳомиладор бўлиб қолганига ишонмайсизми? Авлиё Иоани Чўқинтирувчининг пиаристларда сақланаётган бармоғи асил бармоқ эканлигига нима, шак келгирасизми? Умуман, сиз худонинг борлигига ишонасизми? Агар ишонмасангиз, нега фельдкурат бўлиб юрибсиз?

— Азиз биродар,— деб жавоб берди Кац унинг елкасига аста қоқиб,— ўлимга кетаётган солдатлар худонинг марҳаматига муҳтож, деб давлат айтиб турган экан, фельдкуратлик лавозими яхши маош бериб турадиган ва унчалик чарчатмайдиган машғулот бўлиб қолаверади. Машқ майдонида югуриб юриш ва маневрларга боришдан кўра, бу машғулот менга кўпроқ ёқади. Илгари мен бошлиқлардан буйруқ олиб турардим, энди бўлса, нимани хоҳласам шуни қилавераман. Мен ўзи йўқ нарсанинг вакилиман, ўзим ҳам худонинг ролини ўйнаб турибман. Агар бирор кимсанинг гуноҳини кечишни хоҳламасам, тиз чўкиб ёлворса ҳам, унинг гуноҳини кечирмайман. Аммо бунақа одамлар жуда кам топилади.

— Лекин мен тангрини жуда яхши кўраман,— деб мингиллаб қўйди тақводор фельдкурат.— Уни ҳиқичоқ тута бошлаган эди...— Винодан жиндек қуйиб беринг. Тангрига ҳурматим беҳад,— давом этди у.— Унга менинг ҳурматим ва иззатим жуда ва жуда беҳад. Ҳеч кимни тангридек ҳурмат қилмайман!

У столга бир мушт урган эди, шишалар шарақлаб кетди.

— Худо — ғоят улуг зот, самовий замини замонни, ер ва фалакни худонинг ўзи яратган, у қуёшдек пок, ҳамма иши ҳақ, мени бу фикрдан ҳеч ким қайтара олмайди! Юсуф пайғамбарни ҳам ҳурматлайман, ҳамма пайғамбарларни ҳурматлайман, ҳаттоки, авлиё Серапионни ҳам ҳурматлайман... Унинг номи чаён демакдир, гарчи шу жирканч ном соҳиби бўлса ҳам, уни ҳурматлайман!



— Дарҳақиқат, у ўзининг номини ўзгартириш тўғрисида ариза берса чакки бўлмасди,— деб қўйди Швейк.

— Авлиё Людмилани ва авлиё Бернардни ҳам севаман,— деб давом этди собиқ дин муаллими.— Авлиё Бернард Сен-Готард йўлида кўп мусофирларни қутқариб қолган. У бир шиша коньякни бўйнига осиб олиб, қор остида қолиб кетганларни қидириб юради...

Сухбат мавзун ўзгариб борар, тақводор фельдкурат нималарни деб валдираётганини ўзи ҳам билмас эди...

— Чақалоқларни ҳурматлайман, йигирма саккизинчи декабрь, чақалоқлар куни. Иблисни ёмон кўраман... Товуқ ухлаб қолганида янги тухум топиб бўлмайди.

У кулиб юборди-да, ашула бошлади:

Э худо, осий қулингни йўлидан оздирмагил...

Лекин тўсатдан ашулани тўхтатиб, Қацга қаради-да, кескин савол берди:

— Сиз ўн бешинчи август Биби Марямнинг ухлаш байрами эканлигига ишонмайсизми?

Маишат тобора қизиб, янги шишалар пайдо бўлаверди, гоҳо-гоҳо Қацнинг овози эшитилиб қоларди:

— Худога ишонмайман деб айтмасанг, сенга қўйиб бермайман.


Ибтидоий христианларни таъқиб қилиш замони қайтиб келаётгандек туюларди. Собиқ дин муаллими Румо майдонидаги мужтахидларнинг қандайдир ашуласини айтиб, бақирди:


— Тангрига ишонаман ва ундан юз ўгирмайман! Винонг менга керак эмас. Ўзим ҳам олдириб келтира оламан!

Ниҳоят, уни ётқизиб қўйишди. Аммо кўзи уйқуга кетишдан олдин қасамёд қилаётгандек қўлини кўтариб дўриллади:

— Ота-худога, ўғил-худога ва муқаддас руҳга ишонаман. Дуо китобини менга беринг.

Швейк Отто Қацнинг тунги столчасида турган китоблардан қўлга тушганини олиб унга тутқазди, тақводор фельдкурат Боккаччонинг «Декамерон»ини ушлаганча уйқуга кетди.





### XIII боб

## ШВЕИК СОБОРЛАШ МАРОСИМИДА

Фельдкурат Отто Кац ҳозиргина казармадан олинган циркуляр хат устида ўйлаб ўтирибди. Ҳарбий министрликнинг шу фармойишида бундай дейилган эди.

«Ушбунинг билан ҳарбий министрлик аскарларни соборлашга доир, шу дамгача амалда бўлиб келган фармойишларнинг ҳаммасини уруш ҳаракатлари вақтида бекор қилади. Ҳарбий руҳонийлар ижро қилиши ва назарда тутиши учун қуйидаги қоидалар белгиланади:

1. Фронлда соборлаш бекор қилинади.

2. Оғир касаллар ва ярадорларни соборлаш мақсадида фронт орқасига олиб келишга рухсат этилмайди. Ҳарбий руҳоний мансабида бўлган кимсалар ушбу қондани бузган шахсларни дарҳол тегишли ҳарбий муассасалар қўлига жазоламоқ учун топширишга мажбурдирлар.

3. Соборлаш маросимини ўтказиш ҳарбий госпиталлар ишига халақит бермаган тақдирда, ҳарбий врачларнинг хулосасига асосланиб, фронт орқасидаги мазкур муассасаларда группа-группа бўлиб соборлаш маросимини ўтказиш мумкин.

4. Фавқулодда ҳолларда фронт орқасидаги ҳарбий госпиталлар бошқармаси айрим шахсларга нисбатан фронт орқасидаги соборлаш маросимини ўтказишга рухсат бериши мумкин.

5. Ҳарбий госпиталлар бошқармаси ҳарбий руҳонийлардан бирор кимсага соборлаш маросимини ўтказишни таклиф қилса, ул кимса мазкур бошқарманинг чақириши билан соборлаш маросимини ўтказишга мажбурдир».

Фельдкурат оғир ярадорларни соборламоқ учун Карлови майдонидаги госпиталга эртага етиб келишни таклиф қилиб, ҳарбий госпиталь томонидан юборилган хатни яна бир марта ўқиб чиқди.

— Буни қаранг, Швейк,— деди фельдкурат Швейкни чақириб,— бу аблаҳлик эмасми, ахир? Бутун Прагада мендан бошқа фельдкурат йўқ экан-да. Яқиндагина бизникида тунаб кетган ўша тақводор фельдкуратни ҳарбий госпиталга юборишса бўлмайдими? Соборлаш маросимини ўтказиш учун Карлови майдонига бормасак бўлмайди. Бу маросимни қандай ўтказиш кераклигини ҳам эсдан чиқариб қўйганман.

— Ҳечқиси йўқ, жаноб фельдкурат, катехизис сотиб оламиз. Бу китобда маросимни қандай бажариш ёзиб қўйилган,— деди Швейк.— Ажнабийларга йўл кўрсатиб берувчи китобча қандай зарур бўлса, поплар учун катехизис ҳам шундай зарур... Сизга бир мисол айтиб берай, Эмауз монастирида бир киши боғбоннинг ёрдамчиси бўлиб ишлар эди. Кийимим дарахт шохларига илиниб йиртилавермасин деб, жанда олмоқ учун мочастирь талабаси бўлишга қарор берибди. Шунинг учун ҳам у катехизис сотиб олиб, қандай қилиб чўқиниш қондаларини, энг биринчи гуноҳ қилишдан ўзини қандай

қилиб сақлаб қолиш тартибини, виждони пок бўлмоқ учун нималар қилиш кераклигини ва шу каби майда-чуйдаларни ўрганиб олибди. Сўнгра у монастырь полизида етиштирилган бодринг ҳосилининг ярмисини яширинча сотиб, қўлга тушиб қолди, монастырдан шармандаларча ҳайдалди. Мен билан учрашганида у: «Бодрингларни катехизис ўқимасдан ҳам сотаверсам бўларди», деди.

Швейк катехизис сотиб олиб, фельдкурат қўлига топширди. У катехизисни варақлаб туриб, бундай деди:

— Мана энди билиб олдим, соборлаш маросимининг расм-русмларини фақат попнинг ўзи, фақат епископ табаррук қилиб берган мой билангина бажариш мумкин. Демак, сиз соборлаш маросимида қатнашишингиз мумкин эмас, Швейк. Соборлаш маросими расм-русмларининг қандай бажарилишини менга ўқиб беринг-чи.

Швейк ўқиб берди:

— «...бунинг тартиби ушбудир: поп беморнинг сезги аъзоларига табаррук мойни суртиб туриб, яна ушбу дуони ҳам ўқийди: ё эшитиш ёки кўриш, ёхуд ҳидлаш, ё бўлмаса таъмини тотиш, ёки сўзлаш ва яна сезиш ҳамда юриш йўли билан қилган жамики гуноҳларингни парвардигор ушбу суртилган табаррук мой туфайли ва ўзининг марҳамати билан кечиб юборгай».

— Қизиқ, одам сезиш йўли билан қандай гуноҳ қилиши мумкин. Сиз буни менга тушунтириб беролмайсизми? — сўради фельдкурат.

— Бунинг йўли кўп, жавоб фельдкурат,— деди Швейк.— Масалан, бировнинг чўнтагини ковлаш ё бўлмаса ганцахонада... бунақа жойларда қанақа ҳунарлар бўлишини ўзингиз биласиз-ку.

— Юриш билан гуноҳ орттириш қандай бўлади, Швейк?

— Масалан, одамларнинг раҳмини келтириш учун жўрттага оқсоқланиб юрилса.

— Ҳидлаш туфайли дегани-чи?

— Қўланса ҳиддан тумшукни четга буриш.

— Таъм билиш-чи?

— Қизларни ялаб-юлқаш.

— Сўзлаш йўли билан-чи?

— Буниси, жаноб фельдкурат, эшитиш туфайли бўлади: бири валдирайверади-ю, иккинчиси эшитиб туради...

Шундай фалсафий мулоҳазалардан сўнг фельдкурат жим бўлиб қолди. Сўнгра у Швейкка қараб, давом этди:

— Демак, бизга епископ табаррук қилган мой керак экан-да. Мана бу ўн кронни олиб, бир шиша шунақа мой топиб келинг. Интендантлик маҳкамасида бунақа мой бўлмаса керак.

Швейк епископ табаррук қилган мойни қидириб кетди. Божена Немцова\* эртакларидаги оби ҳаётни топишдан кўра бунақа мойни қидириб топиш қийинроқ эди. Швейк бир қанча дўконларни айланиб чиқди, лекин: «Агар бемалол бўлса епископ табаррук қилган бир шиша мой топиб берсангиз», деб оғиз очиши биланоқ, ҳамма жойда унинг юзига қараб пиқиллаб кулишарди ёки саросималаниб пештахта остига яширинишарди. Лекин Швейк ўзининг жиддий қиёфасини ўзгартирмай қараб тураверарди.

У ўзи истаган нарсани дорихоналардан топишга уриниб кўрди. Биринчи дуч келган дорихонадан уни ҳайдаб чиқаришди. Иккинчи дорихонада телефон орқали тез ёрдам аравасини чақирмоқчи бўлишди, учинчисида эса, унга, Длоугой кўчасидаги Полак фирмасининг мой ва локлар сотадиган дўкони бор, шу дўконнинг омборида сизга керакли мой албатта топилиб қолар, дейишди.

Длоугой кўчасидаги Полак фирмасининг бозори чаққон эди. Биронта харидор ҳам ундан бирор нима харид қилмай кетмас эди. Агар харидор копай бальзами\* борми, деб сўраса, унга скипидар қуйиб беришарди, бундан сотувчи ҳам, харидор ҳам мамнун бўлаверарди.

Швейк, епископ табаррук қилган мойдан ўн кронлик қуйиб беринг, деб илтимос қилган эди, хўжайини гумаштасига:

— Пан Таухен, унга учинчи номерли кунжут мойидан юз грамм қуйиб беринг,— деб буюрди.

Пан Таухен эса, шишани қогозга ўраб туриб, гумашталарга хос оҳангда Швейкка деди:

— Бунақа яхши мой бўлмайди. Мабодо сизга мўй-қалам, лок, алиф керак бўлса, марҳамат қилиб ўзимизга келаверинг. Албатта, хурсанд қиламиз. Фирмамининг обрўйи катта.

Бу маҳалда фельдкурат катехизисдан семинарда эслаб қололмаган нарсаларни такрорлаш билан овора эди.

Унга кулгили баъзи иборалар жуда ёқиб қолади. У ибораларни ўқиб туриб, қотиб-қотиб куларди.

«Соборлашнинг бошқача номни охириги марта мой суртиш» демакдир. «Охириги марта мой суртиш» деган ном шундан келиб чиққанки, ҳақиқатан ҳам бу, черков томонидан инсонга табаррук мой суртишларнинг одатда энг охиригисидир».

«Балоғат ёшига етган ва хатарли дардга дучор бўлиб оғриб қолган ҳар бир христиан католик соборлашни қабул қилиши мумкин».

«Бемор имкон борича эс-ҳуши бутун бўлиб турган ва хотирасини йўқотмаган ҳолда соборлашни қабул қилади».

Шу пайтда чопар келиб фельдкурат қўлига бир пакет топширди. Шу пакетдаги хатда, эртага госпиталда соборлаш маросими расм-русмлари бажарилаётганида «Аскарларга диний тарбия берувчи дворян хонимлар союзи» ҳозир бўлади, дейилган эди.

Бу союз авлиёларнинг расмларини ва «Жаноб император учун ўзини фидо қилаётган католик аскар тўғрисидаги қисса»ни госпиталларга улашиб юрувчи савдоий хотинлардан иборат эди. Мазкур китобчада жанг майдонини тасвирловчи бўёқли расм чизилган эди. Расмда тасвирланишича ҳамма жойда одамлар ва отларнинг ўликлари, ҳарбий анжомлари билан ағдарилиб тушган аравалар сочилиб ётибди, қулаган тўп араваларнинг шотилари диккайиб турибди. Уфқда бир қишлоқ ёнаётганлиги ва шрапнеллар сочилиб портлаётганлиги кўзга ташланади. Оёғи узилиб кетиб ўлаётган солдатнинг расми катта қилиб тасвирланган. Унинг тепасида энгашиб турган фаришта қўлидаги лентага: «Энди жаннатда мен билан бирга бўласан» деган сўзлар ёзилган. Ўлаётган солдат эса, буни кўриб, худди мороженое еганига хурсанд бўлган боладек жилмайиб турибди.

Отто Кац пакетдаги хатни ўқиб чиқиб тупурақ экаң ичида: «Эртага бизга тинчлик йўқ экан-да!»— деб қўйди.

У мазкур союзни «палидлар» деб атар ва унинг қандайлигини бундан бир неча йил муқаддам авлиё Игнатий ибодатхонасида солдатларга хутба ўқиган вақтида ёқ билиб олган эди. Уша вақтларда у хутбага жуда катта аҳамият берарди, мазкур союз аъзолари эса, одатда полковникнинг орқасида ўтирарди. Кунларнинг

бирида қора рўмол ўраб, қўлларида тасбеҳ ушлаган икки на новча, ориқ хотин хутба ўқилиб бўлгандан кейин унинг олдига келиб, солдатларга диний тарбия бериш тўғрисида икки соат тинмай вайсади. Новча хотинлар фельдкуратнинг шу қадар жонига тегишдики, ниҳоят, у хотинларга: «Кечирасиз хонимлар, мени капитан, картада «железка» ўйнаймиз, деб кутиб турибди», деди.

Швейк Полак магазинидан қайтиб келиб, тантанали эълон қилди:

— Мана энди, мойни ҳам топдик, учинчи номерли кунжут мой, биринчи сорт. Бутун бир батальонга етади. Обруйи катта фирмадан олдим. У алиф, лок ва мўйқаламлар ҳам сотяпти. Энди бизга кичкина қўнғироқ керак.

— Қўнғироқни нима қиламиз?

— Биз парвардигор билан учинчи номерли кунжут мойни бирга кўтариб кетаётганлигимизни халойиқ кўриб шапкасини олиб таъзим қилиб турсин, деб кўчада жиринглатиб борамиз. Тартиби шунақа бўлади. Бунақа тартибга эътибор бермай, шапкаларини олиб таъзим қилмай турган одамларни қамаб қўйиш ҳоллари кўп бўлган. Бир вақт Жижковда фақир бир кўр кишини калтаклаган эди, у ҳам шапкасини олмай туравергани учун шу балога қолган. Яна бунинг устига ўша кўр кишини қамаб ҳам қўйишди, чунки у гунг эмас, фақат кўр эканлиги ва бинобарин, қўнғироқча овозини эшитганлиги, гарчи бу ҳодиса кечаси содир бўлган бўлса ҳам, бошқаларни йўлдан оздирганлиги судда исбот бўлиб қолди. Жасадий худо ҳайитида бўлганидек, бунақа қондаларга ҳамиша рноя қилиш керак. Бошқа вақтларда одамлар бизга эътибор беришмайди, аммо энди бошларидан шапкаларини олиб, бизга таъзим қилаверадилар. Бинобарин, агар сиз, жаноб фельдкурат, бу гапимни маъқул десангиз, мен дарҳол қўнғироқча топаман. Дарров олиб келаман.

Швейк рухсат олиб ярим соатдан сўнг қўнғироқча топиб келди.

— Буни мен, — деди Швейк, — «Кржижков олдида» кареонсаройнинг дарвозасидан олдим. Фақат беш минут юрагим така-пука бўлиб турди, холос. Аммо узоқ кутишга тўғри келди, чунки халойиқ тинмай ўтиб турарди.

— Мен кафега кетдим, Швейк. Агар бирор кимса келиб қолса, кутиб турсин.

Фельдкурат кетгандан кейин тахминан ярим соат ўтгач, қари ва жуссаси келишган жиддий бир киши унинг олдига келди.

Унинг қиёфасидан бирон нимага қатъий жазм қилганлиги ва ғазабга тўлиб-тошганлиги кўриниб турарди. У планетамизни емириб ташлаш ва унинг изини оламдан ўчириб юбориш учун тақдир томонидан юборилган девдек назар солиб қарарди. У қисқа-қисқа, қуруқ ва қатъият билан гапирди:

— Уйдами? Кафега кетдими? Кутиб турсин, дедими? Яхши. Эрталабгача бўлса ҳам кутавераман. Кафега пул топибди, қарзни тўлашга пули йўқ экан-да? Яна руҳоний эмиш-а! Тпу!..

У шундай деди-ю, ошхонанинг полига тупурди.

— Бу ерда тупурманг, жаноб,— илтимос қилди Швейк нотаниш кишига қизиқиб назар ташлар экан.

— Яна тупураман, мапа кўринг! — жеркиб гапирди хўмрайган жаноб яна полга тупуриб.— Уялмаганини қаранг-а! Яна ҳарбий руҳоний эмиш! Шармандалик-ку!

— Агар сиз тарбияли одам бўлсангиз,— деди унга таъзир бериб Швейк,— бировнинг уйида тупуриб ўтирмаслигингиз керак. Ё жаҳон уруши вақтида билган номаъқулчигимни қилавераман деб ўйлайсизми? Сиз дайди одамларга ўхшаб эмас, одми одамларга ўхшаб қилиқ қилишингиз лозим. Хушмуомала, ширин сўз бўлишингиз, безорилик қилмаслигингиз керак. Ҳарбийларга алоқаси йўқ киши экансиз.

Хўмрайган жаноб креслодан сапчиб турди-да, ғазабига чидай олмай қалтираб, қичқирди:

— Бу нима деганингиз! Мен тарбиясиз одамманми?! Хўш, қанақа одамман? Қани айтинг-чи!

— Ҳожатхонасиз! Ҳа, шунақасиз,— жавоб берди Швейк унинг кўзига бақрайиб тикилиб.— Худди трамвай, поездда тургандек полга тупуриясиз-а! «Тупуришман қилинади», деб осилган ёзувга кўзим тушганида ҳамиша таажжубланар эдим. Энди билсам, сиздақалар касофатидан шунақа ёзув осиб қўйишар экан. Ҳамма жойда отнинг қашқасидай таниш бўлиб қолганга ўхшайсиз.

Хўмрайган жаноб юзига қон тепиб Швейкни ҳам, фельдкуратни ҳам сўкишга тушди. У сўкинишни, «икковларингиз ҳам аблаҳсиз, мол эгасига ўхшамаса ҳа-



ром ўлади», деб тамомлаганидан кейин, Швейк ундан осойишталик билан сўради:

— Сўкиниб бўлдингизми? Еки зинадан учириб юборишимдан олдин яна бирор номаъқул гап айтиб қоласизми?

Серзарда жаноб ёдлаб олган ҳақорат сўзларининг ҳаммасини айтиб тамомлаганлиги учун энди бошқа сўзни эсга тушира олмай, жим бўлиб қолди. Швейк ҳам энди ундан сўкиниш чиқмаслигига амин бўлгач, эшикни очди-да, жаҳлдор жанобни эшик олдига судраб келиб, зинага қаратиб қўйди ва... шундай зўр куч билан унинг орқасидан тепдики, бунақа тешишга футбол командасининг энг яхши ўйинчиси бўлган халқаро спорт мастери ҳам қойил қолган бўлар эди.

Жаҳлдор жанобнинг орқасидан Швейкнинг овози янгради:

— Бундан буён тузук одамларникига ташриф буюрганингизда одамга ўхшаб муомала қиладиган бўласиз.

Жаҳлдор жаноб дераза тагида тоқатсизлик билан фельдкуратни анчагача кутди. Очиқ деразадан Швейк уни кузатиб турарди.

Ниҳоят, меҳмон ниятига етди. Фельдкурат уни ўзининг хонасига олиб кириб, рўпарасидаги стулга ўтқазди.

Швейк индамай тупдонни олиб келиб, меҳмоннинг олдига қўйди.

— Нима қиляпсиз, Швейк?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат, бу жаноб туплайвергани учун орамизда бир оз кўнгилсиз воқеа рўй берди.

— Икковимизни холи қўйинг, Швейк. Бу киши билан гаплашиб оладиган баъзи бир ишларимиз бор.

Швейк ҳарбийларча қаққайди.

— Худди шундай, жаноб фельдкурат, икковларингизни холи қўяман.

Шу ондаёқ Швейк ошхонага кириб кетди. Хонада ўтирган икки киши ўртасида қизиқ гап бошланди.

— Агар янглишмасам, сиз вексель бўйича пул олиш учун келган бўлсангиз керак? — сўради фельдкурат ўз меҳмонидан.

— Ҳа, умид қиламанки...

Фельдкурат хўрсинди.

— Одам кўпинча шундай бир аҳволга тушиб қола-

дики, бундай кезларда унинг умид қилишдан бoshқа иложи қолмайди. Одамни турмуш икир-чикирларидан халос этувчи ва ишонч, умид, муҳаббат деган уч сўз маъносини ўз ичига олган «кутиб туриш» деган сўз нақадар чиройли янграйди...

— Мен умид қиламанки, жаноб фельдкурат, ўша...

— Ҳеч шубҳасиз, муҳтарам жаноб,— деб унинг гапини бўлди фельдкурат.— Яна такрорлашим мумкин, «умид қиламан» деган сўз ҳаётдаги курашда одамга куч бағишлайди. Сиз ҳам умид қилишдан қолманг. Ўз идеалингга эга бўлишдан, кейин ўз вақтида ундириб оламан, деган умид билан вексель олиб, пул берадиган покиза зот бўлишдан кўра гўзалроқ нарса борми, ахир. Менинг чўнтагимда ҳатто юз крон ҳам бўлмаса-ю, лекин сизнинг мендан бир минг икки юз крон ундириб оламан деб умид қилишингиз, донмий кутиб туришингиз...

— Бу тақдирда, сиз...— деди меҳмон тутила-тутила гўлдираб.

— Ҳа, бу тақдирда мен,— жавоб берди фельдкурат.

Меҳмоннинг башарасида яна қаҳр ва ғазаб пайдо бўлди.

— Бу муттаҳамлик-ку, жаноб,— деди у ўрнидан туриб.

— Ўзингизни босинг, азизим!

— Бу муттаҳамлик-ку!— қичқирди қайсар меҳмон.— Сиз ишонганимдан фойдаланиб мени лақиллатяпсиз!

— Жаноб,— деди фельдкурат,— ҳаво ўзгартириш сизга, ҳеч шубҳасиз, фойдали. Бу ерда жуда димиқиб қолдингиз... Швейк!— қичқирди у.— Бу жанобга тоза ҳаво топиб бериш керак.

Ошхонадан Швейкнинг овози келди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат, мен уни бир марта тоза ҳавога чиқариб қўйган эдим.

— Яна такрорлансин!— команда берди фельдкурат, Бу команда шу ондаёқ тез, аниқ ва пухта бажарилди.

Швейк зина олдидан қайтиб келиб:

— Жазаваси тутмасдан қутулганимиз яхши бўлди...— деди,— Малицада бир майхоначи бўларди, ўзи жуда ҳам қироатхон эди. Турмушда бирор қийинчиликка дуч келиб қолса, дарров муқаддас китобдан шу мушкул ишга мос оят топарди. Башарти у бирор кишига дарра урмоқчи бўлса: «Қимки даррани аяса, у ўғлини ёмон кўрган бў-

лади, қимки ўғлини яхши кўрса, у ўз вақтида ўғлининг жазосини бсради. Майхонамда муштлашиш қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман!» деб вайсаганча дарра уришда давом этарди.

— Руҳоний зотни иззат-ҳурмат қилмаган кишининг ҳоли нима бўлишини мана ўзингиз кўрдингиз, Швейк,— деди жилмайиб фельдкурат.— Авлие Иоан Шири сўз айтибдурлар: «Қимки ўз тақсирини ҳурматласа, у ўз тақсири орқали Исони ҳурматлайди. Қимки ўз тақсирини ранжитса, у парвардигорни хафа қилади, зеро, унинг тақсири худонинг нойибидир...» «Эртаги кунга яхшилаб тайёргарлик кўриб қўйишимиз керак. Ветчина билан қуймоқ қилинг, пуш-бордо қайнатиб қўйинг, шундан сўнг биз ўзимизни тафаккур дарёсига отамиз, чунки кечги дуода айтилганидек, «шу уй душманларининг ҳамма кирдикорлари худонинг марҳамати билан даф қилинур».

Дунёда қайсар одамлар учраб туради. Фельдкурат квартирасидан икки марта улоқтириб юборилган зот ҳам шунақа одамлардан эди. Кечки овқат сузилай деб турган пайтда кимдир қўнғироқни жириглатди. Швейк эшикни очмоқчи бўлиб борди-ю, дарров қайтиб келиб, деди:

— Яна келибди, жаноб фельдкурат. Бемалол овқатланиб олайлик, деб уни ҳозирча ваннахонага тиқиб қўйдим.

— Яхши қилмапсиз, Швейк,— деди фельдкурат.— Ҳар кимнинг ризқи ўзи билан. Қадим замонда масҳарабоз калларни базмга чақиришар эди, улар қизиқчиликлар қилиб, базмдагиларни овутарди. Қани, уни бу ёққа олиб чиқинг, бизни бир овутсин.

Дам ўтмай Швейк ўжар жанобни олиб келди... Жаноб хўмрайганча қараб тураверди.

— Қани, ўтиринг,— илтифот билан таклиф қилди фельдкурат.— Биз овқатни еб бўлаётган пайтимизда келиб қолдингиз. Ҳозиргина омар ва лосос балиғини еб бўлган эдик, энди ветчинали қуймоққа гал келди. Дунёда қарз бериб турадиган одамлар бўлганидан кейин нега айш-ишрат қилмас эканмиз?

— Мен бу ерга ҳазиллашиш учун келганим йўқ.— деди баджаҳл жаноб.— Бугун бу ерга шу билан учинчи марта келишим. Энди орани очиқ қилсак керак, деб ўйлайман.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат,— деди Швейк,— бу худонинг балоси экан! Либендаги Боушекнинг худди ўзи-я. «Экснер» пивохонасидан уни бир кечанинг ўзида ўн саккиз марта ҳайдаб чиқаришган эди, ҳар сафар, «трубкам эсимдан чиқиб қолди», деб баҳона қилиб қайтиб келаверди. У деразадан, эшикдан суқулиб кираверди, ошхонадан йўл топди, девордан ошиб тушди, пиво қуйиб берилаётган жойга ертўладан ўтиб кирди агар уни ўт ўчирувчилар томда ушлаб олмаганларида эҳтимол, мўркон ичидан ҳам тушиб, пивохонага кириб келган бўлар эди. Шунақа қайсар одам эди. Бунақа шилқим одам ё министр, ё депутат бўлиши ҳеч гап эмас! Уни жуда ҳам бошлади!

Қайсар жаноб бу гапни эшитмаганга олиб, яна ўжарлик билан такрорлади:

— Орамизни узил-кесил очди қилмоқчиман, гапимга қулоқ беришингизни ўтинаман.

— Бемалол гапираверинг,— деди фелдкурат.— Гапираверинг, азизим, биз овқатланиб бўлгунимизча нимани истасангиз шуни гапираверинг. Бизнинг овқатланишимиз сизга халақит бермаса керак-а? Швейк, қани, овқатни олиб келинг!

Қайсар жаноб яна гап бошлади:

— Ўзингизга маълумки, ҳозир уруш аини қизиган пайт. Мен сизга бу пулни урушдан олдин қарз берган эдим, агар уруш бўлмаганда сиздан қарзимни қистаб юрмас эдим. Лекин ҳозир аҳволим оғир.

У чўнтагидан дафтарчасини олиб, гапни давом эттирди:

— Ҳаммасини ёзиб қўйганман. Поручик Яната мендан етти юз крон қарздор эди, қарзини тўламасдан Дриндаги жангда ҳалок бўлди. Подпоручик Прашек рус фронтида асир тушди, ваҳолонки, у мендан икки минг крон қарз олган эди. Капитан Вихтерли ҳам мендан шунча пул қарздор. Шунга қарамай, Равоя Русская деган жойда у ўз солдатлари ўлдираётган пайтда ҳам индамай тураверди. Поручик Махек Сербияда асир тушди, ваҳолонки, у мендан бир ярим минг крон қарз олган эди. Дафтарчамда бунақалар жуда кўп. Бири вексель билан олган пулимни тўламай, Карпат тоғида ҳалок бўляпти, яна бири асир тушиб кетяпти, яна бошқаси атайин Сербияда сувга фарқ бўляпти, тўртинчиси эса Венгрияда госпиталда жон берапти. Нега хавотирга тушиб қолган-

лигимни эди ўзингиз тушунган бўлсангиз керак. Сиз, фельдкурат учун бунақа ҳеч қандай хавф йўқ, деб менга эътироз билдирмоқчидирсиз. Мана буни кўриб қўйинг!

У ўзининг дафтарчасини Қацнинг тумшугига рўпара қилди.

— Кўряпсизми, фельдкурат Матиаш бундан бир ҳафта бурун Бриодаги юқумли касаллар касалхонасида ўлди. Ахир, жоним ҳалқумимга келди-ку. Ўзи менга бир минг саккиз крон қарзини тўламай туриб, вабо билан оғриб ётганларнинг барагига борибди-да, жон бераётган киши устида соборлаш маросимини бажарибди, касал юқтириб ўлгандан кўра, қарзини тўлаб қўйса бўлмайdimи?

— Соборлаш маросимини бажариш унинг бурчи, азизим,— деди фельдкурат.— Мен ҳам эртага соборлаш маросимини бажаришга бораман.

— Бу маросим ҳам вабо билан оғриганлар барагида ўтказилади,— деб гапга аралашди Швейк.— Одам ўзини қандай қурбон қилаётганлигини ўз кўзингиз билан кўришни истасангиз, биз билан бирга боришингиз мумкин.

— Жаноб фельдкурат,— давом этди қайсар жаноб,— ахир, ишонсангиз-чи, жуда поилож аҳволда қолдим-ку! Ахир, мендан қарз олганларнинг ҳаммасини нариги дунёга жўнатиш учун бу урушни бошлашганми?

— Сизни ҳарбий хизматга чақиришса ва фронтга бориб қолсангиз,— деди Швейк,— биз худонинг амри билан биринчи тўп ўқиёқ тилка-пора қилсин, деб жаноб фельдкурат билан албатта дуойи жонингизни қиламиз.

— Жаноблар, мен сизга жиддий иш билан келганман,— деди қайсар жаноб фельдкуратга юзланиб:— Хизматчингиз бизнинг ишимизга аралашмаслигини талаб қиламан. Биз гапимизни бир ёқлик қилишимиз учун у бизни тинч қўйсин.

— Кечирасиз, жаноб фельдкурат,— гапга аралашди Швейк,— сизларнинг ишингизга аралашмаслигим керак бўлса, буни марҳамат қилиб ўзингиз буюринг, акс ҳолда мен ҳар бир виждонли солдат каби бундан буён ҳам сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қилавераман. Бу жаноб жуда ҳақ гапни айтяпти, бегона одамнинг ёрдамисиз ўзи чиқиб кетмоқчи. Меннинг ўзимнинг ҳам жанжалга тоқатим йўқ, сипо одамларданман.

Фельдкурат олдида меҳмон ўтирганлигини сезмаганликка олиб деди:

— Энди менинг жонимга тега бошлади, бу одам бизни овутар, бирор қизиқ латифа айтиб берар, деб ўйлаган эдим. Бунинг ўрнига у, бу нарсаларга аралашманг, деб сизга буюришимни талаб қиляпти. Сизга икки марта дуч келганлигини ҳам назар-эътиборга олмаяпти. Шундай улуғ айём оқшомида, бутун фикри-зикримни парвардигорга қаратишимни тақозо қиладиган муҳим диний маросимни бажариш арафасида турган бир вақтимда, у менга қандайдир бемаъни гаплар билан, бир минг икки юз крон қарзни тўла, деган даъволар билан бошимни қотирыпти, мени ўз виждонимга қулоқ солишдан, худодан чалғитяпти, энди ҳеч нарса бермайман, деб айтишга мени яна бир марта мажбур қиляпти. Шу муқаддас оқшомни ҳаром қилмаслик учун энди мен у билан ортиқ гаплашмайман. Швейк, ўзингиз унга: «Жаноб фельдкурат сизга бир чақа ҳам бермайди», деб айтинг.

Швейк буйруқни бажарди, меҳмоннинг қулоғига оғзини тутиб фельдкурат буйруғини бақириб айтди.

Бироқ қайсар жаноб ўрнидан турмай ўтираверди.

— Швейк,— деди фельдкурат,— ундан сўранг-чи, бу ерда яна қанча вақтгача без бўлиб ўтирмоқчи?

— Қарзимни тўламагунингизча ўрнимдан қимирламайман,— деди қайсарлик билан меҳмон.

Фельдкурат ўрнидан турди-да, дераза олдига келиб:

— Ундай бўлса мен уни сизнинг қўлингизга топшираман, Швейк. Билганингизни қилинг,— деди.

Швейк чақирилмаган меҳмоннинг елкасига чанг солди:

— Қани юринг, тақсир. Худо хоҳлаганидек уч марта бўла қолсин.

Швейк шу гапни айтди-ю, фельдкурат бармоғи билан дераза ойнасини тикиллатиб чалиб турган мотам маршининг садоси остида ўз ишнини жуда тез ва эпчиллик билан бажарди.

Диний мулоҳаза юритишга бағишланган бу оқшом бир неча бўлаққа бўлинган эди. Фельдкурат худога шу қадар эҳтирос билан интилдими, кечаси соат ўн иккида ҳам унинг хонасидан ашула овози эшитилиб турди:

Олис сафар бошласак бизлар,  
Йиғлаб-қақшаб қолишар қизлар.

Шоввоз солдат Швейк ҳам у билан қўшилиб хиргойи қилмоқда эди.

Ҳарбий госпиталда соборлаш маросимини икки киши: кекса майор билан собиқ банк хизматчиси, запасдаги офицер сабрсизлик билан кутарди. Уларнинг иккови Карпат тоғи ёнидаги жангда қорнидан ўқ еган ва энди бир жойда ёнма-ён ётар эди. Запасдаги офицер соборлаш маросимида қатнашишни ўзининг бурчи деб ҳисобларди, чунки унинг бошлиғи майор ҳам соборлашга муштоқ эди. Ўзини майорнинг содиқ табааси деб ҳисоблаган запасдаги офицер, агар мен ўзимни соборлатмасам, бошлиғимни ҳурматлаш қондасини бузган бўламан, деган фикрда эди. Тақводор майор эса, ибодат мени дарддан халос қилади, деган умид билан ўзини соборлатиш ниятида эди. Бироқ соборлаш маросими ўтказиладиган кечаси уларнинг иккови ўлиб қолди. Фельдкурат Швейк билан эрталаб госпиталга келганларида бўғилиб ўлган кишилар сингари башараси қорайиб кетган бу иккала аскарнинг устига чойшаб ёниб, ётқизиб қўйилган эди.

Фельдкурат билан Швейкка госпиталь маҳкамасида, энди соборлашга ҳожат қолмади, деб айтганларидан кейин, Швейк ачиниб кетди:

— Сиз билан биз, жаноб фельдкурат, жуда тантана билан келган эдик, аттанг, тантанамизга яраша иш қилинмайдиган бўлди!

Дарҳақиқат, улар бу ерга тантана билан келишган эди. Извошда келишаётганида Швейк йўл-йўлакай қўнғироқ чалиб турди, салфеткага ўралган бир шиша мойни ушлаб олган фельдкурат эса, шапкасини қўлига олиб таъзим қилиб қолаётган кишиларни шу табаррук суюқликдан ғойибона баҳраманд қилиб келаверди. Гарчи, Швейк қўнғироқчани чалганча имкон борича кўпроқ шовқин кўтаришга уринса ҳам, аммо шапка олиб таъзим қилувчилар жуда оз эди. Орқадан чопиб келаётган болалардан бири извошга осилиб олган эди, қолган болалар бараварига қичқирди:

— Извошингизга осилди, орқасига осилди!

Швейк қўнғироқ чалиш билан овора бўлар, извошчи орқада осилиб келаётган болани қамчи билан уришга

уринарди. Водичкова кўчасига келганда Биби Марям уюшмасининг аъзоларидан бири, тақводор хотин ўтиб кетаётган извош олдига югуриб келди ва фельдкурат фотиҳасини йўлакай қабул қилиб, чўқиниб олди-да, ту-пуриб қўйиб, вайсади:

— Шайтонга ўхшамай ўлинглар, жаноб худо билан ҳам шундай чопиб бўладими! Унга етаман деб, ўпкани чиритиб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас!— хотин шу гапни айтди-ю, ҳарсиллаб ўзининг аввалги турган жойига қайтиб кетди.

Кўнғироқнинг жиринглаши извошга қўшилган бай-талнинг эсига қандайдир ташвишли воқеани тушириб қўйган бўлса керак, у дам-бадам ҳуркиб тушарди. Шунинг учун ҳам байтал нуқул орқага қайрилиб қарашга уринар ва гоҳо юқорига сапчимоқчи бўлар эди.

Швейк айтган тантанали юриш мана шундай рўй берганди.

Фельдкурат маҳкамага кирди, соборлаш маросимининг молиявий жиҳатини бартараф қилди-да, госпиталь ҳисобчисига счёт тақдим этди. Шу счётга кўра, ҳарбий бошқарма унга, яъни фельдкуратга табаррук мой ҳақи ва йўл кираси учун бир юз эллик кронга яқин пул тўла-ши керак эди. Госпиталь бошлиғи билан фельдкурат шу масала устида баҳслашиб қолшди. Фельдкурат столни муштраб туриб, бақирди:

— Соборлаш маросими текни бажарилади деб ўй-ламанг, капитан. Суворийлар қисмининг офицерини от олиб келиш учун от заводига командировка қилинса, унга командировка ҳақи тўлашади. Икки ярадор киши соборланмай қолганлигига астойдил ачинаман, агар улар соборлансалар, бу маросим сизга эллик крон қим-матга тушган бўлар эди.

Швейк пастдаги қоровулхонада фельдкуратни кутиб ўтирарди. Унинг қўлидаги бир шиша табаррук мой солдатларни астойдил қизиқтирмоқда эди. Солдатлардан бири, бу мой милтиқ ва найзаларни тозалашга бемалол ярайди, деган фикрни айтди. Чехо-Моравска тепалигидан келган ва худога эътиқод қилишни ҳали тарк эт-маган ёш солдат, бунақа гапларни гапирманглар, му-қаддас нарсаларга шак келтирманглар, ҳаммамиз ҳам христианмиз, ноумид бўлишимиз яхши эмас, деб ше-рикларидан табаррук мойни масхара қилмасликни ил-тимос қилди.



Кекса бир солдат ҳали мўйлови чиқмаган солдат йигитга қараб туриб деди:

— Шрапнель бошингни узиб кетганда ҳам ноумид бўлмаслик яхши экан-да! Биэни жуда ҳам аҳмоқ қилишибди! Урушдан олдин бир клерикал депутат олдимизга келиб, ердаги жамнки нарса худонки, деб гап сотган эди. Парвардигор уруш бўлишни истамас эмиш, ҳамма оға-инидай бўлиб яшашини хоҳлармиш. Аммо уруш бошланиши ҳамоно ҳамма бутхоналарда, бизнинг қуролимизга галаба ёр бўлсин, деб дуоини фотиҳа қилишаверди, худо тўғрисида эса, худди уруш ҳаракатларига раҳбарлик қилаётган Генерал штабнинг бошлиғи тўғрисида гапирилгандек гапириладиган бўлиб қолди. Мен бу госпиталда одамларни қанақа қилиб дафн қилаётганларини кўп кўрдим. Узилган қўл-оёқларини арава-арава қилиб ортиб ерга кўмиб ташлашяпти!

— Солдатларни яланғочлигича кўмишяпти,— деди иккинчи бир солдат,— ўликнинг кийимини ечиб олиб, тирикка кийдиришяпти. Навбати билан шунақа қилишаверади.

— Урушдан ютиб чиққунимизча шунақа бўлаверадди,— деб қўйди Швейк.

Бурчакда бу гапларни эшитиб турган бир солдат гапга аралашди:

— Бунақа лаганбардор денщик албатта ютиб чиқади-да! Бунақаларни фронтга юбориш керак. Сизларни найзаларга, тиканли симларга рўпара қилиш, ўраларга тиқиб қўйиш, миномётларга рўпара қилиш керак. Фронт орқасида ялло қилиб юришни ҳамма ҳам яхши кўради, аммо ҳеч кимнинг фронтда ўлгиси келмайди.

— Чамамда, мени найзага тиқиб қўйишса жуда ғалати бўлади-да!— деди Швейк.— Қорнингни ўқ тешиб кетса ҳам чакки бўлмасди. Агар одамни тўп ўқи тилка-псра қилиб юборса ва у ўзининг оёғи билан қорни нарироқда думалаб ётганини кўрса, тагин ҳам яхшироқ бўлади. Ушанда шунақа ғалати бўладики, у таажжубланганидан ўзи нима бўлганлигини тушуниб олишга улгурмасданоқ ўлиб қўя қолади.

Ёш солдат ачингансимон хўрсиниб қўйди. У ўзининг ёш умрига ачиниб кетди. Нега шундай бемаъни замонда туғилдим? Кушхонадаги сигир каби бўғизлавиш учун туғилдимми? Бунақа азобларнинг нима кераги бор?

Асли касби муаллимлик бўлган бир солдат унинг кўнглига келган шу гапларни пайқагандек:

— Баъзан олимлар қуёшда доғ пайдо бўлганида уруш бўлади, дейишади,— деди.— Қуёшда шунақа доғ пайдо бўлди, ўша йили ер юзида бирор фалокатли воқеа рўй беради. Карфаген босиб олинганида...

— Олимлигингизни экиб қўйинг,— деди унинг гапни бўлиб бўлим командири.— Яхшиси, полни супуринг, бугун сизнинг навбатингиз. Қуёшдаги бемаъни доғнинг бизга нима кераги бор! Қуёшда йиғирмата доғ бўлмайди, у доғларни пўстин қилиб кийиб бўлмайди-ку!

— Қуёшдаги доғларнинг ҳақиқатан ҳам катта аҳамияти бор,— деди гапга аралашиб Швейк.— Бир вақт қуёшда доғ пайдо бўлган эди. Худди ўша куниёқ мен Нуследаги «Банзетлар олдида» деган қовоқхонада калтакландим. Шу-шу бўлди-ю, энди бирон ёққа борадиган бўлсам, яна бирон доғ пайдо бўлиб қолмадимикин, деб дарров газетага қарайман. Доғ пайдо бўлиши билан, «хайр фариштам», дейману, ҳеч қаёққа бормаи, уйимда ўтиравераман. Монпеле ёнар тоғи бутун бир Мартиника оролини йўқ қилиб юборганида бир профессор «Миллий сиёсат» газетасига мақола ёзиб, қуёшда катта доғ пайдо бўлди, деб газетхонларни аллақачон огоҳлантириб қўйган эдим, деган эди. «Миллий сиёсат» газетаси эса, ўша оролга ўз вақтида элтиб берилмаган экан. Шунинг учун ҳам уларнинг шўри қурибди!

Энди фельдкуратга келсак, у «Аскарларга диний тарбия берувчи дворян хонимлар союзи» аъзоларидан бўлган бир хонимни юқоридаги маҳкамада учратиб қолди. Хунук, қари бу хоним эрталабдан бери госпитални айланиб юриб, дуч келган кишига авлиёларнинг суратини тутқизмоқда эди. Ярадорлар ва бемор солдатлар бу суратларни тундонларга улоқтириб ташладилар.

Ўша хоним, ўз гуноҳларингизни кўпроқ ўйлашлар, худодан бу гуноҳларни кечиршни астойдил илтижо қилишлар, ана шунда ўлганингиздан кейин худо сизларни ўзининг шафқат ва марҳаматидан дариг тутмайди, каби бемаъни гапларни вайсаб, ҳамманинг жонига тегди. У фельдкурат билан гаплашаётганида бўзариб кетган эди:

— Бу уруш солдатларни писофли қилиш ўрнига уларни йиртқичларга айлантириб юборяпти.

Пастда эса, беморлар унга тилларини кўрсатиб, сиз, «байталсиз», «Валаамнинг эшагисиз», дейиштипти.

— Das ist wirklich schrecklich, Herr Feldkurat. Das Volk ist verdorben.<sup>1</sup>

Шу гапдан сўнг у солдатларга диний тарбия беришни қандай тасаввур қилганлиги тўғрисида гап сота бошлади.— Солдатлар худога ишонсалар ва тўла диний ҳиссиётларга берилсалар,— деди у,— шундагина улар жаноб император учун шон-шавкат билан жанг қиладиган бўлиб қоладилар. Солдат ўлганидан кейин жаннатга тушишига ишонса, шундагина у ўлимдан қўрқмайдиган бўлади.

Маҳмадона кампир яна бир қанча мана шундай ўзи қаттиқ ишонган бемаъни гапларни гапириб ташлади, фельдкуратни қўйиб юбориш нияти йўқлиги унинг вожоҳатидан сезилиб турарди. Бироқ фельдкурат назокатга унчалик риоя қилмай, у билан хайрлашди. Фельдкурат қоровулхона олдига келиб, қичқирди:

— Қани, уйга кетдик, Швейк!

Улар қайтишда йўлакай ҳеч қандай тантана қилишмади.

— Бундан буён хоҳлаган киши соборлаш маросимига бораверсин,— деди фельдкурат.— Ўзинг қутқариб қолмоқчи бўлган ҳар бир жон учун савдолашишга тўғри келяпти-я. Бухгалтериядан бошқа нарсани билишмайди! Аблаҳлар!

Швейкнинг қўлида «табаррук мой» шишасини кўриб хўмрайди.


— Агар сиз шу мой билан ўзингизнинг ва менинг этикларимни мойлаб қўйсангиз яхшироқ бўларди, Швейк.

— Яна эшик қулфини ҳам мойлаб қўймоқчиман,— деди Швейк.— Сиз кечаси уйга келганингизда гижил-лайвериб жуда ҳам жонимга тегяпти.

Хуллас, соборлаш маросими бошланмай туриб, шу тариқа тугади.

---

<sup>1</sup> Ҳақиқатан ҳам, жаноб фельдкурат, бу жуда ёмон ҳол. Халқ жуда бузилиб кетибди.



XIV боб

## ШВЕЙК ПОРУЧИК ЛУКАШНИНГ ДЕНШЧИГИ

I

Швейкнинг бахти узоқ давом этмади. Шафқатсиз тақдир унинг фельдкурат билан ошначилик муносабатларини узиб қўйди. Фельдкурат шу вақтгача ёқимли киши бўлиб келган бўлса, унинг кейинги қилиғи юзидаги бу ниқобни йиртиб ташлади.

Фельдкурат Швейкни поручик Лукашга сотди, ёки аниқроқ қилиб айтганда, карта ўйинида ютқизиб қўйди: бир вақтлар Россияда крепостной деҳқонларни ҳам худди шу тахлитда сотишар эди.

Бу ҳодиса мутлақо тасодифий равишда содир бўлди. Кунларнинг бирида поручик Лукашниқида улфатлари тўпланишган эди. Улар «йигирма бир» ўйнашмоқда эди. Фельдкурат нуқул ютқизавериб, ниҳоят деди:

— Деншчигимни гаров қўйсам менга қанча қарз бера-сиз? Ўзи ўлгудек аҳмоқ-ку, аммо жуда ғалати одам, поп plus ultra<sup>1</sup> деса бўлади. Шу дамгача ҳеч кимда бу-нақа деншчик бўлган эмас. Бунга мен кафилман.

— Юз крон бераман,— таклиф қилди поручик Лу-каш.— Агар индингача бу пулни қайтариб бермасанг, ўша ноёб нусхаинги менга юборасан. Менинг деншчи-гим жуда жонимга тегди, нуқул хўрсинади, уйига хат ёзгани ёзган, дуч келган нарсани ўғирлайверади. Уриб кўрдим, таъсир қилмади. Ҳар сафар менга дуч келганида гарданига мушт тушираман, лекин бунинг ҳам фойдаси бўлмаяпти. Унинг иккита олдинги тишини уриб тушир-дим, шунда ҳам тузалмади.

— Бўпти, энгилтаклик билан розилик берди фельд-курат.— Индинга ё юз кронни, ё бўлмаса Швейкни ола-сан.

У қарз олган юз кронни ҳам ютқизди ва маъюсланиб уйига қайтди. Отто Кац индинга ҳеч қардан пул то-полмаслигини, гапнинг ростини айтганда, Швейкни қа-биҳларча ва шу билан бирга арзонга сотганлигини ўзи жуда яхши билар ва бунга заррача шубҳаланмас эди.

«Икки юз крон олсам бўлар экан»,— деб пушаймон қилиб бормоқда эди у. Бир неча минутда уйига элтиб қўядиган трамвайга чиққанидан кейин у виждон азо-бига туша бошлади ва кўнглида қандайдир раҳмдиллик пайдо бўлди.

«Хунук иш қилиб қўйдим,— деб ўйлади у уйнинг қўнғироғини жиринглатиб туриб.— Энди мен унинг аҳ-моқона ювош кўзларига қандай қарайман...» Фельдку-рат уйга кира туриб деди:

— Азизим, Швейк. Бугун менда сира бўлмаган бир ҳодиса рўй берди. Карта ўйинида омадим келмади. Би-ласизми, таваккал қилмоқчи бўлдим. Қўлимдаги «туз»-ни босиб, ўнта карта кўтардим. Банкомётнинг қўлида атиги битта валет бор эди, шундай бўлса ҳам, у йигир-ма биргача етиб борди. Кейин мен бир неча марта тузга

<sup>1</sup> Мисли йўқ одам (лотинча).

ёки ўнликка босдим, ҳар сафар банкомёт ҳам шундай қилаверди. Ҳамма пулимни тамомладим...

У бир оз иккиланиб туриб деди:

— ...Ниҳоят сизни ютқизиб қўйдим. Сизни гаровга қўйиб юз крон қарз олдим, агар индинга шу пулни қайтариб бермасам, сиз меники эмас, балки поручик Лукашники бўлиб қоласиз. Ростини айтсам, жуда ачинаман...

— Юз крон менда топилди,— деди Швейк.— Сизга қарз бериб турсам бўлади.

— Қани, бу ёққа чўзинг,— деди хурсанд бўлиб фельдкурат.— Мен бу пулни дарров Лукашга элтиб бераман. Ҳақиқатан ҳам сиздан ажралишни истамас эдим.

Фельдкуратнинг яна қайтиб келганини кўриб, Лукаш жуда таажжубланди.

— Сендан олган қарзимни қайтариб берай деб келдим,— деди голибона чеҳра билан фельдкурат.— Қани, менга ҳам карта сузинглар.

— Мана кўриб қўйинглар...— деди у ўзига навбат келиши билан.— Фақат битта очко ошиқ олибман. Демак, ўйинини давом эттираман,— деди у иккинчи давра келганида.— Олдим! Тўхта!

— Йигирма,— деб эълон қилди банкомёт.

Швейк янги хўжайинга қул бўлишдан қутулиш учун қарз тариқасида берган юз крондан қолган охириги қирқ кронни секингина банкка қўйиб туриб:

— Меники ўн тўққиз экан,— деди.

Фельдкурат уйига қайта туриб, энди ҳеч бир илож қолмади, Швейк ҳеч нима билан ўзини қутқара ололмади, унинг тақдирида поручик Лукашга хизмат қилиш бор экан, деган қатъий хулосага келди.

Швейк эшикни очиши билан фельдкурат унга деди:

— Уринишнинг фойдаси бўлмади, Швейк. Тақдирдан қочиб бўлмас экан! Сизни ҳам, берган юз кронингизни ҳам ютқизиб қўйдим. Қўлимдан келганича уриндим, аммо тақдир мenden зўрроқ экан. У сизни поручик Лукаш чангалига ташлади... Бир-биримиз билан хайрлашиш пайти келди.

— Қани айтинг-чи, банкни бой бериб қўйдингизми, ёки гирромлик қилиб қўлга тушдингизми?— осойишталик билан сўради Швейк.— Карта келавермагани ёмон, лекин ҳаддан ташқари омад юришавериши бундан ҳам ёмон... Эдаразда Вейвода фамилияли бир тунукачи бор

эди, «Асрий кафе»нинг орқасидаги қовоқхонада кўпинча «маръяж» ўйнашни яхши кўради. Кунларнинг бирида уни шайтон йўлдан оздирган бўлса керак, «энди беш крейцердан қўйиб йигирма бир, ўйнамаймизми?»— деб таклиф қилди. Ўйинни бошлаб юборишди. Унинг ўзи банккомётлик қилиб турди. Ҳамма ютқизиш, банк ўн кронга етди. Чол Вейвода, бошқаларнинг ҳам бир мартадан ютишга қўйиб берай, деган хаёлга келиб, нуқул: «Қани, кичкинасини, ёмонини бу ёққа чўз», деяверди. Лекин сира омади келмади: кичкинаси, ёмони чиқавермай хуноб қилиб юборди. Банк кўпаявериш юз кронга етди, Таваккал қилиб банкга уриш учун ўйинчилардан биттасининг ҳам қўлида бу қадар кўп пул йўқ эди. Вейвода эса ҳатто терлаб кетди. Нуқул: «Кичкинасини, ёмонини бу ёққа чўз», дейишдан бошқасини билмасди. Ўйинчилар беш крейцердан тикиб кетма-кет ютқизаверишди. Печь трубаларини тозаловчи қизишиб кетиб, уйдан югуриб пул олиб келди, банкдаги пул бир юз элликдан ошиб кетган пайтда таваккал қилиб ўша пулнинг ҳаммасига урди. Вейвода, кейин ўзининг айтишига қараганда, ютмаслих учун ўттизтагача етказиб карта олмоқчи бўпти-ю ammo бунинг ўрнига унинг қўлига иккита туз чиқибди. У ўзини қўлида ҳеч нарса бўлмаганга солиб туриб, жўрттага, «ўн олти» деяверишди. Труба тозаловчининг қўлида эса, атиги ўн бешта экан. Бундан кўра ҳам омадсизлик бўладими! Бечора чол Вейвода оқариб кетди, ўшанда унинг афтини кўрсангиз ачинар эдингиз, атрофда ўтирганлар, фирромлик қиляпти, ҳалол ўйнамаяпти, бир вақт фирромлиги учун калтак еган эди, деб бир-бирлари билан шивирлашиб сўкина бошлашди, ваҳолонки, у ҳақиқатда энг ҳалол ўйинчи эди. Банкка кетма-кет крон пуллар ёғилаверди. Хуллас, банкдаги пул беш юз кронга етди. Қовоқхоначи ҳам буни кўриб чидаб туролмади. Унинг пиво заводига тўлаш учун тўплаб қўйган пуллари бор эди, шу пулларни олиб даврага ўтирди, дастлаб юз крондан икки марта ютқизди, кейин кўзини бир қисиб, стулни омадим келсин деб тескари буриб қўйди, энди мен банкка ташлайман. «Очиқчасига ўйнаймиз!»— деди у. Чол Вейвода жонини бериб бўлса ҳам ютқазिशга тайёр тургандек кўринарди. Унга еттилик чиққанини ва еттиликни ташламай қўлида олиб қолганини кўриб ҳамма таажжубланди. Қовоқхоначи истеҳзоли жилмайиб қўйди, чунки уники йигирма бир эди.

Чол Вейводанинг қўлига иккинчи еттилик чиққанди, буни ҳам қўлида сақлаб қолди. Қовоқхоначи бўлса, заҳарханда қилиб: «Энди ё туз ёки ўнлик келади, пан Вейвода, агар бу сафар ютқизмасангиз, отимни бошқа қўяман», деди. Ҳамма нафас чиқармай, жим бўлиб қолди. Вейвода картани тортган эди, учинчи... еттилик чиқди. Қовоқхоначининг афти докадек оқариб (у охирги пулини тиккан эди), ўйиндан чиқди-да, ошхонага кириб кетди. Орадан бир дақиқа ўтгач, унинг шогирди бўлиб ишлаб юрган бир бола, хўжайинимни қутқаринглар, деб бақариб қолди: қовоқхоначи ўзини дераза тутқичига осган экан. Биз уни сиртмоқдан чиқариб ўлимдан қутқариб қолдик, ўйинни яна давом эттирдик. Энди ҳеч кимда пул қолмаган, ҳаммасини Вейвода ютиб олганди. Вейвода эса: «Кичкинасини, ёмонини бу ёққа чўзавер», деб такрорлашини қўймасди. Ҳаммасини ютқизишга жон-жон деб турса ҳам, лекин карталарни очиб стол устига қўйишга мажбур эди. Фирромлик ва атайини ортиқча карта олиш унинг қўлидан келмасди. Унинг омади келганидан ҳамма ҳанг-манг эди. Улар агар нақд пул камлик қилса, тилхат бериб ўйнаймиз, деб аҳд қилишди. Ўйин бир неча соат давом этди, чол Вейводанинг олдида минг-минглаб пул тўпланди. Энди труба тозаловчининг банкдаги қарзи бир ярим миллиондан ошиб кетган эди, Здераздан келган кўмирчининг қарзи қарийб бир миллионга, «Асрий кафе» швейцарининг қарзи саккиз юз минг крон, фельдшерники эса, икки миллиондан ошиб кетган эди. Ютуқнинг ўзидан қовоқхоначига чўтал чиқариб ликопга солиб қўйилган ва бир парча қоғозга ёзилган пулнинг ўзи уч юз мингдан ошиб кетган эди. Чол Вейводанинг ишлатмаган ҳунари қолмади: менинг учун сен ўйнаб тур деб қўлидаги карталарни бировга топшириб, гоҳ-гоҳ ҳожатхонага кетиб қолар, қайтиб келганида эса, унга бу сафар ҳам ютдинг, яна сенга йигирма бир чиқди, деб айтишарди. Янги карта топиб келишди, лекин бу ҳам ёрдам бермади. Вейвода ўн бешга тўхтаганида у билан ўйнаётган кишининг қўлида ўн тўрт бўлиб қолаверди. Ҳамма ғазабланиб чол Вейводага тикила бошлади. Бор-йўғи саккиз крон нақд пул қўйган кўприкчи эса, ҳаммадан кўра кўпроқ сўкинарди. У дангалига бунақа Вейводага ўхшаганлар ёруғ дунёда бўлмаслиги керак, бунақаларни тепиб, кучук боладай сувга чўктириб юбориш керак, дерди. Чол Вейводанинг ноилжликдан қан-



дай ҳолатга тушганини тасаввур қилолмайсиз. Ниҳоят, унинг миясига бир фикр келди. «Ҳожатхонага бориб келмасам бўлмайди,— деди у труба тозаловчига.— Менинг ўрнимда ўйнаб туринг». Шапкасини киймасданоқ шу алфозда тўғри Мисликова кўчасидаги полициянинг олдига югуриб борди, патрулни топиб, унга, фалон кўчада, фалон қовоқхонада қимор ўйнашяпти, деб хабар қилди. Полициячилар унга сиз қовоқхонага бораверинг, орқангиздан етиб борамиз, дейишди. Вейвода қайтиб келганида унга, фельдшер яна икки миллион, швейцар эса уч миллиондан кўпроқ ютқизди, дейишди. Қовоқхоначининг чўтали тўпланаётган ликопга эса беш юз минг кронлик тилхат солиб қўйишибди. Сал ўтмай полициячилар бостириб кирди. Кўприкчи: «Қочмасанглар қўлга тушасанлар!»— деб қичқирди. Лекин фурсат қўлдан кетган эди. Банкдаги пулларни мусодара қилиб, ҳаммаи полицияхона томон ҳайдашди. Эдраздан келган кўмирчи қаршилиқ кўрсатган эди, уни «корзинкада» олиб кетишди. Банкда ярим миллиарддан кўпроқ қарзнинг тилхати ва бир ярим минг крон нақд пул тўпланган эди. Полиция инспектори бу қадар кўп миқдордаги пул ва тилхатни кўриб, «шу вақтгача бунақасини кўрмаган эдим, Монте-Карлода ҳам бунақаси бўлмайди», деди. Чол Вейводадан бошқа ҳамма эрталабгача полиция коммисариатида ушланиб қолди. Вейводани чақимчилик қилгани учун қўйиб юборишди ва унга, сиз мусодара қилинган пулнинг учдан бирини олишга ҳақлисиз, шу пулнинг ўзи ҳам бир юз олтмиш миллион крон дейишди.

Бу гапдан чолнинг мияси айниб қолди ва эрталаб Прагада магазинма-магазин юриб, ҳамма жойда ўнталаб пўлат сандиқ заказ қила берди... Картада омад келиш мана шунақа бўлади.

Швейк шу ҳикояни айтиб бўлиб, грог тайёрлашга тутинди. Кечаси фельдкуратни аранг ўрнига ётқизди. Фельдкурат кўз ёши тўкиб, нола қиларди:

— Сени сотиб қўйдим, ошнам,— дерди пиқиллаб кўз ёши тўкканича фельдкурат,— шарманда бўлдим. Менга лаънат айт, ур, шунга лойиқман! Сени йиртқичнинг қўлига топшириб қўйдим, кўзингга қарашга уяламан. Мени дўппосла, ғажиб ташла, ўлдир! Ўзимни тутиб берман. Биласанми, мен кимман?

Ийглайвериб шиншиб кетган башарасини ёстиққа босиб олган фельдкурат майин, паст овозда:

— Мен энг жирканч аблаҳман...— деди-ю, худди сув-га ғарқ бўлгандек овози ўчиб ухлаб қолди.

Эртасига фельдкурат Швейкнинг кўзига қарай олмай барвақт уйдан чиқиб кетди ва кечаси бақалоқ аскар билан бирга қайтиб келди.

— Швейк,— деди у аввалгидек Швейкнинг юзига қарай олмай,— бунга қаерда нима борлигини кўрсатиб қўйинг, нима иш қилиш кераклигини билиб олсин, унга грог тайёрлашни ҳам ўргатиб қўйинг. Эрталаб сиз поручик Лукаш ҳузурига борасиз.

Швейк кечаси ўринбосари билан бирга маза қилиб грог тайёрлади. Эрталаб семиз аскар аранг оёқда турадиган ҳолга келиб қолган ва ҳар хил халқ қўшиқларини минғиллаб такрорламоқда эди: «Ходованинг ёнида сув оқади, ёрим менга қизил пиво қуяди. Тоғлар, кўк ўпар тоғлар, йўлда қизлар кетяпти, Оқтепада деҳқон йигит ер ҳайдайди...»

— Сендан кўнглим тўқ,— деди Швейк.— Бунақа қобилиятинг билан фельдкуратга маъқул бўласан.

Хуллас, ўша кун эрталаб поручик Лукашнинг кўзига биринчи дуч келган киши шоввоз солдат Швейк бўлди. Швейк очиқ, ёқимли чеҳраси билан қараб туриб, рапорт берди:

— Жаноб обер-лейтенант, ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат картада ютқизиб қўйган Швейк мен бўламан.

## II

Деншчиклик касби жуда қадим замонларда пайдо бўлган, македониялик Александрнинг ҳам деншчиги бўлган дейишади. Ҳар ҳолда феодализм замонида бу ролни рицарларнинг яроғбардорлари бажариб келганликларига шак-шубҳа йўқ. Масалан, Санчо Панса Дон-Кихот қўлида ким бўлиб хизмат қилган? Деншчиклар тарихини шу вақтгача ҳеч ким ёзмаганлигига ҳайронман. Бундай тарих бўлганида эди, Толедо қамал қилиниб турган вақтда оч қолган Альмавир герцоги ўз деншчигини туз сепмай еб қўйганлигидан воқиф бўлар эдик; у тўғрида герцог ўз хотираларида ёзиб маълум қилган ва хизматкоримнинг гўшти мулойим, юмшоқ ва ширин эди, унинг таъми товуқ гўшти билан эшак гўшти ўртасидаги ўртача бир таъми эслатди, деб хабар берди.

Ҳарбий санъат тўғрисида ёзилган швабларнинг кўҳ-на бир китобида, жумладан, деншчикларга берилган йўл-йўриқларни ўқишимиз мумкин. Қадим вақтларда деншчик инсофли, ҳимматли, ростгўй, камтар, шавкатли, жасоратли, ҳалол, меҳнатсевар, хуллас, одамларнинг энг покизаси бўлиши керак экан. Бизнинг давримиз бундай одамнинг характеридаги кўп нарсаларни ўзгартириб юборди. Энди-чи, деншчикда инсоф, ҳиммат, ростгўйликдан заррача ҳам асар қолмади. У хўжайинни алдаб, ёлғон гапираверади, аксари ўз бошлиғининг ҳаётини дўзахга айлантириб юборади. У хўжайинининг ҳаётини заҳарламоқ учун энг макрли найранглар ўйлаб топадиган хушомадгўй қулдир. Деншчикларнинг янги авлоди орасида Альмавир герцогининг олижаноб деншчиги Фернандо сингари фидокор кишиларни топиб бўлмайди. Ахир, Фернандо ўз хўжайини уни туз сепмай еб қўйганида ҳам индамай тураверган-да. Иккинчидан, биз бошлиқларнинг ўз обрўлари йўлида—деншчиклари билан ҳаёт-мамот кураши олиб бориб энг қатъий чоралар кўрганликларини биламиз. Баъзан улар қон тўкиш даражасигача бориб етадилар. Чунончи, 1912 йилда Граца ўтказилган судда ўзининг деншчигини уриб ўлдирган бир капитаниннг иши кўрилган эди. Уша вақтда капитан оқланиб кетди, чунки бу тажрибани у атиги иккинчи мартагина қилиб кўрган экан. Бундай жаноблар назарида, деншчикнинг ҳаёти сариқ чақага ҳам арзймайди. Деншчик шунчаки бир буюм, шапалоқ урганда индамай турадиган кўғирчоқ, нима десанг бажараверадиган қул, малай. Бундай қулнинг мажбуран айёр ва хушомадгўй кишига айланишига ажабланмасак бўлади. Планетамизда унинг тортган азобини фақат қадим замонлардаги ресторанларда югурдак болаларнинг тортган азоби билангина тенглаштириш мумкин; бундай болаларни тепкилаб ва муштлаб гўё одам бўлишга ўргатишар эди.

Лекин баъзан деншчик ўз офицерининг эркатойи бўлиб қолиб ротага ва ҳатто батальонга даҳшат солувчи махлуққа айланади. Унтерлар унинг кўнглини топишга уринадилар. Отпуска олиш ҳам унинг ихтиёри билан бўлади. Рапорт вақтида ҳамма нарса сип-силлиқ ўтиши унинг ўз офицерига қиладиган илтимосига боғлиқ бўлиб қолади.

Уруш вақтида бунақа эркатойлар шавкат ва жасоратлари учун кўпинча катта ва кичик кумуш медаллар билан мукофотланар эди.

Тўқсон биринчи полкда мен бунақаларнинг бир нечасини кўрганман. Бир деншчик ўзи ўғирлаб келган гозларни қовуришга моҳир бўлганлиги учун катта кумуш медаль олган эди. Яна бир деншчик уйдан ажойиб озиқ-овқат посилкалари олиб турганлиги учун кичик кумуш медаль билан мукофотланган, унинг бошлиғи очарчилик авжга минган вақтларда шу деншчикнинг уйдан келган овқатларни еявериб семириб кетиб, юролмайдиган бўлиб қолган эди.

Уша бошлиқ ўзининг деншчигини медаль билан мукофотлашга тавсия қилиб ёзган рапортида бундай деган:

«Жангларда фавқулодда шавкат ва жасорат кўрсатганлиги, фидокорлиги ва ҳужум қилиб келаётган душманнинг кучли ўти остида ўз командиридан бир қадам ҳам нарига силжимаганлиги учун уни мукофотга тавсия этаман».

Аmmo бу деншчик ўша вақтда фронт орқасидаги товуқхоналарга кириб ўғирлик қилиб юрарди. Уруш офицер билан деншчик ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб юборди, деншчик эса, солдатлар энг ёмон кўрадиган махлуққа айланди. Командада беш кишига битта банкадан консерва улашиб берилаётган вақтда деншчик банка-банка консерваларни ўзиники қилиб юборар, унинг флягаси ҳамиша ром ёки коньякка тўла бўларди. Бу махлуқ кун бўйи шоколад шимиб юрар, офицерларнинг ширин сухариларини маза қилиб еб, ўз бошлиғининг сигаретларини чекар, соатлаб қовуриш ва пишириш билан овора бўлар, ўзига ўлчагиб тиктирилган гимнастёркаларни кийиб юрар эди.

Деншчик ординарец билан апоқ-чапоқ бўлиб, унга доим ўзидан қолган овқатларни бериб турар ва ўз имтиёзларини у билан баҳам кўрарди. Ҳузур қилиб юрган бу уч кишига одатда бош мирза ҳам шерик бўларди. Командирга бевосита яқин яшаётган бу уч киши операциялар ва стратегия планларидан беҳабар қолмасдилар.

Бўлим бошлиғи рота командирининг деншчиги билан дўст бўлса, бу бўлим ҳамма нарса тўғрисида бошқалардан кўра яхшироқ хабардор бўлиб турарди.

Мабодо деншчик: «Соат икки-ю ўттиз беш минутда жўнаб қоламиз», деса, ҳақиқатан ҳам роса икки-ю ўттиз беш минутда австриялик солдатлар душмандан чекина бошлар эди.

Деншчик дала ошхонасидагилар билан тил топишиб қозон тепасидан нари кетмас, кўнгли тусаган таомларни худди ресторандагидек ва гўё ошхона ўзиникидек бемалол буюриб еяверар эди.

— Мен биқин гўштини яхши кўраман,— дер эди у ошпазга,— кеча бўлса сен менга қуйруқ гўштини берибсан. Менинг шўрвамга бир бўлак жигар солиб бер, талоқни емаслигимни ўзинг биласан-ку.

Деншчик одамлар юрагига қутқу солишга уста бўларди. Окоплар бомбардимон қилинаётган вақтда унинг жон-пони чиқиб кетарди. Бундай ҳолларда у ўзининг ва офицерининг буюмларини энг хатарсиз блиндажга олиб бориб қўйиб, устимга артиллерия ўқи тушмасин деб бошини кўрпага буркаб ётаверарди. Бундай дақиқаларда у: қани, менинг командирим ярадор бўлиб қолса-ю, у билан бирга мен ҳам фронтдан мумкин қадар узоқроқ жойга бориб дам олиб ётсам, деб орзу қиларди.

У ўз «махфий гаплари» билан ҳаммани ваҳимага солиб қўярди. Чунончи, бўлямдагиларга секингина шипшитиб, «телефонни йиғиштиришаётганга ўхшайди», деб хабар қилиб қўяр ва кейин, «йиғиштириб кетишди», деб айтиш имкониятига эга бўлса ўзини бахтиёр деб ҳисобларди.

Ҳеч ким деншчик каби хурсанд бўлиб чекинмас эди. Бундай дақиқаларда у тепасидан снарядлар ва шрапнеллар физиллаб ўтаётганлигини хаёлига ҳам келтирмас, чарчашни ҳам унутиб қўйиб, қўлидаги нарсалар билан штабга, обоз турган жойга липиллаб бораверарди. У Австрия армиясининг обозини жуда яхши кўрар ва шу обоз билан ялло қилиб юраверарди. Ноилож қолган пайтларда у икки филдиракли санитария аравасига тушишга ҳам рози бўлаверарди. Мабодо пнеда юришга тўғри келиб қолса, ўзини тинкаси қуриб, ҳолдан кетган киши қилиб кўрсатарди. Бундай кезларда у ўз офицерининг нарсаларини окопларга улоқтириб, фақат ўзининг мулкинигина авайлаш пайдан бўларди.

Башарти офицер асир тушмаслик учун қочиб қутулган бўлса-ю, деншчик асир тушиб қолган бўлса, у офицернинг нарсаларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетар,

бу нарсалар унинг ўз мулкига айланиб, уларни кўз қорачигидай сақларди.

Бошқа асирлар билан бирга Дубнодан\* Киев яқинидаги Дарницагача пиёда юриб келган бир асир деншчикни биламан. У ўзининг сафар қопи ва асирликка тушмай қочиб қутулган офицернинг қопи билан бирга яна ҳар хил бешта қўл чемоданларини, бунинг устига иккита кўрпа ва ёстиқни орқалаб, битта тугунни бошига қўйиб келганди. Менга у иккита чемоданимни казаклар тортиб олишди, деб шикоят қилган эди.

Ўзининг юклари билан бутун Украинани кезиб, азоб тортган ўша деншчикни сира унутмайман. Уни экспедиторнинг жонли транспорти деса бўлади. Шу нарсаларнинг ҳаммасини у қандай қилиб олиб қочганлигини, бир неча юз километр масофага кўтариб юрганлигини, кейин шу нарсалар билан қандай қилиб Тошкентгача етиб борганлигини, ҳар бир буюмни сергаклик билан сақлаб, йўқотмаганлигини ва ҳарбий асирлар лагеридатиф касали билан оғриб, ўз чемоданлари устида ўлиб қолганлигини шу вақтгача сира тушуна олмайман.

Ҳозирги вақтда деншчиклар республикамизнинг ҳамма жойларига тарқалиб кетган, улар ўзларининг қаҳрамонликлари ва шижоатлари тўғрисида ҳикоя қилиб юришибди. Сокалга, Дубнога, Нишга, Пиавуга ҳужум қилиб, шу жойларни олган қаҳрамонлар ҳам шу деншчиклар эмиш. Уларнинг ҳар бири ўзини бамисоли Наполеон ҳисоблайди. «Мен полковнигимизга, ҳужум бошлаш мумкинлигини штабга телефон қилаверинг, деб айтдим», деб лоф уради ўша деншчиклар.

Деншчикларнинг кўпчилиги реакционерлар бўлиб, уларни солдатлар жуда ёмон кўрар эди. Деншчикларнинг баъзилари чақимчилик ҳам қилар ва солдатларни боғлаб олиб кетаётганликларини кўрганларида ғоят хурсанд бўлиб томоша қилиб турардилар.

Улар алоҳида тоифага айланган ва ҳаддан ташқари худбин бўлиб кетгандилар.

### III

Поручик Лукаш парти кетиб-шарти қолган Австрия монархиясининг типик кадр офицери эди. Кадетлар корпусида у хамелеон сингари ҳар қадамда ўзгариб турадиган шахс бўлиб етишган эди: кўпчилик орасида не-

мисча гапирар, хатларни немисча ёзар, лекин чехча китобларни ҳам ўқиб турар, нуқул чехлардан иборат ёлланма аскарлар мактабида ўқитувчилик қилган вақтда чехларга яширинча: «Чехлигимизча қолаверайлик, лекин буни ҳеч ким билмасин. Мен ҳам чехман...» деб қўярди.

У чех халқини ўзига хос бир махфий ташкилот, бу ташкилотдан узоқроқ турган яхши, деб ҳисобларди.

Лекин шуларни эътиборга олмаганда у жуда улфати киши эди: бошлиқлардан қўрқмас ва маневрларда ўз ротасининг ғамини еб уни саройларга яхшилаб жойлаштириб қўяр ва ўзи унчалик кўп маош олмаса ҳам, аммо кўпинча солдатларга бочкалаб пиво қуйиб берарди.

Лукаш солдатларнинг марш вақтида ашула айтиб юришини яхши кўрарди. Улар машққа бораётганларида ва машқдан қайтаётганларида ашула айтишлари шарт эди. У ўз ротаси билан ёнма-ён қадам ташлаб, қўшиқ айтиб борарди:

Ерга оқшом тушаркан,  
Сули қопни тешаркан.  
Тум-так, тум-так тум!

Гоят одил бўлганлиги ва тиргилиш одати йўқлиги учун уни солдатлар ниҳоятда яхши кўришарди.

Унтерлар унинг олдида қалтираб туришарди. У энг ашаддий фельдфебелни ҳам бир ой ичида ипакдек мулойим қилиб қўярди.

Бақирингга бақирарди-ю, лекин ҳеч қачон сўкинмасди. Ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирарди.

— Кўрдингизми, укажон, менда сизни сира ҳам жазолаш нияти йўқ эди, лекин жазоламай иложим йўқ, чунки армиянинг жанговарлик қобилияти интизомга боғлиқ. Интизомсиз армия «шамол ликиллатиб турган қамишнинг ўзи». Агар мундирингиз тузук бўлмаса, тугмалар ёмон қадалган бўлса ёки етишмаса демак, сиз армияга нисбатан ўз бурчингизни унутиб қўяяпсиз. Кеча кўрик вақтида гимнастёркангизда тугма етишмаганлиги биллиниб қолган эди, агар сиз ҳарбий хизматда бўлмаганингизда бунақа майда-чуйда нарсага ҳеч ким эътибор ҳам бермаган бўларди. Нега мана шу арзимас нарса учун сизни қамаб қўйганларига, эҳтимол, тушунмаёт-

гадирсиз? Шунн унутмангки, ҳарбий хизматда ўзининг ташқи кўринишига бу хилда бепарво бўлиш жазоланишга олиб келади. Нега шундай? Гап тугмангиз етишмай қолганлигида эмас, балки сизни тартибга ўргатишда. Модомики, бугун сиз тугмани қадаб олмаган экансиз, демак, дангасалик қила бошлабсиз. Сизга эртага милтиқни очиб тозалаш қийин иш бўлиб кўринади, индинга милтигингизнинг найзасини бирор қовоқхопада унутиб қолдирасиз ва ниҳоят, постда ухлаб қоласиз, мана шуларнинг ҳаммасига сиз тугмангизни йўқотиб қўйган кундан бошлаб дангасаликка одатланаверганингиз сабаб бўлади. Шунн билиб қўйинг, укажон! Ўз вази-фаларингизни аста-секин, лекин муттасил унутавериб, келгусида қилиб қўйингиз мумкин бўлган оғирроқ гуноҳларингиз учун жазоланишдан сизни қутқариб қолмоқчиман, шунинг учун мен ҳозир сизга кичикроқ жазо беряпман. Мен сизни беш кунга ўтқизиб қўяман, фақат нон ва сув билан тирикчилик қилиб ўтирганингизда бу жазо қасос эмас, балки муайян мақсадни — жазоланаётган солдатни тузатиш мақсадини кузатувчи тарбиялаш воситаси эканлигини билиб олишингизни астойдил истайман.

Лукаш аллақачон капитан бўлиши керак эди, лекин ҳатто миллий масаладаги эҳтиёткорлиги ҳам унга ёрдам бермади, чунки ўз бошлиқларига нисбатан ҳаддан ташқари тўғри сўз эди ва ҳеч кимга хушомадгўйлик қилмасди.

У Жанубий Чехиянинг қалин ўрмонлари ва кўллари орасидаги қишлоқда туғилган ва ўша жойдаги деҳқонлар характерини ўзида сақлаб қолган эди.

Лекин Лукаш гарчи солдатларга нисбатан адолатли бўлиб, ҳеч қачон ҳеч кимга тирғилмаса ҳам, аммо деншчикларга нисбатан бутунлай бошқача эди: у ўзининг деншчикларини жуда ёмон кўрар, чунки унга ҳаммиша энг яроқсиз ва қабиҳ деншчиклар тўғри келарди.

У деншчикларни солдат қаторида кўрмас, уларни дўппослагани-дўппослаган. Уларни сўз билан ҳам, иш билан ҳам тарбиялашга уринарди. У деншчикларни одам қилмоқчи бўлиб кўп курашди-ю, натижа чиқара олмади, ҳаммиша деншчикларни ўзгартириб турарди ва ҳар сафар, «яна менга қабиҳ махлуқни юборишибди!» деган хулосага келарди. У деншчикларни паст тоифа махлуқ деб ҳисобларди.



Лукаш жониворларни ниҳоят даражада яхши кўради. Унинг гарц канарейкаси, ангорий мушуги ва пинчер ити бўларди. У ўзининг тез-тез ўзгариб турган деншчиклари бирор пожуя ҳаракат қилиб қўйганларида уларга қандай муомала қилса, деншчиклар ҳам ўша жониворларга бундан кўра яхшироқ муомала қилишмасди.

Улар канарейкани оч қолдиришарди, деншчиклардан бири ангорий мушугининг кўзини ўйиб чиқарди, пинчер қўлга тушган ҳамона деншчиклар уни калтаклай берарди, ниҳоят, Швейкдан олдинги деншчиклардан бири ўз чўнтагидан ўн крон пулни аямай сарфлаб, шу бечора итни Панкрацдаги итларнинг терисини шилиб оладиган жойга элтиб берди. Аммо поручикка, ўйинатиб юрган вақтимда итингиз қочиб кетди, деб қўя қолди. Эртасига поручик ўша деншчикни бўшатиб, ротага жўнатди.

Швейк Лукашнинг олдига келиб, ўз вазифаларимни бажаришга киришяпман, деб айтиш билан поручик уни ўз хонасига олиб кириб бундай деди:

— Сизни менга жаноб фельдкурат Кац тавсия қилди. Бу тавсияга доғ туширадиган иш қилмайсиз, деб ўйлайман. Қўлимда ўнлаб деншчиклар хизмат қилди, лекин уларнинг биттаси ҳам узоқ туриб қололмади. Шунинг оғоҳлангириб қўйайки, мен қаттиққўл одамман, ҳар бир қабиҳлик ва ёлгон учун шафқатсиз жазолайман. Сиздан ҳамини фақат ҳақиқатни гапиришни ва ҳамма буйруқларимни сўзсиз бажаришингизни талаб қиламан. Агар мен, «ўтга сакранг», десам сиз гарчи хоҳламасангиз ҳам, бу буйруқни дарров бажариб, ўзингизни ўтга ташлашингиз керак. Қаёққа қараясиз?

Швейк деворга осиб қўйилган қафасдаги канарейкага қизиқиб қараб турган эди. У поручикнинг саволини эшитиб, мулоим кўзлари билан унга тикилди ва ёқимтой, майин овоз билан жавоб берди:

— Ижозатингиз билан сизга шунини айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, бу қуш — гарц канарейкаси.

Швейк шу тариқа поручикнинг гапини бўлиб, таъзим қиларкан, бақрайиб поручикка тикилди.

Поручик қаттиқроқ гап айтмоқчи бўлган эди, лекин Швейкнинг маъсумона қиёфасини кўриб, фақат:

— Жаноб фельдкурат сизни ўтакетган тентак деган эди. Чамаси янглишмаган бўлса керак, деб қўя қолди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб фельдкурат ростдан ҳам янглишгани йўқ. Ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган вақтимда мени савдойи деб ҳарбий хизматдан озод қилишган ва буни ҳамма тасдиқлаган эди. Шундай сабаб билан полкдан икки кишини: мени ва капитан фон Кауницни қўйиб юборишган. Жаноб поручик уят бўлса ҳам сизга шуни айтишим керакки, ўша капитан кўчада кетаётганида, аёни бир вақтда чап қўлининг бармоғи билан бурнининг чап тешигини, ўнг қўлининг бармоғи билан ўнг тешигини ковлаб бораверарди. Машқ вақтларида ҳар сафар бизни худди тантанали маршга борадигандек сафга тиздирар ва: «Солдатлар... э... э... шуни билиб қўйингларки... э... э... бугун... чоршанба, чунки... эртага... э... э... пайшанба бўлади...» дер эди.

Поручик сўз тополмай елкасини қисиб қўйди ва девордан деразага ва деразадан деворга Швейк ёнидан қадам ташлаб ўтаверди. Поручик қай томонга ўтса, Швейк дарҳол шу томонга,— ё чапга, ё ўнгга бурилиб бақрайиб қараб турар, бу ҳаракатни шундай бир маъсумона тарзда бажарардики, поручик тик қарай олмай, гиламга тикилиб туриб, Швейкнинг тентак капитан тўғрисидаги гапларига ҳеч бир алоқасиз ўз мулоҳазасини айтиб қўя қолди:

— Шундай! Менинг ҳузуримда ҳамиша тартиб бўлсин ва озодалиқ сақлансин, асло ёлгон гапирманг. Ҳалол одамни яхши кўраман. Ёлгонни ёмон кўраман ва бунинг учун аямай жазолайман. Гапимни тушундингизми?

— Худди шундай, жаноб обер-лейтенант, тушундим. Ёлгон гапиришдан ёмон нарса йўқ. Кимики ёлгон гапирар бошладими, уни ҳалок бўлади, деяверинг. Пелгржимов яқинидаги қишлоқда Марек фамилияли бир муаллим бўларди. Уша муаллим ўрмончи Шперанинг қизига илиқиб қолган эди. Ўрмончи, агар у менинг қизим билан учрашаверса ва мен уларнинг гаплашиб турганини кўриб қолсам, тузга булгалашган қил аралаш ўқ билан милтигимни уни қоқ думбасидан отаман, шу гапимни айтиб қўйинглар, дебди. Аммо муаллим, бу гапларнинг ҳаммаси ёлгон, шу гапни ўрмончига айтиб қўйинглар, дебди. Лекин бир кун у ўша қизни кутиб турган пайт-

да ўрмончи уни кўриб қолибди ва ўша ўйлаб қўйган ишини қилмоқчи бўлибди. Лекин муаллим, мен фақат гул териб юрган эдим, деб важ кўрсатиб қутулиб қолибди. Муаллим яна бир марта қўлга тушганида, мен коллекция учун қўнғизлар тутиб юрган эдим, деб ўрмончини алдабди. Ниҳоят, у қўрққанидан қуён тутиш учун фақат тузоқ қўймоқчи бўлган эдим, деб қасам ичибди. Бизнинг ўрмончимиз энди унинг гирибонидан бўғиб, жандармалар олдига олиб борибди, у ердан иш судга ўтибди, хуллас, муаллимнинг турмага тушишига сал қолди. Агар у гапнинг ростини айтганда бир чимдим туз билан қутулиб қолган бўларди; менинг фикрим шуки, иқрор бўлишдан яхшиси йўқ, агар бирор ножўя иш қилиб қўйсанг, тўппа-тўғри келиб, ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, фалон ва фалон ножўя ишларни қилиб қўйдим, деявер. Ҳалолликка келганда, албатта, бу яхши нарса, ҳалол одамнинг иши ҳамма вақт ўнгидан келади. Юриш мусобақасида ҳам ҳаммаша шундай бўлади-ку: фирромлик қилиб чопа бошласанг, дарров қўлга тушиб қоласан. Мана, мисол учун, менинг бир амакиваччам бор. Ўзи ҳалол одам, ҳамма уни ҳурмат қилади, ўзи ҳам хурсанд ва ўзини янги тутилган чақалоқдай ҳис қилади. Ҳар сафар ухлаш олдидан: «Бугун мен яна ҳалолликни қўлдан бермадим», деб ўз-ўзига айтиб мамнун бўлиши мумкин.

Швейк мана шу узундан-узоқ гапни гапириб турган пайтда поручик креслода ўтириб олиб, унинг этигига тикиларкан: «Тавба, мен ҳам кўпинча шунақа пойинтар-сойинтар гапларни гапиравераман. Фақат фарқ шу гапларни қандай шаклга солишда экан-да», деб ўйлаб қўйди.

Шундай бўлса ҳам, ўз обрўйини тўкмаслик учун, Швейк гапини тамомлагач, деди:

— Сиз ҳамма вақт тозаланган этик кийиб юришингиз, мундирингиз тартибли ва ҳамма тугмалари қадалган бўлиши керак. Сиз саёқ одамга ўхшаманг, балки солдатлигингиз юриш-туришингиздан билиниб турсин. Сизларнинг ҳеч қайсингиз ўзингизни ҳарбийларча тута олмаганингизга ҳайронман. Менинг қўлимга келиб кетган ҳамма деншчиклардан фақат биттаси шоввоз солдатга ўхшарди, лекин у ҳам охириги пайтда менинг парадбоп мундиримни ўғирлаб, яҳудийлар маҳалласига олиб бориб сотиб юборди.

Поручик жим бўлиб қолди, лекин сал ўтмай яна гапга тушиб, Швейк бажариши лозим бўлган вазифаларнинг ҳаммасини санаб чиқди, Швейк содиқ хизматкор бўлиши лозимлигини ва уйда нималар бўлаётганлигини ҳеч қаерда гапириб юрмаслиги кераклигини айниқса уқтириб ўтди.

— Менинг уйимда хонимлар бўлиб туради,— таъкидлади у.— Баъзан, агар мен эртасига хизматга бормайдиган бўлсам, хоним уйимда ётиб ҳам қолади. Бундай ҳолларда сиз кофени бизнинг ётган ўрнимизга келтириб берасиз, лекин фақат чақирганимдагина киришингиз, керак, тушундингизми?

— Худди шундай, тушундим, жаноб обер-лейтенант. Мабодо мен уйга тўсатдан кириб қолсам, баъзи бир хонимни хижолатга қўйишим мумкин. Бир вақт мен ўзим ҳам уйимга бир хонимчани олиб келган эдим, иккаламиз маза килиб ётганимизда хизматкорим кофе кўтариб устимизга кириб қолди. Хизматкор хотин кўрққанидан қўлидаги кофени тўкиб юбориб, елкамни куйдириб қўйди, яна бунинг устига: «Эртагиз хайрли бўлсин!» деб гўлдиради. Йўқ, хоним уйда ётиб қолганида қандай ҳаракат қилишим кераклигини яхши биламан.

— Жуда соз, Швейк! Хонимлар билан биз ниҳоят даражада сипо муомалада бўлишимиз керак,— деди поручик кайфи чоғ бўлиб, чунки энди гап унинг казармадан, машқдан ва картабозликдан бўш вақтда бутун фикри-зикрини банд қилган нарсага ўтган эди.

Хотинлар поручик квартирасининг жон-тани эди. Улар поручикка роҳат бағишлаб турардилар. Бунақа хотинлардан бир неча ўнтаси бор эди, уларнинг кўплари шу уйда турган вақтларида квартирани безатишга уринар эдилар.

Кафе хўжайинининг хотини поручикнинг уйида икки ҳафта туриб қолди. Ниҳоят, уни эри келиб олиб кетди. Шу вақт ичида хотин поручик столга жуда чиройли кашта тикиб берди, унинг ҳамма ички кийимларига поручик фамилиясининг бош ҳарфларини тикиб қўйди ва агар эри келиб қолиб, бу роҳатни бузмаганида, эҳтимол, у поручикнинг уй деворларига гиламча ҳам тўқиб берган бўлар эди.

Яна бир хотин поручик ётоқхонасини хотинлар пардозхонасига айлантиришга уриниб, ҳар хил ўйинчоқлар ва кўзачалар қўйиб хонани безаб чиқди, каравотнинг

тепасига ҳимоячи-фариштаннинг суратини осиб қўйди, шу алфозда уч ҳафта яшаганидан кейин уни ота-оналари келиб, олиб кетишди.

Хотинлар қўли текканлиги ётоқхона ва овқатхонанинг ҳамма жойида сезилиб турар, ошхонада ҳам яққол кўринарди, овқат пишириш учун керакли хилма-хил буюмларнинг ҳаммасини ошхонага хотинларнинг ўзи олиб келар, булар поручикка ошиқ бўлиб қолган бир бойвучча хотиннинг туҳфаси эди. Фабрикантнинг хотини бўлган бу хоним ўз эҳтироси билан бирга бу уйга сабзавот ва карам тўғрайдиган, нон кесади-ган жигар тўғрайдиган асбоблар, кастрюллар, товалар, чўмичлар ва яна аллақандай нарсаларни ҳам олиб келган эди.

Бу хоним бир ҳафтадан кейин кетиб қолди, чунки Лукашнинг мендан бошқа яна йигирмага яқин ўйнаши бор деб ўйлаб унга сира чидай олмади: ўйнашнинг кўпайиб кетганлиги мундир кийиб юрган бу зотли айғирнинг ижрочилик қувватига таъсир қилган эди.

Поручик Лукаш кўп жойлардан хат олиб турарди, ўз ўйнашларининг суратларини альбомга ёпиштириб қўяр ва ҳар хил эсдаликлардан иборат коллекция тuzар эди, чунки кейинги икки йил ичида унда мана шунақа нарсаларга ишқибозлик пайдо бўла бошлади. Унинг коллекциясида хотинларнинг бир неча ҳар хил ич белбоғи, гул тикилган тўртта чиройли лозими, уч нафар ҳарир ич кўйлаги, батист кўйлақлар ва ниҳоят битта корсет ва бир неча пайпоқ бор эди.

— Бугун мен навбатчилик қилишим керак,— деди поручик Швейкка,— фақат кечаси уйга қайтаман. Уйни тартибга солиб қўйинг. Сиздан олдинги деншчигим ялқовлиги учун бугун марш ротаси билан фронтга жўнатилди.

Поручик канарейка ва ангор мушуги тўғрисида фармойишлар бериб, эшик олдида инсоф ва тартиб тўғрисида яна бир марта бир неча оғиз сўз айтиб, чиқиб кетди.

У кетганидан кейин Швейк квартирада шундай қаттиқ тартиб ўрнатдики, поручик Лукаш кечаси уйга қайтиб келганида Швейк бемалол рапорт бериб, деди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, ҳамма нарсани тартибга солиб қўйдим. Фақат мушук очкўзлик қилиб канарейка-нгизни еб қўйди.

— Нима, нима?!— бўқирди поручик.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим кераки, жаноб обер-лейтенант, мен бу воқеа қандай бўлганлигини тушунтириб ўтай. Мушуклар канарейкаларни ёмон кўриб озор беришларини кўпдан бери биламан. Шунинг учун ҳам мен уларни бир-бирига ошна қилиб қўймоқчи бўлдим ва агар лаънати мушук яна бирор номаъқулчилик қиладиган бўлса, канарейкалар билан қандай муомала қилишни ўлгунича унутмайдиган қилиб уни бошлаб калтакламоқчи бўлдим. Мен жониворларни жуда яхши кўраман! Бизнинг қалпоқдўз устамиз ўзининг мушугини бир амаллаб ўргатиб олган-ку. Бу мушук аввал унинг учта канарейкасини еб қўйди, аммо ҳозир битта ҳам канарейка емайди, канарейка тумшугига қўнса ҳам қарамайди. Мен ҳам шундай қилмоқчи бўлдим, канарейкани қафасдан олиб, мушукка ҳидлатдим. Аммо баччағар мушук қушнинг бошини узиб олганлигини ўзим ҳам сезмай қолдим. Худо ҳаққи, мушугингиз бунчалик онкўрлик қилар, деб ўйламаган эдим! Мабодо чумчуқни шундай қилганида унга ҳеч нима демасдим. Аммо у ажойиб канарейкани, гарц канарейкасини ғажиб ташлади-я! Баччағар мушук қушни патлари билан қўшиб ямламай ютганини, яна маза қилиб миёвлаб турганини айтмайсизми!.. Мушуклар музика илмидан бутунлай беҳабар дейишади, у баччағарлар канарейка сайрашини жуда ёмон кўрар эмиш, чунки сайрашдан завқ олмайди-да... Мушукни бошлаб сўқдим, лекин худо ҳаққи, лоақал чертиб озор берганим йўқ, сизнинг келишингизни, бу қирчанғи мушукка қандай чора кўришингизни кутиб турибман.

Швейк бу воқеани ҳикоя қилиб туриб поручикнинг кўзига шундай маъсумона бир назарда қарадики, Швейкка нисбатан нияти бузилиб турган поручик унга яқинлашмай, нарироқ бориб креслога ўтирди-да, сўради.

— Менга қаранг, Швейк, сиз ҳақиқатан ҳам подшонинг эшагидай шунақа ҳам бефаҳммисиз?

— Худди шундай, жаноб обер-лейтенант,— тантанавор жавоб берди Швейк.— Дунёга келибманки, сира ишим юришмайди. Яхшилик қиламан деб нимаики иш қилсам, ҳеч қачон бу ишимнинг оқибати тузук бўлиб чиқмади. Кейин бу ишдан ўзимга ҳам, бошқаларга ҳам озор етади. Мен уларни таништириб, бир-бирига ошна қилиб қўймоқчи эдим. Ахир, мушук канарейкани еб

қўйган бўлса ва шу билан ошначилик алоқасини узиб қўйган бўлса, бунга мен айбдор эмас-ку, ахир! Бундан бир неча йил аввал «Штупартлар олдида» деган меҳмонхонада бир тўти мушукка ўхшаб миёвлайвериб, унинг жигига тегавергандан кейин, мушук ўша тўтини еб қўйган эди... Мушукларнинг жони жуда қаттиқ бўлади-да! Агар сиз, жаноб обер-лейтенант, мушукни ўлдир, деб буюрсангиз, уни эшикка сиқиб ўлдиришга тўғри келади, бошқача йўл билан уни ўлдириб бўлмайди.

Шундан сўнг Швейк жуда маъсумона тусда жилмайиб, ёқимли табассум қилиб туриб, поручикка мушукларни қандай қилиб ўлдириш усулини гапириб бера бошлади. Жониворларга ҳомийлик қилувчи жамият аъзолари унинг бу ҳикоясини эшитсалар, эҳтимолки, жинни бўлиб қолар эдилар.

Швейк ўзининг шу қадар билимдон эканлигини кўрсатдики, поручик Лукаш ғазабдан тушиб, ундан сўради:

— Сиз жониворлар билан муомала қилишни била-сизми? Жониворларни яхши кўрасизми?

— Итларни ҳаммадан кўра яхши кўраман,—деди Швейк,—чунки сотишни билган кишига итлар жуда яхши даромад келтиради. Лекин менинг ишим юришмади, чунки ҳаддан ташқари ҳалол иш қилиб келдим, шундай бўлса ҳам харидорлар менга, сен бизга соғлом, зотли ит ўрнига ўлимтикни сотибсан, деб даъво қилиб келаверишар эди. Ахир, итларнинг ҳаммаси ҳам зотли ва соғлом бўлавермайди-ку! Лекин ҳар бир харидор, бизга итларнинг зотли эканлиги тўғрисида ҳужжат бер, деб талаб қилаверади, шунинг учун ҳам мана шундай ҳужжатлар ёзишга, гишт заводида туғилган қандайдир коширж кўппагини Армин фон Баргеймнинг итхонасидан олинган Бавариянинг тоза зотли дворян итига айлантиришга тўғри келар эди. Харидорлар эса зотли ит сотиб олдим, деб хурсанд бўлиб кетаверишар эди. Уларга Вршовиц лайчасини зотли такса деб тутқизавериш мумкин эди, аммо улар Германиянинг ўзидан келтирилган мана шундай нодир итнинг жуни нега ҳурпайганлигига, оёқлари нега қийшиқ эканлигига таажжубланиб қўя қолардилар. Катта итхоналарнинг ҳаммасида шундай қилишади. Сиз, жаноб обер-лейтенант, ўша итхоналарда итларнинг зоти тўғрисидаги

ҳужжатларни қалбакилаштирмоқ учун қилинаётган фирромликларни бир кўришингиз керак. Ўзини «Мең зоти тоза махлуқман» деб айта оладиган ит, ростини айтсам, жуда кам. Ё унинг онаси бирор зоти паст ит билан, ёки бувииси ҳам шундай зоти паст ит билан алоқа қилиб қўйган бўлади, ёхуд унинг отаси битта эмас, бир неча бўлиб чиқади ва шу оталарнинг ҳар қайсисидан унга бирор белги ўтган бўлади: қулоғи бир отасиникига, думи иккинчисиникига, тумшугидаги жун яна бириникига, тумшуги учинчи отасиникига, қийшиқ оёқлари тўртинчи отасиникига ва бўйи бешинчи отасиникига ўхшаб қолади. Агар унинг мана шунақа оталари ўн иккита бўлса, бунақа итнинг вазоҳати қандай бўлишини ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин, деб жаноб оберлейтенант. Бир кун мен Балабан деб аталган бир итни сотиб олган эдим, у отасига ўхшаб шу қадар бадбашара бўлиб ўсган экаики, уни кўрган итларнинг ҳаммаси яқин йўламай, қочиб кетадиган бўлиб қолди. Мен ачинганимдан уни сотиб олган эдим; жуда ташландиқ бўлиб қолган экан, ҳамиша уйимнинг бир кунжида рамгин бўлиб ётаверарди, ниҳоят, мен уни пинчер деб мақтаб, сотиб юборишга мажбур бўлдим. Тузланган қалампир рангига шу итни бўямоқчи бўлиб жуда кўп азият чекдим. Кейин у ўзининг эгаси билан Моравияга кетиб қолди, шундан бери уни кўрмайман.

Итшунослик тўғрисида бу доклад поручикни қизиқтира бошлади. Ҳеч бир эътироз бўлмаётганини кўрган Швейк ҳикоясини давом эттирди:

— Итлар хотинларга ўхшаб ўзларини бўяй олмайди. Сотмоқчи бўлган киши бўяши керак. Масалан, итингиз қари ва мункиллаган бўлса-ю, сиз уни бир яшар кучук, деб сотмоқчи бўлсангиз, ёки бунақа қарияни тўққиз ойлик қилиб кўрсатмоқчи бўлсангиз, яхшиси, ляпис сотиб олиб, уни сувда эритиб, ўша итингизни қорага бўянг, худди янги туғилгандай бўлиб қолади. Итимнинг кучи кўнайсин десангиз, унга маргимуш бераверинг, тишларини эса жилвир қоғоз билан занглаган пичокни тозалагандек тозалаб туринг. Сотишга олиб боришдан олдин эса, унинг оғзига олхўри ароғи қўйиб юборсангиз, кайфи тарақ бўлиб, дингиллаб туради. У дарров тетик, ўйноқи бўлиб қолади, хурсанд бўлиб вовиллай беради ва шаҳар бошқармасининг кайфи ошиб қолган аъзоси каби ҳаммага суркалаверади.



Жуда муҳим бўлган бир нарса бор, жаноб обер-лейтенант, харидорга тинмай гапиравериб батамом гангитиб қўйиш керак. Агар бирор киши болонка сотиб олмоқчи бўлса-ю, уйингизда ов итдан бошқаси бўлмаса, харидорни гап билан бошини айлантиринг, ана шунда у ов итингизни болонка, деб олиб кетаверади. Мабодо, сизга тасодифан фокстерьер туши қолган бўлса-ю, харидор келиб, менга уйимни қўриқлайдиган қопоғон немие доги керак, деб қолса, уни ҳам гапиравериб миясини ачитиб юборсангиз, у дог ўрнига жажжи фокстерьерингизни кўтариб кетаверади... Ҳар хил жониворларни олиб сотиш билан шуғулланиб юрган вақтимда олдимга бир хоним келди. У, менинг тўтим боққа учиб кетди, боғдаги шийпон олдида ўша вақтда болалар ҳинди-ҳинди ўйнаб юрган эди, деди. Болалар тўтини тутиб олиб, думидаги патларини битта қўймай юлиб олишган эмиш ва худди полициячилар сингари шу патларни тақиб, ясаниб олишган эмиш. Тўти думсиз қолганига уялиб, касал бўлиб қолган эмиш, ветеринар эса, порошоклар беравериб унинг тинкасини қуритган эмиш. Хуллас, ўша хоним менга янги тўти сотиб олмоқчи бўлганлигини, аммо бу тўти сўкишдан бошқани билмайдиган шаллақи тўти бўлмасдан, балки тарбияли тўти бўлиши лозимлигини айтди. Узимнинг уйимда ҳеч қандай тўти йўқ, бошқа бирор жойда ҳам кўз остига олиб қўйган тўтим бўлмаганидан кейин нима қилишим керак эди? Ўша вақтда менинг бутунлай кўр, қопоғон булдогим бор эди, холос. Ушанда мен, жаноб обер-лейтенант, ўша хонимни кундуз соат тўртдан кечқурун еттигача авраб, шундай гангитиб қўйдимки, ахири у тўти ўрнига кўр булдоғни сотиб олишга мажбур бўлиб қолди. Ушанда мен ҳар қандай дипломатнинг муомаласидан ҳам ошиқроқ муомала қилдим. Хоним кетаётганда мен унга: «Энди болалар уни думини юлиб кўрсинчи», дедим. Шу-шу бўлди-ю, хоним билан гаплашиш менга ортиқ насиб бўлмади: ўша булдоғнинг дастидан хоним Прагани ташлаб кетишга мажбур бўлди, чунки унинг ҳовлисида ит қопмаган битта ҳам одам қолмади... Сиз менга ишонаверинг, жаноб обер-лейтенант, яхши жониворни топиш жуда-жуда қийин...

— Мен ўзим ҳам итларни яхши кўраман,— деди поручик.— Баъзи дўстларим ўзларининг итлари билан фронтга кетишган. Кейин ўртоқларим менга хат юбо-

ришиб, мана шундай вафодор ва садоқатли дўсти бўлган кишининг фронтдаги хизмати бемашаққат ўтади, деб ёзишди. Сиз, чамамда, ҳамма итларнинг зотини яхши биладиганга ўхшайсиз. Агар менинг итим бўлса, уни яхши парвариш қила оларсиз, деб ўйлайман. Қайси зотдан бўлган итни ҳаммасидан кўра яхшироқ бўлади, деб ўйлайсиз; яъни мен, қайсисини вафодор бўлади, демоқчиман. Бир вақтлар менинг пинчер итим бўларди, лекин билмадим...

— Менимча, жаноб обер-лейтенант, пинчер жуда ёқимтой ит бўлади. Дуруст пинчер ҳаммага ҳам ёқавермайди, чунки ўзи ҳурпайган бўлади, тумшуғидаги жуни ҳам қаттиқроқ бўлади, бунақа ит худди каторгадан бўшатиб юборилган маҳбусга ўхшайди. Пинчерлар хунук, бадбашара бўлса ҳам, аммо ақлли бўлади. Сенбернар деган бемаъни итларни уларга тенглаштириб бўладими, ахир. Пинчерлар фокстерьерлардан кўра ақллироқ бўлади. Мен шунақа битта...

Поручик Лукаш соатига қараб туриб, Швейкнинг гапини бўлди:

— Вақт анча маҳал бўлиб қолди, ухлаб олишим керак. Эртага яна навбатчилик қиламан. Эртага бутун кунингизни бирор пинчерни қидириб топишга бағишлашингиз мумкин.

У ухлаганга кириб кетди, Швейк эса, ошхонадаги диванга ётиб, поручик казармадан олиб келган газетани ўқиб чиқди.

Швейк кундалик воқеаларни қизиқиб кузатиб туриб, ўз-ўзига деди: «Буни қаранг-а, Султон император Вильгельмни катта ҳарбий медаль билан тақдирлабди, менда бўлса шу вақтгача ҳатто кичкина кумуш медаль ҳам йўқ».

Швейк ўйланиб қолди ва бирданга сапчиб турди:

— Эсимдан чиқишга сал қопти!— деди-ю, поручик хонасига кириб кетди.

Поручик қаттиқ ухлаган эди. Швейк уни уйғотди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, мушук тўғрисида сиздан буйруқ олмабман.

Поручик уйқу аралаш иккинчи ёнбошига бурилиб: «Уч кун қамоқ!» деб гўлдиради-да, яна уйқуга кетди.

Швейк аста уйдан чиқди-да, бечора мушукни диван остидан тортиб олиб деди:

— Уч кун қамоқ!

Ангор мушуги шу гапни эшитди-ю, яна диван тагига кириб кетди.

#### IV

Швейк бирор пинчер топиб келиш учун эндигина кетмоқчи бўлиб турганида ёш бир хоним эшик қўнғировини жириглатди. У, поручик Лукаш билан гаплашмоқчиман, деди. Хонимнинг ёнида иккита катта чемодан турибди, Швейкнинг кўзи шу пайт зинадан тушиб бораётган кишининг фуражкасига тушди.

— Уйда йўқлар,— қатъий жавоб берди Швейк, лекин ёш хоним даҳлизга кириб олишга улгурганлиги учун Швейкка жиддий оҳангда буюрди:— Чемоданларни уйга олиб кириб қўйинг.

— Жаноб поручикнинг рухсатисиз мумкин эмас,— деди Швейк.— Жаноб поручик менсиз ҳеч нима қилма, деб буюриб қўйганлар.

— Эсингизни еб қўйибсиз!— қичқирди ёш хоним.— Мен жаноб поручикнинг уйига меҳмон бўлиб келдим.

— Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ,— жавоб берди Швейк.— Жаноб поручик хизматдалар ва фақат кечаси қайтиб келадилар. Менга пинчер топиб келишни буюрганлар. На чемодан тўғрисида, на хонимлар тўғрисида ҳеч гапдан хабарим йўқ. Мен уйни қулфлаб қўйишим керак ва сиздан чиқиб кетишингизни илтимос қиламан. Бу хусусда менга ҳеч қандай буйруқ берганлари йўқ. Шу вайдан мен номаълум бегона хотиннинг ёлғиз ўзини бу уйда қолдира олмайман. Мана шу кўчадаги шакарпаз Бильчицкий бегона одамни уйда қолдирган экан, у гардеробни бузиб очиб, жўнаб қопти... Бу билан мен сизнинг тўғрингизда бирор ёмон гап айтмоқчимасман, албатта,— деб давом қилди Швейк, хонимнинг башарасини бужмайтириб йиғлаётганини кўриб,— лекин сизнинг бу ерда қолишингиз асло мумкин эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу уйни менга ишониб қўйишибди, демак, мен ҳар бир нарса учун жавобгарман. Шу сабабли сиздан яна бир марта илтимос қиламан: ўзингизни беҳудага уринтирманг. Жаноб поручик менга буйруқ бермаган бўлса, мен туғишган акамни ҳам танимайман. Сиз билан шу тахлитда гаплашаётганлигим учун ўзим ҳам хижолатдаман, аммо ҳарбий хизматда аввало интизом бўлиши керак.

Еш хоним бу гапларни эшитиб туриб, бир оз ўзига келди, кичкина сумкасида визит карточкасини олиб, қалам билан унга бир неча сатр ёзди, карточкани чиройли кичкина конвертга солиб қўйди ва аччиқланиб деди:

— Буни жаноб поручикка элтиб беринг, мен унинг жавобини бу ерда кутиб ўтираман. Мана бу беш кронни йўл кира қилинг.

— Бундан ҳеч нима чиқмайди,— деди кутилмаган меҳмон хотиннинг шилқимлигидан аччиқланган Швейк.— Бу беш кронни ўзингиз олиб қўйинг, мана бу ерда, стулда тураверсин, агар хоҳласангиз мен билан бирга казармаларга борамиз, казармаларда мени кутиб турасиз, хатингизни элтиб бераман ва жавобини олиб келаман. Аммо бу ерда кутиб туришингиз сира мумкин эмас!— Швейк шундай деди-ю, чемоданларни даҳлизга чиқариб қўйди ва сарой посбонидек калитларни эшик олдида шиқиллатиб туриб, маънодор қилиб деди:

— Қулфлаймиз...

Еш хоним поилож зинага чиқди. Швейк эшикни кулфлаб, пастга туша бошлади. Хотин лайча ит каби унинг орқасидан липиллаб юриб кетди ва Швейк сигарета олиш учун дўкончага кирганидагина унга етиб олди. Энди у Швейк билан ёнма-ён бора туриб, гап бошлашга уринмоқда эди:

— Сиз албатта топширасизми?

— Ваъда қилганимдан кейин топшираман-да.

— Сиз жаноб поручикни топармикинсиз?

— Билмадим.

Улар ёнма-ён индамай кетаверишди. Ниҳоят, хотин Швейкка тикилиб, яна сўз бошлади:

— Сиз жаноб поручикни топа олмайман, деб ўйлаяпсизми?

— Йўқ, ундай ўйлаётганим йўқ.

— Бўлмаса, айтинг-чи, у қаерда бўлиши мумкин?

— Билмадим.

Шу билан гап узоқ вақтгача тўхтаб қолди, ниҳоят, еш хоним яна савол бериб гап бошлади:

— Сиз хатни йўқотиб қўйганингиз йўқми?

— Ҳозирча йўқ.

— Уни жаноб поручикка албатта топширасизми?

— Ҳа.

— Сиз поручикни топа оласизми?

— Билмайман дедим-ку,— жавоб берди Швейк.—

Одамлар шу қадар эзма бўлиб кетганига ва нуқул сўрайверганига ҳайронман! Кўчада дуч келган одамни тўхтатиб, ундан, бугун ойнинг нечанчиси деб сўрайверсам, мен ҳам худди шундай одамларнинг жонига теккан бўлардим, деб ўйлайман.

Суҳбатлашиш учун қилинаётган уриниш шу билан тугади ва улар казармага боргунча йўлакай ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Улар казарма олдига келиб тўхтаганларидагина Швейк хонимга, бу ерда кутиб туриб, деб дарвоза олдида турган солдатлар билан гаплаша кетди. Бу ҳол хонимни нечоғлик изтиробга солганлигини тасаввур қилиш мумкин. Хоним афтини бужмайтириб, йўлкада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, фронтдаги ишларнинг аҳволини тўхтовсиз гапириб бораётган Швейкни кўриб, асабийлаша бошлади. Швейк афтига шундай аҳмоқона тус бериб гапирмоқда эдики, шу пайтда унинг башараси ўша вақтдаги «Жаҳон уруши хроникаси» газетасида босилиб чиққан фотографиядаги кишиларнинг тусига ўхшарди. Ўша фотографиянинг остига: «Австрия тахтининг вориси рус аэропланини уриб туширган икки учувчи билан суҳбатлашмоқда», деб ёзиб қўйилган эди.

Швейк дарвоза олдидаги скамейкада ўтириб, Карпат frontiда қўшинларимизнинг ҳужуми муваффақиятсизликка учраганини, лекин иккинчи томондан, Пермишль қалъасининг комендант генерал Кусманек Киевга келганини, шунингдек, Сербияда бизнинг ўн битта таянч пунктимиз қолганини ва серблар бизнинг солдатларимиз орқасидан анча вақтгача қувиб ета олмасликларини ҳикоя қиларди.

Сўнгра Швейк баъзи маълум жанглари танқид қилишга тутинди ва гўё Америка очгандек бўлиб, ҳамма томондан қуршаб олинган бўлинма албатта таслим бўлиши керак, деди.

У, мириқиб гаплашиб бўлганидан кейин, жиғибийрон бўлиб турган хонимнинг олдига келиб, унга, ҳозир қайтиб келаман, ҳеч қаёққа кетиб қолманг, деди-ю, ўзи юқоридаги маҳкамага чиқиб кетди, у ердан поручик Лукашни қидириб топди. Шу вақтда поручик Лукаш оқоп схемаларидан бирини қандайдир бир подпоручикка тўшунтириб, сиз чизишни билмас экансиз ва геоматрия тўғрисида заррача тушунчангиз йўқ экан, деб уни койиб турган эди.

Мана бунга қаранг, бундай қилиб чизиш керак. Агар шу тўғри чизиққа, перпендикуляр ўтказмоқчи бўлсак, биз икки чизиқ туташганда тўғри бурчак ҳосил қиладиган қилиб тўппа-тўғри чизиқ ўтказишимиз керак. Тушундингизми? Агар сиз окопларни тўғри қазисангиз, окопларингиз душман турган жойдан чиқиб қолмайди, балки ундан олти юз метр берида қоласиз. Башарти, сиз чизганингизга ўхшаш окоп қазиладиган бўлса, бизнинг позицияларимиз душман линиясининг нариёғига ўтиб кетади ва ўз окопларимиз билан душманга перпендикуляр бўлиб қоламиз. Сизга эса, тўмтоқ бурчак керак. Буни чизиш жуда осон-ку, шундай эмасми?

Тинч вақтда банкда кассир бўлиб хизмат қилиб юрган запасадаги подпоручик ноилож бўлиб ва нима қилиши билмай чертёжларга қараб турган эди. Швейк поручик олдига келиб рапорт бера бошлаганини эшитиши билан, у хурсанд бўлиб хўрсиниб қўйди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, қандайдир бир хоним шу хатни сизга топширишимни илтимос қилди ва жавоб кутиб турибди.— Шу гапни айтиб, у сирдош ошналардек маънодор имлаб қўйди.

Поручик ўқиб чиққан хат унда яхши таассурот қолдирмади. «Lieber Heinrich! Mein Mann verfolgt mich: Ich muss unbedingt bei Dir einpaar Tage gastieren. Dein Bursch ist ein grosses Mistvieh. Ich bin unglücklich. Deine Katy»<sup>1</sup>.

Поручик Лукаш бир хўрсиниб олди, Швейкни шу хона ёнидаги бўш маҳкамага олиб кириб, эшикни беркитди-да, столлар ўртасида қадам ташлаб юра бошлади. Ниҳоят, Швейкнинг олдида тўхтаб, деди:

— Бу хоним сизни ҳайвон деб ёзибди. Унга нима қилувдингиз?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, унга ҳеч нима қилганим йўқ. Лозим бўлган гапларни айтдим, аммо у дарров квартирага жойлашиб олмоқчи бўлди. Сиздан ҳеч қандай кўрсатма олмаганлигим сабабли уни уйда қолдира олмадим. Яна бунинг устига, у худди ўзининг уйига келгандек иккита чемодан билан келибди.

---

<sup>1</sup> Азизим Генрих! Эрим орқамдан қувиб юрибди. Уйингда икки кун меҳмон бўлишим керак. Деншчигинг ҳайвон экан. Шўрим қурсин. Сенинг Катинг (немисча).

Поручик яна бир марта қаттиқ хўрсинди, Швейк ҳам хўрсиниб қўйди.

— Нима?!— ваҳимали қичқирди поручик.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, бу оғир ҳол. Бундан икки йил аввал Войтешка кўчасидаги пардозчи устанинг уйига бир жувон кириб олган эди, у ўша жувонни уйдан чиқара олмай жуда қийналди. Ниҳоят, у ўзини ҳам, ўша жувонни ҳам ёнар газ билан заҳарлашга мажбур бўлди ва шу тариқа ҳазилга чек қўйди. Хотинларга иши тушган кишининг шўри қурсин! Мен улар қанақалигини жуда яхши биламан!

— Оғир ҳол!— такрорлади поручик ҳам Швейкнинг кетидан, у ҳеч қачон бундай ҳақиқат гапни айтмаган эди.

«Азизим Генрих» ҳақиқатан ҳам ёмон аҳволга тушиб қолган эди. Эри қувлаб келаётган хотин унинг уйига бир неча кун меҳмон бўлиш учун келибди, ваҳолонки, худди шу кунларда Тршебондан пани Мицкова келиши керак, бу хоним ҳар уч ойда Прагага бозор қилиш учун келганида ҳар сафар мунтазам равишда унинг уйида қиладиган ишини уч кун такрорлаш керак. Яна бунинг устига индинга яна бир хоним келиши керак эди. Бу хоним бутун бир ҳафта ўйлаб юриб, ниҳоят, поручик Лукашга, хоҳлаганингизни қилинг, деб розилик берган, чунки бир ойдан кейин барибир инженерга эрга тегар экан.

Поручик бошини энгаштириб столда индамай ўтираркан, ўйлаб-ўйлаб ниҳоят, бир қарорга келган бўлса керак, хизмат бланкасига қуйидаги хатни ёзиб, уни конверт ичига солди:

«Азизим Кати!

Кечқурун соат 9 гача хизматда бўламан. 10 да келаман. Ўзингни худди уйдагидек ҳис қилишингни сўрайман. Менинг деншчигим Швейкка келганда, сенинг ҳамма истакларингни бажаришни унга буюриб қўйдим.

Сенинг *Индрижихинг*».

— Хатни хонимга бериб қўйинг,— деди поручик.— Сизга буйруқ шуки, у билан хушмуомала бўлинг ва эҳтиёт бўлиб гаплашинг, унинг ҳамма истакларини ўзингиз учун қонун деб билиб, бажо келтираверинг. Сиз

у билан сипогарчилик билан муомала қилинг. Қўрққаннингиздан эмас, балки виждонан хизмат қилинг. Мана бу юз кронни олинг, кейин менга ҳисобини берасиз. Эҳтимол, у сизга бирор нарса олиб келишни буюрар, унинг учун тушқи, кечки овқатларни буюринг ва ҳоказо. Бундан ташқари, уч шиша вино ва бир қути «Мемфис» сотиб олиб келтириб қўйинг. Шундай. Ҳозирча бошқа гапим йўқ. Кетишингиз мумкин. Сизга яна эслатиб айтаманки, хонимнинг қандай истаги борлигини кўзларидан пайқашингиз билан уни дарров бажаришингиз керак.

Швейкни кўриш умидини бутунлай узиб қўйган ёш хоним у казармадан чиқиб келаётганлигини ва қўлида хат борлигини кўриб, таажжубланди.

Швейк ҳарбийчасига салом бериб, унинг қўлига хатни топшираркан, деди:

— Жаноб обер-лейтенантнинг буйруғига биноан, мен сиз хоним билан хушмуомала ва ширин сухан бўлишга, қўрққангиздан эмас, балки виждонан хизмат қилишга ва қандай истагингиз борлигини кўзларингиздан пайқаб олишим биланоқ шу истақларнинг ҳаммасини бажо келтиришга мажбурман. Сизни овқатлантириш ва истаган нарсангизнинг ҳаммасини сотиб олиб, келтириб бериш, буюрилди менга. Бунинг учун мен жаноб обер-лейтенантдан юз крон олдим, лекин шу пулга мен яна уч шиша вино ва бир қути «Мемфис» сigaretети сотиб олишим лозим.

Хоним хатни ўқиб чиққанидан кейин танасига яна жон кирди, шунинг учун ҳам Швейкка извошчи ёллашди буюрди. Бу буйруқ бажо келтирилганидан кейин у, Швейкка кучернинг ёнига ўтириб боришни буюрди.

Улар уйга жўнашди. Хоним уй ичига киргач, уй бекаси ролини маҳорат билан бажарди. Хонимнинг буйруғи билан Швейк чемоданларни ётоқхонага киритиб қўйди ва гиламларни ташқарига олиб чиқиб, чангини қоқди. Хоним ойна орқасига ўргимчак сезилар-сезилмас ин қўйганини кўриши билан ниҳоят даражада ғазабга келди.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси хонимнинг ўзи курашиб қўлга киритган шу позицияда узоқ вақт ўрнашиб қолиш ниятида эканлигидан далолат бериб турарди.

Швейк терлаб ишлайверди. Гиламларнинг чангини қоқиб бўлгандан кейин, хоним унга дераза пардаларни



кўчириб олиб, қоқиб келишни буюрди. Сўнгра Швейк хонадаги ва ошхонадаги деразаларни ювиб-тозалаш тўғрисида буйруқ олди. Шундан кейин хоним мебелларни қайтадан жойлаштиришга киришди. Бу ишни у жуда асабийлик билан қилмоқда эди, Швейк мебелларнинг ҳаммасини бурчакдан бурчакка ўтказиб бўлганидан кейин, бу нарса хонимга яна ёқмади, шунинг учун ҳам у мебеллар ўрнини яна ўзгартириш ва уларни янгича жойлаштириш устида ўйлай бошлади.

Хоним бутун квартирани остин-устин қилди, лекин унинг уя қуришга сарфлаётган ғайрати тобора сўниб, уйни остин-устин қилишни аста-секин бас қила бошлади.

Хоним ёстиқ жилдлари ва чойшабларни жавондан олиб, оддий ва пар ёстиқларни жилдлаб қўйди. Бу ишларни у ўринга меҳр-муҳаббат қўйиб қилаётганлиги кўриниб турарди. Ўриннинг кўриниши унинг ҳиссиётларини кўзғатиб, бурун катаklarини кериб юбормоқда эди.

Сўнгра у Швейкни овқат ва вино олиб келишга юборди, аммо ўзи ечиниб, эрталабки ҳарир кўйлакни кийиб олди, шу ҳолатда у эркак зотини ниҳоят даражада суқлантирдиган тусга кирди.

Хоним овқатланиб туриб, бир шиша винони ичиб бўлди, бир талай «Мемфи»ни чекиб тугатди, кейин ўринга бориб ётди. Швейк эса, ошхонада солдатча нонни стакандаги ширин ароққа ботириб урмоқда эди.

Ётоқхонадан бирданига овоз эшитилди:

— Швейк! Швейк!

Швейк эшикни очган эди, ёстиқ қучоқлаб ётган ёш хонимнинг чиройли қоматига кўзи тушди.

— Кираверинг!

Швейк ўрин олдига келди. Хоним эса, қапдайдир бошқача жилмайиш билан унинг келишган қоматини ва йўғон сонини кўздан кечириб чиқди. Сўнгра ўзининг бутун гавдасини ёпиб ва бекитиб турган нозик чойшабни очиб, қатъий буюрди:

— Оёқ кийимингизни ва шимингизни ечинг. Қани, бир кўрсатинг-чи...

Поручик казармадан қайтиб келганида шоввоз солдат Швейк соф виждон билан рапорт берди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, хонимнинг ҳамма истаклари-

ни бажо келтирдим ва сизнинг буйруғингизга бионан, кўрққанимдан эмас, балки виждонан ишладим.

— Раҳмат, Швейк,— деди поручик.— Унинг истаклари кўп эканми?

— Тахминан олтита,— рапорт берди Швейк.— Мана энди чарчаб, қотиб ухлаб ётибди. Унинг кўзларида қандай истак борлигини пайқашим билан шу истакларнинг ҳаммасини бажо келтирдим.

## V

Душман сиқуви билан ўрмонлар ичида Дунаец ва Рабе дарёларининг бўйига келиб қолган Австрия кўшинлари, снарядлар ёмғири остида шумшайиб турган йирик калибрли тўплар эса, Карпат тоғида австрияликларнинг бутун-бутун роталарини тилка-пора қилиб ер қаърига тикаётган, уруш ҳаракатлари давом этаётган жойларнинг ҳаммасида ловуллаб ёнаётган қишлоқлар ва шаҳарларнинг алангаси уфқни қип-қизил қилиб юбораётган бир маҳалда поручик Лукаш ва Швейк эридан қочиб келган ва энди уй бекаси ролини ўйнаётган хоним билан қилаётган айш-ишратларини унчалик кўнгилли деб бўлмас эди.

Бир кун хоним сайр қилишга чиқиб кетганида, поручик Лукаш хонимдан қандай қилиб қутулиш тўғрисида Швейк билан ҳарбий кенгаш ўтказди.

— Хонимнинг қаердалигини эрига шилшитиб қўйсак ва ўзи келиб уни олиб кетса, шундан яхши иш бўлмайди, жаноб обер-лейтенант,— деди Швейк.— Сиз ўзингиз, хонимни эри қидириб юрибди, деган эдингиз. Хонимнинг мен сизга элтиб берган хатида ҳам шундай деб ёзилган эди. Хотининг бизникида, уни олиб кетишинг мумкин, деб эрига телеграмма юборсангиз, бу ташвишдан қутуласиз, қўясиз. Вшенордаги бир боғда ўтган йил худди шундай ҳодиса рўй берган эди. Лекин ўшанда эрига телеграммани хотинининг ўзи юборган, эри эса етиб келиб, хотинининг ҳам, ўйнашининг ҳам тумшугига солган эди. Лекин у ҳарбий хизматдаги одам эмас, офицерни бундай қилолмайди... Аслини олганда, сизда ҳеч қандай айб йўқ, сиз уни уйингизга чақириб келтирмагансиз, башарти, хотин қочиб келган бўлса, бунинг оқибати нима бўлишини ўзи билиб қилган. Ма-

на кўрасиз, телеграммангиз сизни шу кулфтдан қутқаради. Башарти, эри ҳатто бир-икки мушт солган тақдирда ҳам...

— У жуда зиёли одам,— деди поручик Лукаш Швейкнинг гапини бўлиб,— мен уни биламан. У улгуржи хмель сотиш билан шугулланади. Ҳақиқатан у билан гаплашиб қўйиш керак. Унга ўзим телеграмма юбораман.

Савдо ишидаги ҳамма телеграммалар каби Лукашнинг телеграммаси ҳам лўнда қилиб ёзилди:

«Рафиқангизнинг адреси ҳозирча..» Сўнгра, поручик Лукаш квартирасининг адреси кўрсатилди.

Кунларнинг бирида хмель билан улгуржи савдо қилувчи савдогар Лукашнинг квартирасига келиб кирганини кўриб, пани Катининг қути учиб кетди ва ҳайрон бўлиб қолди. Пани Кати ўзини йўқотиб қўймай, ҳар иккала эркакни бир-бирига таништирганида савдогар жуда одми ва ғамхўр эр сифатида муомала қилди.

— Менинг эрим... Бу киши — жаноб поручик Лукаш.

Хонимнинг миясига шундан бошқа сўз келмади.

— Марҳамат қилиб ўтиринг, пан Вендлер,— деди илтифот билан поручик меҳмонга ва портсигарини очиб унга тутди:

— Чекасизми?

Зиёли хмелфуруш камол эҳтиром билан бир сигаретни олиб уни тутатар эжан, эҳтиётлик билан сўради:

— Қачон фронтга кетасиз, жаноб поручик?

— Мени Будейовицадаги Тўқсон биринчи полкка кўчиришни сўраб, рапорт бердим. Ёлланган офицерлар мактабидаги ишларимни тамомлашим билан жўнаб кетсам керак. Бизга жуда кўп офицер керак, лекин афсуски, ҳозирги вақтда ачинарли бир ҳол бўлиб турибди, ёлланиб ҳарбий хизматга киришга ҳақли бўлган ёшлар ўзларининг шу ҳуқуқларидан фойдаланишга интилмаётирлар. Юнкерлар бўлиб қолишга интилиш ўрнига, оддий аскар қаторида қолишни афзал кўрмоқдалар.

— Хмель савдосига уруш катта зарар етказди, бироқ бу уруш узоқ давом этмаса керак, деб ўйлайман,— деди савдогар дам хотинига, дам поручикка кўз ташлаб.

— Бизнинг аҳволимиз жуда яхши,— деди поручик Лукаш.— Марказий давлатларнинг армияси енгиб чиқишига энди ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди. Австрия-Туркия-Германия иттифоқи жуда мустаҳкам. Франция, Англия ва Россия бу иттифоқ олдида ғоят ожизлик қи-

лади. Дуруст, баъзи фронтларда оз-моз муваффақият-сизликка учрадик. Бироқ шу нарса шубҳасизки, Карпат тоғи билан Урта Дунаец ўртасидаги фронтни ёриб ўтишимиз билан уруш дарров тугайди. Худди шунингдек, французлар ҳам катта хавф остида турибди: улар яқин фурсатда Франциянинг бутун шарқий қисмини қўлдан бериб қўядилар ва бундан ташқари, герман қўшинлари Парижга бостириб киради. Албатта шундай бўлади. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Сербияда бизнинг маневрларимиз жуда муваффақиятли ўтяпти. Қўшинларимиз чекинаётган бўлса ҳам, аммо ҳақиқатда бундай эмас, улар турган жойларини ўзгартиришяпти, холос. Кўп кишилар буни бугунлай бошқача тарзда изоҳламоқдалар, ваҳолонки, уруш вақтидаги оддий эҳтиёткорлик бутунлай бошқа изоҳни талаб қилади. Уруш ҳаракатларининг жанубий қисмида жуда пухта ўйлаб қилган маневрларимиз ўз самараларини беради, яқин фурсатда биз буни кўришимиз турган гап. Марҳамат қилиб, мана бунга қаранг...

Поручик Лукаш хмелфурушни назокат билан елкасидан ушлаб, девордаги осиелиқ харита олдига олиб келди ва уруш ҳаракатлари тасвирланган шу харитадаги айрим пунктларни кўрсатиб туриб, бераётган изоҳини давом эттирди:

— Шарқий Бескида тоғлари бизнинг жуда ишончли таянч пунктимиз. Карпат участкасида ҳам бизнинг кучли таянчимиз борлигини кўриб турибсиз. Мана бу линияда зарба берсак борми, Москвагача тўхтовсиз бораверамиз, уруш биз ўйлаганимиздан кўра ҳам тезроқ тугайди.

Хмелфуруш ўзининг қандай мақсад билан келганлигини ўйлаб ва ишнинг моҳиятига етмоқ учун гапни нимадан бошлаш кераклиги тўғрисида бош қотириб туриб, савол берди:

— Хўш, Туркия-чи?

— Турклар мустаҳкам туришибди,— жавоб берди поручик хмелфурушни стол олдига олиб келиб.— Туркия парламентининг раиси Ғалибей билан Алибей\* Венага келишди. Маршал Лиман фон Зандерс Туркиянинг Дарданел армиясига қўмондон қилиниб тайинланди. Гольц пошшо Истамбулдан Берлинга келди. Бизнинг императоримиз Анвар пошшони\*, вице-адмирал Усидон пошшони ва генерал Жавод пошшони\* орденлар билан

мукофотлади. Шу қадар қисқа муддат ичида анчагина кўп мукофот берилди.

Улар бирмунча фурсат бир-бирларига қараб жим ўтиришди, ниҳоят, бу оғир жимликни бузиш ниятида поручик луқма ташлади:

— Ўзлари қачон келдилар, пан Вендлер?

— Бугун эрталаб.

— Уйимни топиб, мени кўрганлигингиз учун жуда хурсандман: ҳаминша мен тушки овқатдан сўнг казармага бориб, тун бўйи ўша ерда бўламан. Хизматим тунги хизмат. Тўғриси айтганда, квартирам бутун кун бўйи бўш ётади. Шунинг учун ҳам мен рафиқангизга ўз меҳмондўстлигимни таклиф қилиш имкониятига эга бўлдим. Хоним Прагада бўлган вақтларида у кишини бу ерда ҳеч ким безовта қилмайди. Эски қадрдонлик ҳурмаги учун...

Хмелфуруш бир йўталиб олди.

— Кати ажойиб хотин, жаноб поручик. Унга қилган ҳамма яхшиликларингиз учун самимий ташаккуримни қабул этгайсиз. У асабларимни даволатмасам бўлмайди, деб бирданига Прагага жўнаб қолибди. Мен сафарда эдим, уйимга қайтиб келсам, ҳеч ким йўқ. Кати кетиб қолибди...

У самимият билан гапирётгандек бўлиб, бармоғи билан хотинига дўқ қилар экан, мийиғида илжайиб сўради:

— Эрим иш билан кетиб қолган бўлса, мен ҳам уйдан чиқиб кетишим мумкин, деб шундай қилган бўлсанг керак. Албатта, сен бир нарсани ўйламаган бўлсанг керакки...

Поручик Лукаш гап кутилмаган томонга бурила бошлаганини кўриб, зиёли хмелфуруш савдогарни яна уруш ҳаракатлари харитаси олдига олиб келди ва харитадаги чизиб қўйилган жойларни кўрсатиб, деди:

— Яна жуда мароқли бир ҳолатга эътиборингизни тортишни унутибман. Жануб-ғарбга қараб турган мана бу катта дугага қаранг, бу ердаги бир неча тоғ табиий истеҳком вазифасини ўтайди. Иттифоқчилар шу ердан хужум қилиб келмоқда. Истеҳкомни душмanning асосий ҳимоя линияси билан боғлаб турган йўлга чиқиб олсак, бу билан душмanning ўнг қаноти билан Висладаги Шимолий армия ўртасидаги алоқа йўлини кесиб қўямиз. Бунини энди тушундингизми?

Хмелфуруш, энди менга буларнинг ҳаммаси равшан бўлди, деб жавоб берди, лекин буни бирор маънони билдирувчи ишора деб ўйлашлари мумкин, деган фикр бирданига хаёлига келиб қолди-да, ўзига хос назокат билан аввалги жойига бориб ўтириб, деди:

— Уруш сабабли биз хмелни чет мамлакатларга сота олмайдиган бўлиб қолдик. Франция, Англия, Россия ва Болқон мамлакатларининг бозорлари энди бизнинг хмелимиз учун ёпиқ. Ҳозирча биз уни Италияга юбориб турибмиз, лекин Италия ҳам бу ишга аралашиб қолади, деган хавотирдаман. Бироқ ғалаба қилганимиздан кейин молларимизнинг нархини ўзимиз белгилаб берадиган бўлиб қоламиз!

— Италия қатъий бетарафлик сақлаб турибди,— деб уни юпатди поручик.— Бу мутлақо...

— Лекин Италия, Австрия-Венгрия ва Германия билан тузилган уч давлат иттифоқига ўзининг боғлиқ эканлигини нега тап олишни истамаётир?— Ҳам хмель, ҳам хотини, ҳам уруш билан бирданига боши гангиб қолган хмелфурушнинг тўсатдан жаҳли чиқиб, шу саволни берди.— Италия Франция ва Сербияга қарши уруш бошлайди, деб кутган эдим. Шундай қилинганда уруш тезроқ тугаб қолган бўларди. Омборларимда хмелим чириб кетяпти. Мамлакат ичкарасида хмелнинг бозори касод, чет мамлакатларга чиқариб сотишнинг иложи йўқ, Италия бўлса бетарафлик сақлаб турибди. Италиянинг нияти шундай экан, нега у бир минг тўққиз юз ўн иккинчи йилда биз билан яна уч давлат иттифоқини тузди? Италия ташқи ишлар министри маркизди Сан Жульяно нимани ўйлаяпти? Бу жанобнинг ўзини қиляпти? Ухлаб ётибдими? Менинг йиллик оборотим урушдан олдин қандай бўлган эди-ю, ҳозир қандайлигини биласизми?

Шундан сўнг у бемалол паға-паға тутун чиқариб, сигарет чекиб ўтирган поручикка ғазаб билан назар ташлаб, гапни давом эттирди:

— Сиз мени воқеалардан беҳабар деб ўйламанг.

Тутуннинг бир ҳалқаси иккинчи ҳалқасига етиб олиб уни тарқатиб юбораётганлигини пани Кати мароқ билан кузатиб турарди.

— Германлар Парижга етиб қолган эдилар, нега улар ўзларининг чегараларига чекиндилар? Нега Маас билан Мозель ўртасида яна қизгин артиллерия отиш-

малари бўлиб турибди? Мендан ҳар йил беш юз қопдан зиёд хмель сотиб оладиган Комбр-а-Веврдаги Маршнинг\* учта пиво заводи ёниб кетганлигини биласизми? Вогездаги Гартмансвейларнинг пиво заводи\* ҳам куйиб, кул бўлди. Нидерсбахда Милгаузнинг\* жуда катта пиво заводи ер билан яксон қилинди. Мана шунинг ўзи менинг фирмам учун йилга бир минг икки юз қоп хмель зарар келтиради. Немислар Клостергекадаги\* пиво заводини олиш учун бельгияликлар билан олти марта жанг қилишди, бу ҳам мен учун йилга уч юз эллик қоп хмелдан ажралиб, яна зарар кўриш демакдир.

У ҳаяжонланганидан тутилиб қолди-да, ўрнидан туриб хотинининг олдига келгач, бундай деди:

— Кати, ҳозир мен билан кетасан. Кийин!

У бир дақиқа ўтгач, кечирим сўрагандек бўлиб, яна гап бошлади:

— Шу воқеаларнинг ҳаммаси мени жуда асабий қилиб қўйяпти. Илгари мен жуда оғир ва вазмин одам эдим.

Хотини кийинишга кириб кетганидан кейин, у поручикка секингина деди:

— Бу ҳунарни у биринчи марта қилаётгани йўқ, ўтган йил бир ўқитувчи билан кетиб қолган эди. Ушанда мен уни Загребдан аранг топиб олган эдим. Кези келгандан фойдаланиб ўшанда Загреб пиво заводи билан олти юз қоп хмель етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган эдим. Ҳа, нимасини айтасиз, жануб менга олтин хазина эди. Бизнинг хмелимиз Истамбулгача жўнатилар эди. Энди бизнинг ярмимиз нобуд бўлди. Агар ҳукумат мамлакат ичида пиво ишлаб чиқаришни чеклаб қўядиган бўлса, бу билан бизга охири зарба берган бўлади.

Хмелфуруш поручик таклиф қилган сигаретани чекишда давом этиб, яна гапини йиғламсирагандай улаб кетди:

— Биргина Варшаванинг ўзи биздан икки минг уч юз етмиш қоп хмель сотиб олар эди. У ердаги Августин заводи энг катта пиво заводи ҳисобланарди. Уларнинг вакили ҳар йили меникига меҳмон бўлиб келар эди. Ахир, жиғибийрон бўлсам арзийди-да! Яхшики, болаларим йўқ.

Варшавадаги Августин заводи вакилининг ҳар йил меҳмон бўлиб келиши тўғрисидаги гапдан чиқарилган бу хулосани эшитиб, поручик енгилгина жилмайиб қўйди,

аммо бу жилмайиш хмелфурушнинг эътиборидан чет-да қолмади, шунинг учун ҳам у ўзининг гапини давом эттиришни лозим топди.

— Венгриянинг Шопрондаги ва Катта Каниждаги пиво заводлари мендан сотиб олинган хмелни хорижий мамлакатларга сотиладиган пиво ишлаб чиқариш учун ишлатар эдилар. Улар шу пивони Искандарияга ҳам олиб бориб сотардилар. Улар мендан ҳар йил қарийб минг қоп хмель олиб туришар эди. Блокада сабабли энди улар ҳеч қандай заказ бермоқчи эмас. Мен уларга хмелни ўттиз процент арзон бераман, деб таклиф қилаётган бўлишимга қарамай, улар бир қоп ҳам хмель заказ қилишаётгани йўқ... Бозор касод, иш пачава, қашшоқлик, яна бунинг устига оилавий кўнгилсизликлар!

Хмелфурушнинг чакаги гапдан тўхтади. Бу жимликни жўнашга тайёрланган пани Қати бузди.

— Чемоданларимизни нима қиламиз?

— Олиб кетишга одам юбораман, Қати,— деди хмелфуруш, бу можаро кўнгилсиз ва қутулмаган воқеалар рўй бермай тугаганлигидан мамнун бўлиб.— Агар сотиб оладиган нарсаларинг бўлса, энди кетишимиз керак. Поезд икки-ю йигирмада жўнайди.

Эр-хотин поручик билан дўстона хайрлашдилар. Бу можаро осойишталик билан тугаганлигидан ғоят хурсанд бўлган хмелфуруш даҳлизда хайрлашиб туриб поручикка деди:

— Худо кўрсатмасин, агар жароҳатланиб қолсангиз, тузалниш учун бизнинг уйимизга келинг. Сизни яхшилаб парваришлаймиз.

Пани Қати йўлга отланиб кийиниб бўлганидан кейин поручик ётоқхонага қайтиб кирганида умивальник устида турган тўрт юз крон пулга ва қўйидаги хатга кўзи тушди:

«Жаноб поручик, сиз мени мана шу маймундан, энг уччига чиққан аҳмоқ эримдан сақлаб қололмадингиз. Мени у сизнинг уйингизда эсдан чиқиб қолган қандайдир бир нарсадек судраб кета берса ҳам, сиз унга индамадингиз. Яна бунинг устига сиз мени ўз уйингизга меҳмон тариқасида таклиф қилганингизни айтишдан тортинмадингиз. Менга қилган харажатларингиз шу ерда мен қолдираётган тўрт юз крондан ошиқ бўлмаса керак, деб ўйлайман, шу пулни деншчигингиз билан бўлишиб олишингизни илтимос қиламан».



Поручик Лукаш хатни қўлида ушлаб бир дақиқа туриб қолди, сўнгра уни секин-аста йиртиб ташлади, умивальник устида турган пулга жилмайиб қаради ва пани Қати ойна олдида сочини тараб туриб ҳаяжонланганидан тароғини столда эсдан чиқариб қолдирганини кўргач, бу тароғни ҳам ўзи тўплаб юрган табаррук буюмлар коллекциясига қўшиб қўйди.

Тушки овқатдан сўнг Швейк қайтиб келди. У поручик учун пинчер қидириб кетган эди.

— Швейк,— деди поручик,— омадингиз бор экан. Уйимда турган хотин жўнаб кетди. Уни эри олиб кетди. Қилган ҳамма хизматларингиз учун у сизга умивальник устида тўрт юз крон пул қолдирибди. Сиз унга ва эрига ҳам яхшилаб ташаккур айтишингиз керак, чунки аслини олганда, бу пул ўша хотиннинг йўл харажати учун деб эридан олган пулнинг ўзидир. Сиз унга хат ёзинг, нима ёзишни мен айтиб тураман.

Поручик хатни айтиб турди:

— «Муҳтарам жаноб! Рафиқангиз Прагада турган вақтда унга кўрсатган хизматларим учун менга тўрт юз крон пулни туҳфа қилиб кетибдилар, бунинг учун рафиқангизга самимий ташаккуримни айтиб қўйишингизни ўтинаман. Хонимга пиманки хизмат қилган бўлсам, бу хизматларнинг ҳаммасини бажонудил қилганман, шу сабабли, мазкур пулни қабул қила олмайман ва уни қайтариб юбораман...» Ҳа, нега қараб турибсиз, Швейк. Ёзаверинг! Нега ивирсиб қолдингиз! Айтинг-чи, мен қаерда тўхтадим?

Швейк йиғламсираган аянчли товуш билан... уни қайтариб юбораман...» деб пичирлади.

— Жуда соз! «... уни қайтариб юбораман ва сизга ўз ҳурматимни изҳор қиламан. Рафиқангизга камол ҳурмат билан салом йўллаб, унинг қўлини ўлиб қолувчи Йозеф Швейк, поручик Лукашнинг деншчиги...» Бўлдимми?

— Йўқ, жаноб обер-лейтенант, санасини ҳали айтганингиз йўқ.

— «Бир минг тўққиз юз ўн тўртинчи йил, йигирманчи декабрь». Энди бўлди. Конвертнинг устига адресни ёзиб қўйинг, мана бу тўрт юз кронни олинг-да, почтага бориб, ўша адресга почта орқали жўнатиб юборинг.

Сўнгра Лукаш «Бева хотин» опереттасидаги ария куйини хурсанд бўлиб ҳуштак чалиб, куйлай бошлади.

Швейк почтага кетаётганда поручик уни тўхтатиб сўради:

— Яна бир нарса эсимдан чиқибди, Швейк. Сиз мен учун қидирган итни топдингизми?

— Битта тузукроқ ит топиб қўйдим, жаноб оберлейтенант. Узи жуда ҳам чиройли. Лекин уни ўмариб келиш қийинроқ бўлади. Эртага бир амаллаб етаклаб келарман. Яқин йўлатмай қопяпти!

## VI

Кейинги сўзни поручик Лукаш эшитмай қолди, аммо бу сўз жуда муҳим эди. «Улгур ит дуч келган нарсани тишлаверар экан»— деб Швейк яна бир марта такрорламоқчи бўлган эди-ю, аммо кейин ўзича бундай қарорга келди: «Ахир, поручикка бу гапларнинг нима фойдаси бор? Унга ит керак, топиб берсам бўлди-да».

«Менга ит топиб келинг» деб айтиш осон, албатта. Лекин ҳар бир киши ўзининг ити гарчи зотсиз бўлса ҳам, мана ол, деб кўчага чиқариб қўймайди-ку. Ҳатто кампир эгасининг оёғини иситишдан бошқага ярамайдиган Жучка итни ҳам эгаси яхши кўради ва бегонанинг қўлига бермайди.

Аммо итнинг, айниқса зотли итнинг ўзига яраша фаҳми бор, у ахир бир кун биров ўғирлаб кетишини сезиб туради. Менги биров ўғирлаб кетмасмикин, кўчада хўжайиним меми ўйнатиб юрган вақтида албатта ўғирлаб кетишади, деб хамшира кўрқиб юради. Масалан, ит ўзининг эгасидан сал нарига югуриб кетади, дастлаб суюниб бошқа итлар билан ўйнашади, уялиш ва андиша нималигини билмай, уларнинг устига сакрайверади, улар ҳам шу итнинг устига минаверади, дуч келган нарсани искаб юриб, ҳар бурчакда оёғини кўтариб (айниқса, картошка сотаётган хотиннинг картошкаси устига оёғини кўтариб), ўз билганини қилаверади, хуллас, айшини суриб юраверади. Унинг кўзига олам етуклик аттестати имтиҳонини муваффақият билан топширган ўспирин кўзига кўрингандек ҳақиқатан чиройли бўлиб кўринади.

Лекин сиз тўсатдан бир нарсани дарров пайқаб қоласиз: итнинг шўхлигидан асар қолмайди, у ўзини ҳалок бўлгандек ҳис қила бошлайди. Шундай пайтда итнинг таъби хира бўлиб қолади. У кўрққанидан кўчада

у ёқ-бу ёққа изғийверади, тумшугини чўзганча исқанади, умидсизликка тушиб думини қисади, қулогини шалпайтириб, қаёққа бораётганини ҳам билмай кўчанинг ўртасида довдираб каловлайди.

Агар унинг гапиришга тили бўлганида: «Э худо, мени ўғирлаб кетишяпти-ю!»— деб албатта қичқириб юборган бўларди.

Сиз ҳеч қачон ит бозорида бўлганмисиз, у ерда қўриқиб, ҳурпайиб турган итларни кўрганмисиз? Шу итларнинг ҳаммаси ўғирлаб келинган итлар. Катта шаҳарда алоҳида тур ўғрилар етишган. Бундай ўғрилар нуқул ит ўғирлик қилиб кун кечиради. Итларнинг меҳмонхонабон жажжи зотлари бор. Катталиги қўлқопдай бу митти терьер итлар пальто чўнтагига ёки хотинлар қўлқопига бемалол сиғиб кетаверади, ҳақиқатан ҳам хотинлар уни қўлқоп ичида олиб юради. Ўғрилар ҳатто шу қўлқопингиздан ҳам шўрлик итни ўғирлаб кетишади! Шаҳар чеккасидаги ҳашаматли уйни хўмрайиб қўриқлаб турадиган қопогон ва холдор немис догини ўғрилар ярим кечада ўғирлашади. Полициячилар итнинг эгасининг тумшуги остидан ўмариб кетишаверади. Агар сиз итни чизимчасидан ушлаб етаклаб кетаётган бўлсангиз, унинг чизимчасини узиб, ит билан бирга гойиб бўлишади, сиз бўлсангиз учи қўлингизда қолган чизимчага қараб нима қилишингизни билмай, қаққайиб қолаверасиз. Кўчада сиз кўрган итларнинг ярми ўз эгасини бир неча марта алмаштирган итлардир. Ҳатто, сиз бундан бир неча йил муқаддам сайр қилиб юрган вақтингизда ўғирлатиб қўйган кучукчангизни ҳам кейин ўзингиз соғиб олишингиз мумкин.

Аммо итни катта ва кичик табиий эҳтиёжларни ўташ учун нарироққа олиб чиқилган вақтда унинг ўғрилар қўлига тушиб қолиш хавфи энг катта хавфдир. Итлар айниқса табиий эҳтиёжларини адо этиб турган пайтларда кўпинча ўғрилар қўлига тушиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ит мана шундай маҳалда ўз атрофига эҳтиётлик билан алашглаб туради.

Итларни ўғирлашнинг бир неча усули бор. Итни чўнтак ўғрилари ўғрилагани каби тўппа-тўғри ўғирлаб кетишаверишади ё бўлмаса, макр-ҳийла билан у бечорани бошқа итга алмаштириб қўйишади. Ит вафодор жонивор... аммо фақат хрестоматияларда ва табиёт дарсликларидагина шундай. Энг вафодор итга қову-

рилган от гўшти сосискасини искатиб қўйсангиз, у ўзини бутунлай йўқотиб қўяди.

Ўзи билан ёнма-ён кетаётган эгасини унутиб қўйиб, орқага бурилади-да, кетингиздан чопиб келаверади. Унинг оғзидан сўлақлари оқа бошлайди, от гўштини ейиш умидида сизга хушомад қилиб думини силкитаверади ва байтал олдига олиб борилаётган шўх айғир каби бурнининг катақлари керилиб кетади.

\* \* \*

Малая Странадаги сарой зинапоясининг остида кичкина пивоҳона бор. Қушларнинг бирида мана шу пивоҳона ичидаги ним қоронғи бурчакда икки киши: бир солдат билан фуқаро кийимидаги киши ўтирган эди. Улар бир-бирларига энгашиб, махфий гапларни шивирлашмоқдалар. Уларнинг иккови ҳам Венеция республикаси вақтидаги фитнесчиларга ўхшарди.

— Унинг хизматчиси ҳар кун эрталаб соат саккизда этни Гавличково майдони бурчагидаги хиёбонга олиб боради,— деб шивирларди фуқаро кийимидаги киши солдатга.— Лекин ўзи ўлгудай қопоғон ит экан. Юнги-зи силашга ҳам яқин йўлатмаяпти.

Фуқаро кийимидаги киши солдатга тағин ҳам яқинроқ энгашиб унинг қулоғига шивирлади:

— Ҳатто гўшт ҳам емайди.

— Қовурган гўштини-чи?

— Қовурганини ҳам емайди.

Иккови бир тупуриб олишди.

— Бўлмаса, у ярамас нима ейди?

— Нима ейишини ким билади дейсиз! Сенинг архиепископингга ўхшаган шунақа нозик, эрка итлар ҳам бўлар экан.

Солдат билан ўша фуқаро кийимидаги киши чўқинштириб ичиб олишди, сўнгра фуқаро кийимидаги киши яна шивирлади:

— Қламовкадаги итхонага мен битта швиц топиб беришим керак эди. Ўзимга жуда керак бўлган шу итни топдим, лекин у ҳам меннинг қўлимдаги гўштга сира қарамасди. Ўша итнинг пайига тушиб уч кун овра бўлдим, ниҳоят, тоқатим тоқ бўлди ва итни эгаси ўйнатишга олиб чиққанида ўша хотиндан, бу итингиз нима ейди, деб дангал сўрадим. Ўзиям жуда чиройли

ит эди-да. Бу гапим хотинга ёқиб тушди, хурсанд бўлиб у менга, шпиц қиймаланган котлетларни жуда яхши кўради, деди. Мен унга шницель топиб келдим. Шницель котлетдан ҳам яхшироқ бўлади, деб ўйладим. Буни қараки, баччағар шпиц шницелга ҳатто қайрилиб, ҳам боқмади, кейин билсам, шницель бузоқ гўшти экан, аммо ит чўчқа гўшtidан бошқа гўштни тан олмас экан. Чўчқа гўшти отбивнойни сотиб олишга мажбур бўлдим. Унга отбивнойни бир марта ҳидлатиб қўйиб, ўзим югуриб кетавердим. Ит орқамдан келаверди. Эгаси нуқул: «Пунтик! Пунтик!» деб ёлвораверди. Пунтик қулоқ солармиди! У котлет ейиш умидида орқамдан югуриб келаверди, мен бурчакка бурилдим, у ҳам дарров олдимга келди, шу ондаёқ унинг бўйнига занжир солдим, эртасигаёқ уни Кламовкадаги итхонага элтиб бердим. Итнинг кўкрагида бир неча оқ қашқаси бор эди, дарров мен бу қашқани қоп-қора қилиб бўяб қўйдим, ҳеч ким таний олмайдиган бўлиб қолди... Аммо бошқа итларнинг ҳаммаси (бунақа итлар жуда кўп) қовурилган от гўштини кўрсатсанг орқангдан эргашиб келаверади... Ҳар ҳолда, Швейк, хизматчи хотиндан, бу итнинг яхши кўрадиган овқати нима деб сўраганинг яхшироқ. Ўзинг қадди қомати келишган солдатсан, сенга у дарров айта қолади. Бир вақт мен ундан сўраган эдим, у бўлса менга худди бигиз тикқандай бақрайиб қараб туриб: «Итимнинг овқати билан нима ишингиз бор?»— деди. Хотин ўзи унчалик чиройли эмас, маймуннинг худди ўзи, лекин солдат билан жон деб гаплашади.

— Ўзи ҳақиқатан ҳам зоти тоза пинчерми? Менинг обер-лейтенантим бошқа ит тўғрисида эшитишни ҳам хоҳламайди.

— Жуда чиройли пинчер! Кўрсанг ҳайрон қоласан, зоти жуда тоза! Сенинг отинг Благник эмас, Швейк эканлиги нечоғлик тўғри бўлса, менинг бу гапим ҳам худди шундай тўғри гап. Мен ўша итнинг қандай овқат ейишини билиб олсам бўлгани. Яхши кўрган овқатини топиб бериб, уни сенга етаклаб олиб келавераман.

Ошналар яна чўқиштириб ичишди. Швейк урушдан олдин ҳам итфурушлик қилар эди. Унга итларни Благник топиб берарди. У ўз ишининг омилкор мутахассиси эди. Айтишларига қараганда, у итларнинг терисини шилиб оладиган жойдан қутурган деб гумон қилинган итларни махфий сотиб олиб, кейин бошқа жойларга олиб

бориб пуллаб юрар экан. Унинг ўзи ҳам бир марта қутура бошлаганида Венадаги Пастер институтида даволанган эди. Энди у солдат Швейкка беғараз ёрдамлашишни ўзининг бурчи деб ҳисобламақда. У Прагадаги ва унинг атрофидаги ҳамма итларни билади, аммо пивохонада ўзини қовоқхоначига сездириб қўймаслик учун шивирлаб гаплашмоқда, чунки бундан ярим йил аввал қовоқхонада такса кучукка соскали шишачадан сут ичириб, секингина ўғирлаб қочган эди. Эси паст кучук уни ўзининг опаси деб ўйлаган бўлса керак, Благникнинг қўйнида бораётганида ҳатто бир марта ҳам вангиллагани йўқ.

Благник зотли итларнигина ўғирлашни ўзига мақсад қилиб олган эди, бу ишда у суд эксперти бўлиши ҳам мумкин. У итларни хонаси келганида итхоналарга, хусусий кишиларга ҳам топиб бериб турарди. Кўчадан ўтаётганида унга ўзи бир вақтлар ўғирлаган итлар хуриб вовуллайверарди. Аммо бирор витрина олдида тўхтаб қолгудай бўлса, қасоскор ит дарров унинг олдида келиб оёғини кўтариб, шимини ҳўллаб кетарди.

\* \*

\*

Эртасига эрталаб соат саккизда Гавличкова майдо-ни бурчагидаги хиёбон олдида шоввоз солдат Швейкнинг у ёқдан-бу ёққа юриб турганини кўриш мумкин эди. У пинчер етаклаган хизматчи хотинни кутиб турарди. Ниҳоят, Швейк муродига етди. Ўз эҳтиёжини бажарганидан кейин таъби чоғ бўлган ҳамма итлар каби қувноқ, ақлли қора кўзлари жавдираган, жуни хурпайган бир ит унинг ёнидан гизиллаб ўтиб кетди. Ит от тезакларини титкилаб ҳузур қилаётган чумчуқлар билан ўйнашишга тушди.

Сўнгра шу итни асраб сақлашни лозим бўлган хотин Швейкнинг ёнидан ўтиб кетди. Бу одмигина қари қиз сочларини ўриб, бошига чамбарак қилиб олган эди. У ҳўштак чалиб итни чақирар ва қўлида занжирчасини ўйнаб борарди.

Биринчи бўлиб Швейк гап бошлади:

— Кечирасиз, ойим қиз, Жижковга қандай борсам бўлади?

«Ойим қиз» тўхтади, бунда бирор ғаламислик йўқмикин, деб Швейкка тикилиб қаради, лекин Швейкнинг

хушрўй қиёфасидан бу солдат ҳақиқатан ҳам Жижковга бормоқчи бўлганлиги кўриниб тургандек сезилди. Қизнинг чеҳраси очилди ва Жижковга қандай қилиб бериш йўлини мулоимлик билан тушунтириб берди.

— Мени Прагага яқинда олиб келишди,— деди Швейк,— ўзим бошқа ёқдан келганман, бу ерлик эмасман. Сиз ҳам прагалик эмасмисиз?

— Воднянликман.

— Ҳамшаҳармиз десак бўлар экан, мен противинликман.

Швейк маневрлар вақтида Жанубий Чехияда бўлиб, унинг географиясини яхши билганлиги қари қизнинг қалбида ўзи туғилиб ўсган юрт меҳрини кўзғатиб юборди.

— Агар ундай бўлса, сиз Противиндаги майдонда қассобчилик қиладиган Пейхарни танирсиз?

— Албатта танийман! Менинг акам бўлади-ку. Ҳамма уни яхши кўради. Ўзи яхши, ҳожатбарор одам. Яхши гўшт бериб туради, ҳеч қачон кам тортмайди.

— Сиз Ярешларнинг ўғли эмасмисиз?— сўради қари қиз нотаниш солдатга меҳри товланиб.

— Худди шундай.

— Ундай бўлса, қайси Ярешнинг ўғлисиз, Противин яқинидаги Корчада турадиган Ярешнинг ўғлимисиз, ёки Ражицдаги Ярешнинг ўғлимисиз?

— Ражицдагининг ўғлиман.

— Хўш, ҳозир у ерда аҳвол қалай? Ҳалиям у пиво гашиб юриптими?

— Ташиб юрибди, тирикчилиги шу-да.

— Ҳозир ёши олтмишдан ошиб қолгандир?

— Баҳорда роса олтмиш саккизга тўлди,— осойиштагина жавоб берди Швейк.— Яқинда ўзига у бир иг топиб олди, энди у сафарда зерикмайди. Ит аравасининг устига ўтириб кетаверади. Ўзи худди анави чумчуқ қувиб юрган кучукка ўхшайди... Бирам чиройли ит эканки, қаранг!

— Бизнинг итимиз-ку,— деб тушунтирди Швейкка энди танишиб олган қари қиз.— Мен бу ерда жаноб полковникнинг уйларида оқсочман. Бизнинг полковникимизни танийсизми?

— Танийман. Жуда ўқимишли зот, — деди Швейк.— Бизнинг Будйовицада ҳам шунақа бир полковник бор эди.

— Хўжайинимиз жуда қаттиққўл одам. Бизнинг аскарларни Сербияда дабдала қилишибди, деб яқинда миш-миш гаплар тарқалганида у худди қутургандай бўлиб уйга келди, ошхонада ҳамма ликопларни улоқтириб ташлади, менинг ҳам жавобимни бермоқчи бўлди.

— Ҳали бу кучук меники денг?— деди Швейк қизининг гапини бўлиб.— Аттани, менинг обер-лейтенантининг итларга сира тоқати йўқ. Аммо мен итларни яхши кўраман.

У бир оз тўхтаб туриб, тўсатдан деди:

— Ит ҳам дуч келган нарсани еявермайди.

— Бизнинг Фюкс овқатни жуда танлаб ейдиган итлардан. Бир вақтлар гўштни кўришга тоқати йўқ эди, ammo ҳозир яна гўшт ейдиган бўлиб қолди.

— Қанақа гўштни яхши кўради кўпроқ у?

— Жигарни, пиширилган жигарни.

— Бузоқниқиними ёки чўчқаниқиними?

— Унга барибир,— жилмайиб қўйди Швейкнинг ҳамшаҳари, чунки бу саволни у гап топилмай қолинганлиги учун айтилган сўз деб ўйлаган эди.

Улар яна бир оз вақт сайр қилиб юришди. Сўнгра уларга пинчер қўшилди, хизматчи унинг занжирчасидан ушлаб олди. Пинчер Швейк билан танишдек эркаланар, унга сакраб ўйнашмоқчи бўлар ва ҳеч бўлмаса Швейкнинг шимини йиртишга уриниб кўрарди. Лекин ит Швейкнинг нияти бошқалигини сезиб қолгандек, тўсатдан унга сакрашни тўхтатди ва маъюслаиб, ғамгин қиёфада ер остидан унга қараб, худди «демак, менинг бошимга ҳам шу кунни солмоқчи экансан-да?»— дегандек судралиб юра бошлади.

Қари қиз Швейкка ҳикоя қилишга тутинди:— Ҳар кун мен бу ерда кечқурун соат олтида шу ит билан сайр қилиб юраман. Прагадаги ҳеч бир эркакка ишонмайман. Бир вақт мен эрга тегмоқчиман деб газетага эълон берган эдим. Бир слесарь шу эълонни ўқиб, менинг олдимга келди, қандайдир бир балони ихтиро қилганман деб мендан алдаб-сулдаб саккиз юз кронни олди-ю, ғойиб бўлди. Бизнинг томондаги одамларда инсоф бор. Эрга тегмоқчи бўлган қиз фақат қишлоқ йигитига, шунда ҳам уруш тамом бўлгандан кейин тегиши керак. Уруш вақтида эси паст қизларгина эрга тегиши мумкин: уруш вақтида эр қилган қиз бошқа жувонлар каби бева бўлиб қолаверади.



Швейк, мен соат олтида албатта келаман, деди-да, қари қизнинг қалбини бир талай умидлар билан тўлдириб, бу ит ҳар қанақа жигарни еяверар экан, деган хабарни ошнаси Благникка хабар қилиш ниятида жўнаб қолди.

— Унга мол жигарини олиб бораман,— деди Благник.— Фабрикант Видранинг санбернар ити жуда вафодор бўлса ҳам, аммо барибир у мол жигарига учиб, қўлга тушган эди. Эртага сенга итни эсон-омон тутиб олиб келаман.

Благник сўзининг устидан чиқди. Эрталаб Швейк хоналарни супуриб бўлиши биланоқ, эшик орқасида вовиллаган товуш эшитилди, шу ондаёқ Благник қайсарлик қилаётган, жуни асли ҳолидагига қараганда ҳам ҳурпайиб кетган пинчерни уйга судраб олиб кирди. Ҳайвонот боғида ўзининг каттак қафаси олдида турган семиз одамни кўрганида фикриниб ўқраяётган оч йўлбарс каби бу ит ҳам кўзларини олайтириб қараб турарди. Ит тишларини гижирлатиб худди «гажиб ташлайман!» дегандек ириллай бошлади.

Итни ошхонадаги столга боғлаб қўйишди. Шундан сўнг Благник унинг қандай ўғирлаганлигини бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

— Жўрттага унинг ёнидан ўтиб кетдим, қўлимда қозга ўроғлик пиширилган жигар бор эди. Ит искай бошлади, у ёнимдан-бу ёнимдан ўтаверди: Мен бермасдан нарига кетавердим. Ит орқамдан келаверди. Нарироқ боргач, хиёбондан Бредовская кўчасига бурилиб, унга дарров бир бўлак жигар бердим. У мени кўздан қочирмаслик учун йўлакай еб келаверди. Мен Индржишская кўчасига бурилиб, жигарнинг иккинчи бўлагини унга отдим. Ит жигарни еб бўлганидан кейин бўйнига занжир солиб, Вацлавская майдонидан олиб ўтиб, Виноградидан Вршовицгача етаклаб келдим. Йўлда кела туриб ит ажойиб қилиқлар қилди. Трамвай йўлидан ўтаётганимда изга ётиб олди, шу жойдан сира қимирлагиси келмади: трамвайнинг тагида қолиб ўлганим яхши деб ўйлаган бўлса керак. Фукснинг қоғоз магазинидан тоза бланк сотиб олдим. Бу бланкка аттестат ёзишимиз керак. Итларнинг аттестатини сохта-лаштиришга сендан кўра билагон одам йўқ-ку, Швейк!

— Аттестат сенинг қўлинг билан ёзилиши керак. Лейпцигдаги фон Бюлов итхонасидадан чиққан ит деб

ёзиб кўй. Отаси — Арнгейм фон Кальсберг, онаси — Эмма фон Траутендорф, аслида Зигфрид фон Бузентальнинг қизи. Отаси бир минг тўққиз юз ўн иккинчи йилда итхона пинчерларининг Берлиндаги кўргазмасида биринчи совринни олган. Онаси зотли итларни кўпайтирувчи Нюрнберг жамиятининг олтин медали билан мукофотланган. Узинг айт-чи, ёши нечада экан?

— Тишларига қараганда икки яшар.

— Бир ярим деб ёзавер.

— Ёмон кесилибди, Швейк. Қулоқларига қара.

— Буни тузатса бўлади. Узимизга эл қилиб олгандан кейин ювиб-тараймиз. Аммо ҳозир ит ўзига яқин йўлатмай турипти.

Уғирлаб келтирилган ит увиллар, ириллар эди, тўлғана-тўлғана чарчаб, тили осилиб, ниҳоят, ётиб олди ва энди мени нима қилишар экан, деб кутиб тураверди. Бора-бора бир оз тинчиб қолди, энди фақат аҳён-аҳён-дагина тишини гижирлатиб кўярди.

Швейк жигарининг қолганини Благникдан олиб, итга бермоқчи бўлди. Лекин у жигарин ҳатто искаб ҳам кўрмади. У емишга фақат кўз ташлаб, уларнинг иккесига шундай хўмрайиб қарадики, унинг бу қарашидан: «Нафсимни тиёлмай, бир марта оғзим кўйди, энди ўзларинг еявер», дегандек туюлди.

Ниҳоят, ит тақдирга тан бергандек индамай ётиб олди. Узини мудраганга солиб ётган итнинг хаёлига бирданига бир нима келиб қолди шекилли, орқа оёқларига тиралиб ўтирди-да, олдинги оёқлари билан тилана бошлади. Энди ит ён бера бошлаган эди.

Аммо бу аянчли ҳолат Швейка заррача таъсир қилмади.

— Ёт! — қичқирди у итга.

Бечора инграгандай бўлиб иррилаб яна ётди.

— Аттестатга унинг номини нима деб ёзамиз? — сўради Благник. Илгари унинг оти Фокс эди. Шунга яқинроқ бирор ном топиш керак, дарров ўрганиб олади.

— Ундай бўлса, Макс деб кўя қолайлик. Буни қара, Благник, қулоғини чимиряпти-ю. Тур ўрнингдан, Макс!

Узининг туғма зотидан ҳам, туғма номидан ҳам маҳрум қилинган шўрлик пинчер, яна нима буйруқ бериларкин, деб ўрнидан турди.

— Менинча, энди ечиб кўйсак ҳам бўлади, — деди Швейк. — Қани, кўрайлик-чи, нима қиларкин.

Ит ечиб қўйилиши билан дарров эшик олдига борди ва бу одамлар менга раҳм қилишар, деган умид билан бўлса керак, занжирга қараб уч марта калта-калта во-виллади. Бироқ бу одамлар ўзининг ниятини тушунма-ётганликларини кўриб, эшик олдини кўлоблатиб қўйди, чунки ёшлигида уни полковник озодаликка рияз қилишга ўргатиб, ҳарбийларча қаттиқ таълим берганлигини эслаган бўлса керак, бу қилиғимни кўриб ҳайдаб юборишади, деб ўйлаган эди.

Бунинг ўрнига, Швейк жилмайиб деди:

— Буни қара, жуда айёр экан-ку, бунақа қилиқ незуитнинг ҳам ҳаслига келмайди.

Швейк Максни камар билан боғлаб, тумшугини халқобга тиқиб олди, бечора ит ҳар қанча яланса ҳам тумшугидаги сиртмоқни ялаб тозалай олмади.

Ит шарманда бўлганидан ғижиниб, ошхонада изғий бошлади, аламига чидай олмай ўз изини искайверди. Кейин бирданига стол олдига келиб, ерда ётган қолдиқ жигарни ямлаб ютди, шунча машаққатлардан кейин печкага ётиб ухлаб қолди.

Швейк Благник билан хайрлаша туриб, ундан сўради:

— Сенга қанча тўлашим керак?

— Бу тўғрида гапирмай қўя қолайлик, Швейк.— деди мулойимлик билан Благник.— Айниқса ҳарбий хизматдаги қадрдон ўртоғим учун ҳар қанча хизматга тайёрман. Соғ бўл, оғайни, уни асло Гавличково майдонидан олиб ўтма, тагин бошинг балога қолмасин. Агар сенга яна бирор ит керак бўлиб қолса, менинг турган уйимни биласан-ку.

Макс мириқиб ухлагунча Швейк унга тегмади, итнинг ухлаб ётганидан фойдаланиб, Швейк қассобдан чорак кило жигар олиб келиб пишириб, итнинг тумшугига келтириб қўйди-да, қачон уйғонишини кутиб турди. Макс уйқусидаёқ тамшана бошлади, бир керишиб олиб, жигарни искади ва чайнамай ютиб юборди. Сўнгра эшик олдига келиб, ўзининг тажрибасини такрорлади, яъни занжирга қараб увиллади. Шу пайтда Швейк уни чақирди:

— Макс, бу ёққа кел!

Макс қўрқа-писа унинг олдига келди. Швейк итти тиззасига олиб, силай бошлади. Мана энди Макс ўзининг калта думини силкитиб биринчи марта эркаланди

ва эҳтиётлик билан Швейкнинг қўлини исқади. Сўнгра унинг қўлини оёғи билан мулойимгина босиб туриб, меҳр тўла кўзи билан Швейкка қаради. Унинг бу қарашидан: «Иш қўлдан кетибди, ошна, энди иложим қолмабди», деган маъно сезилиб турарди.

Швейк итни силаб ўтириб, майин овози билан эртақ айта бошлади:

— Бор экан, йўқ экан, Фокс деган бир ит бўлган экан, у бир полковникнинг ити экан, полковникда хизмат қилаётган хотин уни ўйнатиб юрар экан. Бир куни бир одам келибди-да, Фоксни ўғирлаб кетибди. Фокс бир обер-лейтенант қўлида ҳарбий хизматга тушиб қолибди, энди унга Макс деб ном қўйишибди.... Қани, Макс, менга қўлигини бер! Демак, энди биз сен билан ошна бўламиз, лекин яхши ит бўлишинг ва айтганга қулоқ солишинг шарт. Бўлмаса, ҳарбий хизматда онангини кўрасан!

Макс сапчиб тиззага чиқди ва Швейкка ҳазиллашиб тармаша бошлади. Поручик кечқурун казармадан қайтиб келганида Швейк билан Макс қадрдон дўст бўлиб қолган эди.

Швейк Максга қараб туриб фалсафа сота бошлади:

— Агар четдан қарасанг, ҳақиқатан ҳам ҳар бир солдат ўз уйдан ўғирлаб олиб келинганлигини кўрасан.

Поручик Лукаш Максни кўриб таажжубланди ва хурсанд бўлди. Макс ҳам найза тақиб олган кишини яна кўриб қувонди.

Поручик Швейкдан итни қаердан топдингиз, уни қанчага сотиб олдингиз, деб сўраган эди, Швейк жуда осойишталик билан жавоб бериб, бу итни менга куни кеча армияга қақирилган ошнам тортиқ қилди, деди.

— Жуда соз, Швейк,— деди поручик ит билан ўйнашиб туриб.

— Ойнинг биринчи куни мендан шу ит учун эллик крон оласиз.

— Олишим мумкин эмас, жаноб обер-лейтенант.

— Швейк,— деди қатъият билан поручик,— сиз менга хизматга кирганингизда мен ҳар бир сўзимга итоат қилишингиз лозим, деган эдим. Мен сизга эллик крон олинг, дедимми, сиз шу пулни олиб маишат қилишингиз керак. Хўш, Швейк, бу эллик кронни нималарга сарфлайсиз?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, буйруғингизга биноан, ичиб, маншат қиламан.

— Башарти мен унутиб қўйсам, ит учун сизга эллик крон беришим кераклигини эсимга солинг, Швейк, сизга буйруғим шу, тушундингизми? Итнинг бургаси йўқми? Яхшиси, итни чўмилтириб, тозалаб қўйинг. Мен эртага хизматда бўламан, индинга эса уни етаклаб сайр қиламан.

Швейк итни чўмилтираётган вақтда унинг илгариги эгаси полковник ўзининг уйида оғзига келган ҳақоратларни айтиб сўкинар ва ўз кўзи билан кўрмаган ўғрига, сени мен ҳарбий дала судига топшираман, отиб ташланглар, дорга осинглар, йигирма йил турмага қамаб қўйинглар, тилка-тилка қилиб чопиб ташланглар, деб буюраман деган дўқларни қилмоқда эди.

Полковникнинг уйида «Der Teufel soll den Kerl buserieren<sup>1</sup>, деган сўзлар шу қадар бақириб айтилмоқда эдики, бу бақирик товуши ҳатто дераза оналарини ҳам ларзага келтирарди.


— Mit solchen Meuchelmördern werde ich bald fertig<sup>2</sup>.

Швейк билан поручик Лукаш ҳалокат ёқасига келиб қолишди.

---

<sup>1</sup> Немисча ёмон ҳақорат.

<sup>2</sup> Бу бандитларни ўзим дарров бир ёқлик қиламан (немисча).



XV боб

## ҲАЛОКАТ

Полковник Фридрих Краус фон Циллергут сингари эзма одам жуда кам топилади (Циллергут — Зальцбургдаги\* бир қишлоқнинг номи, полковникнинг аждодлари ўн саккизинчи асрдаёқ шу қишлоқни сотиб пулини ичиб юборишган эди). У энг оддий нарсалар тўғрисида гапирётганда ҳам, ҳаммангиз буни яхши тушуниб олдингизми, деб нуқул сўрайверарди. Масалан, энг оддий тушунчалар тўғрисида гапирганида ҳам шундай эзмалик қилаверарди. «Мана бу дераза, жаноблар. Сизлар дераза

нималигини биласизми?» ёки: «Иккала томондан ариқ ўтказилган йўл шоссе деб аталади. Ҳа, шундай, жаноблар. Ариқ нималигини биласизми? Бир қанча ишчилар чуқур қилиб ковлаб қўйган жой ариқ деб аталади. Ҳа, шундай. Йўл бўйидаги ариқларни чуқмор билан ковлайдилар. Чуқморнинг ўзи нималигини биласизларми?»

У ҳамма нарсани тушунтиравериш жинниси бўлиб қолган ва ихтирочи ўзи қилган ихтиро тўғрисида нақадар завқланиб гапирса, у ҳам ҳар бир нарсани шундай завқланиб тушунтираверар эди.

«Турли шаклда тўрт букланиб тахланган, босмахонада босилган ва бирга тўпланиб муқоваланган ва елим билан ёпиштирилган жуда кўп қоғоз варақлари китоб деб аталади жаноблар. Ҳа, шундай. Елим нималигини биласизми, жаноблар? Ёпишқоқ суяқ нарса елим деб аталади».

Полковник шу қадар бефаҳм одам эдики, офицерлар ундан «кўча тош терилган йўл ва йўлкадан иборат бўлади, йўлка эса, иморатларнинг олд томони бўйлаб чўзилган ва кўчадан баландроқ кўтарилган йўлдан иборат бўлади, иморатнинг олд томони деб унинг кўчадан ёки йўлакдан кўриниб турган қисмига айтилади, иморатнинг орқа томонини эса, йўлкадан кўриб бўлмайди, кўчага тушиб қарасангиз, бунга ўзингиз дарров қаноат ҳосил қиласиз» деган доно гапларни эшитмаслик учун полковникни олисдан кўришлари билан дарров бошқа томонга бурилиб кетишарди.

Кунларнинг бирида у ҳатто мана шу мароқли тажрибани ўзи намоён қилиб кўрсатмоқчи бўлди, лекин бахтга қарши, уни арава босиб кетди. Шундан бери полковникнинг эси тағин ҳам кирди-чиқди бўлиб қолди. У офицерларни тўхтағиб, уларга омлетлар тўғрисида, қуёш тўғрисида, термометрлар ҳақида, момақаймоқ тонлар, деразалар, почта маркалари тўғрисида бениҳоя гап сота бошлар эди.

Дарҳақиқат, бу бефаҳм махлуқнинг хизмат поғонасига нисбатан тез кўтарилишга, мўътабар кишилар унга ҳомийлик қилишига ўзи қандай муваффақ бўлганлиги қизиқарли бир ҳол эди. Масалан, полковник тамомила бефаҳм бўлишига қарамай, корпус генерали унга нуқул яхшилик қиларди. Маневрларда полковник ажойиб мўъжизалар кўрсатарди: у ҳеч қачон ўз вақтида етиб келолмасди ва полкни колонна-колонналарга бўлиб, пулемёт-

лар рўпарасига бошлаб бораверарди. Бундан бир неча йил аввал император ҳам ҳозир бўлган ва Жанубий Чехияда ўтказилган маневрларда у ўз полки билан йўқолиб қолди, шу полк билан у Моравияга бориб қолибди ва маневрлар тамом бўлиб, солдатлар казармаларга қайтиб келганидан кейин ҳам, у ерда бир неча кун адашиб юрибди.

У корпус генерали ва эски Австриянинг бефаҳмлиқда ундан қолишмайдиган бошқа ҳарбий саркардалари билан ошначилик муносабатларида бўлганлиги туфайли ҳар хил мукофотлар ва орденлар олаверарди, булар билан ниҳоят даражада фахрланар, ўзини дунёда энг яхши солдат деб, стратегиянинг энг яхши назариячиси ва ҳарбий фанларнинг ҳаммасини яхши биладиган билимдон деб ҳисоблар эди.

Полк кўриклари ўтказилаётган вақтда у солдатлар билан гаплашишни яхши кўрар ва ҳамиша уларга айни бир саволни берарди: армияда ишлатилаётган милтиқлар нега «манлихеровка»\* деб аталади?

Полкда уни калака қилишиб: «Мана, энди у яна ўзининг манлихербозлигини бошлаб юборди!» дейишарди.

У ниҳоят даражада кек сақлар ва ўзига бирор сабаб билан ёқмай қолган қарамоғидаги офицерларнинг жонини олар эди. Масалан, офицерлардан бири уйланмоқчи бўлса, полковник уларнинг илтимосномаларини ўзи жуда ёмонлаб ёзган тавсияномалар билан қўшиб юқори маҳкамаларга юборарди.

Полковникнинг чап қулоғи яримта эди, чунки ёшлик чоғида Фридрих Краус фон Циллергут энг аҳмоқ одам, деган оддий фактни очиқ айтган бир киши билан дуэль қилганида қулоғининг ярмисини ўқ учуриб юборганди.

Агар биз унинг ақлий иқтидорини текшириб қарасак, бу жиҳатдан у бефаҳмлиги машҳури жаҳон бўлган шўртумшуқ Франц-Иосиф Габсбургдан заррача қолишмасди: у ҳам Габсбург каби сергап, бепаросат эди.

Кунларнинг бирида офицерлар клубида ўтказилаётган банкетда Шиллер тўғрисида гап очилганида полковник Краус фон Циллергут томдан тараша тушгандай гапга аралашиб, ўзининг донолигини намойиш қилди:

— Аммо мен, жаноблар, кеча буғ билан ишлайдиган плугни кўрдим, уни локомотив ҳаракатлантиради. Бунни қарангки, жаноблар, битта эмас, балки иккита локомотив ишлатилар экан. Тутун чиқаётганини кўриб, яқинроқ



борсам, локомотив турибди, иккинчи томони ҳам локомотив экан. Қани ўзларингиз айтингиз-чи, жаноблар, қизиқ эмасми ахир? Биттаси камлик қилгандек, иккита локомотив-а!

Бир оз тўхтаб туриб, яна деди:

— Бензин тугагач, автомобиль тўхташга мажбур бўлди. Буни ҳам мен кеча ўз кўзим билан кўрдим. Автомобилнинг ҳоли шу-ю, яна инерция тўғрисида гап сотишади, жаноблар. Юрмай қолди, тураверди, жойидан қимирламади! Бензин йўқ. Ахир қизиқ эмасми бу нарса?

Полковник шунчалик бефаҳм бўлишига қарамай, ниҳоят даражада тақводор эди. Унинг квартирасида хонаки меҳроб бор эди. Полковник тавба-тазарру ва ибодат қилмоқ учун кўпинча авлиё Игнатий ибодатхонасига борар, уруш бошлангандан бери Австрия ва Германия армияси ғалаба қилсин деб дуо қилиш билан банд эди. Унинг назарида христианлик билан Германиянинг гегемонлиги тўғрисидаги орзу бир нарса, худо мағлубларнинг мулкани ва ерини тортиб олишга ёрдам бериши керак эмиш.

— Бу ерга асирларни олиб келиб нима қилишади?— деяр эди у.— Ҳаммасини отиб ташлаш керак! Асло раҳм қилинмасин! Мурдалар устида ўйинга тушиш керак! Сербиянинг граждана аҳолисини битта ҳам қолдирмай куйдириб ташлансин. Болалар найзадан ўтказилсин.

У немис шоири Фирордтдан сира қолишмасди. Бу шоир уруш вақтида эълон қилинган ўзининг шеърида Германияни миллион-миллион француз иблисларга нафрат ўти ёғдиришга ва уларни суриштирмай ўлдира беришга даъват қилган эди:

Майли, суяклар ва илиқ мурдалар  
Тоғлардай юксалсин, етсин булутга...

\*

\* \* \*

Поручик Лукаш ёлланган офицерлар мактабида машғулоти тамомлаб, Макс билан сайр қилгани чиқиб кетди.

— Сизни огоҳлантириб шунга айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант,— деди меҳрибонлик билан Швейк,— итга эҳтиёт бўлинг, тагин у қочиб кетмасин. Агар сиз уни ечиб қўйсангиз, ўзининг эски уйини қўмсаб қочиб кетиши мумкин. Менинг маслаҳатимга кирсангиз, уни

Гавличково майдонидан ҳам олиб ўтманг. У ерда «Образ Мария»\* ховлисидаги гўшт дўконининг қопонғич ити изғиб юради. Жуда ҳам қопогон. Ўзининг маҳалласида бегона итни кўриши билан уни гажиб ташлагудай бўлади, худди авлиё Гаштал\* черкови олдидаги гадой каби очкўз, бегона ит менинг хўрагимни еб қўяди, деб қўрқса керак.

Макс поручикнинг оёқларига ўралашиб, қувона-қувона сакраб юрар, баъзан унинг қиличига ҳам ёпишиб қоларди, хуллас, сайрга олиб кетилаётганлиги учун хурсанд эканлигини изҳор қилишга интиларди.

Улар кўчага чиққач поручик Лукаш Пршикопага томон йўл олди, чунки у ерда Панская кўчасининг бурчагида бир хоним билан учрашмоқчи бўлиб ваъдалашган эди. Поручик хизматга доир ишлар тўғрисида хаёл суриб борарди. Елланган офицерлар мактабида эртага нима ҳақда лекция ўқисам бўларкин? Бирор тоғнинг баландлигини қандай қилиб ифодалаймиз? Нима учун биз ҳар бир жойнинг ҳамиша денгиз сатҳидан баландлигини кўрсатамиз? Тоғнинг энг тагидан то чўққисигача бўлган баландликни денгиз сатҳидан қанчалик юқори эканлигини қандай қилиб белгилаймиз?.. Ҳарбий министрлик бунақа нарсаларни мактаб программасига киритмаса бўлмайди, ахир?! Буни фақат тўпчилар билиши керак. Ахир, генерал штабнинг хариталари ҳам бор-ку. Душман 312 деган баландликка келиб қолганида бу тепаликнинг баландлиги нега денгиз сатҳига қараб кўрсатилган экан, деб бош қотиришга ёки унинг баландлигини ҳисоблаб чиқишга вақт қолмайди-ку. Харитага бир марта кўз ташласанг, ҳамма нарса равшан бўлиб қолаверади.

Панская кўчасига яқин қолганида қатъий қилиб айтилган «Halt»<sup>1</sup> деган товуш поручик Лукашнинг хаёлини бузиб юборди.

Ит шу товушни эшитиши билан поручик қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлиб талпинаверди ва шу қатъият билан буйруқ берган кишига қувонган ҳолда вовиллаб ўзини ташлади.

Полковник Краус фон Циллергут поручик қаршисида қаққайиб турарди. Лукаш ҳарбийларча таъзим бериб тўхтади ва кўрмай қолибман, деб кечирим сўрашга тушди.

<sup>1</sup> Тўхта! (немисча).

Полковник Краус ҳарбийларча таъзим қилиб салом бермаган офицерларни тўхтатишга ишқибозлиги билан ном чиқарган эди.

У ўзидан катта офицерга таъзим қилиб салом беришни ғалабани таъминловчи энг асосий шарт ва Австриянинг бутун ҳарбий қудрати мана шунга асосланган, деб биларди.

У, «солдат ўзининг бутун жони-тани билан берилиб ҳарбийларча таъзим қилиши ва салом бериши керак», дээр эди. Фельдфебелча чуқур эътиқод мана шу сўзларда ифодаланган эди.

У қоидага тўла риоя қилиниб, ғоят назокат билан, мутлақо аниқ қилиниб ва жиддий тусда таъзим қилинишини синчиклаб кузатиб турарди. Оддий солдатдан тортиб полковниккача қандай ҳарбий киши ўтмасин, у албатта уни тўхтатар эди. Юриб бора туриб, қўлини кўтарган ҳолда «сизга ҳурматим бўлсин!» деб гапиргандай бўлиб таъзим қилаётган оддий солдатларни полковникнинг ўзи жазолатиш учун казармага олиб борарди. У «кўрмай қолибман» деган баҳонани сира тан олмас эди.

«Солдат оломон орасида қолса ҳам, ўзининг бошлигини қидириши ва фақат уставда буюрилган ўзининг вазифаларини бажаришни ўйлаши лозим,—деяр эди у.— Жанг майдонида ўқ тегиб йиқилганида ҳам у ўлиш олдидан таъзим қилиб салом бериши лозим. Кимки таъзим қилиб салом беришни билмаса ёки ўзини бошлиқни кўрмаганга солса, ёхуд қондасини келтириб салом бермаса, мен уни одам эмас, ҳайвон деб биламан».

— Жаноб поручик,— деди даҳшат билан полковник Краус,— кичик офицерлар ўзларидан катта офицерларга таъзим қилиб салом беришга мажбур. Бу тартиб беқор қилингани йўқ. Иккинчидан, ўғирланган итларни етаклаб сайрга чиқиш жаноб офицерларга қачондан бери одат бўлиб қолди? Ҳа, ўғирланган итлар билан. Эгаси бошқа бўлган ит ўғирланган итдир.

— Бу ит, жаноб полковник...— эътироз билдирди поручик Лукаш.

— ...менинг итим бўлади, жаноб поручик,— деди полковник қўполлик билан унинг гапини бўлиб.— Менинг Фокс деган итим бўлади.

Фокс ёки Макс эса ўзининг илгариги эгасини эслаб, янги эгасини бутунлай унутиб юборди ва унинг қўлидан

чиқиб, полковникка толпинаверди. Ит шу қадар хурсанд эдики, бундай хурсандлик олтинчи синфда ўқиб турган гимназист йигитчадагина бўлиши мумкин, у ўзи муҳаббат қўйган қизда ҳам ўзига нисбатан муҳаббат пайдо бўлганлигини кўрганида шундай хурсанд бўла олади...

— Ўғирланган итларни етаклаб сайр қилиш офицернинг номусига сира тўғри келмайди, жаноб поручик. Билганим йўқ, дедингизми? Оқибати ёмон бўлиб чиқмаслигига қаноат ҳосил қилмасдан туриб ит сотиб олишга офицернинг ҳаққи йўқ!— полковник Краус Фокс-Макснн силаб туриб, гўдайган ҳолда шу гапларни айттаверди, ит ҳам аҳвол ўзгарганини кўриб, поручикка қараб вовиллай бошлади ва полковник: «Қоп, уни қоп!» деб гиж-гижлагандек, поручикка тишини қайрайверди.

— Жаноб поручик,— давом қилди полковник,— ўғирланган отни миниб юришни ўзингизга муносиб деб биласизми? Менинг пинчерим йўқолганлиги тўғрисида «Богемия» ва «Тагеблатт» газеталарида бостирган эълонларимни ўқимабмидингиз?.. Ёки сиз бошлигингиз газетада бостирган эълонларни ўқимайсизми!

Полковник қўлини паҳса қилиб ғазабланди.

— Хўп офицерлар пайдо бўлди-да! Интизом қаёқда қолди? Полковник газетага эълон берса-ю, поручик бу эълонларни ўқимаса!

Поручик полковникни орангутанга ўхшатиб турган бакенбардларига қараб туриб: «Сен қари аблаҳнинг тумшугингга бир-икки марта солсам яхши бўларди-я!»— деб ўйлаб қўйди.

— Қани, мен билан юринг,— деди полковник ва улар ширин суҳбатни давом эттириб, йўлга равона бўлишди.

— Фронтда сиз билан иккинчи марта бундай ҳодиса рўй бермайди, жаноб поручик. Мамлакат ичкарисида ўғирланган итларни етаклаб сайр қилиб юриш жуда хунук нарса, албатта. Ҳа, шундай. Ўз бошлигининг ити билан сайр қилиб юриш жуда хунук! Ваҳолонки, биз ҳар кун жанг майдонларида юзлаб офицерлардан жудо бўлмоқдамиз... Бу ерда эса, офицерлар эълонларни ўқишмаяпти. Мен итим йўқолганлиги тўғрисида юз йил сурункасига эълон беришим мумкин. Икки юз йил! Уч юз йил!!

Полковник ҳар сафар аччиқланганида бўладиган қилиғини қилиб, пишқириб бурун қоқди ва: «Сайр қилиш-

ни давом эттиришингиз мумкин!» деб орқага бурилди-да, қўлидаги қамчи билан офицерлик шинелининг этагига газаб билан савалай-савалай ўз йўлига равона бўлди.

Поручик Лукаш кўчанинг нариги томонига ўтган эди, яна «Halt!» деган буйруқни эшитди. Полковник бир солдатни тўхтатган эди. Запасдаги бу бечора солдат ўз юртида қолиб кетган онасини ўйлаб, рўпарасидан чиқиб қолган одамни пайқамай қолган бўлса керак.

Полковник солдатни сўка-сўка жазолатиш учун казармага ўз қўли билан судраб кетди.

«Швейкни нима қилиб бўлади?— деб ўйлаб қолди поручик.— Уриб тумшугини дабдала қилиб юбораман. Йўқ, бу ҳам камлик қилади. Елкасидан тасма кесиб оламан, аммо аблаҳга бу ҳам кам».

Ғазабланган поручик энди хоним билан учрашиш тўғрисида ўйлашни ҳам тарк қилиб, ўз уйига қараб йўл олди.

У трамвайга ўтирар экан, «мен у муттаҳамни ўлдираман!»— деб ўзича гапириб қўйди.

\* \*  
\*

Шоввоз солдат Швейк эса казармадан келган чопар билан гурунглашиб вақтичоғлик қилмоқда эди. Чопар поручикка қўл қўйдириш учун қоғсз олиб келган ва уни кутиб турарди.

Швейк чопарга кофе дамлаб берди. Улар, Австриянинг ҳоли хароб бўлади, деб гаплашиб ўтиришарди.

Бу тўғрида улар ҳеч қандай шак-шубҳа қилиб бўлмайдиган бир нарса тўғрисида гаплашгандай суҳбатлашмоқда эдилар. Афоризмлар бирин-кетин уларнинг оғзидан қуйилиб чиқарди. Шу афоризмларнинг ҳар бир сўзини суд, ҳеч шубҳасиз, давлатга хиёнатни кўрсатувчи далил деб таърифлаб, бунинг учун уларнинг икковиши дорга осишга ҳукм қилган бўларди.

— Бу ишларнинг ҳаммаси жаноб императорнинг миясини айнитиб юборгандир,— деди Швейк.— Унинг ўзи-ку ҳеч қачон ақлли одам бўлган эмас, аммо бу уруш унинг қолган-қутган миясини ҳам суюлтириб юбориши турган гап.

— Ландавур у!— деди казармадан келган солдат унинг фикрини астойдил қувватлаб.— У нима-ю, тўнка

нима. Уруш бўлаётганидан ҳам хабари йўқ бўлса керак. Уруш бўлаётир деб унга айтишга ҳам уялишар, деб ўйлайман. Унинг ўз солдатларига чиқарган манифестига чеккан имзоси фирт фирромлик. Манифестни унга кўрсатмасдан ҳам босиб чиқаришган, ҳозир унинг ҳеч нарсага фаҳми етмайдиган бўлиб қолган.

Швейк билимдон кишилардек бу фикрга илова қилди:  
\* — Унинг ўзи биласанми... Утирган жойини ҳўл қилиб қўяверади. Уни ёш болага овқат едиргандек овқатлантириб туришади. Тунов кун пивохонада бир киши менга, уни парварниш қилиб турадиган иккита хогин бор, улар жаноб императорни бир кунда уч мартадан эмизиб туришади, деб гапириб берган эди.

— Қани энди,— хўрсиниб деди казармадан келган солдат,— бизни тезроқ бир боплашса эди. Австрия ҳам ниҳоят тинчиб қоларди.

Сухбат шу тарзда давом этаверди. Швейк Австрия шаънига бир неча илиқ сўзлар айтди, яъни бунақа бемаъни давлатнинг дунёда бўлмагани яхши, деди. Солдат бўлса бу ҳикматли гапдан амалий хулоса чиқариб, илова қилди:

— Фронтга боришим билан мен ҳам жуфтакни ростлаб қоламан.

Солдатлар жаҳон уруши тўғрисида ўз фикрларини мана шундай баён қилишарди. Казармадан келган чопар, Наход\* ёнида тўпларнинг гумбурлаши эшитилаётганмиш ва рус подшоси тез фурсатда Краковга келармиш деган овозалар бугун Прагада тарқалди, деди.

Сўнгра, Чехиянинг ғалласи Германияга ташиб кетилаётганлиги герман солдатларига сигареталар ва шоколад берилаётганлиги тўғрисида гап бошланди.

Кейин улар ўтган замонлардаги урушларни эслашди ва Швейк, бурунги вақтда душманнинг қамал қилиб қўйилган шаҳрига сассиқ туваклар ирғитишар эди, бундай сассиқ ҳавода ҳам урушиш осон бўлган эмас, деб ўзининг шу гапини жиддий исботлашга тутинди. Швейкнинг айтишига қараганда, у битта шаҳар уч йил сурункасига қамал қилиниб ётганлигини ва душман шу шаҳар ичига нуқул сассиқ туваклар ирғитишдан бошқа ишни билмаганлигини ўзи бир китобдан ўқиган эмиш.

Агар поручик Лукаш келиб қолиб суҳбатни бўлиб қўймаганида, Швейк бундан ҳам қизиқроқ ва ибратли

роқ яна бир қанча гапларни ҳикоя қилиб берган бўларди.

Поручик Лукаш Швейкка ўқрайган кўзлари билан даҳшатли назар солиб туриб, қоғозларга имзо чекди ва солдатни жўнатиб, Швейкка, менинг орқамдан хонага кир, деб имлаб қўйди.

Поручикнинг кўзидан ўт чатнамоқда эди. У стулга ўтириб, Швейкка қараб туриб уни калтаклашни қачон бошлаш устида ўйлашга тутинди.

«Аввал тумшугига икки марта соламан,— деб қўйди поручик,— сўнгра бурнини қоп-қора қон қилиб, қулоғини узиб оламан, кейин яна бир гап бўлар».

Швейк ўзининг мулойим, маъсум кўзлари билан поручикка очиқ ва оққўнгиллик билан қараб тургач, даҳшатли воқеа бошланиш олдидан бўладиган бу жимжитликни бузишга журъатланиб сўз бошлади:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, сиз мушукдан ажралиб қолдингиз. У этик мойини еб қўйибди, шундан кейин ноилож жон берди. Мен уни ертўлага ташладим, бизникига эмас, қўшнимизнинг ертўласига ташладим. Бунақа ангор мушукни энди сиз тополмайсиз!

«Буни нима қилсам бўлади!— деб ўйлаб қўйди поручик.— Худоё тавба. Нақадар аҳмоқона қараб турибди-я!»

Швейкнинг маъсум, мулойим кўзлари эса, унинг тўла хотиржамлигидан далолат берувчи майин ва илиқ термилиб турарди. Унинг бу қарашини, «ҳеч гап бўлгани йўқ, ҳаммаси жойида, мабодо бирор ҳодиса рўй берган бўлса, бунга бош қотиришининг ҳам ҳожати йўқ, чунки ҳаминша бирор ҳодиса бўлиб туради», деган маънони ифодаларди.

Поручик сапчиб ўридан турди, лекин аввал ўйлаб қўйганидек Швейкни урмади. У муштини Швейкнинг тумшугига рўпара қилиб туриб бақирди:

— Швейк! Сиз итни ўғирлаган экансиз?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, кейинги вақтларда биронта ҳам шундай ҳодиса бўлгани эсимда йўқ. Ижозатингиз билан шуни билдириб қўяйки, жаноб обер-лейтенант, тушки овқатдан кейин сиз Макс билан ўйнагани чиқиб кетган эдингиз. Бинобарин, уни ўғирлашим асло мумкин эмас. Итсиз қайтиб келганингизни кўришим билан

иш чатоқлигини дарров пайқаган эдим. Бундай вақтларда хонаси шунақа келиб қолди дейишади. Спаленая кўчасида чарм сумкалар ясайдиган Кунеш фамилияли бир уста бор. Уша киши итни етаклаб кўчага чиқиши билан дарров уни йўқотиб қўяди. Одатда у итни пивохонада қолдириб кетар, баъзан унинг итини ўғирлаб ҳам кетишарди, ҳаттоки, қарзга олиб, қайтиб беришмасди.

— Учир овозингни, ҳайвон! Сиз ё ашаддий аблаҳсиз ёки ландавур туясиз! Латифа айтишдан бошқани билмайди. Мен билан ҳазиллашишни йиғиштириб қўйинг! Итни қаердан олиб келган эдингиз? Уни қаердан олган эдингиз? У ит полкимиз командириники эканлигини билармидингиз? Ҳозиргина у кўчада итни менинг қўлимдан тортиб олди. Бутун дунёга шарманда бўлдим-ку! Ростини айтинг: ўғирлаганмидингиз ё йўқми?

— Асло ўғирлаганим йўқ, жаноб обер-лейтенант.

— Бўлмаса у ўғирланган ит эканлигини билармидингиз?

— Худди шундай, жаноб обер-лейтенант. Уғирлик ит эканлигини билардим.

— Е раббий! Швейк! Himmelherrgott! Мен сизни отиб ташлайман! Ҳайвон! Ит! Эшак! Аблаҳ! Наҳотки, сиз шу қадар бефаҳм бўлсангиз!

— Худди шундай, жаноб обер-лейтенант, бефаҳман.

— Уғирлаган итни нега менга олиб келдингиз? У лаънатини нега уйга келтирддингиз?

— Сизни хурсанд қилиш учун, жаноб обер-лейтенант.

Шунда ҳам Швейкнинг мулойим илтифотли кўзлари поручикнинг афтига қараб тураверди. Поручик ўзини креслога ташлади-ю, фарёд қилди:

— Э худо, бундай ҳайвонни юбориб, нега мени жазоладинг?!

Ҳазабидан нима қилишини билмай креслода индамай ўтирган поручик Швейкни уриш у ёқда турсин, ҳатто сигарета ўрашга ҳам ўзида мажол қолмаганлигини ҳис қилди. Газета нима учун кераклигини ўзи ҳам билмаган ҳолда. Швейкни юбориб «Богемия» ва «Тегблатт» газеталарини олдириб келтирди ва унга полковникнинг ити ўғирланганлиги тўғрисидаги эълонларни ўқиб чиқишни буурди.



Швейк эълонлар саҳифаси очиб қўйилган газетани кўтариб қайтиб келди. У хурсанд қиёфада деди:

— Бор экан, жаноб обер-лейтенант! Жаноб полковник ўша ўғирланган пинчерни шунақа чиройли қилиб тасвирлабдики, ўқиб маза қиласиз, итни топиб келтирган кишига юз крон суюнчи бераман, деб ваъда ҳам қилибди. Суюнчиси жуда яхши. Одатда бундай ҳолларда беш-ўн крон суюнчи берилади, холос. Коширждаги Божетех деган бир киши фақат шунақа суюнчилар олиш билан тирикчилик қилар эди. У ҳар кимларнинг итини ўғирлаб, кейин газеталарда қанақа ит йўқолиб қолганлиги тўғрисидаги эълонларни қидириб топар ва дарров зикр этилган адресга борарди. Бир кун у ажойиб бир қора шпицни ўғирлаб келди, бу итнинг эгаси ҳеч қасрга эълон бермаганидан кейин ўзи газетага эълон берди. Бу эълонга беш крон пулнинг ҳаммасини сарфлади. Ниҳоят, итнинг эгаси топилиб қолди ва у ҳақиқатан ўша ит ўзиники эканлигини, йўқотиб қўйганлигини, лекин қидирганим билан фойдаси йўқ, деб ўйлаб юрганлигини айтди, чунки мен одамларнинг инсофли бўлишига ишонмайман, деди у. Энди мен, деди у, дунёда инсофли одамлар борлигини ўз кўзим билан кўрдим ва бунга жуда хурсандман. Мен, деди у, инсофли одамларга суюнчи беришга бутунлай қаршиман, лекин тувакда ва богда ўстириладиган гулларни қандай парвариш қилиш тўғрисидаги ўзимнинг китобчамни эсдалик қилиб берсам бўлади. Бечора Божетех шу гапларни эшитгач, қора шпицни кейинги оёқларидан ушлаб кўтариб, ўша жанобнинг бошига солди. Шу-шу у газетага эълон беришга қасам ичди. Итнинг эгаси газетага эълон бермаса, бунақа итни итхонага сотган яхшироқ...

— Боринг, ухланг, Швейк,— буюрди поручик.— Эрталабгача ҳам гапингиз тамом бўлмайдиганга ўхшайди.

Поручикнинг ўзи ҳам ўз хонасига кириб ухлади: шу кеча Швейк шаҳзода валиаҳднинг отини ўғирлаб Лукашга олиб келганлигини, бечора поручик Лукаш кўрикда шу отни ўз ротасининг олдида йўртиб бораётганида шаҳзода ўзининг отини таниб қолганлигини тушида кўриб чиқди.

Тонготарда поручик ланж бўлиб уйғонди, у ўзини кечаси ичкилик қилган ва боши муштланган кишидек ҳис қилмоқда эди. Ҳаёлига ҳар хил ёмон фикрлар ке-

ларди. Емон тушлар кўриб тинкаси қуриган поручик эр-талабга яқин ухлаб қолди, лекин эшикнинг тақиллаши уни уйғотиб юборди: Швейкнинг эшикда кўришиб турган хушрўй чехрасига кўзи тушди. Швейк ундан, жаноб поручик, сизни қай соатда уйғотай, деб сўрамоқда эди.

Поручик ўрнида ётган ҳолда секингина ингради:

— Йўқол, ҳайвон! Жонимга тегдинг!

Поручик ўридан тургач, Швейк унга нонушта тайёрлаб туриб, янги бир савол билан уни ҳайратда қолдирди:

— Ижозатингиз билан сиздан, жаноб поручик, бир нарсани сўрамоқчиман: сизга бошқа бир ит топиб келайми?

— Биласизми, Швейк? Мен сизни дала судига топширсаммикни деб ўйлаб турибман,— деди поручик хўрсиниб.— Лекин судьялар сизни оқлаб юборишади, чунки улар сиздақа аҳмоқни умрида кўрган эмас. Ойнага бир қараб, ўзингизни кўринг. Аҳмоқона башарангизни кўриб қусингиз келмасмикни? Табиатнинг бунақа аҳмоқона ҳазилини умримда кўрмаган эдим. Қани, ўзингиз очиқ айтинг-чи, Швейк, сиз ўзингизга ёқасизми?

— Сира ёқмайман, жаноб обер-лейтенант. Бу ойнада мен ошқовоққа ўхшаб кўриняпман. Ойнангиз силлиқ эмас экан. Станек хитойнинг дўнг ойнаси бор. Унга қараган кишининг эси чиқиб кетади. Оғзи мана бундай, боши жомашовдай, қорни шибо ичавериб бўкиб қолган поининг қорнидай бўлиб кўринади. Хуллас, ўзининг жусасига ҳайрон қолади. Бир вақт бир генерал-губернатор ўгиб бора туриб, ўша ойнага қараган экан... Шундан кейин дарров ойнани олиб қўйишга тўғри келди.

Поручик тескари бурилиб бир хўрсинди ва қаймоқ солиб кофе ичиш яхшироқ, деган қарорга келди.

Швейк ошхонада ўз иши билан банд эди, шу пайтда поручик Лукаш унинг қўшиғини эшитди:

Грневиль\* одимлар Прашна бране\* томон,

Ярқирайди қиличлар, қизлар йиғлар, бағри қоп.

Яна сўнгра:

Биз — солдатмиз, биз — шоввоз,

Қизлар бизга ишқибоз.

Чўнтак тўла пулимиз,

Борган жойнинг гулимиз.

«Сен ҳақиқатан ҳам ҳамма жойда меҳмон бўлиб маза қилаверасан, муттаҳам!»— деб ўйлаб қўйди поручик ва гижиниб тупурди.

Эшик олдида Швейкнинг боши кўринди.

— Ижозатингиз билан сизга шунн айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, казармадан сизни қидириб келишди, дарров жаноб полковник олдига борар экансиз. Ординарец шу ерда турибди!— Сўнгра сирдошлардек илова қилди:— Уша ит тўғрисида чақиринган бўлса керак.

Даҳлизда турган ординарец нима мақсад билан келганлигини айтмоқчи бўлган эди, поручик бўғиқ овоз билан:

— Билаган, эшитдим,— деди.

Шу гапни айтди-ю, Швейкка ўқрайиб қараб, чиқиб кетди.

Бу рапорт эмас, балки ундан кўра баттарроқ эди.

Поручик полковник кабинетига кирганида у креслода хўмрайиб ўтирарди.

— Сиз, поручик, бундан икки йил муқаддам Будейовицадаги Тўқсон биринчи полкка ўтказишни илтимос қилган эдингиз,— деди полковник.— Будейовица қаердалигини биласизми? Влтавада. Ҳа, Влтавада турибди, бу дарёга Огрже ёки шунга ўхшаш бир номдаги дарё қўйилади. Узи катта шаҳар, меҳмондўст шаҳар деб айтсам ҳам бўлади, агар янглишмасам, у ерда дарёнинг бўйи яхши жой. Дарё бўйи деб нимага айтилишини биласизми? Дарё бўйи сув лабига қурилган тош дордан иборат бўлади. Ҳа, зотан, бунинг ишга алоқаси йўқ. Биз у ерда маневрлар қилганмиз.

Полковник жим бўлиб қолди ва сиёҳдонга қараб туриб, дарров бошқа мавзуга ўтди.

— Итимни сиз хароб қилиб қўйибсиз. Сира овқат етиси келмайди... Хўш! Сиёҳдонга пашша тушди. Қизиқ, қишда ҳам сиёҳдонга пашша тушибди. Тартибсизлик-ку!

«Муддаонгни айтсанг-чи, эзма чол!» деб ўйлаб қўйди поручик.

Полковник ўрнидан туриб, кабинетнинг у ёгидан-бу ёгига бир неча марта юриб чиқди.

— Бундай фактлар такрорланмаслиги учун, жаноб поручик, сизни нима қилишим кераклигини узоқ ўйландим, ана шунда сиз Тўқсон биринчи полкка ўтишни ис-

таганлигингиз эсимга тушди. Яқинда бош штаб бизга, Тўқсон биринчи полкдаги офицерларни серблар қириб юборганлиги сабабли унда офицерлар етишмай қолганлигини бизга маълум қилган эди. Сизга ваъда бериб шуни айтаманки, уч кун ичида сиз Будейовицадаги Тўқсон биринчи полкда бўласиз, у ерда марш батальонлари тузилмоқда. Менга ташаккур айтишингизнинг ҳожати йўқ. Армияга офицерлар керак, улар...

Полковник яна нима гап айтишни билмай, соатига қараб қўйиб, деди:

— Соат ўн ярим бўпти. Полк рапортини қабул қилишим керак.

Шу билан ёқимли суҳбат тугади ва поручик кабинетдан чиққанида ўзини устидан оғир юк тушгандек ҳис қилди. Поручик ёлланган офицерлар мактабига бориб, яқин кунларда мен фронтга жўнайман ва шу муносабат билан Неказанкада\* хайрлашув кечаси ўтказаман, деб эълон қилди.

Поручик уйига қайтиб келгач, Швейкдан маънодор қилиб сўради:

— Швейк, сиз марш батальони нималигини биласизми?

— Ижозатингиз билан шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, марш батальони — «маршбатяк»нинг ўзи, марш ротаси эса — «маршка»нинг ўзи-да. Биз буларни ҳамиша қисқартириб айтамиз.

Шундан сўнг поручик таптанали оҳангда деди:

— Хуллас, Швейк, сизга шуни маълум қиламанки, башарти сизга «маршабатяк» деб қисқартиб айтиш ёқиб қолган бўлса, сиз билан бирга ўша «маршбатяк»ка жўнаймиз. Лекин сиз бу ердаги қилиқларимни ҳам фронтда қилавераман, деб ўйламанг. Маъқулми?

— Худди шундай, жаноб обер-лейтенант, жуда ҳам маъқул, — жавоб берди шоввоз солдат Швейк. — Жанг майдонида жаноб император ва бутун подшоҳи аъзам ҳазратлари учун иккаламиз бирга ҳалок бўлсак жуда ҳам чиройли бўлади-да!



## «ФРОНТ ОРҚАСИДА» САРЛАВҲАЛИ БИРИНЧИ ҚИСМГА ОХИРГИ СЎЗ

«Шоввоз солдат Швейкнинг саргузаштлари»нинг биринчи қисмини («Фронт орқасида») тамомлаб китобхонларга шунини маълум қиламанки, тез орада бу китобнинг «Фронтда» ва «Асирликда» деган навбатдаги икки қисми тайёр бўлади. Китобнинг шу қисмларида солдатлар ҳам ва оддий кишилар ҳам турмушда қандай гаплашган ва ҳаракат қилган бўлсалар шундай гаплашдилар ва ҳаракат қилаверадилар.

Турмуш киборларнинг хатти-ҳаракатини ўргатадиган мактаб эмас. Ҳар ким ўзи билганича гапиради. Церемониймейстер доктор Гут\* «Товоқ устида» қовонхонасининг эгаси Паливецдан бошқача тарзда гапиради. Бизнинг романимиз эса, улуғлар орасида одамлар ўзини қандай тутиш кераклигини ўргатадиган қўлланма эмас, олижаноблар орасида қанақа иборалар билан гапириш мумкинлиги тўғрисидаги илмий китоб ҳам эмас. Бу — муайян даврнинг тарихий манзарасидир.

Ҳақиқатан ҳам айтиб юборилган болохонадор ибораларни ишлатиш зарур бўлиб қолса, мен ҳеч бир иккинланмай бу ерда шу ибораларни келтираман. Ибораларни силлиқлашни ёки ўрнига кўп нуқта қўйиб кетишни энг бемаъни мунофиқлик деб ҳисоблайман. Ахир бу сўзларни парламентда ҳам қўллашади-ку.

Яхши тарбияланган киши ҳамма нарсани ўқиши мумкин, деб бир вақтлар тўғри айтилган эди. Ниманки та-

бий бўлса, уни қоралаш маънавий камбағал, дили бузуқ, қабих кишиларнинггина қўлидан келади, булар разил, сохта ахлоққа амал қилиб, айрим сўзларнинг мазмунига қарамайдилар, балки ғазаб билан шу сўзларни ёмонлайверадилар.

Бундан бир неча йил муқаддам мен бир қисса тўғри-сида ёзилган тақризни ўқиган эдим. Муаллифнинг: «У бурнини қоқиб, дастрўмол билан артди», деган иборасини ўқиб, танқидчининг ғазаби ошиб кетибди. Унинг гапига қараганда, бунақа иборалар адабиётнинг халққа бериши лозим бўлган ахлоқ ва нафосат туйғуларига зид бўлиб тушармиш.

Бу ер юзида қанақа эшаклар туғилаётганлигини кўрсатувчи фақат битта, лекин жуда ҳам ёрқин бўлмаган мисолдир.

Болохонадор ибораларни эшитганида гижинаётган сламлар чшаким турмушдан ваҳимага тушаётган кўр-қоқ кишилардир, холос. Бундай занф кишилар маданиятга ва ижтимоий ахлоққа энг кўп зарар етказади. Улар бутун халқни ойимтиллаларга, авлиё Алоис типидagi сохта маданият онанистларига айлантirmoқчи бўладилар. Монах Евстахий ўзининг китобида, авлиё Алоис бир одам даранглатиб ел чиқарганини эшитиб, йиглаб юборибди, фақат ибодатга берилиб тасалли топибди, деб ҳикоя қилади.

Бундай тидаги кишилар одамлардан ниҳоят даражада ранжиб юришади-ю, аммо ўзлари жамоат ҳожатхоналарига маза қилиб кириб, унинг деворларидаги тилга олиб бўлмайдиган ёзувларни ҳузур қилиб ўқий беришади.

Мен ўзимнинг бу китобимда бир неча болохонадор ибораларни ишлатиб, бу билан одамлар турмушда бир-бирлари билан қандай гаплашаётганликларини акс эттирдим, холос.

Қовоқхоначи Паливецдан Лаудова хоним\*, доктор Гут, Ольга Фастрова\* хоним ва бошқа шулар каби бир қанча кишилар сингари назокатли иборалар билан гапиршни талаб қилиб бўлмайди. Бу жаноблар бутун Чехословакия республикасини катта салонга айлантиришдан, бундай салоннинг паркетиди фрак ва оқ қўлқоп кийган олифта одамлар юришини кўришни орзу қилишдан қайтмайдиган зотлардир, улар фасоҳатли тилда гаплашадилар ва салонга ҳос нозик ахлоқ бўлишини талаб қила-

дилар, аммо мана шу салон айғирлари ўша ахлоқ пардасининг орқасига яшириниб олиб, энг разил фосиқликка шўнғиб кетганлар.

Бу ерда кези келганида фойдаланиб шуни айтмоқчи-манки, қовоқхоначи Паливец ҳозир ҳам тирик. У урушни турмада ўтказди ва император Франц-Иосиф портрети билан рўй берган воқеа вақтидаги феъл-атворини сира ўзгартиргани йўқ.

У менинг китобимда ўзи тўғрисида ёзилган гапларни ўқиб чиқиб, олдимга келди ва биринчи чоп этилган шу китобнинг йигирматадан кўпроқ нусхасини сотиб олиб, ўзининг танишларига улашиб берди ва шу тариқа китобнинг кўплаб тарқалишига кўмаклашди.

Мен уни китобда ҳаммага маълум қўпол одам қилиб тасвирлаган эдим. У ўзи тўғрисида ёзилган гапларнинг ҳаммасини ўқиб, жуда хурсанд бўлибди.

«Энди мени ҳеч ким ўзгартира олмайди,— деди у менга.— Мен умрбод қўпол гапириб келдим, ниманики ўйласам, шуни айтавердим, бундан буён ҳам шундай гапиравераман. Қандайдир бир урғочи эшакнинг андишасини қилиб, тилимни тийиб қўя олмайман. Энди мен машҳур одам бўлиб қолдим».

Унинг ўзига бўлган ҳурмати кучайди. Унинг шуҳрати бир неча баландпарвоз ибораларга асосланган шуҳратдир. Шундан ўзи жуда мамнун. Агар, фараз қилайлик, мен унинг қай тарзда гапираётганлигини аниқ ва тўғри тасвирлаб, бу билан унга бу тарзда гапириш ярамайди, деб дашном бермоқчи бўлганимда эди (албатта менда бундай ният йўқ), бу билан мен, ҳеч шубҳасиз, шу тупна-тузук одамни ҳақорат қилган бўлар эдим.

У оғзига келган ибораларни ишлатиш билан, ҳар бир чехнинг ҳар қандай мутелигига қарши норозлигини ўзи ҳам сезмагани ҳолда, оддий ва астойдил ифодалаб берди. Императорга ва хунук ибораларга ҳурматсизлик унинг қонига сингиб кетган эди.

Отто Кац ҳам ҳозир ҳаёт. У фельдкуратнинг ҳақиқий портрети. Инқилобдан сўнг у ўзининг касбини ташлади, черков таъсиридан чиқди ва ҳозир Шимолий Чехияда бронза ва бўёқ фабрикасининг вакили бўлиб хизмат

қилмоқда. У менга узундан-узоқ хат ёзиб, адабингизни бериб қўяман, деб дўқ қилди. Гап шундаки, бир немисча газета унинг турмушда қандайлигини бор бўйича тасвирлаб берган бобнинг таржимасини босиб чиқарибди. Мен унинг олдига бордим ва суҳбатимизнинг охири жуда яхши бўлди. Кечаси соат иккига бориб у оёқда тура олмайдиган бўлиб қолди, лекин тинмай хутба ўқийверди ва ниҳоят, деди: «Ҳой, хомкаллалар! Мен — Отто Кац-май, фельдкуратман!»

Эски Австриянинг давлат агенти марҳум Бретшнейдер типигаги одамлар кўп, бунақа одамлар ҳозир ҳам республикада изғиб юрибди. Улар ким нима гапираётган экан, деб жуда қизиқишади.

Бу китоб билан муддаомга эриша олармикинман, буни билолмадим. Бир кун бир киши иккинчи кишини: «Сен Швейк сингари аҳмоқсан», деб койиб турганини эшитдим. Бу муддаомга эриша олмаганлигимдан далолат беради. Бироқ «Швейк» деган сўз ҳақоратлар гулдастасига яна бир ҳақорат сўзи бўлиб қўшилса, чех тилининг бундай бойишидан мамнун бўлишдан бошқа иложим қолмайди.

*Ярослав Г а ш е к*




Иккинчи қисм



**ФРОНТДА**





*1 боб*

## **ШВЕЙКНИНГ ПОЕЗДДА ТОРТГАН КУЛФАТЛАРИ**

Прага—Чешские Будейовице скорий поезди иккинчи классининг купеларидан бирида уч йўловчи кетяпти, буларнинг бири поручик Лукаш, иккинчиси боши ярғоқ кекса бир жаноб ҳамда Швейк. Швейк эшик олдида қимтинибгина поручикнинг навбатдаги ҳақоратларини тинглашга камол эҳтиром билан ҳозирланмоқда. Купеда кекса жаноб борлигига ҳеч бир эътибор бермаётган поручик бутун йўл бўйи Швейкни ҳайвон ва бошқа ҳақоратли сўзлар билан сўкиб, бақириб келмоқда.

Ҳозирги ҳақорат арзимас нарсадан бошланиб кетди: Швейк назорат қилиб туриши лозим бўлган чемоданлар сони қанчалиги тўғрисида гап очилиб қолди.

— Чемоданимизни ўғирлаб кетишибди эмиш! — истеҳзо билан Швейкни ҳақорат қилди поручик. — Буни менга айтишга қандай қилиб тилинг борди, аблаҳ!

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, — деди ювошгина жавоб қилиб Швейк, — уни ростдан ҳам ўғирлатиб қўйдик. Вокзалда дайдиб юрадиган муттаҳамлар ҳамиша кўп бўлади, чамаси, улардан бирнга бизнинг чемоданимиз, ҳеч шубҳасиз, ёқиб қолган бўлса керак, юкларимизнинг ҳаммаси жойида деб сизга айтиш учун чемоданлардан нарироқ кетишимни пойлаб туриб, ҳеч шубҳасиз, худди шу пайтдан у фойдаланган бўлса керак. Уша муттаҳам худди мана шу қулай пайтдан фойдаланиб, чемоданимизни ўғирлаб кетган бўлиши мумкин. Улар нуқул мана шунақа пайтларни пойлашади. Бундан икки йил муқаддам шимоли гарб вокзалида бир хонимнинг болалар коляскасини, кўрпачага ўраб ётқизиб қўйилган қизчаси билан бирга ўғирлаб кетишган эди, лекин ўғирлар инсофли экан, қизчани бизнинг кўчамиздаги полиция маҳкамасига топширишибди, бу қизчани биров ташлаб кетган экан, биз уни дарвозанинг олдидан топиб олдик, дейишибди. Кейин газеталар бечора хонимни ёвуз онага чиқариб қўйишди. — Шундан сўнг Швейк қатъий ишонч билан хулоса чиқариб, деди: — Вокзалларда ҳамиша ўғирлик бўлиб келган ва бўлаверади ҳам, буни йўқотишнинг иложи йўқ.

— Мен шу нарсага ғоят аминманки, Швейк, — деди поручик, — охири ишингиз хунук бўлади. Сиз ўзингизни эшак қилиб кўрсатяпсизми ёки ростдан ҳам эшак бўлиб туғилганмисиз, мен буни шу вақтгача тушуна олмаяман. Чемоданда нималар бор эди?

Швейк қўлида «Нейе Фрейе Прессе»\* газетасини ушлаб ўтирган ва ўзини бўлаётган гапларга эътибор бермагандек тутаётган жанобнинг ярғоқ бошидан кўзини узмай туриб, жавоб берди:

— Арзигулик ҳеч бир нарса йўқ эди, жаноб обер-лейтенант. Фақат уйингиздаги ойнани ва даҳлиздаги темир вешалкани солиб қўйган эдик, бинобарин, аслини олганда, биз ҳеч бир зарар кўрганимиз йўқ, чунки ойна ҳам, вешалка ҳам биз турган уйнинг эгасиники эди...

Швейк поручикнинг важоҳатидан жаҳли чиқаётганлигини кўриб, мулойимлик билан давом этди:— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, чемодан ўгирланишидан мен беҳабар эдим. Ойна билан вешалкага келганда эса, мен унга фронтдан қайтганимиздан кейин ҳаммасини қайтариб бераман, деб ваъда қилганман. Душман юртида ойна билан вешалкалар тўлиб ётибди, бинобарин, бизга ҳам, хўжайинга ҳам ҳеч бир зарар бўлмайди. Бирор шаҳарни ишғол қилишимиз биланоқ...

— Бас!— ўзгача бир овоз билан ўшқирди поручик.— Мен сизни дала судига топшираман! Агар каллангизда лоақал бир томчи ақл бўлса, ўйлаганингизни гапираверинг! Сиз мана шу бир ҳафта ичида қилган шу қадар кўп номаъқулчиликларни бошқа бир киши минг йилда ҳам қилолмас эди. Чамамда бунга ўзингиз пайқаган бўлсангиз керак?

— Худди шундай, жаноб обер-лейтенант, пайқадим. Менинг кузатиш қобилиятим жуда ривож топган десам бўлади, лекин бу қобилият вақти ўтганидан ва кўнгилсиз ҳодиса рўй берганидан кейин пайдо бўлади, холос. Сира омадим келмаяпти. Мен худди «Итли ўрмон» қовоқхонасига келиб юрадиган неказанкалик Нехлебага ўхшайман. У ҳамиша ҳимматли бўлишни орзу қилиб юрар эди ва ҳар шанба кундан бошлаб янги турмуш бошларди, эртаси куни эса, «эрталаб қарасам, оғайнлар, яна нар\* устида ётибман!» деб ҳикоя қиларди. Ҳамиша у, тинч ва осойишта уйимга қайтаман деб жазм қилиб турган пайтда бир фалокатга йўлиқарди, кейин барибир у қаердадир бировнинг деворини бузганлиги ёки извошчининг отини извошдан чиқариб олиб кетганлиги ё бўлмаса, полиция каскасининг укпаридан олинган хўроз пати билан ўзининг трубкасини тозалamoқчи бўлганлиги маълум бўлиб қоларди. Нехлеба шунақа аҳволдан нуқул жиғибийрoн бўларди, аммо ўзининг бутун аждоди мана шундай омади келмаган кишилар экаплигини билиб айниқса хижолат чекарди. Кунларнинг бирида унинг буваси дунёни бир айланиб келай деб йўлга чиқибди...

— Ҳикояларингиз қурсин, жонимга тегдингиз, Швейк, бас қилинг!

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, ҳозир гапирётган гапларимнинг

ҳаммаси жуда ҳам рост. Хуллас, унинг буvasи дунёни бир айланиб келай деб йўлга чиқибди...

— Швейк,— жиғибийрон бўлди поручик,— яна бир марта буюриб айтаманки, вайсашни бас қилинг. Гапингизни эшитишга тоқатим қолмади. Будейовицага етиб боришимиз биланоқ, сизни нўхталаб қўймасам бўлмайди. Авахтага солиб қўяман. Бунни биласизми?

— Асло йўқ, жаноб поручик, билмайман,— юмшоққина жавоб берди Швейк.— Сиз бу тўғрида ҳатто оғиз очганингиз ҳам йўқ эди.

Поручик беихтиёр тишларини ғижирлатди, хўрсиниб қўйди, шинелининг чўнтагидан «Богемия»ни олиб, Германиянинг «Е» сув ости кемаси жуда катта ғалабалар қозонганлиги ҳамда унинг Ўрта денгиздаги ҳаракатлари тўғрисида шу газетада босилган хабарларни ўқишга тутинди. Немислар янги ихтиро қилиб, аэропланлардан ташланадиган ва уч марта қаторасига портлайдиган махсус бомбалар билан шаҳарларни вайрон қилиш йўлини топганликлари тўғрисидаги хабарларга етганида Швейк ярғоқ бош жаноб билан гап бошлаб, поручикнинг газета ўқишига халақит берди.

— Кечирасиз, жаноб, мабодо сиз «Славия» банкининг агенти жаноб Пуркрабек эмасмисиз?

Швейк жавоб ололмай, поручикка мурожаат қилди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, газеталарда мен бир вақт бир нарса ўқиган эдим: нормал кишининг бошида ўрта ҳисобда олтмиш мингдан етмиш мингтагача соч толаси бўлиши керак экан, қора сочли кишиларнинг бошида соч одатда сийракроқ бўлар экан. Бунни кўрсатувчи ми-соллар кўп... «Шпирков» кафесида ўтирганимизда,— деб тинмай давом этаверди Швейк,— бир фельдшер бизга, одам туғилганидан кейин дастлабки олти ҳафта ичида зўр руҳий ларзага учраса унинг сочи тўкилиб кетади, деган эди...

Шу онда кутилмаган даҳшатли бир ҳол рўй берди. Боши ярғоқ жаноб ўрнидан сапчиб туриб:— Marsch he-гаus, Sie Schweinkerl!<sup>1</sup>— деб Швейкка бақирди ва уни тепиб юборди. Тепки зарбидан иккови ҳам ташқарига отилди. Сўнгра боши ярғоқ жаноб купега қайтиб кириб, кутилмаган ҳолда поручикка ўзини таништирди.

<sup>1</sup> Йўқол бу ердан, чўчқал (немисча).

Швейк жиндек янглишган экан: бу боши ярғоқ шахс «Славия» банкининг агенти пан Пуркрабек эмас, балки фақат генерал-лейтенант фон Шварцбург экан. Генерал-майор фуқароча кийим кийиб олиб, гарнизонларни назорат қилиш мақсадида айланиб юрган экан ва ҳозир Будейовицага бостириб бормоқчи экан.

Бу зот шу дамгача дунёда туғилган ҳамма генерал инспекторларнинг энг даҳшатлиси эди. У бирор жойда тартибсизлик борлигини кўриб қолса, гарнизон бошлиғи билан дарров қуйидагича гап бошлар эди:

— Тўппончангиз борми?

— Бор.

— Жуда соз. Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда бу тўппонча билан нима қилишни билардим. Бу гарнизон эмас, чўчқалар подаси-ку!

Дарҳақиқат, у инспекция мақсадида ҳар сафар айланиб чиққанидан кейин, гоҳ у жойда, гоҳ бу жойда кимдир биров ўзини отиб ўлдиарди.

Бундай ҳолларда генерал фон Шварцбург мамнуният билан қайд қилиб, деярди:

— Тўғри қилибди! Чинакам солдат экан!

Генерал ўтказган ревизиядан кейин лоақал бирор киши тирик қолса, бунга жаҳли чиқиб кетгандек бўлиб кўринарди. Бундан ташқари, у, офицерларни энг ёмон жойларга кўчириш касалига мубтало эди. Офицернинг ўз қисми билан хайрлашиб Черногория чегарасига ёки Галициянинг ифлос жойларидан биридаги нуқул ичкиликбозлардан иборат гарнизонга жўнаб кетиши учун арзимас бир сабаб кифоя қиларди.

— Жаноб поручик,— савол берди генерал,— сиз қайси ҳарбий билим юртида ўқигансиз?

— Прагада.

— Демак, сиз ҳарбий билим юртида ўқибсизу, офицер ўз қарамоғидаги солдат учун жавобгар эканлигини ҳатто билмас экансиз-да? Чакки эмас. Иккинчидан, сиз ўз деншчигингиз билан худди яқин ошнангиздек валақлашиб ўтирибсиз. Сиз унинг сўрамасдан туриб гапирар-веришига йўл қўяяпсиз. Бу ҳам яхши! Учунчидан, сиз унинг бошлиқларингизни ҳақорат қилишига ижозат беряпсиз. Буниси ҳаммадан ҳам яхши! Мана шуларнинг ҳаммасидан мен муайян хулосалар чиқараман... Қани, фамилияларини айтсинлар-чи, жаноб поручик?

— Лукаш.

— Қайси полкдансиз?

— Хизмат қилган полким...

— Сизга ташаккур. Гап қаерда хизмат қилганингиз тўғрисида бораётгани йўқ. Ҳозир қаерда хизмат қилаётганлигингизни билмоқчиман.

— Тўқсон биринчи пиёда қўшинлар полкида, жаноб генерал-майор. Мени кўчиришган эди...

— Сизни кўчиришганмиди? Жуда яхши қилишибдида. Тўқсон биринчи полк билан бирга яқин фурсатда уруш ҳаракатлари майдонини кўрсангиз сиз учун жуда ҳам зарарли бўлмайди.

— Шундай қарорга келиб қўйишган, жаноб генерал-майор.

Шундан сўнг генерал-майор лекция ўқишга тутиниб, кейинги вақтларда офицерлар ўзларига итоат қилувчи солдатлар билан ўртоқларча оҳангда гаплашадиган бўлиб қолганликларини кўп марталаб кўрганлигини, бундай ҳолини ҳар хил демократик принципларни авж олдириш томон хатарли бурилиш деб билаётганлигини гапиришга киришди. Солдатни ҳамиша қўрқитиб туриш керак. У ўз бошлиқлари олдида қалтираши, улардан ҳайиқиши лозим, офицерлар солдатларни ўзларидан тўққиз қадам нарида турғизишлари, солдатларнинг ўзларича фикр юритишларига, умуман, ўйлашларига йўл қўймасликлари лозим. Кейинги йиллардаги фожиона хато ҳам шундан иборат бўлиб турибди. Илгари солдатлар офицерлардан ўтдан қўрққандек қўрқишар эди, аммо ҳозир-чи...— Генерал-майор умидсизларча қўл силтаб қўйди.— Ҳозир кўпчилик офицерлар ўз солдатлари билан апоқ-чапоқ, ҳамма бало мана шунда.

Генерал-майор яна газетани қўлга олиб, уни ўқишга киришди. Поручик Лукаш Швейк билан ҳисоб-китобни тўғриламоқ учун бўзариб коридорга чиқди. Швейк тўйиб эмиб ва ширин ухлаб ётган тўрт ҳафталик чақалоқ сингари мамнун ва хурсанд эканлиги чеҳрасидан сезилган ҳолда, дераза олдида турган эди.

Поручик эшик олдида тўхтади ва бошини қимирлатиб, Швейкка бўш купени кўрсатди. Сўнгра ўзи Швейк кетидан кириб, эшикни қулфлаб олди.

— Швейк,— деди у,— тантанавор оҳангда,— сизни боллаб икки тарсаки урадиган пайтим ниҳоят келди. У кал жанобга тирғилишга қандай қилиб ботиндингиз!



Унинг кимлигини биласизми? У генерал-майор фон Шварцбург-ку!

Швейкнинг башараси бужмайиб кетди.

— Ижозатингиз билан сизга шунни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, бирор кишини хафа қилиш ҳеч қачон хаёлимга ҳам келгани йўқ, унинг генерал-майор эканлигидан беҳабарман. Ҳақиқатан ҳам, у «Славия» банкининг агенти пан Пуркрабекнинг худди ўзига ўхшайди! У бизнинг қовоқхонага келиб юрарди, бир кун у стол ёнида ухлаб қолганда туппа-тузук бир одам унинг ялтираб турган кал бошига сиёҳ қалами билан бундай деб ёзиб кетибди: «Илова қилинган №III с тарифига биноан, бисот орттирмоқ учун маблағлар тўплашга ва болаларингизни таъминлаб қўйиш мақсадида ҳаётингизни страхованне қилдиришга доир ўз хизматларинизни сизга таклиф қилишни ушбу билан ўзимизга лозим топдик». Ҳамма қовоқхонадан кетиб қолди, албатта, фақат мен у билан яккама-якка қолдим. Ҳеч қачон омадим келмайдиган киши эканлигим маълум. У уйғониб ойнага қараб жаҳли чиқиб кетди ва бошидаги хатни мен ёзган бўлсам керак, деб ўйлаб, у ҳам менга икки тарсаки урмоқчи бўлди.

«У ҳам» деган сўзлар Швейк оғзидан шу қадар мулойимлик ва шу қадар майин таъна оҳангида чиқиб кетдики, поручик кўтараётган қўлини пастга туширишга мажбур бўлди.

Швейк давом этди:

— У жаноб бунақа арзимас хато учун ҳаяжонга тушмаса бўларди. Ҳақиқатан ҳам унинг бошида олтмиш мингдан етмиш минг толагача соч бўлиши керак. «Нормал кишида нималар бўлиши керак» деган мақолада шундай дейилган. Дунёда кал одам генерал-майор бўлади, деган фикр ҳеч қачон хаёлимга ҳам келмаган эди. Жуда ёмон хато бўлибди, бир киши бирон гап айтганида иккинчи киши бунга тирғилаверса, ҳар бир киши ҳам шундай балога учраши мумкин. Бундан бир неча йил муқаддам Гивл деган бир чевар машиначи бизга бундай бир ҳолни ҳикоя қилиб берган эди. Унинг ўзи Штирияда тикувчилик қиларди. Кунларнинг бирида у Штириядан Леобен орқали Прагага бораётган экан. Унинг қўлида Мариборда сотиб олинган сур чўчқа гўшти ҳам бор экан. У поездда кета туриб, шунча йўловчилар орасида бир мен ўзим чех эканман, деб ўйлабди. Святой

Морицдан поезд ўтиб кетганидан кейин Гивл ўзининг сур гўштидан бир бўлагини кесиб ея бошлаган экан, рўпарасида ўтирган йўловчининг сўлаги оққанча сур гўштга суқланиб тикилиб ўтираверибди. Гивл буни пайқаб: «Шунақа гўшт берсам сен ифлос ҳам маза қилиб туширардинг-а!» деб ўзича овоз чиқариб гапирибди. Шунда ўша жаноб чехга жавоб бериб, «рост, берсам маза қилиб туширардим», дебди. Шундай қилиб, икковлари сур гўштнинг ҳаммасини Чешские Будейовицага етмасданоқ ютиб бўлишибди. Уша жанобнинг оти Войтех Роус экан.

Поручик Лукаш Швейкка бир қараб қўйиб, купедан чиқиб кетди, у ўз жойига ўтиришга улгурмасданоқ, эшикда Швейкнинг жилмайган чеҳраси пайдо бўлди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, беш минутдан кейин Таборга етмиз. Поезд беш минут туради. Нонуштага бирор нима олиб келишни буюрасизми? Бир вақтлар бу ерда олиш мумкин бўлган тузуккина...

Поручик илон чаққандек сапчиб турди ва йўлакда Швейкка деди:

— Сизни яна бир марта огоҳлантираман: менинг кўзимга қанчалик кам кўринсангиз, шунчалик яхши. Сизни сира кўрмасам ўзимни бахтиёр деб ҳисоблардим, амин бўлинг, мен бунинг чорасини кўраман. Кўзимга кўринманг, йўқолинг, ҳайвон, бефаҳм!

— Хўп бўлади, жаноб обер-лейтенант!

Швейк ҳарбийларча таъзим қилиб, қондасини келтириб пошнаси билан бурилди ва вагоннинг нариги чеккасига кетди. У ерда у бурчакда проводник ўрнига ўтириб олиб, қандайдир бир темирйўлчи билан гап бошлади.

— Рухсатингиз билан сизга бир савол бермоқчиман...

Гаплашишга сира хоҳиши бўлмаган темирйўлчи ҳафсаласизлик билан бошини қимирлатди.

— Бир танишим меникига меҳмон бўлиб келиб юрарди,— деб гап бошлади Швейк,— Гофман фамилиялик яхши йигит эди. Уша Гофман, тревога бўлиб қолганида мана бу тормозлар ишламайди, деяр эди, гапнинг қисқаси, агар тутқичини тортсангиз, барибир ҳеч бир иш чиқмайди, деяр эди. Ростини айтсам, мен бунақа нарсаларга сира қизиққан эмасман, аммо бугун бу тормоз менинг эътиборимни жалб қилди, шунинг учун ҳам

тўсатдан керак бўлиб қолар деб, унинг нималигини бил-моқчиман.

Швейк ўрнидан туриб, темирйўлчи билан бирга тормознинг олдига борди. Тормознинг устига «Хавф бўлиб қолган тақдирда» сўзлари ёзилган эди.

Темирйўлчи авариянинг олдини олиш аппаратидаги бутун механизм қандай тузилганлигини Швейкка тушунтириб беришни ўзининг бурчи деб билди:

— Тормознинг тутқисини тортиш керак, деб у тўғри айтибди, лекин унинг тормоз ишламайди, деган гапи ёлгон. Поезд дарров тўхтайтиди, чунки бу тормоз ҳамма вагонлардан ўтиб, паравоз билан туташтирилган. Авария тормози албатта ишлаши керак.

Улар тормоз тутқисини ушлаб туриб гаплашмоқда эдилар, бир нарса бўлиб тутқи орқага тортилди-ю, поезд тўхтаб қолди, бу ҳол қандай рўй берганлиги ҳақиқаган сир бўлиб қолмоқда.

Тревога сигналини ким берганлиги тўғрисида улар бир-бирлари билан сира келиша олмадилар. Швейк мен кўча боласи эмасманки, бунақа ишларни қилсам, деб қаттиқ туриб олди. У шу жойга етиб келган кондукторга очиқ кўнгил билан деди:

— Бу поезд бирдан нега тўхтаб қолганига ўзим ҳам ҳайронман. Туппа-тузук юриб турган поезд бирданга тўхтаб қолди-я! Бунга мен сиздан кўра кўпроқ ачин-япман.

Қандайдир салобатли бир жаноб темирйўлчини ҳимоя қила бошлади ва авария тормозлари тўғрисидаги гапни биринчи бўлиб солдатнинг ўзи бошлаганлигини ўз қулогим билан эшитдим, деб туриб олди.

Лекин Швейк, менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, поездни тўхтатишдан сира манфаатдор эмасман, чунки фронтга кетяпман, деган гапни такрорлайверди.

— Станция бошлиғи сизга ҳаммасини тушунтириб беради,— деди қатъий қилиб кондуктор.— Сиз йигирма кронга тушасиз.

Шу пайтда йўловчилар вагонлардан пастга тушиб олишган эди, обер-кондуктор ҳуштак чалиб юборди, қандайдир бир хоним чемоданни кўтарганча ваҳимага тушиб, темир йўл орқали далага чопиб кетди.

Швейк пинагини бузмай муҳокама қиларди:

— Йигирма крон турар экан, жуда арзон-ку бу. Бир вақт император аъзам Жижковга келганларида Франта

Шнор деган бир киши кўчанинг қоқ ўртасида император аъзам олдиларида тиз чўкиб, унинг каретасини тўхта-тиб қўйган эди. Кейин шу районнинг полиция комиссари йиглаб, Шнордан ўпкалар экан, сен менинг районимда тиз чўкиб йиқилмаслигинг керак эди, комиссар Краузе-нинг районуни қарашли нарини кўчада тиз чўкиб, садо-қатингни изҳор қилсанг яхшироқ бўларди, деган эди. Кейин Шнорни қамаб қўйишди.

Швейк атрофини ўраб унинг гапларини эшитиб тур-ган кишилар олдида обер-кондуктор келиши биланоқ, теваарак-атрофга қараб қўйди.

— Бўлар иш бўлди, энди кетишимиз керак,— деди Швейк.— Поезднинг кечиккани яхшилик аломати эмас. Тинч вақтда бундай ҳодиса рўй берса, майли, худога ҳавола, деб қўя қолардик. Аммо ҳозир уруш пайти, бун-дай пайтда ҳар бир поездда ҳарбий мансабдаги киши-лар: генерал-майорлар, обер-лейтенантлар, денщиклар кетаётганлигини унутмаслик керак. Ҳар қалай кечикиш ёмон нарса. Ватерлоодаги жанг вақтида, Наполеон беш минут кечиккани учун бутун шон-шухратида айрилди.

Шу пайт поручик Лукаш гап тингловчиларни у ёқ-бу ёққа туртиб кириб келди. Юзи ҳаддан ташқари бўзариб кетганди.

— Швейк!— қичқирди у бошқа сўз айтмай.

Швейк ҳарбийларча қаққайиб туриб рапорт берди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керак-ки, жаноб обер-лейтенант, поездни сен тўхтатдинг, деб айбни менга тўнкашди. Темир йўл идорасининг авария тормозидаги пломбалар жуда ажойиб экан! Бу тормоз-ларга яқин йўламаган яхшироқ. Яқин йўлаган киши балого қолар экан, яқинлашган одам менга ўхшаб йигир-ма кронга тушиши ҳеч гап эмас.

Обер-кондуктор чиқиб ҳуштак чалди ва поезд юриб кетди.

Йўловчилар ўзларининг купеларига тарқалишди. Лу-каш бошқа бир сўз айтмай, ўз купесига кириб кетди. Швейк, темир йўл хизматчиси ва кондуктор ўзлари қо-лишди.

Кондуктор ёзув дафтарини чиқариб, шу воқеа тўғ-рисида протокол ёзишга киришди. Темирйўлчи Швейк-ка ёвқараш қилган эди, Швейк унга савол берди:

— Кўпдан бери темир йўлда хизмат қилияпсизми?

Темирйўлчи жавоб бермагач, Швейк ўз танишлари-

дан бири Прагага яқин Угржиневидаги Франтишек Мличек деган кишининг бошидан ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди. Бир вақт у ҳам авария тормозининг тутқасини тортиб юбориб, қўрқиб кетганидан тилсиз бўлиб қолган экан. У икки ҳафтадан кейин Гостивардаги резаворчи Ванекнинг уйига меҳмон бўлиб келиб муштлашиб қолган, ўлгудек калтак еганидан кейингина яна тилга кирган экан.

— Бу воқеа,— деди Швейк,— бир минг тўққиз юз ўн иккинчи йил, май ойида бўлган эди.

Темирўлчи ҳожатхонага кириб, ичкаридан эшикни беркитиб олди.

Швейк билан қолган кондуктор ундан йигирма кроштраф тўлашни талаб қилаверди, акс ҳолда, сизни Таборда станция бошлиғига топшираман, деб дўқ қилди.

— Майли, жуда соз,— деди Швейк,— мен ўқимишли киши билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Табор станциясининг бошлиғи билан танишсам жуда хурсанд бўламан.

Швейк гимнастёркасининг чўнтагидан трубкасини олиб тутатди ва солдат тамакисининг аччиқ тутунини паға-паға чиқариб давом қилди:

— Бундан бир неча йил муқаддам Свитава станциясининг бошлиғи пан Вагнер эди. Ана уни эolim деса бўлади! Ўз қўл остидаги одамларга тирғила берар, уларни азоблаб жонларидан тўйдирарди, айниқса, стрелочник Юнгвиртни кўп қийнаган. У бечора аламига чидолмай, ўзини сувга ташлашга қарор қилган. Лекин Юнгвирт ўзини ўлдиришдан олдин станция бошлиғига, арвоҳим кечалари келиб сизни қўрқитади, деган мазмунда хат ёзиб қолдирди. Азбаройи худо, гапим рост! Ҳақиқатан ҳам шундай қилди. Станция бошлиғи кечаси телеграф аппарати олдида ўтирган экан, тўсатдан қўнғироқ чалинибди. У олинган телеграммани олиб қараса, телеграммада: «Аҳволинг қалай, аблаҳ? Юнгвирт», деб ёзилган экан. Бу аҳвол бир ҳафта давом этибди, шундан сўнг станция бошлиғи ўша арвоҳга жавобан, ҳамма томонга «Кечир мени, Юнгвирт» деган мазмунда хизмат телеграммаси йўллабди. Кечаси эса, бунга жавобан аппарат қуйидаги жавобни тикиллатиб ёзиб берибди: «Кўприк олдидаги семафорга ўзингни ос. Юнгвирт». Станция бошлиғи шу буйруққа бўйсунибди. Бунинг учун кейин қўшни станция телеграфчисини қамаб қўйишибди. Кўр-

дингизми, осмон билан ер ўртасида бизнинг хаёлимизга ҳам келмайдиган мана шундай нарсалар бўлиб туради.

Поезд Табор станциясига етиб келди, Швейк эса, кондуктор билан бирга поезддан тушишдан олдин поручик Лукашнинг олдига келди-да, қондасини келтириб бундай деди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, мени жаноб станция бошлигининг олдига олиб кетишяпти.

Поручик Лукаш жавоб бермади. Унинг ҳафсаласи бутунлай пир бўлган эди.

Поручик Лукашнинг хаёлига шундай гап келди: «Ҳаммангизга ҳам, Швейкка ҳам, кал генерал-майорга ҳам тупураман. Осойишта ўтиравераман, Будейовицага етгач, поезддан тушиб, казармага бораман, биринчи марш ротаси биланоқ фронтга жўнайман. Фронтда душман ўқига ўзимни тутиб бераман ва Швейк сингари аблаҳлар изғиб юрган бу разил дунёдан қутулам».

Поезд юриб кетаётган пайтда деразадан қараб турган поручик Лукаш перронда Швейк станция бошлиғи билан жиддий гаплашиб турганини кўрди. Швейкнинг атрофини одамлар ўраб олган, улар орасида темирўлчиларнинг формаларини кўриш мумкин эди.

Поручик Лукаш хўрсиниб қўйди. Лекин бу афсусланишни билдирувчи хўрсиниш эмас эди. Швейк перронда қолганини кўрган поручик Лукашнинг кўнгли анча енгил тортди. Энди ҳатто кал генерал-майор ҳам унга у қадар даҳшатли махлуқ бўлиб кўринмас эди.

\* \*  
\*

Поезд Чешские Будейовица томон пишқириб кетаётганига анча вақт ўтган бўлса ҳам, аммо Табор вокзали перронида Швейк атрофида тўпланган одамлар ҳали ҳам камаймаганди.

Швейк ўзининг бегуноҳлигини исботлар экан, халойиқни гапига шу қадар ишонтирдикки, ҳатто қандайдир бир хоним:

— Яна бечора солдатга тирғилишибди, — деб юборди.

Халойиқ бу фикрга қўшилди, бир жаноб эса, станция бошлиғига мурожаат қилиб, бу солдатнинг гуноҳсиз

экандигига аминман, Швейк учун йигирма крон штрафни мен тўлайман, деди.

Швейкнинг «яхшилар, мен айбдор эмас-ку!» дегандек мулойим бўлиб турган бегуноҳ чеҳрасини кўрсатиб:— Ахир, унинг ўзига бир қаранглар,— деди ўша жаноб.

Сўнгра жандарм келиб, халойиқ орасидан қандайдир бир гражданин қамоққа олиндингиз, деб олиб кетди. Жандарм йўл-йўлакай унга: «Сиз бунинг учун жавоб берасиз! Одамларни гиж-гижлаш нималигини сизга кўрсатиб қўяман! «Солдатларга шунақа муомала қилинаётгандан кейин, улардан Австриянинг ғалаба қилишини талаб этиб бўлмайди», нималигини сизга кўрсатиб қўяман» деб борарди.

Аммо Швейкнинг гуноҳsizлигига имони комил бўлган ҳимматли жаноб станция маҳкамасида унинг учун штрафни тўлади, Швейкни учинчи класс буфетига олиб бориб, унга пиво қуйиб берди ва Швейкнинг ҳамма гувоҳномалари ва аскарий темир йўл билети поручик Лукаш қўлида қолганлигини эшитиб, унга билет ва бошқа харажатлар учун беш крон қарз берди.

У хайрлашар экан, Швейкни ишонтириб бундай деди:

— Агар русларга асир тушсангиз, мендан здолбуновлик пивокаш Земанга салом айтиб қўйинг, солдатжон. Мана бу, менинг фамилиям. Ақлингизни йиғиб олинг, фронтда кўпам узоқ қолманг.

— Хотиржам бўлаверинг,— жавоб берди Швейк,— ўзга юртларни, айниқса, пул тўламай кўришга ҳамма ҳам қизиқади.

Швейк қовоқхонада ёлғиз ўзи қолиб, сахий киши бериб кетган беш кронга аста пиво ичаверди.

Шу пайт ўша темир йўл перронида Швейкнинг станция бошлиғи билан гаплашганини ўз қулоғи билан эшитмай, балки тўпланиб турган халойиқни узоқдан кўрган кишилар, вокзални суратга олаётган жосусни ушлаб олишди, деган гап тарқатишмоқда эди. Бироқ бир хоним бу овозани рад қилиб, ҳеч қандай жосус тутилгани йўқ, балки эшитишимга қараганда, хотинлар ҳожатхонасида бир драгун кузатиб қўйиш учун келган маҳбубаси шу ҳожатхонада ўтирганида унинг устига бостириб кирган офицерни ҳожатхонанинг ичида чопиб ташлади, деб даъво қилмоқда эди.

Ҳамма жиғибийрон бўлиб юрган уруш кезлари учун

характерли, ақл бовар қилмас бу миш-мишларга перронни бегона одамлардан тозалаган жандармлар дарров чек қўйишди.

Аmmo Швейк ичишни давом эттираверди. Энди у ўзининг поручигини раҳмдиллик билан эслаб, «Чешские Будейовицага бориб етса-ю, бутун поздда ўзининг деншчигини топа олмаса нима қиларкин?» деб ўйлаб ўтирарди.

Пассажир поезд станцияга келиш олдидан учинчи класс ресторани солдатлар ва оддий кишилар билан тўлиб кетди. Булар орасида турли полк, қисм ва турли миллатлардан бўлган солдатлар кўп эди. Уларнинг ҳаммасини уруш довули Табор лазаретларига суриб келганди. Энди улар яна фронтга жўнаб кетишяпти. Улар тагин яраланиш, майиб бўлиш учун, Шарқий Галициянинг ҳувиллаган текисликларида жон бериш учун кетмоқдалар. Эҳтимол, улар ҳувиллаган текисликларда абадий қолиб кетар, уларнинг қабри узра оддий ёгон крестдаги занглаган кокардали Австрия ҳарбий фуражкалари яна кўп йиллар шамолда ва ёмғирда липиллаб турар. Ўнгиб кетган бу фуражкага баъзан ғамгин қари қарға қўниб, бир вақтлар бу ерда тахланиб ётган одам мурдалари ва от ўликларини еб нашу намо қилганлиги, ўзи учун мўл-кўлчилик бўлган ўша вақтларни эсга олар, ҳозир қўниб ўтирган шу фуражка тагидаги емиш энг лаззатли бўлганлигини, чунки бу шу фуражка соҳибининг кўзлари эканлигини эслар...

Лазаретдаги операциядан сўнг тузалиб чиққан, мундири лой ва қондан доғ-дуғ бўлиб кетган, ахир бир кун жасади крест остида қолиб кетиши муқаррар бўлган солдатлардан бири Швейкнинг ёнига келиб ўтирди. Нимжон, ориқ, маъюс бу солдат кичкина тугунчасини столга қўйиб, титилиб кетган ҳамёнини қўлига олди ва унинг ичидаги пулни санай бошлади. Сўнгра Швейкка қараб, сўради:

— Magyarul?<sup>1</sup>

— Мен чехман, оғайни,— жавоб берди Швейк.— Хоҳласанг, бирга ичишамиз.

— Nem tudom, barátom<sup>2</sup>.

— Ҳечқиси йўқ, ошна,— Швейк ўзининг пиво тўла

<sup>1</sup> Мадьярмисан? (венгерча).

<sup>2</sup> Тушунмаяпман, ошнаам (венгерча).



кружкасини маънос солдатга яқинроқ суриб қўйди,— саломатликка ичавер.

У гапни тушуниб, пивони симирди ва ташаккур айтди.  
— *Közönöm szívesen!*

Сўнгра у яна ҳамёнидаги нарсаларни кўздан кечира бошлади ва ниҳоят, хўрсиниб қўйди. Швейк, бу мадьяр пиво буюрмоқчи бўлганлигини, лекин пули етмаётганини тушуниди. Швейк унга бир кружка пиво чақирди. Мадьяр яна ташаккур айтди ва ўзининг ўқ теккан қўлини кўрсатиб, имо-ишоралар билан нималарнидир ҳикоя қила бошлади ва сўнгра халқаро тилда илова қилиб қўйди:

— Пиф-паф! Бац!

Швейк хайрихоҳлик билан бош силкиди, тузалувчилар командасидан бўлган бу нимжон солдат эса, чап қўли билан ердан ярим метр жойни кўрсатиб ва учта бармоғини кўтариб, Швейкка, учта ёш болам бор, деб тушунтирди.

— *Nincsham! nincsham!*<sup>2</sup>— деб давом қилди у ва уйда ёйдиган овқати йўқлигини тушунтирмоқчи бўлди. Кўздан тирқираб ёш оқди ва шинелининг исқирт енгги билан кўзларини артди. Унинг Венгрия қиролининг шон-шуҳрати учун яраланганлиги шинелининг енгини ўқ тешиб ўтганлигидан кўриниб турарди.

Швейкнинг беш кронни мана шу улфатчиликда соврилиб йўқ бўлиб бораётганлигига таажжубланишнинг ҳождати йўқ, бу ҳол Чешские Будейовицага олиб борадиган йўлни Швейк учун аста-секин, лекин муқаррар кесиб қўймоқда эди. Лазаретдан бўшаб чиққан мадьяр солдат билан Швейк ичган ҳар бир кружка пиво билет сотиб олиш имкониятини тобора камайтирарди.

Будейовицага борадиган яна бир поезд станциядан ўтиб кетди, ammo Швейк ҳали ҳам стол ёнида ўтириб, венгер солдатнинг қайта-қайта такрорлаётган сўзини тингламоқда эди:

— Пиф-паф... Бац! *Nárom gyermek, nincsham, élien!*<sup>3</sup>

Кейинги сўзни у Швейк билан кружка чўқиштириб туриб айтди.

— Ичавер, хумпар мадьяр, тортинмасдан ичавер!— Швейк уни қистайверди.— Сенлар биздақаларни сира ҳам меҳмон қилмас эдинглар!

<sup>1</sup> Жуда миннатдормон (венгерча).

<sup>2</sup> Майли... майли... (венгерча).

<sup>3</sup> Уч бола-я, майли... ура! (венгерча).

Қўшни стол ёнида ўтирган бир солдат, бизнинг йигирма саккизинчи полкимиз фронтга кета туриб Сегединдан ўтаётганида кўчага чиққан мадьярлар қўлларини юқори кўтаришиб, бизларни калака қилишган эди, деб ҳикоя қилиб берди.

Бу чиндан ҳам бўлган гап эди. Лекин афтидан бу солдатга ҳақоратдек туюлган бўлса керак. Кейинроқ чех солдатларининг қўл кўтариб асир тушиши одат бўлиб қолди, мадьярларнинг ўзлари ҳам Венгрия қиролининг манфаатлари йўлида қон тўкиш жонларига теккандан кейин улар ҳам шундай қила бошладилар.

Сўнгра солдат Швейкнинг ёнига келиб ўтириб, Сегединда ҳар ойнинг биринчи куни венгерларнинг адабини беришга ва уларни бир неча қовоқхоналардан улоқтириб ташлашга одатланганликларини ҳикоя қилиб берди. Шу билан бирга, у венгерлар муштлашишга уста эканликларини ва ҳатто ўзи улар билан муштлашиб, елкасидан пичоқ еганлигини, шу туфайли даволаниш учун мамлакатнинг ичкарасига юборилганлигини эътироф қилди.

Ҳозир у ўз қисмига қайтиб келаётган экан. Батальон командири энди мени, деб давом қилди ҳикоясини чавақланиб тузалган солдат, пичоқ урган мадьярни сен ҳам бопламабсан, унда ҳам «эсдалик» қолдирмабсан, шундай қилганингда ўз полкинг обрўйини оширган бўлар эдинг, деб қамаб қўйса керак.

Штикли милтиқ кўтарган тўрт солдат билан бирга кириб келган патруль бошлиғи фельдфебель, Швейкка мурожаат қилиб:

— Ihre Dokumenten<sup>1</sup>, худшатингиз барми. Сиз, зольдат, нуқул ичади, ўтиради, кетмайди, нуқул ичади, мен курган!— деди.

— Ҳужжатим йўқ, оғайни,— жавоб берди Швейк.— Тўқсон биринчи полкдаги жаноб поручик Лукаш менинг ҳужжатларимни ўзи билан олиб кетди, мен бўлсам бу ерда, вокзалда қолдим.

— Was ist das Wort «оғайни?»<sup>2</sup> Немисчалаб сўради фельдфебель ўз мулозимларидан бири бўлган кекса лашкарга мурожаат қилиб. У ўзининг фельдфебелига нуқул

<sup>1</sup> Ҳужжатларингизни кўрсатинг (немисча).

<sup>2</sup> «Оғайни» деган сўзнинг маъноси нима? (немисча).

ёлгон гапирнишга одатланиб қолган бўлса керак, хотир-  
жам жавоб берди:

— «Огайни» — das ist wie «Herr Feldwebl»<sup>1</sup>.

Фельдфебель Швейк билан гапни яна давом эттирди:

— Ҳар бир зольдатда худшат бўлиши керак. Худшати бўлмаганларни auf Bahnhofs-Militärkommando, den lausigen Bursch wie einen tollen Hund<sup>2</sup>, камайди.

Швейкни станция ҳузуридаги комендатурага олиб кетишди. Қоровулхонада Швейк бир тўда солдатларга дуч келди, булар «огайни» сўзини унинг азалги душмани бўлган бошлиғи фельдфебелга бошлаб немисча таржима қилиб берган кекса лашкар тоифасидаги солдатлар эди.

Қоровулхона литографияда босилган суратлар билан ясатилган эдиким, ўша вақтда ҳарбий министрлик солдатларнинг кўзи тушадиган ҳамма муассасаларга, казармаларга ва ҳарбий билим юртларига бунақа суратларни юбориб турар эди.

Шоввоз солдат Швейкнинг кўзи тушган биринчи суратда ёзилган хатларга қараганда, бу суратда ҳазрат олий Йигирма биринчи ўқчи полкининг взвод командири Франтишек Гаммель билан бўлим командирлари Паульгарт ва Бахмайер солдатларни бардам бўлишга чақираётганлиги тасвирланган эди. Иккинчи бир деворга ёпиштириб қўйилган рангли суратга: «5-гонвед гусарлар полкининг унтер-офицери Ян Данко душман батареяси турган жойни разведка қиляпти», деб ёзилган эди.

Пастроқда, ўнг томонда:

### *«Фавқулодда шавкат намуналари»*

сўзлари ёзилган плакат осиб қўйилган эди.

Урушга сафарбар қилинган немис журналистлари уйдирма фавқулодда шавкат намуналари тасвирланган шу плакатларнинг текстини ёзиб беришарди. Қариб ақлдан озган Австрия мана шундай плакатлар билан солдатларни руҳлантирмоқчи бўлди. Лекин солдатлар буларнинг биронтасини ҳам ўқимас эдилар: бундай жасурлик намуналари тасвирланган китобчалар фронтга юборилганида солдатлар бу китобчаларнинг варақларини «қуш» қилиб учириб эрмак қилар ёки шу китоб-

<sup>1</sup> Бу «жаноб фельдфебель» деган сўз (немисча).

<sup>2</sup> ...станция ҳузуридаги ҳарбий комендатурага, қутурган ит каби битлиқлар орасига қамаб қўямиз (немисча).

чаларнинг бадий қийматига ва мана шу «шавкат намуналари»нинг руҳига мувофиқ тушадиган бошқа ҳожатлар учун уларнинг қоғозларидан фойдаланар эдилар.

Фельдфебель бирор офицерни қидириб топиб келгунча Швейк плакатдаги қуйидаги сўзларни ўқиб чиқди:

#### ОБОЗЧИ ОДДИИ СОЛДАТ ИОСИФ БОНГ

Санитарлар оғир ярадорларни пастликдаги пана жойда шай бўлиб турган санитария араваларига элиб қўймоқда эдилар. Аравалар оғир ярадорлар билан тўлгач, уларни кетма-кет перевязка пунктига жунатардилар. Руслар санитария отряди қаерда турганлигини билиб олиб, бу отрядга граната улоқтира бошладилар. Учинчи санитария император эскадрони ҳузуридаги обоз аравакаши Иосиф Бонг отига портлайдиган снаряд тегиб ўлиб қолди. Иосиф Бонг «бечора тулпорим, сен ҳам ўлдинг!» деб ачиниб йиғлади. Шу пайт граната парчаси тегиб, ўзи ҳам жароҳатланди. Лекин шунга қарамай, Иосиф Бонг ўлган отни аравадан чиқариб, оғир юкли аравани ўзи тортганча пана жойга олиб бориб қўйди. Кейин ўлган отнинг эгар-жабдуқларини олиб кетиш учун қайтиб келди. Руслар отишмани давом эттираверишди. «Отсаларнинг отаверинглар, лаънати ёвузлар, мен эгар-жабдуқни барибир бу ерда қолдирмайман!» У қайта-қайта шундай деб отнинг эгар-жабдуғини ечиб ола бошлади. Ниҳоят, у эгар-жабдуқни орқалаб араваларнинг ёнига аранг қайтиб келди. Санитарлар уни жуда узоқ қолиб кетдинг, деб койишди. «Эгар-жабдуқларни қолдиргим келмади, ахир, яп-янги-ку. Ташлаб кетсам увол бўлади, бир кунимга яраб қолар, деб ўйладим». Шавкатли солдат шу сўзларни айтиб ўзини оқлади-да, перевязка пунктига равона бўлди, ўзининг жароҳатланганлигини фақат у ерга борганидагина айтди. Орадан сал вақт ўтгач, ротмистр унинг кўксига «Ботирлик учун!» кумуш медалини тақиб қўйди.

Швейк плакатни ўқиб бўлганидан кейин ҳам фельдфебель қайтиб келмаганлигини кўриб, қоровулхонада турган лашкарларга деди:

— Ажойиб шавкат намунасини ёзишибди. Агар бундан буён ҳам шундай бўлаверса, армиямизда нуқул янги эгар-жабдуқ бўлаверади. Бир вақтлар Прагада обозда рўй берган бундан ҳам антиқа воқеа тўғрисида «Прага ҳукумат газетаси»да ёзилган мақолани ўқиганман. Уша мақолада ёлланиб ҳарбий хизматга кирган доктор Йозеф Воян тўғрисида ёзилган эди. У Галицияда Еттинчи егер полкида хизмат қилар экан. Найзобозлик жанги бош-

ланиб кетиши билан унинг бошига ўқ тегибди. Уни яра-ларни боғлаш пунктига олиб боришган экан, арзимаган яра учун бошимни боғлатмайман, деб бақира берибди ва ўзининг взводи билан яна жангга кириб кетибди. Шу пайт ўқ унинг товонини учириб юборибди. Уни яна олиб кетишмоқчи бўлишибди, лекин у ҳассага таяниб, оқсоқ-ланганча ўзини жанг майдонига урибди ва ҳассаси билан ўзини душмандан ҳимоя қила бошлабди. Шу пайт яна бир граната тегиб, қўлини узиб юборибди, узганда ҳам, ҳасса ушлаб турган қўлини чўрт узиб юборибди! Шу пайт дарров у ҳассани иккинчи қўлига олиб, сеп душманларни соғ қўймайман, деб бақирибди. Агар тағин бир дайди ўқ тегиб, уни ағдармаганда, худо билади, қанақа қаҳрамонликлар кўрсатган бўларди. Шу ўқ уни ўлдирмаганида, эҳтимол, у ҳам шавкат учун кумуш ме-даль олган бўлармиди. Уқ калласини учириб кетаётга-нида ҳам унинг боши чирпирак бўлиб айланиб, «хатто ажал бошингда айланиб юрганида ҳам, ўз бурчингни тезроқ бажар, солдат!» деб қичқирибди.

Қоровулхона командасидаги лашкарлардан бири бу гапни эшитиб:

— Газеталарда нималарни ёзишмайди,— деди.— Шу гапларни тўқиб ёзган кишининг ўзи бунақа маш-машага бир соат ҳам чидай олмай эсини йўқотиб қў-ярди.

Лашкар жаҳли чиқиб тупуриб қўйди.

— Бизнинг Чаславда Венадан келган бир немис муҳаррир бўларди. Ўзи прапоршчик эди. Биз билан чех-ча гаплашишни истамасди. Аммо нуқул чехлардан иборат «марш батальони»га юборилганидан кейин у дарров чехча гапирадиган бўлиб қолди.

Эшик олдида газабнок фельдфебель пайдо бўлди.

— Wenn man drei Minuten weg, da hört man nichts anderes als:<sup>1</sup>

«По-цешски, цехи».

Фельдфебель кета туриб (буфетга бўлса керак) лаш-карлардан бўлган бир унтер-офицерга, Швейкни кўрса-тиб, бу битлиқини подпоручик келиши билан унинг ол-дига олиб боринг, деб буюрди.

— Жаноб подпоручик яна станциядаги ўша теле-

---

<sup>1</sup> Уч минут нари силжишинг билан нуқул: «Чехча, чехлар» де-ган гапни эшитасан (немисча).

графчи қиз билан айш қилаётган бўлса керак,— деди унтер-офицер фельдфебель кетганидан кейин.— Икки ҳафтадан бери ўша қизга ёпишади, ҳар кун телеграфдан қутурган итдек қайтиб келиб, «Das ist aber eine Hure, sie will nicht mit mir schlafen!», деди.

Бу сафар ҳам подпоручик қутурган итдек қайтиб келди. Унинг китобларни столга тақиллатиб ураётгани эшитиларди.

Унтер-офицер Швейкка раҳми келиб:

— Нима ҳам қиласан, биродар, унинг олдига бормасанг бўлмайди,— деди. Ёшу қари, жуда кўп солдатлар унинг қўлидан ўтган. Шу гапни айтган унтер-офицер Швейкни маҳкамата олиб борди. Қоғозлар ёйиб қўйилган стол ёнида жаҳлдор бир ёш подпоручик ўтирарди.

Унтер олиб келаётган Швейкни кўрган ёш подпоручик маънодор қилиб:

— А-ҳа!..— деб чўзиб қўйди.

Унтер-офицер рапорт берди:

— Камина сизга шуни маълум қиладиларки, жаноб лейтенант, бу кишини ҳужжатсиз бўлгани учун вокзалдан тутиб олиб келишди.

Подпоручик, худди шу куни ва худди шу соатда ҳужжатсиз Швейкни вокзалда тутиб олишларини бундан бир неча йил муқаддам билган эдим, дегандек қилиб, бошини қимирлатиб қўйди.

Аммо шу дақиқада Швейкка назар солган кишининг турқи, бунақа одамда бирор ҳужжат бўлади деб фараз қилиши асло мумкин эмас, деган хулосага келиши муқаррар эди. Швейк шундай бир қиёфада қараб турардиси, унинг ҳолатини кўрган киши бу одам бошқа планетадан келиб қолган бўлса керак, нотаниш янги оламни кўриб, тушунмай таажжубланаяпти, ўзидан қандайдир аҳмоқона ҳужжатлар талаб қилинаётганлигига ақли бовар қилмаяпти деб ўйлаши мумкин эди.

Подпоручик Швейкка тикилиб, нима десам, нимани сўрасам экан, деб бир минут уйланиб қолди. Ниҳоят, бир қарорга келиб сўради:

— Вокзалда нима қилиб юрган эдингиз?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб лейтенант, Тўқсон биринчи полкимга, хўжайиним поручик Лукаш олдига бориш учун Чешские Буда-

<sup>1</sup> Вой занғар-ей, сира мен билан ётгиси келмайди-я (немисча).

йовицага борадиган поездни кутиб турган эдим, мен поручик Лукашнинг деншчиги бўлиб хизмат қиламан ва ундан ажраллишга мажбур бўлиб қолдим, чунки мени штраф тўласин, деб станция бошлиғи олдига олиб кетишди. Бунинг сабаби шуки, мени авария тормози ёрдами билан скорий поездни тўхтатиб қўйди, деган гумон билан шундай қилишди.

— Бошимни қотирманг!— бақирди подпоручик.— Лўнда ва қисқа қилиб гапиринг, бемаъни гапларни вайсай берманг.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб лейтенант, бизни ўзимизнинг Тўқсон биринчи пиёда қўшинлар полкимизга элтиб қўйиши лозим бўлган скорий поездга жаноб поручик Лукаш билан скорий поездга тушган дақиқамиздан бошлаб омадимиз келмай қолди: аввал чемоданамиз йўқолди, кейин, адаштирмаслик учун қандайдир фирм кал бир жаноб генерал-майор...

— Himmelhergott!— подпоручик ўшқириб сўкиниб қўйди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб лейтенант, мен сизга бор гапнинг ипидан игнаси-гача бирма бир айтиб бермасам бўлмайди, акс ҳолда, сиз воқеанинг қандай бўлганлигини тасаввур қилолмай-сиз, марҳум этикдўз Петрлик ўзининг шогирдини саваламоқчи бўлиб, шимингни еч, деб буюрганида ҳамиша шу гапни айтади.

Подпоручикнинг ғазаби ошиб яна ўшқириб қўйди, аммо Швейк дивом этаверди:

— Қал жаноб генерал-майорга нима учундир ёқмай қолдим, жаноб поручик Лукашнинг деншчиги бўлганим учун мени у коридорга чиқариб қўйди. Кейин коридорда мени сизга ҳали айтиб берган гуноҳни қилишда гумон-сираб айблашди. Жаноб поручик чемоданлар, ўзининг ва менинг ҳужжатларимнинг ҳаммаси билан поездда кетиб қолди, мен бўлсам, ҳужжатсиз қолиб, етим боладек санқиб юравердим.

Швейк подпоручикка шунчалик ишонч ва шунчалик мулоимлик билан ҳараб туриб гапирдики, ниҳоят, у турма савдойи эканлиги афтидан кўриниб турган бу йигит айтган гапларнинг ҳаммаси мутлақо тўғри бўлса керак, деган хулосага келди.

Шундан сўнг подпоручик Швейкка скорий поезддан кейин Будейовицага ўтиб кетган ҳамма поездларни бир-

ма-бир санаб чиқди ва Швейкдан, нега сиз шу поездлардан биронтаси билан кетмадингиз, деб сўради.

— Ижозатингиз билан сизга шунни айтишим керакки, жаноб лейтенант,— жавоб берди Швейк мулойим табассум билан,— навбатдаги поездни кутиб турганимда ғалати бир воқеа рўй берди: пиво ичмоқчи бўлиб пивохонага кириб, узоқ ўтириб қолибман...

«Бунақа эшакни ҳеч қачон кўрганим йўқ эди,— деб қўйди ўзинча подпоручик.— Ҳаммасига иқроп будяпти. Қўлимдан ўтган гуноҳкорларнинг ҳаммаси иложи борича ёлғонни дўндириб, гуноҳини сира бўйнига олмас эди, аммо бу сира пинагина бузмай, поездларнинг ҳаммасини ўтказиб юборибман, чунки пивохўрликка берилиб кетибман, деб ўзи айтиб турибди».

Подпоручик ўз мувоҳазаларининг ҳаммасини битта жумлада жамлаб, Швейкка мурожаат қилди:

— Сиз, қароғим, дегенератсиз. «Дегенерат» нималигини биласизми?

— Ижозатингиз билан сизга шунни айтишим керакки, бизнинг Боиште кўчаси билан Катержинская кўчаси бурчагида ҳам бир дегенерат истиқомат қиларди. Унинг отаси поляк графи, онаси эса, доя хотин эди. Кундузи у кўчаларни супуриб юрар, қовоқхонага кирганида эса, мени граф денглар деб ҳаммадан талаб қилар эди.

Подпоручик бир амаллаб бу ишни охирига етказиш мақсадида дунда қилиб деди:

— Сиз ўлгудек бемаъни, эзма экансиз. Ҳозир дарр-эв кассага бориб ўзингизга билет олинг ва Будейовицага жўнанг. Агар мен сизни яна бир марта бу ерда кўрсам, дезертирга курайдиган чорамни кўраман. *Abtreten!*

Швейк ҳарбийларча ғоз қотиб жойида қимирламай тураверганини кўрган подпоручик бақириб берди:

— *Marsch hinaus*, эшитдингизми, *abtreten*. Паланек бу бефаҳми кассага олиб бориб, унга Чешские Будейовицага бориш учун билет олиб беринг.

Орадан бир минут ўтгач, унтер-офицер Паланек яна маҳкамага қайтиб келди. Қия очилиб турган эшикдан Швейкнинг мулойим чехраси Паланек орқасида кўриниб турар эди.

— Яна цима гап?

— Ижозатингиз билан сизга шунни айтишим керакки,

<sup>1</sup> Жўнанг!



жаноб лейтенант,— деди секингина шивирлаб унтер Паланек,— билет сотиб олиш учун пули йўқ экан, менинг ҳам пулим йўқ. Текинга поездда олиб кетишмаяпти, чунки унинг қўлида полкка кетаётганлигини кўрсатадиган гувоҳномаси йўқ.

Подпоручик бу мушкул масалани ечиш учун бош қотириб ўтирмади.

— Пиёда кетаверсин,— деди у қатъий қилиб,— кечикиб қолгани учун полкда уни қамаб қўйишса ҳам майли. У билан овора бўлиб юрманг.

— Бошқа иложинг йўқ экан, биродар,— деди Паланек Швейкка маҳкамадан чиқиб.— Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам, биродар, Будейовицага боришга мажбурсан. Қоровулхонада бир бўлак нонимиз бор, биз уни сенга йўлга бериб юборамиз.

Швейкка қора кофе ичириб, йўлда еб кетиш учун қўлига бир бўлак нон, яна бир пайса тамаки беришди. Орадан ярим соат ўтгач, Швейк тим қоронғида эски солдатча ашулани хиргойи қилиб, Табордан йўлга чиқди:

Юрдик Яромерь томон,  
Хоҳ ишопма, хоҳ ишоп.

Нима ҳам бўлди-ю, шоввоз солдат Швейк жанубга, Будейовицага йўл олиш ўрнига, тўппа-тўғри ғарбга томон кетаверди.

У совуқда Москвага қилинган юришдан қайтиб келаётган охирги Наполеон гренадери каби шинелга бурканиб, қор босган тош йўлдан кетаверди. Гренадердан Швейкнинг фарқи шу эдики, Швейк хурсанд бўлиб, ашула айтиб борарди.

Яшил дарахтзорга кириб,  
Сайр этиб чикай дейман..

Қор босган қоронғи ўрмонда ашула овози узоқ-узоқларга эшитилар ва унинг аке садосига қишлоқларда итлар вовиллар эди.

Ашула айтаверини жонига текканидан кейин, Швейк йўл бўйидаги шағал уюмига ўтириб, трубкасини чекди ва дам олиб бўлгач, Будейовица анабасисининг\* янги саргузаштлари томон яна равона бўлди.



II боб

## ШВЕЙКНИНГ БУДЕЙОВИЦА АНАБАСИСИ

Антик дунё саркардаси Ксенофонт бутун Кичик Осиёни кезиб чиққан, худо билади, яна қанчадан-қанча жойларда бўлган, аммо у шу сафарларида географик харитадан фойдаланган эмас. Қадимий готлар ҳам топография нималигини билмай турли юртларга босқин қилаверар эдилар. Ҳормай-толмай олдинга боравериш, нотаниш ўлкаларга сира қўрқмай кириб кетавериш, белингни синдираман деб қулай пайт келишини пойлаб турган душманларнинг ҳаммаша қуршови ичида бўлиш — мана шуларнинг ҳаммаси анабасис деб аталади.

Ксенофонт сингари ёки Европага Каспий денгизи бўйиданми ёхуд Азов денгизи бўйиданми, қаердан келганликлари ёлғиз худонинг ўзига маълум бўлган турли қабилаларнинг босқинчилари каби мияси бутун бўлган кишилар бундай юришларда мўъжизали ишлар кўрсатганлар.

Цезарнинг румолик легионлари (булар ҳам ҳеч қандай географик хариталардан фойдаланмай) узоқ шимолга, Галль денгизига борганларидан кейин Римга бошқа йўл билан қайтиб келмоқчи бўлишди. Улар ўз бахтларини яна бир марта синамоқ учун шундай қилишди. Ҳақиқатан ҳам улар Римга етиб келишди. Йўлларнинг ҳаммаси Римга олиб боради, деган мақол худди ўша вақтдан қолган бўлса керак.

Худди шунингдек, Чешские Будейовицага ҳам ҳамма йўллар олиб боради. Шоввоз солдат Швейк Будейовица ерларини кўриш ўрнига, Милевско қишлоғига бориб қолганида бунга чуқур қаноат ҳосил қилган эди. Шунда ҳам у йўлни ўзгартирмай, тўппа-тўғри кетаверди, чунки шоввоз солдатнинг Чешские Будейовицага етиб олишига ҳеч қандай Милевско халақит бера олмайди.

Шундай қилиб, бир оз вақтдан кейин Швейк Милевсконинг ғарбидаги Кветово районига чиқиб қолди. Энди у солдатларнинг поход вақтида айтадиган ва ўзига маълум бўлган ашулаларнинг ҳаммасини айтиб адо қилган эди, шунинг учун ҳам у Кветовога яқинлашганида ўз репертуарини бошидан такрорлашга мажбур бўлди:

Олис сафар бошласак бизлар,  
Йиғлаб-қақшаб қолишар қизлар.

Кветоводан нуқул ғарбга, Вражга борадиган йўлда Швейкка бутхонадан уйига қайтиб келаётган бир кампир учраб қолди:

— Кунингиз хайрли бўлсин, аскар йигит. Қаёққа кетяпсиз?

— Мен, онажон, полкка, Будейовицага, нақ урушнинг ўзига кетяпман.

— Вой тавба, сиз борадиган йўл бу эмас, аскаржон!— деб чўчиб кетди кампир. Бу йўл билан борганингизда у жойга сира етолмайсиз. Враждан ўтадиган йўл туппа-тўғри Клатовога олиб боради-ку.

— Ақли жойнда бўлган одам Клатоводан ҳам Будейовицага йўл топа олади, деб ўйлайман,— деди эҳтиром билан жавоб қилиб Швейк.— Дуруст, анча йўл босишга тўғри келади, айниқса ўз полкига шошилаётган ва ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам муддатига етиб боролмасман деб қўрқаётган, бир талай кулфатни бошидан кечирган киши учун шунчалик узоқ йўл босиш осон эмас.

— Бизда ҳам шунақа бир шўх йигит бор эди,— деб гап бошлади энтикиб олиб кампир.— Унинг оти Тоничек Машек эди. У Пльзендаги лашкарлар қисмига бориши лозим бўлиб қолди. Ўзи жиянимга қариндош бўлади. Ҳа... Хуллас, йўлга чиқди. Орадан бир ҳафта ўтмай уни жандармлар қидириб келишди. Йигит полкига бормаган экан-да. Яна бир ҳафтадан кейин ўзи қишлоғимизга келиб қолди. Ҳарбий кийимда эмас, оддий кийимда эди. «Отпусмага келдим», деди. Қишлоқ оқсоқоли жандармларга одам юборди. Улар келиб йигитни отпускадан олиб кетишди... Фрондан бизга, яраландим, бир оёғим йўқ деб хат юборибди.

Кампир ачиниб Швейкка қараб қўйди.

— Сиз, аскаржон, ҳув анави дарахтзорда мени кутиб туринг, сизга картошка шўрва олиб келаман, ичиб баданингиз исийди. Бизнинг кулбамиз бу ердан кўриниб турибди, ҳув анаву дарахтзорнинг ўнг томонида. Қишлоғимиздан ўтмаганингиз яхшироқ, жандармлар барибир искович итдай қидириб топиб олишади. Дарахтзордан чиқиб, Мальчинга боринг. Сиз, аскаржон, Чижовони четлаб ўтинг, у ердаги жандармлар терингизни шилиб олади: дезертирларни қидириб юришибди. Тўппа-тўғри Гораждёвиц яқинидаги Седлецга дарахтзор ичидан ўтиб кетинг. У ердаги жандарм яхши одам, ҳар қандай кишини ҳам қишлоқдан ўтказиб юбораверади. Қоғозларингиз борми?

— Йўқ, бувижон.

— Ундай бўлса, у ерга борманг. Яхшиси, Радомишлдан ўтинг. Фақат эҳтиёт бўлинг. У ерга кечқурунини кўзлаб боринг, жандармлар қовоқхонада бўлишади. У ерда Флорианнинг\* нариги ёғидаги кўчада таги кўк бўёққа бўялган битта уй бор. Шу уйнинг эгаси Мелихаркани сўраб топинг. Менинг укам бўлади. Мендан унга салом айтинг. Кейин унинг ўзи сизга ўша Будейовицага борадиган йўлни айтиб беради.

Швейк дарахтзорда ярим соатдан мўлроқ кутиб ўтир-

ди. Кейин бечора кампир, совиб қолмасин, деб ёстиққа ўралган хурмачада олиб келган қайноқ шўрвани ичиб бадани исиди. Сўнгра кампир тугунчасидан бир бўлак пон ва бир бўлак дудланган ёғ чиқариб, уни Швейкнинг чўнтагига тиқиб қўйди, сўнгра чўқинтириб туриб, Будейовицада иккита певарам бор, деди. Сўнгра кампир қайси қишлоқлардан ўтиш, қайсиларидан ўтмаслик кераклигини яна бир марта батафсил такрорлади, ниҳоят, Мальчинда ароқ сотиб олиб, йўлакай ичиб кетасиз, чунки у ердан Радомишлгача анча йўл босишга тўғри келади, деб чўнтагидан бир крон пул чиқариб берди.

Швейк дунёнинг қайси томонидан бўлса ҳам, барибир Будейовицага бориб етишим керак, деган қарорга келиб кампирнинг маслаҳати билан Чижевони четлаб ўтиб, Радомишлга, шарққа томон йўл олди.

Мальчиндан йўлга чиққанида унга бир гармончи чол ҳамроҳ бўлиб қолди. Швейк Радомишлга борадиган олис йўлга керак бўлиб қолар деб қовоқхонада ароқ сотиб олаётган пайтда унга ўша чол илашиб қолган эди.

Гармончи чол Швейкни дезертир гумон қилиб унга, мен билан бирга Гораждёвицга борайлик, у ерда менинг қизим бор, унинг эри ҳам дезертир бўлиб юрибди, деб маслаҳат берди.

Гармончининг Мальчинда кўпроқ ичиб қўйганлиги сезилиб турарди.

— Қизим эрини икки ойдан бери офилхонада яшириб юрибди, сени ҳам яшириб қўя олади,— уқтира кетди у Швейкка.— Уруш тамом бўлгунча офилхонада ўтираверасиз. Икковларингиз бирга бўлсангиз зерикмайсизлар.

Гармончининг бу таклифини Швейк мулоимлик билан рад қилган эди, унинг жаҳли чиқиб кетди ва чапга бурилиб, пайҳонликдан бора туриб, мен Чижевога кетяпман, сени жандармларга тутиб бераман, деб Швейкка дўқ урди.

Швейк Радомишлга кечқурун етиб келди. Флорианнинг нарёгидаги Қуйи кўчада у уй эгаси Мелихаркани топди. Швейк унга опасининг саломини айтди, лекин бу Мелихаркага заррача таъсир қилмади. У нуқул Швейкдан ҳужжатингни кўрсат, деб талаб қилаверди. Жуда мижғов эканлиги кўриниб турарди. У нуқул босқинчилар, дайдилар ва ўғрилар ҳақида гапирар, улар бутун Писецкий ўлкасида изғиб юрибди, деб лоф урарди. У

Швейкнинг кўзига тикилиб туриб, бурро-бурро гапира бошлади:

— Ҳарбий хизматдан қочиб кетишяпти. Урушгилари келмайди, шунинг учун ҳам ҳамма ёқда изғиб юришибди. Дуч келган нарсани ўғирлаб кетаверишади. Ҳар қайсиси ўзини гўё бешгача санашни билмайдиган гўл одам қилиб кўрсатмоқчи бўлади... Тўғри сўз туққанингга ҳам ёқмас экан,— деди у Швейк ўрнидан тураётганини кўриб.— Виждони пок бўлган одам бемалол ўтираверарди, ҳужжатларини ҳам кўрсатаверарди. Ҳужжати бўлмагандан кейин...

— Соғ бўлинг, амаки...

— Соғ бўл! Бошқа аҳмоқроқ одамни қидиринглар...

Швейк қоронғиликда анча узоқлашиб қолганда ҳам ўша амаки тинмай вайсамоқда эди:

— Будейовицага, полкка бораётган эмиш Табордан келдим дейди-я! Ваҳолонки, баччағарнинг ўзи аввал Гораждёвицада бўлибди, у ердан фақат Писекка борганмиш. Нима бало, дунё саёҳатига чиққанми дейман.

Швейк бутун тун бўйи юра-юра ниҳоят Путимга яқинлашганида бир ғарам пичанга дуч келди. У пичани титкилаётган эди, тепасидан бировнинг овозини эшитди:

— Қайси полкдансан? Қаёққа йўл тутяпсан?

— Тўқсон биринчи полкданман, Будейовицага кетяпман.

— У ерда нима қиласан?

— У ерда обер-лейтенантим бор.

Шу жойда бир неча кишининг кулгани эшитилди.

Кулги тўхтаганидан кейин, Швейк, сизлар қайси полкдансиз, деб сўради. Кулганларнинг иккитаси, Ўттиз бешинчи полкданмиз деган йигитлар, фронтга жўнатилай деб турган марш батальонидан қочганига бир ойча бўлибди, артиллерист эса, сафарбарлик бошлангандан бери қочиб юрган экан. Ўзи Путим қишлоғининг деҳқонларидан бўлиб, пичан ғарамни ҳам уники экан. У ҳаммиша кечаси бу ерда ётаркан, кеча ўрмонга бориб, мана шу икки ошнасини топиб келибди.

Уларнинг учови, уруш бир-икки ойдан кейин тамом бўлади, деган умидда эдилар. Улар, энди руслар Будапештдан ўтиб кетишди, Моравияни ишғол қилишяпти, деган қатъий фикрга келиб қўйибдилар. Путимда ҳамма шундай деяпти. Эртага эрталаб артиллеристнинг онаси

сахарда овқат олиб келармиш, сўнгра Уттиз бешинчи полкдан қочган йигитлар йўлга тушиб, Страконицега боришар эмиш, у ерда улардан бирининг холаси бор эмиш, шу холанинг Сушица ортидаги тоғда бир таниши бор эмиш, бу танишининг эса, тахта қирқадиган устахонаси бор эмиш, у ерда бемалол яшириниб ётиш мумкин экан.

— Ҳой, Тўқсон биринчи полкдан келган йигит, агар хоҳласанг сени ўзимиз билан бирга олиб кетамиз,— таклиф қилишди улар Швейкка.— Обер-лейтенантингга.. ни арт!

— Йўқ, бу осонлик билан битадиган иш эмас,— жавоб берди Швейк ва пичаннинг ичига кириб, бурканиб олди.

Швейк уйғошганида ҳеч ким қолмаган эди. Қимдир биров (артиллеристнинг ўзи бўлса керак) Швейкнинг оёқ томонига, йўлга керак бўлар, деб бир бўлак нон қўйиб кетибди.

Швейк ўрмон бўйлаб йўлга тушди. Штектанинг яқинида у кекса бир дайдига дуч келди. Дайди уни ўзининг эски ошнасидек бир қултум ароқ билан сийлади.

— Сен бу кийимда юрма. Бу кийимнинг билан қўлга тушиб қоласан,— деб ақл ўргатди дайди Швейкка.— Ҳозир ҳамма ёқда жандармлар изғиб юрибди, бундай кийимда тиланчилик ҳам қилиб бўлмайди. Биздақа дайдиларни жандармлар тутмайдиган бўлиб қолди. Энди сендақаларни қидириб юришибди. Сенларни қўлга тушириш пайида,— дайди шундай ишонч билан гапирдики, Швейк Тўқсон биринчи полк тўғрисида оғиз очмаган яхшироқ деган қарорга келди ва ўзича ўйлади:— Мени ким деб ўйласа ўйлайверсин. Бу оқкўнгил чолнинг ширин хаёлини бузиб нима қиламан?

Иккови трубка чекиб олиб, шошилмай қишлоқни четлаб ўтишгач, дайди Швейкдан сўради:— Энди қаёққа бормоқчисан?

— Будейовицага.

— Ё тавба!— қўрқиб кетди гадой.— Сени у ерда бир зумда хибжўш қилишади-ю, нафас чиқаришга ҳам улгуролмай қоласан. Сен исқиртроқ жулдур кийим топиб олишинг керак. Оқсоқланиб юрмасанг бўлмайди... Қўпам қўрқаверма: Страконице, Волинь ва Дуб орқали ўтамиз. Исқирт кийим топиб олишимизга ҳеч ким халақит бера олмайди. Страконицеда лақма аҳмоқлар ҳали

ҳам кўп. Улар кечаси ҳам ўйларини қулфлашмайди. Кундузи эшиклари очиқлигини гапирмаса ҳам бўлади. Бориб бирор деҳқон билан гап сотасану, бир амаллаб унинг кийимини ўмариб чиқасан. Сенга кўп кийим керак бўлармиди? Этинг бор... Демак, ўзингга ёпиқ бўладиган бир нарса топсанг бўлгани. Шинелинг эскими?

— Эски.

— Уни ташлаб кетсанг бўлади. Қишлоқларда шинель кийиб юришади. Яна бир шим билан нимча топишинг керак. Эски-туски кийим топиб олганимиздан кейин, шининг билан гимнастёркангни Воднянадаги яхудий Германга сотсак бўлади. У подшолик буюмларни соғиб олиб, кейин уларни қишлоқма қишлоқ сотиб юради... Бугун Страконицега борамиз. У ердан эски Шварценберг қўйхонасига боргунча тўрт соатлик йўл.— Дайди ўз режасини айта бошлади:— У ерда менга таниш бир чол бор, подачилик қилади. Уникида бир кеча тунаб, эрталаб Страконице-томон йўлга тушамиз, йўлакай бора туриб бирортасининг кийимини ҳам ўмариб кетамиз.

Қўйхонада Швейк ёқимтойгина бир чол билан танишиб олди. Бу чол ўз бувасининг французлар қилган урушлар тўғрисидаги ҳикояларини ҳали ҳам эсидан чиқармаган экан. Подачи кекса дайидан йигирма ёш катта бўлгани учун, Швейкни ҳам, уни ҳам «йигитча» деб айтаверди. Улар картошка қайнаётган печка атрофига ўтириб олишгандан кейин, чол гапга тушди:

— Йигитчалар, мен сизларга айтсам, ўша вақтда менинг бувам ҳам мана шу сенинг солдатинг сингари дезертирлик қилиб юрган эди. Лекин уни Воднянада тутиб олиб, чунонам калтаклашдики, думбаси тилка-тилка бўлиб кетди. Шунга ҳам шукур қилган эди. Аммо Ярешнинг ўғли, Противин яқинидаги Ражицда балиқ боқиладиган ҳовузли боғнинг қоровули Яреш чолнинг буваси аскарликдан қочгани учун Писекда отиб ташланди. Уни отишдан олдин солдатлар сафи орасидан ўтказиб, олти юз дарра уришди, шундай азобни тортгандан кейин ўлишига ҳам қувониб рози бўлди. Қани айт-чи, сен қачон қочдинг?— деб сўради у кўзларидан ёш оқизиб Швейкдан.

Швейк кекса подачи олдида обрўини қўлдан бермаслик кераклигини тушуниб, бу саволга жавобан:

— Сафарбарликдан кейин бизни казармага олиб боришаётганида қочган эдим,— деди.



Чол ўз бувасининг казарма деворидан ташлаб қочгани тўғрисида айтиб берган ҳикоясини эсга олган бўлса керак, қизиқиб сўради:

- Девордан ташлаб қочдингми?
- Бошқа илож йўқ эди, буважон.
- Қоровуллар кўпмиди? Орқангдан отишгандир?
- Отишди. буважон.
- Хўш, энди қаёққа боряпсан?

— Бу йигит эсини еб қўйибди. Будейовицага бораман, деб туриб оляпти,— жавоб берди дайди Швейкнинг ўрнига.— Ҳали ёш-да, ақли ҳам, фаросати ҳам камроқ, ўзини ўтга-чўққа ураверади. Унга ўзим таълим бермасам бўлмайди. Бирор кийимни ўмарсак бўлгани, кейин ишимиз юришиб кетаверади! Баҳоргача бир амаллаб санқиб юрамиз, баҳор келиши билан деҳқонларга чоракор бўлиб тушамиз. Бу йил одамлар керак бўлиб қолади. Очлик бўлади. Дайдиларнинг ҳаммасини дала ишларига ҳайдашади, дейишяпти. Ўз ихтиёримиз билан борганимиз яхшироқ, деб ўйлайман. Одамлар энди камайиб қолди, дейишяпти. Ҳамма урушда ўлиб кетяпти.

— Бу йил тамом бўлмайди, дейсанми?— сўради подачи.— Гапинг рост, йигитча. Бундан ҳам узоқ давом қилган урушлар бўлган. Наполеон уруши, кейин, бизга айтишларига қараганда, серблар уруши, етти йиллик урушлар бўлган. Одамларнинг қилмишига яраша шунақа урушлар бўлган-да. Қилмиш-қидирмиш: ҳамма кибрланиб кетганлигига худонинг қаҳри келади. Одамларга қўй гўшти ҳам ёқмайдиган бўлиб қолди-я, егим келмайди, дейишади! Илгари вақтларда одамлар менинг олдимга тўда-тўда бўлиб келиб, қўй гўшти бўлса ҳам хуфния қилиб сот, деб ёлворишар эди. Кейинги йилларда эса, улар нуқул чўққа гўшти билан парранда гўштини, нуқул маска билан чўққа мойини талаб қиладиган бўлиб қолишди. Шунинг учун ҳам ҳаддан ташқари кибрланиб кетган одамларга худонинг қаҳри келди. Наполеон уруши вақтида бўлганидек одамлар шўра ўтти қайнатиб ейдиган бўлиб қолсалар, ана шунда уларнинг ақли киради. Бизнинг хўжайинларни айтмайсизми, семизлик уларни қутуртириб юборди. Эски князь Шварценберг фақат аравада юрар эди, аммо тирмизак ёш князь бўлса, ўзининг автомобили билан ҳамма ёқни **саситиб** юборди. Ҳали қараб тур, парвардигор башарангга бензинини суртиб қўяди.

Қозондаги картошка биқиллаб қайнамоқда эди. Кекса чўпон бир оз сукут қилиб, пайғамбарона бир гап айтди:

— Бизнинг император аъзам бу урушда ютиб чиқмайди. Страконицедаги муаллим айтганидек, императорнинг ўзи тож кийиш маросимини адо этмаганидан кейин\*, халқда қандай қилиб ҳарбий руҳ бўлиши мумкин. Энди кимни лақиллатмоқчи бўлса, ўшани лақиллатаверсин. Модомики, сен қари баччағар, тож кийиш маросимини адо этаман деб ваъда берган экансан, сўзингнинг устидан чиқ-да!

— Энди у эҳтимол бир амаллаб дўндирар,— деб қўйди дайди.

— Энди, йигитча, уни ҳеч ким бир чақага олмайди,— қизишиб кетди подачи,— деҳқонлар пастда, Скочицада тўпланганида, уларга бир қара. Урушга бирор кими кетмаган одамни топа олмайсан. Уларнинг гапига бир қулоқ солиб кўр. Урушдан кейин эркинлик бошланади, император саройлари ҳам, императорларнинг ўзи ҳам бўлмайди, князларнинг ер-мулки тортиб олинади, дейишяпти. Уша ерлик Коржинка шунақа гаплар айтганини эшитиб, жандармлар уни: одамларни йўлдан оздирма, деб авахтага тиқиб қўйишди. Нимасини айтасан! Энди жандармлар билган номаъқулчилигини қиляпти.

— Илгари ҳам шунақа эди,— деди дайди.— Жандарма ротмистри Роттер Кладнода хизмат қилгани эсимда. У бўри зотли итларни боқиш орзўсига тушиб қолди. Полициянинг бунақа ўргатилган итлари ҳамма нарсани искаб топиб бера олади. У мана шундай семиз-семиз итбоқарларни топиб олиб келди. Итлар учун махсус уй қуриб берди, шу уйда итлар графларнинг болаларидек боқиладиган бўлди. Ротмистр биз бечора мусофирларни қоптириб, шу тариқа итларни ўргатмоқчи эди. Бутун Кладно округидаги жандармларга буйруқ бериб, ҳамма дайдиларни тўпланглар ва тўппа-тўғри менинг олдимга юборинглар, деб ўшқирди. Мен бу гапни эшитиб, Ландан жуфтакни ростламоқчи, ўрмоннинг ичкарисига кириб кетмоқчи бўлдим. Бу осон бўлмади. Узим мўлжаллаб қўйган дарахтзорга етмасимданоқ мени ушлаб олишиб, жаноб ротмистр ҳузурига олиб келишди. Ана ўшандаги аҳволимни бир кўрсангиз эди! Итлар менга қандай азоб берганлигини тасаввур қилолмайсиз! Аввал мени ўша итларга искатишди, сўнгра менга шоти-

га чиқ, деб буюришди, шотининг тепасига етай деб қолганимда бир баҳайбат итни изимдан қўйиб юборишди, у ҳаром ўлгур мени тишлаб олиб, шотидан пастга судраб тушди, кейин устимга миниб олиб, пишқириб, тишларини тумшугим олдида ғижирлата бошлади. Сўнгра у махлуқни олиб кетишди, менга, хоҳлаган жойингга бориб бекин, дейишди. Качак водийсидаги ўрмонга бориб, жарнинг ичида беркиниб ётдим. Орадан ярим соат ҳам ўтмасдан иккига кўппак югуриб келиб мени ерга ағдарди, кўппакларнинг биттаси ҳалқумимдан олиб турганида, иккинчиси Қладнога югуриб кетди. Бир соатда пан ротмистрнинг ўзи жандармлар билан етиб келди, итни чақириб олди, менга бўлса, беш крон тутқизиб, Қладно округида икки кун тиламчилик қилишга рухсат берди. Мен эсимни ебманми?! Оёғи куйган товукдай, дарров Бероунково районига жўнаб қолдим ва Қладнони елкамнинг чуқури кўрсин, деб қасам ичдим. Менга ўхшаш гадейларнинг ҳаммаси бу жойларга қадам босмайдиган бўлиб қолди, чунки ротмистр ҳамма билан шунақа тажриба ўтказаверди... У ўзининг бу қилиғини жонидан ҳам яхши кўрарди! Жандарма бўлимларида айтишларига қараганда, ротмистр тафтиш қилиш учун келганида бирор катта кўппакни кўриб қолса, инспекцияни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, суюнганидан бутун кунини вахмистр билан ароқхўрлик қилиб ўтказар экан.

Подачи картошка пишган сувни тўкиб, катта товоққа қўй қатиғини солаётган вақтда дайди ўзининг хотираларини давом эттириб, жандармлар ўзларининг кучларини қандай кўрсатганликларини ҳикоя қила бошлади:

— Липницеда\* жандарма вахмистри худди саройнинг олдида, жандарма бўлимининг ўзидаги квартирада истиқомат қиларди. Мен, қари аҳмоқ, жандарма бўлими ҳамиша кўзга кўринарли жойда, майдонда ёки шунга ўхшаш гавжумроқ жойда бўлиши керак, боши берк жин кўчада жандарма бўлими нима қилади, деб ўйлаб юрардим. Кунларнинг бирида чеккадаги уйларни айланиб юрган эдим. Вивескаларга ким қарабди, дейсиз. Уйма-уй юриб, боравердим. Ниҳоят, бир уйнинг иккинчи қаватидаги эшикни очиб: «Худо ҳаққи, бечора мусофирга хайр қилинглр...» деб ўзимнинг келганимни хабар қилдим. Шўрим қуриганини ўзим ҳам билмай қолибман! Бу уй жандарма участкаси эканлигини кў-

риб, турган жойимда қотиб қолдим! Деворга милтиқлар тираб қўйилибди, стол устида Исо пайғамбаримизнинг бутга парчинланган ҳайкалчаси турибди, шкафта реестрлар тахланган, стол тепасида император аъзам менга бақрайиб қараб турибди. Нима дейишимни билмай, анграйиб турган эдим, вахмистр олдимга келиб қолиб, тумшуғимга пақиллатиб солди! Зинапоялардан шундай учиб кетдимки, Кейжлицга етгунча ўзимни тўхтата олмадим. Жандармларнинг ҳуқуқи мана шунақа катта бўлади, оғайни!

Ҳамма овқатланишга тутинди ва тез фурсатда весиқ кулбада каравотга ётиб уйқуга кетишди.

Швейк ярим кечада ўрнидан турди-да, секингина кийиниб чиқиб кетди. Шарқ томондан қуёш чиқмоқда эди, қуёшнинг хира ёруғида Швейк ўзича: «Албатта, Будейовицадан чиқишим керак!» деб такрорлаб, шарққа томон юраверди.

Швейк ўрмондан чиққанида, унинг кўзига ўнг томонда қандайдир бир шаҳар кўринди. Шунинг учун ҳам у йўлни шимолга бурди, сўнгра яна жануб томонга юрди ва бу сафар ҳам қандайдир бир шаҳарнинг олдида чиқди. Бу Водняни шаҳри эди. Швейк усталик билан бу шаҳарни четлаб ўтиб, ўтлоқлар ичидан юриб кетди, қуёшнинг биринчи нури уни Противин яқинидаги қор билан қопланган тоғ бағрида қарши олди.

— Олға!— ўзига команда берди шоввоз солдат Швейк.— Бурч олға чақиряпти. Мен Будейовицада бўлишим зарур.

Лекин бахтсиз тасодифга кўра, Швейк Противин томондан жанубга — Будейовицага юриш ўрнига, шимолга — Писекка томон қадам ташлади.

Чошгоҳ пайтда у бир қишлоқча устидан чиқиб қолди. Швейк тепалиқдан туша туриб: «Бунақада иш чиқмай-диганга ўхшайди. Будейовицага қайси йўл билан боришни бир сўраб кўрай», деб ўйлаб қўйди.

Швейк қишлоққа кирганида чеккадаги уй ёнидаги симёғочга «Путим қишлоғи» деб ёзиб қўйилган хатни кўриб, жуда таажжубланди.

— Нима бало бўлди!—деб уҳ тортди Швейк.— Яна Путимга келиб қолибман-ку. Мен шу қишлоқ чеккасидаги ғарам ичида тунаган эдим-ку.

Шундан кейин рўй берган ҳодисага у заррача таажжубланмади. Сувнинг нарёғидаги «товуқ» (баъзи жой-

ларда давлат гербидаги бургутни шу ном билан юритар эдилар) ҳусн бериб турган оқ уйдан худди ўзининг тўрини текширишга отланган ўргимчак каби жандарм чиқиб келди.

Жандарм тўппа-тўғри Швейкнинг олдига келиб, ундан:

— Қаёққа?— деб сўради.

— Будейовицага, полкимга кетяпман.

Жандарм заҳархандали тиржайди.

— Ўзингиз Будейовицадан келяпсиз-ку! Будейовица орқангизда қолиб кетди-ку.

Шу гапни айтди-ю, Швейкни жандарма бўлимига судради.

Путим жандарма вахмистри тез ва усталик билан ҳаракат қиладиган вахмистр бўлиб, теварак-атрофга танилган эди. У ушлаб ёки банди қилиб келтирилганларни ҳеч қачон сўкмасди, лекин шундай усталик билан сўроқ қилардики, натижада, бегуноҳ киши ҳам беихтиёр ўзини гуноҳкорлигига иқрор бўларди. Бунақа сўроқ қилишга у иккита жандармни ўргатиб қўйган эди, улар сўроқ қилаётган вақтда жандарма ходимларининг ҳаммаси ҳаммиша калака қилиб кулиб туришарди.

Вахмистр ўз қарамоғидаги жандармларга таълим бериб айтарди:

— Криминалистика — айёр ва шу билан бирга чаққон бўлиш санъатидир. Ушқириб дўқ қилишдан иш чиқмайди. Айбланувчи ва шубҳаланувчи шахслар билан мулоқим муомала қилиш керак, лекин шу билан бирга уларни саволларга кўмиб юбориш керак.

— Хуш келибсиз, солдатжон,— табриклади жандарма вахмистри Швейкни.— Қани ўтирсинлар, йўл юриб чарчаган бўлсалар керак. Хўш, йўл бўлсин, қаёққа кетяпсиз?

Швейк ўзининг, Чешские Будейовицага, полкимга кетяпман, деган гапини такрорлади.

— Сиз, чамамда, адашиб қолганга ўхшайсиз.— деди табассум қилиб вахмистр.— Гап шундаки, сиз Чешские Будейовицадан келяпсиз, мен буни осонгина исботлаб бера оламан. Чехиянинг мана бу харитасига қаранг: Противин бизнинг жанубимизда турибди, Противиннинг жануброғида Глубокоени, тагин ҳам жануброқда Чешские Будейовицани кўряпсиз. Демак, сиз Будейовицага бораётганингиз йўқ, балки Будейовицадан келяпсиз.

Вахмистр хушрўйлик билан Швейкка қаради. У сир бой бермай, осойишта жавоб берди:

— Барибир, мен Будейовицага бораман.

Бу гап «барибир ер айланиб турибди!» деган гапдан кучлироқ бўлиб жаранглади, чунки Галилей ўзининг мана шу машҳур гапини жуда жиғибийрон бўлиб турган пайтда айтганлиги шак-шубҳасиздир.

— Биласизми, солдатжон!— деди вахмистр Швейкка яна аввалгидек мулоимлик билан.— Мен сизни огоҳ-лантириб шуви айтишим керак, зотан, ўзингиз ҳам барибир шундай хулосага келасиз, ўжарлик қилаверсангиз, кейин самимий иқрор бўлишга қийналасиз.

— Гапингиз жуда тўғри,— деди Швейк.— Ҳар қандай ўжарлик самимий иқрор бўлишни қийинлаштиради ва бунинг акси ҳам бўлади.

— Мана энди, солдатжон, ўзингиз ҳам менинг фикримга қўшиляпсиз. Қаердан келаётганингизни, қачон ўзингизнинг Будейовице томон йўл олганингизни менга очиқ гапириб беринг. «Ўзингизнинг» деб айтаётганлигининг важи шуки, Путимнинг шимолида яна қандайдир бир Будейовица бўлса керак, у ҳеч бир харитага ёзилмай қолган бўлса керак.

— Мен Табордан йўлга чиққанман.

— Хўш, Таборда нима қилган эдингиз?

— Будейовицага борадиган поездни кутган эдим.

— Нега сиз Будейовицага поездда кетмадингиз?

— Билетга пулим бўлмади.

— Нега сизга солдатларга бериладиган текин ҳарбий поезд билетини беришмади?

— Чунки ёнимда ҳеч қандай ҳужжатим йўқ эди.

— Аҳа, мана энди сабаби аниқланди!— деди ғолибона оҳангда вахмистр жандармлардан бирига қараб.— Бу йигит ўзини гўлликка солса ҳам, унақа гўл одам эмас. Из бекитишга уринаяпти.

Вахмистр ҳужжатлар тўғрисидаги кейинги сўзларни эшитмаганга солиб, яна давом этди:

— Демак, сиз Табордан йўлга чиққансиз. Хўш, қаёққа йўл олдингиз?

— Чешские Будейовицага.

Вахмистрнинг важоҳати ўзгариб, бирмунча жиддийлашди ва унинг кўзи харитага тушди.

— Будейовицага қайси йўл билан борганингизни бизга харитадан кўрсатиб бера оласизми?

— Ҳамма жойнинг номи эсимда қолгани йўқ. Фақат Путимда бир марта бўлганим эсимда.

Жандармлар бир-бирларига маъноли қарашиб олишди.

Вахмистр сўроқни давом эттирди:

— Демак, сиз Табордаги вокзалда бўлганмисиз? Чўнтагингизда дўпнайиб турган нима? Ҳаммасини бу ёққа чиқаринг.

Швейкни синчиклаб тинтиб, унинг ёнидан трубка билан гугуртдан бошқа ҳеч нарса топилмаганидан кейин, вахмистр савол берди:

— Қани айтинг-чи, нега сизнинг ёнингизда ҳеч бало йўқ?

— Чунки менга ҳеч ниманинг кераги ҳам йўқ.

— Ё раббий—хўрсиниб қўйди вахмистр.— Жонга тегадиган бўлдингиз! Путимда бир марта бўлганман, дедингиз. Ушанда сиз у ерда нима қилдингиз?

— Мен Путимнинг ёнидан Будейовицага ўтиб кетдим.

— Кўрдингизми, яна чалкаштиряпсиз. Будейовицага боряпман, деб ўзингиз айтган эдингиз, аммо биз сизнинг Будейовицадан келаётганингизни ўзингизга исботлаб бердик.

— Эҳтимол, айланма йўл билан келгандирман.

Вахмистр ва жандармлар бир-бирларига анчагача маънодор қараб туришди.

— Бундай айланиб юришингиз, сиз бизнинг округда изғиб юрибсиз деган фикрни туғдирыпти. Табордаги вокзалда кўп турдингизми?

— Охирги поезд Будейовицага жўнаб кетгунча турдим.

— Хўш, сиз у ерда нималар қилдингиз?

— Солдатлар билан гаплашдим.

Вахмистр атрофдагиларга яна маъноли қараб қўйди.

— Хўш, сиз солдатлар билан нималарни гаплашдингиз? Улардан нималарни сўрадингиз? Масалан...

— Қайси полкдансиз, қаёққа боряпсиз, деб сўрадим.

— Жуда соз. Полкда қанча солдат борлигини ва улар қандай бўлимларга бўлинганлигини сўрамадингизми?

— Сўраганим йўқ. Буни аллақачондан бери ўзим ёд биламан.

— Демак, сиз қўшинларимизнинг ички тузилишиндан мукаммал хабардор экансиз-да?

— Худди шундай, жаноб вахмистр.

Энди вахмистр ўзининг жандармларига голибона назар билан қараб, охирги козирни ишга солди.

— Сиз русча гаплашасизми?

— Йўқ.

Вахмистр ефрейторга қараб имлаб қўйди, улар иккови нариги хонага чиққанларидан кейин, у ўзи қозонган ғалабадан хурсанд бўлиб ва қўлларини бир-бирига ишқаб туриб, дадиллик билан деди:

— Унинг гапини эшитдингизми? Русча гаплашишни билмас эмиш! Минг балони кўрган, пихини ёрган туллак. Ҳамма нарсага иқрор бўлди-ю, лекин энг муҳимини бўйнига олмаяпти. Эртагаёқ округ бошқармасига, Писекка жўнатамиз. Криминалистика — айёр бўлиш билан бирга хушмуомала ҳам бўлиш демакдир. Уни саволларга қандай қилиб ботириб юборганимни кўрдизми? Унинг бунақа одамлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди! Қўриниши ғирт аҳмоқ. Бунақа шахслар билан жуда нозик иш олиб бориш керак. Ҳозирча ўтириб турсин, мен бориб протокол тузаман.

Жандарма вахмистри суюнганидан жилмайиб, кечқурунгача протокол ёзиш билан овора бўлди, бу протоколнинг ҳар бир жумласида «spionageverdächtig»<sup>1</sup> деган сўз учраб турарди.

Жандарма вахмистри Фландерка протоколни ёзган сари унга вазият равшан ва аён бўлаверди. «So melde ich gehorsam wird den feindlichen Offizier heutigen Tages nach Bezirksgendarmeriekommando Pisek, überliefert»<sup>2</sup> деган сўзлар билан бошланган протоколни немисча ғалати маҳкама тилида ёзиб тамомлагач, вахмистр ўз қўли билан ёзилган хатга жилмайиб қараб, жандарм-ефрейторни чақирди.

— Сиз анави душман офицерига овқат бердингизми?

— Сизнинг буйруғингизга биноан, жаноб вахмистр, биз кундуз соат ўн иккигача бу ерга келтириб сўроқ қилинганларнигина овқат билан таъминлаймиз.

<sup>1</sup> Жосусликда гумон қилинади (немисча).

<sup>2</sup> Камол-аҳтиром билан маъқул қиламанки, душман офицер бугундан қолдирилмай Писек шаҳридаги округ жандарма бошқармасига юборилади (немисча).



— Лекин гоят кам учрайдиган бу ҳол бундан мустасно бўлиши керак,— деди қатъият билан вахмистр.— У старший офицер, штаб офицери бўлса ҳам эҳтимол. Руслар бу ерда жосуслик қилиш учун қандайдир бир ефрейторни юборишмайди, буни ўзингиз ҳам биласиз. «Мушук олдида» қовоқхонасига бирор кишини юбориб, унга овқат келтириб беринг. Агар овқат қолмаган бўлса, бирон нима пишириб беришсин. Сўнгра ром билан чой тайёрлаб, шуларнинг ҳаммасини бу ерга юборишсин. Қимга тайёрланаётгани айтилмасин. Умуман, кимни қўлга туширганлигимиз тўғрисида ҳеч кимга оғиз очилмасин. Бу ҳарбий сир. Хўш, ҳозир у нима қиляпти?

— Тамаки сўради, навбатчилар хонасида ўтирибди. Узини худди уйда ўтиргандек жуда осойишта қилиб кўрсатяпти. Сизнинг хоналарингиз жуда иссиқ экан, дейди. Печкангиз тутамайдими?— деб сўради. Бу жой, дейди, менга жуда ёқиб қолди. Агар печкангиз тутаётган бўлса, дейди, сиз мўрконларни тозалайдиган уста чақириб уни тозалатинг. Лекин дейди у, печкани кечга яқин тозалаш керак, агар дудбурон тепасида қуёш кўриниб турса, худо уради.

— Гаплари жуда нозик-ку!— деди хурсанд бўлиб вахмистр.— Бу гаплар билан худди ўзига ҳеч бир алоқаси йўқ кишидек ҳаракат қиляпти-я. Отилишини ўзи ҳам билди. Бунақа одам гарчи душман бўлса ҳам, уни ҳурматлаш керак. Ахир, у ўзини ўлимга чоғлаб қўйган кишику. Билмадим, биронтамиз ўзимизни шундай тута олармикимиз? Агар ҳар биримиз унинг ўрнида бўлсак, қалтираб ўзимизнинг кимлигимизни билдириб қўйган бўлардик. Аммо у бўлса, осойиштагина ўтирибди: «Ўзингиз иссиқ экан, печкангиз тутамайдими...» деб пинагини ҳам бузаётгани йўқ. Характер деб мана шуни айтишади, жаноб ефрейтор! Бунақа одамнинг асаблари пўлатдан бўлади, ўзи серғайрат, фидокор, саботли бўлади. Қани энди бизнинг Австриямизда ҳамма шунақа серғайрат бўлса!.. Лекин бу тўғрида гапиришнинг кераги йўқ. Бизда ҳам серғайрат кишилар бор. Баланд қарағайнинг тепасига чиқиб олиб, кузатиш пункти ташкил этган артиллерия поручиги Бергер тўғрисида «Миллий сиёсат» газетасининг ёзганларини ўқидингизми? Бизникилар чекинибди-ю, аммо у дарахтдан туша олмамай ўтираверибди, чунки дарахтдан тушса, душман уни асир қилиб олади, шунинг учун ҳам бизникилар душ-

манни яна ҳайдаб юборишини кутиб ўтираверибди. Хуллас, бизникилар келгунча икки ҳафта кутиб ўтираверибди. Дарахта босим икки ҳафта ўтириш осон эмас, очликдан ўлиб қолмаслик учун дарахт шохи ва қарағай нина барги билан тирикчилик қилибди, қарағай тепасидаги шохларнинг ҳаммасини ғажиб ташлабди. Бизникилар келгунча тинкаси шундай қурибдики, дарахта тура олмай, қулаб тушиб, шу ондаёқ жон берибди. Улгандан кейин уни «Ботирлиги учун» олтин медали билан мукофотлашибди.

— Сўнгра вахмистр жиддий тусда илова қилди:— Қаҳрамонлик мана шунақа бўлади! Мана шуни, жаноб ефрейтор, фидокорлик деб айтишади, ботирлик мана шунақа бўлади! Гапимиз чортанг бўлиб эсимдан чиқай дебди, тезроқ бориб овқат буюринг, аммо уни ҳозирча менинг олдимга юборинг.

Ефрейтор Швейкни олиб келди, вахмистр эса, унга илтифот билан стулга ўтиринг, дегандек имлаб, гапни ота-опангиз борми, деб сўрашдан бошлади.

— Йўқ.

«Бўлмагани ҳам яхши,— деб ўйлади вахмистр,— сен бечорага ҳеч ким йиғлаб кўймас экан». У Швейкнинг афтига мулоийм боқиб туриб ва ўзида жўш урган ҳиссиётларга берилиб, тўсатдан унинг елкасига қоқиб қўйди, яқинроқ келиб энгашиб, оталик меҳри билан сўради:

— Хўш, бизнинг Чехия сизга ёқдими?

— Чехиянинг ҳамма жойи менга ёқади,— жавоб берди, Швейк,— ҳамма жойда менга яхши одамлар дуч келяпти.

Вахмистр маъқул, дегандек бош силкиб қўйди.

— Бизнинг халқимиз яхши, хушмуомала халқ. Битта-яримта жанжал ёки ўғриликни ҳисобга олмасак ҳам бўлади. Бу ерга келганимга ўн беш йил бўлди, менинг қилган ҳисобимга қараганда, бу ерда йилига чоракам битта одам ўлдириш тўғри келади.

— Бу қанақаси, чала ўлдириб кетишаверадими? Чалажон қилиб қўйишаверадими?— сўради Швейк.

— Йўқ, бундай эмас. Ўн беш йил ичида биз ўн бир кишининг ўлдирилганлигини текшириб чиқдик: шулардан беш киши таловчилик мақсадида ўлдирилганлиги, қолган олти киши шунчаки... арзимаган сабаб билан ўлдирилганлиги аниқланди.

Вахмистр жим туриб қолди, сўнра яна ўзининг сўроқ қилиш системасига ўтди.

— Хўш, сиз Будейовицада нима қилмоқчи эдингиз?

— Тўқсон биринчи полкда ўз вазифамни бажаришга киришмоқчи эдим.

Вахмистр Швейкни навбатчилар хонасига қайтариб юборди, ўзи эса, эсимдан чиқиб қолмасин, деб Писек округ жандарма бошқармасига ёзган рапортига қўйидаги сўзларни илова қилди: «Чех тилини мукамал билади. Будейовицада Тўқсон биринчи пнеда қўшинлар полки ичига кирмоқчи бўлган».

Вахмистр хурсандлигидан қўлини бир-бирига ишқалади. У шунчалик кўп материал тўпланганига ва умуман, ўзининг тергов қилиш методидан олинган натижаларга мамнун эди. У ўзидан олдинги вахмистр Бюргерни эслади. Бюргер ушлаб келтирилган киши билан ҳатто гаплашмас ҳам эди, ҳеч нарсани сўрамас ҳам эди, жандарма унтер-офицерининг берган маълумотига бинонан, фалон киши дайдилик ва гадойлик қилиб юргани учун қамоққа олинди, деб қисқача рапорт ёзиб, дарров округ судига жўнатаверарди. Шу ҳам сўроқ бўлдимми?

Вахмистр ўзи ёзган рапорт варақаларига қараб хурсанд бўлганидан жилмайиб қўйди. Прага бош жандарма бошқармасининг одатдаги «мутлақо махфий» деб устига ёзиб қўйилган махфий циркулярини стол тортмасидан олиб, яна бир марта ўқиб чиқди:

«Ўз районларидан ўтиб бораётган кишиларнинг ҳаммасини ҳушёрлик билан алоҳида кузатиб туриш лозимлиги барча жандарма бўлимларига жуда қатъий қилиб буюрилади. Бизнинг қўшинларимизнинг Шарқий Галицияда турган жойлари ўзгартирилаётганлиги баъзи рус ҳарбий қисмларининг Карпат тоғидан ўтиб, Австрия еридаги позицияларни ишғол қилишларига имконият берди, бунинг оқибатида фронт линияси ўзгариб, давлат чегарасидан ғарбга томон анча берига сурилди. Бу янги вазият рус разведкачиларининг мамлакатнинг анча ичкарисига, айниқса, Силезияга ва Моравияга ўтиб олишларига имкон берди, махфий маълумотларга қараганда, у ерлардан рус разведкачиларининг анчагина қисми Чехияга ҳам суқулиб кирган. Уларнинг орасида рус Генерал штаби академиясида ўқиб таълим олган рус чехлари кўплиги аниқланди. Чех тилини мукамал билган рус чехлари энг хатарли разведкачилар-

дир, чунки улар, ҳеч шубҳасиз, чех халқи орасида ҳам хоинлик пропагандасини олиб боришлари мумкин ва олиб боражақлар. Шу сабабли, Бош жандарма бошқармаси буюрадики, шубҳали кишиларнинг ҳаммаси ушлансин ва гарнизонлар, ҳарбий пунктлар яқин бўлган ва ҳарбий поездлар ўтиб турадиган темир йўл станцияларига яқин турган жойларда ҳушёрлик оширилсин. Ушланган шахслар дарров тинтув қилиниб, тегишли жойларга жўнатилсин».

Жандарма вахмистри Фландерка яна хурсанд бўлиб жилмайди ва махфий циркулярни устига «Махфий фармойишлар» деб ёзиб қўйилган папкага солиб қўйди.

Бунақа фармойишлар кўп эди. Бу фармойишларни ички ишлар министрлиги мудофаа министрлиги билан биргаликда юбориб турар эди. Жандармерия эса мудофаа министрлиги қарамоғида эди. Прагадаги Бош жандарма бошқармаси бундай фармойишларни кўпайтириб тарқатишга улгура олмас эди.

Папка ичида қуйидагилар бор эди:

маҳаллий аҳолининг кайфияти қандайлигини кузатиб туриш тўғрисида буйруқ;

уруш майдонидан келаётган хабарлар одамларнинг фикр юритишига қандай таъсир қилаётганлигини маҳаллий аҳоли билан гаплашиб, аниқлаш тўғрисида йўл-йўриқ;

маҳаллий аҳоли ҳарбий заёмларга ва ионлар тўплашга қандай қараётганлиги тўғрисида анкета;

армияга чақирилган ва чақирилиши лозим бўлган кишилар орасидаги кайфият тўғрисида буйруқ;

ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органларнинг аъзолари ва зиёлилар орасидаги кайфият тўғрисида анкета;

маҳаллий аҳоли қайси сиёсий партияларга хайрихоҳлигини, айрим сиёсий партиялар нақадар кучли эканлигини кечиктирмай аниқлаш тўғрисида фармойиш;

маҳаллий сиёсий партиялар раҳбарларининг фаолиятини кузатиб туриш ва маҳаллий аҳоли хайрихоҳ баъзи сиёсий партияларнинг холислик даражасини белгилаш тўғрисида буйруқ;

ҳар бир жандарма бўлими районида қандай газеталар ҳамда журналлар ва брошюралар олинаётганлиги тўғрисида анкета;

холис эканлиги шубҳали бўлган шахслар кимлар би-

лан алоқа қилаётганлигини ва уларнинг холис эмаслиги нималарда намоён бўлаётганлигини қандай қилиб аниқлаш тўғрисида инструкция;

пул олиб ишлайдиган чақимчилар ва агентларни маҳаллий аҳоли орасидан қандай қилиб ёллаш тўғрисида инструкция;

маҳаллий аҳолидан бўлган ва жандарма бўлимида пул олиб хизмат қиладиган агентлар учун инструкция.

Ҳар кун янги-янги инструкциялар, йўл-йўриқлар, анкеталар ва фармойишлар келиб турарди.

Австрия ички ишлар министрлиги ўйлаб чиқарган мана шу беҳисоб қогозларга кўмилиб қолган вахмистр Фландерканинг «думи» жуда кўпайиб кетган эди, шунинг учун ҳам у анкеталарга: бизда ҳамма нарса жойида, маҳаллий аҳолининг холислиги I а даражасига жавоб беради, деб бир хил мазмунда жавоб ёзиб юбораварар эди.

Ички ишлар министрлиги аҳолининг Австрия монархиясига холислигини баҳоламоқ учун қуйидаги категориялар даражасини ўйлаб чиқарган эди:

I а	I в	I с
II а	II в	II с
III а	III в	III с
IV а	IV в	IV с

Енига «а» ҳарфи қўйилган римча тўрт рақами давлат хоини ва дорни билдирар эди, «в» қўшилганида бу рақам қамоқ лагерини, «с» қўшилганида эса, кузатиб туриш ва қамаб қўйиш зарурлигини билдирар эди.

Жандарма вахмистри ёзув столининг тортмаларида ҳар хил босма фармойишлар ва реестрлар кўп эди. Маъмурлар ҳар бир гражданинг ўз ҳукумати тўғрисида нималарни ўйлаётганлигини билишни истар эдилар.

Ҳар куни кандасиз келиб турган бу буйруқ ва фармойишларни кўриб вахмистр Фландерка неча марта лаб жиғибийрон бўларди. «Почта ҳақи олинмайди», «хизмат мактуби» деган штемпель урилган таниш пакетни кўриш билан унинг юраги ура бошлар эди. Вахмистр кечаси узоқ ўйлаганидан кейин, урушнинг охирини кўриш менга насиб бўлмас, ўлка жандарма бошқармаси ақлимнинг охириги қатрасини ҳам миямдан суғуриб олса керак ва Австрия армиясининг ғалабасини кўра олмасам керак, чунки ғалаба пайти келгунча миямдаги винтларнинг кўпидан маҳрум бўлишим турган гап, деган қатъий хулосага келди.

Округ жандарма бошқармаси эса, ҳар кун тинимсиз қозлар юбориб:  $\frac{72345}{721 a/i}$  d номерлик анкетага нега шу вақтгача жавоб юбормадингиз,  $\frac{88992}{882 gfeh}$  z рақамли инструкция қандай бажарилляпти,  $\frac{123456}{1292 b/c}$  v рақамли йўл-йўриқнинг амаллий натижалари қандай бўлди ва ҳоказо деб талаб қилишдан тўхтамасди.

Маҳаллий аҳоли орасидан чақимчилар ва агентлар ёллаш тўғрисидаги инструкция уни ҳаммадан кўра кўпроқ қийнаб қўйди. Блата бошланадиган жойдаги халқнинг ҳаммаси қайсар бўлганлиги сабабли булар орасидан бирор кишини ёллаш мумкин эмас, деган хулосага келиб, ниҳоят, у Сакроғич Пепка деган қишлоқи чўпон болани ўзига хизматга олишга аҳд қилди. Сакроғич лақабли бу бола ўзининг лақабини эшитиш билан ҳамиша сакрайверадиған тентак, бахтсиз бир махлуқ эди. Табиат ақлдан маҳрум қилиб қўйган ва одамларга майна бўлиб қолган бу чўлоқ бола қишлоқдагиларнинг подасини боқар, бунинг эвазига йилига бир неча танга пул олиш ва арзимас таом билан қаноатланар эди.

Вахмистр уни чақиртириб келиб сўради:

— Пепка, сен «Уйноқи чол»\* кимлигини биласанми?

— Ме-ме...

— Маърама. Император аъзамга халойиқ шундай ном қўйганлиги эсингда бўлсин. Император аъзам кимлигини биласанми?

— У — импильятул казлатлали...

— Баракалла, Пепка. Эсингдан чиқарма, овқатланиш учун одамларнинг уйига кирганигда бирор кимса, император аъзам ҳайвон, деганини ёки шунга ўхшаш бирор гап айтганини эшитсанг, дарҳол менинг олдимга келиб, маълум қил. Бунинг учун мен сенга ҳар сафар йигирма геллер пул бераман. Агар бирор кимса, биз урушда енгилляпмиз, деганини эшитсанг, яна менинг олдимга кел, тушундингми? Бу гапни ким айтганини менга маълум қилсанг, мендан яна йигирма геллер оласан. Лекин агар бирор гапни айтмай яшириб қолганингни эшитсам, мендан хафа бўлма. Қамаб, дарҳол Писекка жўнатаман. Бор, энди сакрайвер!

Пепка диринглаб сакради, вахмистр эса унга қирқ геллер берди ва ўзининг бу ишидан хурсанд бўлиб, бир

агентни ёлладим, деб округ жандарма бошқармасига рапорт ёзди.

Эртасига қишлоқ попи вахмистрнинг олдига келиб, эрталаб қишлоқнинг нарёғида подачи Сакроғич Пепкани учратганлигини махфий суратда айтди. Қишлоқ подачиси Сакроғич Пепка унга: «Тақсир, кеча манга пан вахмистил, имшелятол ажам ҳайвон, улусда ютқизамиз, дедила. Ме-ме... Хоп!» деб айтганлигини хабар қилди.

Вахмистр қишлоқ попи билан обдан гаплашиб бўлганидан кейин, Сакроғич Пепкани қамаб қўйиш тўғрисида буйруқ берди. Кейин Градчани суди уни давлатга хиёнат қилганлиги учун ўн икки йил қамоққа ҳукм қилди. Уша судда у хоинлик билан хатарли ёвуз ишлар қилди, одамларни ёмон ишларга йўллади, ҳазрат олийларини ҳақорат қилди, умуман, бошқа жиноятлар ва но-жўя ҳаракатлар қилди, деб айблашди.

Сакроғич Пепка судда ҳам худди яйловда ёки, деҳқонлар орасида тургандек муомала қилаверди, ҳамма саволларга эчки сингари маъраб жавоб берди, ҳукм ўқилганидан кейин: «Ме-е!... Хоп» деди-ю, жойида сакрайверди. Бунинг учун унга иштизом тариқасида жазо бериб, ҳафтада уч кун фақат нон ва сув билан боқиладиган ва қуруқ ерга ётқизиб қўйиладиган бир хоналик камерага тиқиб қўйишди.

Шу-шу вахмистр ўзига хабар бериб турадиган агент топмади ва йўқ агентнинг номини ўзига-ўзи ўйлаб топиш билан кифояланиб қўя қолди, унинг уйдирма номини юқори ташкилотга хабар қилиб қўйди ва шу тариқа ўзи ҳар ойда оладиган маошини эллик крон оширишга муваффақ бўлди, бу пулни «Мушук олдида» деган қовоқхонага бориб ичиб, айшини қилиб юраверди. Пивонинг ўнинчи кружкасини ичганидан кейин унда виждон азоби бошланар, пиво тахир бўлиб туюлар ва бундай пайтларда ҳамиша деҳқонларнинг: «Бугун нима учундир вахмистримизнинг кайфи йўқ, ранги бўзариб турибди» деган гапини эшитар эди. Шундан сўнг у уйига қайтиб кетар, у кетгандан кейин эса, ҳамиша кимдир биров: «Сербияда бизникиларни яна боплашганга ўхшайди — бугун вахмистрнинг овози чиқмай қолди». деб қўяр эди.

Вахмистр бўлса, уйига бориб, беҳисоб анкеталардан бирини тўлдиришга киришарди:

«Аҳоли орасидаги кайфият—1 а...»

Кўпинча вахмистр ревизия ва текшириш бўлишини кутиб кечаси билан мижжа қоқмай чиқар эди. Бундай уйқусиз гунларда унинг кўзига дор сиртмоқлари кўринар, ўзини дорга осилаётгандек ва охириги тақиқада мудофаа министрининг ўзи пастда, дор олдида туриб унга: Wachmeister, wo ist die Antwort des Zirkulärs!<sup>1</sup>

№  $\frac{1789678}{23792}$  х. у. з. ?»

деб қичқираётгандек сезиларди.

Лекин энди-чи... Энди унга жандарма бўлимнинг ҳамма бурчакларидан овчиларнинг «олинг, олдирманг» деган эски истаги ҳамма томондан эшитилаётгандек бўлиб кўринарди. Шунинг учун ҳам жандарма вахмистри Фландерка округ жандарма бошқармасининг бошлиғи унинг елкасини қоқиб «Ich gratuliere Ihnen, Herr Wachmeister»<sup>2</sup> дейишига сира шак-шубҳа қилмасди.

Жандарма вахмистри бир-биридан гўзал манзараларни тасвирлаб хаёлига келтирарди. Вахмистр ўзининг криминалистика борасидаги қобилиятларига баҳо берилишини ва шу тариқа мартабаси ошишини кўп вақтлардан бери кутиб юрганлиги учун ҳам, гўё мукофотлар олаётганлиги ва баланд даражага кўтарилаётганлиги тўғрисидаги фикрлар унинг миясида бирин-кетин пайдо бўла борар эди.

Вахмистр ефрейторни чақириб, сўради:

— Овқат топиб келдингларми?

— Унга сур чўчқа гўшти билан карам пишириб ва сомса келтириб беришди. Шўрва қолмабди. Бир стакан чой ичди, яна сўраяпти.

— Берилсин!— олиҳимматлик билан рухсат берди вахмистр.— Чойини ичиб бўлганидан кейин менинг олдимга олиб келинг.

Ярим соатдан сўнг ефрейтор Швейкни олиб келди. У қорни тўйган ва ҳар сафаргидек мамнун эди.

— Қалай? Овқат сизга ёқдимми?— сўради вахмистр.

— Овқат тузук, жаноб вахмистр. Лекин карамни кўпроқ беришса чакки бўлмасди. Биламан, улар овқат менга мўлжалланганлигини ўйлашмаган-да. Чўчқа гўшти яхши экан, қўлда боқилган чўчқанинг сур гўшти бўлса керак. Чой билан ром ҳам чакки эмас.

<sup>1</sup> «Вахмистр! Хўш... циркулярга жавоб қани?» (немисча).

<sup>2</sup> Муборак бўлсин, жаноб вахмистр (немисча).



Вахмистр Швейкка қараб туриб гап бошлади:

— Россияда чойни кўп ичишади, дейишади, ростми? Россияда ром ҳам борми?

— Ром бутун дунёда бор, жаноб вахмистр.

«Яна гапни буряпти»,— ўзича ўйлади вахмистр. «Гапни ўйлаб гапирши керак эди!» Вахмистр Швейкка меҳрибонлик билан энгашиб сўради:

— Россияда жонан қизлар ҳам борми?

— Жонан қизлар бутун дунёда бор, жаноб вахмистр.

«Сени қара-я.— яна ўзича ўйлаб қўйди вахмистр.— Яна гапни бурмоқчи бўлиб турибди!» Хаёлига шу фикр келиши билан вахмистр томдан тараша тушгандек савол берди:

— Сиз Тўқсон биринчи полкда нима қилмоқчи эдингиз?

— Полк билан фронтга бормоқчи эдим.

Вахмистр мамнуният билан Швейкка қараб қўйди: «Тўғри! Россияга боришнинг энг яхши усули мана шу», деб ўйлаб қўйди.

— Жуда яхши ўйлабсиз!—деди-ю, бу гапим Швейкка қандай таъсир қилар экан, деб вахмистр унга тикилиб турди, лекин унинг кўзларида осойишталикдан бўлак нарса кўрмади.

Вахмистрнинг кўнглига ваҳима тушди: «Пинагини ҳам бузмайди-я. Чидамингга қойил! Агар мен унинг ўрнида бўлганимда шу сўзлардан кейин оёғим қалтираб кетарди».

— Эрталаб биз сизни Писекка олиб борамиз,— деди парво қилмагандек бўлиб вахмистр.— Илгарн ҳам сиз Писекда бўлганмисиз?

— Бир минг тўққиз юз ўнинчи йилда император қўшинларининг маневрида бўлган эдим.

Вахмистрнинг қиёфасида тантанавор ёқимли табасум пайдо бўлди. У сўроқ қилишда ўзини жуда ҳам моҳир бўлиб кетгандек ҳис қилди.

— У ерда сиз маневрнинг охиригача турганмидингиз?

— Бўлмасам-чи, жаноб вахмистр. Пиёда аскарлар полкида хизмат қилардим.

Шу гапларнинг ҳаммасини рапортга ёзишга жазм қилиб суюнганидан стулда чир-чир айланаётган вахмистрга Швейк тикилиб қараб тураверди. Вахмистр

ефрейторни чақриб, унга Швейкни олиб кетишни буюрди, ўзи эса рапортга қўшимча қилиб ёзиб қўйди:

«Унинг плани бундай бўлган: Тўқсон биринчи пийда қўшинлар полки сафларига кириб олиб, ўзи дарҳол фронтга жўнатишни илтимос қилиб биринчи имконият туғилиш биланоқ Россияга қочиб ўтмоқчи бўлган, чунки органларимизнинг ҳушёрлиги туфайли Россияга қайтишнинг бундан бошқа иложи йўқлигини билган. У ўз ниятини бемалол амалга ошириши муқаррар эди, чунки унинг терговда айтган гапларига қараганда (узоқ давом қилган тўхтовсиз сўроқ натижасида мен ундан шу гапларни билиб олдим), 1910 йилдаёқ у Писек атрофида ўтказилган император қўшинларининг маневрида оддий солдат сифатида қатнашган, мана шунинг ўзидан ҳам бу соҳада унинг тажрибаси катталиги кўриниб турибди. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, тўпланган айблаш материали сўроқ қилишдаги мен ишлатаётган системанинг натижасидир».

Ефрейтор эшик олдида пайдо бўлди.

— Жаноб вахмистр! У ҳожатхонага олиб боришни илтимос қиляпти.

— *Vajonett auf!*— буюрди вахмистр.— Йўқ, тўхтаг, уни бу ерга олиб келинг.

— Сизга ҳожатхона керак бўлиб қолдими?— илтифот билан сўради Швейкдан вахмистр.— Бунинг замирида каттароқ ниятингиз йўқмасмикин?

— Жуда тўғри. «Каттароғини» қилишим керак бўлиб қолди, жаноб вахмистр,— жавоб берди Швейк.

Вахмистр тўппонча ғилофини очар экан, маъноли қилиб деди:

— Тагин бошқа бирои нарса бўлмасин, ўзим сизни олиб бораман.

Вахмистр йўлакай Швейкка деди:

— Тўппончам жуда яхши, еттиотар, қоқ мўлжалнинг ўзига тегади.

Бироқ вахмистр ҳовлига чиқишдан олдин ефрейторни чақриб олиб, унга секингина деди:

— Найзани чиқариб қўйинг, у ичкарига кириши билан ҳожатхонанинг орқасида туринг. Ҳожатхона ўрасининг ичидан ташқарига қазиб чиқиб кетиши ҳам мумкин.

<sup>1</sup> Найзани қайтариб қўйинг! (немисча.)

Ҳожатхона одатдаги кичкина тахта катакдан иборат бўлиб, ҳовлининг ўртасида гўнг уюмидан нарироқда қаққайиб турарди. Бу жуда эски ҳожатхона бўлиб, неча-неча авлодлар ундан ўзларининг табиий эҳтиёжлари учун фойдаланиб келганлар. Ҳозир унинг ичига кириб олган Швейк бир кўли билан эшикка қоқилган арқончани ушлаб ўтирар, ефрейтор эса, Швейк ҳожатхона ўрасини қазимаяптими, деб туйнукдан унинг ноғўя жойига тикилиб қараб турарди.

Жандарма вахмистри калхатникидек чақчайган кўзлари билан эшикка тикилиб турибди, башарти, Швейк қочишга уриниб кўрса, унинг қайси оёғидан отсам бўларкин, деб бош қотирмоқда.

Лекин эшик секингина очилди ва ёзилиб бўлган Швейк ҳожатхонадан чиқиб хижолат тортгандек вахмистрдан сўради:

— Ҳожатхонада ҳаяллаб қолмадимми? Сизни куттириб қўйганим йўқми?

— Йўқ, йўқ, сира куттирганингиз йўқ,— жавоб берди вахмистр ва ўзича ўйлади: «Уларнинг нозиклигини, сермулозиматлигини қаранг-а! Биров кутиб турганини билибди-ю, лекин шундай бўлса ҳам илтифотни қўлдан бермайди. Чиндан ҳам ростига кўчиш керак — жуда ҳам хушмуомала экан. Бизларнинг одамларимиздан ким ўзини мана шунақа тута олади!»

Вахмистр қоровулхонада қолди, навбатчилик қилаётган ва эргалабгача атрофдаги қишлоқларни айланиб чиқиши лозим бўлган жандарм Рампанинг бўш қолган каравотига Швейкнинг ёнига ўтирди. Аммо бу вақтда жандарм Рампа Противинда «Саман от олдида» деган қовоқхонада ўтириб этикдўз билан «Марьяж»<sup>1</sup> ўйнамоқда эди, ўйиндан бўш вақтларида, Австрия енгиб чиқиши керак, деб исботлашга уринарди.

Вахмистр трубкани тутатиб чекди, Швейкнинг трубкасига ҳам тамаки берди, ефрейтор печга ўтин қалаб ёндираверди, шунинг учун ҳам жандарма бўлими бутун ер юзидаги энг роҳатихон ерга, иссиққина маконга айланди. Қиш куни бўлгани учун тез қош қорайди. Улфатчилик, дилкашлик пайти бўлган тун бошланди.

Ҳамма жим ўтирарди. Вахмистр ниманидир узоқ ўйлади ва ниҳоят ёрдамчисига қараб деди:

<sup>1</sup> Марьяж—карта ўйинларидан бирининг номи (тарж.)

— Менимча жосусларни дорга осиш нотўғри. Бурчимни бажараман, деб, ватани учун жонини қурбон қилаётган киши фахрли ўлимга сазовор, уни отиб ўлдириш яхшироқ бўлади. Хўш, сиз нима дейсиз, жаноб ефрейтор?

— Албатта, дорга осгандан кўра, отиб ўлдириган яхшироқ,— деди бу фикрга қўшилиб ефрейтор.— Масалан, бизга: «Русларнинг турган жойига бориб уларнинг пулемёт бўлимида қанча пулемёти борлигини билиб келинг», деб буюришса нима қилардик? Қийиниб йўлга тушаверардик. Бунинг учун мени бандит қатори дорга осиш керакми?

Ефрейтор шу қадар қизишиб кетдики, ўрнидан туриб бирданига хитоб қилди:

— Мени отиб ўлдиришни ва ҳарбийча иззат-ҳурмат билан дафн этишни талаб қиламан!

— Ҳамма гап шунда-да,— деди Швейк.— Агар йигит аҳмоқ бўлмаса уни қўлга тушириб бўлмайди. Ҳеч қачон унинг айби бор деб ҳеч ким исбот қила олмайди.

— Йўқ, исбот қилиб беришади!— яна қизишди вахмистр.— Ахир улар ҳам аҳмоқлар эмас-ку, уларнинг ҳам алоҳида ўз системаси бор. Буни ўзингиз ҳам кўрасиз. Албатта кўрасиз,— деб такрорлади у энди бирмунча осойишталик билан ва ёқимли табассум қилиб туриб.— Ҳар қанча ҳунар ишлатсанг ҳам, бизнинг қўлимиздан қутула олмайсан. Шундай эмасми, жаноб ефрейтор?

Ефрейтор бу гапга қўшилганлигини билдириб бош силкиб қўйди ва шундай кимсалар борки, ўзларининг ишлари аллақачон пачаваси чиққан бўлса ҳам, аммо худди ҳеч нарса бўлмагандек пинакларини бузмай ўтираверишади, бундан барибир уларга ҳеч бир фойда йўқ: одам ўзини нечоғлик осойишта кўрсатса, унинг сирини асрори шу қадар кўпроқ аён бўлиб қолаверади, деди.

— Мендан кўп нарсани ўрганибсиз, ефрейтор!— деб юборди фахрланиб вахмистр.— Осойишталик совун кўпинги каби бир нарса, лекин ясама осойишталик, бу — *corpus delicti*<sup>1</sup>.— Вахмистр ўз назариясини баён қилишни тўхтатиб, ефрейторга қараб деди:— Кечки овқатга нима қилсак бўларкин?

— Энди қовоқхонага бермайсизми, жаноб вахмистр?

<sup>1</sup> Жиноят состави (лотинча).

Ҳозир вахмистрнинг олдида дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган янги бир мураккаб муаммо кўндаланг бўлиб қолган эди.

Мабодо, маҳбус унинг кечаси йўқлигидан фойдаланиб қочиб кетса нима бўлади? Дуруст, ефрейтор ишонса бўладиган аҳтиёткор одам, лекин бир пайт иккита дайди унинг қўлидан қочиб кетган эди-ку. (Аслида воқеа бундай бўлган эди: ефрейтор қаҳратон совуқда дайдиларни Писекка элтиб беришга эриниб Ражиц яқинидаги далада уларни ўз ҳолига қўйиб юборган эди, аммо хўжақўрсинга милтиқдан бир марта ўқ узиб ҳам қўйган эди). Ниҳоят, вахмистр бу мураккаб муаммони ҳал қилиб, деди:

— Анави хотинни юборсак, бизга кечки овқат олиб келади. Пивони ҳам мўндида олиб келаверади. Бир-икки марта бориб келса ҳеч нима бўлмайди — оёғининг чигали ёзилади.

Ҳақиқатан ҳам, уларнинг хизматини қилиб юрган хотин Пейзлерка ўша куни кечқурун кўп марталаб қатнади. Кечки овқатдан сўнг жандарма бўлими билан «Мушук олдида» қовоқхонаси ўртасида қатнов тўхтамади. Хотиннинг оёғидаги катта оғир этикнинг беҳисоб излари вахмистр «Мушук олдида» қовоқхонасига бормаганлигининг алаmidан чиқишга тўла-тўқис ҳаракат қилганлигини кўрсатиб турарди.

Пейзлерка яна бир марта қанча марта қатнаганлиги номаълум қовоқхонага бориб, жаноб вахмистр салом деб юбордилар ва бир шиша контушовка\* бериб юборишни илтимос қилдилар, деганида бунинг сабаби нималигини билишга қизиқиб турган қовоқхоначининг сабри тугади.

— Узлари кимлар билан улфатчилик қиляптилар?

Бу саволга хотин жавоб бериб, деди:

— Қандайдир бир шубҳали одам билан ўтирибдилар. Мен ҳозир у ердан чиққанимда икковлари қучоқлашиб ўтиришган эди, жаноб вахмистр бўлса, унинг бошини силаб: «Сен менинг олтинимсан, жонажон славян қардошимсан, жонимга ора берадиган жосусимсан!..» деб эркалаб турган эдилар.

Ярим кечادا жандарма бўлимида қўйидаги манзарани кўриш мумкин эди: қаттиқ хуррак отиб ухлаётган ефрейтор устидаги кийимини ечмай, ўринга узала тушиб олган, унинг рўпарасида вахмистр тагида озроқ

контушовка қолган шишани ёнига қўйиб, Швейкни бўй-нидан қучоқлаб ётар, қорамтир юзидан кўз ёшлари оқиб, контушовка мўйловларини бир-бирига ёпиштириб қўйган эди.

— Қани, ўзинг ростини айт-чи,— деб гўлдиарди вахмистр.— Россияда бунақа яхши контушовкани топа олармидинг? Ростини айтсанг, тиниб-тинчиб ухлардим. Ёнгит бўлсанг, ростини айтасан!

— Рост, топилмайди.

Вахмистр Швейкка ёпишиб олди.

— Ростини айтиб, кўнглимни тинчитдинг. Терговда ҳам мана шунақа ростини айтиш керак. Айбдор бўлганингдан кейин инкор қилишининг нима кераги бор.

У ўрнидан турди ва қўлидаги бўш шиша билан гандираклаб хонаси томон йўл олар экан, тинмай гўлдиарди:

— Агар мен дарров тўғри йўлга тушмаганимда бу иш бутунлай чалкаш бўлиб кетарди.

У устидаги кийими билан ўринга ағдарилишдан олдин ёзув столи тортмасидан ўзининг рапортини олиб унга қўйидаги материалларни ёзиб қўймоқчи бўлди: «Ich muss noch dazu beizufügen, das die russische Kontuszówka § 56 га асосан!».

Вахмистр рапорт қоғозига сиёҳ томизиб юборди, доғни тили билан ялагач, аҳмоқона жилмайиб ўзини ўринга ташлади-ю, қаттиқ уйқуга кетди.

Рўпарадаги девор тағига қўйилган каравотда ухлаб қолган жандарма ефрейтори тонготар пайтда ҳуш-так аралаш чунонам хуррак тортдики, бундан Швейк уйғониб кетди. У ўрнидан туриб ефрейторни қаттиқ силкитди ва яна ўрнига ётди. Хўрозлар ҳам қичқириб бўлди, тонг ёришган пайтда эса, тунги югур-югурлардан кейин ухлаб ҳордиқ чиқарган хотин Пейзлерка печка ёқиш учун келди. У келганида эшик очик, ҳамма қаттиқ уйқуда эди. Қоровулхонадаги лампа чироқ ҳали ҳам тутаб ётарди. Хотин шанғиллаганча ефрейтор билан Швейкни каравотдан тортиб туширгач, ефрейторга ўшқирди.

— Кийим билан ётиб қолгани уялмадингизми ахир, ҳайвонмисиз?— Швейкка эса, хотин кишининг олдида шимнинг тугмаси қадалган бўлиши керак, деб танбеҳ берди.

<sup>1</sup> Шуни илова қилишим керакки, рус контушовкаси... (немисча).

Ниҳоят, Пейзлерка ҳали уйқуси ўчмаган ефрейторни вахмистрни уйғотишга юборди ва унга, бундай алла-маҳалгача ухлаш яхши эмас деб айтинг, деди.

Ефрейтор вахмистрни уйғотишга кетганидан кейин хотин Швейкка қараб тўнгиллади:

— Хўп улфатларга учрабсиз-да. Ичкиликбозликда бир-бирдан қолишмайди. Узини ҳам сотиб ичишдан қайтмайди. Менинг хизматларимга уч йилдан бери ҳақ тўлашгани йўқ, бу тўғрида оғиз очгудек бўлсам, вахмистр менга: «Овозингни ўчир, кампир, бўлмаса қама-тиб қўяман. Уғлинг ўғринчи овчилик қилиши ва хўжайинларнинг ўтинларини ўғирлаб юргани бизга аниқ маълум», деб дўқ қилади. Тўрт йилдан бери уларнинг хизматини қилавериб тинкам қуриди.— Хотин чуқур хўрсиниб яна давом этди:— Вахмистрдан кўпроқ эҳтиёт бўлинг. Бунақа тулки, газанда кам топилади. Дуч келган одамни ушлаб олиб қамагани қамаган.

Вахмистр аранг уйғонди. Ефрейтор, тонг отиб кетди, деб уни ишонтариши жуда қийин бўлди.

Ниҳоят, у кўзларини йириб-йиртиб очиб, мушти билан ишқалашга тушди ва кеча кечқурунги воқеаларни аранг эсга тушира бошлади. Шу пайт бирданига унинг хаёлига даҳшатли бир фикр келиб қолди ва ваҳимада хиралашган кўзларини ефрейторга тикиб туриб, сўради.

— Қочиб кетибдими?!

— Худо сақласин, унақа йигитлардан эмас.

Ефрейтор хонанинг у бурчидан-бу бурчига юриб туриб, деразадан ташқарига қаради, столда ётган газетанинг бир парчасини йиртиб олиб, қўлида эзгилай берди. У нимадир демоқчилиги сезилиб турарди.

Вахмистр ефрейторга шубҳали қараб турди-да, ниҳоят ўзи тўғрисида у нималарни ўйлаётганлигини аниқ билиб олмоқчи бўлиб деди:

— Майли, бўлар иш бўпти, сизга ўзим ёрдам бераман, жаноб ефрейтор, кеча яна унчалик ҳаддан ошганим йўқми?

Ефрейтор бошлиғидан ўпкалана бошлади.

— Кеча бирам ғалаги гапларни айтдингизки, жаноб вахмистр, агар эсингизга тушса, бу гапларга ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз! Унга ғалати-ғалати гапларни ҳам айтиб юбордингиз!— шу пайт у вахмистрнинг қулоғига яқин келиб шивирлади:— Сиз унга, биз ҳамма-

миз — чехлар билан руслар қон-қардош славянлармиз, келгуси ҳафтада Николай Николаевич\* Пршеровда бўладилар, Австрия ўзини ўнглай олмайди, дедингиз ва унга, бундан буёнги терговда ҳамма нарсадан тон, казаклар келиб бизни қутқаргунча терговни бир амаллаб ёлғон-яшиқ гаплар билан чўзавер, деб маслаҳат бердингиз. Яна сиз унга, тез орада ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлади, гусчиларнинг уруши яна такрорланади, деҳқонлар занжирларни кўтариб Венага боришади, жаноб императорнинг шарти кегиб-парти қолди, тез орада гумдон бўлади, император Вильгельм эса, йиртқич, дедингиз. Сўнгра сиз унга, сени турмада пул юбортириб боқиб тураман ва ҳоказо шунга ўхшаш кўп гапларни айтдингиз.

Ефрейтор вахмистрдан ўзини нарига олиб турди.

— Ҳамма нарса жуда яхши эсимда,— деди у яна гапни давом эттириб,— чунки аввал озроқ ичиб шу билан кифояланган эдим, кейин кўпроқ ичиб юборган бўлсам керак, у ёғи эсимда қолмабди.

Вахмистр ефрейторга тикилди.

— Аммо менинг эсимда,— деди у,— сиз русларнинг олдида биз бир чақага арзимаемиз дедингиз, хатто хотиннинг олдида «Яшасин Россия!» деб бақирдингиз.

Ефрейтор асабийлашиб, уйнинг у бурчидан бу бурчига юра бошлади.

— Сиз ўзингиз шу гапларнинг ҳаммасини худди биров бўғизлаётгандек бақириб айтавердингиз,— деди вахмистр.— Сўнгра каравотга кўндаланг ётиб олиб, хуррак ота бошладингиз.

Ефрейтор дераза олдида бориб тўхтади ва бармоғи билан дераза ойнасини тиқиллатиб туриб, деди:

— Сиз ўзингиз ҳам, жаноб вахмистр, хотиннинг олдида оғзингизга келган гапни қайтарганингиз йўқ. Унга бундай деганингиз эсимда: «Шу нарса эсингиздан чиқмасин, кампир, ҳар бир император ёки қирол фақат ўз ҳамёнини ўйлайди, шунинг учун ҳам уруш бўляпти. Дабдаласи чиққан «Уйноқи чол» ҳам шуларнинг бири. Уни ҳалажойдан олиб чиқишингиз билан бутун Шенбрунни\* булғатиб юборади».

— Шундай дедимми?!

— Ҳа, жаноб вахмистр. Ҳовлига чиқиб қусишдан олдин худди шу гапларни айтдингиз, яна: «Кампир, оғзимга бармоғингизни тиқинг!» деб ҳам бақирдингиз.



Вахмистр унинг гапини бўлиб деди:

— Сиз ҳам жуда галати гапларни айтдингиз. Николай Николаевич чехларнинг қироли бўлиб қолади, деган бемаъни гап қулогингизга қаердан кириб қолган эди?

— Бунақа деганим сира эсимда йўқ,— чўчинқиради ефрейтор.

— Албатта, эсингизда бўлмайди-да! Улгудек маст эдингиз! Кўзларингиз худда чўчқа боласиникидай юмилиб кетган эди. «Ҳовлига» чиқиш лозим бўлиб қолганида эшикдан чиқиш ўрнига нуқул печкага ёпишдингиз.

Иккови жим қолишди. Ниҳоят, вахмистр анча давом қилган бу жимликни яна бузди:

— Ҳамиша мен сизга, ичкилик одамни ҳалок қилади, деярдим-ку. Ичишни билмайсизу, яна ичаверасиз. У қўлимиздан қочиб кетса нима бўларди? Сиз билан биз ўзимизни қандай қилиб оқлардик? Э худо-ей, бошим тарс ёрилай деяпти! Шунини билиб қўйинг, жаноб ефрейтор,— давом этди вахмистр,— унинг қочмаганлигининг сабаби менга жуда равшан, чунки у жуда уста ва хар тарли одам. Юқоридагилар тергов қилганида у, агар мен ўзимни гуноҳкор деб ҳис қилган бўлсам, минг марта қочиб кетиш мумкин эди, чунки улар мен билан ул-фатчилик қилиб ғирт маст бўлиб қолишганида, эшик кечаси билан очиқ турди, дейиши турган гап. Яхшиямки, бунақа одамга ишонишмайди, агар биз яна бунинг устига, унинг бу гаплари ғирт ёлғон ва уйдирма деб қасам ичсак, унга худонинг ўзи ҳам ёрдам қилолмайди, гуноҳи устига яна гуноҳ қўшиб қўйишади. Аммо бундай аҳволга тушиб қолган киши учун ортиқча гуноҳ ҳеч қандай роль ўйнамайди... Улар бўлсам ўлдиму, бош оғригим бир оз босылса жоним кирарди!

Жим бўлиб қолишди. Орадан бир дақиқа ўтгач, вахмистр кампирни чақириб келишни буюрди. Вахмистр Пейзлеркага тикилиб қараб туриб гап бошлади:

— Гапимга қулоқ солинг, кампир. Қаердан бўлса ҳам менга бутга парчинланган Исо пайғамбарнинг суратини топиб келинг.— Бирдан у савол назари билан қараб турган кампирга қичқирди:— Тезроқ! Айтган нарсам бир минутдан кейин шу ерда бўлсин!

Сўнгра вахмистр расмий қоғозларни печатлашдан қолган сурғуч юқи иккита шамни олди ва кампир лапанглаб бутни олиб келгани ҳамано уни столнинг чек-

касидаги иккита шам ўртасига қўйиб, шамларни ёқди ва тантанали оҳангда:

— Бу ерга ўтиринг, кампир,— деди.

Таажжублангандан нима дейишини билмай қолган кампир Пейзлерка диванга ўзини ташлади ва қўрқиб вахмистрга, шамларга ва бутга бақрайиб қараб тураверди. Кампир ваҳимага тушиб қолган, унинг оёқлари ва тиззасига қўйиб қовуштириб ўтирган қўллари қалтираётганлиги кўриниб турарди.

Вахмистр икки марта унинг олдидан юриб ўтди, сўнгра тўхтаб, тантанали оҳангда хитоб қилди:

— Кеча сиз, кампир, улуг воқеанинг шоҳиди бўлдингиз. Эҳтимолки, сиз ноқис ақлингиз билан буни тушунмассиз. Ўша солдат— разведкачи, жосус эди, кампир!

— Худоё тавба!— пичирлади Пейзлерка.— Э, азиз-авлиёлар! Ё Биби Мария Скочицкая!\*

— Бас, бас! Гапирга қулоқ солинг, ундан баъзи бир нарсаларни билиб олмоқ учун биз эҳтимолки, унга ҳар хил галати гапларни айтган бўлишимиз мумкин, шу гапларни кеча сиз эшитгансиз. Галати гапларни гаплашганимизни эшитганингиз ростми?

— Эшитдим,— деди кампир қалтираган овози билан гўлдираб.

— Бизга у ишонсин ва иқроп бўлсин, деган мақсад билангина шунақа гапларни гапирдик, кампир. Ҳақиқатан ҳам мақсадимизга эришдик. Унинг кўнглидаги ҳамма гапларни билиб олдик. Боплаб илинтирдик.

Вахмистр шамнинг сўхтасини тозалаш учун гапни тўхтатди, сўнгра тантанали оҳангда давом этиб кампир Пейзлеркага қаттиқ тикиларкан деди:

— Сиз, кампир, шу гапларнинг ҳаммасини эшитиб турдингиз, бинобарин, бу сирни билиб олдингиз. Шу тариқа сизга давлат сирини аён бўлиб қолди, бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очишга ҳаққингиз йўқ. Ҳатто жон бераётган вақтингизда ҳам бу тўғрида гапирмаслигингиз керак, акс ҳолда, сизни қабристонга кўмиб бўлмайди.

— Ё тавба, ё азиз-авлиёлар!— ингради Пейзлерка.— Мени худо урмаса, бу ерга келармидим!

— Кўп валдираманг! Ўрнингиздан туринг, манави бутанинг олдига келинг, икки бармоғингизни букиб, қў-

лингизни кўтаринг. Ҳозир менинг олдимда қасам ичасиз. Мен айтган гапларни такрорлай беринг...

Кампир Пейзлерка лапанглаб стол олдига келар экан, тинмай такрорларди:

— Е тавба! Е Биби Мария Скочицкая! Мени худо урмаса, шу даргоҳга қадам қўярмидим!

Бутга парчинланган Исо азобланган башараси билан кампирга қараб турарди, шамлар тутаб ёнмоқда, кампирга эса, ҳамма нарса даҳшатли ва ғайри табиий бўлиб кўринарди. У ўзини йўқотиб қўйди, тиззалари қалтирарди, қўллари титрарди. У бармоқларини букиб, қўлини кўтарди, жандарма вахмистри эса қасам сўзларини битта-битта, тантанавор оҳангда айта берди, кампир унинг кетидан такрорлаб турди:

— Парвардигорга ва сиз, жаноб вахмистрга қасам ичиб айтаманки, бу ерда кўрган-эшитган нарсаларимнинг ҳеч бирини то ўлгунимча ҳатто мендан тергов қилиб сўралса ҳам, ҳеч кимга айтмайман. Шу аҳдимда туришимга худо ҳамиша менга мадаккор бўлсин!

Кампир Пейзлерка ҳўнграб йиглаб туриб қасамни такрорлаб айтиб бўлгач ва астойдил ихлос билан чўкиниб олгач, вахмистр унга буюрди:

— Энди мана бу бутни ўпинг. Яхши, энди бу бутни қаердан олган бўлсангиз ўша жойга элтиб қўйинг, агар сўрасалар, менинг сўроқ қилишим учун керак бўлиб қолганини айтинг.

Саросимага тушиб қолган Пейзлерка бутни кўтариб, оёқ учида юриб чиқиб кетди. Кампирнинг бу кўрган-кечирган воқеалари тушида эмас, балки ўнгида бўлганлигига ишонч ҳосил қилишни истагандек қайта-қайта орқасига қараб йўлда кетаётганлиги ва ўз ҳаётида ҳақиқатан энг даҳшатли дақиқалардан бирини бошидан кечирганлигини ўйлаб бораётганлиги деразадан кўриниб турди.

Вахмистр эса, кечаси ўзи сиёҳ томизиб юборган ва доғни артмоқчи бўлиб ёйилиб кетишига сабаб бўлган рапортини бошқа қоғозга кўчириб ёзишга киришди.

У рапортни бутунлай бошқатдан ёзди ва яна бир нарса тўғрисида Швейкдан сўрашни унутиб қўйганлиги эсига тушди. Вахмистр Швейкни чақиртириб олиб келди ва ундан сўради:

— Сурат олишни биласизми?

— Биладан.

— Ундай бўлса, нега фотоаппаратингизни ўзингиз билан олиб юрмайсиз?

— Чунки фотоаппаратим йўқ,— деб чин кўнглидан иқрор бўлди Швейк.

— Агар аппаратингиз бўлса, суратга олармидингиз,— сўради вахмистр.

Швейк вахмистрнинг синовчан тикилиб турган кўзига оҳиста назар ташлар экан, ҳеч бир ғаразсиз:

— Ҳолва деган билан оғиз чучимайди-ку,— деди.

Шу пайтда вахмистрнинг яна боши оғриб қолди, шунинг учун ҳам у қуйидаги саволни беришдан бошқа гап топа олмади:

— Вокзалларни аппарат билан суратга олиш қийин эмасми?

— Бошқа жойларни олишга қараганда осонроқ,— жавоб берди Швейк.— Биринчидан, вокзал ҳаракат қилмай, бир жойда тураверади, иккинчидан, унга: «Чи-ройлик қилиб кулиб туринг», деб айтишнинг ҳожати йўқ.

Мана энди вахмистр ўз рапортига: «Zu dem Bericht № 2172 melde ich...»<sup>1</sup> деган сўзларни илова қилиш имкониётига эга бўлиб қолди. Унинг илҳоми жўш уриб бу иловага қуйидаги гапларни тўқиб ёзди:

«Маҳбусни синчиклаб сўроқ қилганимда, у бошқа гаплар қатори фотоаппарат билан сурат олишга моҳир эканлигини ва вокзаллар суратини олишни яхши кўришини ҳам айтди. Гарчи тинтув вақтида унинг ёнидан фотография аппарати топилмаган бўлса ҳам, аммо гумонимча, бундай аппаратни у бирор жойга беркитиб қўйган бўлса керак ва шубҳа туғдирмаслик учун ўзи билан олиб юрмаётган бўлса керак, агар аппаратим бўлганида бемалол суратга ола берар эдим, деб ўз тили билан иқрор бўлиб айтган гаплари буни исботлаб турибди».

Вахмистр ҳали ҳам ширакайф бўлганлиги сабабли фотоаппарат билан суратга олиш тўғрисида ёзаётган шу маълумотида бўҳтон гапларни тобора кўпайтираверди. У бундай деб ёзди:

---

<sup>1</sup> 2172 рақамли маълумотимга илова қилиб, шуни айтаманки... (немисча).

«Маҳбуснинг терговда айтган гапларидан шу нарса мутлақо равшан бўлиб турибдики, у ёнида фотоаппарат бўлмаганлиги учунгина темир йўл биноларини ва умуман, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган жойларни суратга ололмаган. Агар яшириб қўйган мазкур фотоаппарати қўлида бўлганида эди, ўзининг мапа шу ниятини амалга оширган бўлар эди. Унинг ёнида фотоаппарати бўлмаганлиги туфайлигина ундан ҳеч қандай сурат топилмади».

Вахмистр ўз ёзувидан мамнун бўлиб уни ефрейторга фахрланиб ўқиб берди.

— Чакки ёзилмади,— деди у.— Докладлар қандай тузилишини кўриб қўйинг. Докладда ҳамма нарса бўлиши керак. Тергов унақа оддий нарса эмас, ошнам. Энг муҳими шуки, докладда ҳамма нарсани бошлиқлар ҳанг-манг бўлиб қоладиган қилиб усталик билан ёзиб берилиши керак. Энди уни менинг олдимга олиб келинг. Бу ишни тугатмасак бўлмайди.

Вахмистр гердаиб туриб Швейкка деди:

— Мана энди жаноб ефрейтор сизни Писекдаги округ жандарма бошқармасига олиб боради. Бизга берилган буйруққа биноан, сизни қўлингизни кишанлаб жўнатиш керак эди, лекин мен сизни тузук одам деб ҳисоблаб, кишанламай жўнатмоқчиман. Йўлда ҳам қочиншга уринмаслигингизга аминман.— Швейкнинг афтидан оққўнгилли эканлиги кўриниб турганлигидан вахмистр мамнун бўлса керак, яна илова қилди:— Яхши-ёмон гапирган бўлсам, мендан хафа бўлманг. Жаноб ефрейтор, уни олиб бораверинг, бу маълумотномани ҳам сизга топшираман.

— Яхши қолинг,— деди мулоимлик билан Швейк.— Менга қилган ҳамма яхшиликларингиз учун сизга раҳмат, жаноб вахмистр. Хонаси келиб қолса, сизга албатта хат ёзиб юбораман. Мабодо юртингизга бориб қолсам, уйингизда албатта меҳмон бўламан.

Швейк ефрейтор билан бирга тош кўчага чиқди, уларнинг дўстона суҳбатга берилиб кетаётганлигини кўрган ҳар бир киши бу қалин дўстлар тасодифан бири бири билан учрашиб қолишган бўлса керак, энди улар эҳтимол шаҳардаги бутхонага ибодат қилгани кетишаётгандир, деган фикрга келган бўлар эди.

— Будейовичага олиб борадиган йўл шу қадар машаққатли бўлади, деб сира ўйламаган эдим,— деди

Швейк.— Бу машаққатлар менга Кобилисдаги Хаура қассоб билан бўлган бир ҳодисани эслатади. Бир вақт у Моранида Палацкий\* ҳайкали олдидан чиқиб қолган экан. У, девор бўйлаб бораётирман, деб ўйлаб шу ҳайкал атрофида эрталабгача юраверибди, деворнинг сира охири кўринмас эмиш. Жуда жиғибийрон бўпти. Эрталабгача ниҳоят даражада тинкаси қуриб, «дод!» деб бақарибди, полициячилар бу овозни эшитиб югуриб келишса, улардан, Кобилисдаги уйимга қандай борсам бўлади, чунки беш соатдан бери юрсам ҳам шу девордан нарига ўта олмаяпман, деб сўрабди. Уни ушлаб олиб кетишибди, у бўлса полиция участкасида ҳаммани калтаклабди.

Ефрейтор миқ этмай, «бу гапларнинг ҳаммасини менга ҳикоя қилганингдан нима фойда? Яна Будейовица тўғрисидаги афсонани бошлаб юбордингу», деб ўйлаб кетаверди. Улар ҳовуз ёнидан ўтиб бораётганларида Швейк, сизларнинг районингизда рухсатсиз балиқ овлайдиган балиқчилар кўпми, деб сўради.

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўгринча балиқ овлайдиган кишилар,— деб жавоб берди ефрейтор.— Илгариги вахмистрни сувга чўктириб юборишларига сал қолди. Ҳовуз қоровули қирқилган тиканни уқалаб, уларнинг орқасига отса ҳам лекин фойда бермади, чунки улар орқаларига тунука қоплаб олишганди.

Ефрейтор аста-секин тараққиёт тўғрисида гап бошлади, одамлар ўзгариб кетди, бир-бирини алдайдиган бўлиб қолди, деб нолиган бўлди, сўнгра уруш бутун инсоният учун зўр фароғат келтиради, чунки тузук одамлар билан бир қаторда бу урушда аблаҳ ва муттаҳамларнинг ҳам кўпи отиб ўлдирилади, деган янги назарияни ўртага ташлади. Сўнгра чуқур маъноли қилиб деди:

— Дунёда одам жуда кўпайиб кетди. Ҳаммага ҳам жой торлик қиладиган бўлиб қолди. Одамларнинг сон-саногини йўқ!

Улар карвонсарой олдига етганда ефрейтор деди:

— Бугун қор жуда ёмон бўраяпти. Бир рюмкадан отиб олсак ёмон бўлмас эди, деб ўйлайман. Аммо сизни Писекка олиб бораётганимни бу ерда ҳеч кимга айтманг. Бу — давлат сири.

Шубҳали кишилар тўғрисида ва «шу кишиларни маҳаллий аҳолидан яккалаб қўйиш ҳамда уларни навбатдаги инстанцияга юбораётганда бу нарса аҳоли ора-

сида беҳуда гаплар ва миш-мишлар тарқалишига баҳона бўлмаслигини қаттиқ кузатиб туриш» ҳар бир жандарма бошқармасининг вазифаси эканлиги ҳақида берилган инструкция ефрейторнинг кўзи олдидан липиллаб ўтаётгандек бўлди.

— Узингизнинг кимлигингизни оғзингиздан гуллаб қўйманг,— деди ефрейтор.— Сиз қандай бемаъниликлар қилганингизни бошқалар билишининг ҳожати йўқ. Ваҳима кўтарилишига сабабчи бўлманг. Уруш вақтида ваҳима бўлиши жуда ёмон нарса. Биров бир нимани валдираб қўйдими, шу гап дарров ҳамма ёққа ёйилиб кетади. Тушуняпсизми?

— Мен ваҳима кўтармасликка сўз бераман,— деди Швейк ва ҳақиқатан ҳам шу берган ваъдасига мувофиқ ҳаракат қилди.

Карвонсарой хўжайини улар билан гаплашиб қолганида Швейк сўз қотди:

— Бу укам, бир соатда Писекка етамиз, деяпти.

— Демак, акангиз отпусकाда экан-да?— деб қизиқиб сўради у ефрейтордан.

Ефрейтор пинагини бузмай жавоб берди:

— Бугун унинг отпускази тугайди.

Қовоқхоначи нарига кетганида ефрейтор Швейкка имлаб:

— Уни роса боладик-да! Ҳозир энг муҳими ваҳима кўтармаслик керак, ҳар қалай уруш вақти.

Улар қовоқхонага кириб бораётганларида ефрейтор, бир рюмка ичкиликнинг зарари бўлмайди, деган эди, лекин бу гапни у ошиқча манманликка берилиб айтган экан, чунки қанча рюмка ичилишини ҳисобга олмаган эди. Ун иккинчи рюмка ичилганидан кейин у баланд овоз ва қатъият билан гапириб, округ жандарма бошқармасининг бошлиғи соат учгача овқатланиш билан банд бўлади, у ерга олдинроқ боришнинг фойдаси йўқ, чунки ташқарида қорбўрон бўлиб турибди, деди. Агар биз Писекка кечқурун соат тўртда етиб борсак, деди ефрейтор, шунда ҳам анча олдин борган бўламиз. Соат олтигача йўлга чиқсак бўлади. Қоронғиликда боришга тўғри келади, чунки ҳаво шунақа бўлиб турибди. Олдинроқ борамизми, ёки кечикиброқ борамизми, бунинг ҳеч бир фарқи йўқ — Писек биздан қочиб кетмайди.

— Яхшики иссиқ жойда ўтирибмиз,— деди пирсвардида ефрейтор.— Биз бу ерда печь олдида маза қилиб

Ўтирибмиз, аммо бундай об-ҳавода окопда ўтирганларнинг шўри қуриятти.

Кафель қопланган катта печь уйни яхши иситмоқда эди, ефрейтор ҳам гапга берилиб кетиб, Галициядагилар айтганидек, ширин ва бақувват ҳар хил ичимликлар ичиб ичимизни иситаверсак, сиртдаги иссиқликнинг ҳам таъсири яхшироқ бўлади, деб гап сотаверди. Қовоқхона хўжайинининг саккиз хил ичимлиги бор эди. Ташқарида гувилаётган шамол товушидан завқланиб улар шу ичимликларнинг ҳар хилидан навбатма-навбат ичиб, ҳузур қилаверишди.

Ефрейтор қовоқхоначига нуқул, сиз биздан орқада қоляпсиз, деб балан овоз билан дўқ қилиб қўяр ва ўзи тинмэй ичиб, уни сиз кам ичяпсиз, деб ҳадеб айблар эди. Бу гап тухмат эканлиги кўриниб турарди, чунки оёқда тура олмас даражада маст бўлиб қолган қовоқхоначи картада «железка» ўйнайлик, деб таклиф қилаверди ва ҳатто, ўтган кечаси мен шарқ томондан тўплар овози келаётганини эшитдим, деб даъво қилишга тутинди. Ефрейтор бир кекириб, жавоб берди:

— Бунақа гапларни гапирма! Ваҳима кўтарма! Бу хусусда бизда инструкция бор,— шу гапларни айтиб у инструкция — охирги фармойишларнинг тўплами эканлигини тушунтиришга тутинди.

У гапга берилиб кетиб, махфий циркулярларнинг бир қанчасини айтиб юборганлигини ўзи ҳам сезмай қолди. Аммо қовоқхоначи ҳеч бир гапни тушунмайдиган даражага етиб қолган эди. Унинг бирдан-бир валдираб айтган гапи, инструкциялар билан урушда енгиб бўлмайди, дейишдан иборат бўлди.

Ефрейтор Швейк билан бирга Писек томон йўлга тушмоқчи бўлганида қош қорайиб қолган эди. Бўраб ёғаётган қор икки қадам наридаги нарсани кўришга имкон бермасди. Ефрейтор гўлдираб:

— Тўғри Писекка қараб юр,— деб тинимсиз уқтира борди.

Ефрейтор шу гапни учинчи марта айтганида унинг овози энди тош йўлдан эмас, балки қандайдир пастликдан эшитилмоқда эди, чунки у қорга думалаб кетган эди. Ефрейтор милтигига таяниб, аранг йўлга чиқиб олди. Швейк унинг: «Қор босган тоғдан думалагандай бўлдим», деб хиринглаб кулган овозини эшитди. Орадан бир дақиқа ўтгач, унинг овози яна эшитилмай қол-



ди: у тагин қиямаликдан думалаб кетган эди. Ефрейтор шамолнинг ғувиллашини ҳам босиб кетар даражада бақриб қичқирди:

— Дод, қулаб кетяпман!

Ефрейтор худди меҳнаткаш чумолига ўхшарди: ҳар қадамда тойиб йиқилар, яна тирмашиб, тепага чиқиб олар эди. У бу машқни кетма-кет беш марта такрорлади ва ниҳоят Швейкнинг олдига чиқиб олиб, ғамгинлик билан:

— Сал бўлмаса сизни йўқотиб қўярдим,— деди.

— Ташвишланманг, жаноб ефрейтор,— таскин берди унга Швейк.— Бу ҳолатдан қутулишнинг битта яхши йўли бор: сиз билан биз ўзимизни бир-биримизга боғлаб қўйишимиз керак, шундай қилсак, бир-биримизни йўқотиб қўймаймиз. Қўлга солинадиган кишан ёнингиздами?

Швейкнинг ёнида оқсоқланиб бораётган ефрейтор бу саволга қатъий жавоб берди:

— Ҳар бир жандармнинг ёнида албатта қўл кишани бўлиши керак. Бу бизнинг ризқ-рўзимиз-ку.

— Бўлмаса шу кишан билан бир-биримизни боғлаб қўя қолайлик, деб таклиф қилди Швейк,— шундан бошқа иложимиз йўқ.

Ефрейтор моҳирона ҳаракат қилиб, қўл кишанининг бир ҳалқасини Швейкнинг қўлига, иккинчисини ўзининг қўлига солиб қулфлаб қўйди. Энди улар сиамлик эгизаклар каби бир-бирлари билан туташдилар. Улар қоқилиб-суқилиб кетишаверди, ефрейтор Швейкни тошлар уюмидан судраб борар экан, ағдарилиб тушганида Швейкни ҳам ўзи билан тортиб кетиб йиқита бошлади. Кишанлар уларнинг қўлига ботиб кетди. Ниҳоят, ефрейтор бу алфозда юриб бўлмади, кишандан ўзимизни бўшатишимиз керак, деди. Ефрейтор ўзи билан Швейкни кишандан қутултиришга узоқ уриниб, ҳеч бир иш чиқара олмаганидан кейин, уҳ тортиб:

— Сиз билан биз бир-биримизга умрбод боғланиб қолганга ўхшаймиз,— деди.

— Омин,— деди бу гапга қўшимча қилиб Швейк ва улар яна машаққатли йўлга равона бўлишди.

Ефрейтор жигибийрон бўлиб батамом умидсизликка тушиб қолди. Улар узсиз азоб тортиб, сургала-сургала кечаси Писекка етиб келишди. Жандарма бошқармасининг зинасидан чиқаётган вақтда ефрейторнинг аҳводи танг бўлиб, Швейкка қараб:

— Ишимиз чатоқ, сиз билан биз бир-биримиздан энди сира қутула олмаймиз,— деди.

Дарҳақиқат уларнинг аҳволи чатоқ эди. Навбатчи вахмистр бошқарма бошлиғи ротмистр Кенигга одам юборди. Ротмистр келиши билан биринчи айтган сўзлари шу бўлди:

— Қани, ҳуҳ денглар. Бўлди. Тушундим.

Тажрибакор ротмистр аҳвол қандайлигига тез ва янглишмай баҳо берди:

— Билдим! Ром, контушовка, «чёрт»\*, рябиновка, ореховка, вишневка ва ваниль ароғини ичибсизлар. Жаноб вахмистр,— деди у навбатчига қараб.— Мана бу — жандарм қандай бўлмаслиги кераклигини кўрсатувчи энг яққол мисол. Уларнинг бу қилиғи ҳарбий судда кўрилиши лозим бўлган жиноятдир. Кишан билан ўзини маҳбусга боғлаб қўйиб, ғирт маст бўлиб келибди-я! Ҳайвонсифат бўлиб келганини қаранг! Уларнинг қўлидаги кишанни ечиб олинг!

Ефрейтор бўш турган чап қўлини кўтариб ҳарбийларча салом берди.

— Яна нима демоқчисиз?— сўради ундан ротмистр.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб вахмистр, маълумотнома олиб келганман.

— Сизнинг тўғрингизда судга маълумотнома юборилади,— қисқа жавоб қилди ротмистр.— Жаноб вахмистр, буларнинг икковини қамаб қўйинг! Эртага эрталаб уларни менинг олдимга терговга олиб келасиз, Путиждан келган маълумотномани эса кўриб чиқиб, менинг уйимга юборинг.

Писек ротмистри Кениг типик чиновник эди: ўз қарамоғидаги кишиларга қаттиққўл бўлиб, бюрократлик бутун вужудига сингиб кетган бир киши эди.

Унинг қарамоғидаги жандарма бўлимларида ҳеч ким ҳеч қачон: «Худога шукур, кулфатдан қутулиб қолдик!» деб айта олган эмас. Ротмистр Кениг қўл қўйган ҳар бир янги мактуб билан кулфат қайтиб келаварарди. Эрталабдан кечгача ротмистр ҳайфсанлар, эслатмалар ва огоҳлаштиришлар ёзиш ва буларни бутун округга тарқатиш билан банд бўларди.

Уруш бошланган кунданоқ Писек округидаги жандарма бўлимларининг бошига оғир кулфат тушди. Ҳамманинг таъби тирриқ эди. Бу кулфатга учрамаган жаа-

дарм қолмади. Вахмистрлар, ефрейторлар, оддий жан-дармлар ёки маҳкама хизматчилари бюрократ ротмистр томонидан азоблана бошланди. Ҳар қандай арзимас нарса учун интизом жазоси бериларди.

Ротмистр Кениг жандарма бўлимларига тафтишга борганида ҳамиша, агар биз галаба қозонмоқчи бўлсак, берилган буйруқларни қулоқ қоқмай бажаришимиз керак: ҳамиша «а» «а» бўлиши, «б» «б» бўлиши лозим дерди.

У ҳамма жойда ўз атрофини фитначилар ва хиёнатчилар ўраб олган, деб гумон қиларди. Оқругдаги ҳар бир жандармнинг уруш вақти туфайли қилган гуноҳи бор ва ҳар бир жандарм мана шундай кескин вазиятда ўз хизматида бирор нуқсонга йўл қўйган, деган фикрни миясига жойлаб олган эди.

Юқоридан, Ички ишлар министрлигидан эса, унинг ўзига тинмай буйруқлар келиб турар, ҳарбий министрликнинг маълумотларига қараганда, Писек округидан армияга чақирилган солдатлар душман томонига қочиб ўтпти, деб унга таъна қилиниб турар эди.

Кенигдан, аҳолининг давлатга хайрихоҳ бўлишини сезгирик билан кузатиб туринг, деб тинмай талаб қилишар эди. Натижада даҳшатли воқеалар рўй бериб турарди. Армияга чақирилганларнинг хотинлари ўз эрларини фронтга кузатиб қўяётган вақтларида шу солдатлар, биз император аъзамнинг шуҳрати учун жонимизни қурбон қилмаймиз, деб ўзларининг хотинларига ваъда беришларини Кениг олдиндан сезиб оларди.

Қора сариқ уфқларни революция булутлари қоплай бошлади. Сербияда ва Карпат тоғи районларида бутун-бутун батальондан иборат солдатлар душман томонга қочиб ўтмоқда эди. Йигирма саккизинчи ва ўн биринчи полклар таслим бўлди. Ун биринчи полк Писек округидан аскарликка олинган йигитлардан иборат эди. Мана шу революция арафасидаги даҳшатли кунларда Воднянидан аскарликка олинган йигитлар ясама қора гуллар кўтариб келишди. Прагадан олинган солдатлар Писек вокзалидан ўтиб бораётганида Писекдаги хонимлар юк вагонларига ортилган шу солдатларга туҳфа қилиб берган сигаретлар ва шоколадларни ўша хонимларнинг ўзларига улоқтириб ташлайвердилар.

Марш батальони Писекдан ўтиб бораётганида шу ерлик яҳудийлардан бир неча киши солдатларни табрик-

ламоқчи бўлиб, «Heil! Nieder mit den Serben!»<sup>1</sup> дейишган эди. Солдатлар ўша яҳудийларнинг шундай адабин<sup>2</sup> беришдики, кейин бу яҳудийлар бир ҳафтагача кўчага чиқа олмайдиган бўлиб қолди.

Австриянинг: «Худо, подшомизни паноҳингда сақла!» деган гимнини черковлардаги органда одатдагидек ижро этиш эски дабдаба ва ялпи мунофиқликнинг намунаси бўлиб қолганлигини очиқ кўрсатиб турган шундай воқеалар бўлаётган бир вақтда Путимдаги жандарма бўлимининг жавоблари сингари бошқа жандарма бўлимларидан келаётган жавобларда ҳам, ҳамма ёқда тартиб барқарор, урушга қарши ҳеч қандай ташвиқот юритилаётгани йўқ, аҳолининг кайфияти I а, аҳолининг хурсандчилиги эса I а—в деб айтилмоқда эди.

Ротмистр жандарма бошқармаларини айланиб юриб нуқул сўкинardi.

— Булар жандармлар эмас, бефаҳм миршаблар бўлиб қолишган! Сизлар ҳушёрликни ошириш ўрнига, аста-секин ҳайвонларга айланиб кетяпсиз.

У зоология бобида шундай кашфиёт қилгач, бундай деди: Уйингизда печнинг устида ағанаб ётиб: Mit ganssem Krieg Kann man uns Arsch lecken!<sup>2</sup> деб ўйлаётганингни биламан.

Сўнгра у бечора жандармларнинг вазифаларини бирма-бир санаб берар ва ҳозирги сиёсий аҳвол тўғрисида, ҳамма жойда тартиб ўрнатмоқ учун интизомни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида ваъзхонлик қилишга тутинарди. Австрия монархиясини кучайтириш жандармларнинг вазифаси эканлиги ва уларнинг ишини такомиллаштириш учун нималар қилиш лозимлигини ротмистр дадил ва ёрқин тасвирлаб берганидан сўнг дўқ қилишга ўтар, интизом жазолари берар, айрим жандармларни бошқа ишларга кўчираар ва сўкиб ҳақорат қилар эди.

Ротмистр ўзини давлат манфаатларини астойдил ҳимоя қилаётган киши деб, нималариндир қутқариб қолаётган қаҳрамон деб билар, ўзига қарашли жандарма бўлимларидаги жандармларнинг ҳаммаси дангасалар, аблахлар, худбинлар, пасткашлар, муттаҳамлардан иборат, улар ароқ, пиво, вино ичишдан бошқани билмайди, ичкиликка пули бўлмаганлиги сабабли нуқул порахўр-

<sup>1</sup> Хайл! Йўқолсин серблар! (немисча).

<sup>2</sup> Сизларнинг шу урушингизга қоққимни қўйдим! (немисча).

лик билан шуғулланади, Австрияга зимдан бўлса ҳам, аммо тинмай путур етказмоқда, деган фикрни кўнглияга қатъий тугиб олган эди.

Округ жандарма бошқармасида у ўзининг вахмистр-ридан бошқа ҳеч кимга ишонмасди, лекин шу вахмистр ҳам ҳамини қовоқхонада ичиб ўтирганида: «Аҳмоқ чо-лимизни бугун ҳам яна картада ютдим», деб мақтаниб қўяр эди.

\* \* \*

Ротмистр Путим жандарма вахмистрининг Швейк тўғрисидаги маълумотномасини ўқиб чиқаётган пайтида унинг кўзига вахмистр Матейка кўрингандек бўлди. Рот-мистр уни ва у юборган маълумотномани тинмай сўк-моқда эди, чунки пастда қовоқхонада унинг улфатлари «шнопс» — карта ўйинини ўйнамоқ учун муштоқ бўлиб кутиб туришганди.

— Мен умримда Противиндаги вахмистрдан кўра ёмонроқ аблаҳни учратмаганман, яқинда буни сизга айт-ган эдим, Матейка, — деди ротмистр. — Аммо мана бу маълумотномага қараганда, Путим вахмистри ундан ҳам ошиб тушибди. Эсингизда бўлса керак, ўша итвачча ичкиликбоз сфрейтор олиб келган солдат асло жосус эмас. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, у бориб турган расмана дезертирнинг ўзи. Вахмистр ўзининг маълумот-номасида сира ақлга сиғмайдиган бемаъни гапларни ёзибди, у муттаҳам папа мулозимига ўхшаб ўлгудай ичганлиги бир марта назар ташлаган ёш болага ҳам аён бўлиб қолади. Ўша солдатни дарров менинг олдимга олиб келинг, — деб буюрди у Путимдан келган маълумотномани кўздан кечириб туриб. — Бунақа аҳмоқона сўзлар уюмини умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Яна буни қарангки, у ўша шубҳали махлуқни ўзининг эшаксифат ефрейтори соқчилигида менга юборибди. Улар менинг кимлигимни яхши билишмас экан! Мен қаҳрим нималигини кўрсата оламан. Улар мени лақил-латаман деб ўйлаб юришибди, жонини олиб қўрқитиб, иштонига уч марта ўтказиб юборганимдан кейингина улар менинг кимлигимни билиб олишади!

Ротмистр, жандармлар буйруқларга эътибор бериш-маяпти, ҳар бир вахмистр ҳамма нарсани ҳазилга ай-лантириб юбораётганлиги ва ишни чалкаштириб юбо-

ришдан бошқани билмаганлиги улар ёзган маълумот-  
номадан ҳам кўриниб турибди, деб вайсай бошлади.

Сизларнинг районингизда разведкачилар пайдо бў-  
либ қолиши ҳам мумкин, деб юқоридагилар вахмистр-  
ларнинг эътиборини мана шу нарсага қаратсалар, дарров  
жандарма вахмистрлари ҳаммани разведкачи деб гумон  
қилиб, қўлга ола беришади. Агар уруш чўзилиб кетади-  
ган бўлса, жандарма бўлимларининг ҳаммаси жиннихо-  
нага айланиб кетади. Вахмистр эртагаёқ Писекка  
келсин деб маҳкама Путимга телеграмма юборсин. Вах-  
мистр ўзининг маълумотномасида «жуда катта аҳамият-  
га эга воқеа» деб ёзибди, мен унга қанақа катта воқеа  
эканлигини кўрсатиб қўяман.

— Сиз дезертир экансиз, қайси полкдан қочгансиз?—  
ротмистр Швейкни шу савол билан кутиб олди.

— Ҳеч қандай полкдан қочганим йўқ.

Ротмистр Швейкнинг афтига тикилиб қараган эди,  
унинг қиёфасида тўла бепарволик аломатини кўрди.

— Бу ҳарбий кийимларни қаердан топдингиз?— сў-  
ради ротмистр.

Бу саволга Швейк осойишта табассум билан жавоб  
берди:

— Ҳар бир солдат ҳарбий хизматга кирганида унга  
ҳарбий кийим берилади. Мен Тўқсон биринчи полкда  
хизмат қиламан, мен асло шу полкдан қочганим йўқ,  
балки бунинг аксини қилдим.

Швейк «аксини қилдим» деган сўзни шундай маъно-  
дор қилиб айтдики, ротмистр гўё ачингандек пичинг  
қилиб сўради:

— «Аксини қилдим» деб нимани айтмоқчисиз?

— Бу жуда жўн гап,— тушунтириб берди Швейк.—  
Мен ўз полкимга бораётирман, уни қидирипман, полкдан  
қочаётганим йўқ, балки полкка кетяпман. Полкимга  
қандай қилиб тезроқ етиб олсам деб ўйлайман, холос.  
Чамамда, Чешские Будейовицадан узоқлашиб кетаёт-  
ганга ўхшайман, бу нарса жуда жигимга тегяпти. Ўзин-  
гиз ўйлаб қаранг, бутун полк мени кутиб турибди-ку!  
Путимдаги вахмистр Будейовица жанубда эканлигини  
харитада менга кўрсатган эди, ўзи бўлса мени шимолга  
жўнатди.

Ротмистр «у одамларни шимолга жўнатиш у ёқда  
турсин, ҳатто бундан кўра ҳам ғалати қилиқлар қиляп-  
ти» дегандек бўлиб қўл силтаб қўя қолди.

— Демак, сиз полкимни топа олмай юрибман, денг?— деди у.— Сиз уни қидирдингизми?

Швейк унга бутун аҳволни тушунтириб берди. У Будейовицага бормоқчи бўлиб Табордан ўтганлигини ва ўз йўлида учраган: Милевско-Квстов-Враж-Мальчин-Чиждова-Седлец-Горождёвице-Радомишль-Путим-Штекло-Страконице-Волинь-Дуб-Водняни-Противин ва яна Путим деган жойлардан ўтганлигини айтиб берди. У ўзининг тақдир билан қандай курашганлигини зўр иштиёқ билан тасвирлаб берди, ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамай, Будейовицадаги ўзининг Тўқсон биринчи полкига боришга бор кучи билан интилганлигини, аммо бу уринишлардан ҳеч бир натижа чиқмаганлигини ротмистрга бирма-бир айтиб ўтди.

Швейк жон-жаҳди билан гапирaverди, ротмистр эса, шоввоз солдат Швейк ўз полкини қидириб юриб тушиб қолган тилсимот доирани қоғозга беихтиёр қалам билан чизиб, унинг гапини тинглайверди.

Швейк ўзининг бунчалик узоқ тутилиб қолганлигига ва полкка ўз вақтида етиб бора олмаётганлигига гоёя хафа бўлганлигини ҳикоя қилар экан, ротмистр бу гапларни ҳузур қилиб тинглаб, сўнгра деди:

— Жуда кўп машаққат тортибсиз. Путим атрофида айланиб юраверибсизу, аммо уни тополмабсиз, бу, ҳеч шубҳасиз, жуда ғалати иш бўлибди!

— Агар ўша лаънати Путимда мазкур жаноб вахмистрга учрамаганимда ишим албатта ўнгидан келарди,— деди Швейк.— У мендан на номимни, на полкимнинг номерини сўради, унга ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кўринди. Агар у мени Будейовицага юборганида эди, унга у ердагилар, мен ўз полкини қидириб юрган Швейкми ёки бошқа бир шубҳали шахсми эканлигимни айтиб беришган бўлар эди. Агар шундай қилинганида мен бугун ўз полкимда иккинчи кун хизмат қилиб, ўзининг ҳарбий вазифаларимни бажариб юрган бўлар эдим.

— Англашилмовчилик бўлиб қолганлигини сиз нега Путимда айтмадингиз?

— Буни айтишнинг фойдаси йўқлиги менга аён бўлиб қолди. Бунақа воқеа юз бериб туради. Винограддаги қовоқхоначи Рампа чол, мендан биров қарз сўраса қулоғим том битиб қолади, деяр эди.

Ротмистр бир оз ўйлаб, ўзининг полкига боришга интилаётган ва шу мақсадда оламини айланиб чиқди, деса

ҳам бўладиган бу киши ашаддий савдойи экан, деган хулосага келди. У маҳкама услубининг бутун гўзаллигини ифодалаб, машинисткага қуйидаги гапларни айтиб ёздирди:

ЧЕШСКИЕ БУДЕЙОВИЦАДАГИ ИМПЕРАТОР ҚИРОЛ ҲАЗРАТИ  
ОЛИЙЛАРИ ТУҚСОН ВИРИНЧИ ПОЛКИНИНГ ШТАБИГА

Ўзининг айтишига қараганда, мазкур полкнинг оддий солдати бўлиб хизмат қилаётган ва терговда берган маълумотларига кўра, Писек округининг Путимдаги жандармлари томонидан дезертирлик қилди, деб шубҳаланиб тутиб олинган Йозеф Швейк ушбу қоғозга илова қилиниб, сизнинг ҳузурингизга юборилди. Мазкур Йозеф Швейк ўзининг ўшал полкка бораётганлигини айтиб берди. Юборилаётган ушбу одам бўйи ўртачадан пастроқ, юз тузилиши одатдагича, бурни ҳам одатдагича, кўзлари кўк, алоҳида белгилари бўлмаган кишидир. Шунга илова қилиниб, сизга мазкурнинг овқатланиши учун қилинган харажатлар ҳисоби ҳам юборилдики, уни қабул қилиб олганлигингизни тасдиқловчи қоғоз юбориш билан бирга ўшал харажатларнинг пулини Ички ишлар министрлиги ҳисобига ўтказишингизни илтимос қилурмиз. С. I рақамли иловада мазкур шахс қўлга олинганида унинг билан бирга бўлган подшолик мулкларнинг рўйхати ҳам қўшиб юборилди. Ўшал мулкларни қабул қилиб олганлигингизни тасдиқлаб бизга қоғоз юборурсиз.

Писекдан Будейовицагача бўлган саёҳат вақти Швейк учун тез ва сезилмай ўтиб кетди. Бу сафар унга ёш бир янги жандарм ҳамроҳлик қилди. Бу жандарм Швейкдан сира кўзини узмай бирга юраверди ва у, Швейк қочиб кетиб қолмасин, деб хавотирланиб ўзини қаёққа қўйишни билмасди. «Башарти катта ёки кичик эҳтиёж билан ҳожатхонага боришим лозим бўлиб қолса нима қиламан?» деган даҳшатли масала жандармни ҳаминша ташвишга солиб турди.

Башарти шундай бўлиб қолса, Швейкни ўзим билан бирга олиб кираман, деган қарорга келиб, ниҳоят, бу масалани жандарм ўзича ҳал қилди.

Вокзалдан то Будейовицадаги Маринский казармасига боргунча жандарм бутун йўл бўйи Швейкдан кўз узмади ва ҳар сафар кўчанинг бурчагига ёки муюлишга яқинлашаётган пайтда, соқчига фалонча жанговар ўқ бериб қўйилади, деган гапни суҳбат орасига қистириб қўярди. Бунга жавобан Швейк жандармларнинг бирортаси кўчанинг ўртасида ўқ узмаслигига имоним ко-



мил, чунки ўқ узса бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкин, деб қўярди.

Жандарм у билан баҳслашиб йўлда давом эта берди, шу тариқа улар казармага бориб етганларини сезмай қолдилар.

Бугун икки кундирки казармада поручик Лукаш навбатчилик қилмоқда эди. У маҳкамада ҳеч бир нарсадан хабарсиз стол ёнида ўтирган пайтда Швейкни ва у билан олиб келинган ҳужжатларни поручикка топширишди.

Швейк ҳарбийларча тантанавор тик қотиб:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, яна ҳузурингизга келдим,— деди.

Буни прапоршчик Котятко кўриб турган эди. Кейин унинг ҳикоя қилиб беришига қараганда, поручик Лукаш Швейкнинг овозини эшитиш билан ўрнидан сапчиб турибди, бошини ушлаганча Котятконинг қўлига ағдарилиб тушибди. Швейк ҳамон қаққайганча тураверибди, поручик Лукаш ҳушига келтирилиши билан унга ҳарбийчасига тик қотиб ўзининг саломини такрорлабди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, мен яна ҳузурингизга келдим.

Докадек оқариб кетган поручик Лукаш қалтироқ қўллари билан жандарм келтирган қоғозларни қабул қилиб олибди, уларга имзо чекибди, одамларга, ташқари чиқиб туринглар, деб буюрибди ва жандармга, ҳамма нарса жойида дебди-ю, ўзи Швейк билан қолиб маҳкаманинг эшигини беркитиб олибди.

Швейкнинг Будейовицага қилган анабасиси — машақатли сафари мана шундай тугади. Агар Швейкни бемалол юриш имконидан маҳрум қилиб қўймаганларида, унинг ўзи Будейовицага етиб келган бўларди, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Швейкни хизмат жойига элтиб қўйганликларини ҳукумат муассасалари ўзларининг катта хизматлари деб ҳисобламоқчи бўлсалар, улар бу билан хато қиладилар. Швейк шу қадар серғайрат ва урушишга иштиёқи шу қадар катта эдики, ҳукумат маъмурларининг аралашуви унинг йўлига тўғаноқ бўлди, холос.

\* \* \*

Швейк билан поручик Лукаш бир-бирларига тикилиб турардилар.

Поручикнинг кўзларида ғазаб, таҳдид ва умидсизлик ўтлари чақнамоқда эди. Швейк эса, ўзи йўқотиб қўйган, кейин яна топиб олган маҳбубага қарагандек мулойимлик ва хурсандлик билан поручикка термилиб турарди.

Маҳкамада черковдагидек жимжит эди. Коридорда кимдир у ёқ-бу ёққа юриб турганлиги эшитиларди, холос. Тумовлиги сабабли казармада қолган қандайдир кўнгилли бир аскар: «Подшоҳи аъзамнинг оила аъзолари қалъага келганларида уларни қандай кутиб олмоқ лозим» деган қондани пингиллаб ёдламоқда эди (унинг тумовлиги овозидан сезилиб турарди). Кўнгилли аскарнинг дона-дона қилиб айтаётган сўзлари эшитилиб турарди: «Sobald die höchste Herrschaft in der Nähe der Festung anlangt, ist das Geschütz auf allen Bastionen und Werken abzufeuern, der Platzmajor empfängt dieselbe mit dem Degen in der Hand zu Pferde, und reitet sodann vor»<sup>1</sup>.

— Овозингизни ўчирсангиз-чи!— қичқирди поручик коридорга қараб.— Йўқолинг бу ердан. Иситмангиз ошиб кетган бўлса, бориб ўрнингизга ётинг.

Кўнгилли аскар нарига кетаётганлиги ва коридорнинг охирида унинг пингиллаган овози эшитилиб турарди: «In dem Augenblicke, als der Kommandant salutiert, ist das Abteuern des Geschützes zu wiederholen, welches bei dem Absteigen der höchsten Herrschaft zum drittenmale zu geschehen hat»<sup>2</sup>.

Поручик билан Швейк эса, бир-бирларига анча вақт индамай тикилиб тургач, ниҳоят, Лукаш жуда заҳархандалик билан гап бошлади:

— Чешские Будейовицага хуш келибсиз, Швейк! Дорга осилиши пешанасига ёзилган киши асло сувга ботиб ўлмайди. Сизни қамоққа олиш учун ордер ёзиб қўйилган эди, эртагаёқ сиз полк рапортига борасиз. Сизни деб мен ўзимни азобга солмайман. Сиз билан шунча тортган азобим ҳам етар. Тоқатим тоқ бўлди. Шундай бир бефаҳм, савдойи билан шу қадар кўп вақт бирга

---

<sup>1</sup> Улуғ зотлар қалъа рўпарасида кўринишлари замон ҳамма қалъа ва истеҳкомлардаги жамини тўнлар отилиб, салют берилади. Қалъа комендантга от миниб, найзани яланғочлаб уларга пешвоз чиқади (немисча).

<sup>2</sup> Улуғ зотларга комендант найза кўтариб эҳтиром кўрсатаётган пайтда иккинчи марта салют берилади, улуғ зотлар қалъа территориясига қадам қўйганларида салют учинчи марта такрорланади. (немисча).

яшаганлигимни ўйласам...— Поручик маҳкамада қадам ташлаб юра бошлади.— Йўқ, бунни ўйласам жоним ҳалқумимга келади! Шу вақтгача сизни отиб ташламаганимга ўзим ҳам ҳайронман. Сизни отиб ташласам мени нима қилишарди? Ҳеч нима. Мени оқлаб юборишарди, тушуняпсизми?

— Худди шундай, жаноб поручик, мутлақо тушуняпман.

— Аҳмоқона ҳазилингни йиғиштириб қўйинг, акс ҳолда, ҳақиқатан ҳам бирор ёмонлик қилиб қўйишим мумкин! Адабингни бериб қўядиган пайт келди. Аҳмоқликни шу даражага етказдингизки, бу ҳол сизни ҳалокатга олиб келди.— Поручик Лукаш қўлларини ишқаб қўйди.— Энди умидингни узавринг!

У стол ёнига қайтиб келиб қоғозга бир неча сатр ёзди, навбатчини чақириб, унга Швейкни зиндонбоши олдига олиб боришни ва хатни ҳам зиндонбошига топширишни буюрди.

Швейкни ҳовлига олиб чиқиб кетишди, поручик эса, «Regimentsarrest»<sup>1</sup> деган сўз ёзувли ҳора сариқ тахтача ёпиштирилган эшик очилганлигини, Швейк ичкарига кириши билан мазкур эшик ёпилганлигини ва зиндонбоши бир минутдан сўнг яқка ўзи у ердан чиқиб келганлигини кўриб хурсандлиги ичига сиғмай кетди.

«Худога шукур,— деб ўйлади поручик.— Ахири уни бу ерга тиқиб қўйишди!»

Мариинский казармасидаги қоронғи турмада Швейкни похол тиқилган тўшакда ёнбошлаб ётган бақалоқ кўнгилли аскар хурсандлик билан кутиб олди. Бу бақалоқ аскар икки кундан бери қамоқда зерикиб ўтирган эди. Швейкнинг сизни нега қамаб қўйишди, деган саволига кўнгилли аскар, арзимаган нарсага қамалиб ётибман, деб жавоб берди. Кечаси казарма олдидаги майдонда у маст ҳолда бир тўпчи поручикнинг бўйнига мушт туширибди, аслини олганда мушт туширмабди-ю, фақат бошидаги фуражкани учириб юборибди, холос. Воқеа бундай бўлган экан: тўпчи поручик кечаси майдоннинг чеккасида туриб, бир фоҳишани кутаётган бўлса керак. Поручикка орқасини ўгириб турган кўнгилли аскар уни ўзининг таниш ошнаси, кўнгилли аскар Франтишек Матерна деб ўйлабди.

<sup>1</sup> Полк гауптвахтаси (немисча).

— Худди ўша ориқ ошнамнинг ўзгинаси деса бўлади,— деб ҳикоя қилиб берди у Швейкка.— Мен уни ўзимнинг ошнам деб ўйлаб, секингина орқасидан бордим, фуражканини уриб туширдим, «Қалайсан, Франта!» дедим. У аблаҳ бўлса, чириллатиб ҳуштак чала бошлади. Шу ондаёқ патруль етиб келиб, мени олиб кетди. Ўша пайтда эҳтимол мен,— деб давом қилди кўнгилли аскар,— унинг гарданига бир-икки мушт туширгандирман, лекин менимча буни гуноҳ деб бўлмайди, чунки адашиб шундай қилганлигим кўриниб турибди. Мен «Қалайсан, Франта?» деганимга унинг ўзи ҳам иқроор, унинг номи эса Антон экан. Бунинг учун менга ҳеч нима бўлмайди, аммо госпиталдан қочиб чиққанам очилиб қолса, «беморлар дафтари» билан қилиб юрган ишим сезилиб қолса, унда ишим чатоқ бўлиши турган гап.

Мени армияга чақиришлари билан,— деб давом қилди кўнгилли аскар,— бу ерда, Будейовицада дарров битта уйни ижарага олдим. Шу жойда бод касалига дучор бўлишга уриндим. Сурункасига уч марта ичиб, сўнгра шаҳар ташқарисига чиқиб кетдим, шаррос ёмғир ёғиб турган пайтда этигимни ечиб, ариққа ётиб олдим. Аммо менга ҳеч бало бўлмади. Кейин қишда Мальшега бориб, кечаси бир ҳафта чўмилдим, аммо бунинг натижаси бутунлай бошқача бўлди: шундай чиниқиб кетдимки, оғайни, кейин ўз ҳовлимда кечаси билан қор устида ухлайдиган бўлиб қолдим. Уйимдагилар эрталаб мени уйғотганларида худдинамат этик кийиб ётган кишидек оёғим иссиқ бўлиб турар эди. Лоақал ангина бўлсам-чи! Балоям ургани йўқ! Ангина у ёқда турсин, ҳатто арзимайдиган сўзакни ҳам юқтира олмадим! Худонинг ҳар куни «Порт-Артур»га бориб турдим, у ерда баъзи ошналарим ўзларининг уруғ безларини яллиғлантриб олишди, уларни операция ҳам қилишди, аммо менга ҳеч қандай касал юқмайдиган бўлиб қолди. Сира ишим ўнгидан келмаяпти, оғайни! Ниҳоят мен «Гулзор» қовоқхонасида Глубокоедан келган бир инвалид билан танишиб қолдим, у менга, якшанба куни уйимга келинг, эртаси кунёқ оёғингизни челакек шишириб юборишга кафилман, деди. Унинг уйида терининг остига дори юбориш учун керак бўладиган шприц билан нина бор экан. Ҳақиқатан ҳам мен Глубокоедан аранг уйимга етиб келдим. Тилла одам экан, сўзининг устидан чиқди! Ниҳоят, мақсадимга етиб бод бўлиб қолдим. Дарров мени

госпиталга юборишди — ишим юришиб кетди! Сўнгра яна бир марта бахтим келди. Будейовицадаги госпиталга менинг қариндошим доктор Масакни Жижковдан кўчириб олиб келишди. Уша қариндошим туфайли госпиталда узоқ ётдим. Бора-бора мени ҳарбий хизматдан бўшатиб ҳам юборишар эди, аммо ўзим ишни бузиб қўйдим. Бунга «Krankenbuch»<sup>1</sup> сабаб бўлди. Мен га-лати бир ҳазилни ўйлаб чиқардим: контораларда ишлатиладиган катта бир дафтарни топиб олиб, унга ёпиштирилган қоғозга «Krankenbuch des 91 Reg» деб ёзиб қўйдим, графаларни ва бошқа шунинг сингариларни чизиб, тахт қилдим. Хуллас, қондасини келтирдим. Уша дафтарга уйдирма номларни, шу номли кишилар қанақа касал эканлигини, уларнинг температурасини ёзиб қўйдим. Ҳар кун врач бизни кўриб чиқиб кетганидан кейин мен гердаиб ўша дафтарни қўлтиқлаб, шаҳарга равона бўлардим. Госпиталь дарвозаси олдида ҳаминша лашкар йигитчалар навбатчилик қилар эди, бинобарин, улардан кўнглим тўқ эди: дафтарни кўрсатишим билан улар честь бериб, мени индамай чиқариб юборишар эди. Мен солиқ бошқармасидаги ўзимга таниш бўлган бир амалдорнинг уйига бориб, унинг оддий кийимларини кийиб, қовоқхонага боришни одат қилиб олдим. У ерда улфатларим билан ҳар хил хоинона гапларни гаплашиб ўтирардик. Тез орада мен шу қадар ҳаддан ошиб кетдимки, ҳатто устимдаги ҳарбий кийимни ҳам ечмай юрадиган, тўппа-тўғри шаҳардан ўтиб, қовоқхоналарга кираверадиган бўлиб қолдим. Тонготар пайтдагина госпиталга, ўзимнинг ўрнимга қайтиб келардим, мабодо кечаси мени патруль тўхтатиб қолса, мен унга Тўқсон биринчи полкнинг «Krankenbuch» ини кўрсатар эдим, холос. Шу дафтарни кўрганидан кейин мендан ҳеч нимани сўрамай қўйиб юбораверар эди. Госпиталь дарвозасида ҳам яна чурқ этмай ўша дафтарни кўрсатиб ўтиб кетаверардим ва эсон-омон ўз ўрнимга бориб ётардим. Шу қадар ҳаддан ошиб кетдимки, оғайни, чамамда менга ҳеч ким ҳеч нима қилолмаса керак, деб ўйладим. Ниҳоят бир кун кечаси шаҳар майдонида бир хато қилиб қўйдим. Шу хато менга дарахтлар осмонга етар даражада ўсавермаслигини яққол кўрсатди, оғайни. Қимки кибри ошса албатта забун бўлади. Шуҳратнинг, ўзи

<sup>1</sup> Беморлар дафтари (немисча).

нима? Бамисоли бир тутун. Ҳатто Икар ҳам қанотларни куйдириб қўйган-ку. Одам девсифат бўлишга уринадю, ҳақиқатда ўзи чумчуқдан ҳам увоқ. Мана шунақа ишларни қилиб юрганмиз, оғайни! Мен ўзимга хулоса чиқариб, бундан буён шундай қилишим керак: тасодифий ҳолларга ишониш ярамайди, ҳар кун икки марта, эрталаб ва кечқурун ўзимни тумшугимга муштлаб, эҳтиёт бўлишнинг ҳеч қачон зарари йўқ, қанча эҳтиёт бўлсанг шунча яхши, деб такрорлашга одатланишим керак. Айш-ишрат ва базмлардан кейин ҳамиша маънавий ланжлик бошланади. Бу, оғайни, табиатнинг қонуни. Ҳайлаб қарасам, бутун ишни ўзим бузиб қўйибман! Шундай қилмаганимда ҳозир мен *felddienstunfähig*<sup>1</sup> бўлиб юрардим. Қўллаб-қувватлайдиган одамларим бор эди! Ҳарбий қисмларни тўлдирувчи штаб маҳкама-сида бирор ғалати хизматга жойлашти олган бўлардим... Лекин эҳтиётсизлигим бошимга етди.

Кўнгилли аскар бу тавба-тазарруни қуйидаги тағна-нали сўзлар билан тамомлади:

— Карфаген ҳам таслим бўлган-ку, Ниневиядан фақат вайроналар қолган холос, азиз дўстим. Лекин ҳеч қачон руҳинг тушмасин! Агар мени фронтга юборишса, мени лоақал битта ҳам ўқ узади, деб ўйлаб хомтама бўлишмасин, *Regimentsraport!*<sup>2</sup> Мактабдан чиқариб юборишади! Яшасин ҳазрати олий император ва қирол кретинизми. Мактабда қийналиб ўқиб ва имтиҳон бериб бўлман! Кадет, юнкер, подпоручик, поручик... Ҳаммасига тупурдим. *Offizierssohule! Behandlung jener Schüler derselben, welche einen Lahrgang repetieren müssen!*<sup>3</sup> Бутун армия фалаж бўлиб ётибди! Милтиқни қайси елкада кўтариб юришади: чап елкадами, ёки ўнг елкадами? Капралнинг поғонида нечта юлдузча бор? *Evidenzhaltung Militärreservemänner! Himmelherrgott!*<sup>4</sup> Чекишга тамаки қолмади, ўртоқ! Шифтга тупуришни сизга ўргатиб қўяйми? Мана, қаранг, бундай қилинади. Тупуришдан олдин сиз бирон нимани ўйласангиз, шу ўйлаганингиз албатта рўёбга чиқади. Пивони хуш кўрасиз-

<sup>1</sup> Ҳарбий сафда хизмат қилишга яроқсиз (*немисча*).

<sup>2</sup> Полк рапорти! (*немисча*).

<sup>3</sup> Ҳарбий мактаб! Иккинчи йилга қолдирилган тарбияланувчилар билан машғулотлар ўтказиш (*немисча*).

<sup>4</sup> Запасдаги шахсий составни ҳисобга олиш! Жонга тегди! (*немисча*).

ми? Мен сизга жуда яхши сувни тавсия қила оламан, ана у ерда, қумғонда турибди. Агар лаззатли таомга ишқибоз бўлсангиз, «мешчаплар гурунги»\*га боришни тавсия қиламан. Бундан ташқари, зериккан пайтларингизда шеър ёзиш билан шуғуллансангиз ҳам чакки бўлмайди. Мен бу ерда бутун бир дoston яратдим:

Ухлаб ётар ҳазрат уйда,  
Етиб келгунча душман.  
Уйғонади ҳазрат шунда  
Енгилроқ бўлиб қушдан.  
Ев тўпларини йўлига у  
Қуриб ташлар тўсиқлар,  
Ишга тушар курсилару,  
Ишга тушар ёстиқлар.  
Сўнг бақириб ҳарсиллар  
«Ев ўтолмас бир карра,  
Императорга урра!»

— Мана кўрдингизми, ўртоқ,— давом қилди бақалоқ,— кўнгилли аскар сиз бўлсангиз, эъзозли монархия-мизга халқ орасида илгаригидек иззат-ҳурмат қолмади, деган гапларни айтиб юрибсиз. Ҳатто чекишга ҳам тамаки топилмаётган ва полк рапортида жазоланиши муқаррар бўлган маҳбус тожга садоқатли бўлишнинг энг гўзал намунаси эканлигини ҳам орқасидан, ҳам миясидан калтакланаётган яхлит ва бўлинмас ватан шаънига қасидалар ёзаётганлигини кўриб турибмиз. Уни озодликдан маҳрум қилган бўлсалар ҳам, аммо императорга чексиз садоқат сўзлари оғзидан тушмайди: *Moriturus te salutant, caesar!* Улимга бораётганлар сени табриклаётирлар, подшоҳим! Аммо зиндонбоши бир чақага арзимайди. Шунақа бемаъни одамни бизга хизматкор қилиб қўйишибди-я! Тунови кун мен унга сигарета олиб келишни илтимос қилиб беш крон берган эдим, у итвачча бўлса бугун эрталаб менга, бу ерда чекиш мумкин эмас, сиз чекадиган бўлсангиз, менинг бошим балога қолади, деди. Сиздан олган беш кронни эса, маош олганимдан кейин қайтариб бераман, деган гапни айтди. Ҳозир ҳеч кимга ишониб бўлмайдиган замон бўлиб қолди, дўстим. Одоб ва ахлоқнинг энг яхши принципларини бузиб юборишди. Маҳбуснинг пулини ўғирлаётганликларини

айтмайсизми? Қилғиликни қилиб, яна у бутун кун бўйи ҳониш қилади: «Wo man singt da leg' dich sicher nieder, böse Leute haben keine Lieder!»<sup>1</sup> Вой аблаҳ-эй, безори, муттаҳам, сотқин-эй!

Шундан сўнг кўнгилли аскар Швейкдан, нима айб қилиб қўйгансиз? деб сўради.

— Ҳз полкинғизни қидириб юрганмидинғиз? — дард-кашлик қилди кўнгилли аскар. — Сафаринғиз чакки бўлмабди. Табор-Милевско-Кветов-Враж-Мальчин-Чиждова-Седлец-Гораждёвине-Радомишль-Путим-Штекло-Страконице-Волинь Дуб-Водняни-Противин-Путим-Писек-Будеёвица... Машаққатли йўл! Эртага сизни полковник ҳузурига рапортга олиб боришадими? Вой, азиз биродарим! Сиз билан дор олдида учрашар эканмиз. Эртага полковникимиз Шредер яна жуда ҳузур қилар экан. Полкдаги ҳодисалар унга қандай таъсир қилишини сиз ҳатто ҳаёлингизга ҳам келтира олмайсиз. Эгасини йўқотиб қўйган кўппакдек, тили осилган чала ўлик байталга ўхшаб ҳовлида изғиб юраверади. Унинг нутқларини, огоҳлантиришларини айтмайсизми! Маст туядек оғзини кўпиртириб тупураверади. Тинмай жаврагани жавраган. Мариинский казармасининг деворлари қулаб тушса тушади-ю, лекин унинг нутқи тугамайди, деб ўйлайсиз. Мен буни яхши биламан, унинг ҳузурига рапортда бўлганман. Армияга чақирганларида мен оёғимга қўнжи баланд этик ва бошимга цилиндр кийиб келган эдим, чунки машиначи менга ҳарбий формани ўз вақтида тикиб битказиб бера олмаган эди, шунинг учун ҳам машқ майдонига шу алфозда келган эдим. Сафнинг чап томонига туриб олиб, ҳамма билан баравар қадам ташлаб юравердим. От миниб олган полковник Шредер олдимга келганида мени туртиб юборишига сал қолди: «Was machen Sie hier, Sie Zivilist?»<sup>2</sup> — деб менга шундай бақирдики, унинг овозини Шумавдагилар ҳам эшитган бўлса керак. Мен унга, кўнгилли аскарман ва машқ ўтказишга келдим, деб жуда қондали қилиб жавоб бердим. Ана ўшанда унинг аҳволини кўрсанғиз эди! Ярим соат тинмай гап сотди, шундан кейингина менга у, бошдаги цилиндрни олмай туриб честь беряпсиз, деди. Шу гапни айтди-ю,

---

<sup>1</sup> Ашула айтилайтган жойда ётиб бемалол ухлайвер: ашула айтаётган киши муносиб кишидир! (немисча).

<sup>2</sup> Ҳой, ландавур, бу ерда нима қиляпсиз? (немисча).



эртага сиз полк рапорти бериш учун менинг ҳузуримга келишингиз керак деб ўшқирди ва худди ёввойи чавандоз каби от чоптириб қаёққадир кетиб қолди, сўнгра эса отини йўрттириб қайтиб келди, яна жиғибийрон бўлиб, ўзининг кўкрагига уриб бақира бошлади, мени майдондан дарҳол чиқариб юборишни ва гауптвахтага қамаб қўйишни буюрди. Полк рапортида у мени ўн тўрт кунгача отпускадан маҳрум қилиб қўйди, цейхгауздан олиб келинган жулдур кийимларни кийиб олишни буюрди менга ва погонларингизни узиб ташлайман, деб дўқ қилди.

Бу савдойи полковник бақриб бундай деди: «Кўнгилли аскар олий зот бўлиши керак, шуҳрат, ҳарбий виждоннинг куртаги бўлиши, қаҳрамон зот бўлиши керак! Имтиҳон берганидан кейин капраллик даражасига кўтарилган кўнгилли аскар Вольтат ўз ихтиёри билан фронтга борди ва ўн беш кишини асир қилиб олди. Шу асирларни олиб келаётган пайтда граната уни тилка-тилка қилиб юборди. Хўш, сўнгра нима бўлди? Вольтатни кичик офицер даражасига кўтариш тўғрисида беш минутдан кейин буйруқ келди. Сизни ҳам мана шундай порлоқ истиқбол кутиб турибди: мартабангиз ва даражангиз ошаверади. Сизнинг номингиз полкимизнинг олтин дафтарига ёзилган бўлар эди!»— Кўнгилли аскар бир тупуриб олиб, ҳикояни давом эттирди.— Мана, оғайни, дунёда мана шунақа эшаклар ҳам бўлади. Ҳой, кўнгилли аскар, сиз ҳайвонсиз, деб уларнинг ҳар кун менга айтаётган гаплари сингари имтиёз ва погонларига тупураман. «Сиз ҳайвонсиз» дейиш «сен ҳайвонсан» деб дағаллик қилишга қараганда нақадар чиройли бўлиб янграётганлигини билиб қўйинг, ўлганингиздан кейин *signum laudus*\* ёки катта кумуш медаль билан ардоқлайдилар. Юлдузчалар тақиб олган ёки юлдузчалари бўлмаган, император ва қирол ҳазрат олийлари хизматини адо этаётган зотлар ўлдирилишга маҳкум бўлган одамларни етказиб бераверишади! Ҳар қандай ҳўкиз ҳам сиз билан биздан бахтли деса бўлади. Уни дала машқларига ва отиш машқи қилинадиган жойларга судраб юрмай, дарров кушхонага олиб бориб, сўйиб, тинчитиб қўя қолишади.

Бақалоқ кўнгилли аскар бошқа тўшакка ўтиб ёнбошлаб, гапини давом эттирди:

— Бу нарсаларнинг ҳаммаси ахир бир кун пақиллаб

ёрилиши турган гап. Бундай ҳолат абадий давом этиши мумкин эмас. Чўчқа боласини шуҳрат билан семиртирмақчи бўлсангиз, у албатта ёрилиб кетади. Агар мен фронтга борадиган бўлсам, ўзим тушиб бораётган вагонга қуйидаги сўзларни ёзиб қўяман:

Ёки қирқ одам, ёки саккиз от топинг бугун,  
Уч тонна ўғит керак душманинг ери учун.

Эшик очилди ва ҳар икки кишига аталган солдат нонининг чорак пайкасини ва сув кўтариб профос кириб келди.

Кўнгилли аскар ҳатто похол тўшакдан ҳам қўзғалмай, профосни қуйидаги сўзлар билан табриклади:

— Эй, Тўқсон биринчи полкнинг авлиё Агнессаси\* тутқинлар ҳузурига келишинг нақадар улуғ, нақадар олиҳиммат иш бўлди! Қалби раҳм-шафқат билан тўлган эзгулик фариштаси, хуш келибсиз! Биз каби бахтсизларга таскин берадиган турли таомлар ва ичимликларни олиб келибсиз. Сизнинг бу яхши ҳимматингизни асло унутмаймиз. Сиз зиндонимизга тушган бамисола қуёш нурисиз!

Профос ғўлдираб деди:

— Полковник ҳузурида рапортга борганингизда ҳазиллашадиган тилингиё тийилиб қолади.

Кўнгилли аскар тўшакдан қўзғалмай, бунга тегиншли жавоб берди:

— Вой чўчқа-ей, сасишини қаранг-а! Унта ел қуварни қамаб қўйиш бошингга тушса нима қилардинг, қани шуни айт-чи? Маринский казармасининг зиндонбошиси, кўпам кўзингни чақчайтираверма! Йигирматасини қамаб қўйиб, ўнтасини чиқариб юборишга мажбур бўлардинг, эй кўр сичқон! Агар мен ҳарбий министр бўлганимда эди, ҳарбий хизмат нималигини сенга кўрсатиб қўярдим. Тушиш бурчаги қайтиш бурчагига тенг эканлиги сенга маълумми? Сендан мен фақат бир нарсани илтимос қиламан: агар сен менга таянч нуқтасини топиб берсанг, сен билан бирга бутун ер куррасини кўтараман! Вой сендақа мақтанчоқни қара-ю!

Профос кўзларини чақчайтирди, ғазабидан қалтираб, эшикни тақиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Кўнгилли аскар нонни баб-баравар иккига бўлиб туриб деди:

— Профосларни\* йўқотишда ўзаро ёрдамлашувчи жамият. Интизом уставининг ўн олтинчи моддасига кўра, маҳбуслар ҳукм чиқарилгунча солдат паёғи билан озиқлантирилиши лозим, аммо бу ерда Америка даштарининг қонуни ҳукмронлик қилаётганга ўхшайди: бу ердагилар маҳбусларнинг паёғини ким биринчи бўлиб тортиб олади, деб бир-бири билан мусобақа қилишяпти.

Улар каравотларига ўтириб олиб солдат нонини ямлаб ютишди.

Кўнгилли аскар ўз мулоҳазаларини давом эттирди:

— Ҳарбий хизмат одамларни нақадар шафқатсиз қилиб қўяётганлиги профоснинг мисолида яққол кўрииб турибди. Бу профос ҳарбий хизматга кирмасдан олдин ўз идеалларига эга бўлган тузуккина йигит эканлигига ҳеч бир шак-шубҳа йўқ. Ҳаммага меҳрибон, позик табиат, сочлари яхшилаб таралган, бахтсизлар ҳомийси, олифтагина йигит бўлса керак, у ўз юртида маҳаллий байрам вақтида қиз талашиб бошланган жанжалда жабрдийда бечораларнинг ёнини олиб, уларни ҳимоя қилиб юрган. Ҳамма уни иззат-ҳурмат қилганлиги шак-шубҳасиз, аммо энди-чи... Худо сақласин! Мен маза қилиб унинг тумшуғига солган бўлардим, бошини каравотга уришдан ва бўйни билан қўшиб ҳожатхона ўрасига тикишдан қайтмасдим! Мана шунинг ўзи ҳам, оғайни, ҳарбий касб одамларнинг феъл-атворини қўполлаштириб юборганлигини исботлаб турибди.

У яна ашула бошлади:

Шайтонни «гаҳ» деса қўлга олган қиз  
Ўзи тушиб қолди солдат қўлига...

— Э ошнам,— деб давом қилди у,— уларнинг ҳаммасига азиз монархиямиз нуқтан назаридан бир қарасак, у ҳам Пушкин амакисининг аҳволига тушиб қолибди, деган хулосага келаемиз. Пушкин ўз амакиси тўғрисида ёзиб, у шундай бир илвираб қолган кишики,

Уҳ тортасан, ўйлайсан гоҳо  
«Қачон жонинг олар, деб худо».

нола қилишдан бошқани билмайди, деган эди.\*

Қулфга яна калит солиниб шиқиллаётганлиги эшитилди, профос коридордаги керосин чироқни ёқди.

— Зулмат ичидаги нур!— қичқирди кўнгилли аскар.— Армия сафларига маърифат кириб келяпти! Ухлаб яхши тушлар кўринг, жаноб профос! Ҳамма унтерларга салом айтиб қўйинг, яхши тушлар кўриб хурсанд бўлинг. Тушингизда сиз, масалан, сигарет олиб келиб беринг, деб мен сизга берган ва менинг соғлигим учун ўзингиз ичиб тамомлаган беш крон пулимни менга қайтариб берганингизни ҳам кўринг. Маза қилиб ухланг, бадбашара махлуқ!

Шу гаплардан сўнг профоснинг эртаги кунги полк рапорти тўғрисида гўнғиллаган овози эшитилди.

— Яна ўзимиз қолдик,— деди кўнгилли аскар.— Уй-қуға кетиш олдидан мен сизга бир неча минут эзмалик қилиб, унтер-офицерлар ва офицерларнинг зоология соҳасидаги билими кундан-кунга кенгайиб бораётганлигини гапириб бераман. Уруш учун янги жонли материал ва фикр қила оладиган тўп еми топиш керак, бунинг учун эса, табиатшуносликдан яхши хабардор бўлган ёки Кочийнинг\* нашриётида босилиб чиққан «Иқтисодий фаровонлик манбалари» деган китоб билан жуда яхши таниш бўлиш зарур. Мазкур китобнинг ҳар бир саҳифасида: ҳайвон, чўчқа, тўнғиз сингари сўзлар учраб туради. Бироқ кейинги вақтларда биз энг илғор ҳарбий доираларимизда аскарликка олинган янги йигитлар учун янги лақаблар жорий қилинаётганлигини кўришимиз мумкин. Ун биринчи ротада капрал Альтгоф «энгадин эчкиси» деган иборани ишлатмоқда, Кашпер тоғларида муаллим бўлиб хизмат қилган, ҳозир эса ефрейтор бўлиб олган немис Мюллер армияга янги олинган йигитларни «сасиқ чехлар» деб атайти, фельдфебель Зондернуммер «эшак қурбақа» ва «йоркшир тўнғизи» деб атаб; ҳар бир янги солдатга «терингга сомон тикаман», деб ваъда қилади, ҳайвонлар ва қушларнинг терисига сомон тикишга доир шундай нозик жиҳатларни билиб гапирадими унинг ўзи шу касб соҳиб эмасмикан, деб беихтиёр ўйлаб қоласан. Ҳарбий бошлиқлар ўзларига хос воситаларни ишлатиб, чунончи, ваҳшиёна бўкириб, ҳарбий хизматга янги олинган аскарлар атрофида дингиллаб, бегуноҳ антилопанинг терисини шилиб олишга ҳозирланаётган ёки қўлга тушган бирор миссионерни тушки овқат учун қовуришга тайёргарлик кўраётган африкалик ёввойи одамларнинг бўкиришини эслатувчи қилиқлар билан бўкириб, шу тариқа солдатларга ватанга му-

ҳаббат ҳисларини сингдиришга уринмоқдалар. Немисларга нисбатан бундай қилинмайди, албатта. Фельд-фебель Зондернуммер «чўчқалар шайкаси» тўғрисида гап борганида, немислар буни ўзларига йўйиб хафа бўлмасинлар, деб бунга «die tschechische»<sup>1</sup> деган сўзларни шошиб-пишиб қўшиб қўяди. Шу билан бирга, ўн биринчи ротадаги унтерларнинг ҳаммаси зайтун мойига бўктириб қўйилган булутни очкўзлик қилиб ютиб юбориб, тиқилиб ўлган бечора ит каби кўзларини чақчайтириверадилар. Бир кун мен ефрейтор Мюллернинг лашкарларни ўқитиш плани хусусида капрал Альтгоф билан гаплашаётганида айтган сўзларини эшитиб қолдим. Улар «ein Paar Ohreigen»<sup>2</sup> деган сўзларни жуда кўп тилга олишди. Дастлаб мен бир-бирлари билан сўкишаётган бўлсалар керак, немисларнинг аҳиллигига пуртур етибди, деб ўйлаган эдим, лекин жуда янглишибман. Улар солдатлар тўғрисида гаплашаётган экан, холос. Капрал Альтгоф ефрейтор Мюллерга оқилона таълим бериб айтдики, «агар, масалан, бир чўчқасифат чех ўттиз марта «nieder»<sup>3</sup> дегандан кейин ҳам худди шам каби қаққайиб туришни ўргана олмаса, унинг тумшуғига икки марта тушириш керак. Шунда ҳам ўргана олмаса, қорнига бир мушт уриб, иккинчи қўлинг билан фуражкасини қулоғигача тушириб қўйиб, «Kehrt euch!»<sup>4</sup> деб команда бериш керак, ўгирилиши билан дарров унинг орқасига бир тепиш лозим. Ана шундай қилганинда у қаққайиб турадиган бўлиб қолади ва прапорщик Дауэрлинг буни кўриб жуда хурсанд бўлади. Энди, ошнам, мен сизга прапорщик Дауэрлинг кимлигини ҳикоя қилиб бераман. Ун биринчи ротага янги келган солдатлар унинг ҳақида шунақа ажойиб гапларни айтишяптики, Мексика чегараларига яқин жойдаги фермада ҳамма ташлаб кетган кампир Мексиканинг донг чиқарган бандити тўғрисидагина шунақа ғалати гапларни айтиши мумкин. Дауэрлинг одамхўр, яъни Австралия қабилалари орасида бошқа қабиладан ўз қўлига тушган кишиларни тириклайин еб қўядиган антропофак бўлиб ном чиқарган. У порлоқ ҳаёт йўлини босиб ўтган. Ту-

<sup>1</sup> Чех чўчқалар шайкаси (немисча).

<sup>2</sup> Икки шапалоқ (немисча).

<sup>3</sup> Ет! (немисча).

<sup>4</sup> Орқага бурил! (немисча).

ғилганидан сўнг сал фурсат ўтмай уни энагаси қўлидан тушириб юборган экан, ана шунда жажжи Конрад Дауэрлингнинг боши лат еган экан. Бинобарин, ҳозир ҳам унинг бошида Шимолий қутбга тушган думлик юлдуздан қолган издек чуқурча кўриниб турибди. Бундай мияси лат еган одамнинг тузукроқ бир киши бўлиб етишувига ҳеч кимнинг кўзи етмаган эди. Фақат унинг полковник отаси ўғлидан умид узгани йўқ ва ҳатто, аксинча, бунақа арзимас иллат унга зарар қилмайди, чунки Дауэрлинги ўсиб вояга етганидан кейин ҳарбий хизматга ўзини бағишлаши турган гап, деяр эди. Бошланғич мактабнинг биринчи тўрт синфини минг машаққат билан ошиғич тамомлаб чиққанидан кейин ёш Дауэрлинг Гейнбург юнкерлар мактабига ўқишга кирди. Аммо шунга айтиб ўтиш керакки, унинг уйига келиб ўқитиб юрган биринчи муаллим бевақт сочи оқариб, жинни бўлиб қолди, иккинчи муаллим эса, тоқати тоқ бўлиб Венадаги авлиё Стефан мипорасидан ўзини ташламоқчи бўлди. Юнкерлар мактабида шу мактабга ўқишга кирган йигитчаларнинг билим даражасига ҳеч қачон эътибор берилмас эди, чунки Австриянинг кадр офицери учун билимга кўпинча эҳтиёж сезилмасди. Солдат-солдат бўлиб ўйнашни билиш ҳарбий билимнинг идеали ҳисобланар эди. Илм-маърифат инсон руҳини бойитади. Аммо ҳарбий хизматда бунақа олижанобликнинг кераги йўқ. Офицер нечоғлик қўпол бўлса, унинг обрўи шунчалик ортаверади.

Юнкерлар мактабининг талаблари озми-кўпми бир амаллаб ўзлаштириб олган фанлар борасида ҳам Дауэрлинги ғирт саводсиз эди. У болалигида йиқилиб мияси лат еганлиги юнкерлар мактабида ҳам сезиладиган бўлиб қолди. Дауэрлинги бу иллатдан халос бўлмаганлиги унинг имтиҳонларда берган жавобларидан очиқ кўриниб турарди. Унинг жавоблари ўта кетган бемаъ依иликнинг юксак намунаси ҳисобланарди. Уқитувчилар уни «unser Brauwer Trottel»<sup>1</sup> деган ном билан тилга олишарди. Унинг эси пастлиги шу қадар ҳаддан зиёд эдики, бу ҳол бир неча ўн йилдан кейин у Тереза ҳарбий академиясига ёки ҳарбий министрликка жойлашиб олади, деб умид қилиш мумкин эди. Гейнбург юнкерлар мактабини битириб, юнкерлик унвонини олганлар рўйхатида Конрад

<sup>1</sup> Азамат аҳмоқчамиз (немисча),

Дауэрлинг ҳам бор эди. У Тўқсон биринчи полкка манашу тариқа келиб қолди.

Кўнгилли аскар нафасини ростлаб олиб, яна давом этди:

— Ҳарбий министрлик нашр этган «Drill oder Erziehung»<sup>1</sup> деган китоб бор. Дауэрлинг мазкур китобдан солдатларга террор орқали таъсир ўтказиш керак, муваффақит даражаси террорнинг даражасига боғлиқ, деган тушунча ҳосил қилди. Бу соҳада ҳам Дауэрлинг жуда катта натижаларга эришди. Солдатлар унинг бақирини эшитмаслик учун бутун-бутун бўлим билан касалмиз, деб рапорт беришар эди, лекин бу ҳам фойда бермади. Касалман, деб рапорт берган солдат уч кун «verschärft»<sup>2</sup> га солиб қўйилар эди. Айтгандай, сиз қаттиқ қамоқ нималигини биласизми? Қаттиқ қамоққа солиб қўйилган кишини бутун кун бўйи майдонда машқ қилдиришади-ю, кечаси карцерга тикиб қўйишади. Шундай қилиб, Дауэрлинг ротасида беморлар қолмади. Унинг ротасидаги беморларнинг ҳаммаси карцерга тикиб қўйилаверарди. Машқ вақтларида Дауэрлинг казармага хос услубни маҳорат билан ҳамиша адо этарди, у гапни «чўчқа» деган сўз билан бошлаб, «чўчқа, ит» деган ғалати зоологик терминлар билан тамомлайди. Унинг либераллигини ҳам айтиб ўтиш керак, у солдатларга бемалол танлаш эркинлигини бериб қўяди. Масалан, у солдатларга: «Тумшуғингга туширайми ёки уч кун қаттиқ қамоққа солиб қўяйми, шундан бирини ўзинг танлаб ол, эшак»,— дейди. Агар солдат уч кун қаттиқ қамоқда ётишни танлаб олса, Дауэрлинг бунга яна қўшимча қилиб унинг тумшуғига икки марта солади ва илова тариқасида тушунтириб бундай дейди: «Жонинг ширинга ўхшайди-я, қўрқоқ, хўш, оғир артиллерияни ишга солсам нима қиласан?» Кунларнинг бирида у янги солдатлардан бирининг кўзини ўйиб чиқариб, сира пинагини бузмай, «Pah was für Geschichten mit einem Kerl, muss so wie so krepieren»<sup>3</sup> деб қўйди. Фельдмаршал Конрад фон Гетцендорф ҳам: «Die Soldaten müssen so wie so krepieren»<sup>4</sup> деган эди.

<sup>1</sup> Муштровка ёки тарбия (немисча).

<sup>2</sup> Қаттиқ қамоқ (немисча).

<sup>3</sup> Бунга ачинишнинг ҳожати йўқ, барибир ўлиши турган гап (немисча).

<sup>4</sup> Ҳамма солдатларнинг ўлиши турган гап (немисча).

Дауэрлинг ҳамма чех солдатларни чақириб, уларга лекция ўқишни яхши кўради ва бунга энг кўп таъсир ўтказадиган восита деб ҳисоблайди, у солдатларга Австриянинг ҳарбий вазифалари тўғрисида гапириб, ҳарбий таълимнинг умумий принципларига, яъни солдатларни кишанлашдан тортиб, отиб ёки осиб ўлдиришгача бўлган принципларга кўпроқ тўхталди. Қишнинг бошида, мен госпиталга тушмасдан олдин бизни ўн биринчи рота яқинидаги майдонга машқ қилдиришга олиб боришган эди. «Вольно!» деб команда берилганидан кейин Дауэрлинг янги келган чех солдатларга қарата ваъз айта бошлади.

«Ҳаммаларингиз аблаҳ эканлигингизни биламан ва сизларнинг каллангиздан бу аҳмоқликни ситиб чиқариш керак, — деди гапнинг бошида ноқ Дауэрлинг. — Сизлар ўзларингизнинг шу чехча тилингиз билан дорга осилишингиз турган гап. Бизнинг элий бош қўмондонимиз ҳам немис. Эшитяпсизми? Э, лангатилар «picder!»

Ҳамма дарров ерга ётди, Дауэрлинг бўлса, ётганлар олдидан юриб ўтиб, вайсални давом эттирди. «Ёт», деб буйруқ берилди, ётавер. Шу балчиқда бўғилиб ўлсанг ҳам ётавер. «Ёт» деган команда қадимги румоликларда ҳам бор эди. Уша замонларда ўн етти ёшдан то олтмиш ёшгача ҳамма ҳарбий хизматда бўлиб, умрини майдонда ўтказган. Казармаларда чўчқалар сингари ағанаб ёлмаганлар. Команда бериладиган тил ҳам ўша вақтда ҳамки кўшни учун битта эди. Қани, бирон киши этрусса гапириб кўрсин-чи! Румолик жаноб офицерлар бунақа одамнинг онасини кўрсатиб қўйишарди!

Мен ҳам сизларнинг ҳаммангиздан ўзингизнинг чулчут тилингизда гапирмасдан, менга немисча жавоб беришингизни талаб қиламан. Энди сизлардан биронтангиз ётавериш жонига тегин, ўрнидан туриб кетди, деб тасаввур қилиш. Бундай ҳолда мен нима қиламан? Уша итваччанинг чаккасини ёриб юбораман, чунки бундай қилиш кетталарни ҳурматлаш қондасини бузиш бўлади, исён кўтариш, итоат қилмаслик бўлади, солдатлик бурчини бажармаслик бўлади, устав ва интизомни бузиш бўлади, умуман, хизмат қўли билан бериладиган буйруқларни менсимаслик бўлади. Бинобарин, бундай киши дор арқонига осилишга сазовор бўлади ва «Verwirkung



des Anspruches auf die Achtung der Standesgenossen»<sup>1</sup>.

Кўнгилли аскарнинг овози чиқмай қолди ва шу пайтда у казарма ҳаётидан олинган янги мавзунини ўйлаб топган бўлса керак, яна давом этди.

— Бу воқеа капитан Адамичек қўлида хизмат қилган вақтимда рўй берган эди. Адамичек тепса тебранмас одам эди. У идорада индамас савдойилардек рўпарасига қараб, «мени еяверинглар, пашша-ю чивинлар» деб гапирётгандек бўлиб ўтирарди. Батальён рапортида инмаларни ўйлаб хаёл сураётганлигини ҳеч ким билмасди. Кунларнинг бирида ўн биринчи ротанинг бир солдати батальён рапорти вақтида унинг олдига келиб, прапоршчик Дауэрлинг кечқурун мени кўчада чех чўчқаси деди, деб шикоят қилди. Шу солдат урушдан олдин муқовачи бўлиб ишлаган эди, ўз миллий қадр-қимматини йўқотмаган киши эди.

«Оббо, ҳали шунақа денг!..— секингина гапириб қўйди капитан Адамичек (у ҳамиша шундай паст овоз билан гапирарди).— Сизни у кечқурун кўчада шундай дедими? Қазармадан чиқиб кетишингизга рухсат берилганми ёки йўқми, буни текшириб кўриш керак. Abtreten<sup>2</sup>».

Шикоят қилган солдатни капитан Адамичек бирмунча вақт ўтгандан кейин чақиртириб, унга секингина деди: «Уша кунин кечқурун соат ўнгача казармадан чиқиб кетишингизга рухсат берилганлигини аниқлаб билдим. Бинобарин, сизга жазо берилмайди. Abtreten».

Шу-шу ошнам, ҳамма капитан Адамичекни одил киши деб ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Хуллас, уни фронтга жўнатишди, унинг ўрнига эса, бизнинг ротамизга майор Венцелни тайинлашди. Миллий хусуматда у ашаддий иблисининг ўзи эди, ниҳоят, у прапоршчик Дауэрлингнинг ҳам адабинини бериб қўйди.

Майорнинг хотини чех эди, шунинг учун у миллий масала билан алоқадор бўлган ҳар қандай гап-сўздан жуда қўрқарди. Бундан бир неча йил муқаддам у Кутной тепада капитан бўлиб хизмат қилаётган вақтида ресторанда маст бўлиб қолиб, ресторан ходимини чех чўчқаси деб сўккан экан. (Шунини айтиш керакки, майор

<sup>1</sup> Мавқен ўзинга тенг граждандар томонидан ҳурматланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. (немисча).

<sup>2</sup> Бораверинг! (немисча).

кўпчилик орасида ва уйда фақат чех тилида гаплашар, ўғилларини ҳам чех гимназияларида ўқитар эди.) «Сўз чумчуқ эмас, учиб кетса ушлай олмайсан», деганларидек, бу воқеа газетада босилиб чиқди, қандайдир бир депутат майор Венцелнинг ресторандаги хатти-ҳаракати тўғрисида Вена парламентида масала кўтарди. Венцель мушкул аҳволга тушиб қолди, чунки худди ўша вақтнинг ўзида парламент ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун лойиҳасини\* тасдиқлаши керак эди, ана шундай бир пайтда Кутной тепадаги капитан Венцелнинг маст бўлиб қилган мижароси пайдо бўлиб қолди.

Кейинроқ бориб капитан шу гапларнинг ҳаммасини ўзи кўнгиллилардан бўлган Зитко деган оддий бир прапоршчик кўзлаганини билди олди. Газетага ўша Зитконинг ўзи ёзган экан. У билан капитан Венцель ўртасидаги хусумат илгари вақтларда бошланган экан: капитан Венцелнинг ҳузурда Зитко маҳмадоналик қилибди. «Мана шу ёруғ дунёга қараб туриб, уфқдаги булутларни ва олисдаги баланд тоғларни кўрганингизда, ўрмон ичидаги шалоланинг шовиллаган товушини ва қушларнинг сайрашини эшитганингизда мана шу кўркам табиатга нисбатан капитаннинг қиммати қанча, деган фикр беихтиёр хаёлингизга келади,— деган экан ўшанда Зитко.— Оддий прапоршчик каби у ҳам шу кўркамлик олдида ҳеч нарсага арзимайди».

Ўша вақтда офицерларнинг кайфи тарақ экан, шунинг учун ҳам капитан Венцель бечора файласуф Зитконини савалагандек калтакламоқчи бўлибди. Уларнинг бир-бирига хусумати кучаяверибди, шунинг учун ҳам капитан Венцель дуч келган жойда Зиткодан ўч олаверибди, чунки прапоршчикнинг ўша айтган гапи кўпчиликнинг тилида дoston бўлиб қолганди.

«Шу кўркам табиатга нисбатан капитан Венцелнинг қиммати қанча», деган гап бутун Кутной тепага машҳур бўлиб қолган эди.

Капитан Венцель: «Мен у аблаҳни ўзини ўзи ўлдиришига мажбур этаман», деб яниб юраверди. Лекин Зитко истеъфо бериб, ҳарбий хизматдан бўшади ва фалсафа билан шуғуллана бошлади. Шундан бери майор Венцель ўзининг аламини ҳамма кичик офицерлардан оладиган бўлиб қолди. Унинг дашномидан ҳатто подпоручик ҳам қутулиб қололмайди. Юнкерлар ва прапоршчиклар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади.

Майор Венцель: «уни қандалани эзиб ташлагандек эзиб ташлайман!» деб гапиришни яхши кўради. Шунинг учун ҳам солдатни арзимас сабаб билан батальон рапортига юборган прапоршчикнинг шўри қуриydi. Жиддий ва оғир ножўя ҳаракатларнигина капитаннинг ўзи кўриб чиқиши керак. Масалан, соқчи ўқ-дори омбори олдидаги поstdа ухлаб қолса ёки бундан кўра ёмонроқ жиноят қилиб қўйса, чунончи; кечаси Мариинский казармасининг деворидан сшиб тушмоқчи бўлиб девор тепасида ухлаб қолса, тўпчилар қўлига, лашкарлардан бўлган патруль қўлига тушиб қолса, хуллас, полк шаънига доғ туширса, бундай ҳолларни майор Венцелнинг ўзи текшириб жазолайди.

Кунларнинг бирида коридорда у бақириб турганини эшитганман: «Вой тавба! Учинчи марта лашкар патрулининг қўлига тушибди-я. Итваччани дарров карцерга қамаб қўйинглар, бунақаларни полкдан улоқтириб ташлаш керак, обозга бориб гўнг ташисин. Патруль билан ҳатто муштлашмаптиям! Бунақа одамни солдат деб бўлади-ми? Бунақалар солдат бўлиб хизмат қилмасдан, кўча супуриб юргани яхши. Унга икки кунгача овқат берманглар. Тўшакда ётқизманглар. Якка хонага тиқиб қўйинглар, у ландавурга кўрпа ҳам берманглар».

Майор Венцель бизнинг батальонга кўчирилгандан кейин бемаъни ўша прапоршчик Дауэрлинг якшанба кунини тушки овқатдан кейин бир хоним билан извошда майдондан ўтиб бораётганимда прапоршчик эканлигини билиб туриб менга честь бермади, деб бир солдатни батальон рапортига юборганида майор Венцель қандай аҳволга тушганлигини эпти, дўстим, ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Кейин унтерларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, батальон маҳкамасида катта жанжал кўтарилибди. Бош мирза қоғозларни кўтариб коридорга қочиб чиқибди, майор бўлса, Дауэрлингга бақираверибди:

«Бундан кейин шундай воқеа бўлмасин! Himmeldonnerwetter! Батальон рапорти нималиги сизга маълумми, жаноб прапоршчик! Батальон рапорти. Schweinfestнинг худди ўзи. Сиз майдондан ўтиб бораётганингизда у сизни кўриши мумкин эди! Ўзингизга қандай таълим берилганлиги эсингиздами? Йўлда рўпара келиб қолган офицерларгагина честь берилади, ammo бу гапдан солдат худди қарга каби бошини чириллатиб айлантира-

вериши ва майдондан ўтиб бораётган прапорщикни кўришга мунтазам бўлиб туриши лозим деган маъно келиб чиқмайди. Мен билан айтишманг, илтимос қилман, батальон рапорти, бу — жиддий иш. Модомики, у сизга, сизни кўришимга имкон йўқлигини, чунки худди шу пайтнинг ўзида менга, яъни майор Венцелга бурилиб честь бераётганлигини, бинобарин, айтиб бер вақтнинг ўзида у ҳам сизнинг извошингизга қараш учун орқасига бурилади олмаслигини айтган экан, солдатнинг бу гапига ишонмоқ керак. Келгусида сиз менга бунақа бемаъни гаплар билан мурожаат қилиб жонимга тегманг!»

Шу-шу бўлди-ю, Дауэрнинг ўзгариб кетди.

Кўнгилли аскар бир эснаб олди.

— Эртага бўладиган полк рапорти олдидан яхшилаб ухлаб олиш керак. Полкдаги ишларнинг аҳволи қандайлигини сизга қисман хабар қилиб қўймоқчи бўлдим-да. Полковник Шредер майор Венцелни хуш кўрмайди, умуман ўзи савдони табиат одам. Кўнгиллилар машқ командасининг бошлиғи капитан Сангер полковник Шредерни ҳақиқий солдат деб ҳисоблайди, ваҳоланки, Шредер фронтга боришдан жуда қўрқади. Сагнер кўнни кўрган одам, Шредер сингари у ҳам запасдаги офицерларни ёқтирмайди ва бундай офицерларни сасиқ хизматчилар, деб атайди. Кўнгиллиларни эса, ёввойи ҳайвонлар деб ҳисоблайди: уларни ҳарбий машиналарга айлантириш, погонларига юлдузчалар қадаб қўйиш ва олижаноб кадр офицерлар ўрнига уларни фронтга юбориб, ўққа рўпара қилавериш керак эмиш, офицерларни эса, зот кўнайтириш учун олиб қолиш керак эмиш.

Кўнгилли аскар кўрпага бурканиб туриб, деди:

— Умуман, армиянинг чириб сасимаган жойи қолмади. Омма ҳали уйқудан уйғонгани йўқ. У кўзини бақрайтириб индамай фронтга жўнаяпти, тўп еми бўляпти, шу солдатлардан биронтасига ўқ тегиб қолса: «Ойижон!» дейди-ю, қулай беради. Ҳозир қахрамонлар қолмади, сўйилишга олиб берилаётган жониворлару, генерал штаблардаги қассоблар қолди, холос. Ҳали қараб туринг, исён кўтарилиб, уларни яқсон қилиши турган гап. Ана ўшанда қанақа ур-йиқит бўлишини кўрасиз! Яшасин армия! Яхши ухлаб туринг!

Кўнгилли аскар жим бўлиб қолди, сўнгра кўрпа оётида тўлғана-тўлғана шўхоят, деди:

— Ухлаяпсизми, ўртоқ?

— Уйқу келмаяпти,— деб жавоб берди Швейк ўзининг каравотида ётган ҳолда,— ўйлаб ётибман...

— Нималарни ўйлаяпсиз, ўртоқ?

Кралови Виноградидаги Ваврово кўчасида Мличко фамилияли дурадгор олган «Ботирлик учун» катта кумуш медалини ўйлаяпман, уруш бошланган дастлабки пайтда полкда биринчи бўлиб унинг оёғини тўп ўқи учириб кетган эди. Унга текишга ёғоч оёқ ясатиб беришди ва у ҳамма жойда ўзининг медалини пеш қилиб, мен полкда энг биринчи инвалидман, деб гердайиб юрди. Кунларнинг бирида у Виноградидаги «Аполлон» қовоқхонасида ичиб ўтириб, кушхона қассоблари билан жанжал бошлади. Мана шу муштлашув вақтида унинг ёғоч оёғини суғуриб олиб, бошига тушира кетишди, ёғоч оёқни суғуриб олган киши эса, бу оёқ ясама оёқ эканлигини билмай... кўрққанидан ҳушидан кетиб йиқилди. Жандарма участкасига олиб борилганида дурадгорнинг оёғини яна жойига солиб қўйишди, лекин шундан бери Мличко ўзининг «Ботирлик учун» катта кумуш медалидан ачиққаниб юриб ниҳоят, уни ломбардга олиб бориб гаровга қўймоқчи бўлди. Ломбардда уни ушлаб олишди, шу тариқа машмаша бошланиб кетди. Уруш инвалидлари учун қандайдир виждон суди бор дейишади. Ана шу суд унинг кумуш медалини тортиб олишга қарор қилди ва бундан ташқари, ясама оёғини ҳам тортиб олиш керак деб ҳукм чиқарди...

— Бу қанақаси бўлди?

— Ҳозир айтиб бераман. Бир кун унинг олдига комиссия келиб, сен ясама оёққа муносиб эмассан, деди-ю, оёғини суғуриб олиб кетди.

— Яна бир катта ҳангамани ҳам айтиб берай,— деб давом қилди Швейк.— Урушдан ҳалок бўлган йигитнинг ота-оналарига ўша йигитнинг медали билан қўшиб бир хат юборишади, шу хатда медални сизга инъом қилдик. уни кўзга кўринадиган жойга осиб қўйинг, деб ёзишади. Вишеградда Божетехова кўчасидаги бир киши ҳалок бўлган ўғлидан қолган медални ҳарбий маҳкама юборганидан кейин, ҳарбий маҳкама мени калака қиляпти, деб жаҳли чиқиб, ўша медални ҳожатхонага осиб қўйибди. Бу ҳожатхонага унинг қўшниси бир полициячи кириб юрар экан. Ўша полициячи, қўшним давлатга хиёнат қилди, деб чақимчилик қилибди. Шундан кейин бечора жуда ёмон аҳволга тушиб қолди.

— Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки,— деди кўнгилли аскар,— шухрат тухум пўчоғига ҳам арзимади. Яқинда Венада «Кўнгилли аскарга эсдалик» деган бир рисола нашр этилди. Уша китобчада чех тилига таржима қилинган мана бундай ғалати шеър бор:

Бир кўнгилли бўлибди ҳалок...  
Подшо учун жангда курашиб.  
Жон берибди бечора йигит  
Шу урушда ўрнак кўрсатиб.  
Замбаракда келмоқда жасад.  
Гулчамбарлар келмоқда оқиб.  
Кўксидаги орденни эса  
Капитани қўйганди тақиб.

Кўнгилли аскар бир оз тўхтаб туриб, яна гапга тушди:

— Бизда ҳарбий руҳ пасайиб кетяпти, шу вайдан тинчгина турмамиздаги мана шу қоронғи кечада тўпчи Ябурка ҳақидаги қўшиқни айтайлик, дўстим. Бу қўшиқ жанговарлик руҳимизни кўтаради. Лекин қўшиқни бутун Марининский казармасидагилар эшитадиган қилиб айтишимиз керак. Уни эшикнинг олдига бориб айтмасак бўлмайди.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, маҳбуслар хонасида шундай бўкириш бошландики, ҳатто коридордаги дераза оналари ҳам зириллаб кетди:

Йигит ўқлар замбаракни,  
Ҳо ялли, ялли, ялли!  
Куйи тутар теваракни.  
Ҳо ялли, ялли, ялли!  
Бир тўп ўқи учиб ўтди,  
Ҳо ялли, ялли, ялли!  
Йигит бошини узиб ўтди,  
Ҳо ялли, ялли, ялли!  
Йигит тўпни ўқлар ҳамон,  
Ҳо ялли, ялли, ялли!  
Қўшиқ айтар, куйлар шодон,  
Ҳо ялли, ялли, ялли!

Ҳовлида қадам товушлари ва овозлар эшитилди.  
— Бу профоснинг қадами,— деди кўнгилли аскар. У билан подпоручик Пеликан ҳам келяпти. Бугун у навбат-

чи. Мен у билан «Чех гурунги»\* да танишиб олганман. Ўзи запасдаги офицерлардан, илгари эса сугурга жамиятларидан бирида статистик бўлиб ишлаган. Биз ундан сигарета оламиз. Қани, ошнам, яна бир айтайлик.

Швейк билан кўнгилли аскар яна бўкириб ашулани давом эттиришди:

Замбаракни у ўқларди...

Эшик очилди ва напбатчи офицер ёнида турганлиги сабабли талтайиб кетган профос ўзқириб қичқирди:

— Бу ер сенларга ҳайвонот боғи эмас!

— Кечирасиз,— жавоб берди кўнгилли аскар,— бу ер Рудальфинумнинг\* филиали. Маҳбуслар фойдасига концерт берилляпти. «Уруш симфонияси» программасининг ҳозиргина биринчи номери тугади.

— Бас қилинглар!— буюрди подпоручик Пеликан пўписа қилиб.

— Сизлар тўполон бошламай соат тўққизда ухлашингиз кераклигини биларсиз, деб ўйлайман. Сизларнинг концертингиз анави майдонда ҳам эшитилиб турибди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб подпоручик,— жавоб берди кўнгилли аскар,— биз яхши репетиция қилолмалик, шунинг учун ҳам овозимиз бир оз ёмонроқ чиқаётган бўлса керак...

Профос подпоручикни ўзининг душманига гиж-гижлай бошлади:

— Унинг ҳар кун кечаси қиладиган қилиғи шу. Умуман жуда ноҳўя ҳаракатлар қилляпти.

Кўнгилли аскар Пеликанга мурожаат қилиб деди:

— Жаноб подпоручик, сиз билан худ-бахуд гаплашишга ижозат берсангиз. Профос эшикка чиқиб туришини илтимос қиламан.

Профос чиқиб кетганидан кейин кўнгилли аскар ошначалик муомаласига ўтиб, илтимос қилди:

— Қани, сигаретдан чўз, Франта... «Спортми?» Сенам шуни чекадиган бўлдингми, лейтенант бўла туриб бундан яхшироғини топа олмадингми? Майли, шунга ҳам шукур. Раҳмат! Гугуртни ҳам чўз.

Подпоручик чиқиб кетганидан кейин кўнгилли аскар сигаретни менсимамай, деди:

— «Спорт» ҳам сигарет бўлдимиз! Одам муҳтож бўлиб қолганида ҳам пастлашиб кетмаслиги керак. Маза

қилиб чека беринг, ошнам, яхши ухлаб туринг. Эргага бизни қиёмат кутиб турибди.

Кўнгилли аскар уйқуга кетиш олдидан ҳам ашулани унутмади:

Тоғ, водийлар ва қоялар дўстимиз донм,  
Қайтиб келмас бир йўқолган севги,  
Оҳ, жоним...

Кўнгилли аскар Швейцария полковник Шредерни ёвуз одам деб тавсия қилганида озроқ хато қилди, чунки полковник Шредер адолат ҳиссидан бутунлай маҳрум эмас эди, ресторанлардан бирида офицерлар билан кечқурун улфатчиликни жойига қўйиб, хузур қилиб ўтирганида унинг бу хислати айниқса сезилиб турарди. Аммо ҳаловати бузилганда-чи...

Кўнгилли аскар полкдаги аҳволни қаттиқ танқид қилиб турган вақтда полковник Шредер ресторанда офицерлар билан бирга ўтириб, Сербиядан оёғи шикастланиб (унинг оёғини сингир сузиб олганди) қайтиб келган поручик Кречманнинг серб позицияларига қилинган ҳужум тўғрисида қилаётган ҳикоясини тингламоқда эди, поручик штабга иш билан борганида ўша ҳужумни кузатиб турган экан.

— Бирданига окоплардан сакраб чиқишди... Икки километрли бутун линия бўйлаб тиканли симлардан ошиб ўтиб, душманга ёпирилишди. Қўл гранаталарини белбоғ қилиб осиб олишган, противогазлар бўйинда, мидтиқлар отишга шай. Шу ҳолатда улар отишга ҳам, найзабозлик жангига ҳам тайёр. Уқлар физиллаб ўтиб турибди. Мана, солдатлардан бири окопдан сакраб чиқаётган пайтда ўқ тегиб йиқилди, иккинчиси бруствер устига ағдарилди, учинчиси бир неча қадам қўйишга муваффақ бўлди, лекин тутун ва тўзон ичида солдатлар барала «ура» деб қичқириб, олдинга интилганча ағдарила беришди. Душман бўлса, ҳамма томондан, окоплардан, снарядлар ўйиб ташлаган чуқурлардан отиб ва пулемётларни тириллатиб турибди. Солдатлар кетма-кет ағдариляпти. Бизнинг взводимиз душман пулемётларини қўлга туширишга интилаверди. Солдатларнинг бир қисми йиқилиши билан қолганлари олдинга сурилаверди. Ура!! Офицер ағдарилиб тушди... Отиш тўхтаб қолди, қандайдир даҳшатли воқеа тайёрланаяпти... Яна бутун бир вз-



вод қирилди. Душман пулемётлари тириллаб отилиб турибди. «Тра-тата-та» Йиқилишяпти... Кечирасиз, бу ёғини гапириб бера олмайман, кайфим ошиб қолди...

Оёғи шикастланган офицернинг овози чиқмай қолди ва хира торган кўзлари билан рўпарага тикилиб, креслода ўтираверди. Полковник Шредер энди хайрихоҳона табассум билан капитан Спиронинг гапларига қулоқ сола бошлади. Капитан Спиро худди биров билан баҳслашаётгандек столига муштлаб ёлғон-яшиқ гапларни дўндирмоқда эди:

— Ўзингиз уйлаб қаранг: сарбоз лашкарлар, Австрия лашкарлари, боснийлик егерлар, Австриянинг пиёда кўшинлари, Венгриянинг пиёда гонведлари, венгер гусарлари, лашкар гусарлар, отлиқ гусарлар, драгунлар, сарбозлар, артиллерия, обоз, саперлар, санитарлар, флот, хуллас, ҳаммамиз Австрия байроғи остида тўпланганмиз. Тушуняпсизми? Бельгиянинг нимаси бор? Биринчи ва иккинчи чақириқда тўпланган аскарлар армиянинг оператив қисмини ташкил қилади, учинчи чақириқдаги аскарлар мамлакат ичкарасида хизмат қиляпти...— Капитан Спиро столига муштлаб, давом этди.— Тинч вақтда лашкарлар мамлакатда хизмат қилади!

Енги офицерлардан бири ўзининг ҳарбий руҳи мустаҳкамлигини полковникка эшиттириб ва билдириб қўймоқ учун ёнидаги офицерга баланд овоз билан гап сотмоқда эди:

— Менга қолса, сил касалларни фронтга юборардим, фронтга бориш уларнинг ўзларига фойда, яна бунинг устига соғ одамларни фронтда ўлдиргандан кўра, касал одамларни ўлдирган яшироқ-ку.

Полковник жидмайиб қўйди. Лекин тўсатдан қовоғи солиниб, майор Вейцелдан сўради:

— Ҳайронман, перучик Лукаш нега бизга қўшилгиси келмайди? Бу ерга келганимдан бери биз билан бирга бир марта ҳам улфатчилик қилгани йўқ.

— Шеър ёзиш билан овора,— деди калака қилгандек бўлиб капитан Сагнер.— Бу ерга келиб улгурмасданок инженер Шредернинг хотинини театрда кўриб, унга хуштор бўлиб қолди.

Полковникнинг пешанаси тиришди:

— Уни ашула айтишга уета дейишади.

— Кадет корпусида бўлган вақтимизда у ашула айтиб ҳаммамизни хурсанд қиларди,— жавоб берди ка-

питан Сагнер.— Латифалар айтишини демайсизми — ҳамманинг жонини киритарди! Нега бу ерга келмаётганлигини билолмадим.

Полковник афсуслангандек бўлиб, бошини қимирлатиб кўйди.

— Ҳозирги офицерлар илгаригидек аҳил эмас. Менинг эсимда, илгари ҳар бир офицер бирон нима билан улфатларини хурсанд қилишга интиларди. Данкель деган бир поручик бор эди, у улфатлар тўпланишганида қип-яланғоч бўлиб ерга ётиб олиб, балиқ думини орқасига тикиб кўяр ва мана мен сув париси бўлдим, деб ҳаммади кулдиларди. Шлейснер деган яна бир подпоручик бор эди. У қўлоқларини қимирлатишга, айғир бўлиб кишнашга, мушук бўлиб миёвлашга ва ари бўлиб визиллашга уста эди. Яна Скодай деган бир капитан ҳам эсимда. Агар биз илтимос қилсак, у учта опа-сингил қизини улфатчилигимизга олиб келарди. У ўша қизларни итларни ўйлатгандек ўйнатарди. Қизларни столга чиқариб кўярди, қизлар худди музика зарбига ўйнагандек ечина бошлашарди. Бунинг учун капитан дирижёрлик чўпини ўзи билан бирга олиб юрарди, ростини айтсам, у ҳақиқатан ҳам жуда яхши дирижёр эди. Кушеткада, қизлар билан не-не қилиқлар қиларди! Бир кун у ўйнинг ўртасига ванна келтириб, уни илиқ сув билан тўлдириб кўйди, бизлар бўлсак кетма-кет шу ваннага тушиб, ўша уч қиз билан чўмилишдик, у бўлса фотоаппарат билан бизнинг суратимизни олаверди.

Полковник Шредер шу ҳодисани эслар экач, хурсанд бўлиб жилмайиб кўйди. Полковник разилона лабини ялаб ва креслода бесўнадай ҳаракат қилиб, гапни давом эттирди:

— Ўша ваннада галати баҳслар қилганимизни айтмайсизми! Энди-чи? Шўям улфатчилик бўлдими? Орангизда битта ашулачи бору, у ҳам улфатчиликка кўшилмаяпти. Ҳозирги кичик офицерлар ҳатто ичсини ҳам билишмайди! Ҳали соат ўн икки бўлмасдан туриб, стол атрофида ўтирганларнинг бештаси маст бўлиб қолди. Илгари замонларда сўрункасига икки кунлаб утирардик, нечоғлик кўп ичсак, ҳушёрлигимиз шунчалик ошаверарди. Пиво, вино, ликёрларни тинмай ичаверардик.. Энди чинахам жанговар руҳдан асар қолмабди. Нега шунақа бўлиб қолганини ҳеч ким билмайди! Битта ҳам ўтқир аския эшитмайсиз, Нукул минғир-минғир гап. Нариги

столда Америка тўғрисида нималар гапирилаётганига қулоқ солинг.

Нариги столда кимдир биров жиддий оҳангда гапирмоқда эди:

— Америка урушга аралаша олмайди. Америкаликлар билан инглизлар қирричоқ бўлиб юришибди. Америкага урушга тайёрланган эмас.

Полковник Шредер хўрсиниб қўйди.

— Запасдаги офицерлар мана шунақа гапларни вайсашдан бошқани билишмайди. Улар қаёқдана келиб қолишди. Эҳтимол, ўша жаноблардан бири кечагина қандайдир бир банкда хат ёзиб ўтирган ёки дўконда хизмат қилиб, молни харидорга ўраб бериш билан банд бўлган, ҳар хил илдишлар, долчин ва гуталин билан савдо қилишдан бошқани билмаган, ёхуд мактабда муаллимлик қилиб, бўрини очлик ўрмондан қувиб чиқаради, деб болаларга таълим бериб юрган киши бўлса керак, энди бўлса, ҳамма нарсага аралашиб, ҳамма жойга тумшугини тикяпти. Масалан, поручик Лукаш каби кадр офицерлар эса биз билан улфатчилик қилишни эп кўрмаяпти.

Полковник кайфи бузилиб уйига қайтиб кетди. Эртасига эрталаб унинг кайфи тагин ҳам баттароқ бузилди, чунки ўрнида ётиб газеталарни варақлаётган пайтда уруш майдонидан олинган маълумотларни ўқиб туриб: «Бизнинг қўшинларимиз олдиндан тайёрланиб қўйилган позицияларга чекиндилар», деган жумлага бир неча марта кўзи тушди. Австрия армияси учун худди Шабач\* кунларига ўхшаш унутилмас давр бошланди.

Полковник ўзи ўқиган шу маълумотлардан таъсирланиб, эрталаб соат ўнларда ўз вазифасини бажаришга киришди. Кўнгилли аскар бу вазифани Қиёмат деб атаганлиги тўғри бўлса керак.

Швейк билан кўнгилли аскар ҳовлида туриб, полковникни кутмоқдалар. Ҳамма: фельдфебель, навбатчи офицер, полк адъютанти ва полк маҳкамасининг мирзаси тўпланган эди. Полк маҳкамасининг мирзаси гуноҳкорлар тўғрисидаги материалларни ушлаб турибди. Бу гуноҳкорларни Немизида — полк рапортининг қиличи кутмоқда.

Ниҳоят, кўнгиллилар командасининг бошлиғи капитан Сагнер билан бирга полковник хўмрайиб келиб

қолди. У асабийланиб этикларининг баланд кўнжига қўлидаги қамчи билан уриб турарди.

Полковник рапортни қабул қилиб бўлгач, жимжит сукунатда Швейк билан кўнгилли аскар ёнидан бир неча марта ўтди, улар полковник чапга ўтса, «чапга қараб», ўнгга ўтса «ўнгга қараб» қаққайиб туравердилар. У гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга тинмай юриб турарди, полковник шу қадар узоқ юрдик, сидқидил билан гоҳ чапга, гоҳ ўнгга бурилаётган Швейк билан кўнгилли аскарнинг бўйни қайрилиб кетгандек бўлди. Ниҳоят, полковник кўнгилли аскар олдига келиб тўхтади. Кўнгилли аскар рапорт бериб, деди:

— Мен кўнгилли аскар...

— Билаган,— деди қуруққина қилиб полковник,— кўнгилли ҳаромилардан эканлигингни биланман... Урушдан олдин ким бўлгансиз? Классик фалсафа студентими? Демак ичкиликка берилиб кетган зиёли экансизда... Жаноб капитан,— деди у Сагнерга,— кўнгиллиларнинг бутун машқ командасини бу ерга олиб келинг... Ҳа, шундай қилинг,— давом этди полковник яна кўнгилли аскарга қараб,— классик фалсафа студенти, мана шу жаноб билан бизникилар умрини беҳуда ўтказиб юрибди. Kehrt euch!<sup>1</sup> Ўзим ҳам билардим. Шинелнинг тахлари тўғриланмабди. Ҳозиргина ўйнашининг олди-дан келганга ёки пичанзорда думалаб ётганга ўхшайди. Ҳали қараб туриг, қароғим, мен сизга кўрсатиб қўяман.

Кўнгиллилар командаси ҳовлига кириб келди.

— Дикқат!— деб полковник команда берган эди, ҳамма уни ва гуноҳкорни тўрт томондан ўраб олди.

Полковник қўлидаги қамчи билан кўнгилли аскарни кўрсатиб ваъз бошлади:

— Мана бу кишига қаранглар. У бизнинг ор-номусимизни ичкилик билан қўшиб ичиб юборибди, офицер, командир бўлишига, солдатларни шон-шуҳратимизни кўтармоқ учун жанг майдонига олиб борадиган командир бўлишга тайёрланаётган кўнгилли аскарнинг шарафини қўшиб ичиб юборибди. Бу ичкиликбоз ўз солдатларини қаёққа олиб боради? Қовоқхонадан қовоқхонага олиб бораверарди! Солдатларга тегишли ромнинг ҳаммасини бир ўзи ютиб адо қилган бўлар эди... Сиз,—

<sup>1</sup> Орқага буриг! (немисча).

деди полковник кўнгилли аскарга қараб,— ўзингизни оқлаш учун нималарни айта оласиз? Ҳеч нима деёлмай-сизми? Буни қаранг-а! У ўзини оқлаш учун бир оғиз гапира олмас эмиш. Яна классик фалсафани ўқиган эмиш! Ҳақиқатан классик ҳолат деб мана шунга айтилади!— полковник кейинги сўзларни атайин бурро қилиб гапириб, тупуриб қўйди.

— Кечаси маст бўлиб офицерларнинг фуражкаларини уриб тушириб юрган классик файласуф! Э, махлуқ! Яхшики, ўша офицер артиллериянинг қандайдир офицери экан.

Шу сўзларда Тўқсон биринчи полкнинг Будейовицадаги артиллерияга бўлган душманлиги ифодаланди. Кечаси пиёда солдатларнинг қўлига тушиб қолган тўпчининг ёки тўпчилар қўлига тушиб қолган пиёда аскарнинг шўри қурирди. Уларнинг бир-бирига душманлиги чуқур ва мурасага келтириб бўлмайдиган, қон талаб, бир авлоддан иккинчи авлодга мерос бўлиб ўтиб келатган душманлик, хунрезлик эди. Ҳар иккала томон ҳам ўз душманлигини анъанавий ҳолатларда намойиш қиларди: гоҳ баъзи жойда пиёда аскарлар тўпчиларни Влтава дарёсига улоқтириб юборар, гоҳ бунинг аксича бўлар эди. Жаңубий Чехия пойтахтидаги «Порт Артур», «Гулзор» деб аталган ва бошқа жуда кўп майхоналарда муштлашишлар бўлиб турарди.

— Шундай бўлса ҳам,— деб давом қилди полковник,— бундай ноҳўя ҳаракат қаттиқ жазоланиши лозим, бу махлуқ кўнгиллилар мактабидан чиқариб юборилиши керак, маънавий емирилиши керак. Армияга бундай оиймтиллаларнинг кераги йўқ. *Regimentskanzlei!*

Қовоғидан қор ёғилиб турган полк мирзаси қалам ва тайёр ишларни кўтариб полковник олдига келди.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Бундай жимжитлик қотил суд қилинаётган ва раис: «Ҳукм эълон қилинади»... деб ҳукм ўқий бошлаган суддаги жимжитликка ўхшарди.

Полковник худди шундай важоҳат билан эълон қилди:

— Кўнгилли аскар Марек йигирма бир кун қаттиқ қамоққа ҳукм қилинади ва жазо муддатини ўтагач, картошка тозалаш учун ошхонага юборилади!

---

<sup>1</sup> Полк мирзаси! (немисча.)

Сўнгра полковник кўнгиллилар командасига бури-  
либ, буюрди:

— Колонна бўлиб сафга тизилинглар!

Кўнгиллилар ҳар сафда тўрт кишидан бўлиб тез сафга тизилиб кетаётганликлари эшитилиб турди. Полковник капитан Сагнерга, команда етарли равишда аниқ қадам ташламаяпти, деб таъзир берди ва тушқи овқатдан кейин улар билан юришни машқ қилинг,— деди.

— Қадамлар гумбурлаб туриши керак, жаноб капитан. Айтгандай, бир гап эсимдан чиқай дебди,— деб қўшиб қўйди полковник,— кўнгиллилар командасининг ҳаммаси беш кунгача отпускадан маҳрум қилинади, шуни уларга айтиб қўйинг, токи улар ўзларининг собиқ шериклари бўлмиш мазкур аблаҳ Марекни унутмайдиган бўлсинлар.

Аблаҳ деб номланган Марек эса, гоёт мамнуи бир қиёфада Швейк ёнида турарди. У бундан кўра яхшироқ натижани кута олмас эди. Душманининг шиддатли ўти остида, иштонини сузма халта қилиб «Einzelabfallen! Bajonett aut!»<sup>1</sup> деб бақириб юргандан кўра, ошхонада картошка артиш, бўғирсоқ пишириш ва гўшт тўғраш жоннинг роҳати-ку.

Полковник Шредер капитан Сагнердан нарига бориб, Швейк олдида тўхтади ва унга тикилиб қаради. Шу пайтда Швейкнинг жилмайиб турган ялпоқ чехраси ва бостириб кийилган фуражка остидан дўплайиб чиқиб турган катта қулоқлари унинг ташқи ҳолатини ҳаммадан кўра яхшироқ ифодалаб турарди. Швейкнинг қиёфаси унинг жуда ювош одамлигини ва у ўзини заррача ҳам гуноҳкор деб ҳис қилмаётганлигини билдирарди. Унинг кўзлари: «Ахир мен бирор ёмонлик қилдимми?» «Меннинг гуноҳим нима?» деб савол бераётгандек термиларди.

Полковник ўзининг кузатишларини полк мирзасига берилган қўйидаги саволида яқунлади:

— Савдойими?— Шу онда полковникнинг кўзи Швейкнинг маъсумона табассум билан кенг очилаётган оғзига тушди.

— Худди шундай, жаноб полковник, савдойиман,— жавоб берди Швейк мирзанинг ўрнига.

<sup>1</sup> Кетма-кет юринглари! Найзаларни чиқариб қўйинглари! (немисча).

Полковник адъютантга имлаб, у билан бирга ўзини сал нарироққа олди. Сўнгра у полк мирзасини чақирди, улар Швейк тўғрисидаги материални қараб чиқдилар.

— Энди билдим!— деди полковник Шредер.— Демак, поручик Лукашнинг деншчиги шу экан-да. Поручикнинг рапортига биноан Таборга бориб қолган деншчик шунинг ўзи экан-ку. Менимча, жаноб офицерлар ўз деншчикларини ўзлари тарбиялашлари лозим. Модомки, жаноб поручик Лукаш ўзига шундай савдойини деншчик қилиб олган экан, энди бунинг азобини ўзи тортаверсин. Ўзи улфатларга қўшилмайди, бинобарин, унинг бўш вақти кўп. Сизлар ҳам унинг биз билан улфатчилик қилганини бирон марта кўрганмисиз? Мана, айтдим-ку. Демак, унинг ўз деншчигини мулла қилиш учун вақти кифоя қилади.

Полковник Шредер Швейк олдига келди ва унинг хушрўй чеҳрасига қараб туриб, деди.

— Уч кун қаттиқ қамоқ, аҳмоқ, ҳайвон! Жазо муддатини ўтагач поручик Лукаш ҳузурига борасиз.

Шундай қилиб, Швейк полк гауптвахтасида яна ўша кўнгилли билан учрашди, поручик Лукашни полковник ўз ҳузурига чақиртириб, ундан қуйидаги гапларни эшитганида Луваш ҳам ғоят хурсанд бўлган бўлса керак:

— Жаноб поручик, бундан бир ҳафта олдин сиз полкка келганингизда менга рапорт бериб, деншчигингиз Табор вокзалида йўқолиб қолганлиги сабабли ўзингизга бир деншчик юборилишини илтимос қилган эдингиз. Аммо сизнинг деншчигингиз қайтиб келганлиги сабабли...

— Жаноб полковник...— деб ёлворди поручик.

— ...мен уни уч кун қамаб қўйишга қарор қилдим, қамоқдан чиққач уни сизга юбораман,— деди чўрт кесиб полковник.

Лукаш нима дейишини билмай гангиб полковникнинг кабинетидан чиқиб кетди.

\* \* \*

Швейк кўнгилли Марек билан уч кун улфат бўлиб, жуда маза қилди. Ҳар куни кечқурун улар ватанпарварлик концертлари ташкил этардилар. Кечқурун гауптвах-

тадан: «Худо, подшоимизни омон сақла», сўнгра Prinz Eugen, der edle Ritter!»<sup>1</sup> ашулалари янграб турадиган бўлиб қолди.

Кейин бошқа солдатча қўшиқларни бошлаб юборишар, профос келганида эса уни қуйидаги қўшиқ билан кутиб олишарди:

Қўрқма, ҳазрат, қўрқма ҳеч ҳам,  
Улугурмайсан ўлишга.  
Шайтон келар, тиригингча  
Жонгинангни олишга.

Қўнгилли аскар каравотлар ёнидаги деворга профоснинг суратини чизиб, остига қуйидаги қадимий қўшиқ сўзларини ёзиб қўйди:


Прагага чоңдим қолбаса истаб.  
Бирдан учраб қолди менга бир безтаб:  
Безтаб — ўша ҳазрат, тўхтатиб мени  
Тишлаб олай деди ногоҳ бурнимни.

Улар Севильеда қизил алвон билан Андалузия буқасининг жиғига теккан каби иккови профоснинг жиғига тегиб турган бир маҳалда поручик Лукаш юраги ғаш бўлиб, Швейкнинг келишини ва ўз вазифамни бажаришга киришдим, деб рапорт беришини кутмоқда эди.

---

<sup>1</sup> Шаҳзода Евгений, шавкатли рицарь (немисча).





### III боб

## ШВЕЙКНИНГ КИРАЛЬ-ХИДДАГИ САРГУЗАШТЛАРИ

Тўқсон биринчи полк Мост-Литава яъни Кираль-Хид шахрига кўчирилди.

Швейк уч кун қамалиб ётди. Бўшатишдан уч соат олдин уни кўнгилли аскар билан бирга бош гауптвахтага ўтказишди, бу ердан эса соқчилар билан вокзалга жўнатишди.

— Бизни Венгрияга кўчиришларини аллақачон билардим,— деди Швейкка кўнгилли аскар.— Машқ батальонлари Венгрияда тузилади, шундай батальон тузилаётган вақтда бизнинг солдатларимиз отишни машқ

қилиб, мадьярлар билан муштлашиб қоладилар. Сўнгра биз маза қилиб Карпатга жўнаймиз. Будейовидага эса мадьярлар гарнизонини жойлаштиришади, ани шу тариқа қабилалар аралаш-қуралаш бўла бошлайди. Бошқа миллатнинг қизларини зўрлаш — миллатнинг айнаб бузилиб кетмаслиги учун энг яхши восита деган назария бор. Ўттиз йиллик уруш вақтида шведлар билан испанлар, Наполеон замонида эса французлар шундай қилишган эди, энди бўлса Будейовица ўлкасида мадьярлар худди шундай қилишади, уларнинг зўрлаши асло қўпол ҳаракатлар билан бўлмайди. Бундай аралаш-шиш ўз-ўзидан бўлаверади. Икки ўртада шунчаки моваза бўлади: чех солдати венгер қизи билан алоқа қилаверади, бечора чех батрак қизи эса, венгер гонведига ўз бағрини очиб беришга мажбур. Орадан бир неча аср ўтгач, антропологлар Мальши дарёсининг соҳилларидаги аҳоли орасида юзининг икки ёноғи бўртиб чиққан одамлар пайдо бўлганини кўриб, булар қаёқдан келиб қолди экан, деб ҳайрон бўлиб юрадилар.

— Бундай дурагайлашиш, — деди Швейк, — умуман, жуда қизиқ нарса. Прагада Христиан номли бир негр кельнер бор. Унинг отаси Ҳабашистоннинг подшоиси бўлган экан. Ўша подшоиси Прагада Штваницадаги\* циркка олиб келиб кўрсатишган эди. Унга бир муаллима хотин ошиқ бўлиб қолибди. Ўша хотин чўпон болалар ва ўрмондаги жилғалар тўғрисида «Лада»\* журнаliga шеърлар ёзиб юрар эди. Муаллима хотин ўша ҳабаш билан меҳмонхонага бориб, муқаддас китобда ёзилганидек, «у билан қовушибди». Кейин оппоқ танил ўғил бола туғибди ва буни кўриб ўзи ҳайрон бўлиб қолибди! Бироқ чақалоқ туғилганидан кейин икки ҳафта ўтмасданоқ қорая бошлади. Секин-секин қораявериб, бир ой деганда унинг бадани тим қора бўлиб қолибди. Орадан ярим йил ўтгач, бола ўзининг отасидан, яъни Ҳабашистон подшосидан ажратиб бўлмайдиган даражада қоп-қорайиб кетибди. Боланинг онаси уни тери касалликлари клиникасига олиб бориб, бу боланинг танини бир амаллаб оқартириш мумкин эмасмикин, деб илтимос қилибди, лекин клиникадагилар унга боланинг бадани чинакам ҳабаш бадан, буни сира ўзгартириб бўлмайди, дейишибди. Шундан сўнг муаллима савдойи бўлиб қолиб, қора танини оқартирадиган дори борми, деган саволлар ёзилган хатларни ҳамма жур-

наларнинг «Журналхонларга маслаҳатлар» деган бўлимига юбора бошлабди. Шундан кейин уни Катержинкига\* олиб кетишибди, ҳабаш болани эса етимхонага жойлаштириб қўйибди. Бола шу етимхонада тарбияланаётган вақтда ҳаммага эрмак бўлиб юрди. Ўсиб-улғайиб, кейин у кельнер бўлиб хизмат қиладиган бўлиб қолди ва тунги майхоналарда рақс тушиб юрди. Ҳозир унинг болалари чех-мулат бўлиб туғиляпти, лекин унинг ўзига ўхшаган қоп-қора эмас. Бироқ «Товоқ устида» қовоқхонасида бизга бир фельдшернинг айтишига қараганда, тананинг туси унчалик оддий нарса эмас: бундай мулатдан ўзига ўхшаш мулатлар туғилаверади. Аммо кейинги туғилган мулатларни оқ танли кишилардан ажратиб бўлмайди, лекин бир неча авлоддан кейин шундай мулатлардан яна негр туғилиб қолиши мумкин. Шунақа шармандалик бошингизга тушса нима қиласиз: фараз қилайлик, сиз оппоққина бир қизга уйландингиз. Мана шу момикдай оқ қиз, яъни сизнинг хотинингиз бир кун сизга қоп-қора ҳабашни туғиб берса-я. Башарти у туғмасдан тўққиз ой олдин сизнинг йўғингизда варьетега бир марта борган бўлса ва негр иштирок қилган французча курашни кўрган бўлса, ана ўшанда хаёлингизга нималар келишини ўзингиз биласиз.

— Сиз айтган Христанан номли негр қандай пайдо бўлганлигини ҳарбий нуқтаи назардан ҳам муҳокама қилиш зарур,— деб таклиф қилди кўнгилли аскар.— Ўша негр армияга чақирилди деб фараз қилайлик, у прагалик бўлгани учун, албатта йигирма саккизинчи полкка қабул қилинади. Йигирма саккизинчи полк руслар томонига ўтиб кетганлигини эшитган бўлсангиз керак. Руслар Христиан деган негрни асир қилиб олганларидан кейин ҳайрон бўлиб қолишларини тасаввур қилинг. Австриянинг мустамлакалари бўлмаса ҳам, у мустамлакадан олинган қўшинларни урушга ҳайдаяпти, (аслида Австриянинг мустамлакаси йўқ) энди Австрия қора танли резервларни ишга солишга мажбур бўлди, деган хабарлар рус газеталарида босилиб чиқаверди.

— Австриянинг мустамлакаси бор, деган гап қулоғимга чалинган эди,— деди Швейк.— Бу мустамлака шимолда эмиш. Император Франц-Иосиф ери деб аталар эмиш.

Соқчилардан бири гапга аралашди:

— Бу гапларни қўйинглар, йигитлар. Ҳозир император Иосифнинг қандайдир ери тўғрисида гапириш хатарли бўлиб қолди. Энг яхшиси — номини айтманглар.

Кўнгилли аскар гапни бўлиб деди:

— Ишонмасангиз харитага қаранг. Ҳақиқатан ҳам шафқатли подшоҳимиз император Франц-Иосифнинг ери бор. Статистика маълумотларига қараганда, ўша Ер нуқул муздан иборат, ўша музларни Прага холодильникларига қарашли музёра кемаларга солиб олиб кетишади. Бизнинг муз саноатимиз чет мамлакатларда ҳам юксак баҳо ва ҳурматга сазовор бўлди, чунки бу корхона гарчи хавфли бўлса ҳам, аммо жуда сердаромад. Франц-Иосиф Еридан музни ташиб келишда уни Қутб донрасидан олиб ўтиш энг хатарли ҳисобланади. Буни ўзингиз тасаввур қила оласизми?

Соқчи ниманидир ўзича дўнғиллаб қўйди, соқчилар бошлиғи капрал эса яқинроқ келиб, кўнгилли аскарнинг гапларига қулоқ сола бошлади. У ўзини доншманд қилиб кўрсатгандай бўлиб гапни давом эттирди:

— Австриянинг ана шу бирдан-бир мустамлакаси бутун Европани муз билан таъминлаши мумкин. У жуда катта иқтисодий омилдир. Аммо ўша мустамлакага одамларни жойлаштириш секин боряпти, чунки одамлар у ерга боришни сира истамайдилар, баъзи кўчириб олиб борилган одамлар эса, у еда музлаб қолмоқда. Шундай бўлса ҳам, Савдо министрлиги ва Ташқи ишлар министрлиги у ердаги иқлим шароитининг яхшиланишидан жуда манфаатдор, бу шароит яхшиланиши билан бепоён муз майдонларидан тегишли равишда фойдаланилади, деган умид пайдо бўлади. Бир неча меҳмонхоналар қурилганидан кейин у ерга жуда кўп саёҳатчилар жалб қилинади. Саёҳатчиларга қулайлик туғдириш учун музлар ўртасида сўқмоқ ва катта йўллар қуриш, музларнинг устига саёҳатчилар учун бўёқлар билан белгилар чизиб қўйиш керак, албатта. Фақат эскимослар бирдан-бир қийинчилик туғдириб турибди, улар маҳаллий органларимизнинг ишига ғов солмоқдалар...

Капрал бу гапларни қизиқиб тингларди. Белгиланган муддатдан ошиқ хизмат қилаётган ва ўтмишда батрак бўлган бу солдат ўзи ҳеч бир тушунмаган нарсаларни гапириб, мақтаниб юришни яхши кўрадиган қайсар ва калтафаҳм киши бўлиб, унинг бутун фикри-зикри хиз-

мат қилавериб, фельдфебель даражасига кўтарилишдан иборат эди.

— ...Маориф министрлиги пулли аямай ва одамларни қурбон қилиб бўлса ҳам, эскимослар учун иккита мактаб қуриб берди, жаноб капрал, аммо ўша муттаҳам эскимослар немис тилини ўрганишни хоҳламаяпти. Ўша мактабларни қуриш вақтида бинокор-архитекторлардан беш киши музлаб қолибди ва...

— Гишт терувчилар жонларини омон сақлаб қолибди,— деб унинг гапини бўлди Швейк.— Улар трубка чекиб, ўзларини иситиб туришибди.

— Лекин ҳаммаси эмас,— деди эътироз билдириб кўнгилли аскар.— Уларнинг иккитаси бахтсиз ҳодисага учрабди. Трубкани тинмай тортиб тутатиб туришни унутиб қўйишибди, шу сабабли трубкалари ўчиб қолибди, бечораларнинг ўлигини муз ичига кўмишга тўғри келибди. Лекин шундай бўлса ҳам, мактаб ахири қуриб битказилди. Мактаб биноси темир-бетон билан муз гишталардан қурилди. Жуда мустаҳкам иморат бўлди. Ана шунда эскимослар муз парчалари орасида қолиб кетган савдо кемаларини мактаб атрофига тўплаб, катта гулхан қилдилар ва шу тариқа ўз планларини амалга оширдилар. Мактаб биносини кўтариб турган муз эриб кетди, бутун мактаб директори ва ҳукумат вакили билан бирга денгизга фарқ бўлди. Ҳукумат вакили мактабни тантанали очиш маросимида қатнашиш учун келган эди. Мана шундай даҳшатли пайтда ҳукумат вакили сувга ботиб кетаётганида унинг «Got, strafe England!»<sup>1</sup> деб қичқираётган овозигина эшитиларди. Энди эскимосларни тартибга солмоқ учун у ерга қўшин юборилса керак. Аммо улар билан урушиш жуда қийин. Уларнинг ўргатилган оқ айиқлари бизнинг қўшинларимизга ҳаммадан кўра кўпроқ зарар етказиши турган гап.

— Энди бу ҳам бормиди,— деди донишмандлик билан капрал.— Бусиз ҳам ҳарбий ихтиролар тўлиб ётибди. Масалан, заҳарли газдан сақлайдиган ниқобларни олиб кўрайлик. Уни бошингга кийиб олдингми, дарров заҳарланиб қўя қоласан, унтер-офицерлар мактабда бизга шундай деб таълим беришган.

— Шундай деб қўрқитишади холос,— деди Швейк.—

---

<sup>1</sup> Худо, Англияни жазола! (немисча).

Солдат ҳеч балодан қўрқмаслиги керак. Масалан, агар сен жангда ҳожатхона ўрасига ботиб қолсанг, ўзингни ялаб тозалаб жангни давом эттиравер. Бизлар заҳарли газлардан қўрқмаймиз — айниқса казармада солдат пони билан нўхат шўрва ича бериб бунга одатланиб қолганмиз. Аммо руслар атайин унтер-офицерларга қарши ишлатиладиган бир бало ўйлаб чиқаришган дейишади.

Кўнгилли аскар бу гапга илова қилиб деди:

— Қандайдир алоҳида электр ўйлаб чиқаришган. Уни унтер-офицер ёқасидаги целлоид юлдузчаларга туташтирилса, дарров портлаб кетади. Ҳар кун янги-янги даҳшатли воқеалар бўлиб турибди.

Қапрал гарчи ҳарбий хизматдан олдин ҳам ўта кетган ҳафтафаҳм киши бўлса-да, ниҳоят, ўзи калака қилинаётганлигини тушуниб қолди. У маҳбуслардан ўзини четга олиб, соқчиларга бош бўлиб кетаверди.

Улар вокзалга яқинлашиб қолишди. Ўз полки билан хайрлашишга келган будейовицаликлар вокзал олдида тўпланишган эди.

Бу хайрлашиш гарчи расмий намоён тарихида бўлмаса ҳам, аммо вокзал олдидаги бутун майдон қўшин келишини кутиб турган халқ билан тўлган эди.

Саф-саф бўлиб томоша қилиб турган халойиқ Швейкнинг бутун диққат-эътиборини жалб қилди. Ҳамиша бўлганидек, бу сафар ҳам соқчилар қўриқлаб бо-раётган маҳбуслар анча олдинга ўтиб кетишди, ибратли солдатлар эса орқада келаверди. Ибратли солдатларни бузоқлар ташиладиган вагонларга тиқиб қўйишади, Швейк билан кўнгилли аскарни эса алоҳида қамоқ вагонига ўтқазишади, бу вагон ҳарбий поездларга ҳамиша штаб вагонларидан кейин тиркаб қўйилади. Қамоқ вагонда жой сероб ва бемалол бўлади.

Швейк ўзини тутиб тура олмайди, фуражканини силкитиб халойиққа қараб туриб қичқирди:

— Яшасин!

Халойиққа бу ҳолат ҳақиқатан ҳам жуда кучли таъсир қилди, ҳамма унинг кетидан баланд овоз билан қичқирди.

— Яшасин!— Бу хитоб бутун майдонга ёйилди ва вокзал олдида турганларни ларзага келтирди.

Олисдаги одамларнинг сафларидан:

— Келишяпти!— деган сўзлар эшитилди.

Соқчилар бошлиғи ўзини йўқотиб қўйди ва Швейка, оёғининг юм, деб қичқирди. Лекин табрик хитоби сел тўлқинидек кучая берди. Жандармлар халойиқ орасини ёриб ўтиб, соқчиларга йўл очиб бердилар. Халойиқ эса «Яшасин!» деб қичқирар, шапкалари ва шляпаларини тинмай силкитар эди.

Бу чидакам намойиш эди. Вокзал қаршисидаги меҳмонхона деразалари олдига келиб турган қандайдир хонимлар рўмолчаларини силкитиб қичқирарди: **Heil!**

Халойиқ орасида «яшасин!» деган хитобларга «**heil den Serben!**»<sup>1</sup> деган хитоблар қўшилиб кетди. Шу ҳолатдан фойдаланиб «**Nieder mit den Serben!**» деб қичқирган қандайдир жонкуярнинг оёғини одамлар чалиб юборишди, улар атайин қилинган ур-йиқитда ағдарилиб тушган ўша жонкуярни тепиб ўтиб кетишаверди.

— Келишяпти! — бу хитоб халойиқ орасидан тўдама-тўда ўтиб тарқалди.

Швейк ва кўнгилли аскар билан соқчилар яқинлашиб кела бошладилар. Соқчилар орасида келаётган Швейк қўлларини найзалардан баланд кўтариб, халойиқни табриклагандай бўлиб силкитмоқда эди. Кўнгилли аскар эса, жиддий тусда ҳарбийларча честь бериб келарди.

Улар вокзалга қадам қўйиб, йўлда турган ҳарбий поезд томон ўтишди. Уқчи полк оркестри улар шарафига «Тангрим, подшомизни омон сақла!» маршини чалиб юборишига сал қолди, чунки тўсатдан бошланиб кетган намойиш капельмейстерни гангитиб қўйган эди. Яхшики Еттинчи кавалерия дивизиясининг обер-фельдкурати, қора қалпоқ кийган патер Лацина келиб қолиб, тартиб ўрната бошлади.

Обер-фельдкурат бу ерга жуда оддий йўл билан келиб қолди.

Офицерлар улфатчилигида еб тўймаслиги ва ичкилик-бозлик қила бериши билан ҳамманинг жонига теккан патер Лацина кеча Будейовицага келган ва жўнаб кетаётган полк офицерларининг кичикроқ бир базмига тасодифан кириб қолган эди. Бир ўзи ўн кишининг овқатини еб ва ичкилигини ичиб, оз-моз кайфи ошиб қолган патер Лацина қолган-қутган овқатларни сўраб ейиш

<sup>1</sup> Йўқолсин серблар! (немисча).

учун офицерлар ошхонасига кирди. Ошхонада у бир талай овқат ва сомсаларни еб, суякларни мушук ғажигандек сип-силлиқ қилиб қўйди. Ниҳоят, ичкиликлар сақланадиган хонага кириб, у ерда ўлгудек ром ичди ва сўнгра хайрлашув кечасига қайтиб келиб, ичишни яна давом эттириб, ғирт маст бўлди.

Бу жиҳатдан унинг тажрибаси катта эди. Еттинчи кавалерия дивизиясининг офицерлари у еган овқат ва ичкиликнинг пулини ҳамиша ўзлари қўшиб тўлашга мажбур бўлар эдилар.

Эртасига эрталаб унинг миясига, полкнинг биринчи эшелонларини жўнатиш чоғида тартиб ўрнатишим керак, деган фикр келиб қолди. Шунинг учун ҳам у вокзалда тўпланган аскарлар олдида у ёқдан-бу ёққа тинмай юриб турди ва шу қадар серғайрат бўлиб ҳаракат қилдики, эшелонларни жўнатишга раҳбарлик қилаётган офицерлар унга кўринмаслик учун станция бошлигининг маҳкамасига кириб ўтиришга мажбур бўлдилар.

Капельмейстер «Тангрим, подшомизни омон сақла!»ни бошлаб юбориш учун қўлини силкитмоқчи бўлиб турган бир пайтда у вокзал олдида пайдо бўлиб қолди.

Обер-фельдкурат капельмейстернинг дирижёрлик чўпини қўлидан тортиб олиб, бақирди:

— Halt!<sup>1</sup> Ҳали эрта. Қачон бошлаш кераклигини ўзим айтаман. Аммо ҳозир ruht. Мен дарров келаман.

Шундан сўнг у вокзал томон юриб соқчиларни қувлаб етиб олди ва уларни «Halt» деб қичқириб тўхтатди.

Бутунлай саросимага тушиб қолиб энди нима қилишини билолмай турган капралдан қатъиян билан сўради:

— Қаёққа кетяпсизлар?

Капралнинг ўрнига Швейк хушрўйлик билан жавоб берди:

— Бизни Брукка олиб кетишяпти, жаноб обер-фельдкурат. Агар истасангиз биз билан бирга боришингиз мумкин.

— Албатта бораман!— деди патер Лацина ва соқчиларга бурилиб қичқирди:— Мени бора олмайди, деб ким айтяпти? Vorwärts! Marsch!<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Тўхта! (немисча).

<sup>2</sup> Олга! Марш! (немисча).



Шу тариқа қамоқ вагонига чиқиб олган обер-фельдкурат катга ётиб олди, раҳмдил Швейк эса, ўзининг шинелини ечиб, патер Лацинанинг бошига ёстиқ қилиб қўйди.

Кўнгилли аскар ҳанг-манг бўлиб турган капралга қараб секингина деди:

— Обер-фельдкуратга мулозамат қилиб туриш керак!

Патер Лацина катда жойлашиб ётиб олиб, изоҳ бера бошлади:

— Қўзиқорин билан қовурилган рагуннинг қўзиқорини нечоғлик кўп бўлса, жаноблар, у жуда лаззатли бўлади. Лекин қўзиқоринни олдин пиёз билан қовуриб олиб, сўнгра рагуга лавр япроғи ва пиёз аралаштириш керак.

Кўнгилли аскар гапга аралашиб деди:

— Уни олдин пиёз билан қовурган эдингиз-ку.

Капрал унга хўмрайиб қараб қўйди, чунки патер Лацина гарчи маст бўлса ҳам, лекин капрал учун ба-рибир бошлиқ эди.

Капрал ҳақиқатан мушкул аҳволга тушиб қолганди.

— Жаноб обер-фельдкуратнинг айтганлари жуда тўғри,— деди Швейк руҳонийнинг гапини қувватлаб.— Пиёз нечоғлик кўп қўшилса овқат шунчалик хуштам бўлади. Пакомержицеда пиво пиширувчи бир уста пивога ҳамиша пиёз соларди, чунки пиёз одамни ташна қила беради дейишади. Умуман, пиёз жуда фойдали нарса. Чипқонга ҳам пиёз қиздириб босишади.

Патер Лацина уйқу аралаш гўлдирайверди:

— Ҳар хил илдизларда гап кўп, қанча ва қанақа илдиз солганишига кўп нарса боғлиқ. Лекин овқатни нордон қилиб қўймаслик учун...— деб гапира бошлади у овозини тобора секинлаштириб,—...қалампир, лимон, илдизлар ва шу кабиларни кўп солиб юбормаслик учун...

У гапи тамом бўлмасданоқ, ора-сира ҳуштак чалиб хуррак ота бошлади.

Капрал қаққайганича унга тикилиб турарди.

Соқчилар секингина пиқиллашиб кулиб қўйишди.

— Ҳали-бери уйғонмаса керак,— деди Швейк.— Ўлгудай ичибди!

Капрал, овозингни чиқарма, дегандек ҳадиксираб унга қўли билан имо қилди.

— Ўлгудек маст дедим-ку, энди ухлайверади-да,— давом қилди Швейк.— Эсизгина капитанлик унвони! Фельдкуратлар қандай унвонда бўлмасин, ҳаммасининг пешанасига худонинг ёзиб қўйгани шу: улар ҳар лимани баҳона қилиб ўлгудай ичаверишади. Мен фельдкурат Кацнинг қўлида хизмат қилганман, у агар қўйиб берсангиз ўзининг бурнини ҳам сотиб ичиб қўярди. У бундан кўра ҳам ғалатироқ қилиқлар қиларди. Биз у билан дароносицани сотиб ичганмиз. Агар худога харидор топилса, эҳтимолки, уни ҳам сотиб ичган бўлардик.

Швейк патер Лацинанинг олдига келди, уни девор томонга буриб ётқизиб қўйди-да, билармон кишилардек:

— Брукка етгунимизча хуррак отиб ётаверади...— дегач, яна ўзининг жойига қайтиб келди. Бечора капрал унга ачингандек қараб туриб, дўнғиллади:

— Катталарга хабар қилиб қўйиш керак эди.

— Бу шахтингиздан қайтинг,— деди кўнгилли аскар.

— Сиз соқчиларнинг бошлиғисиз ва бизни ташлаб кетишга ҳаққингиз йўқ. Яна бунинг устига, инструкцияга биноан, сиз бизни олиб юрган соқчилардан биронтасини бирор қоғоз билан у ёқ-бу ёққа юборишга ҳам ҳаққингиз йўқ ва уларни алмаштирадиган одамнингиз ҳам йўқ. Кўриб турибсизки, аҳволингиз жуда мушкул. Ўқ-овозини эшитиб бирор киши етиб келсин, деган ният билан ҳавога ўқ узишнинг ҳам иложи йўқ, чунки бу ерда бирор ҳодиса рўй бергани йўқ. Бундан ташқари, маҳбуслар вагонда маҳбуслар ва соқчилардан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги керак, деган буйруқ ҳам бор: бегона кишиларнинг бу вагонга кириши қаттиқ ман қилинади. Мабодо сиз ўз қилмишларингизнинг изини йўқотмоқчи бўлиб, поезд юриб кетаётган пайтда оберфельдкуратни вагондан ҳеч кимга билдирмай улоқтириб юбормоқчи бўлсангиз, бундан ҳам ҳеч бир иш чиқмайди, чунки бу ерда гувоҳлар бор, шу гувоҳлар сиз уни қонун ва тартибни бузиб вагонга киритганингизни кўришган. Хуллас, жаноб капрал, бунинг оқибати ёмон бўлади, сизни хизматингиздан бўшатиб юборишлари мумкин.

Капрал нима дейишини билмай бу ҳарбий руҳонийни вагонга мен киритганим йўқ, ўзи келиб бизга қўшил-

ди, ахир фельдкурат ҳам бошлиқлар қаторига киради-ку, деб нолиди.

Кўнгилли аскар бунга қатъий эътироз билдириб:

— Бу ерда фақат сиз бошлиқсиз,— деди, Швейк эса, бунга илова қилди:

— Ҳатто бизга император аъзамларнинг ўзлари қўшилмоқчи бўлганларида ҳам, бунга ижозат беришга сизнинг ҳаққингиз йўқ эди. Бу эса соқчиликда турган ёш солдатнинг қилиғига ўхшаш қилиқ бўларди. Соқчиликда турганларни текшириб юрган офицер ўша солдатнинг олдига келиб, мана бу пулга менга сигарета олиб келиб бериш, деб илтимос қилганида, солдат, сизга сигаретанинг қанақасини олиб келай, деб суриштира бошлаган экан. Бунақа қилиқлар учун қўрғонга қамаб қўйишлари турган гап.

Капрал чўчиб ва ранги оқариб, аввал Швейкнинг ўзи фельдкуратга, биз билан бирга бораверинг, деб таклиф қилди-ку, деди.

— Мен шундай қилишим мумкин, жаноб капрал,— жавоб берди Швейк,— чунки мен савдойи одамман, лекин сизни шундай қилади, деб ҳеч ким кутмаган эди.

Кўнгилли аскар шунчаки гапга аралашгандек бўлиб капралга савол берди:

— Сиз муддатидан ортиқ хизмат қилаётганингизга кўп бўлдимиз?

— Учинчи йил. Энди мени взвод бошлиғи қилиб қўйишлари лозим.

— Бундан умидингизни узаверинг,— деди кўнгилли аскар жеркиб.— Сизни вазифангиздан бўшатиб юборишлари мумкин, деб айтдим-ку.

Шу орада Швейк гапга аралашди:

— Бундоқ ўйлаб қарасам, сени взвод бошлиғи бўлиб турганингда ўлдиришадими, ёки оддий солдат бўлиб юрганингда ўлдиришадими, ҳеч қандай фарқи йўқ-ку.

Дуруст, бошлиқлик вазифасидан бўшатишларни энг биринчилар қаторида фронтга юборишади, дейишади.

Обер-фельдкурат қимирлай бошлади.

Швейк уни тимискилаб кўриб ва унга ҳеч бало урмаганлигига қаноат ҳосил қилиб деди:

Алаҳсираяпти. Тушнда ҳар хил овқатларни кўрган бўлса керак. Бу ерда унга бир бало бўлиб қолмасин, деб қўрқаман, холос. Менинг хўжайиним фельдкурат

Қац ичиб маст бўлиб қолганида уйқусида ҳеч нимани сезмас эди. Бир куни у...

Швейк шундай деди-ю, фельдкурат Отто Қац хизматида бўлган вақтида рўй берган ҳодисаларни ғалати тафсилотлар билан ҳикоя қилишга киришди. Ҳамма унинг гапига қизиқиб кетиб, поезд жойидан кўзгалганлигини ҳам сезмай қолди.

Орқадаги вагонлардан эшитилаётган бўкиришгина Швейкнинг ҳикоясини бўлиб қўйди. Нуқул крумловлик ва кашперлик немислардан иборат бўлган ўн иккинчи рота бўкирмоқда эди:

Wann ich kumm, wann ich kumm.  
Wann ich wieda, wieda kumm.<sup>1</sup>

Бошқа бир вагонда кимдир биров олисда қолиб кетаётган Будейовицага қараб фарёд қила бошлади:

Und du mein Schatz,  
Bleibst hier.  
Holario, holario, holo!<sup>2</sup>

Унинг фарёди шундай даҳшатли тус олдики, ўртоқлари бунга чидай олмай, уни ҳайвонлар ортиладиган вагоннинг очиқ эшигидан судраб ичкарига тортишди.

— Қизиқ, ҳанузгача бу ерга текшириш учун ҳеч ким келмади,— деди кўнгилли аскар капралга.— Қонунқоидага кўра, сиз бизни олиб келганлигингизни поезд комендантига вокзалдаёқ айтиб қўйишингиз керак эди, бунинг ўрнига сиз ҳар қандай маст обер-фельдкуратлар билан овора бўлиб юрдингиз.

Бечора капрал тинимсиз ўтиб бораётган телеграф симёғочларга мўлтайиб қараб, чурқ этмай ўтирарди.

Кўнгилли аскар заҳарханда билан гапни давом эттирди:

— Бизнинг тўғримизда ҳеч кимга хабар қилмаганингизни, биринчи станциядаёқ поезд коменданти албатта, келиб текширишини ўйласам, солдатлик қоним қайнаб кетяпти! Ахир биз киммиз...

— Лўлилар ёки дайдылар эмасмиз-ку,— деди гапга

<sup>1</sup> Мен қайтиб келганимда... (немис лаҳжасидаги қўшиқ).

<sup>2</sup> Сен бўлсанг, жонгинам, бу ерда қоласан. Холарио, холарио, холо! (немисча).

аралашиб Швейк.— Нега биз худонинг ёруғ кунидан кўрқамиз ва бизни қамаб қўйишмасин, деб ҳеч кимга кўринмаяпмиз?

— Яна бунинг устига,— деб давом этди кўнгилли аскар,— бир минг саккиз юз етмиш тўққизинчи йил йигирма биринчи ноябрдаги фармойишга асосан ҳарбий маҳбуслар темир йўлда олиб борилаётганида қўйидаги қоидаларга риоя қилиниши лозим: биринчидан, маҳбуслар вагонининг панжараси бўлиши лозим — бу қоидаларнинг изоҳга ҳожати йўқ, чунки бу ерда мана шу биринчи қоидага риоя қилинган; биз жуда мустаҳкам панжаралар билан беркитилган вагонда турибмиз. Демак, бу жиҳатдан камчилик йўқ. Иккинчидан, император ва қиролнинг бир минг саккиз юз етмиш тўққизинчи йил йигирма биринчи ноябрдаги фармойишига қўшимча равишда ҳар бир маҳбуслар вағонида ҳожатхона бўлиши лозим. Башарти, ҳожатхона бўлмаса, вагонни маҳбуслар ва уларни олиб бораётган соқчилар ўзларининг катта ва кичик ҳожатларини адо этишлари лозим бўлган қопқоқли идиш билан таъминламоқ керак. Бу қамоқ вағонида ҳожатхона борлиги тўғрисида гапиришга ўрин ҳам йўқ. Биз бутун дунёдан ажратиб қўйилган ва теварак-атрофи бекик шунчаки бир купеда турибмиз. Яна бунинг устига бу ерда ҳалиги идиш ҳам йўқ.

Нима дейишга иложи қолмаган капрал:

— Деразадан чоптиришингиз мумкин,— деди.

— Сиз бир нарсани унутманг,— деб эътироз қилди Швейк.— Маҳбуснинг дераза олдига келиши ман қилинади.

— Учинчидан,— деб давом қилди кўнгилли аскар,— вагонда ичиладиган сув солиб қўйилган идиш бўлиши лозим. Сиз бунинг ҳам ғамини еганингиз йўқ. А propos!<sup>1</sup> Бизга қайси станцияда тушлик овқат берилади? Билмайсизми? Сиз буни ҳам ҳеч кимдан суриштирмагансиз, деб ўйлаган эдим, ҳақиқатан тўғри бўлиб чиқди.

— Мана кўрдингизми, жаноб капрал,— деди Швейк.— Маҳбусларни вагонларда олиб юриш сизга ўйинчоқ эмас. Бизга ғамхўрлик қилиб туриш керак. Биз ўз-ўзига ғамхўрлик қилишга мажбур бўлган оддий солдатлар эмасмиз. Бизга ҳамма нарсани тахт қи-

<sup>1</sup> Хўш! (французча).

либ бериб туриш керак, бу хусусда фармойишлар ва параграфлар бор, бу фармойиш ва параграфлар бажарилиб туриши керак, акс ҳолда тартиб бўлмайди-ку! Менинг бир дайди ошнам ҳамиша айтар эдики, «қамаб қўйилган киши бамисоли йўрғакланган болага ўхшайди, шамоллаб қолмасин деб, ҳаяжонланмасин деб, ўз тақдиридан мамнун бўлсин деб ва ҳеч ким озор етказмасин деб унга ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туриш керак...» Сизга яна бир нарсани айтиб қўймоқчиман,— деди Швейк капралга дўстона қараб туриб,— соат ўн бир бўлиши билан дарров менга айтинг.

Капрал савол назари билан Швейкка қаради.

— Сиз, жаноб капрал, соат ўн бир бўлиши билан айтишимнинг нима ҳожати бор, деб мендан сўрамоқчи бўлиб турганга ўхшайсиз. Гап шундаки, жаноб капрал, соат ўн бирдан бошлаб мен ҳайвонлар ташиладиган вагонга ўтиб олишим керак,— тантанали равишда эълон қилди Швейк.— Полк рапортида мен уч кунга ҳукм қилинганман. Жазо муддатини ўташни мен соат ўн бирда бошлаганман ва бугун соат ўн бирда озод қилишим лозим. Соат ўн бирдан бошлаб мен бу ерда турмаслигим керак. Ҳеч бир солдат лозим бўлган муддатдан ортиқ қамоқда қолмаслиги лозим, чунки ҳарбий хизматда интизом билан тартиб биринчи ўринда туриши зарур, жаноб капрал.

Шу зарбдан сўнг бечора капрал анча вақтгача ўзига келолмади. Ниҳоят, у мен ҳеч қандай расмий қоғоз олганим йўқ деб эътироз билдирди.

— Азизим, жаноб капрал,— гапга аралашди кўнгилли аскар,— ёзма фармойишлар соқчилар бошлиғининг қўлига ўзи келиб қолмайди. Бас, шундай экан, соқчилар бошлиғи уни ўзи бориб олиши лозим. Сиз ҳозир фавқулодда бир ҳолатга тушиб қолдингиз: бўшаб кетиши лозим бўлган бирор кишини ушлаб туришга асло ҳаққингиз йўқ. Иккинчи томондан қараганда, мавжуд буйруқларга кўра, қамоқ вагонини ташлаб кетишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ростини айтсам, сиз бу мушкул аҳволдан қандай қилиб қутулишингизни билмайман. Борган сари аҳвол чатоқлашаверади. Ҳозир соат ўн ярим бўлди.— Кўнгилли аскар соатини чўнтагига солиб қўйди.— Мен бир нарсага жуда қизиқяпман, ярим соатдан кейин сиз, жаноб капрал, нима қилар экансиз?

— Ярим соатдан кейин мен ҳайвонлар вагонига бо-

риб ўз жойимни олишим керак,— такрорлади хаёл суриб Швейк.

Нима қилишини билмай довдираб қолган капрал Швейкка мурожаат қилди:

— Башарти сиз учун катта роль ўйнамаса... менимча сизга бу ерда ҳайвонлар вагонидагига қараганда анча ўнғайроқ бўлади. Менимча...

Унинг гапини обер-фельдкуратнинг уйқи аралаш бақирган товуши узиб қўйди:

— Масаллиги кўпроқ бўлсин!

Швейк обер-фельдкуратнинг бошидан тушиб кетган шинелни буклаб яна бошига қўйиб, эркалаган оҳангда:

— Ухлайвер, ухлайвер,— деди.

Кўнгилли аскар ашула бошлаб юборди:

Ухла, қўзим, ухлай қол,  
Кўзинг юмиб ором ол.  
Эркалагай, фаришта,  
Худо ҳамроҳ ҳар ишда,  
Ухла, қўзим ухлай қол...

Бечора капрал энди ҳеч кимга эътибор бермай қўйганди. У деразага термилиб ўтирар экан маҳбуслар купесиди ҳаммага тўла ихтиёр бериб қўйди. Панжара олдидаги соқчилар, «гўшт-гўшт» ўйнашар, шунинг учун ҳам қолган солдатлар уларнинг орқасига зўр бериб шапатилашишарди. Капрал уларга қайрилиб қараган эди, кўзи солдатнинг лорсиллаб турган орқасига тушди. Капрал энтикиб яна деразага бурилди.

Кўнгилли аскар бир дақиқа ўйлаб туриб, сўнгра тоқати тоқ бўлган капралга юзланди:

— Сиз «Ҳайвонлар олами\*» журналини ўқиганми-сиз?

Гап бошқа томонга бурилганидан мамнун бўлган капрал дарҳол жавоб қайтарди:

— Бизнинг қишлоғимизда қовоқхоначи шу журналга обуна бўлган эди. Эчкиларни яхши кўрарди, аммо унинг эчкилари ҳаминша ҳаром ўлаверганидан, бу тўғрида журналдан маслаҳат сўраб турарди.

— Азиз дўстим,— деди кўнгилли аскар,— ҳозир мен сизга бир воқеани айтиб бераман, бу воқеа хато қилмайдиган инсон бўлмаслигини сизга жуда яққол исботлаб беради. Ҳой, орқадаги жаноблар! Сизлар «гўшт-

гўшт» ўйнашни бас қиларсизлар, деб ўйлайман, ҳозир мен хикоя қилиб берадиган воқеа сизларга жуда қизиқ бўлиб кўриниши турган гап, чунки сизлар махсус терминларнинг кўпини тушунмайсиз. Ҳозирги уруш кулфатларини эсингиздан бир оз чиқариб тулинг, деб мен сизларга «Ҳайвонлар олами» тўғрисида сўзлаб бермоқчиман. Жуда қизиқ журнал бўлган «Ҳайвонлар олами» журналига қандай муҳаррир бўлиб қолганлигимни ўзим ҳам узоқ вақтгача тушуна олмай юрдим. Кейин тамомила эсимни йўқотиб қўйганлигим сабабли шунақа ишни зиммамга олган бўлсам керак, деган қатъий фикрга келдим. Гаек исмли эски бир ошнам бор эди. Унга бўлган дўстлик ҳисларим шу кулфатни бошимга солди. Гаек ўша журналга муҳаррирлик қилиб юрганида журналнинг ношири Фукснинг қизига хуштор бўлиб қолди. Фукс дарров Гаекни муҳаррирликдан ҳайдаб юборди ва ўрнига тузукроқ бир муҳаррир топиб беришни буюрди.

Одамларни ёллаш ва ишдан бўшатиш шартлари ўша вақтда жуда ғалати бўлганлигини кўриб турибсиз.

Дўстим Гаек мени журнал ноширига таништирди, у мени жуда яхши қабул қилди ва мендан ҳайвонлар тўғрисида бирор тушунчангиз борми, деб сўради. Менинг жавобимдан у жуда мамнун бўлди. Мен ҳайвонларни ҳамиша ҳурматлаб келганман ва уларни инсонликка ўтишдаги босқич деб биламан, ҳайвонларга ҳомийлик қилиш хусусида эса, мен уларнинг эҳтиёжлари ва истакларига айниқса кўпроқ эътибор бераман: ҳар бир ҳайвоннинг хоҳиши фақат битта, у ўзининг имкон борича озорсиз ўлдирилишини ва шундан кейингина овқат тариқасида истеъмол қилинишини истайди холос, дедим. Масалан, карп балиғини олиб қарайлик. Бу балиқ туғилган пайтидан бошлаб унда, ошпаз хотинларнинг балиқни тириклайини қорини ёриб тозалаши жуда ёмон, деган тасаввур маҳкам ўрнашиб қолган. Ёки бўлмаса, хўрозларнинг бошини кесиш одатини олиб кўрайлик. Ҳайвонларга ҳомийлик қилиш жамияти, паррандаларни тажрибасиз кишилар сўймасин, деб имкони борича курашиб келмоқда. Қовурилаётган хўрозларнинг бужмайиши улар ўзларининг маргаринда тириклайин қовурилаётганликларига қарши норозилик билдиришларини ҳаммадан кўра яхшироқ кўрсатиб туради. Куркаларга келганда...



Гап шу жойга етганда ношир менинг сўзимни бўлиб, паррандачилик, итларни боқиб кўпайтириш, қуёнчилик, асаларичилик билан, умуман, хилма-хил ҳамма ҳайвонларнинг ҳаёти билан танишмисиз, кўчириб босиш учун бошқа журналлардан суратларни қирқиб олишни, ҳайвонлар тўғрисидаги ажнабий журналларда босилган махсус мақолаларни таржима қилишни биласизми, Бремнинг китобларидан фойдалана оласизми ва католиклар календарига мослаб ҳайвонлар ҳаётига бағишлаган бош мақолалар ёза оласизми, об-ҳавонинг ўзгаришига, ов мавсумига, пойгаларга, полиция итларини ўргатишга атаб, миллий ва диний байрамларга мослаб мақолалар ёза оласизми, хуллас, сизда журналистик савияси борми ва қисқа, лекин мазмунли бош мақолада бирор ҳолатни тасвирлаб бериш қобилияти борми, деб сўради.

Мен, «Ҳайвонлар олами» синғари журнал ишини тўғри юритиш режасини аллақачон ўйлаб ва тузиб қўйганман, мўлжаллаб қўйилган бўлимлар ва бўлимчаларнинг ҳаммасини ўз зиммамга олишга тайёрман, чунки шу соҳаларга доир зарур маълумотлар ва билимларнинг ҳаммаси менда бор, дедим.

Яна журнални мисли кўрилмаган юксакликка кўтаришга, уни шакл жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам қайта ташкил қилишга ваъда бердим. Сўнгра мен, масалан, «Йиртқичлар юмори», «Ҳайвонлар тўғрисида ҳайвонларнинг фикрлари» деган (албатта сиёсий вазиятга мослаб) янги бўлимлар очмоқчи бўлганлигимни ва кутилмаган қизиқ-қизиқ воқеаларни тўхтовсиз ёритиб, турли ҳайвонлар тўғрисидаги мақолаларни босиш орқали журналхонларни довдиратиб қўймоқчи бўлганлигимни, «Йиртқичлар хроникаси» бўлимини уй ҳайвонлари тўғрисидаги проблемани ҳал қилишнинг янги программаси ва «Ҳайвонлар орасидаги ҳаракат» бўлими билан арлаштириб боришимни айтдим.

Журнал ношири яна гапимни бўлиб, шуларнинг ўзи бемалол кифоя қилади, деди ва агар сиз шу айтган режаларингизнинг лоақал ярмини бажаришга муваффақ бўлсангиз, мен сизга хонаки қушларнинг Берлинда ўтказилган кейинги кўргазмасида мукофот олган иккита митти қушни тортиқ қиламан, шу қушларнинг эгаси уларни жуфтлаштиришни яхши бажарганлиги учун ўша вақтдаёқ олтин медаль билан тақдирланган эди, деди.

Шуни айтишим мумкинки, кучим ва имкониятим бо-

рича ҳаракат қилдим ва ўзимнинг «ҳукумат программани» қобилиятим борича бажардим: яна бунинг устига бир нарса менга аён бўлиб қолди. Мен ўз режаларимда айтилган гаплардан ҳам кўра кўпроқ ишларни қилиб қўйибман.

Журналхонларга кутилмаган бирор янгиликни маълум қилмоқчи бўлиб ҳар хил ҳайвонларни ўзим ўйлаб чиқаравердим. Мен фил, йўлбарс, арслон, маймун, кўркаламуш, от, чўчқа ва шу кабилар «Ҳайвонлар олами» журналинини ўқиб турган ҳар бир кишига аллақачон маълум жониворлар, энди қандайдир бирор янги кашфиётлар билан журналхонларни қитиқлаш керак деган принципга асосландим. Тажриба тариқасида «олтин гугуртли наҳанг»ни ишга солдим. Наҳангнинг бу янги тури треска балиғи катталигида бўлиб, у ичи сичқон кислотаси тўла пуфак билан таъминланган, унинг пўкони ҳам алоҳида бир тарзда тузилган. Олтингугуртли наҳанг мана шу пўкондан алоҳида кислотани портлатиб чиқариб туради, бу кислота майда балиқларни беҳуш қилиб қўяди ва ўзи шу балиқлар билан овқатланади. Кейинроқ бир инглиз олими шу кислотага «наҳанг кислотаси», деб ном берди деган мақолани босиб чиқардим. Уша олимга қандай фамилия ўйлаб топганим ҳозир эсимда йўқ. Наҳанг мойи ҳаммага маълум, лекин янги наҳанг кислотаси ҳаммани қизиқтирди, бир неча журналхон редакцияга хат юбориб, бу кислотани қайси фирма соф ҳолида ишлаб чиқаряпти, деб сўради.

Сизни ишонтириб шуни айтишим керакки, «Ҳайвонлар олами» журналхонлари умуман ҳар нарсага жуда қизиқадиган кишилар.

Мен олтингугурт наҳангидан сўнг бошқа бир қанча ажойиб-ғаройиб ҳайвонларни кашф қилдим. Шуларнинг лоақал баъзиларини айтиб берай: кенгурулар оиласидан сут эмизувчи «қаппайган қорин» деган ҳайвонни, ҳозирги сигирларимизнинг аجدдларидан бўлган «емиш буқа» деб аталган ҳайвонни ва «сепиясимон инфузория» деган махлуқни кашф қилдим, бу махлуқни кемирувчилар оиласи қаторига қўшиб қўйдим.

Мен кашф қилаётган янги жониворлар кундан-кун кўпаяверди. Бу соҳадаги муваффақиятларимга ўзим ҳам тажжубланидиган бўлиб қолдим. Жониворлар оламини шу қадар янги кашфиётлар билан кўлайтириш зарур бўлиб қолади, деган фикр илгари асло хаёлимга

ҳам келмаган эди. Бремнинг «Ҳайвонлар ҳаёти» деган китобида шу қадар кўп жониворлар ёзилмай қолиши мумкинлигини сира ўйламаган эканман. Мен Исландия оролида бор деб кашф қилган ва «Денгиз нарёғидаги кўршапалак» деб ном берилган кўршапалакни ёки Қилиман жаротоғи чўққисидан бор деб даъво қилиб «Шилта кийик мушук» деб номланган хонаки мушукни Брем ёки унинг издошлари билганмикинлар?

«Инженер Кун бургаси» тўғрисида табиётшунослардан бирортаси шу кунгача ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса керак. Қахрабо орасидан топдим, деб мен даъво қилган бу бурга бутунлай кўр ҳашорат эди, чунки у тарихдан қадимги кўр каламуш танасида яшаб келган, менинг мақоламда айтилишича, мазкур кўр каламуш Постоенскедаги кўр «ғор мацарати» билан қовушиш натижасида вужудга келган каламушнинг невараси бўлганлиги сабабли у ҳам кўр бўлиб туғилган ва бундай кўр каламушлар ҳозирги Болтиқ океанигача бўлган ерларда ўша даврда кенг тарқалган.

Аслини олганда унчалик арзимайдиган мана шу масала устида «Вақт»\* газетаси билан «Чех»\* газетаси ўртасида катта мунозара бошланиб кетди. «Чех» газетаси «Ҳэр соҳадан бир шингил» деган рубрика остида бошилган ўзининг фельетонида мен кашф этган бурга тўғрисидаги мақолани келтириб, бундан: «Худо ниманки қилса оқибати яхши бўлиб чиқаверади» деган хулоса чиқарди. «Вақт» газетаси эса менинг бургамни, табиийдирки, соф «реалистик» асосда тилка-пора қилиб ташлади ва шу билан бирга мазкур «Чех» газетасига ҳам кесатиб ўтди. Шу-шу бўлди-ю, менинг омадим кетди, бир қанча янги махлуқларни кашф қилган ихтирочи табиётшунос деган шухратим сўна бошлади. «Ҳайвонлар олами» журнаlining обуначилари ўзларининг норозиликларини изҳор қила бошладилар.

Асаларичилик ва паррандачилик тўғрисидаги майда-чуйда хабарларим бу норозиликнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Мазкур хабарларда мен ўзимнинг бир неча янги назарияларимни баён қилдим. Бу назариялар журналхонларни ваҳимага солиб қўйди, чунки журналхонларга мен берган бир неча жуда оддий маслаҳатлардан сўнг машҳур асаларичи Пазоурек ҳушидан кетиб йиқилиб қолди, Шумавада ва Подкрконошда эса асалариларнинг ҳаммаси нобуд бўлди. Уй парранда-

ларига ўлат тегди. Обуначилар таҳдид қилиб ёзилган хатлар юбора бошладилар. Обуна пули қайтариб берилишини талаб қилишди улар.

Шундан кейин ёввойи қушларга ёпишдим. «Қишлоқ ахбороти»нинг муҳаррири, клерикал депутат Йозеф М. Кадлачак билан ўртамизда чиққан можаро ҳали ҳам эсимда. Инглизча «Country Life»<sup>1</sup> журналида босилган ва ёнғоқ дарахтида қўниб турган қушни\* тасвирлаган суратни қирқиб олиб, ўзимизнинг журналда эълон қилган эдим. Шу сурат мазкур можарога сабаб бўлди. Мен мазкур қушчага «ёнғоқ қуш» деб ном бердим, зотан, четан дарахтига қўниб турган қушга ҳам ҳеч бир иккиланмай «четан қуш» деб ном қўяверар эдим.

Ғалва-жанжал авж олиб кетди. Кадлачак менга очиқ хат юбориб, сиз айтган қуш асло «ёнғоқ қуш» эмас, тургайнинг ўзгинаси, сиз немисча Eichelhäher<sup>2</sup> ни ҳарфма-ҳарф таржима қилиб, «ёнғоқ қуш» атаб қўя қопсиз, деб мени койиди.

Унга жавоб хати ёзиб, «ёнғоқ қуш» тўғрисидаги бутун назариямни баён қилиб бердим, айтилиш вақтида уни ҳақоратли кўзлар ва Бремдан олинган цитаталар, деб ўзим ўйлаб чиқарган гаплар билан бошлаб койидим.

Депутат Кадлачак менга жавобан «Қишлоқ ахбороти» да бош мақола босиб чиқарди.

Менинг хўжайиним пан Фукс ҳар сафаргидек қаҳвахонада ўтириб, маҳаллий газеталарни ўқимоқда эди. Чунки кейинги вақтларда у «Ҳайвонлар олами» да босилган менинг хабарларимни ва мароқли мақолаларимга босилган тақризларни сира қолдирмай ўқиб боришни ўзига одат қилиб олганди. Қаҳвахонага кириб келишим билан стол устида ётган «Қишлоқ ахбороти»ни боши билан имо қилиб кўрсатди ва маънос кўзларини менга тикиб нималарнидир пичирлади. Энди унинг кўзларидан ғамгинлик кетмайдиган бўлиб қолган эди.

Мен халойиқ олдида баланд овоз билан ўқиб чиқардим:

— «Муҳтарам редакция!

Сизнинг журналингиз немис тилининг софлигини ни

<sup>1</sup> Қишлоқ турмуши (инглизча).

<sup>2</sup> Eichel — дуб дарахтининг меваси (немисча).

санд қилмай ва ҳар хил ҳайвонларни ўйлаб чиқариб, зоология илми борасида одат бўлмаган ва асоссиз терминологияни жорий қилаётганлиги кўзимга ташланмоқда. Ҳаммага маълум ва қадим замонлардан бери ишлатилиб келган «тўрғай» деган ном ўрнига сизнинг муҳаррирингиз «ёнғоқ қуш» деган номни ишлатганлиги, бу эса немисча «Eichelhäher» — «тўрғай» деган терминнинг сўзма-сўз таржимаси эканлигини кўрсатиб ўтган эдим»

Ноширим умидсиз оҳангда мендан кейин:

— Тўрғай, — деб такрорлаб қўйди.

Мен осойишталик билан ўқишни давом эттирдим:

«Бунга жавобан мен сизнинг «Ҳайвонлар олами» журналининг муҳаррири томонидан ғоят қўполлик ва қўрслик билан ёзилган, шахсиятимга тегадиган хат олдим. Мазкур хатда мени, нодон ҳайвон, деб ҳақорат қилинибдурки, бундай ҳақоратни қилган киши жазоланишга мустаҳиқ эканлиги маълум. Ақли расо кишилар илмий мулоҳазаларга бундай жавоб бермайдилар. Қайси биримиз кўпроқ ҳайвон эканлигимизни ҳали аниқлаб чиқмоқ керак. Ўзимнинг эътирозларимни очиқ хатда баён қилмай, балки ёпиқ хат билан ёзиб юборсам, эҳтимолки, тузукроқ бўлар эди. Лекин иш билан банд бўлганлигим сабабли бундай арзимас нарсаларга эътибор бермадим. Эндиликда сизнинг «Ҳайвонлар олами» журналидаги муҳаррирингиз беҳаёлик билан шунчалик ҳужумлар қилганидан сўнг мен уни шарманда қилишни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман. Сизнинг муҳаррирингиз мени, у ёки бу қушнинг номи нималигини билмайдиган нодон ва ўқимаган ҳайвон, деб ҳисоблаётган бўлса, бу билан катта хато қилади. Мен орнитология билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келмоқдаман ва ўз билимларимни жонсиз китоблардан эмас, балки табиатнинг ўзидан олмоқдаман, менинг қафаслардаги қушларим шу қадар кўпки, Прагадаги қовоқхоналар ва майхоналардан чиқмайдиган муҳаррирингиз умрида бундай қушларни кўрган эмас.

Ҳарчи булар иккинчи даражали гаплар бўлса ҳам, аммо «Ҳайвонлар оламига» муҳаррирлик қилаётган кишингиз шу туҳматларни журналда босиб чиқариб, Моравиядаги, Мистек яқинида бўлган Фридланддаги журналхонлар кўзига рўпара қилишдан олдин ўзи «ҳайвон» деб ҳақорат қилаётган кишининг кимлигини билиб олиши

керак эди, албатта. Мазкур мақола босилиб чиқмасдан олдин Моравияда, Фридрихда ҳам журналингизнинг обуначилари бор эди.

Хуллас, гап қандайдир бир телба билан шахсий характерда қилинаётган мунозарада эмас, балки ҳақиқатни ўрнига қўйишдадир. Шу ваздан яна такроран айтаманки, ўзимизнинг, миллий тилимизда ҳаммага маълум «тўрғай» деган сўз мавжуд экан, сўзма-сўз таржима қилиб янги номлар ўйлаб чиқаришга йўл қўймаслик керак».

Менинг хўжайиним тагин ҳам кўпроқ умидсизликни ифодаловчи овоз билан:

— Ҳа, тўрғай,— деб қўйди.

Мен тўхтамай осойишталик билан яна ўқишни давом эттиравердим:

«Мутахассис бўлмаган бир безори ўзи билмайдиган ишга киришса, бу нарса унинг сурбетлигидир. Тўрғайни ким ва қачон «ёнгоқ қуш» деб атабди? «Бизнинг қушларимиз» деган асарининг бир юз қирқ саккизинчи саҳифасида лотинча «*Ganulus glandarius* В. А» деган ном бор. Тўрғай худди мана шунинг ўзи.

Мен қушларни мутахассис бўлмаган кишига қараганда яхшироқ биламан, буни журналингизнинг муҳаррири ҳеч сўзсиз эътироф қилиши лозим. Профессор Байернинг терминологиясига кўра, ёнгоқ қуш *muscivora caucatestes* В., нинг худди ўзи, мана шу лотинча «Б» ҳарфи, сизнинг муҳаррирингиз менга юборган хатида айтганидек, «бетовфиқ» деган сўзнинг бош ҳарфини билдирмайди. Чех паррандашунослари фақат оддий тўрғайни билишадди, «Б» ҳарфи билан бошланган сўз ўз назариясига муносиб бўлган жаноб томонидан ўйлаб чиқарилган «ёнгоқ қуш» деган нарса бизнинг паррандашуносларимизга маълум эмас.

Шахсиятни кўзлаб, сурбетлик билан қилинган тўхматлар масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Сизнинг муҳаррирингиз ҳатто ҳар қанча кучанса ҳам, тўрғай барибир тўрғай бўлиб қолаверади. Бу кучаниш, гарчи хат муаллифи кишини газаблантирарлик тарзда Бремдан далил келтиришга уринган бўлса ҳам барибир, ишнинг моҳиятини тушунмай, енгилтаклик билан ёзилаётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир. Чунончи, масалан, ўша нобакор, Брем китобининг тўрт юз эллик иккинчи саҳифасида айтилишича, тўрғай тимсоҳсимонлар туркумига

киради, деб ёзибди, ваҳолонки, ўша саҳифада оддий қарқуноқ (*Lanius minor* L.) тўғрисида гап боради. Яна бунинг устига, юмшоқроқ ибора билан айтганда, ўша нодон яна Бремни тилга олиб, тўрғай ўн бешинчи туркумга киради, дебди, аслида, Брем қарғасимонларни ўн еттинчи туркумга киритган, қарғалар, зағчалар оиласи ҳам шу туркумга киради. Аммо хат муаллифи шу қадар ҳаддан ошганки, мени ҳам ҳақкалар, кўк қарғалар оиласидан, бесўнақай, бетавфиқлар кичик туркумидан (*colaeus*) бўлган зағча деб атабди, ваҳолонки, ўша саҳифанинг ўзида ўрмон тўрғайлари ва олақаргалар ҳақида ёзилган».

— Ўрмон тўрғайлари,— деб хўрсиниб қўйди менинг ноширим бошини маҳкам ушлаб.— Қани, бу ёққа берингчи, хатнинг охирини ўзим ўқиб чиқаман.

Хат ўқиляётган вақтда хўжайиним хириллай бошлаганини эшитиб қўрқиб кетдим.

Майна ёки туркий қорашақшақ, деб хириллади у, чехча таржима қилинганида барибир қорашақшақ, олашақшақ эса олашақшақ бўлиб қолаверади.

— Олашақшақни четан қуш деб атамоқ керак, жаноб хўжайин,— дедим мен,— чунки у четан дарахтининг меваси милаш билан тирикчилик қилади.

Пан Фукс газетани улоқтириб юборди ва мақоланинг «*Turdys*»<sup>1</sup> майна деган охирги сўзларини хириллаган овоз билан такрорлаб, бильярд тагига кириб кетди. У бильярд тагидан туриб бақирди:

— Тўрғайинг ҳам жонимга тегди! Енғоқ қушинг ҳам жонимга тегди! Ғажиб ташлайман!

Уни аранг тортиб чиқаришди. Уч кундан кейин у мияси яллиғланиб ўз уйида вафот этди.

Ҳуши ўзига келганида унинг охирги дақиқада айтган сўзлари шу бўлди:

— Менинг учун шахсий манфаатларнинг аҳамияти йўқ, балки кўпчиликнинг бахт-саодати менга кўпроқ аҳамиятли. Шу нуқтаи назардан менинг охирги мулоҳазамни қабул қилгайсиз, унинг моҳиятини ҳам ва ҳиқ... дебди-ю, ҳиқиллаб жон берибди.

Кўнгилли аскар бир дақиқа жим бўлиб қолди, сўнг-ра капралга истехзо билан деди:

— Бу билан мен шуни айтмоқчиманки, ҳар ким қал-

<sup>1</sup> Дрозд (лотинча).

тис аҳволга тушиб қолиши мумкин ва хато қилмайдиган одам бўлмайди.

Шу гапларнинг ҳаммасидан капрал, менинг хатоларимни ўзимга писанда қилишаётган эканлар, деган мазмундаги гапни тушунди, холос. У юзини яна деразага буриб, ташқарида ғизиллаб ўтиб турган йўлга хўмрайиб қараб тураверди.

Соқчилар аҳмоқона назарда бир-бирларига қараб қўйишди. Кўнгилли аскарнинг ҳикояси бошқалардан кўра Швейкни кўпроқ қизиқтирди.

— Ахир бир кун ошкор бўлмайдиган сир йўқ,— деб гап бошлади у.— Ҳамма нарса, ҳаттоки ўша бемаъни тўрғайнинг ёнғоқ қуш эмаслиги ҳам юзага чиқиб қолади. Лекин энг қизиғи шундаки, бундай гапларга ишонадиган одамлар бор. Ҳайвонларни ўйлаб чиқариш осон нарса эмас, лекин ўйлаб чиқарадиган ҳайвонни ҳалойиққа кўрсатиш бундан ҳам қийин. Бундан бир неча йил муқаддам Прагада Местек исмли бир одам мен сув парисини топдим, деб уни Виноградадаги Гавличка кўчасида парда орқасига ўтқизиб одамларга кўрсатиб юрди. Парданинг тешиги бор эди, шу тешикдан қараганда ҳар бир киши тим қоронғиликда оддий скамейкада ёнбошлаб ётган бир хотинни кўрарди. Асли жижковлик бўлган бу хотиннинг оёқларига кўк дока ўраб қўйилган бўлиб, бу нарса унинг думи борлигини билдириши керак эди, хотиннинг сочлари ҳам кўкка бўялган, қўлларига гўё сузгичга ўхшаш картон қўлқоп кийиб олган эди, бу ҳам кўкка бўялган, елкаси бўйлаб эса рулга ўхшаш бир нарса тизимча билан боғлаб қўйилган эди. Ун олти ёшга етмаган болаларнинг кириши тақиқлаб қўйилган бўлиб, ёши ўн олтидан ошганлар эса пул тўлаб кираверишар эди. Сув парисининг думбаси катталиги, устига: «Кўришгунча хайр!» сўзлари ёзилганлиги ҳаммага ёққан эди. Аммо кўкраги унчалик эмасди: бужмайган кампирларникидек киндигигача осилиб турар эди. Кечқурун соат етти бўлиши билан Местек томошани ёпар ва: «Сув париси, уйингизга кетсангиз бўлади», дерди. У кийиниб жўнаб кетар ва кечқурун соат ўнда уни Таборска кўчасида кўриш мумкин эди. Хотин кўчада сайр қилиб юриб, ҳар бир дуч келган кишига гўё тасодифий равишда гапираётгандек: «Қани, йигитча, биз билан ўйнамайсизми», деб қўярди. Бу хотиннинг сариқ билети бўлмаганлиги сабабли уни



пан Драшнер облава вақтида бошқа «айиқчалар» билан ушлаб олиб қамаб қўйди. Шу-шу Местек ўзининг томошахонасини ёпиб қўйишга мажбур бўлди.

Швейк шу воқеани ҳикоя қилиб турган пайтда оберфельдкурат скамейкадан ағдарилиб тушиб, уйқуни полда давом эттираверди. Капрал саросимага тушиб, унга қараб қўйди, сўнгра яна уни скамейкага тортиб чиқара бошлади. Бу ҳолга ҳамма индамай қараб тураверди. Ҳеч ким жойидан қимирламади ва унга ёрдамлашмади. Капралнинг обрўсини бутунлай йўқотганлиги сезилиб турарди. У умидсиз бир оҳангда: «Лоақал битталаринг ёрдамлашсаларинг-чи!..» деган эди, соқчилар унга қараб қўйишди-ю, аммо чурқ этмай тураверишди.

— Сиз уни уйқусида полдан қўзғатиб чакки қилдингиз. Мен ўзимнинг фельдкуратим қандай ҳолатда ухласа шундай қўйиб бераверар эдим. Бир куни у ҳожатхонада, яна бир куни уйимиздаги шкафта ухлаб қолди. Шунда ҳам мен уни жойидан қўзғатганим йўқ. Баъзан бошқаларнинг уйида, офилхонада ҳам ухлаб қолаверарди. Хуллас, уйқуси келганда сира жой танламас эди.

Капрал тўсатдан ўзида ғайрат жўш ургандек ҳис қилди. Бу ерда бошлиқ фақат ўзи эканлигини кўрсатмоқчи бўлиб, Швейкка ўнқирди:

— Овозингизни ўчиринг, валдирай берманг! Ҳамма деншчикнинг одати шу, нуқул вайсайверади. Қана!

— Тўғри. Аммо сиз, жаноб капрал, худосиз,— жавоб берди Швейк, ер юзида тинчлик ўрнатишга интилаётган ва бунинг учун жўшқин мунозара қилишга киришаётган файласуфга хос осойишталик билан.— Сиз мотамда қолган Биби Марямсиз.

— Худоё тавба!— деди кўнгилли аскар худди ибодат қилаётгандек қўлини қовуштириб.— Қалбимизни барча унтер-офицерларга меҳр-муҳаббат билан тўлдир, бизни улардан жирканмайдиган қил! Филдиракларга ўрнатилган мана шу авахта қафасдаги тоат-ибодатимизни ўз даргоҳингда қабул қил!

Капрал қип-қизариб, ўрнидан сапчиб турди:

— Менинг шаънимга ҳар хил гаплар айтишни ман қиламан, кўнгилли аскар!

— Сизда ҳеч қандай айб йўқ,— деб юпатди уни кўнгилли аскар.— Ҳайвонларнинг хили ва турлари ҳар қанча кўп бўлса ҳам, аммо табиат уларга заррача фаросат ато қилган эмас; одамларнинг бефаросатлиги тўғ-

рисидаги гапларни ўзингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак. Агар сиз бошқа бирор сут эмизувчи бўлиб туғилсангиз ва инсон, капрал деган бемаъни ном билан юрмасангиз яхшироқ бўлмасми? Агар сиз ўзингизни энг мукаммал ва етук мавжудот деб ҳисоблаб юрган бўлсангиз, шунинг ўзи катта хато. Агар погонингиздаги юлдузчалар юлиб ташланса, сиз ноль бўлиб қоласиз, ҳамма фронтларда ва ҳамма оқопларда ўзи нима учун ўлдирилаётганлигини билмаётган кишилар сингари ноль бўлиб қолаверасиз. Аммо сизга яна бир юлдузчани тақиб қўйишса ва шу тариқа сизни старший унтер деб ном берилган янги бир ҳайвон турига айлантирилса, шунда ҳам барибир чала ҳолингизча қолаверасиз. Сизнинг ақл доиранингиз тағин ҳам кўпроқ тораяди. Ана шунда сиз ўзингизнинг маданиятдан узоқ ва чала пишган бошингизни жанг майдонида ўлимга тутиб берасиз. Сизни эслаб йиғлайдиган одам бутун Европада чироқ ёқиб қидирилса ҳам топилмайди.

— Сизни қамаб қўяман!— қичқирди тоқати тоқ бўлиб капрал.

Қўнгилли аскар жилмайиб қўйди.

— Мени ҳақорат қилди, деб ўйлаб шунинг учун мени қамаб қўймоқчи бўлсангиз керак? Агар шундай десангиз ёлгон гапирган бўласиз, чунки менинг сўзларим ҳақоратли эканлигини миянгиздаги шу бор ақлингиз билан сира фаҳмлаб ололмайсиз, чунки шу суҳбатимиз вақтида айтган сўзларимдан биронтасини эслаб қололганингиз йўқ, бунинг учун мен нима билан десангиз ҳам баҳслашишга тайёрман. Агар мен сизни эмбрион деб айтсам, бу сўзни эслаб қололмайсиз, биринчи станцияга етиш у ёқда турсин, ҳатто биринчи симёғочга етмай туриб ҳам бу сўзни унутиб қўясиз. Сиз — ўлиб қолган мия ҳужайрасисиз. Ҳар қанча истасам ҳам мен сизнинг ўзим айтган гапларни тушунарли қилиб оз-моз бўлсада такрорлаб бера олишингизни ҳатто тасаввур қила олмайман. Яна бунинг устига шу ерда ўтирганларнинг қайси биридан сўрасангиз ҳам сўрайверинг: ақл доиранингизга қусур етказадиган бирор гап айтдимми, ёки менинг сўзларимда сизга нисбатан заррача ҳақорат бўлдимми?

— Асло,— деб таъкидлади Швейк.— Сиз ёмон талқин қила оладиган сўзни ҳеч ким сизга айтгани йўқ. Кимки ўзини ҳақоратланган деб ҳис қила берса, бундан

ёмон нарса йўқ. Бир вақт мен «Туннель» деган тунги қаҳвахонада ўтирган эдим. Орангутанглар тўғрисида гап бошланиб кетди. Орамизда бир денгизчи бор эди, у гапга берилиб кетиб кўпинча орангутангни бирор серсоқол кишидан ажратиб бўлмайди, чунки орангутангнинг башарасини ҳам жун босиб кетган бўлади, у... «Анави стол ёнида ўтирган серсоқол жанобга ўхшаб қолади, деб юборса бўладими. Ҳаммамиз ўша серсоқол жанобга қайрилиб қардик, у бўлса ўрнидан сапчиб турди, денгизчининг олдига келиб, тумшугига боплаб туширди. Денгизчи пиво шишасини олиб, унинг бошига уриб чилчил қилди. Серсоқол жаноб беҳуш бўлиб йиқилди. денгизчи билан биз хайрлашиб қолдик, чунки у мазкур жанобни беҳуш қилиб йиқитиб қўйганлигини кўриб дарров жўнаб қолди. Кейин биз уни ҳушига келтирдик, аммо аҳмоқона иш қилган эканмиз, чунки у ҳушига келиши билан дарров полиция чақиртирди. Бизда гарчи ҳеч бир гуноҳ бўлмаса ҳам, полиция ҳаммамизни участкага олиб кетди. Полиция участкасида у, сизлар мени орангутанг, деб ўйладингиз, нуқул меннинг ҳақимда гапирдингиз, деб туриб олди. Бунни қарапки, у ўзининг шу гапини маъқуллайверди. Биз сира бундай деб ўйлаганимиз йўқ, сиз орангутанг эмассиз деб туриб олдик. У бўлса, орангутанг, деб бидиллайверди, улар шундай деганини ўз қулогим билан эшитдим, деб туриб олди. Мен комиссардан, бу жанобга ўзингиз ҳамма гапни тушунтириб беринг, деб илтимос қилдим. Комиссар яхшиликча тушунтириб берди, лекин у комиссарнинг ҳам гапига қулоқ солмади, комиссар ҳеч нарсани тушунмаяпти, у ҳам сизлар билан бирга деди. Шундан сўнг комиссар уни кайфи тарқалсин, деб қамаб қўйишни буюрди, биз ҳаммамиз «Туннел»га қайтиб келмоқчи эдик, лекин бўлмади: бизларни ҳам қамаб қўйишди... Мана кўрдингизми, жаноб капрал, оғизга олишга арзимайдиган жиндек англашилмовчилик мана шунақа оқибатларга олиб келиши мумкин. Немис Броде деган жойда Округлиддан келган бир граждани, сиз йўлбарс, илонсиз, дейишган экан, бу гапга жаҳли чиқибди. Жазолашга лойиқ бўлмайдиган сўзлар озми дейсиз? Агар, масалан, биз сизга, сиз сув каламуши, деб айтсак, бунинг учун биздан хафа бўлармидингиз?

Капрал бўкириб юборди. Аммо бу бўкиришигина эмас, газаб, қутуриш ва умидсизлик ифодаси ҳам эди. Мазкур

концерт номерига хуррак отаётган обер-фельдкуратнинг бурнидан чиқаётган ингичка ҳуштак товуши жўр бўлиб турди.

Шу бўкиришдан сўнг капрал бутунлай лоқайд бўлиб қолди. У скамейкага ўтирганча, ифодасиз бўртиқ кўзларини олисга, ўрмон ва тоғларга тикиб, бақрайиб тураверди.

— Жаноб капрал,— деди кўнгилли аскар,— баланд тоғларни ва хушбўй ўрмонларни кузатиб турганингизни кўриб менга Дантени эслатмоқдасиз. Худди Данте каби сизда ҳам шоирларга хос олижаноб хислатлар бордек кўринади, сиз қалби ва кўнгли сезгир, энг олижаноб нарсаларнинг ҳаммасини ёқтирадиган кишини эслатиб турибсиз. Шу ҳолатда ўтираверишингизни илтимос қиламан, бу ҳолат сизга жуда ярашиб турибди! Рўпарангиздаги манзарага сира ғирромлик ва айёрлик қилмай, кўзларингизни бақрайтириб қараб турибсиз. Мана шу кимсасиз жойларни баҳор пайтида ранг-баранг дала чечаклари гиламдек қоплаганида бу ерлар манзараси нақадар чиройли бўлишини ўйлаб турганлигингизга сира шак-шубҳа йўқ...

Швейк бу гапни илиб олиб, давом эттирди:

— Ариқларда шарқираб оқиб турган сувларни айтмай-сизми! Жаноб капрал тўнкага ўтириб олиб, қаламни тупуклаб, «Жажжи журналхон»\* журналига шеър ёзаётганлиги кўзимга кўриниб кетди.

Капрал тамомила довдираб қолди. Кўнгилли аскар, сизнинг бошингиздан андаза олиб ясалган ҳайкални ҳайкаллар кўргазмасида кўрганман, деб капрални ишонтира бошлади.

— Кечирасиз, жаноб капрал, сиз ҳайкалтaroш Штурса\* ясаётган ҳайкалларга нусха бўлиб турмаганмисиз?

Капрал кўнгилли аскарга жаҳл билан қараб «йўқ», деб жавоб берди.

Кўнгилли аскар гапни тўхтатди ва скамейкага чўзилиб ётди.

Соқчилар Швейк билан карта ўйнашга киришдилар. Аччиқланиб нима қилишини билмаётган капрал картабозлар орқасида туриб карталарга тикилиб қолди ва ҳатто Швейкка, козир ташламаслик кераклигини, козир ташланса, охириги юриш учун етилик карта қолишини, шу сабабли у тузни ўйнаши лозимлигини ўргатишга ҳам журъат қилди.

— Қадим вақтларда,— деди бу гапга жавобан Швейк,— қовоқхоналарда мана шундай маслаҳатчилар учун атайин ёзилган жуда яхши хатларни деворларга ёпиштириб қўйишарди. Шу хатлардан бирида: «Бемаъни маслаҳатнинг билан ўйинчилар ўйинига тумшугингни суқма, мушт еб қоласан», деган насиҳат ёзилганлиги ҳали ҳам эсимда.

Ҳарбий поезд вагонларни инспекция кўриб чиқиши лозим бўлган станцияга етиб келиб тўхтади.

Тош юрак кўнгилли аскар капралга маъноли қараб туриб:

— Ўзим ҳам шундай бўлишини билардим, мана, инспекция ҳам келяпти...— деди.

Инспекция вагонга кириб келди.

Запасдаги офицер — математика фанлари доктори Мразни штаб ҳарбий поездга бошлиқ қилиб тайинланган эди.

Мана шундай бемаъни ишларни бажариш учун ҳаммиша запасдаги офицерлар тайинланарди. Мраз шу лавозимга тайинлангач, бошини бутунлай йўқотиб қўйди. У урушдан олдин реал билим юртида математика ўқитувчиси бўлиб ишлаган бўлса ҳам, аммо ҳаммиша санаганида битта вагон албатта кам чиқар эди. Яна бунинг устига ҳар қайси вагондаги командалар охириги станцияда санаб чиқилганда бу санашнинг якуни Будейовица вокзалида командаларни вагонларга ўтказиш вақтида олинган якунга тўғри келмай қоларди. Мраз буюмлар рўйхатини кўздан кечирганида нима учундир иккита дала ошхонаси ошиқча эканлиги маълум бўлиб қолди. Отлар номаълум йўл билан кўпайиб қолганини кўргач, бадани жимирлаб кетди. Унинг қўлидаги офицерлар рўйхатида иккита кичик офицер кам чиқди. Полк маҳкамаси жойлашган олдинги вагонда ёзув машинкасини қидириб топиша олмади. Бу машмашалар унинг бошини гаранг қилиб қўйди, бош оғриғидан қутулиш учун уч наршоқ аспирин ичди, энди у поездни текшираётганида чехрасидан бетоблиги кўриниб турарди.

Мраз ўз ҳамроҳи билан маҳбуслар купесига кириб, қоғозларни кўздан кечирганидан кейин, бечора капралнинг, мен иккита маҳбусни олиб бораётирман, командамда фалонча киши бор деган рапортини қабул қилди. Сўнгра поезд бошлиғи рапортда айтилган гапларни ҳужжатга ёзилган маълумотлар билан солиштириб чи-

қиб, купени кўздан кечирди. Кейин у беҳаёлик билан орқасини инспекторга буриб юз тубан ётган обер-фельдкуратни кўрсатиб, жиддий оҳангда сўради:

— Сиз бу вагонда яна кимни олиб кетяпсиз?

— Ижозатингиз билан шуни айтишим керакки, жаноб лейтенант,— деб тутила-тутила гўлдиради капрал.— Бу зот, бу...

— «Бу, бу» деганингиз нимаси?— деди жаҳли чиқиб Мраз.— Очқроқ гапиринг.

— Ижозатингиз билан шуни айтишим керакки, жаноб лейтенант,— капрал ўрнига жавоб берди Швейк,— юз тубан ётган бу одам маст бўлиб қолган қандайдир бир жаноб обер-фельдкурат экан. У ўзи бизга аралашиб қолиб, вагонга чиқиб олди, биз уни чиқариб юбора олмадик, чунки ҳар ҳолда бошлиқ-ку, уни чиқариб юбориш бошлиқларни ҳурматлаш қондасини бузиш бўлар эди. У штаб вагонини, деб янглишиб маҳбуслар вагонига кириб қолган бўлса керак.

Мраз хўрсиниб қўлидаги қоғозларга кўз югуртирди. Бу қоғозларда мана шу поезд билан Брукка боришни лозим бўлган обер-фельдкурат тўғрисида бир оғиз ҳам сўз ёзилмаган эди. Инспекторнинг кўзи қамашгандек бўлди. Бундан олдинги станцияда у отлар кўпайиб қолганини кўрган эди, энди бўлса маҳбуслар купесида қаёқдандир обер-фельдкурат пайдо бўлиб қолибди.

Поезд бошлиғи, юз тубан тушиб ухлаб ётган обер-фельдкуратни ағдариб чалқанча ётқизиб қўйинг, чунки бу ҳолатда ётишида унинг кимлигини аниқлаб бўлмайди, деб капралга буюришдан бошқа илож топа олмади.

Капрал кўп машаққат тортиб обер-фельдкуратни чалқанчасига ётқизиб қўйди, аммо шу пайтда обер-фельдкурат уйғониб қолиб, олдида офицер турганини кўргач:

— Eh, gerous, Fredy, was gibt's neues? Abendesgen Schonfertig<sup>1</sup>— деди.

Шундан сўнг у яна кўзини юмиб, деворга бурилчб олди. Мраз бу обер-фельдкурат кеча офицерлар клубидаги еб тўймас кишининг ўзи эканлигини таниди ва у офицерларнинг ҳамма зиёфатларида очкўзелиги билан ном чиқарганлигини эслаб секингина хўрсиниб қўйди.

<sup>1</sup> Э, Фреди, омонмисан, қандай янгилик бор? Овқат пишдими? (немисча).

— Бунинг учун сиз рапортга борасиз,— деди у капралга ва бурилиб чиқиб кетмоқчи бўлди.

Швейк уни тўхтатди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб поручик, энди мен бу ерда турмаслигим лозим. Мен соат ўн биргача қамоқдан бўшатилишим керак эди, чунки менинг қамоқ муддатим бугун тугади. Мен уч кун муддатга қамаб қўйилганман, энди бошқалар қатори мен ҳам солдатлар вағонида кетишим керак. Соат ўн бир аллақачон бўлганлиги сабабли сиз, жаноб лейтенантдан мени бу ердан чиқариб юборишингизни, ёки менга муносиб бўлган солдатлар вағонига ўтказишингизни ё бўлмаса жаноб обер-лейтенант Лукаш ҳузурига юборишингизни ўтириб сўрайман.

— Фамилиянгиз?— сўради Мраз, яна ўз қогозларига кўз ташлаб.

— Швейк Йозеф, жаноб лейтенант.

— Ҳмм... сиз, сиз, демак, ўша Швейк экансиз-да,— гўлдиради Мраз.— Ҳақиқатан ҳам, сиз соат ўн бирда қамоқдан бўшашингиз керак, лекин поручик Лукаш мenden сизни йўлакай бирор қилиқ қилиб қўймасин, деган мақсад билан Брукка етгунча эҳтиёт шарт бўшатмасликни илтимос қилган эди.

Инспекция чиқиб кетганидан кейин капрал заҳархандали пичинг қилишдан ўзини тўхтата олмади:

— Мана, кўрдингизми, Швейк, катталарга мурожаат қилиш сизга заррача ёрдам бергани йўқ! Улар бир чақага арзимайди! Уларнинг баҳоси тезакка тенг! Агар хоҳласам икковингизни ҳам печкага ёқиб юбора оламан.

— Жаноб капрал,— деб унинг гапини бўлди кўнгилли аскар.— Бўлар-бўлмасга тезак деб койий бериш озми-кўпми ўринли бўлса-да, аммо зиёли одам ҳатто аччиқланиб ёки баҳслашиб турганида ҳам бундай ибораларни ишлатмаслиги керак. Икковимизни ҳам печкага ёқиб юбора оламан, деб қилган кулгили дўқларингизга келганда, шунчалик имкониятингиз бўла туриб, нега шу вақтгача шу ишни қилмадингиз? Чамаси, сизнинг маънавий етуклигингиз ва одатдан ташқари назокатли бўлишингиз бунга таъсир қилган бўлса керак.

— Тоқатим қолмади!— деб сапчиб ўрнидан турди капрал.— Икковингизни ҳам турмага тикиб қўя оламан.

— Нима учун, азизим?— маъсумона савол берди кўнгилли аскар.

— Нима учун тиқиб қўйиш менинг ишим,— деди ботирлиги қўзиб капрал.

— Сизнинг ишингизми?— қайтадан сўради жилмайиб туриб кўнгилли аскар.— Сизнинг ишингиз бўлса, бизнинг ҳам ишимиз. Карта ўйинида айтилганидек: «Пул сизники, бўлади бизники». Рапортга борасиз, дейилган гап сизга таъсир қилган бўлса керак, чамамда, сиз хизмат мавқеингизни сунистеъмом қилиб, бунинг аламини биздан ола бошлаганга ўхшасиз.

Капрал ўзининг ботирлигини кўрсатмоқчи бўлиб ва башарасини бужмайтириб қичқирди:

— Сизлар қўпол одамларсиз, ҳа, шунақасиз!

— Мен сизга бир гап айтай, жаноб капрал,— деди Швейк.— Мен эски солдатман, урушдан олдин ҳам армияда хизмат қилганман, аммо сўкиш ва койиш бирор яхшиликка олиб келганлигини шу вақтгача кўрганам йўқ. Бундан бир неча йил аввал бизнинг ротамизда Шрейтер деган бир взвод командири бўларди. У ўз муддатини тамомлаб бўлиб хизмат қилаётган киши эди. Уни аллақачон капрал унвони бериб армиядан бўшатиб юборишган бўларди-ю, лекин болалигида энагаси уни йиқитиб юборган экан. Бизга тиргилавериб жонимизга тегарди; ундай қилмабсизлар, бундай қилмабсизлар, деб ўз ҳолимизга қўймасди. Хуллас, бўлар-бўлмас баҳонани топиб ҳамаша бизни: «Сизлар солдат эмас, миршабсизлар», деб сўкаверарди. Ахир бир кун тоқатим тоқ бўлиб, рота командири олдига шикоятга бордим. «Нега келдинг?» деб сўради капитан.— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб капитан, фельдфебелимиз Шрейтер устидан шикоят қилиб келдим. Бизлар миршаб эмас, ҳазрати олийнинг солдатларимиз-ку. Бизлар император аъзамга жон-танзимиз билан хизмат қилмоқдамиз, бекор лақиллаб юрганимиз йўқ. Бунга жавобан капитан менга ўшқирди: «Мен сенга кўрсатиб қўяман ҳашарот, йўқол! Бундан буён кўзимга кўринма!» Аммо мен унга: «Мени батальон рапортига юборишингизни ўтишиб сўрайман», дедим. Батальон рапортида мен обер-лейтенантга, бизлар миршаб эмас, балки император ҳазратларининг солдатларимиз, деган эдим, мени у икки кун қаматиб қўйди, лекин ундан, мени полк рапортига юборинг, деб илтимос қилдим. Полк рапортида жаноб полковник менинг гапимни эшитиб, сен аблаҳсан, деб бақирди ва боло-



хонадор қилиб сўкди. Аммо мен бўлсам илтимосимни такрорлайвердим: «Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб полковник, мени рапорт бермоқ учун бригадага юборишингизни сўрайман». Бу гапимдан чўчиб, у фельдфебелимиз Шрейтерни дарров маҳкамага чақиртириб келтирди ва Шрейтер ҳамма офицерлар олдида «миршаб» деб айтгани учун мендан кечирим сўрашга мажбур бўлди. Сўнгра у мени ҳовлида ушлаб олиб, бугундан бошлаб сўқинмайдиган бўлдим, аммо шундай қиламанки, гарнизон турмасига тушиб қолганчинги ўзинг ҳам билмай қоласан, деди. Шу-шу ҳаминша эҳтиёт бўлиб юрдим, лекин барибир илиниб қолдим. Кўнларнинг бирида мен цейхгауз олдида соқчилик қилаётган эдим. Ҳар бир соқчи деворга эсдалик қилиб бирон нимани чизиб қўйиши одат бўлиб қолган эди: масалан, хотинларнинг танаси чизилар ёки бирор шеър ёзиб қўйиларди. Мен бўлсам, бирон нарса ни ўйлаб топа олмай, зерикканимдан девордаги «фельдфебель Шрейтер—аблаҳ» деган охирги ёзувнинг остига имзо чекдим. Муттаҳам фельдфебель дарров мени чақди, чунки худди полиция ити сингари мени изма-из пойлаб юрарди. Бу бахтсизликни қарангки, ўша ёзувнинг тепасида: «Урушга биз бормаймиз, урушга биз ч...миз», деб ҳам ёзиб қўйилган экан. Бу воқеа бир минг тўққиз юз ўн иккинчи йилда, бизни консуль Прохазка важдан Сербияга қарши юбориш тараддуди кўрилаётган вақтда юз берган эди. Мени дарҳол Терезинга, ҳарбий судга жўнатишди. Ҳарбий суддаги жаноблар цейхгауз деворини ва ундаги ҳамма ёзувларни, шулар орасида мен чеккан имзони ҳам ўн беш марталаб фотоаппарат билан суратга олишди. Ёзувимни кейин текшириб кўрмоқ учун мени: «Урушга биз бормаймиз, урушга биз ч...миз», деган сўзларни ўн марта ёзишга мажбур этишди, уларнинг ҳузурда мен: «Фельдфебель Шрейтер — аблаҳ» деб ўн беш марта ёзиб кўрсатдим. Ниҳоят, эксперт-графолог келиб, менга: «Бир минг саккиз юз тўқсон еттинчи йил йигирма еттинчи июнда Кралов Двор Лаба дарёси тошқинининг даҳшатларига дучор бўлди», деб ёзишни буюрди. «Бу камлик қилади»,— деди суд терговчиси.— Бизнинг учун мана бу «ч...миз» муҳим. Унга «ч» ва «а» ҳарфлари кўпроқ учрайдиган сўзларни ёздириб кўринг. Эксперт менга «чех, чўп, чала, аччиқ, ари, ахлат» деган сўзларни айтиб туриб ёздирди. Суд экспертининг боши айланиб

кетган бўлса керак, чунки нуқул орқасига бурилиб, милтиқ кўтариб турган солдатга термулар эди. Ниҳоят, у сиз: «Қуёш тепага келиб қолди: иссиқ кунлар бошланяпти», деган сўзларни уч марта қаторасига ёзиб чиқинг, деб буюрди ва буларнинг ҳаммаси Венага юборилди, деди. Сўнгра бутун материални Венага юборишди, ниҳоят, мазкур ёзув менинг қўлим билан ёзилмаганлиги, имзо эса ҳақиқатан меники эканлиги аниқланди, аммо имзо меники эканлигига ўзим ҳаммадан олдин иқдор бўлган эдим. Соқчилик қилиб туриб имзо чекканлигим учун ва ўзимга топширилиб қўйилган постни деворга имзо чекиб турган пайтимда муҳофаза қилишим мумкин эмаслиги сабабли мени олти ҳафта қамоққа ҳукм қилишди.

Капрал бу гапларни эшитгач, мамнуният билан деди:

— Мана, кўрдингизми, барибир жазоланибсиз-ку. Мана шунинг ўзидан ҳам сиз чинакам жиноятчи эканлигингиз кўриниб турибди. Агар мен ҳарбий суд бўлганимда сизни олти ҳафтага эмас, олти йилга ҳукм қилар эдим.

— Унчалик қаҳрли бўлманг,— деди сўз олиб кўнглили аскар.— Яхшиси, оқибатингиз нима бўлишини ўйлаб кўринг. Ҳозиргина келиб кетган инспекция сизга, рапортга борасиз деди-ку. Мана шу жиддий ҳолатга тайёрлансангиз ва капраллигингиз вақтинчалигини ўйлаб кўрсангиз чакки бўлмас эди. Ўз ўрнида қимирламай турган энг яқин юлдуз билан мана шу ҳарбий поезд ўртасидаги масофа қуёшга нисбатан икки юз етмиш беш минг марта каттароқ эканлиги ва унинг параллакси бир дуга секундга тенг эканлиги назарда тутилса, коинотга нисбатан сиз ўзингиз қандайлигингизни бир ўйлаб кўринг. Агар сизни коинотда қимирламай турган юлдуз тариқасида тасаввур қилсак, сиз шу қадар митти заррачасизки, бу заррани ҳатто энг зўр телескоп билан ҳам кўриб бўлмайди. Сизнинг коинотдаги арзимас зарра эканлигингизни ифодалайдиган тушунча ҳам йўқ. Ярим йил ичида сиз фалакда шундай кичкина бир чамбар бойлаб айланиб, бир йил ичида шундай кичкина бир эллипс ҳосил қилардингизки, буларни ифодалайдиган рақамни асло топиб бўлмасди, чунки мазкур дуга ва эллипс шу қадар кичкина. Сизнинг параллаксингиз ўлчаб бўлмас даражада кичкина миқдорни ташкил этган бўлар эди

— Бу ҳолда,— деди Швейк,— жаноб капрал фаҳр-

санд бўлиб.— Сафаримиз бехатар бўлиши учун ичман.

Обер-фельдкурат бир ҳўплашда флягадаги ромнинг ярмиси ғойиб бўлганини кўриб қапралга:

— Ё тавба!— деб қўйди хўрсиниб.

Обер-фельдкурат: «Вой сизни, қаранг-а», деб унга гўё дўқ қилгандек бўлди, кўнгилли аскарга эса жилмайиб маънодор имлаб қўйди.

— Худонинг номиши бўлар-бўлмасга тилга олаверманг! Унинг қаҳри келади.— Патер яна флягани кўтарди ва сўнгра уни Швейкка тутқазиб, буюрди:— Қолганини сиз ичиб қўйинг!

— Буйруқни бажариш бизнинг вазифамиз,— деди мулойимлик билан Швейк бўш флягани қапралга қайтариб бера туриб. Қапралнинг кўзлари худди руҳий касал кишиларнинг кўзларига ўхшаш жавдираб кетди.

— Энди Венага етгунча пича мижжа қоқиб оламан,— эълон қилди обер-фельдкурат.— Венага етишимиз билан мени дарров уйғотинглар. Аммо сиз,— деди у Швейкка қараб,— дарҳол офицерлар ошхонасига боринг, у ердан менга овқат олиб келинг. Жаноб обер-фельдкурат Лацинага, деб айтинг. Иложи бўлса овқатни икки кишилик қилиб суздириб олинг. Агар ошхонада сомсалар бўлса, қотиб пишганини олманг, чайнаб бўлмайди. Сўнгра менга бир шиша вино ҳам олиб келинг, идиш олиб боришни унутманг, унга ром қўйиб беришсин.

Патер Лацина чўнтакларини титкилай бошлади.

— Буни қаранг-а, майдам қолмабди,— деди у қапралга,— менга бир тилла қарз бериб туринг... Яхши, мана буни сиз олинг. Фамилиянгиз нима эди?

— Швейк.

— Мана буни йўл харажати қиласиз, Швейк. Қапрал, сиз менга яна бир тилла қарз бериб туринг. Швейк, агар мен айтган гапларнинг ҳаммасини ўрнига қўйсангиз, қайтиб келганингиздан кейин мана шу тиллани ҳам сиз оласиз. Менга яна сигарета ва сигаралар ҳам топиб келинг. Агар шоколад беришаётган бўлса, бир амаллаб икки порция шоколад олинг, башарти консерва беришаётган бўлса, қовурилган тил ёки фоз жигаридан қилинган консерва ундиришга ҳаракат қилинг. Борди-ю швейцар пишлоғи беришаётган бўлса, сира четини олманг, венгер колбасаси тарқатишаётган

бўлса, унинг ўртасидан, ёғлиқ жойидан кестиринг, сира ҳам уч томонини олманг.

Обер-фельдкурат скамейкага чўзилиб ётди-ю, дам ўтмай уйқуга кетди.

Патер хуррак отаётган пайтда кўнгилли аскар капралга деди:

— Ўз оёғи билан келган бу меҳмондан хурсанд бўлсангиз керак деб ўйлайман. Ўзи жуда азамат-да.

— Кўкракдан ажратилган бола шишани тишлаб сўради, деган гап бор, жаноб капрал,— гапга аралашди Швейк...

Капрал бир оз хижолат тортди ва кейин хушомад-гўйликни бутунлай унутиб, дангалига:

— Тозаям болади...— деди.

— Майдам қолмабди дейди-я,— гап қўшди Швейк.— Уни кўриб Дейвицедаги Мличко номли бир ғишт терувчи эсимга тушди. Унинг ҳам ҳамиша ёнида майдаси бўлмасди. Бора-бора унинг бунақа муттаҳамлиги ошиб кетди ва ниҳоят, қўлга тушиб қамалиб қолди. Пулнинг каттасини ичиб йўқ қилаверарди-ю, аммо ёнида майдаси топилмасди.

Соқчилардан бири гапга аралашди:

— Етмиш бешинчи полкдаги капитан урушдан олдиноқ полк кассасидаги бутун пулни ичиб, йўқ қилиб юборганди, бунинг учун уни ҳарбий хизматдан суриб чиқаришган эди. Ҳозир у яна капитан бўлиб ишлаб юрибди. Бир фельдфебель йигирматадан кўпроқ ёқа тикиш учун мўлжаллаб қўйган асил мовутни ўгирлаган эди, энди у подпрапоршчик бўлиб қолди. Аммо яқинда Сербияда оддий бир солдатни уч кунга деб мўлжаллаб берилган бир банка консервани бир ўтиришда еб қўйгани учун отиб ташлашди.

— Бунинг ишга алоқаси йўқ,— деди капрал.— Лекин гапнинг пўскаласини айтиш керак: бировга чой пули қилиб бериш учун бир бечора капралнинг икки тилла пулини қарзга олиш... ахир буни нима деб бўлади...

— Мана, тиллангизни ўзингиз олинг,— деди Швейк.— Сизнинг пулингиз билан бой бўлмоқчи эмасман. Агар обер-фельдкуратдан иккинчи тиллани олсам, йиғлаб юрманг, деб уни ҳам сизга қайтариб бераман. Бошлиқлар ўзининг харажати учун сиздан қарз олса, бунга хурсанд бўлишингиз керак. Сиз фақат ўзим бўлай деган одам экансиз. Арзимаган икки тилла қарз

бердим деб шунча гап қилишнинг нима кераги бор. Агар сиз бошлигингиз учун жонингизни қурбон қилишга мажбур бўлиб қолсангиз, унда нима қиласыз? Ушанда сиз қандай аҳволга тушишингизни кўргим келади. Мабодо бошлигингиз душман ерида ярадор бўлиб йиқилиб қолса-ю, сиз уни ўқ ёмгири остида жанг майдонидан кўтариб қутқаришингиз лозим бўлиб қолса-чи...

— Сиз ўзингиз иштонингизга сузма қилиб қўярсиз. Ургилдим сиздақа деншчикдан!— ғўлдироди ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлиб капрал.

— Жанг вақтида иштонига сузма қилиб қўядиганлар кўп бўлади,— гапга аралашди соқчилардан бири.— Яқинда Будейовицага бизга бир ярадор солдат, ҳужум вақтида иштонига уч марта кетма-кет сузма қилиб қўйганлигини гапириб берган эди. Биринчи марта у ўзи беркинниб ётган жойдан тиканли сим билан ўралган майдонга чиқиб қолганида шундай қилган экан, иккинчи марта у тиканли симларни қирқаётган вақтида, учинчи марта руслар «ура» деб қичқириб найзаларни ўқталиб бостириб келаётганида шундай қилибди. Шу пайтда уларнинг ҳаммаси орқага бурилиб, дарров ўзларини панага олишибди. Ушанда бутун ротада иштонига сузма қилмаган битта ҳам солдат қолмабди. Солдатлардан бири бруствер устида оёғини пастга осилтирганича ўлиб қолаверибди; ҳужум вақтида калласининг ярми худди пичоқ билан кесилгандек учиб кетибди. Ўлиш пайтида унинг ичи шундай ўтиб кетибдики, траншеяда ётган худди ярим палла калласига ва шу ярим палла калладаги қатиғи чиқиб кетган мияга унинг қони билан бирга ичи ҳам оқиб ётган экан. Хуллас, оғайни, жангда ҳеч ким ўзининг қандай аҳволга тушишини билмайди.

— Баъзи вақтларда эса,— гапни илиб кетди Швейк,— одам жангда шундай мушкул аҳволга тушиб қоладики, асти қўяверасиз. Перемишлда ўқ тегиб даволаниш учун келган ва соғаяувчилар командасига қўшиб қўйилган солдатлардан бири Прагадаги Погоржельцеда, «Панорама» қовоқхонасида бир воқеани бизга ҳикоя қилиб берган эди. Улар қандайдир қўрғон олдида найза жангига боришган экан. Қаердандир бир рус солдати пайдо бўлиб қопти. Бу солдат галварсдек йигит экан. Найзасини ўқталиб келаётган пайтда унинг бурнидан мишиғи оқиб турганмиш. Бечора солдатимиз

ўша солдатнинг мишиғи оқиб турган баҳайбат бурнига қараши билан кўнгли айниб кетибдида, шу он дала лазаретига югурибди. У ерда уни вабо деб Будапештдаги вабо барагига жўнатишибди, ўша баракда унга чиндан вабо тегиб, касал бўлиб қопти.

— Ўзи ким экан, оддий солдатми ёки капралми?—суриштирди кўнгилли аскар.

— Капрал эди,—осойишта жавоб берди Швейк.

— Ҳар бир кўнгилли ел чиқарувчининг бошига ҳам шундай кулфат тушиши мумкин,— деди бачкана пичинг қилиб капрал ва қойил қилдимми, дегандек кўнгилли аскарга қараб қўйди. Унинг вазоҳати: «Хўш, бопладимми? Жавоб бера олмай қолдинг-ку», деб хитоб қилаётгандек туюларди.

Лекин кўнгилли аскар жавоб бермай скамейкага ётиб олди. Поезд Венага яқинлашиб келмоқда эди. Қимки ухламаган бўлса, у Вена атрофидаги истеҳкомларни ва тиканли симларни вагон деразасидан томоша қилиб бораверди. Бу манзара ёмон таассурот қолдирарди. Кашпер тоғидан келган қўйчивонлар тушган вагонлардаги гунгур-гунгур гаплар, Wann ich kumm, Wann ich kumm Wann ich wieda, Wieda kumm!<sup>1</sup> ҳам ҳолат таъсири остида жимжит бўлиб қолди.

Вена атрофини ўраб олган тиканли симлар ҳаммада оғир таассурот тугдирган эди.

Швейк вагон деразасидан қараб туриб гап бошлади.

— Ҳамма нарса жойида. Тўла тартиб ўрнатилибди. Бу тартибнинг ўнғайсизлик келтирадиган бир жойи бор: веналиклар сайр қилиш учун шаҳардан чиқиб кетаётган вақтларида бу тиканли симларга илиниб иштонларини тилка-тилка қилиб юборишлари мумкин. Эҳтиёт бўлиб юришга тўғри келади.

— Вена умуман ажойиб шаҳар,— деб давом қилди Швейк.— Шенбрун ҳайвонот боғида ёввойи ҳайвонларнинг ўзи ҳам бир талай! Бундан бир неча йил аввал Венада бўлган вақтимда ҳайвонот боғига бориб маймунларни томоша қилишни жуда яхши кўрардим, лекин император саройидан бирор зот келиб қолган бўлса, у ерга ҳеч кимни киритишмайди. Унингчи райондан келган бир машиначи мен билан томоша қилиб юрган эди. Уни ўша

---

<sup>1</sup> Мен қайтгач, мен яна қайтгач! (немисча шеви).

маймунларни кўраман деб туриб олгани учун қамаб қўйишди.

— Сиз саройда ҳам бўлганмисиз?— сўради капрал.

— Жуда чиройли жой,— жавоб берди Швейк,— Узим кўрмаган бўлсам ҳам, аммо саройни кўрган бир киши менга гапириб берган эди. Сарой посбонлари жуда ҳам чиройли бўлар экан. Ҳар бир посбоннинг бўйи икки метр бўлиши керак, дейишади шундай посбон истеъфога чиққанида унга трафика\* деган дўкон қилиб беришади. Саройда маликалар итдан ҳам кўп.

Поезд қандайдир бир станция ёнидан ўтиб кетди. Ўша станциядан Австрия гимнининг товушлари эшитилиб, аста-секин орқада қолиб кетди. Оркестрнинг бу станцияга юборилганлиги хато бўлган бўлса керак, чунки поезд анча йўл юргандан кейин бошқа вокзал олдига келиб тўхтади. Бу ерда эшелонга овқат тайёрлаб қўйилган эди ва уни тантанали кутиб олишди.

Бу тантанали кутиб олишлар энди уруш бошланган вақтдаги кутиб олишларга ўхшамасди. Ўша вақтда фронтга жўнаб кетаётган солдатлар ҳар бир станцияда турли овқатларни ея бериб бўкиб қолгудек бўлишар, ҳамма жойда уларни оқ кўйлақлар кийган, бачкана гулдасталар кўтариб олган, бефаҳмлиги башарасидан кўришиб турган дружечкалар пешвоз чиқиб кутиб оларди. Эрлари ҳозир ўзларини ўтакетган ватанпарвар ва республикачи деб кўрсатишга уриниб юрган хонимларнинг табрик нутқлари ўта бемаъни гаплардан иборат бўларди.

Тантанали делегация Австрия Қизил Крести жамиятининг аъзоси бўлган уч хонимдан, қандайдир ҳарбий тўғаракнинг аъзоси бўлган икки хонимдан, Вена хонимлари ҳамда қизларидан, Вена магистратининг бир расмий вакили ва бир ҳарбий кишидан иборат эди.

Чарчаб ҳолдан тойганлиги ҳамманинг қиёфасидан сезилиб турарди. Ҳарбий эшелонлар кечаси-ю кундузи тинмас, ярадорлар ортилган санитария поездлари ҳар соатда келиб турарди. Асирлар ортилган поездлар станцияларда ҳаминша бир йўлдан иккинчи йўлга ўтказиб қўйилаверарди. Мана шуларнинг ҳаммасини аксари турли жамиятлар ва корпорацияларнинг аъзолари кутиб олиши керак эди. Ҳар кун бир хилда такрорлана берган бу хилдаги кутиб олишлар ўзининг дастлабки шукуҳини йўқотган, одамлар нуқул эснашарди. Ари иви-

ни эслатувчи Вена вокзалларининг ҳаммасида кутиб олиш учун келганларнинг қиёфасида ҳам Будейовица полкини кутиб олувчилар қиёфасида бўлганидек ҳорғинлик аломати сезилиб турарди.

Ҳарбий вагонлардан солдатлар термулиб қарашар, уларнинг чеҳраларидан худди дор тагига олиб кетилаётган кишиларникига ўхшаш умидсизлик аломатлари сезилиб турарди.

Хонимлар вагонларнинг олдига келиб, солдатларга ширин кулчалар улашиб юришди. Шу кулчаларга: «Sieg und Rache» «Cott, strafe England», «Der Oesterreichor hat ein Vaterland. Er liebt's und hat auch Ursach für's Vaterland su kämpfen».<sup>1</sup> деган чучмал сўзлар ёзилган эди.

Қашпер тоғи этагидаги қишлоқлардан келган йигитлар ширин кулчаларни ямлаб ютаётганликлари, лекин уларнинг чеҳраларида умидсизлик аввалгидек маҳкам ўрнашиб қолганлиги кўриниб турарди.

Сўнгра роталарга вокзалнинг нариги ёғидаги дала ошхоналаридан бориб тушлик овқат олиб келиш тўғрисида буйруқ берилди. Офицерлар ошхонаси ҳам ўша ерда эди. Швейк обер-фельдкуратнинг буйруғини бажариш учун офицерлар ошхонасига равона бўлди. Кўнгилли аскар поездда қолди ва овқат келтириб беришларини кутиб тураверди: вагондагилар маҳбусларга овқат олиб келиш учун кетишди.

Швейк буйруқни аниқ бажарди, йўлдан ўтаётганида поручик Лукашни кўриб қолди. У офицерлар ошхонасига менинг ҳам насибам бордир, деб темир йўл устида у ёқ-бу ёққа юриб кутиб турарди. Поручик Лукаш жуда ўнғайсиз аҳволга тушиб қолган эди, чунки у билан поручик Қиршнер битта деншчикдан муваққат равишда фойдаланмоқда эдилар. Бу йигит фақат ўз хўжайинининг ғамини ер, поручик Лукашнинг хизмати-ни қўл учида бажарарди.

Швейк шинелга ўралган бир талай нарсани уҳ деб ерга қўйганида уни бечора поручик кўриб қолди. Швейк бу нарсаларни офицерлар ошхонасидан таллашиб-тортишиб ундириб олган эди.

---

<sup>1</sup> «Ғалаба ва қасос», «Худо, Англияни жазола!», «Австрия фарзандининг ватани бор. У Ватанини севади ва унинг учун жанг қилишга тайёр» (немисча).



— Буни кимга олиб кетяпсиз, Швейк?— сўради поручик Лукаш. Швейк бир лаҳза иккиланиб турди, лекин дарров ўзи тугиб олиб очик юз билан осойиштагина жавоб берди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, бу нарсаларни сизга олиб келяпман. Аммо сиз турган купе қаердалигини топа олмаяпман, яна бир нарсани мени ташвишга соляпти — сиз билан бирга кетишимга поезд комендантлари қаршилик қилмасмикин, негаки, у ўзи чўчқасифат одам.

Поручик Лукаш савол назари билан Швейкка қаради. Швейк дилкашлик ва очик кўнгиллик билан гапини давом эттирди:

— Худди чўчқанинг ўзи, жаноб обер-лейтенант. У поездни айланиб юрганида мен дарҳол унга, энди соат ўн бир бўлди, қамоқ вағонида ўтириш вақтим тугади, энди мен ё солдатлар вағонида ёки сиз билан кетишим керак эканлигини айтдим. У бўлса қўполлик билан гапимни бўлиб, дамингни чиқарма, қаерда ўтирган бўлсанг, шу ерда қолавер, деди. Унинг айтишига қараганда, мен сизни йўлда яна шарманда қилиб қўярмишман. Жаноб обер-лейтенант!— Швейк йиғлаётгандек лабини буруштирди.— Жаноб обер-лейтенант, сизни мен ҳеч қачон шарманда қилганим йўқ-ку ахир!

Поручик Лукаш хўрсиниб қўйди.

— Ахир мен сизни бир марта ҳам шарманда қилганим йўқ-ку,— давом этди Швейк.— Агар бирор ҳодиса бўлган бўлса ҳам, фақат тасодифий равишдагина содир бўлган, Пельгржимовдаги Ваничек деган чолни ўттиз олтинчи марта турмага қамаганларида айтганидек «худонинг иродаси билан» бўлган-ку ахир. Мен ҳеч қачон ҳеч нимани агайин қилган эмасман, жаноб обер-лейтенант. Мен ҳамини буюрган ишингизни тез, кўнглингиздагидай бажаришга ҳаракат қилиб юрганман. Бундан иккаламизга наф эмас, нуқул зарар тегаверган бўлса мен айбдорми, ахир?

— Кўпам хафа бўлманг, Швейк,— деди мулоимлик билан поручик Лукаш. Уларнинг иккови энди штаб вағони олдинга яқинлашиб қолишган эди.— Узим ҳаммасини тўғрилайман, сизни яна ўз бағримга оламан.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, мен хафа бўлаётганим йўқ.

Лекин фақат бир нарса алам қилади: сиз билан биз бу урушда ва бутун дунёда энг бахтсиз кишилар эканмиз, бунинг учун иккаламизда ҳам айб йўқ. Тақдирнинг ўзи бизга шафқатсизлик қиляпти, ўзингиз ўйлаб кўринг, мен азалдан шунчалик жонкуяр бўлсаму...

— Ўзингизни босинг, Швейк.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, бошлиқларнинг буйруғини бажариш менинг учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмаганида ўзимни сира босолмайман деб айтган бўлардим, лекин сизнинг буйруғингизга биноан, энди ўзимни босиб олдим.

— Қани бўлмаса, вагонга чиқинг, Швейк.

— Худди шундай, чиқяпман, жаноб обер-лейтенант.

\* \* \*

Мостдаги ҳарбий лагерда тун сукунати ҳукм сураб эди. Баракларда солдатлар совуқдан қалтирашар, аммо офицерлар яхши иситилган квартираларида иссиққа чўдай олмай деразаларни очиб юборишган эди.

Айрим объектлар олдида соқчиларнинг қадам ташлаши эшитиларди, улар мана шундай юриб туриш билан уйқунни қочирмоқда эдилар.

Пастдаги дарё бўйида император ҳазратларининг гўшт консервалари заводида чироқлар ярқираб туради. Завод кеча-ю кундуз тинимсиз ишлаб, ҳар хил чиқиндилардан консервалар қилинарди. Консерва селавасида қайнатилган чандирлар, туёқлар ва суякларнинг қўланса ҳидини шамол лагерга учириб олиб келмоқда эди.

Литава водийсидаги ҳарбий мерганлар майдонида ўзининг ёшлик чоғларини ўтказган солдатларни тинч вақтда суратга олиш билан шуғулланган фотографнинг ташландиқ павильонида жойлашган «Жўхоризор» деган майхонадан қизил чироқ ёруғлари кўриниб турарди; 1908 йилда Шопрони ёнида ўтказилган катта маневрлар вақтида шу майхонага эрцгерцог Степаннинг ўзи ташриф буюрган эди, ҳозир эса офицерлар ҳар куни шу майхонада тўпланишарди.

Бу жой энг ҳашаматли ишратхонага айлантирилган бўлиб, паст даражали офицерлар ва кўнгилли аскарлар

бу ишратхонага киритилмасди. Улар «Пушти уй»га бориб туришарди. Унинг яшил чироқлари ҳам фотографнинг ташландиқ павильонидан кўриниб турарди. Офицерларнинг даражаларига қараб мана шундай бир-бирларидан фарқ қилиниши фронтда ҳам сақланиб қолди, чунки энди монархия ўзининг қўшинларига бригадаларнинг штаблари ҳузурда «тўшакча» деб аталган кўчма ишратхоналар очиб беришдан бошқа ёрдам беролмай қолган эди. Шундай қилиб, император-қирол офицерларининг тўшакчалари, император-қирол унтер-офицерларининг тўшакчалари ва оддий солдатлар учун император-қирол тўшакчалари мавжуд эди. Мост-Литава ҳамиша чароғон бўлиб, Литаванинг нариги томонида Кираль-Хид, Цислейтания ва Транслетания\* чироқлари ярқираб турарди. Ҳар иккала шаҳарда, венгерлар ва Австрия шаҳрида ҳам лўлиларнинг созандалари куй чалиб, ашула айтишар, ичкиликбозлик авж олганди. Кафелар ва рестороанлар ёруғ ва чароғон эди. Маҳаллий буржуазия ва амалдорлар ўзларининг хотинларини ва бўйига етган қизларини кафеларга ва рестороанларга олиб келишарди. Хуллас, бутун Мост-Литава, Bruk an der Zeite<sup>1</sup>, шунингдек, Кираль-Хид ҳам катта ишратхона бўлиб қолган эди.

Офицерларнинг баракларидан бирида Швейк ўзининг поручиги Лукашни кутмоқда. Кечқурун шаҳар театрига кетган поручик Лукаш ҳанузгача қайтиб келгани йўқ. Швейк поручикнинг тўшаб қўйилган ўрнида, рўпарадаги стол ёнида эса майор Венцелнинг деншчиги ўтирибди.

Майор Венцель ўзининг ношудлигини Сербиядаги Дринда қойил қилиб ишботлаганидан кейин фронтдан полкка қайтиб келган эди. Майор Венцель ўз батальонини солдатларидан ярмиси дарёнинг нариги томонига ўтиб бўлмасданоқ, пантон кўприкни йиғиштириб куйдириб ташлашни буюрган, деган гаплар тарқалганди. Ҳозирги вақтда у Кираль-Хиддаги ҳарбий мерганлар майдонининг бошлиғи бўлиб ишлаб турибди, бундан ташқари, ҳарбий лагернинг хўжалик қисмида ҳам қандайдир бир вазифани бажармоқда. Офицерларнинг айтишларига қараганда, энди майор Венцель ўзининг ишларини тўғрилаб олади. Лукаш билан Венцелнинг хошаларига битта коридордан кирилади.

---

<sup>1</sup> Брук-Лейте (немисча).

Майор Венцелнинг деншчиги Микулашек кўримсиз, чўтир йигит бўлиб, оёғини ликиллашиб сўкина кетди:

— Бу эски шайтонга нима бўлдийкин, ҳанузгача кел-маяпти-ку? Қизиқ, бу эски айғир туни билан қаерда дайдиб юрдийкин? Уйнинг калитини менга ташлаб кет-са бўларди-ку. Уринга-чўзилиб ҳузур қилардим! Биз-нинг уйимизда винолар қалашиб ётибди.

Поручик уйнинг ичида трубка чекишни тақиқлаб қўйганлиги сабабли, Швейк унинг сигаретини бемалол тутатиб туриб деди:

— У ўғрилиқ қилади дейишади. Винолар уйингизга қайдан келиб қолганлигини сен билсанг керак.

— Қаёққа буюрса шу ёққа боравераман,— деди ин-гичка овоз билан Микулашек.— Лазаретга керак. деб вино учун талабнома ёзиб беради. Мен бўлсам винони олиб тўппа-тўғри уйга келтираман.

— Агар у сенга, полк кассасини ўғирлаб кел, деб буюрса бажарармидинг?— сўради Швейк.— Орқасидан сўкасану аммо рўпара келиб қолсанг, кузги япроқдай қалтираб тураверасан.

Микулашек кичкина кўзларини пирпиратиб:

— Уйлашиб иш қилган бўлардим,— деди.

— Бунинг ўйлайдиган жойи йўқ, эси паст!— деб Швейк унга қичқирди, лекин гапни шу ондаёқ тўх-татди.

Эшик очилиб, поручик Лукаш кириб келди. Поручикнинг кайфи чоғ эди, буни унинг фуражкеси қинғир-қийшиқ кийилганлигидан ҳам билса бўларди.

Микулашек шу қадар кўрқиб кетдики, ўрнидан сап-чиб туришни ҳам унутиб, ўтирган жойида честь берди, бунинг устига у бошида фуражкеси йўқлигини ҳам эсан-чиқариб қўйди.

Швейк, гарчи сигаретани оғзидан олмаган бўлса ҳам, аммо қаққайганича қондасини келтириб рапорт берди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, ҳамма нарса жойида.

Бироқ Лукаш Швейкка заррача эътибор бермай, тўғри Микулашекнинг олдига борди. Микулашек кўз-ларини чақчайтириб унинг ҳар бир қадамини кузатиб тураркан, ўрнидан турмаган ҳолда честь берганича қо-тиб қолган эди.

Лукаш гандираклаб Микулашекнинг олдига келиб, ўзини танитди:

сизми?— himmelherrgott<sup>1</sup>. Биласизми ё билмайсизми? Билсангиз жуда соз. Шу магазиннинг тепасида бир квартира бор. Мен айтган одам ўша квартирада туради, эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз, мен сизга айтяпман-ку ўша одам у ерда туради, деб! Тушундингизми? Тушунган бўлсангиз жуда соз. Агар тушунмаган бўлсангиз, гауптвахтага қамаб қўярдим. Ўша одамнинг фамилияси Қаконь эканлигини ёзиб олдингизми? Яхши. Демак, эртага эрталаб соат ўнларда сиз шаҳарга тушиб ўша иморатни топасиз, иккинчи қаватга чиқасиз, мана бу хатни Қаконь хонимнинг қўлига топширасиз.

Поручик Лукаш ҳамёнини очиб, эснаганича печатланган оқ конвертни Швейкка узатди. Конвертга ҳеч қандай адрес ёзилмаган эди.

— Бу ниҳоят даражада муҳим иш, Швейк,— насиҳат қила бошлади поручик.— Ҳамиша эҳтиёт бўлиш керак, шунинг учун ҳам кўриб турибсизки, бу конвертга адрес ёзилмаган. Бутун умидим сизда, бу хатни эсон-омон элтиб беришингизга ишонаман. Хонимнинг номи Этелька, буни ҳам ёзиб қўйинг. «Этелька Қаконь хоним» деб ёзинг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу хатни хонимнинг ўз қўлига махфий равишда топширишингиз кераклигини унутманг. Жавобини ҳам олиб келасиз. Жавоб ёзиб бering деб ушбу хатнинг ўзида айтганман. Хўш, нима демоқчисиз?

— Агар жавоб бермасалар-чи, жаноб обер-лейтенант, унда нима қиламан?

— Албатта жавоб олишим керак, деб айтинг,— поручик яна оғзини катта очиб эснади.— Жуда чарчаганман, энди ухлаб олмасам бўлмайди. Жуда кўп ичдикда! Бунақа маншат ва мана бунақа кечадан кейин ҳамма ҳам чарчаши турган гап.

Поручик Лукашнинг аввал бирор жойда ўтириб қоларман, деган нияти йўқ эди. Кечқурун у Кираль-Хиддаги венгер театригагина бормоқчи бўлиб легардан шаҳарга равона бўлди, бу театрда қандайдир венгерча бир оперетта кўрсатилмоқчи эди. Опереттада асосий ролларни семиз яҳудий аёл артистлар ўйнардди, бу хотинларнинг катта фазилати шу эдики, рақс тушаётган вақтда оёқларини бошларидан ҳам юқори кўтаришар, на трико,

<sup>1</sup> Вой тавба-ей (немисча).

на панталон кийишмас, жаноб офицерларни ўзларига маҳлиё қилмоқ учун татар хотинларидек баданларида битта ҳам тук қолдирмай қириб юришар эди. Залнинг орқа томонида ўтирганлар артист хотинларни шу ҳолатда кўриб ҳузур қилиш имкониятидан мажрум эдилар, албатта, аммо партерда ўтирган тўпчи офицерлар жуда ҳам лаззатланиб томоша қилишарди, улар артист хотинлар баданини тағин ҳам аниқроқ кўриш учун тўпчиларнинг йирик қилиб кўрсатадиган дурбинларини ҳам ўзлари билан бирга театрға олиб келишарди.

Бироқ бу беҳаёлик поручик Лукашни ўзига тортмасди, чунки унинг театрда ижарага олган дурбини унақа катта қилиб кўрсатадиган дурбин эмас эди, шунинг учун ҳам у хотинларнинг сенини кўриш ўрнига, қандайдир қимирлаб турган бинафша ранг доғларнигина кўрарди.

Биринчи пардадан кейинги танаффус вақтида ўрта ёшлардаги бир жаноб билан юрган хоним унинг эътиборини тортди. Хоним эркакни гардероб олдиға судраб олиб келди, бунақа бемаъниликни кўришға чоқатим қолмади, тезроқ уйға кетайлик, деб уни зўр бериб қистайверди. Хотин хиёла баланд овоз билан немисча гапирар, ҳамроҳи эса унга мадьярча жавоб берарди.

— Хўп, жоним, кетамиз, гапинг рост. Ҳақиқатан иштаҳани бўғадиган томоша бўляпти?

Эркак пўстинини кийдириб турган маҳалда хоним газабланиб:

— Es ist ekhafft! — деди.

Унинг келишган қоматиға мос ўша шахло, хумор кўзларда бу шармандалиқдан газабланиш олови ёнмоқда эди. Шу маҳалда у поручикка бир назар ташлаб, яна қатъият билан:

— Ekelhaft, wirklich ekelhaft!<sup>2</sup> — деди.

Мана шу ҳолатнинг ўзи қисқа ошиқ-маъшуқлик дostonини бошлаб берди.

Поручик Лукаш гардеробчи хотиндан мазкур хоним Қаконнинг рафиқаси эканлигини, Шопронье кўчасидаги ўн олтинчи уйда эса Қаконнинг темир-терсак магазини борлигини сўраб билиб олди.

— У Этелька хоним билан иккинчи қаватдаги уйда яшайди, — деди гардеробчи хотин тажрибали қўшмачи.

<sup>1</sup> Бу шармандалиқ-ку! (немисча).

<sup>2</sup> Шармандалиқ- ҳақиқатан шармандалиқ! (немисча).

ларга хос тафсилотларни баён қилиб.— Хонимнинг ўзи шопроньелик немис, аммо эри мадьяр. Бу шаҳарликларнинг ҳаммаси қурама.

Поручик Лукаш гардеробдан шинелини олиб, шаҳарга равона бўлди. Шаҳарда, «Эрцгерцог Альбрехт» ресторанида Тўқсон биринчи полк офицерларини учратди. Ресторанда кам гапириб, кўп ичди, бояги одобли одми ва чиройли хонимга нималарни ёзсам экан, деб индамай ўйлаб ўтираверди, чунки бошқа офицерлар маймун деб ном қўйиб олган оперетта артистларининг ҳаммасидан кўра, ўша хонимга унинг кўнгли кўпроқ мойил бўлиб қолган эди.

У кайфи чоғ бўлиб, «Авлиё Стефан крести» деган мўъжазгина кафега кирди, алоҳида кабинетга ўтиб, бу ердан румин хотинни ҳайдаб чиқарди-да, шу хонани эгаллаб олди. Румин хотин, мен қип-яланғоч бўлиб ечинман, нима десангиз шуни қиламан, деса ҳам, бунга қулоқ солмади, сиёҳ, перо, почта қоғози ва бир шиша коньяк келтириб беришни буюрди, обдан ўйлаб бўлганидан кейин, ўзича энг муваффақиятли деб ўйлаган қуйидаги мактубни ёзди:

«Азиз хоним!

Кеча шаҳар театрида сизни бағоят ғазаблантирган томошани мен ҳам кўрган эдим. Биринчи парда тамом бўлгунча сизга ва эрингизга қараб ўтирдим. Менга шу нарса аён бўлдики...»

«Унинг бошлаб пўстагини қоқиш керак,— деди ўзига поручик Лукаш.— У нобакор шундай нозанинни хотин қилиб юришга қандай ҳақи бор? Ўзи худди соқолини олдирган маймунга ўхшайди-ку ахир...»

Сўнгра яна ёзишга тутинди:

«Сиз хонимни шу қадар жиркантирган ва ҳақли равишда ғазаблантирган пьесадаги разилликларнинг ҳаммасига эрингиз маза қилиб тикилиб ўтирди ва ундан бағоят завқланди, аммо бу пьесани санъат қаторига киритиб бўлмайди, уни инсоннинг энг нозик ҳисларига қабиҳлик билан қилинган суиқасд деса бўлади...»

«Жононнинг ажойиб кўкраги бор экан-да,— деб ўзича ўйлади поручик Лукаш.— Майли, нима бўлса бўлди!»

«Хоним, сизга гарчи таниш бўлмасам ҳам, аммо кўнглимдаги очиқ гапни айтдим, бунинг учун узримни қабул этгайсиз. Мен умримда кўп хотинларни кўр-

ганман, лекин уларнинг биронтаси ҳам менда сиз каби таассурот қолдирмаган эди, чунки сизнинг дунёқарашингиз ва оқилалигингиз худди менкига ўхшайди. Шу нарсага имоним комилки, хоним, эрингиз жуда худбинлик қилиб сизни ўзи билан судраб юрибди...»

«Бундай дейиш ярамайди»,—деди ўз-ўзига поручик Лукаш ва «schleppt mit»<sup>1</sup> деган сўзларни ўчириб, қуйндагиларни ёзди:

«...Фақат ўзининг бачкана дидига мос келадиган театр томошаларига сизни, хоним, ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб олиб кириб юрибди. Мен ростгўйлик ва самимийликни яхши кўраман, сизнинг шахсий ҳаётингизга асло аралашмайман ва соф санъат тўғрисида ўзингиз билан холи жойда гаплашишни истар эдим...»

«Бу ердаги меҳмонхоналарда учрашиш ноқулай,—ўйлади ўзича поручик.—Хонимни Венага олиб боришга тўғри келади. Командировка олмасам бўлмайди.»

«Шу сабабли, хоним, сиз билан яқиндан танишмоқ учун қаерда ва қачон учрашни мумкинлигини менга айтишингизни сиздан ўтииб сўрашга журъат этдим. Яқин фурсатда машаққатли уруш сафарига жўнайдиган, агар сиз олижаноблик билан розилик берсангиз, дунёда мени шу қадар яхши тушунадиган олиҳиммат хотин бор экан, деб гўзал хотирангизни жанг майдонида ҳам унутмайдиган кишининг бу ўтинчини ерда қолдирмассиз деб ўйлайман. Сизнинг қарорингизни ўзим учун буйруқ деб ҳисоблайман. Жавобингиз ҳаёт-мамотимни ҳал қилади.»

Поручик Лукаш мактубга имзо чекди, коньякнинг қолганини ичиб тамомлади-да, яна бир шиша коньяк келтиришни талаб этди ва уни майдалаб ичиб туриб, мактубни тагин бир марта ўқиб чиқди ва охириги сатрларни ўқиётганида кўзига ёш олди.

Швейк поручик Лукашни уйғотганида эрталаб соат тўққиз бўлган эди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, сиз ухлаб хизматга кечикиб қолдингиз, мен бўлсам мактубингизни Кираль-Хидга олиб боришим керак. Мен сизни соат еттида уйғотдим, сўнг-ра етти яримда, ундан кейин саккизда ҳам уйғотдим. Ҳамма машғулотга жўнаб бўлди, сиз бўлсангиз бир

<sup>1</sup> Судраб юрибди (немисча).



ағдарилиб олиб, яна уйқуга кетавердингиз. Жаноб обер-лейтенант, ҳой жаноб обер-лейтенант!..

Поручик Лукаш ғўлдираб, яна иккинчи ёнбошга ағдарилиб уйқуга кетмоқчи бўлган эди, лекин бу муддаосига етолмади: Швейк уни сира аямай силкитиб, тепасида туриб бақирди:

— Жаноб обер-лейтенант, энди мен бу хатни Қираль-Хидга олиб кетяпман!

Поручик бир эснаб қўйди.

— Мактубни?.. Ҳа, айтгандай! Лекин бу махфий мактуб эканлигини тушуяпсизми? Бизнинг махфий сиримиз... Abtreten...<sup>1</sup>

Поручик Швейк олиб ташлаган кўрпага яна бурканиб, уйқуга кетди. Швейк эса, Қираль-Хидга равона бўлди.

Дарё бўйидаги казармаларда турган пулемётчилар ихтиёрига юборилган кекса сапёр Водичка йўлда учраб қолмаганида, Шопроньский кўчасини ва шу кўчадаги ўн олтинчи уйни топиш унчалик қийин бўлмас эди. Бундан бир неча йил муқаддам Водичка Прагадаги Боништеда истиқомат қилар эди, улар мана шундай учрашиб қолганликларига хурсанд бўлиб, Брукдаги «Қора қўзи» қовоқхонасига киришди. Бу қовоқхонада уларга таниш бўлган Руженка исмли чех аёл хизмат қилар эди. Ҳарбий лагердаги кўнгилли чехларнинг ҳаммаси шу аёлдан қарздор эдилар.

Кекса ва айёр сапёр Водичка кейинги вақтларда шу аёлга маҳрам булиб қолган ва лагердан жўнаб кетиши лозим бўлган марш роталарнинг ҳаммасини кўз остига олиб юрарди. У кўнгилли чехлардан ҳар бирининг олдига ўз вақтида бориб, уларга қарзни тўламай фронтга жўнаб кетмасликларини эслатиб турарди.

Асид винонинг биринчи стакани ичилиб бўлинганидан кейин Водичка Швейкдан сўради:

— Хўш, қаёққа кетяпсан?

— Айтиб бўлмайдиган сир,— жавоб берди Швейк.— Лекин эски ошнам бўлганинг учун сенга айтишим мумкин...

Швейк унга бор гапнинг ҳаммасини бутун тафсилотлари билан тушунтириб берди. Шу гапдан сўнг Водичка, мен тажрибали сапёр бўлганим учун сени таш-

<sup>1</sup> Боринг... (немисча).

лаб кетолмайман ва иккаламиз бирга бориб хатни топширамиз,— деди.

Улар ўтган-кетган воқеаларни гаплашиб узоқ отамлашиб ўтиришди, «Қора қўзи» қовоқхонасидан чиққанларида (кундуз соат бир бўлиб қолган эди), ҳамма нарса уларга жўн ва осонлик билан амалга ошадиган бўлиб кўринди.

Шопронье кўчасидаги ўн олтинчи уйга бора туриб, Водичка йўл-йўлакай мадьярларга бўлган хусуматини изҳор қилаверди, қаерда, қачон ва қандай қилиб улар билан муштлашганини ёки қачон ва қаерда улар билан муштлашишига ким халақит берганини тинмай жавраб борди.

— Бир кун биз бир мадьяр йигитни гирибонидан бўғиб олдик. Биз сапёрлар Паусдорфга ичкилик ичишга келганимизда унга дуч келган эдик. Ҳамма ёқ қоронғи бўлганлиги учун уни мен камарим билан калласига солмоқчи бўлдим; чунки иш бошланиши биланоқ шиша отиб, чироқни чил-чил қилган эдик. Аммо у бирданига: «Тонда, мени танимаяпсанми, мен ўн олтинчи запас полкидаги Пуркрабекман-ку!»— деб бақириб юборди. Сал бўлмаса хато қилиб қўяр эканмиз. Лекин Незидер қўли бўйида биз ўша мадьяр муттаҳамлар билан ҳисоб-ки-тобни бошлаб тўғриладик! У ерга биз бундан уч ҳафта олдин борган эдик. Уша жойга яқин бир қишлоқда қандайдир гонвед полкининг пулемётчилар командаси турар экан. Биз улар чардашга ўйинга тушаётган қовоқхонага тасодифан кириб қолибмиз. Улар жазаваси тутиб ўйинга тушишар, овозлари борича: «Угат, угат, bigo угат» ёки: *Lánok, lánok, lánóka faluba*<sup>1</sup> деб қичқришарди. Биз уларнинг рўпарасига бориб ўтирдик. Лашлушларимизни стол устига қўйиб, ўзимизча: «Қараб туринглар итваччалар, сенларга «ланьонк» нималигини кўрсатиб қўямиз», деб гаплашиб ўтиравердик. Шерикларимиздан Мейстршик деган бир забардаст йигит ўрнидан туриб ўйинга тушмоқчи бўлиб ўша баччағарлардан бирининг қизини тортиб олишга жазм қилди. Қизлар ҳам жуда жонон экан — сони ҳам, кўкраги ҳам, орқалари ҳам. Кўзлари тешиб юбораман дейди. Уша мадьяр аблаҳлар эзгилайвериб уларнинг кўкракларини сенинг

<sup>1</sup> Жаноб, жаноб, жаноб судья! Қизлар, қизлар, қишлоқ қизлари (венгерча).

коптогинга ўхшатиб қаттиқ ва дуркун қилиб қўйганлиги кўриниб турарди, улар эзғилатишни ёқтиришар экан. Хуллас, ўша Мейстршик деган ошнамиз ўрндан сапчиб туриб даврага тушди ва бир гонвед билан рақсга тушаётган яхшигина қизни ўйинга судрай бошлади. Гонвед нималарнидир чулдурай бошлаган эди, уни Мейстршик бошлаб туриб бир солиб ағдарди. Биз ўйлаб-нетиб турмай тасмаларимизни ечиб, найзаларни йўқотиб қўймаслик учун тасмаларни қўлимизга маҳкам боғлаганча ўртага тушиб кетдик, мен бўлсам йигитларга: «Айб кимдалигини суриштирмай, ҳаммасини бараварига уравер!» деб бақирдим. Худди кўнглимиздагидек солишиш бўлди, оғайни. Мадьярлар деразадан ташлаб қочмоқчи бўлишди, биз уларни оёқларидан ушлаб олиб, яна залга судраб туширавердик. Ҳамма ўз насибасига яраша олди. Жандарм билан оқсоқол аралашмоқчи бўлган эди, уларни ҳам ғурра қилиб қўйдик. Қовоқхоначи, майшатни бузаяпсизлар, деб немисча сўкина бошлаганди, уни ҳам бошлаб дўппосладик. Сўнгра ҳаммамиз ўша қишлоқдан биздан қочиб қутулмоқчи бўлганларни тутиб олмоқчи бўлиб қидирдик. Уларнинг бир унтерини қишлоқ чеккасидаги деҳқон томидаги ғарам орасидан топиб олдик. Уша унтер ўзи билан юрган қизни қолдириб, қовоқхонада бошқа қиз билан ўйинга тушган экан, аламзада қиз уни бизга тутиб берди. Уша қиз бизнинг Мейстршикка хуштор бўлиб қолиб, у билан Кираль-Хид томонга жўнаб кетди. Уша томонга бораверишда йўлда уйиб қўйилган пичанлар кўп. Қиз Мейстршикни ғарам орасига олиб кириб кетибди, кейин ундан беш крон берасан деб туриб олибди, йигит бўлса қизнинг тумшугига туширибди. Лагерга яқинлашиб қолганимизда Мейстршик орқамиздан етиб келди ва бизга, илгари мен мадьяр хотинларни жуда қичиқ, серқилиқ бўлади, деб ўйлаб юрар эдим, аммо у чўчқа хотин ғўладек ётиб олди ва нуқул тинмай жаврайверди, деб ҳикоя қилиб берди.

— Гапнинг қисқаси мадьярлар бир чақага арзимайди,— кекса сапёр Водичка шундай деб ҳикоясини таомлади, бунга жавобан Швейк:

— Баъзи мадьяр мадьяр бўлгани учун айбдор эмас,— деди.

— Нега айбдор бўлмас экан?— қизишди Водичка.— Гапингни қара-я, ҳаммаси ҳам айбдор! Курсда ўқиш бошлаган биринчи кунимда мен аралашиб қолган тўдага

сен ҳам тушиб қолганинда буни ўзинг билардинг. Уша кунни тушки овқатдан кейин ҳаммамизни худди мол подасидек мактаб биносига ҳайдаб келишди, қандайдир бир бемаъни, доскага нималарнидир чизиб, бизга блиндаж нималиги, унинг пойдевори қандай ясалишини ва қандай қилиб ўлчаш кераклигини тушунтира бошлади. «Мен тушунтириб берган нарсаларнинг ҳаммасини худди кўрсатганимдек қилиб эртага эраталабгача чизиб келмаган кишини,— деди у,— оёқ-қўлини боғлаб, қама-тиб қўяман». «Вой, сени қара-я, деб ўйладим. Ўзим фронтда нима бало бўлиб мана шу курсга ёзилиб қолибман, деб ёзилганимдан ёки кечқурунлари худди ўқувчи боладек дафтарга қалам билан чизиб ўлтириш учун ёзилганимиди?» Ўзимни аранг босиб ўтирдим. Ғазабим шу қадар ошдики, оғайни, нима қилишимни билолмай қолдим. Бизга тушунтириб бераётган аблаҳга қарасам, кўзимдан олов чиқиб кетаверди. Қани иложи бўлса-ю, уни ражиб ташласам. Кечқурун бериладиган кофени ҳам кутишга тоқатим қолмади. Дарров Кираль-Хидга жўнадим, хилватроқ қовоқхонани топсаму, у ерда жанжал чиқариб, мириқиб муштлашсам, биронтасининг тумшугини ёриб юборсам ва азамим тарқаб уйимга қайтиб келсам, деган хаёл миямдан ҳеч чиқиб кетмасди. Лекин ҳеч бир иш ўйлаганингча бўлавермайди. Дарё бўйидаги боғлар орасида ҳақиқатан кўнглимдагидек қо-воқхонани топдим: у чоғроқ ибодатхона сингари хил-ват бўлиб жанжал чиқаришга жуда боп жой экан. Мен кирганимда қовоқхонада икки киши ўзларича мадьяр тилида гаплашиб ўтиришарди. Уларни кўриб яна ғаза-бим ошди, ўзим ўйлаганимдан ҳам кўра тезроқ жанжал бошлаб, мириқиб муштлашдим, кайфим ошиб қолгани-дан ҳатто шу жойнинг ўзида яна бир хона борлигини, ёғжинганлигимдан шу хонада гусарлардан саккиз киши тўпланиб қолганлигини ҳам найқамабман. Мен икки кишини тумшугига солганимдан кўра ҳам боплаб улар мени ўлгудек қилиб калтаклашди. Баччағар гусарлар мени боплаб дўппослашди, боғни чир айлантириб қувиб юришди, тонг отаргача уйимни тополмай сарсон бўлдим. Бир амаллаб уйимга етиб келган эдим, дарҳол мени ла-заретга жўнатишди, оғайни. Мен уларга, ёғшин ўрага ағдарилиб тушдим, деб важ кўрсатдим, шунинг учун ҳам биқилимнинг оғриғи кетгунча мени бир ҳафта ҳўл чойшабга ўраб қўйишди. Бунақа аблаҳлар тўдасига

душманинг ҳам тушмасин, оғайни. Ахир улар одамми? Хайвонлар-ку!

— Ҳамма қилмишига яраша кўради,— деб қўйди ўзича Швейк.— Улар виноларини столда қолдириб, қоронғи зулматда сени боғма-боғ қувиб юрганлари учун жаҳли чиққан экан, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Улар сени қовоқхонанинг ўзида ўлгудек калтаклаб, кейин улоқтириб ташлашлари керак эди. Агар улар ўша стол олдида сендан қасд олганларида сенга ҳам, уларнинг ўзига ҳам яхши бўларди. Либенда менинг Пароубек деган бир қовоқхоначи танишим бор эди. Бир дайди чегачи словак унинг қовоқхонасида бир кун можжевеловка ароғини ичиб, маст бўлибди-да, бу ароғининг кучи йўқ экан, қовоқхоначи бунга сув қўшибди, деб сўкина бошлабди. «Агар,— дебди у,— мен юз йил чегачилик қилсаму, бутун топган пулимга можжевеловка сотиб олиб, ҳаммасини бирданига ичиб тамомласам, шундан кейин ҳам арқонда бемалол юраверар эдим, сен Пароубекни ҳам қўлимда кўтариб олиб, ўша арқонда чопаверар эдим». Сўнгра у, Пароубек фирром ва шайтон, деб ҳақорат қилибди. Пароубек буни эшитгач, чегачини гирибонидан олиб, симлари ва идишлари билан бошини уриб ёрибди-да, кўчага улоқтирибди, кўчада ҳам уни парда осиб қўйиладиган темир таёқ билан яна калтаклабди. Инвалидлар майдонигача калтаклаб борибди ва шу қадар ғазаби ошиб кетибдики, ҳатто инвалидлар майдонидан уни Карлингга судраб олиб чиқиб, Жижеквгача, бу ердан Малешичедаги Яҳудийлар Учоғигача\* судраб бориб, ниҳоят, у ерда калтаклаётган таёғини синдириб қўйибди, шундан кейингина Либенга қайтиб келибди. Боплабди. Лекин қизишиб кетиб, у қовоқхонада одамлар ўтирганлигини ва улар қовоқхонада ўз билгиларича хўжайинлик қилишлари мумкинлигини унутиб қўйибди. Ҳақиқатан ҳам қовоқхонага қайтиб келганида аҳвол худди шу даражага келиб қолганлигини ўз кўзи билан кўрибди. Қовоқхонадаги темир парда ярмигача тушириб қўйилган экан, дераза олдида иккита полициячи қаққайиб турганмиш. Улар, қовоқхонада тартиб ўрнатамиз, деб ўзлари ўлгудек ичишибди. Ичимликнинг ярмиси ҳам қолмабди. Ичидаги ром ичилиб бўлган бочкани кўчага думалатишибди. Пароубек қовоқхона жавони тагидан полициячилар кўрмай қолган иккита маст одамни топиб олибди. Мастларни жавон тагидан тортиб чиқарганидан

кейин улар, икки крейцерликдан ортиқ ароқ ичганимиз йўқ, деб унга икки крейцер пул тўлашмоқчи бўлишибди... Қизишиб кетган кишининг жазоси мана шунақа бўлади. Фронгда ҳам оғайни, худди шунақа, аввал душманни ураверамиз, кейин ҳаммамиз унинг орқасидан қувиб борамиз, сўнгра ўзимизга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади.

— Мен у аблаҳларни яхши таниб олганман,— деди Водичка.— Ўша гусарлардан биронтаси хилватроқ йўлда менга учраб қолса, терисини шилиб оламан. Агар хаёлимизга бирон нарса келиб қолса шу ўйлаганимизни қилмасдан қўймаймиз, бу хусусда йиртқичлардан баттармиз. Биз, оғайни, анави лашкарлардан эмасмиз. Перемисьль остонасидаги фронгда Етцбахер деган бир капитанимиз бор эди. Бунақа аблаҳни кундузи чироқ ёқиб тополмайсан. Ўзи шу қадар жонимизга тегдики, ротамизда Биттерлих деган яхшигина бир немис йигит у берган азобга чидай олмай, ўзини отиб ўлдирди. Руслар бизни ўққа тута бошлаши билан капитанимиз Етцбахерни боплаймиз, деб ўйлаб қўйдик. Дарҳақиқат, руслар отишни бошлаганлари заҳоти бешта ўқни ўша капитанимизни пойлаб туриб отдик. Ўзи мушукка ўхшаш жони қаттиқ газанда экан, кейин тагин тирилик қолмасин, деб яна кетма-кет икки марта ўқ узиб гумдон қилдик. У нималарнидир гўлдиради-ю дарров жон берди. Нимани гўлдираганини айтсам, кула-кула ўласан, оғайни!— Водичка жилмайиб қўйди.— Фронгда бунақа нарсалар ҳар куни бўлиб туради. Менинг бир ўртоғим — ҳозир у ҳам сапёрлар сафида хизматда — бир воқеани ҳикоя қилган эди. У Белград яқинида пиёда қўшинлар сафида хизмат қилиб юрган кезлари уларнинг ротаси атака вақтида ўзининг обер-лейтенантини отиб қўйибди. Ўша обер-лейтенант ўзининг отилишига кўзи етганидан кейин бирданига ҳуштак чалиб, чекининглар, деб сигнал бера бошлабди. Йигитлар унинг шу аҳволини кўриб думалаб-думалаб кулишибди.

Швейк билан Водичка мана шундай мароқли ва ибратли воқеаларни бир-бирларига ҳикоя қила-қила, ниҳоят, Шопронье кўчаси ўн олтинчи уйдаги пан Каконнинг темир-терсак магазинига етиб келишди.

Ўйнинг эшиги олдига етишганда Швейк Водичкага маслаҳат берди:

— Сен яхшиси, бу ерда кутиб тур, мен дарров иккин-

чи қаватга югуриб чиқиб, хатни топшираман, жавобини олиб, дарров қайтиб тушаман.

— Ўзингни ёлғиз қолдириб-а?— таажжубланди Водичка.— Сен, оғайни, мадьярларнинг ёмонлигини билмас экансан. Сенга неча марта айтганман-ку. Уларга ҳамиша ҳушёр бўлиб туришимиз керак. Мен уни бир солсам борми...

— Қўйсанг-чи бу гапингни Водичка,— деди жиддий қилиб Швейк,— мен мадьяр билан эмас, унинг хотини билан гаплашмоқчиман. Қовоқхонадаги чех хотин билан ўтирганимизда мен сенга, обер-лейтенантимнинг хатини олиб кетяпман, бу хат жуда махфий дегандим-ку. Обер-лейтенантим, буни ҳеч ким билмасин, деб менга қасам ичирган. Ахир ўша қовоқхоначи хотиннинг ўзи ҳам жуда махфий иш эканлигига тан берганди-ку. Жаноб обер-лейтенант эри бор хотин билан хат ёзишиб юрганини ҳеч ким билмаслиги керак. Ўзинг ҳам шу фикрни маъқуллаган эдинг. Обер-лейтенантимнинг буйруғини аниқ бажаришим кераклигини ўша жойда сенга тушунтиргандим, энди бўлса мен билан юқорига бирга чиқмоқчи бўлиб хижолатпазлик қиляпсан.

— Сен мени яхши билмас экансан, Швейк,— кекса сапёр Водичка ҳам жиддий, қиёфада жавоб берди.— Сени ёлғиз қолдирмайман, дедимми ўз лафзимда тураман, берган сўзимдан қайтмайман. Икки киши бўлиб юриш ҳамиша хатарсиз бўлади.

— Сира ундай эмас, Водичка. Ҳозир ўзинг ҳам буни ўз кўзинг билан кўрасан. Вишеграддаги Некланова кўчасини биласанми? Уша кўчада слесарь Воборникнинг устахонаси бор эди. Унақа улфат одам камдан-кам топилади. Кунларнинг бирида у маст бўлиб, кечаси уйига бир ўйнаш-хотинни бошлаб келибди. Шундан кейин анча вақтгача уйдан чиқа олмай ётиб қолибди, хотини бўлса ҳар куни унинг бошидаги ярасини тозалаб, боғлаб қўяётганида. «Мана кўрдингми, Тоничек, агар ўша куни кечаси битта ўзинг келганингда мен сени шунчаки койиб қўя қолардим, бошингга ўн қадоқлик тош билан солмас эдим», дер экан. Аммо кейин тузалиб тили гапга киргач, хотинига жавоб қилиб: «Гапинг рост, онаси, энди бундан буён бирор жойга борсам, ўзим билан ҳеч кимни олиб келмайман», дейдиган бўпти.

— Энди мадьярнинг бошимизга бирон нима билан уриши қоптими,— деди жаҳли қилиб Водичка.— Ҳиқил-

доғидан бўғиб олиб, иккинчи қаватдан улоқтираман, сенинг ўқингдек отилиб кетади. Ит мадьярлар билан дағал муомала қилиш керак. Уларга ялиниб юришнинг кераги йўқ.

— Водичка, кайфинг ошиб қолибди. Мен сенга қараганда икки чорак кўп ичдим. Ўзинг тушунсанг-чи, биз жанжал чиқармаслигимиз керак. Бунинг учун мен жавобгарман. Ахир бу ишга хотин аралашган-ку.

— Уни ҳам бошламан, менга барибир. Сен оғайни, кекса Водичкани яхши билмас экансан. Бир вақт Забеглицедаги «Гул орол» қовоқхонасида мана шунақа бир мочағар, сенинг афтинг шишиб кетибди, деб мен билан ўйинга тушишни истамади. Уша вақтда ҳақиқатан ҳам афтим шишиб кетган эди, чунки Гостивардаги ўйинхонадан чиқа солиб келган эдим, аммо ўша мочағарнинг гапи менга жуда қаттиқ ботди! «Бўлмаса, ҳурматли хоним, дедим мен унга, агар ҳавасингиз келган бўлса, сизнинг ҳам башарангизни шишириб қўя қолай». Шундай деб бир солган эдим, у боғдаги столнинг устига ағдарилиб тушди. Уша стол атрофида унинг отаси, онаси ва иккита укаси пиво ичиб ўтиришган эди. Пиво кружкалари чил-чил бўлди. Лекин оғайни, «Гул орол» менга ўзимникидай бўлиб қолган. У ерда Вршовицдан келган таниш ошпадарим бор эди, улар менга ёрдамлашишди. Уша ошпадарим билан бешта оилани калтакладик. Бизнинг шовқин-суронимиз Михлга ҳам эшитилган бўлса керак. Кейин газеталарда: «Фалон боғда, фалон жамияти хайрия тўғараги фалон шаҳарликлар учун сайил ўтказаетган вақтда...» деб ёзилган хабар босилиб чиқди. Менга ёрдам берган ўртоқларим бошига бирон иш тушиб қолса, мен ҳам уларга албатта ёрдамлашман. Нимаики бўлса ҳам сендан бир қадам силжимайман. Сен оғайни, мадьярларни яхши билмас экансан. Мени ташлаб кетмоқчисан, деб ўйламаган эдим; шунча йил кўришмай юриб, яна шундай бир ҳолатда учрашган эканмиз, оғайни...

— Майли, бирга чиқа қолайлик,— деган қарорга келди Швейк.—Лекин фалокат орттирмаслик учун эҳтиётлик билан ҳаракат қилиш керак.

Шу тариқа улар зина олдига етиб олганларида Водичка аста шивирлади:

— Хотиржам бўлавер, ўртоқ. Мен уни бир бошлайки...— у овозини янада пасайтириб илова қилди:— Мана



Ўзинг ҳам кўрасан, мен у мадьяр аблаҳ билан пачакилашиб ўтирмайман.

Агар ўша пайтда чехча гапни тушунадиган бирор кимса эшик олдида турган бўлса, у Водичка зинадан чиқиб бораётган вақтидаёқ «Сен, оғайни, мадьярларни яхши билмас экансан», деган шиорни баланд овоз билан айтганини эшитган бўлар эди. Бу шиор Литава дарёси Ёйидаги, машҳур Қираль-Хид боғлари орасидаги, атрофи тепаликлар билан ўралган чет қовоқхонада пайдо бўлган. Солдатлар, жаҳон уруши олдидан ва жаҳон уруши вақтида уларни бир-бирларини амалда калтаклашга ва қиришга назарий тайёрланганликларини эслаганларида, Қираль-Хидга ҳамиша лаънат айтадиган бўлиб қоладилар.

\* \* \*

Швейк билан Водичка жаноб Каконь квартирасининг эшиги олдида келишди. Швейк қўнғироқ тугмасини босмасдан олдин:

— Эҳтиётлик — донишмандлик деган мақолни эшитганмисан?— деб сўраб қолди.

— Бу мақолнинг менга дахли йўқ,— жавоб берди Водичка.— Сен уни оғзини очирмай солавер...

— Узим ҳам ҳеч ким билан гаплашмаслигим керак, оғайни Водичка.

Швейк тугмани босди, Водичка эса баланд овоз билан:

— Айн-цвай дейишидаёқ зинадан учириб юбораман,— деб қўйди.

Эшик очилди, остонада пайдо бўлган жорня қиз венгерча тилда сўради:

— Хўш, хизмат?

— Nem tudom<sup>1</sup>,— писанд қилмагандек жавоб берди Водичка.— Сен, қиз, чехча гапиришни ўрганиб ол.

— Verstehen Sie deutsch?<sup>2</sup>— сўради Швейк.

— А pischen<sup>3</sup>.

— Also, sagen Sie der Frau, ich will die Frau sprechen,

---

<sup>1</sup> Тушунмаяпман (венгерча).

<sup>2</sup> Сиз немисча тушунасизми? (немисча).

<sup>3</sup> Оз-моз (немисча).

sagen Sie, dass ein Brief ist von einem Herr, draussen in Kong<sup>1</sup>.

— Мен сенга ҳайронман,— деди Водичка Швейк кетидан даҳлизга кира туриб.— Дуч келган ҳар бир бемаъни одам билан гаплашаверишга қандай тилинг боради?

Улар ичкарига кириб эшикни ёпишгач, даҳлизда тўхтаб қолишди. Швейк:

— Уй жиҳозлари яхши экан. Қозиқда ҳатто иккита соябон турибди. Анави Исо пайғамбарнинг сурати ҳам чакки эмас,— деб қўйди.

Қошиқ ва тарелкаларнинг жаранглаган товуши эшитилаётган хонадан жорня қиз қайтиб чиқиб Швейкка юзланди.

— Frau ist gesagt, Sie hat ka Zeit, wenn was ist dass mir geben und sagen.

— Also,— тантанавор жавоб берди Швейк,— der Frau ein Brief, aber halten Kuschen<sup>2</sup>.— Лукашнинг хатини ёнидан чиқариб ва у ўзини бармоғи билан кўрсатиб туриб яна деди:— Ich Antwort Warten hier in die Worzim-mer<sup>4</sup>.

Девор тагидаги стулда ўтирган Водичка Швейкка имлади:

— Нега сен ўтирмайсан? Мана бу стулга ўтир. Гадойдек бўйин эгиб тураверма. Бу мадьярларга сира бўш келма. Улар билан жанжал чиқиши турган гап, мана кўрасан, аммо оғайни, мен уни бир соламан...— Бир оз тўхтаб туриб, гапида давом этди:

— Ҳой, менга қара, сен немисчани қаердан ўрганиб олдинг?

— Уз ҳаракатим билан ўргандим,— жавоб берди Швейк.

Яна сукунат бошланди. Хизматчи қиз хатни олиб кириб кетган хонадан бирданига даҳшатли қичқириқ ва шовқин-сурон эшитилди. Нимадир зўр куч билан полга улоқтирилди, сўнгра чил-чил қилинаётган тарелкалар ва стаканларнинг жаранглаши, шу шовқин орасида: «Вас-

<sup>1</sup> Хонимга айтинг, мен ўзлари билан гаплашмоқчиман. Бир жабдан мактуб олиб келган киши коридорда турибди, деб айтинг хонимга (немисча).

<sup>2</sup> Хоним, вақтим йўқ дедилар; агар бирор гапингиз бўлса менга айтarmiшсиз (немисча).

<sup>3</sup> Хонимнинг ўзига аталган хат, лекин ҳеч кимга оғиз очманг (немисча).

<sup>4</sup> Мен жавобини шу ерда, даҳлизда кутиб тураман (немисча).

zom az anyat, baszom az istenet, baszom a Kristus Mari-át, baszom az atyádót, baszom a vilagot!»<sup>1</sup>— деб кимдир бўкириб сўкинаётгани аниқ эшитилиб турарди.

Бирданига эшик очилиб, кўксига салфетка қистириб олган барваста бир жаноб хатни ушлаганча даҳлизга отилиб чиқди.

Кекса сапёр эшикка яқинроқ жойда турган эди, ғазабланган жаноб дастлаб унга ёпирилиб бўкира бошлади:

— Was soll das heissen, wo ist der verfluchter Kerl, welcher dieses Brief gebracht hat?<sup>2</sup>

— Упкангизни босиб олинг,— деди Водичка унинг гапини тўхтатиб ва ўрнидан турди.— Ҳадеб бақираверма, улоқтириб ташлайман. Хатни ким олиб келганини билмоқчи бўлсанг, буни ўртоғимдан сўра. Аммо у билан юмшоқроқ гаплаш, йўқса эшикдан итқитиб юбораман.

Кўксига салфетка қистириб олган қутурган жаноб энди Швейкка ўшқира бошлади. У ғазабидан сўзларни чалкаштириб, эндигина тушлик овқатни ейишга ўтирган эдик, деб бақира бошлади.

Швейк ўзи билган чала-чулпа немисча тилда унинг гапини маъқуллаб: «Сизлар овқатланаётганлигингизни эшитдик», деди ва чех тилида: «Сизларни овқат вақтида беҳуда овора қилганимизга ўзимиз ҳам ҳижолат бўл-япмиз», деб илова қилиб қўйди.

— Ўзингни пастга урма,— деди унга Водичка.

Ғазаби ҳаддан ошиб, қўлини паҳса қилаётган ва салфеткасининг бир учигина осилиб қолган жаноб ўшқир-ишда давом этиб, аввал бу хатда, менинг хотинимга тегишли бўлган шу бинодан ҳарбий қисмларга жой топиб бериш тўғрисидаги илтимос ёзилган бўлса керак, деб ўйлабман, деди.

— Бу ерга бир талай қўшинни жойлаштира бўлади,— жавоб қайтарди Швейк.— Лекин хатда бу тўғрида гап йўқ, буни ўзингиз ҳам ўқиб билган бўлсангиз керак.

Жаноб бошини ушлаб олганча бидирлаб дашном беришга киришди.— Мен ҳам,— деди у ғазабланиб,— запасдаги лейтенант бўлганман, ҳозир ҳам жон деб армияда хизмат қилар эдим, лекин буйрагим касал. Мен

<sup>1</sup> (Венгерча) болохонадор ҳақорат.

<sup>2</sup> Бу қанақа гап? Бу хатни олиб келган лаънати аблаҳ ким ўзи? (немисча).

армияда хизмат қилган вақтларда офицерлар бунчалик бетамиз эмас эди, улар бировларнинг оиласини бузиш даражасига бориб етмаганди. Бу хатни полк штабига, ҳарбий министрликка юбораман, газеталарда бостираман...

— Жаноблари,— деди одмиликни қўлдан бермай Швейк,— бу хатни мен ёзганман. Ich geschrieben kein Oberleutnant.<sup>1</sup> Бошқа одамнинг номидан ўзим имзо чекдим. Unterschrift, Namefalsch.<sup>2</sup> Хотинингиз менга жуда ёқиб қолди. Ich liebe Ihre Frau.<sup>3</sup> Врхлицкий\*— Кариталес Frau<sup>4</sup>— деб айтганидек хотинингизга ошиқ бўлиб қолдим.

Дарғазаб жаноб пинагини бўзмай жилмайиб турган Швейкни урмоқчи бўлиб қўл кўтарган эди, шу пайтда Қаконнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган кекса сипёр Водичка унинг оёғини чалиб юборди, жанобнинг пахса қилиб турган қўлидаги хатни тортиб олиб ўзининг чўнтагига тиқди-да, Каконь ўзини ўнглаб олишга улгурмаёқ Водичка уни судраб эшик олдига олиб келаркан, эшикни бир қўли билан очиб юборди ва шу ондаёқ... зинадан пастга ағдарилиб тушаётган нарсанинг дупиллагани эшитилди.

Бу воқеа эртақда одамни шайтон қидириб келганлиги ҳикоя қилингани сингари жуда тез содир бўлди.

Ғазаби ошган жанобдан даҳлизда фақат салфеткагина қолганди. Швейк салфеткани ердан олиб, хонанинг эшигини секингина тиқиллатди. Бундан беш минутгина муқаддам жаноб Каконь чиқиб келган шу хонадан энди бир хотиннинг йиғиси эшитилмоқда эди.

— Салфеткангизни олиб келдим,— деди хушмуомалалик билан Швейк диванда ҳўнграб ўтирган хонимга.— Оёқ ости бўлмасин дедим-да... Айбга буюрмайсиз!

Швейк ҳарбийларча ҳест берди-да, пошнасини тақиллатиб чиқиб кетди. Зинада олишувининг бирор сезиларлик изи кўринмас эди. Водичка ўйлаганидек, ҳамма нарса сип-силлиқ бажарилган бўлса керак. Аммо Швейк пастроқда, дарвоза олдида йиртилиб ётган крахмаллик ёқани топиб олди. Жаноб Каконь кўчага сурилиб чиқ-

<sup>1</sup> Обер-лейтенант эмас, мен ёзганман (немисча).

<sup>2</sup> Бундаги имзо, фамилия қалбаки (немисча).

<sup>3</sup> Хотинингизни яхши кўраман (немисча).

<sup>4</sup> Барваста хотин (немисча).

маслик учун дарвозага жон-жаҳди билан ёпишиб олганида мазкур фожиянинг охириги манзараси шу ерда ўйналган бўлса керак.

Аммо кўча гавжум эди. Жаноб Каконни рўпарадаги ҳовлига олиб кириб, сув қуйишмоқда эди. Кўчанинг ўртасида эса кекса сапёр Водичка шер каби бўкириб, ўз ватандошини ҳимоя қилган бир неча гонвед солдатлар ва гонвед гусарлар билан муштлашарди. У ўрилган тасмага боғланган найзани ишга солмоқда эди. Водичка ёлғиз эмасди. Турли полкларнинг бу ерда жуда керак вақтда келиб қолган бир неча чех солдати у билан ён-ён туриб жанг қилишмоқда эди.

Кейин Швейкнинг ўзи муштлашаётганлар орасига қандай қилиб тушиб қолганимни ва қандайдир ландавурнинг ҳассаси қўлимда пайдо бўлиб қолганлигини ўзим ҳам билмайман, деб ҳикоя қилиб берди. (Швейкнинг ёнида ханжари йўқ эди).


Бу муштлашиш анчага чўзилди, лекин ҳар қандай нарсанинг ҳам охири бўлади. Полициялар патрули келиб қолиб, уларнинг ҳаммасини олиб кетди.

Патрул бошлиғи *corpus delicti*<sup>1</sup>, деб ҳисоблаган таёқни кўтариб олган Швейк Водичка ёнида қадам ташлаб бораверди.


Швейк таёқни худди милтиқ каби елкасига қўйиб, хурсанд қиёфада юриб борарди.

Кекса сапёр Водичка бутун йўл бўйи чурқ этмади. Фақат гауптвахтага кираётганидагина у ўйчанлик билан Швейкка:

— Сен мадьярларни яхши билмайсан, деган эдим-ку!— деб қўйди



<sup>1</sup> Жиноятнинг ашёвий далили (лотинча).



IV боб

## ЯНГИ УҚУБАТЛАР

Полковник Шредер поручик Лукашнинг бўзарган башарасига ва кўзларининг остидаги кўкариб кетган жойларга ҳузур қилиб қараб турибди. Поручик Лукаш эса полковникка қарай олмай хижолатда, аммо лагердаги ҳарбий қисмларни жойлаштириш планига худди бирор нимани ўрганаётгандек зимдан кўз ташламоқда. Бу план полковник кабинетининг бирдан-бир безаги эди. Полковник олдида ётган бир неча газетадаги айрим мақолаларнинг сатрлари остида кўк қалам билан чизиб

қўйилганлиги кўриниб турарди. У шу сатрларга яна бир марта кўз югуртириб чиқди. Полковник поручик Лукашга тикилиб туриб, сўради:

— Хўш, деншчигингиз Швейк қамоққа олинганлиги ва унинг иши эҳтимолки, дивизия судига топширилиши энди сизга маълум бўлгандир?

— Худди шундай, жаноб полковник.

— Лекин,— деди полковник поручик Лукашнинг бўзарган башарасига мамнуният билан қараб маънодор оҳангда,— бу билан масала ҳал бўлгани йўқ, албатта. Бу ернини жамоатчилиги деншчигингиз Швейк билан бўлган можарони эшитиб ғазабга келди, шу воқеанинг ҳаммаси сизнинг помингиз билан боғланмоқда, жаноб поручик. Дивизия штаби шу ишга доир материални бизга юборди. Мана шу газеталарда ўша можаро тўғрисида мақолалар ёзилган. Менга овоз чиқариб ўқиб беринг.

Полковник қалам билан чизиб қўйилган мақолалар босилган газеталарни Лукашга узатди, поручик эса болалар ўқиш китобидаги жумлаларни ҳижжалагандек оҳангда қироат қилишга киришди: «Қандга қараганда асал анча тўйимлик бўлади ва уни ҳазм қилиш ҳам енгилроқ бўлади».

— «Келажагимизнинг гарови нимада?»

— Сиз «Пестер-Ллойд\*»ни ўқияпсизми?— сўради полковник.

— Худди шундай, жаноб полковник,— деб жавоб берди поручик Лукаш ва ўқишни давом эттирди:— «Уруш олиб бориш Австрия-Венгрия монархиясидаги аҳолининг ҳамма табақалари биргаликда куч ва ғайрат сарфланишини талаб қилади. Агар биз давлатимизнинг хавфсизлигини таъминламоқчи бўлсак, бунинг учун ҳамма миллатлар бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари лозим. Бир халқнинг иккинчи халқни ўз ихтиёри билан ҳурматлаши, келажагимизни таъминловчи гаровидир. Шуҳратли армиямизнинг хўжалик ва сиёсий қон томири, яъни мамлакатнинг ичкарисиди жипс ва мустаҳкам бўлмаганида, мамлакатимизнинг ичкарисиди, яъни армиямизнинг орқа томонида давлат бирлигини бузувчи, ўзларининг ёвуз ташвиқотлари билан бутун давлат обрўйига путур етказувчи ҳамда монархиямиз халқларининг бирдамлигини бузувчи унсурлар бош кўтармаганларида эди, фронтларда ҳормай-толмай олға бораётган шавкатли жангчиларимиз шу қадар кўп қурбон бермаган бўлар-

дилар. Мана шу тарихий дақиқаларда биз маҳаллий миллатчилик мулоҳазалари нуқтаи назаридан империя-миздаги ҳамма халқларнинг аҳиллик билан қилаётган ишига, шунингдек Ватанимизнинг маданий бойликларини ва цивилизация муваффақиятларини тортиб олмоқчи бўлиб, ҳеч бир сабабсиз Ватанимизга ҳужум қилган аблахлардан адолатли қасос олиш йўлидаги курашига халақит беришга уринаётган бир ҳовуч одамларга индамай қараб тура олмаймиз. Халқларимизнинг якдиллигини бузишни ўзига ягона мақсад қилиб олган, нияти бузуқ шахсларнинг қабиҳ ишларини кўриб индамай ўтиб кетолмаймиз. Чех полкларидаги айрим шасхларга қарши энг қаттиқ чораларни кўришга мажбур бўлган ҳарбий маъмурларимиз қилаётган ишларга газетхонларимизнинг эътиборини бир неча марта жалб қилган эдик. Мазкур шахслар полкнинг шонли аъёналарини назар-эътиборга олмай, мадьярларимизнинг шаҳарларида қилаётган беъаъни бебошликларини билан бутун чех халқига қарши ғазаб қўзғатмоқдалар, ваҳолонки, умуман олганда чех халқи ҳеч бир айбли эмас ва у империямиз манфаатларини ҳаминиша қаттиқ қўриқлаб турибди, бунга чехлар орасидан етишиб чиққан бир қанча атоқли саркардалар далил бўла олади. Шонли фельд-маршал Радецкийни ва Австрия-Венгрия давлатининг бошқа ҳимоячиларини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя! Чех халқининг ёмон кишилари орасидан етишиб чиққан бир тўда нобакор шахслар мана шу буюк зотлар хизматини ерга урмоқда. Ўша шум одамлар монархия халқларини орасида нифоқ чиқариш мақсадида армия сафига кўнгилли бўлиб кирмоқ ва шу билан бирга ўзларининг пастарин вафсларини қондирмоқ учун жаҳон урушини бошланганидан фойдаландилар. Дебрецендаги Н-полкда бўлиб ўтган муштлашишларга газетхонларимизнинг эътиборини жалб қилган эдик. Мазкур полкдаги бебошликни Будапешт парламенти муҳокама қилиб, қоралади. Кейин мазкур полкнинг байроғи фронтда... (Цензура ўчириб ташлаган). Чех солдатларини кимлар бунга тортиди?.. (Цензура ўчириб ташлаган). Литава дарёсидаги венгерлар «оролчаси» Кираль-Хид шаҳрида бўлиб ўтган можаро жонажон венгер элимизда келгинди унсурлар нақадар қабиҳлик қилаётганлигини кўрсатувчи энг яхши далил бўла олади. Мост-Литава ҳарбий лагеридagi солдатлар, яъни ўша шаҳарлик савдогар жаноб Дюля Қаконга



ҳужум қилиб, уни калтаклаган солдатлар қайси миллатга мансуб эди? Ҳукумат маъмурларининг бурчи шуки, улар бу жиноятни текшириб чиқишлари ва Венгрия қироллигининг табааларини мислсиз даражада калтаклашда поручик Лукаш қандай роль ўйнаганлигини, ҳеч шубҳасиз, шу иш билан шуғулланаётган дивизия қўмондонлигидан суриштириб билишлари лозим. Бу ишга доир кўпгина материал тўплашга муваффақ бўлган маҳаллий мухбиримизнинг бизга юборган хабарида айтилишича, ҳозирги масъулиятли бир пайтда асло чидаб бўлмайдиган ва кейинги кунларда рўй берган воқеаларда поручик Лукаш номи шаҳарда қайта-қайта такрорланмоқда. «Пестер-Ллойд» газетхонлари терговнинг боришини, ҳеч шубҳасиз, қизиқиб кузатиб турадилар, биз ҳам гоят муҳим бўлган шу воқеалар билан уларни албатта батафсил таништириб борамиз. Шу билан бирга, биз Қирал-Хидда венгер аҳолисига қарши қилинган жиноят тўғрисида расмий ахборотлар берилишини кутмоқдамиз. Венгрия қироллиги орқали фронтга жўнаб кетаётган чех солдатлари авлиё Стефан тактининг ерини\* ижарага олинган ер деб ҳисоблашга асло ҳақлари йўқ эканлиги ниҳоят ҳаммага равшан бўлмоғи учун Будапешт парламенти бу иш билан ўзи шуғулланишига шак-шубҳа қилмаймиз. Агар шу миллатга мансуб бўлган ва Австрия-Венгрия монархиясидаги ҳамма халқларнинг «бирдамлигини» Қираль-Хидда шу қадар яққол намоён қилган баъзи шахслар вазиятни ҳозир ҳам ҳисобга олмаётган бўлсалар, биз уларга ўзларини тийиб туришларини тавсия қилган бўлар эдик, зеро, уруш вақти шароитида ўқ, сиртмоқ, суд ва найза уларни умумий Ватанимизнинг олий манфаатларига бўйсунушига мажбур қилади».

— Мақоланинг остидаги имзо кимники экан, жаноб поручик?

— Газета муҳаррири, депутат Бела Барабашники, жаноб полковник.

— Эски шайтон! Аммо бу мақола «Пестер-Ллойд» қўлига тушмасдан олдин «Пешти-Хирлап»да босилиб\* чиққан эди. Энди сиз менга Шопроньедаги «Шопрон-Напло»\* газетасида босилган венгерча мақоланинг расмий таржимасини ўқиб беринг.

Поручик Лукаш шу айтилган мақолани ўқишга киришди. Мақола автори уни: «Давлатнинг буюк дониш-

мандлари, давлат тартиби, «Инсоний бузғунлик», «пой-мол қилинган инсоний фазилат ва ҳиссиёт» «одамхўрлар базми», «жамиятнинг энг яхши намояндлари калтакланганлиги», «мамелюклар тўдаси», «зимдан қилинаётган найранглар», деган иборалар билан тўлдириб юборганди. Сўнгра мақолада, мадьярлар ўз юртида бошқа миллатларга қараганда кўпроқ қувғин қилинмоқда, деган руҳдаги фикр баён қилинган эди. Шу мақола-ни ўқиган кишида: чех солдатлари келибди-ю, муҳаррирни ерга ағдариб, унинг қорнига ўзларининг солдатча этиклари билан тепкилайверишибди, бечора муҳаррир эса оғриқнинг аламига чидай олмай бақираверибди, кимдир биров шуларнинг ҳаммасини стенография қилиб ёзиб олибди, деган таассурот туғилар эди.

Шопроньедаги «Шопрони-Напло» газетаси нолиб ёзган мақолада бундай дейилган эди: «Бир қанча жуда жиддий фактлар борки, биздагилар улар тўғрисида индамай қўйишни афзалроқ кўриб, ҳеч нима ёзишмайди. Чех солдати Венгрияда ўзини қандай тутаётганлигини ва фронта унинг қандайлигини ҳамма билади. Чехлар қандай қилиқлар қилаётганлиги, чехлар орасидаги кайфият қандайлиги ва бу ерда кимларнинг қўли борлиги ҳаммамизга маълум. Дуруст, ҳукумат маъмурлари биринчи даража аҳамиятли бошқа ишлар билан овора бўлиб, ҳушёрликни қўлдан бериб қўйишяпти, бироқ яқинда биз Кираль-Хидда ўз кўзимиз билан кўрган воқеалар такрорланмаслиги учун ҳушёрлик умумий назорат билан тегишли равишда қўшиб олиб борилиши лозим. Кечаги мақоламининг ўн беш жойини цензура ўчириб ташлади. Кираль-Хиддаги воқеаларни кенг ёритмоқ учун бугун ҳам техникавий сабабларга кўра имкониятимиз йўқ, деб айтишдан бошқа иложимиз қолмади. Биз юборган мухбир, ҳукумат маъмурлари бу ишга астойдил киришганликларига ва терговни тез суръат билан ўтказаяётганликларига ўз жойида қаноат ҳосил қилди. Бизни таажжублантираётган биргина нарса бор, у ҳам бўлса, мазкур калтаклашишда қатнашганларнинг баъзилари шу вақтгача ялло қилиб юрибди. Эшитишимизга қараганда, лагерда бемалол сақланиб турган ва ўз «тўти полки»нинг\* белгисини шу вақтгача ёқасида тақиб юрган жаноб ҳам ялло қилиб юрибди. Уша жанобнинг фамилияси «Пестер-Ллойд» ва «Пешти-Напло» газеталарининг аввалги кунги сониди айтиб ўтилган эди.

Ана шу машъум чех шовинисти Лукашнинг бебошлиги тўғрисида Қираль-Хид округидан сайланган депутат Геза Шавань парламентга масала қўяди.

— Қираль-Хиддаги «Ҳафталик» газета ҳам, Пресбург\* газеталари ҳам сизнинг ҳақингизда мана шундай ширин-ширин гаплар ёзишибди, жаноб поручик,— деди полковник Шредер.— Лекин буларнинг ҳаммаси ҳам сизни қизиқтиравермаса керак, деб ўйлайман, чунки ҳаммасининг мазмуни битта. Сиёсий жиҳатдан буни изоҳлаш осон, чунки биз австрияликлар,— хоҳ немис бўлсин, хоҳ чех бўлсин, ҳаммамиз венгерларга қаршимиз... Сиз мени тушунаётгандирсиз, жаноб поручик. Бунда муайян тенденция борлиги кўриниб турибди. «Комернен оқшоми» газетасидаги мақола сизни кўпроқ қизиқтириши мумкин. Шу мақолада айтилишича, сиз овқат тайёрланаётган вақтда ошхонанинг ўзида Қаконь хонимни эрининг кўзи олдида зўрлашга уринган эмишсиз. Сиз найза ўқталиб, бақирмасин, деб жаноб Қаконни хотинининг оғзига сочиқ тиқиб қўйишга мажбур қилган эмишсиз. Бу — сизнинг ҳақингиздаги энг охирги хабар, жаноб поручик.— Полковник бир жилмайиб қўйиб, гапини давом эттирди.— Ҳукумат маъмурлари ўз бурчларини бажармаяптилар. Бу ердаги газеталарни цензурадан ўтказиш ҳам венгерларнинг қўлида. Улар биз билан хоҳлаганларича муомала қилаверадилар. Ҳарбий ишга алоқаси бўлмаган баччағар венгер журналисти ҳар қанча ҳақорат қилса ҳам, бизнинг офицеримиз бу ҳақоратлардан ўзини ҳимоя қилолмайди. Биз қатъий талаб қилганимиздан кейингина, эҳтимолки, дивизия суди телеграмма юборганидан сўнггина Будапештдаги давлат прокуратураси мазкур редакциялардаги айрим шахсларни қамоққа олиш чораларини кўрди. «Комарнен оқшоми» газетасининг муҳаррири ҳаммадан кўра кўпроқ жазоланади. У ўзининг «Оқшоми»ни умрбод унутмайдиган бўлиб қолса керак. Сизнинг бошлигингиз бўлганим сабабли дивизия суди менга сизни сўроқ қилишни топширди ва шу билан бирга тергов материалларини менга юборди. Агар жанжалга аралашиб қолган ўша Швейкингиз бўлмаганида, ҳамма иш силлиққина битарди. Унинг Водичка деган сапёр ўртоғи бор; муштлашишдан кейин ўша сапёрни гауптвахтага олиб келишганида унинг ёнидан сизнинг Қаконь хонимга ёзган хатингиз топилди. Терговда ўша Швейкингиз, бу хатни пору-

чик Лукаш ёзмаган, балки мен ўзим ёзганман, деб даъво қилибди. Унинг хатини таққослаб кўрмоқ учун мазкур хатни кўчириб ёзиб бер, деб буюрилган экан, у сизнинг хатингизни ютиб юборибди. Шундан сўнг полк маҳкамаси сизнинг рапортларингизни Швейкнинг хати билан таққослаб кўриш учун дивизия судига юборишибди. Мана сизга таққослашнинг натижалари.

Полковник қоғозларни варақлаб поручик Лукашга қўйидаги сатрни кўрсатди:

«Айбланувчи Швейк, биз айтган гапларни ёзинг», деган буйруқни бажаришдан бош тортиб, ёзиш нималигини бир кечада эсдан чиқариб қўйдим, деди».

— Сизнинг Швейкингиз ёки анави сапёр дивизия судида нималарни гапирганига умуман ҳеч қандай аҳамият бераётганим йўқ, жаноб поручик. Швейк ҳам сапёр ҳам бутун можаро арзимаган бир ҳазилдан бошланди. Улар бу ҳазилни тушунмадилар ва ғайри ҳарбий кишилар бизнинг ўзимизга ҳужум қилишди, биз ҳарбий қисмига иснод келтирмаслик учун ўзимизни ҳимоя қилдик, дейишяпти. Швейк умуман, ғалати одам эканлиги терговда маълум бўлиб қолди. Масалан, нега айбинигни бўйингизга олмаяпсиз, деган саволга у протоколда қайд қилинган қўйидаги жавобни берибди: «Рассом Панушканинг хизматчиси кунларнинг бирида Биби Марям тасвирланган сурат сабабли тушиб қолган аҳволга мен ҳам тушиб қолдим. У суратни ўмармоқчи бўлиб қўлга тушиб қолган эди, ўша сурат тўғрисида гап очилганида у: «Мен қон қусайми?» деб жавоб беришдан бошқа илож топа олмаган эди. Бу ердаги газеталарда босилган разил мақолаларни рад қилувчи мактубни дивизия суди номидан ҳамма газеталарга юбориш чорасини кўриб қўйдим, чунки мен полк командири бўлганлигим сабабли шундай қилишим керак, албатта. Бугун шу мактуб газеталарга юборилди. Ҳарбий хизматга алоқаси бўлмаган аблаҳлар, ўша қабиҳ мадьяр газетачилар кўтарган шовқин-суронни бостирмоқ учун мен ўз томонидан ҳамма чораларни кўрдим деб ўйлайман. Қойил қолладиган мактуб ёздирдим десам бўлади:

«Н-дивизия суди ва Н-полк штаби ушбу билан маълум қиладиларки, Н-полк солдатлари бебошлик қилди, деб бу ердаги газетада босилиб чиққан гаплар ҳақиқатга заррача тўғри келмайди ва биринчи сатридан то охиригича сатригача уйдирма гаплардир. Мазкур газеталар-

га қарши бошланган тергов айбдорларни қаттиқ жазолашга олиб келади».

— Дивизия суди полкимиз штабига юборган мактубида, аслини олганда, бу можаро Цислейтаниядан Транслейтанияга келаётган ҳарбий қисмларга қарши муттасил қилинаётган туҳматнинг оқибатидир, деган хулосага келди,— деб давом қилди полковник.— Фронтга бизнинг томонимиздан қанча қўшин юборилганлигини ва улар томонидан қанча қўшин юборилганлигини ҳам таққослаб кўринг. Сизга очиғини айтиб қўя қолай: бемаъни венгерларга қараганда мен чех солдатини кўпроқ ёқтираман. Белград яқинида венгерлар сизларнинг иккинчи марш батальонингизни қандай қилиб ўққа тутганлиги, венгерлар ўққа тутаётганидан беҳабар бўлган мазкур иккинчи марш батальонининг солдатлари ўнг ёнбошда турган дейчмейстерларга\* ўт оча бошлаганлигини, дейчмейстерлар ҳам довдираб қолиб, ўзларининг ёнларида турган боснияликлар полкни ўққа тутишга киришганликларини эсга олиш кифоя қилади. Мана, азизим, биз шундай аҳволда турибмиз! Ушанда мен бригада штабида овқатланиб турган эдим. Бундан бир кун олдин бизни сур гўшт ва консерва шўрва билан сийлашган эди, ўша кун эса бизга қулинг ўргилсин товуқ шўрва, гуручли қийма ва ром аралаштирилган сомса тайёрлаб беришди. Шу воқеадан бир кун олдин кечқурун биз бир серб қовоқхоначини қишлоқда дорга осган эдик, бизнинг ошпазларимиз ўша қовоқхоначининг ертўласидан ўттиз йиллик вино топиб олишганди. Бунақа ажойиб базму жамшидни қай ҳолатда муштоқ бўлиб кутганлигимизни тасаввур қилишингиз мумкин. Товуқ шўрвани эндигина ичиб бўлиб, товуқ гўштини ейишга киришай деб турган эдик, тўсатдан отишма бошланиб қолди, кейин тўпдан ўқ узила бошлади. Бизнинг артиллериямиз ҳам ўзимизникилар ўққа тутаётганлигидан беҳабар бўлганлиги сабабли бизнинг сафларимизни тўпга тута бошлади ва битта тўп ўқи бригада штабининг олдига тушиб портлади. Серблар, рақибларимиз орасида қўзғолон кўтарилди, деб ўйлаган бўлса керак, дарров ҳамма томондан бизга ёпирила бошладилар, сўнгра дарёни кечиб ўтишга тутиндилар. Бригада генералини телефонга чақирди, дивизия бошлиғи эса, бригаданинг жанговар участкасида қанақа машмаша бўляпти, деб катта жапжал кўтарди. Чунки у кечаси

соат икки-ю, ўттиз беш минутда сербларнинг позицияларига сўл ёнбошдан ҳужум бошлаш тўғрисида армия штабидан эндигина буйруқ олганди. Биз резервдаги қисм бўлганлигимиз сабабли отишмани дарров тўхтатишимиз лозим эди. Бундай ҳолатда «Feuer einstellen»<sup>1</sup>га ким қулоқ солади дейсиз. Бригаданинг телефон станцияси, Етмиш бешинчи полкнинг штабидан бошқа жойга телефон қилолмаяпмиз, деб хабар берди. Мазкур штаб ўзига энг яқин турган дивизиядан «ausharren»<sup>2</sup> деган буйруқ олибди, бизнинг дивизиямиз билан сира алоқа боғлай олмаётган эмиш, серблар 216, 226 ва 327-тепаликларни эгаллаб олишибди, алоқа боғлаш учун бир батальонни юбориш керак, сизларнинг дивизиянгиз билан дарров телефон алоқасини йўлга қўйиш зарур, дебди. Дивизия билан алоқа боғламоқчи бўлиб уриндик, лекин алоқа боғлай олмадик, чунки ҳозирча серблар бизнинг икки ёнбошимиздан орқа томонимизга ўтиб олиб, бизнинг марказий қисмимизни учбурчак қилиб сиқиб келишмоқда эди, пиёда қўшин ва артиллерия, обоз ва унинг бутун автоколоннаси, озиқ-овқат магазини ва дала лазарети шу учбурчак ичида қолганди. Мен икки кунгача эгардан тушмадим, дивизия бошлиғи эса асир тушиб қолди, бригада бошлиғимиз ҳам асир олинди. Шу машмашанинг ҳаммасига бизнинг иккинчи марш батальонимизга қарата ўт очган мадьярлар сабабчи бўлди. Лекин шундай бўлса ҳам бутун айбни бизнинг полкимизга тўнкашди.— Полковник бир тупуриб олиб, яна гапини давом эттирди.— Кираль-Хидда сиз қилган хотинбозликдан улар нақадар усталик билан фойдаланганлиги энди ўзингизга аён бўлгандир, жаноб поручик.

Поручик Лукаш хижолат ичида йўталиб қўйди.

— Жаноб поручик,— деди унга полковник сирдошлик билан муомала қилиб.— Ўзингиз ростини айтинг, Каконь хоним билан неча марта ётгансиз?

Бугун полковник Шредернинг кайфи жуда чоғ эди.

— Хоним билан эндигина хат ёзиша бошлаган эдим деган гапингизни йиғиштириб қўйинг. Мен сиздай вақтимда Эгердаги уч хафталик топографлар курсида ўқиган эдим. Уша уч ҳафта ичида венгер хотинлар билан айш-ишрат қилишдан бошқа ҳеч бир нш қилганим йўқ.

<sup>1</sup> Отишма тўхтатилсин (немисча).

<sup>2</sup> Жойларингиздан қимирламанглари (немисча).

Ҳар кун япгисини: гоҳ ёшини, эрга тегманини, гоҳ ёши ўтинқираб қолганини, гоҳ эрлик жувонни хуллас, дуч келганини уйимга олиб келардим. Уша хонимларнинг кўнглини олишга шу қадар жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдимки, полкка қайтиб келганимда оёғимни аранг судраб юрадиган бўлиб қолдим. Ҳаммадан кўра кўпроқ бир адвокатнинг хотини тинкамни қуритди. У венгер хотишлари қанақалигини менга яққол кўрсатди. Туни билан мени ухлатмай жонимга тегди, яна бунинг устига бурнимни ҳам тишлаб олди...

Полковник поручикни эркалатгандай елкасига қоқиб, «хат ёзиша бошлаган эдик», денг деди.— Бунақа ишларни биламиз!—гапини давом эттирди полковник.— Менга гапирмай қўя қолинг, бу хусусда менинг ўз фикрим бор. Сиз ўша хотин билан айланишиб қолгансиз. Буни хотиннинг эри сезиб қолган, сўнгра бу ишга тентак Швейкинғиз ҳам аралашган... Сизга бир гап айтайми, жаноб поручик, ўша Швейкинғиз ҳар ҳолда вафодор йигит экан. Сиз ёзган хатни бошлаб йўқотибди. Ростини айтсам, бунақа кишига раҳм қилсак арзийди. Тарбия деб мана шунга айтилади! Шу йигитнинг қилиқлари менга ёқиб қолди. Мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутиб, терговни дарҳол тўхтатиш лозим. Сизнинг обрўйингизни матбуот тўкди, жаноб поручик. Энди сиз бу ерда қолмаганинғиз яхши. Шу ҳафтада бир марш ротаси рус фронтга жўнатилади, сиз ўн бириинчи ротадаги энг катта офицерсиз. Уша рота сизнинг раҳбарлигинғизда жўнайди. Бригадада ҳамма нарса тахт қилиб қўйилибди. Бош мирзага бориб айтинг, у сизга Швейк ўрнига бошқа бир деншчик топиб берсин.

Поручик Лукаш миннатдорчилик изҳор қилгандек полковникка қараб қўйди, полковник эса давом этди:

— Швейкни сизга рота ординареци қилиб бераман.

Полковник ўрнидан турди ва бўзариб кетган поручикка қўл узата туриб деди:

— Хуллас иш тугатилади. Сизга муваффақият тилайман. Шарқий фронтда аъло хизмат қилиб, ном чиқаришинғизни тилайман. Мабодо яна учрашиб қолсак тортинмай олдимга келаверинг, Будейовицадаги каби биздан тортиниб юрманг...

Поручик Лукаш уйига қайтиб келаётганида: «Рота командири, рота ординареци», деб йўлакай нуқул ўзича такрорлаб бораверди.

Швейк поручик Лукашнинг кўз олдидан сира нари кетмас эди.

Поручик Лукаш бош мирза Ванекка, менга Швейк ўрнига янги деншчик топиб беринг, деган эди, бунга тегишли жавоб олди:

— Сиз, жаноб обер-лейтенант, Швейкдан хурсанд-сиз, деб ўйлаб юрган эдим,— аммо Швейкни полковник ўн биринчи рота ординареци қилиб тайинлаганини эшит-гач, ҳайрон бўлиб: «Ё тавба!»— деб юборди.

\* \* \*

Дивизия суди ҳузурдаги маҳбуслар барагининг деразаларига темир панжара тутиб қўйилган эди. Белги-лаб қўйилган қондага мувофиқ, бу баракдагилар эрта-лаб соат еттида ўринларидан турар ва ифлос полда ги-жимланиб ётган тўшакларни йиғиб қўйишга киришар-дилар, чунки бу баракда каравотлар йўқ эди. Олдин-дан бериб қўйилган буйруққа биноан, маҳбуслар узун коридорнинг ажратиб қўйилган бир бурчагига похол тўшакларини тахлашар ва одеялларни ҳам шу тўшак-лар устига ёйиб қўйишарди; ўз ўрнини йиғиштириб бўлган маҳбуслар девор ёнидаги скамейкаларга бориб ўтирар ёки (фрондан олиб келинган маҳбуслар) бит боқишга тушар, ё бўлмаса, ҳар хил олди-қочди гап-ларни ҳикоя қилишиб кушларини ўтказишарди.

Швейк билан кекса сапёр Водичка ҳамда турли полк ва турли қўшнн қисмларидан келтирилган бир неча солдат эшик олдидаги скамейкада ўтиришибди.

— Анави дераза олдида ўтирган венгер шоввозга қаранг, оғайнилар,— деди Водичка,— иши ўнғидан келишини илтижо қилиб, тинмай ибодат қиляпти-я, ит-вачча. Унинг лунжига тушириш учун қўлингиз қичи-маяптими?

— Нега уни калтаклаш керак экан? Яхши йигит-ку,— деди Швейк.— Армнига боришни хоҳламаганлиги учун уни бу ерга тикиб қўйишди. У урушга қарши. Ўзи қандайдир диний бир мазҳабнинг мухлиси. Ҳеч кимни ўлдиришни истамаганлиги ва худонинг амрини астой-дил бажараётганлиги учун уни қамаб қўйишибди. Ху-донинг амри нималигини энди унга кўрсатиб қўйишади! Урушдан олдин Моравияда Немрава деган бир тани-



шим бор эди. Уни армияга олишган эди, у бўлса, милтиқ кўтариб юриш менинг эътиқодимга тўғри келмайди, ҳатто милтиққа қўл ҳам теккизмади. Бечорани шу ваддан турмада ўлгидек қийнашди, сўнгра яна қасам ичиришга олиб келишди. У бўлса, менинг эътиқодимга тўғри келмайди, деб қасам ичмай туриб олди. Ахири муддаосига етди.

— Вой аҳмоқ-ей,— деди кекса сапёр Водичка,— қасам ичаверса ҳам бўларди, кейин ўзи хоҳлаганини қилаверади-да. Қасамни ҳам бир ёққа йиғиштириб қўяверади-да.

Пиёда аскарлардан бири гапга аралашди:

— Мен уч марта қасам ичганман, армиядан қочиб дезертирлик қилганим учун мана учинчи марта бу ерда ўтирибман. Бундан ўн беш йил муқаддам жиним қўзиб, холамни чопиб ташлаганим тўғрисида қўлимда докторлар берган қоғоз бўлмаганида фронтда мени шу вақтгача уч марта отиб ташлашган бўларди. Марҳума холам ҳар сафар мени кулфатдан қутқариб қоляпти, ахир бир кун бу урушдан эсон-омон ва бешкаст қутулиб чиқсам керак.

— Ўз холангни нега чопиб ташладинг?— сўради Швейк.

— Одамларни нима учун ўлдиринишади,— деб жавоб берди у.— Пулини олиш учун ўлдиринишади, буни ҳамма билади. Ўша кампирнинг бешта омонат дафтарчаси бор эди. Холамникига устимдаги эски-туски, жулдур кийимлар билан меҳмон бўлиб борган эдим. Шу пайтда ўша пулларнинг процентини юборишибди. Дунёда холамдан бошқа битта ҳам қариндошим йўқ эди. Шунинг учун ҳам мен, уйингиздан жой беринг, деб унинг олдига ялиниб келган эдим. У жодугар бўлса, сенга жой бермайман, ўзинг ёш, бақувват, соғлом йигитсан, бориб ишла, деди менга. Хуллас, гапимиз пойма-пой келиб қолиб, косов билан унинг бошига бир неча марта солдим ва башарасини шундай дабдала қилиб юбордимки, ўзим ҳам таний олмай қолдим: холамми ёки холам эмасми, деб шубҳага тушиб қолдим. Шу-шу унинг уйдан чиқмай: «Холамми ёки холам эмасми?» деб ўтираверибман. Унинг қўшнилари эртасига мени шу ҳолатда кутиб олишди. Шундан сўнг мени Слупадаги жиннихонага юборишди. Уруш бошланиш олдидан бизни Богинцедаги комиссияга чақиришганида мени тузалганлар қаторига қўшиб

қўйишди ва ҳарбий хизматнинг қолган муддатини ўташ учун ҳарбий қисмга боришга мажбур бўлдим.

Чехрасидан тинкаси қуриганлиги кўриниб турган ориқ бир нөвча солдат супурги кўтариб улар ёнидан ўтиб қолди. Швейк ёнида ўтирган Егорь уни таништирди:

— Ўзи муаллим, бизнинг марш ротамиздан. Супуриб-сидиришга кетяпти. Жуда бамаъни одам. Шоирлик ҳам қилади, шеър ёздинг, деб бу ерга қамаб қўйишибди.

— Ҳой, муаллим! Бу ёққа кел-чи,— чақирди у супурги кўтариб бораётган солдатни.

Солдат пинагини бузмай скамейка олдига келди.

— Бит тўғрисида ёзган шеърингни бир ўқиб бер-чи.

Супурги кўтарган солдат бир йўталиб олиб, ўқишга тутинди:

Бутун фронт битлаб кетди. Қашинишиб қолишар  
Амали сал пастроқлар ҳам, рота командири ҳам,  
Генерал ҳам битлар билан йўлбарс бўлиб олишар,  
Ярақлаган мундирини кийиб-ечиб дам-бадам.  
Армияда битлар учун овқат текин, уй текин,  
Маза қилиб яшашади унтердан ҳам ҳайиқмай.  
Эҳтирос-ла ёниб-жўшиб, Пруссия битларин  
Австриянинг чўнг битлари гуппа босар айиқдай.

Муаллимлардан бўлган бу нимжон солдат скамейкага ўтириб, уҳ тортди:

— Бутун гап мана шу. Шу шеър сабабли жаноб аудитор ҳузурида тўрт марта сўроқ бердим.

— Аслини олганда-ку,— деди қатъият билан Швейк,— сизнинг ишингиз тухум пўчоғига ҳам арзимайди. Судьялар битлиқи веналиклар деб кимни ҳисобларкинлар ҳамма гап мана шунда. Каравотни қўшиб қўйганингиз яхши бўлибди. Бу билан сиз уларни шундай чалкаштириб юборасизки, нима дейишни ўзлари ҳам билмай қолишади. Сиз эркак бит битлиқ деб айтилади, деб уларга албатта изоҳ беринг. Фақат битлиқ деб аталган эркак битгина ургочи битга иргий олади, деб тушунтиринг. Бўлмаса, ўзингизни қутқариб қололмай-сиз. Сиз бу шеърни бирор кимсани ранжитиш учун ёзмагансиз албатта, бу очиқ кўриниб турибди. Жаноб аудиторга сиз, бу шеърни ўзимча эрмак қилиб ёзган эдим, деб албатта айтинг...

Муаллим оғир хўрсиниб қўйди.

— Гапнинг қисқаси,— деди Швейк,— ишингиз чатоқ, лекин Пльзендаги Янечек деган лўли айтганидек, ноумид бўлмаслик керак. Бир минг саккиз юз етмиш тўққизинчи йилда Янечекни иккита одамни талаш мақсадида ўлдирганлиги учун дорга ошишга ҳукм қилишганида худди шундай деган эди; ҳамма ишнинг ҳам оқибати яхши бўлиб чиқиши мумкин! Ҳақиқатан ҳам оқибатнатижа Янечек кутганидек бўлди: охирги дақиқада уни дор тагидан олиб кетишди, чунки император аъзам туғилган кун бўлганлиги сабабли ўша куни уни дорга ошиш мумкин эмас экан. Император аъзамнинг туғилган куни худди у дорда осилиб туриши лозим бўлган вақтга тўғри келиб қолибди. Аммо императорнинг туғилган куни ўтиб бўлганидан кейин эртасигаёқ уни дорга ошишди. Сўнгра у йигитнинг бошига яна бир каттароқ бахт тўғри келди, учинчи куни Янечек авф қилинди деган хабар келди. Шу сабабли унинг суд муурофаасини қайтадан бошлашга тўғри келди, чунки жиноятни қилган киши бошқа Янечек эканлиги аён бўлиб қолди. Хуллас, уни маҳбуслар қабристонига гуридан ковлаб олиб, гуноҳини кечиб, Пльзендаги католиклар қабристонига дафн этишга тўғри келди. Аммо кейин у католик эмас, балки евангелчи христианлардан эканлиги маълум бўлиб қолди, энди уни евангелчи христианлар қабристонига олиб бориб кўмишди, сўнгра...

— Сўнгра мен тумшуғинга бир соламан,— деб гапга аралашди кекса сапёр Водичка.— Қўйиб берсак оғзингга келган гапни гапираверар экансан-да! Мен дивизия судида қандай жавоб бераман, деган ташвиш билан жоним ҳалагу, аммо сен аблаҳ бўлсанг кеча бизни терговга олиб кетишаётган вақтда қандайдир иерихон гули тўғрисидаги сафсата билан бошимни қотирдинг.

— Буни мен ўзим ўйлаб чиқарганим йўқ. Буни менга рассом Панушканинг хизматкори Матейдан гапирган. Бир кампир, иерихон гули қанақа бўлади, деб сўраганида Матей унга жавоб бериб бундай деган экан: «Қуриган таппини ликопага қўйиб, устидан сув қуйсангиз кўкариб қолади,— иерихон гули деб мана шуни айтишадил!» Мен бу бемаъни гапни ўзим ўйлаб чиқарганим йўқ,— деб ўзини оқлашга уринди Швейк,— модомики ҳаммамизни бирга терговга олиб кетишаётган экан, ахир бирон нимани гапириб ўзимизни юпатишимиз ке-

рак-ку. Сен овунармикинсан, деб шу гапни гапирган эдим, огайни Водичка.

— Овуниб бўпман!— деди Водичка ва жирканиб тупуриб қўйди.— Бу ташвишдан қандай қутуларкинман, баччагар мадьярлардан қандай қилиб бошлаб ўч оларкинман, деб бошинг қотиб турган бир пайтда у мени қандайдир сизга тапписи билан овузмоқчи эмиш.

Мен бу ерда қамалиб ўтираверсам, ўша мишиқи мадьярлардан қандай қилиб ўч оламан? Яна бунинг устига, мадьярларни ёмон кўрмайман, деб ёлгон гапларни айтиб, ўзимни виждон азобига солишга мажбурман. Душманингни ити ҳам бизнинг ҳолимизга тушмасин! Агар мадьярлардан биронтаси менинг чангалимга тушиб қолса, уни нима қилишимни ўзим биламан. Кучук болани калтаклагандек дўпослайман! Мен унга «istem ald meg a magyar»<sup>1</sup>, нималигини кўрсатиб қўяман, сира эсдан чиқмайдиган қилиб дўпослайман.

— Ташвиш тортиб юришимизнинг ҳожати йўқ,— деди Швейк,— ҳаммаси унут бўлиб кетади. Энг муҳими шуки, судда ҳеч қачон рост гапни айтмаслик керак. Кимки лақиллаб иқроп бўлса, унинг шўри қурийдди. Иқроп бўлишдан ҳеч қачон яхшилик чиққан эмас. Моравска Остравада ишлаб юрган вақтимда шундай бир ҳодиса бўй берган эди. Шахтёрлардан бири бетма-бет келиб қолиб, ҳеч бир гувоҳсиз, бир инженерни калтаклаганди. Уни ҳимоя қилган адвокат нуқул унга, сен ҳеч нарсани бўйнингга олма, сенга ҳеч нима бўлмайди, деб уқтирди, суд ранси бўлса, иқроп бўлиши гуноҳни енгиллаштиради, деб унга оталарча насиҳат қиларди. Аммо шахтёр билмайман, деб туриб олди! Уни қўйиб юборишди, чунки у, ўша жиноят содир бўлган кунни мен Брнода эдим, деб исботлаб ўзини оқлаб олди...

— Ё тавба!— қичқириб юборди тоқати тоқ бўлиб Водичка.— Энди эшитишига сира тоқатим қолмади! Бунақа гапларни гапираверишдан мақсаднинг нима, сира тушуна олмай қолдим! Кеча терговда биз билан худди шундай бир одам бирга бўлди. Аудитор ундан, ҳарбий хизматдан олдин ким бўлгансиз, деб сўраса у: «Крестнинг пуфловчиси бўлганман», деб жавоб бераверди. Терговчи ярим соат хуноб бўлиб, ниҳоят, у Крест деган

<sup>1</sup> Э худо, мадьярларга шафқат қил (венгерлар миллий гимнининг боиланиши).

бир темирчи қўлида босқон босувчи бўлиб ишлаганлигини аниқлади. Ундан: «Демак сиз уста бўламан деб ундан ҳунар ўрганган экансиз-да?» деб сўралган эди у: «Худди шундай... Ҳунар ўргатаман деб мени жуда ҳам қийнаган...»— деб жавоб берди.

Коридорда қадам товушлари ва қоровулнинг:

— *Zuwachs*<sup>1</sup>— деган овози эшитилди.

— Яна сафимиз кўпаядиган бўлди,— деб қувониб гапирди Швейк.— Зора-мора у чекиб ташланган сигаретларни топиб келган бўлса.

Эшик очилди, шу ондаёқ баракка кўнгилли аскарни, Будейовицада Швейк билан қамоқда бирга ўтирган, кейин марш роталаридан биридаги ошхонада хизмат қилишга юборилган ўша кўнгилли аскарни итариб юборишди.

— Худога шукур,— деди у баракка кира туриб, Швейк эса ҳамманинг номидан:

— Минг қатла шукур!— деб жавоб берди.

Кўнгилли аскар мамнуният билан Швейкка назар солди, ўзи билан олиб келган одеялни ерга ташлади ва скамейкага ўтириб, чехлар ёнидан жой олди. Сўнгра пайтавасини ечиб, моҳирлик билан беркитиб қўйилган сигаретларни битталаб териб олди ва чехларга улашиб берди. Кейин ботинкасининг ичидан гугурт қутнчанинг фосфор қопланган парчасини ва бир неча дона гугуртни олди, ҳар биттаси баб-баравар қилиб иккига бўлинган гугурт чўпларидан бирини чақиб ёқиб сигаретани эҳтиётлик билан тутатди, уни ҳаммага битта-битта торттирди ва бепарволик билан:

— Мени қўзғолон кўтаргансан деб айблашаяпти,— деди.

— Бемаъни гап,— деб юпатди уни Швейк,— бир чақага ҳам арзимайди.

— Албатта,— деди кўнгилли аскар,— ҳар хил судлар ёрдамига суяниб мана шундай усул билан урушда ютиб чиқмоқчи бўлсак шундай бўлади-да. Агар улар ҳар қандай қилиб бўлса ҳам мен билан судлашмоқчи бўлишса, судлашаверишсин. Оқибат натижада яна бир марта ўтказилган суд умумий вазиятни заррача ўзгартирмайди.

---

<sup>1</sup> Янги шерик (немисча).

Хайрихоҳлик билан кўнгилли аскарга тикилиб турган сапёр Водичка савол берди:

— Қани, айт-чи, сен қандай қилиб қаршилик кўрсатдинг?

— Гауптвахтадаги ҳожатхоналарни тозалашдан бош тортдим,— деб жавоб берди кўнгилли аскар.— Мени полковник олдига олиб боришди. Аммо у чўчқанинг худди ўзгинаси экан. Сиз полк рапортига асосан қамоққа олингансиз, шу сабабли оддий маҳбуссиз, шундай махлуқ ер юзида борлигига ўзим ҳам ҳайронман, бунақа шармандаликни кўриб ер шари айланишни тўхтатмаганлигига ҳам ҳайронман, офицерлик унвонини олишга ҳақи бўлган, аммо шундай бўлса ҳам бошлиқларнинг жиғига тегадиган қилиқларни қилиб юрган, ўзини кўнгилли деб ҳисоблаб юрган шундай бир киши армия сафида бўлиши керак эмас, деб менга ўшқира бошлади. Мен унга жавоб бериб, мен сингари кўнгилли ер юзида пайдо бўлганлиги билан ер куррасининг айланиши тўхтаб қололмайди, табнат қонунлари бир кўнгилли аскарга тақилган белгидан кучлилик қилади, дедим. Бизнинг полк ошхонасида нуқул чирик картошка ва сассиқ гўштдан овқат пиширишади, чўчқа ҳам емайдиган мана шу овқат билан тирикчилик қилиб келганлигим важдан ҳожатхонани ифлос қилишга гарчи ҳақли бўлсам-да, аммо ҳожатхоналарни тозалашга ким мени мажбур қилиши мумкинлигини билмоқчиман, дедим. Мен полковникка, сизнинг шундай махлуқ ер юзида борлигига ҳайронман, деган гапингиз менга бирмунча ғалати туюляпти, мени деб ерда зилзила бўлмайди албатта, дедим. Шу гапларни гапириб турган вақтимда полковник, музлаган лавлаги тишига теккан байталдек тишини гижирлагиб тураверди. Сўнгра бирданига: «Ҳожатхонани тозалайсизми ё йўқми?!» деб бақирди. «Йўқ, ҳожатхоналарни сира тозаламайман». «Йўқ, тозалашга мажбур қиламан!»—«Йўқ, сира тозаламайман!»—«Тозаламаганингизга қўймайман, битта ҳожатхонани эмас, балки юзта ҳожатхонани тозалатаман!»—«Йўқ, юзтасини ҳам, биттасини ҳам тозаламайман!»—«Тозаламайсизми?» такрорлади у. «Тозаламайман!» дедим шартта. Павла Моудранинг\* кичик ёшдаги болалар учун ёзган китобидаги болалар жумбоғи каби ҳожатхона жумбоғини такрорлайвердик. Полковник оёғи куйган товукдай маҳкамада типирчилар экан, ниҳоят, ўтириб олиб: «Яхши-

лаб ўйлаб кўринг, акс ҳолда, сизни мен исён кўтарди, деб дивизия судига топшираман,— деди.— Сиз ўзингизни шу уруш учун отиб ўлдирилган биринчи кўнгилли аскар бўламан, деб ўйламанг. Сербияда биз ўнинчи ротада иккита кўнгиллини дорга осганмиз. Нега дейсизми? Қайсарлик қилгани учун! Дорга осилган ўша икки кўнгилли аскар Шабанкадаги бир «ёт»нинг\* хотини ва боласини найза санчиб ўлдиришдан бош тортган эди, тўққизинчи ротадаги кўнгилли аскар эса, оёғим шишиб кетди, маймоқман, деб важ кўрсатиб, ҳужумга боришдан бош тортганлиги учун отиб ташланди. «Энди сиз ҳожатхоналарни тозаласизми ёки йўқми?»—«Йўқ, тозалаяман!» Полковник менга қараб туриб сўради: «Менга қаранг, сиз славянофил эмасми?»—«Йўқ».

Шундан сўнг мени олиб кетишди ва сиз исён кўтаришда айбланасиз; деб эълон қилишди.

— Энг яхшиси,— деди Швейк,— ўзингизни бефаҳм савдойи қилиб кўрсатишингиз керак. Мен гарнизон турмасида ўтирган вақтимда бизнинг орамизда савдо мактабининг ўқитувчиси бўлиб ишлаган жуда ақлли, ўқимишли бир киши бўларди. У жанг майдонидан қочиб кетган ва шу сабабли ҳатто унинг устидан катта суд ўтказиб, бошқаларга ибрат бўлсин, деб ҳукм қилишмоқчи ва дорга осилмоқчи эди. У бўлса бу кулфатдан осонгина қутулиб қолди: ўзини оғир руҳий касалга мубтало бўлган туғма девона қилиб кўрсата бошлади ҳамда штаб врачига олиб борганларида врачга, жанг майдонидан қочганим йўқ, деб даъво қилди. Ёшлигимдан, деди у, сафар қилишга жуда ишқибозман, ҳамиша қаёққадир узоқ жойларга боргим келади; кунларнинг бирида уйғониб қарасам, Гамбургга бориб қолибман, яна бир сафар ўзимни Лондонда кўрдим, аммо қандай қилиб бу шаҳарларга бориб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Менинг отам, деди у, ичкиликка жуда ўч киши эди, мен туғилмасимдан сал олдин у ўз-ўзини ўлдириб қўйган экан; онам ҳамиша ичиб юрадиган бузуқ аёл эди, ичаётганида тутқалоқдан ўлиб қолган; синглим ўзини сувга чўктирди, опам поезд тагига ташлаб ўлди, акам Вишеград темир йўл кўпригидан ўзини ташлаган. Бувам хотинини ўлдирганидан кейин ўзига керосин сеппиб ўт қўйиб юборган; бир бувим лўлиларни ўйнаш қилиб юриб, турмада гугурт ютиб юборди ва шу тариқа ваҳарланиб ўлди; бир амакиваччам одамларнинг уйига

Ўт қўйгани учун неча марталаб суд қилинди ва Картоузида\* шиша парча билан ўзининг қон томирини кесиб ташлади; бир амакивачча опам Венада ўзини иморатнинг олтинчи қаватидан ташлаб ўлдирган. Мени ҳеч ким тарбия қилган эмас, ёшим ўнга етгунча тилим чиқмаган эди, чунки олти ойлигимда мени стол устига қўйиб йўргаклаётган вақтларида нима бало бўлибди-ю, ҳамма уйдан чиқиб кетибди, ўшанда мени мушук тишлаб олиб қочибди ва йўлакай мушукнинг оғзидан тушиб қолиб бошим пўла бўлган экан. Уқтин-ўқтин бошим қаттиқ оғриб туради, шундай пайтларда нима қилганимни ўзим ҳам билмай қоламан, худди шундай ҳолатда мен фронтдан Прагага келиб қолган бўлсам керак. Ҳарбий полиция «Флеклар»\* қовоқхонасида мени ушлаб қамаганидан кейингина ўзимга келдим.

Шу бўлди-ю уни ҳарбий хизматдан дарров бўшатиб юборишди. Ҳамма буни кўриб ҳайратда қолди. У билан бир камерада ўтирган солдатлардан беш киши, керак бўлиб қолар, деган ният билан у айтган гапларни қозға ёзиб олишди:

Отаси ичкиликбоз. Онаси — фоҳиша.

I. Синглиси (ғарқ бўлган).

II. Опаси (поезд тагига ташлаган).

III. Акаси (ўзини кўприкдан ташлаган).

IV. Бобоси хотинини ўлдирган, керосин сепиб ўзини ёндирган.

V. Бувиси (лўлиларни ўйнаш қилган, гугурт ютган) ва ҳоказо.

Уша солдатлардан бири шу гапларнинг ҳаммасини штаб врачига валдирай бошлаган эди, амакиваччаси тўғрисидаги гапга етмасданоқ штаб врач, (чунки у бунақа гапларни бу билан учинчи кишидан эшитаётган эди) унинг гапини бўлиб, ўзи улаб кетди: «Аммавачча опанг Венада иморатнинг олтинчи қаватидан ўзини пастга ташлаб ўлган. Сен баччағар дангасани ҳеч ким тарбия қилмаган, аммо энди сени маҳбуслар ротасида бошқатдан тарбиялашади». Шундан сўнг уни турмага олиб кетишди, тўрт буклаб боғлаб қўйишди. Шу-шу унинг ёмон тарбияланганлиги ҳам, отасининг ичкиликбозлиги ҳам, онасининг фоҳишалиги ҳам бутунлай эрдан чиқди ва ўз хоҳиши билан фронтга жўнаб кетди.

— Энди,— деди кўнгилли аскар,— туғма қасалман деган гапга ҳарбий хизматда ҳеч ким ишонмайди. Агар



ҳамма тугма касал бўлаверса, штаблардаги генералларнинг ҳаммасини жиннихонага тиқиб қўйишга тўғри келарди.

Темир қопланган эшик қулфига калит тиқилганлиги эшитилди, шу ондаёқ зиндонбоши кириб келди.

— Пиёда аскар Швейк ва сапёр Водичка, сизларни жаноб аудитор чақиряптилар!

Иккови ўридан турди, Водичка Швейкка:

— Бу зангарлар жуда жонимга тегди-да, ҳар кун сўроқ қилишаверади, аммо ҳеч қандай натижа йўқ! Бундан кўра, бизни ҳукм қилганлари яхшироқ бўларди, тиниб-тинчиб қолардик. Бу ерда бизлар кун бўйи бекор ётибмиз, мадъяр муттаҳамлар бўлса айшини суриб юрибди...— деди.

Нариги томондаги баракка жойлашган дивизия судининг маҳкамасига сўроққа олиб кетилаётган пайтда сапёр Водичка, бизни қачон чинакам судга рўпара қилишаркин, деб йўлакай Швейк билан гаплашиб борди.

— Нуқул сўроқ қилаверишади,— деди жиғибийрон бўлиб Водичка,— аммо ҳеч бир натижа йўқ. Қоғоз ёзаверишдан бошқани билишмайди, чинакам судни кўрмай қамоқда чириб кетадиганга ўхшаймиз. Ўзинг ростини айт-чи, уларнинг шўрва деб берган нарчасини оғизга олиб бўладими? Яхлаган картошка билан қўшиб берган карамини-чи? Худо ҳаққи, мен бунақа бемаъни жаҳон урушини умримда кўрмаган эдим! Бу уруш бутунлай бошқача бўлади, деб ўйлаб юргандим.

— Аммо менга маъқул тушяпти,— деди Швейк.— Бундан бир неча йил аввал мен ҳақиқий ҳарбий хизматда хизмат қилиб юрган вақтимда бизнинг фельдфебелимиз Сольпера бизга: «Ҳарбий хизматда ҳар ким ўз вазифасини билиши керак!» деб нуқул гап уқтирарди. Баъзан шу гапни айтиб туриб, тумшуғингга шундай солардики, анча вақтгача чакканг кўкариб юрарди! Марҳум обер-лейтенант Квайзерни айтмайсизми— у милтиқларни кўздан кечириш учун келганида бизга ҳамisha насиҳат қилиб, солдат ўз ҳиссиётига берилмаслиги керак: солдатлар бамисоли бир ҳайвон, давлат уларни боқади, қаҳва билан сийлайди, тамаки бериб туради, шуларнинг эвазига улар ҳўкиздек хизмат қилавериши керак, дер эди.

Сапёр Водичка ўйлаб қолди ва бир оз жим тургач:

— Швейк, аудиторнинг олдида борганингда ёлгон-

яшиқларни гапираверма, мени шарманда қилмаслик учун яхшиси ўтган терговда айтган гапларингни қайта-равер. Ахир мадьярлар менга ҳужум қилганини ўз кўзинг билан кўргансан-ку. Энди нима десанг ҳам, барибир сен билан бирга шу ишларни қилганимиз аён,— деди.

— Қўрқмай қўя қол, Водичка,— юпатди уни Швейк.— Энг муҳими шуки, сира ҳаяжонга тушмай ўзимизни тутиб тураверайлик. Нима бўпти, дивизия суди жонимизни олармиди! Қадим замонларда ҳарбий суд нималар қилганини билсанг шу гапларни айтмасдинг. Биз билан ҳақиқий ҳарбий хизматда Герал деган бир муаллим хизмат қилган эди. Бутун взводимизни жазолаб, шаҳарга чиқишимиз тақиқлаб қўйилган вақтда у каравотда ётиб бизга ҳикоя қилиб берганди. Прага музейида Мария-Терезия замонидаги ҳарбий суддан қолган дафтарлар бор экан. Уша вақтда ҳар бир полкнинг ўз жаллоди бўларкан, ўша жаллод солдатларни танлаб қатл қилар, ҳар бир солдатнинг бошини кесгани учун Терезия подшо чиқарган пулдан бир талер олар экан. Уша дафтарда ёзишларига қараганда, мана шундай жаллод баъзи кунлари беш талер пул ишлар экан.— Албатта,— деди Швейк билармон кишилардек салмоқлашиб,— ўша вақтдаги полклар анча катта бўлар эди, ҳамиша қишлоқлардан келтирилган йигитлар билан тўлдирилиб турарди.

— Сербияда бўлган вақтимда,— деди Водичка,— бизнинг бригадамизда «ёт»ларни дорга осишга рози бўлган ҳар бир солдатга сигарета билан ҳақ тўланар эди: солдат бир эркакни осса — бунинг учун ўнта «Спорт» сигаретини оларди, хотин ёки болани дорга осса бешта сигарета оларди, кейин Интендантлик тежамкорлик йўлига тушиб олди: ҳаммани ғуж қилиб отишадиган бўлишди. Биз билан бир лўли йигит ҳам хизмат қиларди, уни ҳаммиша кечаси маҳкамага чақириб кетишарди, биз нега шундай қилишадимиз, деб ҳаммамиз ҳайрон бўлдик. Уша вақтда биз Дрин дарёси бўйида турардик. Кунларнинг бирида кечаси у баракда бўлмаган вақтда кимдир унинг буюмларини титкилаб кўрган экан, ўша аблаҳнинг халтасидан уч коробка «Спорт» сигарети топиб олибди, ҳар коробкада юздан сигарет бор экан. Эрталаб у барагимизга қайтиб келиши билан ҳаммамиз ундан ўч олдик: ағдариб йиқитдик, Белоун бўлса уни камари билан бўға бошлади. Занғарнинг

худди мушукдек жони қаттиқ экан.— Кекса сапёр Водичка бир тушлаб олди.— Сира уни бўғиб ўлдира олмадик. Ичи ўтиб кетди, кўзлари қинидан отилиб чиқди, шундай бўлса ҳам чала сўйилган хўроздай типирчилаб тураверди. Сўнгра ҳаммамиз уни худди мушукни тортқилагандай икки киши бошидан, икки киши оёғидан ушлаб тортқилай бошладик ва бўйинни қайириб ташладик. Сўнгра бошига халтасини сигаретлар билан қўшиб тиқиб, Дрин дарёсининг чуқурроқ жойига ташладик. Қон ҳиди келиб турган сигаретларни ким чекарди дейсиз! Тонг отиши билан уни қидиришга киришишди...

— Сизлар уни, дезертирлик қилди, деб рапорт беришингиз керак эди,— деди билимдонлик билан Швейк,— у дезертирлик қилишга шайланиб юарди: ҳар кун албатта қочиб кетамаи, деб гапириб юради, дейишингиз керак эди.

— Уни ўйлаб ўтиришга кимнинг тоқати бор,— жавоб берди Водичка.— Биз ўз ишимизни қилдик, уёғи билан ишимиз йўқ. У ерда бунақа ҳодисалар жуда тез-тез бўлиб турарди; ҳар кун кимдир биров ғойиб бўларди. Дрин дарёсидан эса оққан ўликларни тутиб олиш билан ҳеч ким шуғулланмас эди. Дринга ғарқ бўлганлар оқиб, Дунайга ўтиб кета берарди, шишиб кетган «ёт»ларнинг ўликлари дабдаласи чиққан запасдаги солдатимиз билан оқиб кетаверарди. Бунақа ўликни биринчи марта кўрган кишини худди безгакка дучор бўлган кишидек қалтироқ босарди.

— Бунақаларга хин дори бериб туриш керак эди,— деди Швейк.

Улар шу сўзлар билан дивизия суди жойлашган баракка кириб келишди ва соқчилар уларни 8-маҳкамага олиб ўтди. Бу ерда узун стол ёнида қоғозларга кўмилиб аудитор Руллер ўтирар эди.

Унинг олдида ётган қонунлар мажмуаси устида ҳали ичилиб бўлмаган бир стакан чой турарди. Қалбаки фил суюгидан ясалган Исонинг бутга парчинланган ҳайкалчаси стол устига қаққайтириб қўйилган эди, чанг босиб ётган шу ҳайкалчанинг супачаси чекилиб бўлган сигарет ва тамаки куллариға тўлиб ётарди.

Аудитор Руллер бир қўлидаги сигаретанинг кулнни қоқиб ва ҳайкалчаға уриб тақиллатиб, гамгин худонинг ғамига яна гам қўшар экан, иккинчи қўли билан

Қонунлар мажмуасига ёпишиб қолган чойли стаканни кўчириб олиш билан овора эди.

У стаканни Қонунлар мажмуаси оғушидан бўшатиб олиб, офицерлар клубидан олиб келинган китобни ва-рақлашни давом эттираверди. Бу китоб Фр. С. Краузе-нинг: «Forschungen zur Entwicklungsgeschichte der geschlechtlichen Moral!»<sup>1</sup> деб маъноли сарлавҳа қўйилган китоби эди.

Олим Фр. С. Краузе Берлиндаги Фарбий вокзал ҳожатхоналаридан қидириб топган ва эркак ҳамда хотин жинсий аъзоларининг суратларидан мазкур китобга тегишли шеърлар билан кўчирилган нусхаларни аудитор бирма-бир кўздан кечирмоқда эди, шунинг учун ҳам у кириб келган кишиларни пайқамай қолди.

Водичка томоғини қириб йўталганидан кейингина у суратлардан кўзини олиб қаради.

— Was geht los?<sup>2</sup>— сўради Руллер ва примитив янги суратлар, расмлар ва шаклларни қидириб китобни ва-рақлашни давом эттираверди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керак-ки, жаноб аудитор,— жавоб берди Швейк,— шеригим Водичка шамоллаб қолган, шунинг учун йўталапти.

Аудитор Руллер шундан кейингина ўзига келиб, Швейкка ва Водичкага кўз ташлади. У ўзининг қиёфасига жуда жиддий тус беришга уринмоқда эди.

— Ахир судралишиб келибсизлар-да,— минғиллади аудитор столдаги делолар уюмини титкилаб.— Мен сизларни соат тўққизга чақиртирган эдим. Ҳозир сал кам ўн бир бўлди. Бу қанақа туриш, эшак?— деди у бамайлихотир турган Водичкага қараб.— Бемалол туравер деб айтганимдан кейингина оёқчаларингни қандай хоҳласанг шундай қўйиб тураверасан.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керак-ки, жаноб аудитор,— деди гапга аралашиб Швейк,— у бод касалига мубтало.

— Тилингни тий,— бақирди жаҳли чиқиб аудитор Руллер.— Сўраганимда жавоб берасан. Сен уч марта менинг олдимга сўроққа келдинг, ҳамиша керагидан кўпроқ вайсайсан. Нима бало, ахир, мен бу делони то-

---

<sup>1</sup> «Жинсий ахлоқ эволюциясининг тарихига доир тадқиқот» (немисча).

<sup>2</sup> Хўш, нима гап? (немисча).

паманми ё йўқми? Сен аблаҳлар жуда жонимга тегдиларинг-ку! Сенлар судни бекорга иш билан банд қилиб қўйдиларинг, қилмишларингга яраша кўрадиганингни кўрасанлар!

— Мана эшиттинглар, муттаҳамлар,— деди у қоғозлар уюми орасидан катта бир делони суғуриб олиб, ўша де-лога:

«Schwejk und Woditschka»<sup>1</sup> деб сарлавҳа қўйилган эди.

— Арзимаган бир муштлашиш деб бундан буён ҳам энди биз дивизия турмасида думалаб ётаверамиз, фронтга бормай вақтимизни ўтказаверамиз, деб ўйламай қўя қолинглар. Сен эшакларни деб мен армия штаби ҳузуридаги судга телефон қилишга мажбур бўлдим.— Аудитор бир хўрсиниб олди.— Ҳой Швейк, нега сен башарангни бужмайтиряпсан?— давом қилди аудитор.— Фронтга борганингда сен гонведлар билан муштлашишни унутиб қўясан. Сизларнинг ишларингиз тўхтатилади, ҳар қайсингиз ўз қисмингизга борасиз, у ерда интизом жазосини оласиз, сўнгра ўз марш ротангиз билан фронтга жўнайсиз. Яна менинг қўлимга тушсангиз, нима қилишимни ўзим биламан, муттаҳамлар! Шундай адабингизни берайки, сира эсингиздан чиқмайдиган бўлсин! Бўшалаганингиз тўғрисидаги мана бу ордерни олинг, энди муштлашмай юринглар. Буларни иккинчи номерга олиб боринг.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб аудитор,— деди Швейк,— сиз айтган сўзларни биз қалбимизга жойлаб оламиз. Бу яхшилигингиз учун сиздан бениҳоя миннатдормиз. Гражданлик хизматида юрган вақтимизда шундай ҳодиса рўй берганида мен сизни тилла одам экан, деб айтган бўлардим. Шу билан бирга, ҳар икковимиз, сизни шунчалик овора қилиб қўйганимиз учун қайта-қайта кечирим сўрашимиз керак. Ростини айтсак, биз бунга сазовор эмас эдик.

— Йўқолинглар кўз олдимдан!— бақирди Швейкка қараб аудитор.— Полковник Шредер ёнларингни олмганида аҳволларингга маймунлар йиғларди.

Улар иккови соқчилар билан иккинчи номерлик маҳкамага бориш учун коридорга чиққанларидагина Водичка ўзини аввалги Водичка деб ҳис қилди.

<sup>1</sup> Швейк ва Водичка (немисча).

Уларни олиб бораётган солдат, тушлик овқатга кечикиб қолмасам яхшийди, деб хавотирда эди.

— Қани, йигитлар, чаққон-чаққон юринглар. Битдек судралаверманглар,— деди у.

Водичка бунга жавобан соқчига,— жудаям ҳовлиқа-верма, мадьяр бўлмасдан чех бўлганинга шукур қил, бўлмаса сени балиқни тиликлагандек тиликлаб ташлардим,— деди.

Ҳарбий мирзалар овқатланиш учун маҳкамадан чиқиб кетганликлари сабабли, соқчи Швейк билан Водичкани дивизия суди ҳузуридаги қамоқхонага вақтинча қайтариб олиб бориб қўйишга мажбур бўлди. Соқчи уларни қамоқхонага олиб бориб қўйгунча ҳарбий мирзалар төифаси шаънига минг марталаб лаънатлар ўқиди.

— Ошналарим шўрвамнинг бетидagi мойни яна сузиб оладиган бўлишди,— деб нолиди соқчи фожиона бир тусда,— гўштини еб, суягини қолдирадиган бўлишди. Кечаги кун ҳам мен соқчилик қилиб икки кишини лагерга олиб борган эдим, қайтиб келгунимча кимдир бирев менинг нонимни олиб, ярмисини ютиб бўпти.

Энди руҳи кўтарилиб қолган Водичка соқчига:

— Сизлар бу ерда, дивизия судида овқатдан бошқа нарсани ўйламайдиган бўлиб қолибсиз,— деди.

Швейк билан Водичка ишнинг охири нима билан тугаганлигини кўнгилли аскарга ҳикоя қилиб беришганди, у одатдагидек заҳархандали гап қилди:

— Демак, дўстларим, марш ротаси билан кетар экансизлар-да! Чех туристларининг журналида ёзилгандек, сизларга «оқ йўл бўлсин». Экскурсияга тайёргарлик тугади. Шонли зийрак бошлиқларимиз ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишибди. Сизлар Галицияга экскурсия қилувчилар рўйхатига ёзилгансиз. Бамайлихотир йўлга чиқаверинг. Сизларни окоплар билан таништирган ўлкага қалбингизда зўр муҳаббат сақланг. Гўзал ва ниҳоят даражада мароқли жойларга борасиз. Сизлар узоқ мусофирчилик юртида ўзингизни жонажон юртда, ўз уйингизда, ўз оилангиз бағрида тургандек ҳис қилингиз. Сиз ҳиссиётга тўлиб-тошиб бораётган ўлкангиз тўғрисида бир вақтлар кекса Гумбольд:\* «Бутун дунёда мен мана шу аҳмоқона Галициядан кўра ғалати жойни кўрмаган эдим!» деган эди. Зафарли армиямиз ҳарбий сафарнинг биринчи кунларида Галициядан чекинаётган чоғда орттирган бой ва қимматли тажриба

иккинчи ҳарбий сафар программасини тузишда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Фақат олға, тўппа-тўғри Россияга йўл солинишлар ва шоду хуррам бўлиб ўқларнинг ҳаммасини ҳавога отишлар!

Тушки овқатдан сўнг, Швейк билан Водичка чиқиб кетиш олдида маҳкамада уларнинг олдида битлар тўғрисида шеър тўқиган ўша бебахт муаллим келди ва атрофга алаңлаб қараб, махфий қилиб:

— Руслар томонига ўтиб олганингиздан кейин русларга дарров: «Салом, рус оғайнилар, биз чех қардошларингизмиз, биз австрияликлар эмасмиз», деб айтишни унутманглар,— деди.

Баракдан чиқиб келаётган вақтда Водичка мадьярларга бўлган ўзининг нафратини намойишкорона изҳор қилмоқчи ва ҳатто қамаб қўйилса ҳам, ўзининг эътиқодидан заррача қайтмаганлигини кўрсатмоқчи бўлиб, ҳарбий хизматни принципаал равишда рад қилган мадьярнинг оёғини қаттиқ босиб унга ўшқирди:

— Оёғингга бирор нима кийиб олсанг бўлмайдим, зангар!

— Аттанг, бу зангар менга жавоб қайтармади-да,— деди аччиқланиб сапёр Водичка Швейкка.— Жавоб қайтармагани чакки бўлди. Мен у мадьярнинг калласини қоқ иккига бўлиб ташлардим. У аҳмоқ оёғини боссам ҳам ишдамай турибди. Мени суд қилишмаганларига жуда жаҳлим чиқиб кетяпти, Швейк! Бундан чиқди, бизни калака қилишибди-да, мадьярларни калтаклаганимизни бир чақага ҳам олишмабди-да. Ахир биз шер бўлиб муштлашган эдик-ку. Суд бизни ҳукм қилмаганига сен айбдорсан, бизга беришган гувоҳномасини айтмайсанми, бундан чиқди, биз чинакам муштлашишни билмас эканмиз-да. Қани ўзинг айт-чи, улар бизни ким деб ўйлашапти? Нима дейишса дейишини, лекин яшнгина жанжал қилган эдик.

— Э оғайнижон,— деди мулойимлик билан Швейк,— дивизия суди бизни мутлақо яхши кишилар деб расмий равишда иқдор бўлганлиги ва бизга қарши ҳеч бир чора кўрмаганлиги сени нега қувонтирмаётганлигини тушуна олмай қолдим. Дуруст, сўроқ вақтида мен айбни сира бўйинимга олмадим, адвокат Басс ўзининг мижозларига айтганидек, «бу ишнинг йўли шунақа бўлди-да». Аудитор мендан, сизлар жаноб Каконинг квартирасига нега бостириб кирдингиз, деб сўраганида мен унга:

«Агар биз жаноб Каконнинг уйига меҳмон бўлиб бор-сак, у билан яқинроқ таниш бўлиб қоламиз, деб ўйлаган эдим», деган жавобни бериб қўя қолдим. Шундан сўнг аудитор мендан бошқа ҳеч бир гап сўрамади. Шу гапнинг ўзи унга кифоя қилди.

Швейк ўз муҳокамасини давом эттирди:

— Шу нарса ҳамиша эсингда бўлсин: ҳарбий судьялар олдида айбингни сира бўйнингга олма. Гарнизон турмасида ўтирган вақтимда ёнимиздаги камерадаги бир солдат айбини бўйнига олган эди, бошқа маҳбуслар бунни эшитиб қолиб, уни кўрпага буркаб дўппослашиб иқроор бўлиб айтган гапларидан воз кечишга мажбур қилишди.

— Агар мен бирор ножўя иш қилиб қўйган бўлсам, мутлақо бўйнимга олмаган бўлардим,— деди сапёр Водичка.— Аммо ўша хом калла аудитор мендан: «Муштлашдингми?» деб тўппа-тўғри сўраса, мен унга: «Ҳа, муштлашдим», деб жавоб берардим. «Бирор кимсани калтакладингми?» деб сўраса: «Худди шундай, жаноб аудитор»,—«Бирор кимсани жароҳатландингми?» дегудек бўлса: «Албатта, жаноб аудитор», деб жавоб қилардим. Ахир у ўзи ким билан муомала қилаётганини билсин-да. Қўйиб юборишгани бизга уят, номус-ку! Бундан чиқди, мен ўша мадьяр безориларни уравериб камаримни шилта қилиб юборганимга, уларни дабдала қилганимга, башараларини шишириб, моматалоқ қилиб юборганимга ишонмабди-да. Учта барзанги мадьярни ҳаммасини ерга қулатиб, ўлгудек тепкилаганимни ўз кўзинг билан кўрдинг-ку. Шунча ишни қилсаму, қандайдир мишиқи бир аудитор терговни тўхтатиб қўйса-я. Ундан кўра менга: «Сен бир чақага арзимаёсану, яна муштлашмоқчи бўласан!», деб айтса яхшироқ бўларди. Мана, уруш тамом бўлсин, ҳарбий хизматдан бўшаб олай, мен ўша ландавурни қидириб топиб муштлашни нималигини унга кўрсатиб қўяман! Кейин мана шу ерга — Кираль-Хидга келиб, катта ур-йиқит қиламан: одамлар мана шу Кираль-Хиддаги дайдиларни, яланг-оёқларни, ана шу муттаҳамларни кўргани келганимни эшитиб қочгани жой тополмай қолишади!

Маҳқамада уларнинг ишини бир нафасда тамомлашди. Овқатдан кейин лабларининг мойи ҳали кетмаган фельдфебель ўзига одатдан ташқари жиддий тус бериб, қоғозларни Швейкка ва Водичкага узатар экан, уларга



қарата нутқ сўзлади, бу нутқида уларни ҳарбий бурчни унутмасликка даъват қилди. Фельдфебель ўзи силезиялик поляк бўлганлиги сабабли ўз шеvasига хос ибораларни, чунончи: «marekviium», «glupi rolmorsie», «krajsova sedmina», «sviņa porūpanā» ва «dum vam banē na mjesjnuckovy vasi gzichty»<sup>1</sup> каби чиройли сўзларни қайта-қайта такрорлади.

Уларнинг икковини ҳам ўз қисмига юборишди, Швейк Водичка билан хайрлаша туриб:

— Уруш тамом бўлгандан кейин бизниқига бир келиб кет. Кечқурун соат олтидан бошлаб ҳамиша мен Боиштедаги «Пазанда» қовоқхонасида бўламан.

— Албатта келаман,— жавоб берди Водичка.— У ерда муштлашишлар бўлиб турадимиз?

— Муштлашиш бўлмаган кун йўқ,— ишонтирди Швейк,— мабодо жимлик бўлиб қолса, ўзимиз бирор нарса чиқарармиз.

Дўстлар ажралишди, бир-бирларидан анча узоқлашганларидан сўнг кекса сапёр Водичка олисдан туриб Швейкка қичқирди:

— Мен келгунимча сен бирор эрмак топиб қўй!

Швейк ҳам бунга тегишли жавоб қайтарди:

— Урушдан кейин албатта бизниқига кел!

Улар бир-бирларидан яна узоқлашдилар, кўчанинг нариги муюшига етиб қолган Водичка бирданига яна қичқириб сўради:

— Швейк! Швейк! «Пазанда»да яхши пиво бўладими?

Швейкнинг жавоби акс садо бўлиб эшитилди:

— Ажойиб бўлади!

— Мен Смихово пивоси бўлармикин деб ўйлагандим,— қичқирди олисдан сапёр Водичка.

— Жононлар ҳам топилади!

— Демак, урушдан кейин кечқурун соат олтида!— бақирди Водичка.

— Мабодо кечикиб қолсам, яхшиси, соат олти яримда кела қол!— жавоб берди Швейк.

Олисдан яна Водичканинг овози эшитилди:

— Соат олтида келолмайсанми?!

---

<sup>1</sup> Сабзихўр очкўзлар, эси паст тентаклар, еттилик топпонлар, ифлос чўққалар, тарсаки билан башараларингни дабдала қиламан (полякча).

— Майли, олтига келаман!— Бу сафар Швейкнинг овози узоқдан эшитилди.

Шоввоз солдат Швейк билан кекса сапёр Водичка бир-бирлари билан шу тариқа хайрлашдилар.

Wenn die Leute auseinander gehen,  
Da sagen sie auf Wiedersehen<sup>1</sup>.



---

<sup>1</sup> Бир-бирдан ажрашса дўстлар, хайрлашиб термилиб қолар, (немисча).



V боб

## МОСТ-ЛИТАВАДАН СОКАЛЬГА

Поручик Лукаш ўн биринчи марш ротасининг маҳкамасида фиғони фалакка етиб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Бу маҳкама рота барагининг бир бурчагида жойлашган қоронги ҳужра бўлиб, коридор билан уни фақат тахта девор ажратиб турарди. Маҳкамада бир стол, икки стул, лампа мой тўла шиша ва каравотдан бошқа нарса йўқ.

Бош мирза Ванек поручик Лукашнинг олдида турибди. Ванек шу бинода солдатларга тўланидиган маош ведомостларини тузиш билан шуғулланади, солдатлар

ошхонасига доир ҳисобот ишларини олиб боради. Хуллас, уни бутун ротанинг молия министри деса бўлади. У уззукун умрини шу ерда ўтказди, кечаси ҳам шу ерда ётиб қолади. Эшикнинг олдида галварсдай, сочсоқоли ўсиб кетган, семиз пиёда аскар турибди. Бу поручикнинг янги деншчиги Балоун бўлиб, ҳарбий хизматга ўтмасдан олдин Чешские Крумлов яқинида тегиримончилик қиларди.

— Менга топиб берган деншчигингизни қаранг-а,— деди поручик Лукаш бош мирзага қараб,— бу яхшилигингиз учун сизга катта раҳмат! Биринчи кунидек уни тушга олиб келиш учун офицерлар ошхонасига юборган эдим, у йўлакай овқатнинг ярмисини еб қўйибди.

— Кечирасиз, тўкилиб кетди,— деди галварсдай бесўнақай аскар.

— Майли, шундай бўлган деб фараз қилайлик. Шўрва ёки қайла тўкилиб кетиши мумкин, лекин франкфуртча қовурдоқ тўкилмайди-ку. Сен олиб келган қовурдоқдан қолган зиғирча жаз тиш қавагида қолиб кетади. Хўш, олма солинган рулетни нима қилдинг?

— Мен...

— Мени алдамай қўя қол. Уни еб қўйгансан!

Поручик кейинги гапини шу қадар дағдаға билан айтдики уни эшитиб Балоун беихтиёр икки қадам орқага тисарилди.

— Бугун тушки овқатга нима тайёрланганини ошхонадан суриштириб билдим. Думалоқланган қийма, жигарли шўрва ҳам бор экан. Хўш, шўрвадаги думалоқ қиймаларни нима қилдинг? Йўлда қўлинг билан човуриб олиб едингми? Албатта шундай қилгансан. Кейин пиширилган мол гўштига бодринг қўшиб бериб юборишган экан. Хўш, уни нима қилдинг? Уни ҳам еб қўйгансан. Икки бўлак қовурилган гўшт бериб юборишган экан, бир бўлак гўштининг фақат ярмисини олиб келдинг! Шундайми? Икки бўлак олма солинган рулет бор эди. Хўш, рулетлар қаёққа кетди? Уни ҳам ямлаб ютгансан, ифлос чўчқа! Қани айт, рулетни нима қилдинг? Ё лойга тушириб юбордингми? Айт деяпман, аблаҳ! Туширган еринг қаердалигини менга кўрсат. Рулетни ит емагандир? Ё ит атайин чақирилганми?! Вой тавба-ей! Нақ аъзойи баданингни дабдала қилиб юбораман! Сен ифлос чўчқа яна мени ёлғон гаплар билан алдамоқчи-

сан-а! Сенинг бу қилиғингни ким кўрганини биласанми? Бош мирза Ванек кўриб турган экан. Унинг ўзи менинг олдинга келиб айтди. «Ижозатингиз билан сизга айтишим керакки, жаноб поручик,— деди бош мирза Ванек,— ўша итвачча Балоун сизнинг овқатингизни чайнамай ютапти. Ўзим деразадан кўриб турдим. Худди бир ҳафтадан бери овқат емагандай икки лунжини тўлдириб олибди». Ўзингиз ўйлаб қаранг, бош мирза, сиз менга бу ашаддий ҳайвондан кўра бошқасини наҳотки тополмаган бўлсангиз?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, бизнинг марш ротамиздаги ҳамма солдатлар орасида Балоун назаримда ҳаммадан кўра тузукроқ солдат бўлиб кўрindi. У шу қадар зеҳни пўстак одамки, милтиқ кўтариш усулларидан биронтасини ҳанузгача билиб ололмапти, агар унинг қўлига милтиқ тегиб қолса, ҳаммани шарманда қилади. Кейинги ўтказилган отиш машқида у отган пахтавошлик ўқ ёнидаги солдатга тегиб, кўзини чиқариб юборишига сал қолди. Ҳеч бўлмаса деншчиклик хизматини удалай олар деб ўйлаган эдим.

— Ҳар кунни ўз офицерининг овқатини еб қўйишни удалайди!— деди жаҳли чиқиб Лукаш.— Ўзининг овқати етмагандек бошқаларникига чанг солади. Энди нафсингни қондиргандирсан?

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, мен ҳамиша очман. Агар бирор кишининг нони ортиб қолса дарров нонини сигаретага алишиб оламан, шундай бўлса ҳам сира қорним тўймайди, худо мени шунақа қилиб яратган. Энди тўйдим шекилли деб ўйлайману, лекин барибир тўймайман, сал ўтмай овқат емагандай яна қорним очаверади. Қорним қурғур худди мушук тимдалагандек мени сира тинч қўймайди. Гоҳо энди бас қилиб қўя қолай, деб ўйлайман, овқат тиқиштиришга қорнимда жой қолмагандек бўлиб кўринади. Аммо шу пайт бирортаси кавшаниб турганини кўриб қолсам, ёки бирор лаззатлироқ ҳидни сезиб қолсам, худди сув ювиб кетгандек дарров қорним оча бошлайди. Шундай маҳалда ҳатто михларни ҳам ютиб, нафсимни қондиргим келади! Ижозатингиз билан сизга шуни айтайки, жаноб обер-лейтенант, менга овқатни икки ҳисса беришса бўлмасмикин, деб илтимос қилган эдим. Шундай илтимосимни Будейовицада полк

врачига ҳам айтган эдим, у бўлса икки ҳисса овқат бериш ўрнига мени икки кун лазаретга ётқизиб қўйди, кун бўйи бир коса қуруқ шўрва сувидан бошқани берманглар, деб буюрди. «Мен сенга очлик нималигини кўрсатиб қўяман, аблаҳ,— деди врач.— Қани, яна бир марта бу ерга келиб кўр-чи, худди пайраҳангни чиқариб юбораман». Жаноб обер-лейтенант, лаззатли овқатларку майли-я, оддий овқатларни кўрсам ҳам иштаҳам карнай бўлиб, сўлагим оқаверади. Қамол эҳтиром билан сиздан ўтиниб сўрайман, жаноб обер-лейтенант, менга икки ҳисса овқат беришни айтиб қўйсангиз. Агар гўшти бўлмаса, картошка, кнедлик, бир оз қайла беришса ҳам майли, барибир ортиб қолади-ку.

— Сурбетлигинг жонимга тегди,— деди бунга жавобан поручик Лукаш.— Бунақа сурбет солдатни умрингизда кўрмаган бўлсангиз керак, бош мирза, буни қаранг, овқатимни еб қўйибди-ю, яна менга икки ҳисса овқат бердиринг, деб илтимос қиляпти-я. Еб қўйган овқатингни эсингдан чиқармайдиган қилиб қўяман! Бош мирза,— деди Лукаш Ванекка қараб,— сиз уни капрал Вейденгоферга олиб боринг, гуляш берилаётган вақтда ошхона олдидаги ҳовлига икки соат боғлаб қўйсин. Оёқ устида турадиган қилиб баландроқ жойга боғласин, қозонда гуляш пишаётганини кўриб туради. Гуляш улашилаётган вақтда бу аблаҳ овқатни кўриб сўлагини оқиб турадиган бўлсин. Колбасапазлик атрофида айланиб юрган оч итга ўхшаб гўштан кўзини ололмай ўлсин. Ошпазга айтинг, унинг овқатини бошқаларга бериб юборсин.

— Хўп бўлади, жаноб обер-лейтенант. Юринг, Балонун.

Чиқиб кетишаётганида поручик эшик олдида уларни тўхтатди ва Балонуннинг талвасага тушган афтига тик қараб туриб, голибона хитоб қилди:

— Энди қалайсан! Муддаонингга етдингми? Тозаям маза қиладиган бўлдинг-да! Агар менга яна шунақа қилиқ қиладиган бўлсанг, суриштириб ўтирмай ҳарбий дала судига топшираман!

Ванек қайтиб келиб, Балонунни боғлатиб қўйганини айтган эди, поручик Лукаш бунга жавобан:

— Ўзингиз мени биласиз, Ванек, мен бунақа нарсалар қилишни яхши кўрмайман, лекин бошқа иложим қолмади,— деди.— Биринчидан, ўзингизга маълумки, ит-

нинг суяги тортиб олинса, у иррилай бошлайди. Бунақа аблаҳнинг мен билан туришини истамайман. Иккинчидан, Балоун боғлаб қўйилганлиги бутун команда учун катта маънавий ва психологик аҳамиятга эга. Кейинги вақтларда аҳвол шундай бўлиб қолдики, йигитлар марш батальонига тушиб қолганликларини, эртага ёки иккинчи фронтга жўнагилишларини билиб қолишлари билан хаёлларига нима келса шунини қилаверадилар.— Тинкаси қуриган поручик секин гапира бошлады.— Утган кунни тунги маневр вақтида биз қанд заводининг орқасида кўнгилли аскарларнинг машқ командасига қарши ҳаракат қилишимиз керак эди. Олдинги сафдаги биринчи взвод катта йўлда товуш чиқармай бораверди, чунки бу взводни ўзим бошқариб бораётган эдим, лекин чапга бурилиб, қанд заводи олдига пойлоқчилар қўйиши лозим бўлган иккинчи взвод худди дала сайилидан қайтиб келаётган шўх йигитлардек ҳаракат қила бошлады. Уларнинг оёқ гурсиллатишлари, айтаётган ашулалари ҳатто лагердагиларга ҳам эшитилиб турди. Бундан ташқари, учинчи взвод ўрмон атрофидаги жойларни аниқлаш учун ўнг қанотда кетаётган эди. Улар билан бизнинг орамиз ўн минутлик йўл бўлса-да, у зангарлар тинмай чекаётганлиги очик кўришиб турарди, чор атрофдан ялғ-юлт чўғлар кўзга ташланарди. Орқада келиши лозим бўлган тўртинчи взвод биринчи сафдаги взводнинг олдига қандай қилиб ўтиб олганлигини ҳеч ким сезмай қолди. Биз уни душман деб ўйлабмиз. Шунинг учун ҳам мен ўзимизнинг мана шу взводимиздан чекинишга мажбур бўлдим. Ун биринчи марш ротаси мана шу алфозда менинг қўлимга тегди. Мен бунақа қисмини нима қила оламан? Қаттиқ жанг вақтида улар қай аҳволга тушиб қоларкин?

Лукаш гапирар экан, худди илтижо қилаётгандек қўлини кўксига қўйиб олган, қиёфаси маънос тортиб, бурни чўзилиб кетгандек кўринарди.

— Сиз, жаноб поручик, бунга парво қилманг,— деди бош мирза Ванек уни юпатмоқчи бўлиб,— бошингизни қотираверманг. Бунақа марш роталаридан мен учтасида бўлганман. Шу роталарнинг ҳар қайсисини бутун батальони билан тор-мор келтиришганини кўрганман, шундан сўнг бизни қайтадан ташкил қилинишга қайтариб юборишган. Уша марш роталарининг ҳаммаси бири-бирдан қолишмасди, уларни биронтасининг ҳам

сизнинг ротангиздан афзаллиги йўқ эди, жаноб обер-лейтенант. Тўққизинчи рота ҳаммасидан баттар эди. Рота ҳамма унтерлари ва командири билан асир тушди. Ром билан вино олиб келиш учун полк обозига борганим важдан мен қутулиб қолдим, улар асир тушганда йўқ эдим. Биласизми, жаноб обер-лейтенант, ҳозиргина ўзингиз гапириб берган охирги тунги маневр вақтида бизнинг ротамиздан олдинроқ ўтиб кетиши лозим бўлган кўнгилли аскарларнинг марш командаси адашиб қолиб, Нейзидлер кўли олдидан чиқиб қолганди. Улар эрталабгача тўхтамай кетишаверибди, разведкачи патруллар ботқоққа ботиб қолибди. Уларни жаноб капитан Сагнернинг ўзи бошқариб бораётган эди. Агар тонг отиб қолмаганида Шопроньёга ҳам етиб қолишарди!— деди бош мирза худди махфий гапни айтаётгандек кўзини аланглатиб. У бунақа воқеаларни оғиз кўпиртириб гапиришни яхши кўрарди; шунинг учун ҳам бунақа воқеаларга ҳаминша кўз-қулоқ бўлиб юрарди.— Хабарингиз борми, жаноб обер-лейтенант,— деди у Лукашга секингина имлаб,— жаноб капитан Сагнер бизнинг марш ротамизга командир бўлиб тайинланармиш-а? Штаб фельдфебели Гегнернинг айтишига қараганда, аввал офицеримизнинг энг каттаси деб сизни командир қилмоқчи бўлишган экан. Кейин капитан Сагнерни тайинлаш тўғрисида бригадага дивизиядан буйруқ келганмиш...

Поручик Лукаш лабини тишлаб қолди ва сигарета чекди. У мана шу гапларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб, ўзига нисбатан адолатсизлик қилинаётганига амин эди. Бу билан иккинчи марта капитан Сагнернинг хизмат даражаси кўтарилиб, Лукаш орқада қолиб кетяпти. Бироқ Лукаш сир бой бермай:

— Гап капитан Сагнерда эмас...— деб қўя қолди.

— Бу нарса менинг кўнглимга унчалик хуш келмай турибди,— деди бош мирза ўзини Лукашга яқин олиб.— Фельдфебель Гегнернинг менга айтган гапларига қараганда, урушнинг бошида жаноб капитан Сагнер Черногориянинг бир жойида ном чиқармоқчи бўлган ва серблар пулемётлардан ўқ ёғдириб турганликларига қарамай, роталарни серблар позициясига кетма-кет юбораврган, ваҳолонки, роталарнинг муқаррар ҳалок бўлиши турган гап эди, у жойда пиёда аскарлар ҳеч бир иш чиқара олмас, сербларни фақат тўпга тутиб тогдан



қочириш мумкин эди, холос. Ушанда бутун батальондан фақат саксон киши омон қолган экан; капитан Сагнернинг ўзи қўлига ўқ тегиб жароҳатланибди, кейин касалхонада унга яна дизентерия ҳам юқибди, шу-шу бизнинг Будейовицадаги полкимизга келиб қолганди. Кеча бўлса ўзининг улфатлари орасида гапириб ўтириб, фронтга боргим келяпти, бутун марш батальонини талафот берсам ҳам ўзимнинг кимлигимни кўрсатаман, *signum laudis*<sup>1</sup> оламан, дебди. Сербия фронтида қилган ишлари учун унга ҳеч нарса тегмаган экан. Энди ё бутун марш батальони билан бирга ҳалок бўлади, ёки подполковник даражасига кўтарилиши мумкин. Лекин марш батальонига қийин бўлади. Бунинг бизга ҳам дахли бор, деб ўйлайман, жаноб обер-лейтенант, фельдфебель Гегнер яқинда менга, капитан Сагнер билан ораларингиз унчалик яхши эмас, у биринчи навбатда сизнинг ўн биринчи ротангизни жангга, энг хатарли жойларга жўнатади, деган эди.

Бош мирза хўрсиниб қўйди.

— Бу қадар кўп қўшин қатнашаётган, фронт линияси бу қадар чўзилиб кетган ҳозирги урушда пала-партиш атакалар қилиб эмас, дадил, чаққон ҳаракат қилиш йўли билан муваффақият қозониш мумкин, деб ўйлайман. Дукла\* олдида ўнинчи марш ротасида бўлган вақтимда бунинг ўзим кўрдим. Ушанда ҳамма иш силлиққина бораётган эди, «*nicht schiessen!*»<sup>2</sup> деган буйруқ келди, биз ҳам ўқ узишни тўхтатдик, руслар яқинроқ келишини кутиб туравердик. Уларни битта ҳам ўқ узмай асир қилиб олишимиз мумкин эди, ammo ўнг ёнбошимизда занғар лашкарлар туришганди, улар русларни кўриб капалакларини учиб кетганидан худди яхмалак отгандек тепаликдан сирғалиб тушиб, қоча бошлашди. Шу пайтда бизга буйруқ келиб қолди, буйруқда руслар чап ёнбошни ёриб ўтди, сизлар бригада штаби турган жойга чекинингиз керак, дейилган эди. Шу пайт ўзимизнинг полк обозини тополмаганлигим сабабли ротага олинадиган овқатлар рўйхатига қўл қўйдириш учун бригада штабига келган эдим. Қарасам, ўнинчи марш ротасидаги йигитлар бирин-кетин штабга келишяпти. Кечқурунга бориб улар бир юз йигирма кишига етди,

<sup>1</sup> Тақдирнома (лотинча).

<sup>2</sup> Отилмасини! (немисча).

қолганлари айтишларига қараганда, чекиниш вақтида адашишиб телаликдан чена отгандек сирғалиб тушишибди-да, худди русларнинг олдига бориб қолишибди. Жон-понимиз чиқиб кетди, жаноб обер-лейтенант. Карпат тоғининг тепасида ҳам, этагида ҳам русларнинг позицияси бор эди... Аммо кейин, жаноб обер-лейтенант, капитан Сагнер...

— Капитан Сагнер билан мени тинч қўйсангиз-чи!— деди поручик Лукаш.— Бу гапларнинг ҳаммасини ўзим ҳам жуда яхши биламан, лекин энди сиз жанг бошланганида яна тасодифан қаердадир бир обознинг олдидан чиқиб қолган бўламан, ром ва вино олиш билан овора бўламан, деб ўйламай қўя қолинг. Сиз ароқдан қайтмаслигингизни менга айтиб қўйишди. Лавлагидай қизил бурнингизни кўрган киши қандай одамлигингизни дарров сезади.

— Буни Карпатдан орттирганман, жаноб обер-лейтенант. У ерда ичмасликнинг сира иложи йўқ эди: овқатимиз тоққа олиб чиқилгунча совиб қоларди, окоплар қорга тўлиб кетган, олов ёқиб бўлмасди. Фақат ром ичиш билан жон сақлаганмиз. Агар мен бўлмаганимда ротамиз ҳам ром тополмай бошқа марш роталарининг ҳолига тушиб, музлаб қоларди. Бурнимиз ўшанда қизариб қолганди. Бунинг касофати кўп тегди, чунки батальондан бурни қизил солдатлар разведкага юборилиб турсин, деб буйруқ келганди.

— Ҳозир қиш эмас-ку?— сўради маънодор қилиб поручик.

— Вино билан ром фронтда қишин-ёзин асқатаверади, жаноб обер-лейтенант. Ҳамиша вақтни чоғ қилиб туради. Агар солдатга ярим котелок вино билан чорак литр ром берсангиз, у ҳар қандай жангга кираверади. Яна қанақа ҳайвон эшикни тақиллатаяпти. Эшикка «Nicht klopfen!»<sup>1</sup> деб ёзиб қўйилганини ўқимаганми.

— Herein!<sup>2</sup>

Поручик Лукаш креслода ўтирган ерида қайрилиб қараб эшик секин қия очилаётганини кўриб қолди. Ун биринчи марш ротаси маҳкамасига қўлини кўтарганча, ҳарбийларча честь бериб, шоввоз солдат Швейк оҳиста кириб келди. У эшикни тақиллатаётган ва ундаги «nicht

<sup>1</sup> Тақиллатилмасин! (немисча).

<sup>2</sup> Кириш! (немисча).

klorfen!» деган ёзувни кўздан кечираётганида қўли честь бериш учун кўтарилган бўлса керак.

Швейк қўлини кўтарганича честь бериб тураверди. Бу ҳолат унинг бениҳоя мамнун қиёфасига ярашиб турарди. Унинг кўрниниши Австрия пиеда аскарининг одми формасини кийиб олган юнонларнинг ўғирлик худосига ўхшарди.

Поручик Лукаш шоввоз солдат Швейкнинг мулойим қараб турганини кўриб кўзларини қисгандек бўлди. Қурбонлик учун сўйилган қўйни отаси кабоб қилиб турган пайтда келиб қолган, аслида оқпадар сифатида ҳайдалиб, дом-дараксиз йўқ бўлиб кетган ва яна тавба қилиб қайтиб келган ўғил, эҳтимол, мана шундай мулойимлик ва меҳрибонлик билан термилиб қараган бўлса керак.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, мен яна ҳузурингизга келдим,— деб гап бошлади Швейк. У ниҳоятда жўн ва бамайлихотир гапирганлигидан поручик Лукаш дарров ҳушёр тортди.

Полковник Шредер, Швейкни яна топиб бериб, сизни боплайман, деб айтган пайтдан бошлаб поручик Лукаш ўзининг ҳар кунини, бугун келмай қолса яхши бўларди, деган умид билан ўтказадиган бўлиб қолган эди.

Ҳар куни эрталаб поручик: «Бугун у келмайди. Яна бирор қилиқ қилиб қўйиб, қўлга тушган бўлса керак», деб ўзини юпатарди.

Лекин Швейкнинг тўсатдан оёқ учида кириб келиши унинг бутун умидларини чилпарчин қилиб юборди.

Швейк аввал бош мирза Ванекка юзланиб унга ёқимли табассум қилди-да, шинелининг чўнтагидан қоғоз чиқариб узатди.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб бош мирза, полк маҳкамасидан менга берилган шу қоғозларни сизга топширишим керак. Бу қоғозлар менга маош ҳамда овқат бериш тўғрисида ёзилган.

Ун биринчи марш ротасининг маҳкамасида Швейк шундай табиий ва бемалол муомала қилардики, буни кўрган киши, Швейк билан Ванек эски қадрдонлар экан, деб ўйларди. Бош мирза унинг бу муомаласига қисқагина:

— Қоғозларингизни столга қўйинг,— деб жавоб берди.

— Илтимос, бош мирза, икковимизни холи қўйсангиз,— деди хўрсиниб поручик Лукаш.

Ванек чиқиб кетди ва улар нималарни гаплашар экан, деб эшикка қулоқ тутиб тураверди.

Дастлаб ҳеч нарса эшитмади. Швейк билан поручик бир-бирларига тикилиб, хийла жим ўтиришди. Лукаш Швейкка товуқ устига сакрашга тайёрланаётган хўроздек қараб турарди; у Швейкни худди афсун қилаётганга ўхшарди.

Швейк ҳар сафаргидек бу гал ҳам ўзининг илиқ, мулойим ва осойишта назари билан поручикка қараб тураверди. Швейкнинг бу қарашидан у: «Яна бирга бўлиб қолдик, жонгинам. Энди бизнинг орамизга ҳеч ким жудолик сололмайди, азизим», дегандек туюларди. Поручик бу жимжитликни бузмай, узоқ сукут сақлаб турганлиги сабабли, Швейкнинг кўзлари унга ёқимли назокат билан: «Бирор нима десанг-чи, азизим, лоақал бир сўз айтсанг-чи!» дегандек боқиб тураверди.

Поручик Лукаш ниҳоят, бу уқубатли сукутни бузиб, заҳарханда ва пичинг билан гап очди:

— Хуш келибсиз, Швейк. Ташриф буюргангиз учун ташаккур. Ниҳоят етиб келибсиз, қадрли меҳмон.

Лекин у ўзини тутиб тура олмади ва кейинги кунларда тўпланиб қолган бутун ғам-ғусса столга урилган мушт зарбида ўз ифодасини топди. Сиёҳдон отилиб кетди ва унинг сиёҳи маош ёзилган ведомостга тўкилди. Сиёҳдон билан поручик Лукаш ҳам сапчиб турди-да, Швейкка яқинлашиб ўшқирди:

— Ҳайвон!

У тор маҳкамада ўзининг ғазабини ичига сиғдира олмай у ёқдан-бу ёққа юрар экан, ҳар сафар Швейкнинг ёнидан ўтганида, бир туплаб қўярди.

Поручик Лукаш маҳкама ичида тез-тез қадам ташлаб юра туриб дарғазаб қиёфада столдаги қоғозни олар ва уни қайта-қайта ёжимлаб улоқтириб ташларди. Ниҳоят, Швейк тилга кирди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, хатингизни худди сиз айтганингиздай қўлларига топширдим. Яхшики, хоним Каконнинг худди ўзларини уйларида учратдим, жуда чиройли аёл экан, мен у хонимни кўз ёши қилиб турган пайтларида кўрдим...

Ҳарбий мирзанинг каравотига бориб ўтирган поручик Лукаш хириллаган овози билан қичқирди:

— Бунақа қилиқларнинг охири борми, Швейк!

Швейк ўзини эшитмаганга солиб, гапини давом эттирди:

— Кейин кичкина бир кўнгилсиз воқеага учраб қолдим, лекин ҳамма айбни ўз устимга олдим. Ўша хоним билан хат ёзишиб юрибман, деган гапимга ҳеч ким ишонмади, шунинг учун мен бу ишнинг изини йўқотмоқчи бўлиб, тергов вақтида хатни ютиб юбордим. Кейин тасодифан кичикроқ бир муштлашишга аралашиб қолдим, аммо эсон-омон қутулиб чиқдим (буни фақат тасодифан бўлган муштлашиш дейиш мумкин холос). Гуноҳсизлигим исбот бўлди. Мени полк рапортига юборишди, лекин дивизия судида терговни тўхтатишди. Полк маҳкамасида атиги бир неча минутгина кутиб турдим, кейин полковник келиб қолиб мени бир оз сўзкан бўлди, сизни ординарец қилиб тайинлайман, бу тўғридаги рапортни дарҳол обер-лейтенантга бориб айтинг, деди. Бундан ташқари, жаноб полковник менга, обер-лейтенант марш ротасининг иши билан дарҳол менинг олдимга келсин, деб буюрди. Шундан бери орада ярим соатдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин мени полк канцеляриясида ушлаб қолишларини ва у ерда ўн беш минутдан кўпроқ туриб қолишимни жаноб полковник билмаган эдилар. У ерда туриб қолишимнинг сабаби шуки, ротада эмас, балки полкда берилиши лозим бўлган маошимни менга топширишлари бир оз кечикди, чунки мен полк маҳбуси ҳисобланар эдим. У ерда ҳамма нарсани аралаштириб ва чалкаштириб юборишбди, одамни жинни қилиб қўйишларига сал қолди.

Поручик бундан ярим соат олдин полковник Шредер ҳузурида бўлиши лозим эканлигини эшитиб, апил-тапил кийина бошлади.

— Яна менга холис хизмат қилибсиз-да, Швейк!— деди у. Поручик бу гапни шундай умидсиз аламзадалик оҳангида айтдики, буни пайқаган Швейк югуриб чиқиб бораётган поручикнинг кетидан дўстона сўз айтиб, уни юпатмоқчи бўлди:

— Ҳечқиси йўқ, жаноб полковник кутиб тураверади, унинг бошқа қиладиган иши ҳам йўқ.

Поручик чиқиб кетганидан кейин орадан бир минут ўтгач, бош мирза Ванек маҳкамага кириб келди.

Швейк стулда ўтириб олиб, кичкина тушука печкага кўмир солаётган эди. Печка бурқсаб тутун қайтара бошлади, аммо Швейк Ванекнинг келганига эътибор бермай, ўз эрмагини давом эттираверди. Ванек тўхтаб, Швейкни бир неча минут кузатиб турди, лекин тоқати тоқ бўлиб, оёғи билан печка қопқоғини тепиб беркитди ва Швейкка, бу ердан чиқиб кет, деди.

— Жаноб бош мирза,— деди Швейк пинагини бузмай,— сизга шуни айтишим керакки, сизнинг бу ердан ва умуман лагердан чиқиб кет, деган буйруғингизни ҳар қанча истасам ҳам бажара олмайман, чунки мен фақат юқори доираларнинг буйруғига итоат қиламан. Ахир мен бу ерда ординарецман-ку,— деб илова қилди фахрланиб Швейк.— Жаноб полковник Шредер мени ўн биринчи марш ротасига, жаноб обер-лейтенантга юбордилар, мен илгари жаноб обер-лейтенантнинг деншчиги эдим, аммо ўзимнинг туғма ақл-заковатим туфайли мартабам ошиб, энди ординарец бўлиб қолдим. Биз жаноб обер-лейтенант билан эски қадрдонимиз. Сиз, жаноб бош мирза, урушдан олдин нима касб билан шуғуллангансиз?

Шоввоз солдат Швейкнинг бепарво, менсимай айтаётган бу гаплари полк мирзаси Ванекни шу қадар довдиратиб қўйдики, у ўз ротасининг солдатлари олдида унвони билан ҳамиша мақтаниб юрганини унутиб қўйиб, худди Швейкка тобе кишидек жавоб берди:

— Қралупада дори сотадиган магазиним бор. Фамилиям Ванек.

— Дори тайёрлаш ҳунарини мен ҳам ўрганганман,— деди Швейк,— Прагада, Петршиндаги жаноб Кокосканинг шогирди бўлганман. У киши жуда галати одам эди. Бир кун ўзим ҳам билмай қолиб, бензинлик бочкага ўт ёқиб юборибман. Ушанда унинг уйи куйиб кул бўлди. Шу-шу мени ишдан ҳайдаб юборди. Шу вайдан мени ҳеч қаерда ишга олмай қўйишди, ўша бемаъни бензинлик бочка деб ҳунар ўргана олмай қолдим. Сиз ҳам сигирларга гиёҳ дорилар тайёрлаб берарминдигиз?

Ванек йўқ дегандек бош қимирлатиб қўйди.

— Биз сигирларга доривор гиёҳлар билан авлиеннинг суратларини тайёрлаб берардик. Бизнинг хўжайинимиз Кокоска жуда тақводор одам эди, авлиё Пилигрим қорни шишиб кетган молларни даволаган экан,

деган гапни қайси бир китобдан ўқиб билиб олибди. Шундай қилиб, унинг закази билан авлиё Пилигримнинг суратлари Смиховда чоп қилинди ва Кокошка бу суратларни Эмауз монастырига олиб бориб, икки тилла пул тўлаб табаррук суратга айлантириб келди. Кейин биз сигирларни даволайдиган гиёҳларимиз билан бирга, шу суратлардан бир дона қўшиб, конвертга солиб берадиган бўлиб қолдик. Бу доривор гиёҳлар иссиқ сувда ивителиб, пақирдаги сув билан сигирга ичирилар эди. Шу сув ичирилаётган вақтда авлиё Пилигримга аталган кичкина дуо ўқиб туриларди. Бу дуони ўзимизнинг приказчигимиз Таухен ёзиб берган эди. Бу воқеанинг тарихи қуйидагича: Авлиё Пилигримнинг суратлари тайёр бўлганидан кейин унинг орқасига бирор дуони ёзиб қўйиш керак бўлиб қолди. Шу ваздан хўжайинимиз Кокошка кечқурун Таухенни чақириб, унга мана шу суратларга ва доривор гиёҳларга монанд қилиб эртага эрталабгача дуо ёзиб беришни буюрди. Бу дуо эрталаб соат ўнгача тайёр бўлиши, сўнгра хўжайин дўконга келиши билан уни чоп қилиш учун босмахонага юбортириш керак эди. Хўжайин сигирлар бу дуога жуда муштоқ эканлигини айтди. Таухен агар яхши дуо ёзиб берса хўжайин унга бир гульден мукофот бермоқчи бўлди, агар буни ундай олмасанг икки ҳафтадан кейин ишдан бўшатиб юбораман, деди. Пан Таухен кечаси билан терлаб-пишиб ишлади, эрталаб ухламаганича дўконни очиш учун келди, аммо ваъда қилинган дуонинг ҳали бир сўзи ҳам ёзилмаган эди. Бу ҳам майли-я, у мана шу доривор гиёҳларнинг пири бўлган авлиёнинг номини ҳам унутиб қўйибди. Фердинанд деган хизматчимиз унинг мушкулни осон қилди. Бу хизматчининг қўлидан ҳамма иш келарди. Биз том тагида ромашкани қуришиб чойга айлантираётган вақтимизда у ечиниб мазкур гиёҳ уюмига оёқларини тикиб ўтирарди. Бу гиёҳ оёқни терламайдиган қилади, дерди у. Фердинанд том тагида каптар тутишга, пул солиб қўйилган қутиларни очишга уста эди, бизга у пул топишнинг яна бошқа йўлларини ҳам ўргатарди. Ўзим бола бўлсам ҳам, лекин уйимда ҳам дорихонам бўларди. Хўжайинимникидан ўғирлаб уйимга олиб келиб қўйган бунақа дорилар ҳатто «Шавкат»\* касалхонасидан ҳам топилмасди. Таухенни ана шу Фердинанд кулфатдан қутқариб қолди. «Қани, бир кўрай», деди у. Пан Таухен дарров мени, Фердинандга пиво олиб

кел, деб юборди. Мен пивони олиб келгунимча Фердинанд ишнинг ярмисини битказиб қўйибди. Бизга ҳам ўқиб берди:

Жимиб қолди эл бирдан,  
Кўкдан келди бир садо:  
Сеҳрли алаф билан  
Кокошка қилар савдо!  
**У**ни еган сигирлар  
Доктор кўрмай семирар,  
Ким талабгор, ким олдин?  
Бир халтаси — бир гульден!

Фердинанд пивони, қорин оғриғи учун ишлатиладиган спиртни ҳам ичиб кайфи тарақ бўлганидан кейин иш тез юришиб кетди ва бир нафасда тугалланди:

Ҳазрат Пилигримимиз топганлар бу алафни,  
Бошларга кўтарамиз — нуруний салафни:  
Сигирлар дер отамиз, деҳқонлар дер паноҳим,  
Подамизга соябон бўлгин мангу илоҳим.

Пан Кокошка келганидан кейин пан Таухен у билан маҳкамага кириб кетди, у ердан чиқиб ваъда қилинган битта тиллани эмас, балки иккита тилани олганини айтиб, шу тиллаларни бизга кўрсатди. У бу пулни пан Фердинанд билан арра қилмоқчи бўлган эди, лекин Фердинанд нақд икки тиллани кўриши билан очкўзлиги тутиб: «Ё ҳаммасини берасан, ё бўлмаса менга ҳеч ниманинг кераги йўқ!» деб туриб олди. Пан Таухенга дарров жон кирди-ю, унга ҳеч нима бермай, икки тиллани ўзи олиб қолди. Сўнгра мени магазинга олиб бориб, орқамга икки мушт туширди ва агар сен бу дуони Таухен ёзгани йўқ деган гапни айтсанг, мана шунақа муштан юзтасини оласан, деб қўрқитди. У менга, агар Фердинанд хўжайинимизга бориб шикоят қилса, унга сен хизматкор Фердинанд ғирт ёлгончи, дегин деб буюрди. Мен эстрагон сиркаси қўйилган шиша устида албатта шундай қиламан деб қасам ичдим. Аммо хизматкоримиз бўлса ўзининг аламини сигирларни даволаш учун тайёрлаб қўйилган гиёҳлардан оладиган бўлиб қолди. Биз бу ўтларни том тагида катта қутиларга солиб аралаштирар эдик, у бўлса қаерлардандир сичқоқ-



ларнинг тезагани топиб келиб, мана шу доривор гиёҳларга аралаштириб қўяверарди. Кейин у қўчалардан от тезакларини топиб келиб, уйда қуритар, гиёҳ янчиладиган ховончада туйиб, авлиё Пилигрим сурати билан қўшилган қогоз халтачадаги доривор гиёҳларга аралаштириб юборарди. Лекин у бу билан ҳам қаноатланиб қолмади. Уша қутиларга сийиб, ҳатто катгасини ҳам қилиб қўяр, сўнгра буларни гиёҳ билан аралаштириб юборар эди. Натихада кепак аралаш тертга ўхшаш бир нарса ҳосил бўларди...

Телефон жириглади. Бош мирза телефон аппарати олдига югуриб борди ва гижиниб трубкани жойига қўйди.

— Полк маҳкамасига бориш керак. Кўққисдан чақиршяпти... Бунақасига сира тоқатим йўқ.

Швейк яна бир ўзи қолди.

Бир минут ўтар-ўтмас тагин телефон жириглади.

Швейк телефонда гаплаша бошлади:

— Ванек дейсизми?.. У полк маҳкамасига кетди. Телефонда ким гаплашяпти, дейсизми? Ун биричи марш ротасининг ординареци. Телефонда мен билан гаплашаётган ким?.. Ун иккинчи ротанинг ординареци дейсизми? Салом бердик, огайши. Менинг фамилиямми? Швейк. Сеники-чи? Браун! Карлиннинг Набережная кўчасидаги шляпадўз Браун сенинг қариндошинг эмасми? Йўқ, дедингми? Уни танимас экансан-да... Мен ҳам у билан таниш эмасман. Бир вақт трамвайда ўтиб бораётганимда унинг вивескасига кўзим тушган эди. Нима янгиликлар бор?.. Ҳеч нимадан хабарим йўқ. Қачон жўнаймиз, дейсанми? Мен бу тўғрида ҳали ҳеч ким билан гаплашганим йўқ. Қажоққа жўнашимиз керак экан?

— Вой, эси паст-эй! Рота билан фронтга.

— Бу тўғрида ҳали ҳеч гап эшитганим йўқ.

— Буни қара-я, тагин ординарец эмиш! Лейтенантинг нима қиляпти?

— Лейтенант эмас, обер-лейтенант.

— Барибир. Обер-лейтенантинг полковник хузуридаги кенгашга кетдимиз?

— Полковник уни кенгашга чақирган эди.

— Мана, кўрдингми: бизники ҳам, ўн учинчи ротанинг командири ҳам ўша ёққа кетди. Мен ҳозиргина уларнинг ординареци билан телефонда гаплашдим. Бу

шошма-шошарлик менга ёқмаяпти. Музикантлар командаси ҳам йўлга чиқишга ҳозирланияптими, бундан хабаринг борми?

— Ҳеч бир хабарим йўқ.

— Узингни аҳмоқликка солма. Бош мирзанглар вагонларга накладной олиб бўлди дейишяпти-ку. Шу ростми? Солдатларинг қанча бўлди?

— Билмайман.

— Вой, эси паст-эй, нима, мен сени еб қўярмидим? (Телефоннинг нариги учида гаплашаётган киши ёнидаги кимдир бировга: «Франта, иккинчи трубкани олиб қулоқ солсанг, ўн биринчи ротада қанақа аҳмоқ ординарец борлигини эшитасан», дегани эшитилди.) Алло! Нима бало, ухлаб қолдингми! Ҳамкасбинг сўрагандан кейин жавоб бер-да. Демак, ҳеч нарсадан хабаринг йўқми? Яширмай қўя қол. Бош мирза сизларга консервалар берилишини айтгани йўқми? Сен у билан бунақа нарсалар тўғрисида гаплашмайсанми? Вой, лақма-ей! Сенга бунинг дахли йўқми? (Қулги эшитилди). Бошинингга қоп билан уриб, гангитиб қўйишганга ўхшайди. Агар бирон нима қулоғингга чалиниб қолса, дарров ўн иккинчи марш ротасига телефон қилиб бизга айт, тентак ошна! Узинг қаерликсан?!

— Прагалик.

— Бир оз ақллироқ бўлишинг керак эди. Ҳа айтгандек, бош мирзанглар маҳкамадан қачон чиқиб кетди?

— Ҳозиргина.

— Ҳали шундай дегин. Шунини менга олдинроқ айтсанг бўлмасмиди! Бизники ҳам ҳозиргина чиқиб кетди. У ерда бир бало бўлаётганга ўхшайди. Обоз билан ҳали гаплашганинг йўқми?

— Йўқ.

— Вой тавба-ей! Яна прагаликман, дейсан-а! Ҳеч нимадан хабаринг йўқ-ку! Бутун кун бўйи нима қилиб юрасан?

— Дивизия судидан келганимга эндигина бир соат бўлди.

— Бу бошқа гап, ўртоқ. Бугун сени кўриш учун албатта олдинга бораман! Икки марта отбой бер.

Швейк трубка чекмоқчи бўлиб турган эди, яна телефон жиринглади. «Телефонингни жин урсин,— деди ўзича Швейк,— сенлар билан гаплашмайман».

Лекин телефон тинмай жиринглайверди. Ниҳоят, Швейкнинг тоқати тоқ бўлиб телефон трубкасини олиб қичқирди:

— Алло! Ким гапиряпти? Бу ерда ўн биринчи марш ротасининг ординареци Швейк гапиряпти.

Швейк поручик Лукашни овозидан таниди.

— У ерда нималар қилиясиз? Ванек қани? Ванекни дарров телефонга чақиринг.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, ҳозиргина телефон жиринглади.

— Менга қаранг, Швейк, сиз билан ади-бади айтишиб туришга вақтим йўқ! Ҳарбий хизматда телефонда гаплашиш бирор кимсани телефон орқали зиёфатга чақириб вайсаш деб ўйламанг. Телефонда айтиладиган гап аниқ ва лўнда бўлиши керак. Телефонда гаплашганингизда, «ижозатингиз билан», «обер-лейтенант», деган сўзларга ҳожат йўқ. Хуллас, Швейк, мен сиздан, Ванек шу ердами, деб сўраяпман? Дарров телефон олдига келсин.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, у ёнимда йўқ. Уни маҳкамамиздан ҳозиргина полк маҳкамасига чақиринди, бунга чамамда чорак соат ҳам бўлгани йўқ.

— Мен сизга гаплашишни ҳали ўргатиб қўяман! Лўндароқ қилиб гапира олмайсизми? Ҳозир айтадиган гапларимга диққат билан қулоқ солиб туринг! Тушундингизми? Кейин сиз менга, телефон хириллаб гапирган эди, деб ваз кўрсатиб юрманг. Трубкани осиб қўйганингиздан кейин дарров...

Пауза.

Яна телефон жиринглади.

Швейк телефон трубкасини олиши билан ундан болохонадор сўкиш ёғилди.

— Ҳайвон, безори, аблаҳ! Нима қилиясиз? Нега гапни узиб қўйдингиз?

— Ўзингиз, трубкани осиб қўй дедингиз-ку.

— Бир соатдан кейин уйга қайтиб бораман. Ана ўшанда кўрсатиб қўяман. Дарров кийиниб баракка боринг, у ердан бирор взвод бошлигини, жиллақуриса Фуксни топинг, унга, сиз дарров ўнта солдат олиб, улар билан бирга консерва олиш учун борармишсиз, деб айтинг. У нима қилиши лозимлигини менга такрорлаб беринг.

— Унта солдат билан ротага консерва олиш учун складга борармиш.

— Энди сиз одамга ўхшаб гапирадиган бўлибсиз-а. Ҳозирча мен полк маҳкамасига телефон қилиб, Ванска ҳам складга бориб консерва қабул қилиб олишни буюраман. Агар у шу орада баракка қайтиб келиб қолса ҳамма ишни қўйиб, дарров складга югурсин. Мана энди трубкани осиб қўйинг.

Швейк взвод бошлиғи Фуксни ва бошқа унтерларни узоқ вақт қидирди. Улар ҳаммаси ошхона олдида турн-шар экан, суяк гажиб Балоунни эрмак қилишарди. Аммо Балоуннинг оёғи ерга тегиб турган бўлса ҳам, ҳамманинг унга раҳми келарди. Унинг туриши масхара-бозликка ўхшарди. Ошпазлардан бири пиширилган қовургани олиб келиб Балоунга тишлатиб қўйди. Арқон билан боғлаб қўйилган серсоқол, новча Балоун қўллари қимирлата олмасди, суякни тишлари ва милклари билан оғзида ушлаб, эҳтиётлик билан гўштини кемти-моқда эди. Бамисоли ажинага ўхшайди.

Швейк ниҳоят унтерларни топиб, улардан сўради:

— Қайси бирингиз взвод бошлиғи Фукс бўласиз?

Взвод бошлиғи Фукс қандайдир оддий пиёда аскар сўраб келганини кўриб, Швейкнинг саволига жавоб қайтаришни лозим топмади.

— Сизлардан тўғриси сўраяпман,— қичқирди Швейк,— жавоб берасизларми ё йўқми?! Бу ерда взвод бошлиғи Фукс ким бўлади?

Взвод бошлиғи Фукс олдинга чиқиб, ўзининг обрўйи-ни ошириш ниятида Швейкка насиҳат қилишга киришди: мен, деди у, взвод бошлиғи эмас, балки жаноб взвод бошлиғиман, менга «взвод бошлиғи қани?» деб бақирмасдан, балки: «Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, бу ерда жаноб взвод бошлиғи қаерда бўлади?» деб муомала қилиш керак. Агар менинг взводимда кимки «Ich melde gehorsam»<sup>1</sup> деб айтишни унутиб қўйса, дарров тумшугига тушираман.

— Оғзингизга қараб гапиринг!— огоҳлантирди ўйчанлик билан Швейк.— Ҳозир дарров баракка боринг, у ердан ўн кишини олиб, улар билан консерва олиб келиш учун дарров складга югуринг.

<sup>1</sup> «Ижозатингиз билан айтишим керакки» (немисча).

Взвод бошлиғи бу гапни эшитиб, ҳайратга тушганидан фақат: «Нима?» дея олди, холос.

— «Нима-пима» дейишнинг ҳожати йўқ,— жавоб берди Швейк.— Мен ўн биринчи марш ротасининг ординареци бўламан ва ҳозиргина телефонда жаноб обер-лейтенант Лукаш билан гаплашдим. У, «дарров ўнта солдатни олиб складга югуринг», деб буюрди. Агар сиз, жаноб взвод бошлиғи Фукс, бормасангиз, мен дарҳол телефон олдига қайтиб бораман. Жаноб обер-лейтенант дарҳол сизнинг боришингизни талаб қиляпти. Ҳеч қандай гап қайтаришга ўрин йўқ! «Телефонда айтиладиган гап аниқ ва лўнда бўлиши керак», дедилар поручик Лукаш. Взвод бошлиғи Фукс борсин, деб айтилдими, албатта взвод бошлиғи Фукс бориши керак! Буйруқ мана шу — бу буйруқ бирор кимсани зиёфатга чақирган вақтда қилинадиган вайсақилик эмас. Ҳарбий хизматда, айниқса, уруш вақтида заррача сусткашлик қилиш жиноятдир. «Агар ўша взвод бошлиғи Фукс шу ондаёқ бормаса ва бўйин товласа, сиз менга дарҳол телефон қилинг, у билан ўзим гаплашиб қўяман! Взвод бошлиғи Фуксни нима қилиш кераклигини ўзим биламан!»— дедилар жаноб поручик Лукаш. Сиз, ошнам, жаноб обер-лейтенант қанақалигини яхши билмас экансиз!

Швейк унтер-офицерларга ғолибона назар ташлади, улар Швейкнинг гапларидан ҳайратланиб, лол бўлиб туришарди.

Взвод бошлиғи Фукс ўзича нималарнидир гўлдиради-да дарров жўнаб кетди. Швейк унинг кетидан қичқириб қолди:

— Ҳамма иш жойида деб жаноб обер-лейтенантга телефон қилсам бўладими?

Взвод бошлиғи Фукс баракка яқинлаша туриб, жавоб берди:

— Ўнта солдатни олиб, дарров складга бораман.

Швейк бўлса взвод бошлиғи Фуксдан ҳам баттар таажжубга тушган унтер-офицерлар ёнидан лом-мим демай жўнаб кетди.

— Бошланыпти!— деди паканагина капрал Блажек.— Ашқол-дашқолларни йиғиштира бошлайлик.

\* \* \*

Швейк ўн биринчи марш ротасининг маҳкамасига қайтиб келди. Трубкасини чекиб бўлмасданоқ телефон

жиринглади. Швейк билан яна поручик Лукаш гаплаша бошлади.

— Қаёқда изғиб юрибсиз, Швейк, учинчи марта чақиряпман, ҳеч ким жавоб бермаяпти.

— Қидириб юрган эдим, жаноб обер-лейтенант.

— Хўш, кетишдими?

— Кетишди албатта, лекин бориб етишдими ёки йўқми буни билолмадим. Ё яна бир марта бориб келайми?

— Взвод бошлиғи Фуксни топдингизми?

— Топдим, жаноб обер-лейтенант. Аввал у менга «нима?» деди. Мен унга, телефонда айтиладиган гаплунда ва аниқ бўлиши керак, деб тушунтирганимдан кейингина...

— Эзмалик қилманг, Швейк... Ванек ҳали қайтиб келгани йўқми?

— Қайтиб келгани йўқ, жаноб сбер-лейтенант.

— Трубкага бунча ҳам бақириб гапираврманг! Лаънати Ванек ҳозир қаерда бўлиши мумкинлигини билмайсизми?

— Уша лаънати Ванек қаерда бўлиши мумкинлигини билмайман, жаноб обер-лейтенант.

— У полк маҳкамасида бўлган экан лекин қаёққадир чиқиб кетибди. Эҳтимол кантинадамикин?..\* Бориб уни топинг, Швейк, унга дарров складга бор, деб айтинг. Айтгандек, яна бир гапимга қулоқ солинг: дарҳол капрал Блажекни топинг, у дарров Балоунни бўшатиб, менинг олдимга юборсин. Трубкани осиб қўйинг.

Швейк ҳақиқатан капрал Блажекни қидириб топиб, унга поручикнинг Балоунни ечиб юбориш тўғрисидаги буйруғини топширди. Капрал Блажек тўнғиллади:

— Иш чатоқ бўла бошласа ўзлари ҳам чўчиб қолишади!

Швейк Балоунни қандай қилиб ечиб юбораётганликларини кўрмоқчи бўлиб, у боғлаб қўйилган жойга борди, сўнгра уни кузатиб қўйди, чунки кантинага борадиган йўлдан ўтиши лозимлиги учун Швейк бош мирза Ванекни кантинадан қидириб топиши керак эди.

Балоун Швейкка ўз халоскори сифатида қарар экан, уйдан олган посилкаларнинг ҳаммасини сен билан баҳам кўраман, деб унга ваъда берди.

Яқинда бизнинг уйимизда чўчқа сўйишади,— деди лоқайдлик билан Балоун.— Сен чўчқа колбасасининг

қанакасини яхши кўрасан: қон билан тиқилганимми, ёки қонсизимми? Тортишмасдан айтавер, бугун кеч-қурун уйга хат ёзиб юбораман. Менинг чўчқам юз эллик кило келса керак. Боши худди бульдогникига ўхшайди, бунақа чўчқалар жуда яхши бўлади. Улардан зарар кўрмайсан. Чўчқанинг бунақа зотини боққан одам армонда қолмайди, огайни! Унинг ёғи саккиз эллик бўлса керак. Уйимда қонли колбасани ўзим тайёрлайман. Колбаса тайёрлаётганимда қиймани еявериб, бўкиб қолганимни ўзинг ҳам билмайсан. Ўтган йили чўчқам бир юз олтмиш кило келган эди. Киройи чўчқанг бўлса мана шунақа бўлса!— деди хурсанд бўлиб у ва Швейкнинг қўлини маҳкам қисиб хайрлашди.— Мен упи нуқул картошка билан боқиб семиртирганман, тез ёғ босиб кетганини кўриб ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Қани энди, яхши тузланган жизза қўшиб картошка билан бирга қовурилган ва қарам қўшиб тайёрланган бир бўлак гўшт бўлса! Бунақа қовурилган чўчқа гўштини есанг оғзингда мазаси қолади! Ана шунда пивони ҳам маза қилиб ичасан!.. Одамга яна нима керак? Уруш касофат бизни шуларнинг ҳаммасидан маҳрум қилди.

Серсоқол Балоун оғир уҳ тортиб, полк маҳкамасига кетди, Швейк эса эски хиёбондан ўтиб, кантинага жўнади.

Бош мирза Ванек кантинада ҳузур қилиб ўтирар экан, эмалли ва елимли бўёқлар билан савдо қилган вақтда урушдан олдин қанча пул ишлаши мумкинлигини штаб мирзаларидан бўлмиш ўзининг бир танишига тушунтирарди.

Штаб мирзаси ғирт маст эди. Пардубицдаги бой помешчиклардан бири кундуз кунини лагердаги ўғлини қидириб келиб, унга яхши пора берган ва эрталабдан то тушгача шаҳарда уни зиёфат қилганди.

Ҳозир штаб офицери иштаҳаси бўғилиб қолганига хафа бўлиб ўтирар, гап нима тўғрисида бораётганлигини ҳам тушунмасди, унинг қулоғига эмалли бўёқлар тўғрисидаги гаплар кирмай қўйган эди.

У ўз хаёлидаги гаплар билан экан, темир йўл тармоғи Тршебондан Пельгиржимга ўтказилиб, яна қайтарилиши керак, деб мингиллаб ўтирарди.

Швейк кантинага кириб келган пайтда Ванек қурилиш бўёғининг бир килограммидан қанча пул ишлаганлигини штаб мирзасига яна рақамлар билан тушунтира

бошлаганида у бунга томдан тараша тушгандек қилиб:

— Қайтиб келаётганда у фақат биттагина хат қолдириб, йўлда жон берди,— деб жавоб берди.

Швейкни у ўзи ёқтирмаган кишилардан бири деб ўйлаган бўлса керак, еб тўймасан, деб сўка бошлади.

Швейк Ванекнинг олдига келди. Ванек гарчи кайфи дурустгина бўлса-да, аммо унга ширин гапириб яхши муомала қилди.

— Жаноб бош мирза,— деб унга рапорт берди Швейк,— дарҳол складга боринг, у ерда сизни взвод бошлиғи Фукс ўнта солдат билан кутиб турибди, консервалар олинг. Оёғингизни қўлингизга олиб югуринг! Жаноб обер-лейтенант икки марта телефон қилдилар.

Ванек кулиб юборди:

— Укажон, мен жинниманми? Ахир бунинг учун мен ўзимни ўзим сўкишга мажбур бўлардим-ку, қўзичоғим! Ҳали вақт кўп. Устимизга тош ёғаётгани йўқ-ку, олтин йигит! Олдин обер-лейтенант Лукаш мен юборганча кўп марш ротасини жўнатсин-да, кейин мен билан гаплашсин; ана шунда у «дарҳол югур!» деб ҳамманинг жонига тегмайдиган бўлиб қолади. Эртага йўлга чиқишимиз, ҳамма нарсани йиғиштириб қўйишимиз ва сафарга керакли овқатни дарров олишимиз кераклиги тўғрисида ўзим полк маҳкамасидан буйруқ олдим. Қани айт-чи, шундан кейин нима қилдим? Ҳеч бир парво қилмай, мириқиб вино ичиш учун бу ерга келдим. Мана, маза қилиб, ўтирибман, ҳамма иш ўз вақти соати билан бўлаверади. Консерва консервалигича қолаверади, уни бериш лозим бўлса берилаверади. Мен складни жаноб обер-лейтенантдан кўра яхшироқ биламан. Жаноб полковник ҳузуридаги офицер жаноблар кенгашида нималар айтилганлигини тушунаман. Складда консерва бор, деб фақат жаноб полковник ўйлаётди холос. Полкимизнинг складида ҳеч қачон запас консерва бўлган эмас. Биз консервани аҳён-аҳёнда бригадadan топиб келардик ёки ўзимизга яқинроқ бўлган бошқа полклардан қарз қилиб олардик. Бенешов полкининг ўзигагина биз уч юз банкадан кўпроқ консерва қарздормиз. Ҳе, ҳа!.. Кенгашларда улар оғизларига келган гапни гапираверишсин. Шошилиб нима қилишади? Барибир бизнинг одамларимиз складга боришса каптенармус уларга, эсларингизни еб қўйибсиз, дейди. Биронта марш ротаси ҳам йўлга чиқа



туриб консерва олган эмас. Шундай эмасми, эски картошка!— деб мурожаат қилди у штаб мирзасига.

Штаб мирзаси эндигина уйқуга кетган эканми, ёки кайфи ошиб кетганми, ҳар қалай пойма-пой жавоб берди:

— Хоним бошига соябон тутиб кетмоқда эди.

— Энг яхшиси шуки,— деб давом қилди бош мирза Ванек,— бу гапларнинг ҳаммасига қўл силтаб қўя қолиш керак. Агар бугун полк маҳкамасида, эртага йўлга чиқамиз, деб айтишган бўлса, бу гапга ёш бола ҳам ишонмайди. Вагонлар бўлмаса йўлга чиқиш мумкинми, ахир? Менинг олдимда вокзалга телефон қилишган эди. Вокзалда битта ҳам бўш вагон йўқ экан. Охирги марш батальони билан ҳам худди шундай бўлган эди. Ушанда биз, кимдир биров бизга раҳм қилиб поезд юборар, деб вокзалда икки кун кутиб ўтирганмиз. Кейин бўлса, қаёққа кетаётганимизни ўзимиз ҳам билганимиз йўқ. Ҳатто полковникнинг ўзи ҳам ҳеч нарса билмас эди. Бутун Венгрияни ўтиб кетибмизу, шунда ҳам ҳеч ким на Сербияга боришимизни ва на Россияга боришимизни билмасди. Ҳар бир станцияда тўппа-тўғри телефон орқали дивизия штаби билан гаплашар эдик. Биз шунчаки бир ямоқ эдик. Ниҳоят, Дуклада бизни ямоқ қилишди.

Яъни бутунлай тор-мор келтиришди, шундан сўнг бизни яна қайта ташкил этиш учун жўнатиб юборишди. Шошилишдан фойда йўқ! Вақти келиб ҳамма нарса равшан бўлиб қолади, аммо ҳозирча шошилмаслик керак. Jawohl, poschamol!<sup>1</sup> Бу ернинг виноси жуда яхши, деб давом қилди Ванек, штаб мирзасининг ўзича нималарни гўлдираётганлигига қулоқ солмай:

— Clauben Sie mir, ich habe bisher, wenig von meinem Leben gehabt. Ich wundere mich über diese Frage<sup>2</sup>.

— Марш батальонининг жўнаши тўғрисида бекорга овора бўлишнинг нима кераги бор? Мен билан бирга келган биринчи марш ротасининг ҳамма нарсаси икки соат ичида тахт бўлган эди. Бу ротанинг ҳамма иши батартиб эканлиги кўриниб турарди. Уша вақтдаги марш батальонимизнинг бошқа роталари йўлга чиқишга икки кун тайёргарлик кўрди, рота командиримиз лейтенант

<sup>1</sup> Ҳа, яна битта! (немисча).

<sup>2</sup> Агар гапимга ишонсангиз, умрим бўйи мен яхши нарсани кам кўрганман. Бу масалага ўзим ҳам ҳайронман (немисча).

Пршеносил эса (ўзи жуда олифта йигит эди), тўппа-тўғри бизга, «йигитлар, ҳовлиқманглар», деб айтиб қўя қолди, шунинг учун ҳам ҳамма ишимиз сип-силлиқ кетаверди. Поезд жўнашидан икки соатгина олдин биз нарсаларимизни йиғиштира бошладик. Яхшиси ёнимизга ўтиринг...

— Утира олмайман,— жавоб берди қаҳрамонопа фидокорлик билан шоввоз солдат Швейк.— Мен маҳкамага боришим керак. Бирор киши телефон қилиб қолса нима бўлади?

— Бўлмас кетаверинг, олтин йигит. Лекин сиз яхши иш қилмаётганлигингизни ва чинакам ординарец ҳеч қачон ўзи лозим бўлган жойда турмаслиги кераклигини асло унутманг. Ўз вазифангизни бажаришга ҳеч қачон бунчалик жонкуярлик қилаверманг. Агар гапимга ишонсангиз, ошнам, бутун уруш юқини ўз устига юкламоқчи бўлган серташвиш ординарецдан кўра бемаънироқ киши бўлмайди. Бунни билиб қўйинг, ошнам.

Лекин Швейк ўз марш ротасининг маҳкамасига шошилаётганлиги учун эшикни ёпиб чиқиб кетган эди.

Ванек ёлғиз ўзи қолди — штаб мирзаси унинг улфати деб бўлмасди. Штаб мирзаси бутунлай ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган ва идишдаги винога термилиб бўлар-бўлмас нарсаларни гоҳ чех тилида, гоҳ немис тилида пойма-пой қилиб валдирамоқда эди:

— Мен бу қишлоқдан кўп марталаб ўтганман, лекин дунёда шундай қишлоқ борлиги хаёлимга ҳам келган эмас. In einem halben Jahre habe ich meine Staatsprüfung hinter mir und meinem Doktor gemacht.<sup>1</sup>

Мен кекса чўлоқ бўлиб қолдим. Сизга ташаккур, Люси. Erscheinen sie in schön ausgestatteten Bänden,<sup>2</sup>— ораларингизда бунинг кимлигини эслай оладиган бирон киши топилиб қолмасмикин?

Бош мирза зерикканидан нима қилишини билмай, қандайдир маршни тиқиллатиб чала бошлади, лекин бу узоққа чўзилмади: эшик очилиб, офицерлар ошхонасининг ошпази Юрайда кириб келди-да лопиллаб стулга ўтирди.

<sup>1</sup> Ярим йилдан сўнг давлат имтиҳонларини топшириб докторлик даражасини оламан (немисча).

<sup>2</sup> Агар яхши муқоваликлари келиб қолса (немисча).

— Йўлга коньяк олиш тўғрисида бугун бизга буйруқ беришди,— деди нафаси оғзига тиқилиб келган ошпаз Юрайда.— Лекин рэмни ҳали ичиб тамомламаган эдик, шу гапни эшитиб ром идишини бўшатиб қўйишга тўғри келди. Сира бўш келмадик. Ошхонадаги ходимларнинг ҳаммаси йиқилиб қолгудай бўлиб ичишди! Мен фақат бир неча порция овқатни кам қисоблабман холос.

Полковник кечикиб келгани учун унга етмай қолди. Энди унга омлет пишириб беришяпти. Мен сизга айтсам, жуда кулги бўлди-да!

— Ғалати авантюра,— деди Ванек. Вино ичиб ўтирган вақтда Ванек чиройли сўз қистириб қўйишни ҳаммаша яхши кўрарди.

Ошпаз Юрайда фалсафа сотишга киришди. Фалсафабозлик унинг илгариги касбига мос бўлиб тушарди. Урушдан олдин у фолбинлик журнали нашр этарди ва «Ҳаёт ҳамда ўлимнинг сирлари» деган ном остида китоблар туркуми чоп қилган эди. Ҳарбий хизматда у полкнинг офицерлар ошхонасига кириб олганди. Гоҳо у Прагна Парамит\* («Донишмандлик сирлари»), деб аталган қадимий ҳинд ривоятларини ўқишга шўнғир, бундай вақтларда у қовураётган гўшт тагига олиб кетарди.

Полковник Шредер уни полкнинг ноёб кишиси деб кадрларди. Ҳақиқатан ҳам офицерларга овқат тайёрлаб берадиган бошқа бирор ошхона ўзида мана шундай фолбин-ошпаз борлиги билан мақтана олмас эди. Бу ошпаз ҳаёт ва ўлимнинг сирларига кўз ташлаб, қаймоқ аралаштирилган қийма ёки рагуни жуда мазали қилиб пиширарди, шунинг учун ҳам Комаров яқинида ўлар даражада жароҳатланган подпоручик Дүфек ҳаммаша Юрайдани ўз ҳузурига чақириб турарди.

— Ҳа, шундай,— деди қўққисдан гап бошлаб Юрайда, стулда гандираклаб ўтирган бу ошпаздан келаётган ром ҳиди ўн қадам наридан ҳам сезилиб турарди.— Бугун жаноб полковникка овқат етмай қолди, у фақат қовурилган картошкадан бошқа ҳеч нима қолмаганини кўриб, кўзи чиқиб кетди. У гаки аҳволига тушиб қолди. «Гаки» нималигини биласизми? Оч қолган арвоқлар ҳолатига мана шундай дейилади. Ушанда мен полковникка, «тақдирга тан бермоқ, яъни бузоқ буйраги сизга етмай қолганида бунга бардош бермоқ учун ўзингизда етарли куч топа оларсиз, жаноб полковник, дедим. Сиз

жаноб полковник, дедим мен унга, бугунги кечки таомга бузоқ буйраги қовуриб пиширилган ва илоҳий омлетга қўшиб бериладиган таомни олишингиз кармада\* ҳам каромат қилиб ёзилган».

У бир оз жим тургач, қўли билан беихтиёр ҳаракат қилиб столда турган стаканларни ағдариб юборди-да, секингина овоз чиқариб бош мирзага маъюслик билан мурожаат қилди:

— Азиз дўстим, ҳамма ҳодисалар, формалар ва нарсалар йўқ бўлиши муқаррар.— Форма йўқлик демакдир, йўқлик эса формадир. Йўқликни формадан ажратиб бўлмайди, формани йўқликдан ажратиб бўлмайди. Нимаки йўқлик бўлса шунинг ўзи формадир, нимаки форма бўлса шунинг ўзи йўқликдир.

Фолбин-ошпаз сукутга чўмди, бошини қўлига тираб вино тўкилган ҳўл столга тикилиб ўтираверди.

Штаб мирзаси на боши, на охири бор қандайдир гапларни минғиллаб гапираверди.

— Ғалла даладан ғойиб бўлди — in dieser Stimmung erhielt er Einladung und ging zu ihr! троица байрами баҳорда бўлади.

Бош мирза Ванек столни тикиллатишни тўхтатмай, ичишни давом эттирар экан, гоҳо озиқ-овқат складида мени взвод бошлиғи билан ўн солдат кутиб турган бўлса керак, деб эслаб қўярди.

Шу гап эсига келганида у жилмайиб, қўлини силтарди.

Бош мирза Ванек ўн биринчи марш ротасининг маҳкамасига кеч қайтиб келганида телефон олдида турган Швейкка кўзи тушди.

— Форма йўқлик, йўқлик эса форма демакдир,— деди у аранг ғўлдираб ва устидаги кийими билан ўзини каравотга ташлаб, шу ондаёқ уйқуга кетди.

Швейк телефон олдидан нари кетмай ўтирганди, чунки бундан икки соат бурун поручик Лукаш телефонда унга гапириб, мен ҳали ҳам жаноб полковник ҳузурдаги кенгашда ўтирибман, деган бўлса ҳам аммо Швейкка, энди сиз телефон олдидан кетсангиз бўлади, деб айтишни унутган эди.

Сўнгра Швейк билан телсфон орқали взвод бошлиғи

<sup>1</sup> Шу кайфиятда у таклиф олди ва хонимнинг олдига кетди (немисча).

Фукс гаплашди. У ўнта солдат билан бош мирзани кутиб ўтирганини, энди қараса, склад ёпиқ эканлигини айтди.

Ниҳоят Фукс қаёққадир кетиб қолди, шундан сўнг ўн солдат бирин-кетин ўз барагига қайтиб келди.

Швейк гоҳо-гоҳо телефон трубкасини олиб, қулоқ солиб, шу тариқа ўзини юпатиб ўтираверди. Бу телефон яқинда армияда жорий қилинган энг яхши системадаги телефон бўлиб, унинг бир афзаллиги шунда эдики, бутун линияда гаплашаётган бошқа одамларнинг овозини ҳар бир телефонда бемалол эшитиш мумкин эди.

Телефонга қулоқ солган киши обоздагиларнинг артиллерия казармалари билан сўкишаётганини, сапёрлар ҳарбий почтага дўқ қилаётганлигини, полигон пулемётчилар командасини койиб турганлигини эшитарди.

Швейк бўлса ўрнидан қўзғалмай телефон олдида ўтираверди...

Полковник ҳузурдаги кенгаш давом этарди.

Полковник Шредер дала хизмати тўғрисидаги энг янги назарияни баён қилар экан, айниқса граната улоқтирувчиларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб кўрсатарди.

Полковник бир-бирга боғланамган гапини давом эттириб жануб ва шарқдаги фронтнинг бундан икки ой бурунги аҳволи тўғрисида, айрим қисмлар ўртасида маҳкам алоқа бўлишининг муҳимлиги ҳақида, заҳарли газлар, душман аэропланларига ўқ узиш тўғрисида, фронтдаги солдатлар таъминоти хусусида узоқ сўзлаб, сўнгра армиянинг ўзаро ички муносабатларига ўтди.

У офицерларнинг солдатларга муносабати тўғрисида, солдатларнинг унтер-офицерларга муносабати, душман томонига қочиб ўтганлар, сиёсий воқеалар ва чех солдатларининг эллик проценти *politisch verdächtig*<sup>1</sup> эканлиги ҳақида гап сотди.

— *Ia wohl, meine Herren, dar Kramarsch, Scheiner und Klofatsch*<sup>2</sup>...

Офицерларнинг кўпчилиги доклад вақтида, вайсақи чол бунақа бемаъни гапларни қачон тамомларкин, деб диққат бўлиб ўтираверди. Лекин полковник янги марш батальонларининг янги вазифалари, полкнинг жангда

<sup>1</sup> Сиёсий ишончсиз (*немисча*).

<sup>2</sup> Ҳа, жаноблар, Крамарж, Шейнер ва Клофач... (*немисча*)

қурбон бўлган офицерлари ҳақида, цепелинлар, тиканли сим тўсиқлар, қасам тўғрисидаги бўлар-бўлмас гапларни давом эттираверди...

Шу пайт поручик Лукашнинг эсига бир нарса тушди: бутун марш батальони қасамёд қилдирилган вақтда шоввоз солдат Швейк қасамёд қилдирилмай қолган эди, чунки ўша кунлари у дивизия судида ўтирган эди.

Поручик Лукаш шунга эслади-ю, бирданига кулиб юборди.

Бу қаҳқаҳага ўхшаган кулги унинг ёнида турган бир неча офицерга ҳам юқди. Бу кулги Германия армиялари Арденнада чекинган вақтда олинган тажриба тўғрисида ҳозиргина гапира бошлаган полковникнинг эътиборини ўзига тортди. Полковник шуларнинг ҳаммасини аралаш-қуралаш қилиб қориштириб, гапни тамомлади:

— Жаноблар, бу гапнинг ҳеч бир куладиган жойи йўқ.

Шундан сўнг ҳамма офицерлар клубига кетди, чунки бригада штаби полковник Шредерни телефонга чақириб қолди.

Тўсатдан жиринглаган телефон шу телефон олдида мудраб ўтирган Швейкни уйғотиб юборди.

— Алло!— деди телефонда эшитилган овоз.— Телефонда Regiment skanzlei.

— Алло!— жавоб берди Швейк.— Ун биринчи рота маҳкамаси гапиряпти.

— Гапни кўп чўзма,— деди телефондан келаётган овоз,— қўлингга қалам олиб, айтганларимни ёз. Телефонграммани қабул қил. Ун биринчи марш ротасига...

Шундан кейин кетма-кет қандайдир ғалати гаплар эшитилаверди, чунки ўн иккинчи ва ўн учинчи марш роталари аини бир вақтнинг ўзида гапирмоқда эди. Телефонграмма ҳам мана шу товушларга аралашиб кетди. Швейк бир оғиз сўз ҳам тушуна олмади. Ниҳоят, овозлар тинди, Швейк ҳам ўзига келиб, телефондан эшигилаётган гапни англай бошлади:

— Алло! Алло! Гапни чўзма, такрорла!

— Нимани такрорлайман?

— Нимани такрорлайман, дейди-я хом калла! Телефонграммани!

— Қанақа телефонограммани?

— Нима бало! Қулоғинг карми! Мен сенга айтиб ёздирган телефонограммани, эси паст!

— Мен ҳеч нимани эшита олмадим, бизнинг гапимизга бу ерда яна алланималар аралашиб қолди.

— Сен гирт эшак экансан! Мени майнабозчилик қилиш учун гапираяпти деб ўйлаясанми? Телефонграммани қабул қиласанми ё йўқми? Олдинда қалам билан қоғоз борми? Нима? Йўқми?.. Ҳайвон! Топгунингча мен кутиб турайми? Жудаям бефаҳм солдатлар пайдо бўлибди-да! Хўш, энди нима қилмоқчисан? Ёки ҳалиям тайёрланганинг йўқми? Энди айтаверсам бўладими? Бўлмаса, эшит: 11. Marschkumpanie<sup>1</sup>. Такрорла!

— 11. Marschkumpanie.

— Kumpaniekommandant...<sup>2</sup> Ездингми?.. Такрорла!

— Kumpaniekommandant...

— Zur Besprechung morgen...<sup>3</sup> Бўлдими? Такрорла!

— Zur Besprechung morgen...

— Um neun Uhr.— Unterschrift.<sup>4</sup> Unterschrift нималигини биласанми, бу имзо бўлади, маймун.

— Аҳмоқ! Имзо! Oberst Schröder<sup>5</sup>, ҳайвон! Бўлдими? Такрорла!

— Oberst Schröder, ҳайвон...

Энди тамом, эси паст! Телефонграммани ким қабул қилиб олди?

— Мен.

— Himmelherrgott!<sup>6</sup> Мен деганинг ким?

— Швейк. Яна нима керак?

— Худога шукур, бошқа гап йўқ. Сенга «Эшак» деб ном қўйиш керак экан. Сизларнинг томонингизда нима янгиликлар бор?

— Ҳеч бир янгилик йўқ. Ҳаммаси эскича.

— Сенга ҳамма нарса ёқа берадими дейман? Сиз томонда кимнидир арқонга боғлаб қўйишди дейишяпти, ростми?

— Жаноб обер-лейтенантнинг деншчигини боғлаб қўйишди, холос: деншчик унинг тушлик овқатини еб қўйган экан. Қачон йўлга чиқишимизни билмайсанми?

— Ҳали номаълум, оғайни! Буни қария ҳам билмай-

<sup>1</sup> Ун биринчи марш ротасига (немисча).

<sup>2</sup> Рота командирига (немисча).

<sup>3</sup> Эртага эрталаб кенгашга (немисча).

<sup>4</sup> Соат тўққизда,— Имзо (немисча).

<sup>5</sup> Полковник Шредер (немисча).

<sup>6</sup> Бемаъни эканяну! (немисча).

ди. Яхши тушлар кўриб ёт! Сизларнинг томонингизда бурга кўпми?

Швейк трубкани жойига илди ва бош мирза Ванекни уйғота бошлади. У сира тургиси келмай, ётаверди; Швейк қўймай силкитавергандан кейин Ванек унинг тумшугига бир солди. Кейин энгашиб ётиб олиб, оёғи билан тепа бошлади.

Шундай бўлса ҳам Швейк уни бир амаллаб уйғотди, мирза кўзларини ишқалаб унга бурилиб қаради-да, чўчиб сўради:

— Ҳеч гап бўлгани йўқми?

— Айтарли ҳеч гап бўлгани йўқ,— жавоб берди Швейк,— мен сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Ҳозиргина телеграмма олдик: жаноб обер-лейтенант Лукаш жаноб полковник ҳузуридаги кенгашга эртага соат тўққизда етиб боришлари керак экан. Мен унга бу хабарни ҳозир, дарров бориб айтايми, ёки эртага эрталаб айтсам ҳам бўладими? Сизни уйғотишим керакми ёки йўқми деб узоқ андиша қилиб турдим, чунки хурракни ванг қўйиб, ухлаб ётган эдингиз. Кейин нима бўлса бўлди, иккаламиз маслаҳатлашиб олганимиз яхши деган қарорга келдим...

— Худо ҳаққи, менга халақит берманг, ухлаб олай, сиздан илтимос қиламан,— деб ёлворди Ванек оғзини катта очиб эснаб,— эрталаб бориб айтаверинг, мени уйғотманг!

У бир ағдарилиб, яна уйқуга кетди.

Швейк тагин телефон олдига бориб ўтирди-да бошини столга қўйиб, мудраб кетди. Уни телефоннинг жиринглаши уйғотиб юборди.

— Алло! Ун биринчи марш ротасими?

— Ҳа, ўн биринчи марш ротаси. Қим гапиряпти?

— Ун учинчи марш ротаси. Алло! Соат неча бўлди?

Телефон станциясини чақириб сира гаплаша олмаяпман. Вақт алламаҳал бўлиб қолди-ю, лекин ўрнимга бошқа одамни юборишмаяпти.

— Бизнинг соатимиз тўхтаб ётибди.

— Демак, бизникидан қолишмас экан-да. Қачон йўлга тушишимизни билмайсизми? Полк маҳкамаси билан гаплашганинг йўқми?

— У ердагилар ҳам бизга ўхшаб ҳеч нимани билишмайди.



— Мулойимроқ гапиринг, ойим қиз! Сизлар консерва олдингизми? Бизнинг одамларимиз у ерга бориб қуруқ қайтиб келишди. Склад ёпиқ экан.

— Бизникилар ҳам ҳеч нарсасиз қайтишди.

— Бекорга ваҳима қилишибди. Сенингча биз қаёққа борарканмиз?

— Россияга.

— Менимча, Сербияга борсак керак дейман. Будапештда маълум бўлади. Агар бизни ўнг томонга олиб кетишса — Сербияга, чап томонга олиб кетишса — Россияга кетганимиз бўлади. Сизларнинг буюм халталарингиз борми? Маош оширилади, дейишяпти. Сен уч япроқ ўйнашни биласанми? Уйнасанг — эртага кел. Биз ҳар кун қанда қилмай ўйнаймиз. Сизларнинг телефонингиз олдида неча киши ўтиради? Бир киши? Ҳаммасини ташлаб карта ўйнашга келавер. Сизлардаги тартиб ғалати экан-ку! Сен сувга тушган мушукдай ўтираверар экансан-да. Мана, мендан смена оладиган киши ҳам келиб қолди. Маза қилиб ухлайвер!

Ҳақиқатан ҳам Швейк трубкани осди-ю, телефон олдида ширин уйқуга кетди, энди уни бу уйқудан ҳеч ким уйғота олмас эди. Полк маҳкамасидаги телефончи эса кечаси билан сўкиниб ўтирди: у ўн биринчи марш ротасига телефон қилиб, сира гаплаша олмади ва эртага соат ўн иккида полк маҳкамасига тифга қарши шу вақтгача эмланмаган солдатларнинг рўйхати юборилиши лозимлиги тўғрисидаги янги телефонограммани бера олмади.

Поручик Лукаш ҳали ҳам офицерлар клубида ҳарбий врач Шанцлер билан улфатчилик қилиб ўтирарди. Шанцлер стулга миниб олиб, қўлидаги бильярд билан уриб бир маромда тиқиллатганча қўидаги гапларни такрорламоқда эди:

«Сарацин султони Салоҳиддин санитария ходимларининг бетарафлигини биринчи бўлиб тан олди.

Ярадорлар қайси лагерга мансуб бўлишидан қатъи назар, уларга ёрдам бериб туриш керак.

Дори-дармон ва даволаш учун бир томон қилган харажатни иккинчи томон қоплаши лозим.

Жароҳатланган душманларга ёрдам кўрсатмоқ учун врачлар ва фельдшерларни генерал гувоҳномалари билан юборишга рухсат бериш керак.

Худди шунингдек, асир тушган ярадор солдатларни генераллар ҳимоясида ва кафолати остида орқага қай-

тариб юбориш ёки айирбошлаш керак. Сўнгра улар ҳарбий сафда хизматни давом эттиришлари мумкин.

Ҳар иккала томоннинг беморларини асир қилиб олишга ҳам, ўлдиришга ҳам рухсат этилмайди, уларни бехатар жойларга, госпиталларга жўнатиш керак.

Улар ёнида қўриқчилар қолдиришга рухсат этилади, беморлар каби булар ҳам генерал гувоҳномалари билан қайтиб кетишлари лозим. Шу қоидаларнинг ҳаммаси фронтдаги диний ходимларга, врачларга, хирургларга, аптекарларга, фельдшерларга, санитарларга ва беморларга хизмат қилувчи бошқа кишиларга жорий қилинади. Буларнинг ҳеч бири асир қилиб олиниши мумкин эмас, лекин худди ўша тартибда қайтариб юборилиши лозим».

Доктор Шанцлер шу гапларни айта туриб иккита кийни синдирган бўлса ҳам, аммо урушда ярадорларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ўзининг ғалати лекциясини тўхтатмас, бу лекция генерал гувоҳномалари деган қандайдир тушуниб бўлмайдиган сўзларни аралаштириб гапни чалкаштираверди.

Поручик Лукаш ўзининг қолган қора кофесини ичиб бўлиб уйига кетди. У уйга келганида серсоқол баҳайбат Балоуннинг спирт чироқдаги котелокда колбаса қовуриб турганини кўрди.

— Мен билмай қолибман,— деди дудуқланиб Балоун,— билмай қилиб қўйибман, ижозатингиз билан...

Лукаш унга синчковлик билан тикилди. Шу пайт Балоуннинг бесўнақай гавдаси унинг кўзига мурғак гўдакдек бўлиб кўринди. Шунинг учун Лукаш овқатга тўймаганлиги сабабли уни арқон билан боғлаб қўйишни буюрганига ўзи ҳам ачиниб кетди.

— Қовуравер, Балоун,— деди у қиличини камари билан ечиб туриб,— эртадан бошлаб сенга қўшимча нон бериб туришни буюриб қўяман.

Поручик стол ёнига ўтирди. Шу пайт кўнглига аммамга хат ёзсаммикан, деган фикр келиб қолди.

«Аммажон!

Ўзимнинг марш ротам билан фронтга жўнаш тайёргарлигини кўриш тўғрисида ҳозиргина буйруқ олдим. Эҳтимол, бу хат сизга ёзган сўнги хатим бўлар. Ҳаммаёқда шиддатли жанглар кетяпти. Катта талафотлар бераётирмиз. Бу хатни «кўришгунча» деган сўз билан тамомлашим қийин; «алвидо» деб ёзсам тўғрироқ бўлади».

«Қолганини эртага эрталаб ёзаман»,-- деб ўйлади поручик Лукаш ва ухлаш учун ўзининг хонасига кириб кетди.

Поручик Лукашнинг қаттиқ уйқуга кетганлигини кўрган Балоун худди кечаси изғиган суварак каби уйни яна изғиб, титкилай бошлади; у поручикнинг чамадончасини очиб, шоколаднинг бир чеккасидан тишлаб олди. Балоун бирданига кўрқиб кетди, чунки поручик уйқусида қимирлаб кетган эди,— бир чеккаси тишланган шоколадни апил-тапил чамадончага тиқиб, серрайиб қотиб қолди.

Сўнгра оёқ учида юриб бориб, поручик ёзган хатга кўз ташлади. Бу хатни ўқиб чиқар экан, ундаги «алвидо» сўзи айниқса қаттиқ таъсир қилди.

У эшик олдидаги похол тўшакка ётиб, ўз уйи ва у ерда чўчқа сўйилган кунларни эслади.

Балоун колбасанинг ичидан ҳавосини чиқариб юбориш учун унга нина тиқаётган вақтдаги ёқимли манзарани кўз олдидан сира нари кетказа олмади (колбаса нина тиқилмаса қайнатилаётган вақтда ёрилиб кетади).

У қўшнисининг колбасаси кунларнинг бирида ёрилиб қозон билан битта бўлиб кетганлигини эслар экан, кўзи уйқуга кетди.

Тушида у чақириб келган колбасапаз ношуд киши эканлигини, қон аралаш колбасага нинани яхшилаб тиқмаганлиги сабабли колбасалари нуқул ёрилиб кетаверганлигини кўрди. Кейин маълум бўлишича, қассоб қон билан колбаса қилишни эсдан чиқариб қўйибди, чўчқа гўшти йўқолиб қолибди ва қон аралаш колбасани пишириш учун олов камлик қилибди. Кейин Балоун тушида дала судини кўрди: Балоун ҳарбий ошхонадаги бир бўлак гўштни ўғирлаб кетаётганида қўлга тушиб қолганмиш. Ниҳоят, Балоун Брук-Лейтдаги ҳарбий лагерь хиёбонида ўзининг дорга осилиб турганини кўрди.

\* \* \*

Швейк қуёш чиқиши билан уйғониб кетди. Худди шу пайт ҳамма роталардаги ошхоналардан қуюқ кофенинг хушбўй ҳиди аниқиб турарди. Швейк ҳозиргина телефон билан гаплашишни гамомлаган кишидек бенхтиёр труб-

кани осиб қўйди ва маҳкамада ҳар куни эрталаб қиладиган одатини қилди. У ашула айтиб иш қилишга одагланган эди. Бу сафар ҳам ашулани ўртасидан бошлаб юборди. Ашулада бир солдат қиз бола кийимини кийиб олиб, тегирмондаги ўзининг жазмани олдига борганлиги, тегирмончи эса унга қизи билан қўшиб ўрин солиб берганлиги ҳикоя қилинар эди. Солдатга ўрин солиб беришдан олдин тегирмончи хотинига қичқирибди:

Кампир, буни меҳмон қил,  
Кўнглини олиб хурсанд қил!

Тегирмончининг хотини беҳаё йигитни яхшилаб меҳмон қилибди, сўнгра оилавий фожиа бошланибди.

Тегирмончи ўтказган тунни,  
Эшигида ўқиди шунн:  
«Қизгинангиз айни шу тун  
Номусидан айрилди бутун.

Швейк ашуланинг охирини шу қадар баланд овоз билан айтдики, бутун маҳкама жонланиб кетди: бош мирза Ванек уйғониб:

— Соат неча бўлди,— деб сўради.

— Ҳозиргина тонг марши чалинди.

— Ҳамма кофе ичиб бўлгандан кейин турарман,— қарорини айтди Ванек; у одатда сира шошилмасди.— Кеча консервага юбориб овора қилишганди, бугун ҳам барибир яна беҳуда овора қилишади.— Эснаб туриб сўради:— Уйга қайтиб келганимда бирор ошиқча гап валдираганим йўқми?

— Баъзан пойма-пой гапларни айтдингиз,— деди Швейк.— Сиз форма — форма эмас, форма бўлмаган нарса формадир, форма яна форма эмас, деб қапдайдир формалар тўғрисида кўп гапирдингиз. Аммо бу гаплар ўзингизни тез чарчатиб қўйди, ётишингиз билан худди ишлаб турган арранинг гувиллашидек хуррак ота бошладингиз.

Швейк гапиришдан тўхтаб эшик олдига борди-да, яна бош мирзанинг каравоти устига келиб тўхтагач, гап бошлади:

— Шахсан менинг ўзимга келганда, жаноб бош мирза, сиз ўша формалар тўғрисида гапираётганингизни

эшитганимдан кейин фонарчи Затка эсимга тушди. У Летнадаги газ станциясида хизмат қиларди. Унинг ва-зифаси фонарларни ёқиш ва ўчиришдан иборат эди. Ўзи ўқимишли одам бўлиб, Летнадаги ҳар хил тунги қовоқ-хоналарга бориб юрарди: фонарларни ёндириб сўнгра ўчиргунча анчагина бўш вақти бўларди. Эрталаб газ станциясида у масалан, сиз кеча гапирганингиз сингари гапларни гапириб юрарди. Фақат у деди: «Бу ўйнаш учун керакли суяқлардир, чунки мен бу суяқларнинг қовурғасини ва қиррасини кўриб турибман». Бир полициячи мени, кўчада тозаликка риоя қилмадинг, деб полиция комиссариатига олиб бориш ўрнига янглишиб газ станциясига олиб келганида шу гапларни ўз қулоғим билан эшитганман.

Уша Затканинг охирги умри ташвиш-надомат билан ўтди,— деди Швейк.— У авлиё Мария уюшмасига аъзо бўлиб кирди, Карлови майдонидаги авлиё Игнатий ибодатхонасида патер Емельканинг хутбаларига илоҳий эътиқодларни етаклаб бориб юрди ва авлиё Игнатий ҳузурига миссионерлар келганида уларнинг хутбасини эшитаман деб ўз районидаги газ фонарларни ўчиришни унутди. Уша ақтда кўчалардаги газ фонарлари уч кеча-ю уч кундуз ёниб тураверди.

— Тўсатдан фалсафазоликка берилиб кетган кишининг иши вой бўлади,— давом қилди Швейк.— Бунақа одам жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундан бир неча йил аввал майор Блюгерни Етмиш бешинчи полкдан бизникига ўтказишган эди. У ҳар ойда бизларни тўплаб, сафга турғизиб қўйиб: «Офицерлик унвони қандай бўлади?» деб сафсата сотишга тутинарди. У сливянкадан бошқа нарсани ичмасди. Бизларни казарма ҳовлисида саф тортириб қўйиб, нуқул: «Ҳар бир офицер энг мукамал мавжудот бўлиб, унинг ақли ҳаммаларингизникига қараганда юз баравар ортиқ бўлади, солдатлар. Агар сизлар бутун умр бўйи ўйласангиз ҳам офицердан кўра мукамалроқ тасаввурга эга бўлолмайсиз. Ҳар бир офицер зарур мавжудотдир, аммо сиз, солдатлар, тасодифий унсурсиз, сизлар яшайверишингиз мумкин, лекин яшашингиз шарт эмас. Мабодо уруш бўлиб қолса-ю, сизлар император аъзам учун жон берсангиз, жуда яхши иш қилган бўласиз. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди, аммо биринчи бўлиб сизларнинг офицерингиз ҳалок бўлса, ўшанда сизлар унга қай даражада боғлиқ эканлигингиз-

ни ва бу жудолик нақадар оғир эканлигини ҳис қилган бўлар эдингиз. Офицер яшаши лозим, сизлар эса фақат жаноб офицерлар туфайли яшаб турибсиз; сизлар офицерлардан тарқалгансиз, уларсиз сизларнинг ишингиз битмайди, бошлиқларингиз бўлмаса, ел ҳам чиқара олмайсиз. Офицер сиз солдатлар учун ахлоқ қонунидир — сизлар буни тушунассизми ёки тушунмайсизми, барибир. Модомики ҳар бир қонуннинг ижодкори бўлиши лозим экан, фақат офицер айтганигина сиз солдатлар учун мана шундай вожиб қонунидир, ҳамма ишда сизлар унда ўзингизни миннатдор деб ҳис қиласиз ва ҳис қилишингиз лозим, унинг ҳеч бир истисносиз ҳар бир бўйруғини, сизлар ўзингизга ёқиш ёки ёқмасликдан қатъи назар, бажаришингиз лозим».

Бир кун майор Блюгер ўзининг нутқини тамомлагандан кейин саф тортиб турганларнинг олдига бориб бирма-бир сўрай бошлади:

«Қани айт-чи, ошиқроқ ичиб қўйсанг, ўзингни қандай ҳис қиласан?»

Солдатлар унга ўз билганларича жавоб бераверинишди: баъзилар, ҳеч қачон бу даражага етган эмасмиз, дейишса, баъзилари, агар ортиқча ичиб қўйсам кўнглимиз айний бошлайди, дейишди, бир солдат ҳатто ортиқча ичиб қўйсам отпускасиз қолдирилишим дарров эсимга келади, деб ҳам жавоб берди. Майор Блюгер дарров ҳаммани бир чеккага олиб боришни, ўзини қандай ҳис қилаётганини айтиб бера олмагани учун ҳаммани тушқи овқатдан кейин ҳовлида эркин гимнастика қилдириш билан жазолашни буюрди. Мен ўзимга навбат келишини кутиб туриб, кейинги пайтда у нималарни айтганигини эслаб қўйдим ва майор менинг олдимга келиши билан осойишталик билан жавоб бердим:

«Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб майор, агар мен ортиқча ичиб қўйсам ҳамниша ўзимда ички безовталлик, қўрқиш ва виждон азобини ҳис қиламан. Қазармага отпускадан ўз вақтида қайтиб келганимда эса ўзимни ором қучоғига тушгандек ҳис қиламан ва менда ички мамнуният пайдо бўла бошлайди».

Агрофдагилар бирданига хахолаб юборди, майор Блюгер эса менга қараб ўшқирди:

«Сен, аблаҳ, ётган жойингда қимирласанг, устингни қандайла босиб кетади! Ҳазилкашлик қилмоқчи бўлади-я,

итвачча!»— Шу гапни айтди-ю, мени болохонадор қилиб сўкишга гутинди.

— Ҳарбий хизматда шунақа қилмаса бўлмайди,— деди бош мирза ётган жойида эринчоқлик билан керишиб,— қадимдан шундай бўлиб келяпти: қандай жавоб берсанг ҳам, нима иш қилсанг ҳам, барибир тепангда қора булут пайдо бўлаверади, устингда момақалдироқ гуруллаб, чақмоқ чақаверади. Шундай қилинмаса интизом бўлмайди!

— Тўғри гапни айтдингиз,— деди Швейк.— Янги олинган солдат Пехни қандай қамаб қўйганларини асло унутмайман. Бизнинг ротамизда лейтенант Моц командир эди. У янги олинган солдатларнинг ҳаммасини тўплаб, улардан ким қаердан келганлигини сўрайверди. «Аввало, сиз темир қанотлар,— деди у солдатларга қараб,— худди қамчи билан шиқиллатиб ургандек қисқа ва равшан жавоб беришни ўрганиб олишларингиз керак. Ҳозир мен буни сизга ўргатиб қўяман. Қани, бошладик. Сиз қаерликсиз, Пех? Пех зиёлисифат йигит эди, дарров бундай деб жавоб берди: «Қуйи Боусов, Unter. Вацзен, икки юз олтмиш етти хонадон, бир минг тўққиз юз ўттиз олти чех яшайди, Ичин округи, Соботка волости, Костнинг собиқ мулки, авлиё Екатерина номига қўйилган, ўн тўртинчи асрда қурилган ва граф Вацлав Вратислав Нетолицкий қайта қурган черков, бир мактаб, почта, телеграф, Чехия товар темир йўлининг станцияси, қанд заводи, тегирмон, тахта тиладиган жой, Вальха хутори, йилига олти марта ярмарка...»

Лейтенант Моц унинг устига бостириб бориб, мушт тушира бошлар экан, мана сенга биринчи ярмарка, мана иккинчиси, мана учинчиси, тўртинчиси, бешинчиси, олтинчиси... деб тумшугига солаверди. Аммо Пех гарчи ҳарбий хизматга янги олинган солдат бўлса ҳам, мени батальон рапортига боришимга рухсат беринглар, деб талаб қилди. Уша вақтда маҳкамада ишловчиларнинг ҳаммаси ҳазилкаш одамлар эди. Улар, Қуйи Боусовда ҳар йили бўладиган ярмаркалар хусусида батальон рапортига юборилди, деган мазмунда унинг қўлига хат ёзиб беришди. Уша вақтда майор Рогелль батальон командири эди. У Пехдан «Also was gibts?»<sup>1</sup> деб сўраган эди, Пех бунга: «Ижозатингиз билан сизга шунни айти-

<sup>1</sup> Хўш, нима гап? (немисча).

шим керакки, жаноб майор, Қуйи Боусовда бир йилда элти марта ярмарка бўлади», деб лаби лабига тегмай жавоб берди. Ана шунда майор Рогелль ер тепиниб унга бақирди ва дарҳол ҳарбий госпиталнинг жинишлар бўлимига юборилиши ҳақида буйруқ берди. Шу-шу бўлди-ю, Пех солдат эмас, ташвишнинг кони бўлиб қолди.

— Солдатни тарбиялаш осон иш эмас,— деди эснаб туриб бош мирза Ванек.— Ҳарбий хизматда бир марта ҳам жазоланмаган солдат, солдат эмас. Ҳеч бир жазоланмай ҳарбий хизматни ўтаган солдат гражданлик хизматида ҳар хил афзалликларга эга бўлиб қолиши сингари ҳоллар, эҳтимол тинч вақтда бўлиши мумкин. Ҳозир аҳвол бутунлай бошқача: тинч вақтда умри нуқул қамоқда ётиш билан ўтган энг ёмон солдатлар урушда энг яхши солдат бўлиб чиқади. Саккизинчи марш ротасида Сильванус деган бир оддий солдатни биламан. Уртоғининг охирги крейцер пулини ўғирлаб олишдан уялмас эди. Аммо жангга тушганда тиканли сим тўсиқни биринчи бўлиб қирқиб ташлади, уч кишини асир олди ва уларнинг бирини, менга ёқмаяпти, деб йўлакай отиб ташлади. У катта олтин медаль олди, унга иккита юлдузча тақиб қўйишди, кейин Дукель довоносида дорга осиб ўлдиришмаганида аллақачон взвод командири бўлиб юрган бўларди. Аммо жангдан кейин уни дорга осмаслигининг сира иложи бўлмади. Бир кун у, мен жанг майдонининг қандайлигини билиб келаман, деб рухсат олиб кетди, бошқа полкнинг патрули эса уни ўликлар чўнтагини ковлаётган вақтда ушлаб олиб келди. Унинг ёнидан саккиз дона соат ва кўпгина узук топилди. Уни бригада штаби олдида дорга осишди.

— Бундан кўриниб турибдики,— деди чуқур маъноли қилиб Швейк,— ҳар бир солдат ўз обрўйини ўзи кўтариши керак.

Телефон жиринглади. Бош мирза телефон ёнига келди. Консерва нима бўлди, деб сўраётган поручик Лукашнинг овози телефондан эшитилмоқда эди. Унинг телефон орқали қойиётгани ҳам эшитилиб турди.

— Мен ростини айтяпман, консерва йўқ экан, жаноб обер-лейтенант!— телефонга қичқирди Ванек.— Консерва складда сира бўлган эмас, интендантларнинг хаёлида бор, холос. У ерга одамларни юборишнинг сира фойдаси йўқ эди. Мен сизга буни ўзим телефонда айт-



моқчийдим. Мен кантинада эканманми? Қим айтди? Офицерлар ошхонасидаги фолбин-ошпаз айтди, дейсизми? Ҳақиқатан ҳам кантинага борган эдим. Биласизми, жаноб обер-лейтенант, ўша ошпаз консервалар ваҳимасини нима деганини? «Тугилмаган даҳшат» деди. Йўқ ундоқ эмас, жаноб обер-лейтенант, мен мутлақо ҳушёрман. Швейк нима қияпти, дейсизми? Швейк шу ерда. Чақирайми? Швейк, телефонга.— қичқирди бош мирза ва шивирлаган овоз билан илова қилди:— Агар сиздан менинг қай ҳолатда қайтиб келганимни сўрасалар, туп-па-тузук ҳолатда келди, деб айтинг.

Швейк телефон олдида келди:

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, Швейк телефон олдида турибди.

— Менга қаранг, Швейк, консервалар нима бўлди? Ҳаммаси жойидами?

— Консерва йўқ, жаноб обер-лейтенант. На ўзи бор, на сояси.

— Мен шуни истардимки, Швейк, биз лагерда турган вақтимизда сиз ҳар куни эрталаб олдимга келиб рапорт беришингиз керак. Йўлда бораётганимизда эса, сиз ҳамиша ҳеч қаёққа кетмай, ёнимда бўласиз. Кечаси нима қилдингиз?

— Телефон олдида силжимаётирдим.

— Бирор янгилик бўлдими?

— Бўлди, жаноб обер-лейтенант.

— Швейк, яна жиннилик қилаверманг. Бирор муҳим, зарур гапни хабар қилишмадимми?

— Худди шундай, жаноб обер-лейтенант, лекин фақат эрталаб соат тўққизга.

— Нега сиз буни менга дарров хабар қилмадингиз?

— Сизни безовта қилгим келмади, жаноб обер-лейтенант. Буни хаёлимга келтиришга ҳам ботина олмас эдим.

— Қани айтсангиз-чи, бемаъни одам! Соат тўққизда нима қилиш керак эди?!

— Телефонграмма, жаноб обер-лейтенант.

— Гапнингизни тушунмаяпман.

— Мен уни ёзиб қўйганман, жаноб обер-лейтенант. Телефонграммани қабул қилдинг. Телефон олдида ким турибди? Борми? Уқи.., Еки яна шунга ўхшаш гаплар...

Худо урсин сизни, Швейк! Жонимга тегдингиз... Мазмунини менга айтиб беринг, бўлмаса бир тушираман... Қани, айтмайсизми?!

— Яна қандайдир кенгаш, жаноб обер-лейтенант, бугун эрталаб соат тўққизда жаноб полковник ҳузурда. Кечаси сизни уйғотмоқчи бўлдим, кейин ўйлаб қолдим.

— Ҳар қандай бемаъни гаплар деб кечаси мени уйғотганингизда сизга кўрсатиб қўярдим, бунақа гаплар учун эрталаб ҳам вақт бор. *Wieder eine Besprechung, der Teufel soll das alles buserieren!* Трубкани қўйиб, Ванекни телефонга чақиринг.

— Бош мирза Ванек телефон олдида турибди. *Rech-nungsfeldwebl Vanek, Herr Oberleutnant.*<sup>2</sup>

— Ванек, сиз менга дарров бошқа деншчик топинг. Уша аблаҳ Балоун кечаси билан менинг ҳамма шоколадимни еб қўйибди. Боғлаб қўйиш керак дейсизми? Йўқ. Мен уни санитарларга бераман. Бунақа бақувват йигит жанг майдонидан ярадорларни ташишга муносиб. Ҳозироқ мен уни сизга юбораман. Бу ишларнинг ҳаммасини полк маҳкамасида дарҳол тўғрилаб, дарров ротага қайтиб келинг. Қани айтинг-чи, йўлга чиқадиган пайтимиз яқинлашиб қолдими?

— Шошилишнинг ҳожати йўқ, жаноб обер-лейтенант. Тўққизинчи марш ротаси билан жўнаганимизда бизни тўрт кун сарсон қилишган эди. Саккизинчи рота билан жўнаганимизда ҳам шундай бўлганди. Фақат ўнинчи рота билан жўнаш тузукроқ бўлди. Ҳаммамиз жанговар тайёр ҳолга келгач, соат ўн иккида буйруқ олдиғу, кечқуруноқ йўлга тушдик, аммо кейин бизни бутун Венгрия бўйлаб сарсон қилишди, бизни қайси фронтнинг қайси ўпирилишига қўйишни билмай овора бўлишди.

Поручик Лукаш ўн биринчи марш ротасига командир бўлиб тайинлангандан бери синкретизм ҳолатига тушиб қолган эди. Бу фалсафий оқимнинг моҳияти шуки, қарама-қарши қарашларни қориштириб, тушунчаларнинг зиддиятларини бир-бирига келиштиришга ҳаракат қилади.

---

<sup>1</sup> Яна кенгаш, жуда жонга тегди-ку! (*немисча*).

<sup>2</sup> Бош мирза фельдфебель Ванек, жаноб обер-лейтенант (*немисча*).

Поручик Лукаш шундай ҳолатга тушиб қолганлиги учун ҳам қуйидагича жавоб қилди:

— Ҳа, эҳтимол, шундай бўлиши ҳам мумкин. Сизнинг фикрингизча биз бугун йўлга тушар эканмиз-да? Соат тўққизда полковник ҳузурда кенгаш бўлади. Айтгандай, сиз навбатчи эканлигингизни биласизми? Шунчаки айтялман. Сиз менга... Тўхтаг, мен сизга нима демоқчи эдим? Сиз менга ҳар бир унтер-офицер қачондан бери хизмат қилаётганини кўрсатиб, уларнинг рўйхатини тузиб беринг... Сўнгра рота учун овқат. Миллати дейсизми? Ҳа, ҳа, миллатини ҳам кўрсатинг... Энг муҳими шуки, менга янги деншчик юборинг. Прапоршчик Плешнер бугун команда билан нима қилсин, дейсизми? Йўл тайёргарлигини кўрсин. Счётлар дейсизми? Тушки овқатдан кейин бориб қўл қўйиб бераман. Ҳеч кимни шаҳарга чиқарманг. Каптинага, лагерга дейсизми? Тушки овқатдан сўнг бир соат... Швейкни телефонга чақиринг... Швейк, сиз ҳозирча телефон олдида турасиз.

— Ижозатингиз билан сизга шуни айтишим керакки, жаноб обер-лейтенант, мен ҳали кофе ичганим йўқ.

— Ундай бўлса, сиз кофени олиб келинг ва чақиргунимча маҳкамада телефон олдида тураверинг. Ординарец нималигини биласизми?

— Югурдак одам-да, жаноб обер-лейтенант.

— Хуллас, мен сизни телефонга чақирганимда шу жойда бўлишингиз керак. Менга бирор деншчик топиб бериши кераклигини Ванекка яна бир марта эслатиб қўйинг. Швейк! Алло! Қаёққа гойиб бўлдингиз?

— Шу ердан, жаноб обер-лейтенант. Ҳозиргина менга кофе олиб келишди.

— Швейк! Алло!

— Эшитаман, жаноб обер-лейтенант, кофе совиб қолибди.

— Швейк, сиз деншчик қанақа бўлишини яхши биласиз, у билан гаплашиб кўринг, кейин менга у қанақалигини айтасиз. Трубкани осиб қўйинг.

Ванек қора кофени ҳўплаб кўриб, унга эҳтиётлик юзасидан «Tinte»<sup>1</sup> деб ёзилган қоғоз ёпиштирилган шишадан ром қуйгач, Швейкка юзланди:

— Обер-лейтенантимиз телефонда шу қадар бақириб гапирадики, мен унинг ҳар бир сўзини эшитиб турдим.

<sup>1</sup> Сиёҳ (немисча).

Жаноб обер-лейтенант билан яқин таниш эканлигингиз сезилиб турибди, шундайми, Швейк?

— Мен унинг ўнг қўлиман. Қўл-қўлни ювади. Қўп нарсалар бошимиздан кечган. Бизни бир-биримиздан ажратишга неча марталаб уриниб кўришди, барибир яна топишиб олдик. У ҳамма ишда менга суянади. Ўзим ҳам бунга неча марталаб ҳайрон бўлганман. Унга янги деншчик топиб беришингиз лозимлигини сизга яна бир марта эслатиб қўйишим кераклигини, ўша деншчик билан гаплашиб, унга баҳо беришим кераклигини менга айтганини ҳозир ўзингиз ҳам эшитдингиз. Жаноб обер-лейтенантга ҳар қандай деншчик ҳам ёқавермайди.

\* \* \*

Полковник Шредер марш батальонидаги офицерларнинг ҳаммасини кенгашга чақирди. У мириқиб нутқ сўзламоқ учун шу кенгашни сабрсизлик билан кутарди. Бундан ташқари, ҳожатхонани тозалашдан бош тортган ва полковник Шредернинг ўзи исёнчи деб баҳо бериб, дивизия судига жўнатилган кўнгилли аскар Марек иши юзасидан бирор қарор қабул қилиш керак эди.

Кеча кечасигина Марек дивизия судининг қамоқ бўлиmidан гауптвахтага кўчирилган бўлиб, уни соқчилар қўриқлаб турарди. Айни вақтда дивизия судининг полк маҳкамасига юборган ва ниҳоят даражада чалкаш сўзлар ёзилган қоғозда, буни исён деб бўлмайди, чунки кўнгилли аскар ҳожатхоналарни тозалашга мажбур эмас, аммо шундай бўлса ҳам, буни интизомни бузиш деб ҳисобламоқ керак, у ўзининг бу гуноҳини фронтда намунали хизмат қилиш билан ювиши мумкин, деб ёзилган эди. Мазкур хатда, мана шу айтилганларга биноан, айбланувчи кўнгилли аскар Марек яна ўз полкига қайтариб юборилди, интизом бузилганлиги тўғрисидаги тергов эса уруш охиригача тўхтатиб турилади ва яна бир ножўя ҳаракат қилган тақдирда тергов янгидан бошланади, деб кўрсатилганди.

Кенгашда яна бир иш муҳокама қилиниши кўзда тутилди. Загребдаги касалхонадан юборилиб, яқинда полкда пайдо бўлиб қолган ва қалбаки медаль тақиб олган Тевелес номли бир взвод бошлиғи ҳам кўнгилли Марек билан бирга дивизия судининг қамоқхонасидан гауптвахтага кўчирилганди. Унинг катта кумуш медали бор бўлиб, кўнгиллиларникидек белги ва уч юлдуз та-

қиб олган эди. У олтинчи марш ротасининг Сербиядаги қахрамонона шижоатлари тўғрисида ҳамда мана шу бутун ротадан фақат бир ўзи қолганлиги ҳақида ҳаммага гапириб юрган экан. Тергов натижасида, олтинчи марш ротаси билан уруш бошида ҳақиқатан аллақандай Тевелес деган одам жўнатилган экан, бироқ унинг кўнгилли бўлишга ҳақи йўқ дейилганди. 1914 йил 2 декабрда Белграддан қочиш вақтида олтинчи марш ротасини қабул қилиб олган бригададан справка олинганида шу нарса маълум бўлдики, мукофотга тақдим қилинган ва кумуш медаллар билан мукофотланганлар рўйхатида ҳеч қандай Тевелес деган одам бўлмаган. Бироқ оддий солдат Тевелес Белград сафари вақтида взвод бошлиғи даражасига кўтарилганми ёки йўқми эканлигини аниқлаб бўлмади, чунки Белграддаги авлиё Савва черкови олдида бўлган жангдан кейин бутун олтинчи марш ротаси ўзининг ҳамма офицерлари билан бедарак йўқолиб кетди. Дивизия судида Тевелес ўзини оқламоқчи бўлиб, ҳақиқатан менга катта кумуш медаль бериш ваъда қилинган эди, шу сабабли мен бу медални босниялик бир кишидан сотиб олдим, деди. Кўнгиллилар белгисини ўзига тақиб олганига келганда, у бу белгини мастлигида тақиб олган экан, аммо ҳамини маст бўлиб юрганлиги сабабли белгини ҳамон тақиб юраверган, чунки дизентерия сабабли организми жуда заиф бўлиб қолган эмиш.

Полковник Шредер мажлисни очиб, мазкур икки масалани муҳокама қилишга киришишдан олдин, биз яқинда йўлга чиқишимиз керак, сафарга чиқиш олдидан тез-тез учрашиб туришимиз лозим, деди. Бригададан, дивизиядан буйруқлар келишини кутиб турибмиз, деган мазмунда менга хабар қилишди. Солдатлар шай бўлиб туриши лозим, рога командирлари ҳам ҳеч ким ротадан нарига кетмаслигини ҳушёрлик билан кузатиб туришга мажбур. Сўнгра полковник Шредер кеча айтган гапларнинг ҳаммасини яна бир марта такрорлади. Яна уруш воқеаларини бирма-бир айтиб берди ва армиянинг жанговар руҳини ҳамда шижоатини ҳеч нарса бузмаслиги лозим, деб эслатиб ўтди.

Унинг олдидаги столда уруш ҳаракатларининг харитаси ёпиштирилиб, бу харитага кичкина байроқчалар қадаб қўйилган, лекин байроқчалар ағдарилиб тушиб, фронтлар олдинга силжиб кетганди. Кўчиб кетган байроқчалар стол тагида ағдарилиб ётарди.

Полк маҳкамасида мирза боқаётган мушук кечаси уруш ҳаракатлари харитасини ағдар-тўнтар қилиб, табиб бўлмас ҳолга келтирганди. Уша мушук Австрия-Венгрия fronti тасвирини булғатганлиги учун ахлатини кўмиб қўймоқчи бўлиб байроқчаларни ағдариб ахлатини фронт позицияларига юборди-да, истехкомлар ва армия корпусларига суркаб ташлади.

Полковник Шредер тумшуғи олдидаги нарсани кўра олмайдиган даражада кўзи жуда ожиз эди.

Полковник Шредернинг бармоғи ўша мушук ахлати уюмига қандай яқинлашиб келаётганлигини марш батальонининг офицерлари қизиқиб кузатиб туришди.

— Бугга борадиган йўл, жаноблар, Сокаль орқали ўтади,— деди ўзининг билармонлигини кўрсатмоқчи бўлиб полковник ва шаҳодат бармоғи билан Карпат тоғини кўрсатмоқчи бўлган эди бармоғи мушук тўплаб қўйган ахлатга тегиб кетди. У бармоқларига нимадир ёпишганига ҳайрон бўлиб, офицерларга мурожаат қилди.

— Was ist das, meine Herren?<sup>1</sup>

— Wahrscheinlich, Katzendreck, Herr Oberst,<sup>2</sup>— жавоб берди капитан Сагнер ҳамма учун тавозе билан.

Полковник Шредер қўшни маҳкамага югуриб кириб кетди, ичкаридан унинг баланд овоз билан айтаётган лаънат сўзлари ва мушук қолдирган излари бутун маҳкамадагиларга ялатиб йўқотаман, деган даҳшатли дўқларни эшитила бошлади.

Тергов узоққа чўзилмади. Терговда маълум бўлишича, мушукни бундан икки ҳафта олдин кичик мирза Цвибельфиш маҳкамага олиб келган экан. Бу иш аниқланганидан кейин Цвибельфиш ўзининг лаш-лушларини йиғиштирди, бош мирза эса уни гауптвахтага обориб, жаноб полковникдан янги фармойиш келгунча, деб қамаб қўйди.

Кенгаш ҳам шу билан тамом бўлди.

Ҳазабидан қизариб кетган полковник Шредер офицерлар олдига қайтиб келганида, кўнгилли Марекнинг ва ўзиңи взвод бошлиғи деб юрган Тевелеснинг тақдири тўғрисида ҳам гапириш кераклигини унутиб қўйган эди.

— Жаноб офицерлар, сизлардан илтимос шуки, тайёр

<sup>1</sup> Бу нима ўзи? (немисча).

<sup>2</sup> Мушукнинг ахлати бўлса керак, жаноб полковник (немисча).

бўлиб туринглар, мендан бериладиган буйруқ ва йўл-йўриқларни кутинглар,— деди қисқагина қилиб полковник.

Шу-шу кўнгилли аскар Марек билан Тевелес гаупт-вахтада қамоқда қолиб кетишди. Кейин уларга Цвибельфишени қўшиб қўйишди. Ана энди улар улфат бўлиб «марьяж» ўйнайдиган, картабозликдан кейин ўзларини қўриқлаб турган қоровуллардан, тўшаклардаги бургаларни битта қўймай тутиб ўлдириглар, деб талаб қилладиган бўлиб қолишди.

Сўнгра уларнинг ёнига ўн биринчи марш ротасидаги ефрейтор Пероуткани тиқиб қўйишди. Уруш майдонига жўнар экаммиз, деган овоза тарқалган вақтдаёқ, Пероутка ғойиб бўлган, эрталаб патруллар уни Брукдаги «Оқ гул» қовоқхонасидан топиб келишганди. У ўзини оқламоқчи бўлиб, уруш майдонига жўнаб кетишдан олдин граф Гаррахнинг Брукдаги машҳур шиша заводини кўрмоқчи бўлган эдим, қайтиб кела туриб адашиб қолдим, фақат эрталабгина тинкам қуриган ҳолда «Оқ гул»га аранг сиёб олдим, деди (ҳақиқатда эса, у «Оқ гул»даги Розочка деган хотин билан ухлаб ётган эди).

Вазият аввалгидек ноаниқ бўлиб қолаверди. Йўлга чиқиладимми ёки йўқми? Швейк ўн биринчи марш ротасининг маҳкамасидаги телефонда пессимистик ва оптимистик ҳар хил фикрларни эшитиб ўтираверди. Ун иккинчи марш ротасидан телефон орқали аввал ҳаракатланувчи нишонларга отиш машқи ўтказилиб, сўнгра йўлга чиқилармиш, деган гапни кимдир маҳкамда эшитибди, деб хабар қилинди. Ун учинчи марш ротаси бу оптимистик фикрга қўшилмай, вагонлар станцияга келтириб қўйилди, деган гапни капрал Гавлик шаҳарда бир темир йўл хизматчисидан эшитиб келибди, деб телефон орқали маълум қилди.

Ванек трубкани Швейкнинг қўлидан тортиб олди-да, ғазаби қўзиган ҳолда, темирйўлчилар ҳеч балони билмайди, мен ўзим ҳозиргина полк маҳкамасидан келдим, деб қичқирди.

Швейк ич-ичидан хурсанд бўлиб кетиб телефон олдида навбагчилик қилиб ўтираверди. У: «Қандай янгилик бор?» деган саволларга, ҳозирча ҳеч нарса аниқ маълум эмас, деб жавоб бера бошлади.

У поручик Лукашнинг саволига ҳам шундай жавоб берди.

— Қандай янгиллик бор?

— Ҳозирча аниқ бир нарса маълум эмас, жаноб обер-лейтенант,— ҳар галгидай жавоб қилди Швейк.

— Эшак! Трубкини осиб қўйинг!

Кейин бир неча телефонограмма келди. Швейк бу телефонограммаларни кўп қийинчиликлар билан зўрга қабул қилиб олди.

Аввал у кечаси трубкини осмай ухлаб қолганлиги учун эшитолмаган телефонограммани қабул қилиб олди. Бу телефонограмма тифга қарши эмлатилган ва эмлатилмаганларнинг рўйхатига тааллуқли эди.

Сўнгра Швейк консервалар тўғрисидаги телефонограммани қабул қилиб олди. Бу масала кеча ҳал бўлиб кетган эди.

Кейин полкнинг барча батальонлари, роталари ва бўлинмаларига аталган телефонограмма олинди.

«Бригада телефонограммасининг копияси 756992. Бригада бўйича буйруқ № 172.

Дала ошхоналарининг хўжалиги тўғрисида ҳисобот тузилаётганида керакли озиқ-овқатларнинг номларини ёзишда қуйидаги тартибга амал қилмоқ керак: 1 — гўшт, 2 — консерва, 3 — янги сабзавотлар, 4 — қуритилган сабзавотлар, 5 — гуруч, 6 — макарон, 7 — крупа, 8 — картошка, илгариги тартиб ўрнига: 4 — қуритилган сабзавотлар, 5 — янги сабзавотлар».

Швейк мана шуларнинг ҳаммасини бош мирзага ўқиб берган эди Ванек тантанали оҳангда бунақа телефонограммалар ҳожатхонага ташланади, деди.

— Буни армия штабидаги биронта аҳмоқ ўйлаб чиқарган, кейин ҳамма дивизияларга, бригадаларга, полкларга тарқалиб кетган.

Сўнгра Швейк яна бир телефонограммани қабул қилиб олди. Бу телефонограммани шу қадар тез айтишдики, Швейк дафтарчага цифрга ўхшаш қуйидаги сўзларни аранг ёзиб олишга улгурди.

«In der Falge genauer, erlaubt gewesen oder das selbst einem hingegen immerhin eingeholet werden».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Оқибатда аниқроқ ҳал этилади ёки аксинча мустақил ҳамма ҳолларда ўрни тўлдирилиши керак (немисча).



Швейк ўзи ёзиб олган шу сўзларга жуда таажжубланди. Бу сўзларни овоз чиқариб уч марта ўқиб бергандан кейин Ванек деди:

— Буларнинг ҳаммаси ортиқча. Бемаъниликдан бошқа нарса эмас. Аммо яна ким билади дейсиз! Эҳтимол, шифрланган телефонограммадир. Бизнинг ротамизда шифрлаш бўлими йўқ. Буни ҳам ташлаб юборса бўлади.

— Менимча ҳам шундай қилиш керак,— деди Швейк,— агар мен жаноб обер-лейтенантга *in der Folge genauer erlaubt gewesen oder das selbst einem, hingegen immerhin eingeholet werden* деб айта бошласам, яна унинг жаҳли чиқиб кетса керак.

— Мен сизга айтсам, шунақа инжиқ одамлар ҳам бўладики, ҳайрон қоласан!— деб давом қилди Швейк яна ўзининг хотираларини гапиришга ўтиб.— Бир кун мен трамвайга тушиб Височандан Прагага келаётган эдим, Либнида пан Новотний деган бир киши трамвайга чиқди. Мен уни кўрибоқ, олдига бордим ва унга иккаламиз ҳамшаҳармиз, дражовликмиз деб гап бошладим, у бўлса мен сизни танимаيمان, менга тирғилаверманг, деб бақариб трамвайни бошига кўтарди. Ўзимни унга танитиш учун ҳамма нарсани бошидан-охиригача тушунтиришга киришдим, болалик чоғимдаёқ ойим билан унинг олдига бориб юрганимни, ойимнинг оти Антония эканлигини, отамнинг оти эса Прокоп эканлигини, у бойникида қоровул бўлиб ишлаганлигини гапириб бердим, лекин шундан кейин ҳам у бир-биримиз билан танишлигимизга иқрор бўлишни истамди. Сўнгра мен унга тагин ҳам муфассалроқ маълумотларни далил қилиб келтирдим; Дражовда Новотний фамилиялик икки киши борлигини, бирининг оти Тонда, иккинчисиники Иосиф эканлигини, унинг ўзи худди ўша Иосиф эканлигини, мен Дражовдан олган хатда унинг ўз хотинини, сен жуда ичкиликка берилиб кетдинг, деб койигани учун отиб ташлади, деб ёзилганлигини ҳам айтиб бердим. Шу гапни эшитиш билан у урмоқчи бўлиб қулочини ёзган эди, мен чап бериб қолдим. Унинг қўли вагон вожатий олдидаги майдончанинг катта ойнасини чил-чил қилиб юборди. Икковимизни трамвайдан тушириб олиб кетишди. Комиссариатда маълум бўлишича, унинг бундай инжиқлигига бир сабаб бор экан: у Иосиф Новотний эмас, Эдуард Дубрава бўлиб, Америкадаги Монтгомеридэ

турар, бу ерга қариндошларини кўриш учун келган экан.

Телефоннинг жириглаши Швейкнинг гапини бўлиб қўйди, пулемёт командасидаги кимдир биров хириллаган овоз билан, йўлга чиқамизми, деб яна сўради. Жаноб полковник ҳузурда шу тўғрида эрталабдан бери кенгаш бўлаётган эмиш, деди.

Олпоқ бўзариб кетган кадет Биглер эшикдан кириб келди. Биглер ротадаги энг ашаддий аҳмоқ эди, чунки кўнгиллиларнинг машқ командасида у ўзини нуқул билимдон қилиб кўрсатишга уринарди. У Ванекка, коридорга чиқ, деб имлади. Коридорда улар узоқ гаплашиб қолишди.

Ванек қайтиб келиб, тиржайганча Швейкка гап қотди:

— Вой эшаг-ей! Бизнинг марш ротамизда шунақасиям бор! У ҳам кенгашда бўлган экан. Кенгаш тарқалаётган вақтда жаноб обер-лейтенант, взвод бошлиқлари милтиқларни синчиклаб кўриқдан ўтказишсин, деб буюрибди. Биглер бўлса, Жлабек милтиқни керосин билан тозалади, бунинг учун уни арқон билан боғлатиб қўйишим керакми, деб мендан сўрагани келибди,— Ванек қизишиб гапни давом эттирди.— Жанг майдонига кстаётганимизни билади-ю, яна шундай бемаъни нарсани сўраб юрибди! Жаноб обер-лейтенант кеча ўзининг деншчигини ечиб юборишини буюриб тўғри иш қилди. Мен у итга, сен солдатларнинг жонига тегаверма, дедим.

— Ўзингиз деншчик тўғрисида гап очиб қолдингиз,— деди Швейк,— жаноб обер-лейтенант учун бирон деншчик топдингизми?

— Ақлингизни йиғиб олинг,— жавоб берди Ванек,— вақт кифоя қилади. Аммо менимча, жаноб обер-лейтенант Балоунга кўникиб қолади, Балоун яна бир-икки марта унинг овқат-повқатини еб қўяди-да, кейин фронтга борганимизда бу одатини тарк қилади. Негаки, фронтда бунга ҳам, унга ҳам овқат топилмаслиги турган гап. Балоун қолди, деб унга айтсам, менга у ҳеч нима қилолмайди. Кимни қолдириш менинг ишим, бунга жаноб обер-лейтенантнинг дахли йўқ. Энг муҳими шошилмаслик керак!— Ванек яна ўзининг каравотига ётиб олди ва Швейкка:— Швейк, ҳарбий турмушдан бирорга латифа айтиб берсангиз-чи,— деди.

— Айтардим, лекин яна бирортаси жиринглатиб қолмасин, деб қўрқаман-да.

— Телефоннинг овозини ўчириб қўйинг: симини узиб ташланг ёки трубкасини олиб қўйинг.

— Маъқул,— деди Швейк трубкани олиб қўйиб.— Мен сизга ҳозиргига ўхшаш бир воқеани айтиб бераман. Лекин бу воқеа урушда эмас, маневр вақтида бўлган эди. Ушанда ҳам худди шу бугунгидек ваҳима бошланиб кетди: ўшанда казармалардан қачон йўлга чиқишимизни биз ҳам билмас эдик. Поржичдан келган Шиц деган бир яхши йигит мен билан бирга хизмат қиларди, у тақводор, қўрқоқроқ йигит эди. Маневрни даҳшатли, одамлар ташналикдан йиқилиб қолаверади, санитарлар уларни тўкилган мевани териб олгандек йиғиштириб олиб кетади, деб ўйлаб юрарди. Шунинг учун ҳам у ташна бўлиб қолмаслик мақсадида кўп сув ичди, маневрга бориш учун казармалардан йўлга чиқиб, Мнишекка келганимизда у: «Энди тоқатим қолмади, оғайнилар, ёлғиз худонинг ўзи мени бу аҳволдан қутқара олади!» деди. Горжовицега етиб бориб, у ерда икки кун дам олдик, чунки қандайдир хатога йўл қўйиб олдинга ўтиб кетган эканмиз, бизнинг ёнбошимизда келаётган бошиқа полклар билан бирга душманнинг бутун штабинини босиб олишимизга сал қолибди. Тўхтамай кетаверсак шарманда бўлишимиз ҳеч гап эмас эди, чунки корпусимиз енгилиши, рақибимиз шу жангда ютиб чиқиши керак экан: подшо хонадонидан бўлган бир кампир улар билан бирга экан. Шиц ўшанда бир ҳунар ишлатди. Лагерь қуриб жойлашиб олганимиздан кейин у Горжовиценинг нариги ёғидаги қандайдир бир қишлоққа нималарнидир сотиб олмақчи бўлиб жўнаб кетди ва тушки овқат пайтида лагерга қайтиб келди. Кун жуда иссиқ, бунинг устига у ўлгудай ичибди, йўлда кела туриб бир симёгочни, симёгочга осиб қўйилган яшикни, ойнавонлик яшик ичида эса, авлиё Ян Непомуцкийнинг кичкина ҳайкалчасини кўрибди. У авлиё Янга сиғиниб: «Вой бечора, жазирама иссиқда қолиб кетибсан-ку, бирор нима ичиб олсанг чакки бўлмасди, офтобда жуда қийналибсан. Нуқул терлайверсанг керак?» дебди. Ёнидаги фляжкани чайқатиб ичибди ва: «Сенга ҳам бир қултум қолдирдим, авлиё Ян Непомуцкий», дебди. Кейин уни ҳам ўзи ичиб қўйибди ва авлиё Ян Непомуцкийга ҳеч нима қолмабди. «Вой тавба!»— дебди у.— Авлиё Ян Непомуцкий, гуноҳимни

Ўзинг кечир, мен бунинг ажрини бераман. Сени ўзим билан лагерга олиб бориб шундай ичираманки, оёғингда тура олмай қоласан». Оққўнгил Шиц шу гапни айтибди-ю, авлиё Ян Непомуцкийга раҳми келиб, яшиқнинг ойнасини синдирибди, авлиёнинг ҳайкалчасини олиб, қўлтиғига тикибди-да, лагерга олиб келибди. Шундан кейин авлиё Ян Непомуцкий у билан походда бирга ёғиб юрадиган бўлди. Шиц уни халтасида ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрарди, шунинг учун ҳам карта ўйнаганида қўли баланд келаверарди. Қаердаки дам олиш учун тўхтасак, дарров карта ўйнаб отиб олаверарди. Прахенскога етгунча у шундай қилиб юрди. Драгеницага жойлашганимиздан кейин у нуқул ютқиза бошлади. Эрталаб сафар бошланганида йўлдаги нок дарахтида авлиё Ян Непомуцкийнинг дорга осилиб турганини кўрдик. Сизга айтмоқчи бўлган латифам мана шу, мана энди трубкани жойига қўяман.

Шу пайт телефондан лагердаги шов-шув эшитила бошлади. Лагерь осойишталиги бузилган эди.

Худди шу пайтда поручик Лукаш хонасида полк штабидан берилган шифрни қандай қилиб ўқишни бошқалар билан бирга ўрганмоқда эди. Айни вақтда у марш батальони Галиция чегарасига боришда (биринчи этапда) қандай йўл билан юриши тўғрисидаги шифрланган махфий буйруқни ҳам ўрганмоқда эди.

7217—1238—475—2121—35 = Мошон.\*

8922—375—7282 = Раб.


4432—1238—7217—375—8922—35 = Комарно.

7282—9299—310—375—7881—298—475—7979 = Буда-

пешт.

Шу рақамлар билан ифодаланган шифрни тушуниб олганидан кейин, поручик Лукаш хўрсиниб сўкинди:

— Der Teufel soll das buserieren.<sup>1</sup>



<sup>1</sup> (немисча) болохонадор сўкиш.

## ИЗОҲЛАР

10-бет. *Уларнинг қўлидан Босния билан Герцеговинани тортиб олмаслигимиз керак эди...*— 1908 йилда Австрия-Венгрия Боснияни ва Герцеговинани босиб олган.

10-бет. *Дрогист* — дорихованинг эгаси.

10-бет. *Эрцгерцог Фердинанд* (1863—1914) Австрия-Венгрия императори Франц-Иосиф I нинг жияни Франц-Фердинанд фон Эсте. 1914 йил 28 июлда Сараевода ўзининг хотини билан бирга ўлдирилган эди;

10-бет. *Конопшич* — эрцгерцог Франц — Фердинанднинг Чехиядаги саройи.

11-бет. *Марҳума Елизаветани эзов тиқиб ўлдирган жаноб Люккенъ эсингиздами?*— Луиджи Люккени 1889 йил 10 сентябрда Австрия императори Франц Иосиф I нинг хотини Елизаветани ўлдирган эди.

11-бет. *Император ҳазратимизнинг тоғасидан иш бошлашган экан...*— Швейк янглишяпти: Франц-Фердинанд Франц-Иосиф I нинг тоғаси эмас, жияни эди.

11-бет. *Кажава аравачага солиб олиб кетишди..* Австрия империяси замониди маст бўлиб қолган кишиларни қўлда итариб юриладиган кажава аравачага солиб олиб кетишарди.

12-бет. *...португалияликлар қиролини қандай қилиб ўлдирганликлари...*— Португалиянинг ниҳоятда семиз қироли Карл 1903 йил 1 февралда Лиссабонда ўлдирилган эди.

13-бет. *...Наполеоннинг эски гвардияси Ватерлоо олдидидаги жангда инглизларга қандай жавоб берганлигини ҳикоя қилиб Виктор Гюго нималар ёзганлигини...*— В. Гюго Наполеон гвардиясининг офицери Камброн инглизларнинг, таслим бўлинглари, деган таклифига: «Merde!» (Бемаънилик!), гвардия ўлса ўлади-ю, лекин таслим бўлмайди!» деб жавоб берганлигини ҳикоя қилади. Панкрац — Прагадаги сиёсий маҳбуслар қамаб қўйиладиган турма.

15-бет. *... оёқ-қўлим боғланиб ётганман.*— Австрия-Венгрия армиясида жазолашнинг бир тури бўлиб, гуноҳ қилиб қўйган солдатни оёқ-қўлини боғлаб қўйишар ва у шу ҳолатда бир неча кун ётарди.

16-бет. *Еш чех.*— Чех буржуазия партиясининг аъзоси.

18-бет. *... забардаст ўғли Рудольфдан ажралди...*— Франц-Иосифнинг ёлғиз ўғли Рудольф 1889 йилда номаълум сабаблар билан ўлиб қолган эди.

18-бет. *Укаси Ян Ортдан жудо бўлди...* Эрцгерцог Ян 1889 йилда шаҳзодалик унвонидан воз кечиб, Орт деган фамилияни қабул қилган. 1890 йилда бедарак йўқолган.

18-бет. *Мексика императорини... отиб ташлашди.*—1863 йилдан 1867 йилга қадар Мексика императори бўлиб турган Эрцгерцог Максимилиан Габсбургни француз интервентлари тахтга ўтказишган эди. Кейин уни Мексика республикачилари асир қилиб олиб, Кверетаро қўрғонидида отиб ташлашган.

19-бет. *...унга бургут суратини кўрсатиб...*— Австрия-Венгриядаги махфий полиция агентларининг значогида Австриянинг икки бошли бургути билан гербининг сурати туширилган бўларди.

23-бет. *«Ҳой славянлар».*—«Ҳой, славянлар, бизнинг славян тилимиз ҳали ҳам омон», деган бу қўшиқ 1834 йилда Прагада Само-Томашик деган словак томонидан яратилган эди. Бу қўшиқ 1838 йилда матбуотда босилиб чиқди ва поляк мазуркаси куйида айтилиб

юрди. У славянлар орасида кенг тарқалган бўлиб, славян халқларининг гимни ҳисобланарди.

27-бет. *Чезаре Ломброзо* (1835—1909) — жиноятчиларнинг типларини ўрганиш билан шуғулланган италян профессори, психиатрия олими. Унинг асарлари орасида «Жиноятларнинг типлари» сарлавҳали китобни учратмадик.

28-бет. «*Миллий снѣсат*», «*Малла*». — Чех буржуазиясининг «Миллий снѣсат» номли бу газетасига халқ масҳара қилиб «Малла» деб ном қўйган эди.

28-бет. *Ян Непомуцкий* — Чех католик авлиѐси.

28-бет... *Элишкин кўпригидан сувга улоқтирилгунча...* — Швейк янглишянти: Элишкин кўприги 1865-1867 йилларда қурилган, Ян Непомуцкий эса ривоятларга қараганда, XIV асрда яшаган.

31-бет. *Зангори Антон* — полициянинг маҳбуслар ташийдиган соябонли араваси шундай деб аталарди.

33-бет. «*Тессиг*» — Прагадаги ресторан.

35-бет. *Гевеerox* (1869-1928) — Психиатрия илми соҳасида таниқли чех профессори.

35-бет. «*Ботич*» — Прагадаги сойнинг номи.

35-бет. «*Банзет*» — Прагадаги ресторан.

37-бет. *Каллерсон ва Вейкин*ларнинг номлари медицина адабиѐтида учрамайди. Бу номларни Гашекнинг ўзи ўйлаб чиқарган бўлса керак.

38-бет. ... *Вишеград қоясининг...* Влтава дарѐсининг энг чуқур жойи.

41-бет. *Авлиѐ Вацлав* (907-929) — чех князи, христианликни жорий қилганлиги учун авлиѐлар қаторига киритилган бўлиб, Чехиянинг пири ҳисобланади.

41-бет. *Крконоше* — Чехиянинг шимоли-шарқидаги тоғ.

44-бет. «*Ватаним қаерда*» — чех ватанпарварларининг қўшиғи Я. К. Тил ѐзган бу қўшиқ музикасини Фр. Шкroup басталаган. Тилнинг «Федловачка» деган пьесаси сахнага қўйилганида бу қўшиқ биринчи марта Прагада 1834 йилда ижро этилган эди. Қўшиқ бутун халққа манзур бўлди ва чех халқининг кенг оммаси орасида тарқалди. Биринчи жаҳон урушидан кейин бу қўшиқ чех давлат гимни бўлиб қолди.

44-бет. *Генерал Виндишгрец* — 1848 йилда Прагада ва Венада революцияни шафқатсизлик билан бостирган Австрия қўшинларининг қўмондони.

44-бет. «*Э худо, подшоҳимизни паноҳингда асра*», — Эски Австриянинг давлат гимни.

44-бет. «*Туппа-тўғри Яромерга ййл олдик*» — чех солдатларининг қўшиғи.

48-бет. «*Сенларни бир чақага олмайман, хўрозлар!*»— Австрия-Венгрия монархияси замонида Чехияда полицияларнинг каскаларига хўроз патлари тақиғлик бўларди.

52-бет. «*Бендловка*»— Прагадаги тунги кафе...

58-бет. *Ана шу бюрократлардан...*— Австрияда қора билан сариқ ранг давлат ранги ҳисобланарди.

59-бет. *Градчана* — Прага районларидан бири бўлиб, Прага Гради-кремли шу районда жойлашган.

61-бет. «*Эркин фикр*»— черковдан ажралиб чиққан ҳур фикрли кишиларнинг 1900-йилларда тузган жамияти.

61-бет. *...отган ўқим тоғга теккан эди.*— Бу ерда сўз ўйини ишлатилган: чех тилидаги «*коруна*» деган сўз айтилган вақтда «*танга*» деган маънони ҳам, императорнинг тожи деган маънони ҳам билдиради.

68-бет. *Калоус* — биринчи жаҳон уруши вақтида Австриянинг жиноят қидириб топувчи машҳур агентларидан бири.

72-бет. *Пьемонт* — Италиянинг тоғлик қисмидаги ўлка, 1859 йилда Австрия қўшинларига қарши жанг қилган итальян қўшини бу ерда шу ном билан айтилган.

72-бет. *...Жанг қизиди Сольферино олдида* — 1859 йилда Сольферино олдида бўлган жангда Австрия енгилган эди.

75-бет. «*Прагер Тагеблатт*»— Прагада немис тилида чиқиб турган буржуа газетаси.

75-«*Богемия*»— немис миллатчи буржуазиясининг Прагада чиқиб турган газетаси.

76-бет. *Фельдмаршал Радецкий* (1766-1858) Австриянинг ясли чехлардан бўлган саркардаси.

85-бет. *Пештяна* — Словакиядаги бир курортнинг номи.

90-бет. *Вацлав Бабинский* (1796-1879) — машҳур қароқчи бўлиб, Чехияда унинг ҳақида тўқилган афсоналар кўп.

97-бет. *Шаҳзода Евгений Савойский* (1663-1736) Австрия саркардаси бўлиб, Туркияга, Францияга, Баварияга ва Голландияга қарши урушларда қатнашган.

99-бет. *Клима, Славичек* — Австрия полициясининг, кейинчалик Чехословакия полициясининг агентлари.

103-бет. *Фельдкурат* — Австрия армиясида полкда хизмат қилувчи руҳоний бўлиб, офицер унвонига ва ҳуқуқларига эга.

103-бет. *Халфа* — фельдкуратнинг маҳбуслардан тайинланган ёрдамчиси.

103-бет. *Шпангле* — кишан. Бу кишан билан маҳбуснинг ўнг қўли чап оёғига калта занжир билан кишанлаб қўйилади.

104-бет. *Махар И. С.* (1864-1944) — таниқли чех шоири. Ўз мақолаларидан бирида Оломоуц архиепископи Конни ҳимоя қилган.



106-бет. «Гўшт» — казармада солдатлар бир-бирларининг орқаларига тепиб ўйнайдиган эрмакларни.

110-бет. *Франциск Салеский* (Франсуа Сальский 1567-1662) — Женева епископи.

118-бет. *Виноград ва Либень* — Прагадаги районларнинг номлари. Бу районлар бири шаҳарнинг бир чеккасида, иккинчиси нариги чеккасида жойлашган.

126-бет. *Национал-социалист* — чех майда буржуа миллий партиясининг аъзоси.

127-бет. *Сокол* — чехларнинг машҳур «Сокол» — спорт ташкилотининг аъзоси.

127-бет. «*Репрезентяк*» — Праганинг демократик доиралари «Репрезентатив уй» деб аталган ҳашаматли ресторанга мана шундай ном қўйиб олган эдилар.

130-бет. «*Шляпак*» — чех халқ рақси.

136-бет. «*Шуги*» — Прагадаги ресторан.

137-бет. «*Опажон, менга биринчи классга беринг*», — Фельдкурат ўзини пул тўлаб кириладиган жамоат ҳожатхонасининг ходимаси билан гаплашаётган киши деб ўйляпти.

140-бет. *Quere prima safe est aetas, guae vindice nillo.*

«Қасос нималигини билмайдиган олтин аср биринчи бўлиб яратилган эди» (лотинча). Овидий «*Метаморфоза*» асари, I-китобидан цитата.

141-бет. *У, бошимни узиб олиб, халтага солинглар-да, Влтава дарёсига улоқтириб ташланглар, деб талаб қилди.* — Фельдкурат чех католик авлиёси Ян Непомуцкийга ўхшашга уринмоқчи. Ян қатл этилганидан кейин унинг боши халтага солиниб, Влтава дарёсига ташланган эди.

141-бет. *Бошим атрофига юлдузчалар қадаб қўйилса жуда ҳам ярашар эди.* — Фельдкурат католик авлиёлари ҳайкалларининг боши атрофига қадаб қўйиладиган юлдузчаларни айтмоқчи.

141-бет. *Горгонзола* — итальянча пишлоқ.

145-бет. *Вршовица ва Градчана* — Праганинг районларидан бўлиб, буларнинг бири шаҳарнинг бир томонида, иккинчиси бошқа томонида жойлашган.

148-бет. *Забраслав* — Прага яқинидаги истироҳат жойи.

157-бет. *Фарар* — Чехия ва Словакияда кичкина ибодатхоналар-да хизмат қилувчи руҳоний.

170-бет. *Лурд* — Францияда католикларнинг қадамжо шаҳри.

175-бет. *Божена Немцова* (1820—1862) — атоқли чех ёзувчиси. Чех ва словак халқ эртақларини тўплаб, бир неча китоб қилиб нашр этган.

175-бет. *Копий бальзами* — шифобахш малҳам.

200-бет. *Дубно* — Украина шаҳарларидан бири. Бу ерда 1914-1918 йиллардаги жаҳон уруши вақтида катта жанглар бўлган.

222-бет, *Алибей, Галибей, Анвар пошио, Жавод пошио* — 1914-1918 йиллардаги жаҳон уруши вақтида катта роль ўйнаган турк сиёсатчилари ва генераллари. *Лиман фон Зандерс* (вице-адмирал), *Уседон пошио ва Гольц пошио* (германиялик генераллар) — биринчи жаҳон уруши вақтида Туркия армиясида хизмат қилган.

225-бет. *Комбр-а-Веврдаги Марш* — Бельгиянинг ўрта қисмидаги шаҳар.

225-бет. *Гартмансвейларнинг пиво заводи* — Жанубий Эльзасда жойлашган завод.

225-бет. *Милгауздаги Нидерсбах* — Эльзасдаги бир жойнинг номи.

225-бет. *Клостерчек* — Фландриядаги бир жойнинг номи.

240-бет. *Зальцбург* — Австриядаги бир вилоятнинг ва шу вилоятдаги шаҳарнинг номи.

242-бет. *Манлихеровка* — милтиқнинг бир тури бўлиб, Манлихер деган киши ихтиро қилганлиги сабабли, шу ном билан юритилади.

244-бет. *«Образ Мария»* — Прагада қадимий бир меҳмонхонанинг номи.

244 ... *Худди авлиё Гаштал черкови олдидаги гадой каби.* — Авлиё Гаштал ибодатхонаси олдида гадойлик қилиш билан доимо шуғулланиб келган бир гадойни полиция қамоққа олганлигига ишора. Шу гадой, бу ибодатхона меннинг маҳримга тушган, деб бошқа гадойларни яқин йўлатмас эди.

248-бет. *Наход* — Чехиянинг шимолидаги бир шаҳар.

252-бет. *«Гренивиль саф тортиб...»* — чехларнинг солдат қўшиғи, гренадерлар марши, *Прашна Брана* — Праганинг марказида ўқ-дори сақланадиган қадимий минора.

254-бет. *Неказанка* — Прага марказидаги жинкўчалардан бири бўлиб, ўзининг тунги ишратхоналари билан машҳур эди.

255-бет. *Доктор Гут* — Иржи Станислав Гут — Яркковский, ўрта мактаб ўқитувчиси, киборлар одобни тўғрисидаги китобларнинг муаллифи. Президент Т. Г. Масарик уни саройга цермониймейстр сифатида таклиф этган эди.

256-бет. *Лаудова-Горжийцова* (1868-1931). — Чех аграр партиясининг «Венков» газетасида киборлар одобни тўғрисида мақолалар ёзиб турган таниқли чех артисти.

256-бет. *Ольга Пастрова* — дунёвий тарбия тўғрисида буржуа газетаси «Миллий сиёсат»да мақолалар ёзиб турарди.

262-бет. *«Нее Фрейе Прессе»* — Венада чиқадиган миллатчиллик руҳидаги газета.

263- бет. *... нар устида ётибман...*— яъни полиция участкасидаги қамоқхонада ётибман, демоқчи.

283- бет. *Анабасис (грекча)*.— Мамлакатнинг ичкарасига қилинган юриш. Қадимий юнон китобларидан иккитаси шундай ном билан аталган. Шу китобларнинг биринчиси грек саркардаси ва ёзувчиси Ксенофонтнинг Кичик Кирнинг ҳарбий юришлари тўғрисида ёзган китоби бўлиб, иккинчиси Аррианнинг македониялик Искандар (Искандар Зулқарнайн)нинг ҳарбий юришлари тўғрисида ёзган китобидир. Гашек ушбу китобнинг иккинчи қисмидаги иккинчи бобда чехословак легионерларининг Сибирь орқали ўтиб, Ватанга келганликларини калака қилиб тасвирлаган. Чех миллатчилари легионерларнинг бу юришига «Сибирь анабасисиси» деб ном берган эдилар.

286- бет. *...Флорианнинг нариги ёғидаги...*— яъни авлиё Флориан ҳайкалининг наригидаги; авлиё Флориан ёнғинлардан ҳимоя қилувчи авлиё деб ҳисобланади эди. Чех қишлоқларининг кўпларида шу авлиёнинг ҳайкаллари бўларди. Бу ҳайкалларда у ёнғинга сув қўйиб ўчираётган ҳолатда тасвирланган.

292- бет. *...тож кийиш маросимини адо этмаганидан кейин...*— Австрия-Венгрия монархиясининг императорлари тахтга ўтириш чоғида Чехия қиролининг ҳам тожини кияр эдилар. Бу маросим Чехиянинг бирмунча мустақилликка эга эканлигини кўрсатувчи белги тариқасида ўтказиларди. Франц-Иосиф I ҳам чех қироли бўлиб, тож кийишга таятанали ваъда берган эди, лекин бу ваъдасининг устидан чиқмади.

293- бет. *Липнице*.— Ярослав Гашек ўз умрининг охириги йилларини Чехиянинг шарқи жанубидаги мана шу кичкина шаҳарда ўтказди, шу шаҳарда бегоб бўлиб ётганида «Шоввоз солдат Швейк саргузаштлари» романини айтиб туриб ёздирган. Гашек Липницеда дафн этилган.

304- бет. *«Ўйноқи чол»*— Чехлар император Франц Иосифга «Prochazka» (Прохазка) деб ном қўйишган эди. Бу лақабнинг ўзбекча маъноси «ўйноқи» демакдир.

311- бет. *Контушовка* — полякларнинг ширин, лекин ўткир ароғи.

314- бет. *Николай Николаевич* — биринчи империалистик уруш бошланган вақтларда рус қўшинларининг олий бош қўмондони бўлган буюк князь.

314- бет. *Шенбрунн* — Венадаги сарой, Австрия императорларининг резиденцияси.

316- бет. *Биби Мария Скоцицкая* — чех католикларни сиғинадиган Биби Мария суратларидан бири.

320- бет. *Франтишек Палацкий (1798-1876)* — XIX асрдаги йирик чех тарихчиси, Прагада унга ҳайкал ўрнатилган.

324- бет. *«Чёрт»*— ўткир ичимликлардан бирининг номи.

337- бет. «*Мешчанлар гурунги*» — чехларнинг қадимий ресторани.  
339- бет. *Signum Zaudus* — мақтов белгиси (*лотинча*). Австрия армиясида офицерларга бериладиган унвонларнинг биринчиси.

340- бет... *авлиё Агнесса*... — ривоятларга кўра камбағалларнинг ҳомийси.

341- бет. *Профос* — турма назоратчиси, зиндонбоши.

341- бет. Бунда кўнгилли аскар, Онегин сўзларини Пушкиннинг ўз амакиси тўғрисида ёзган сўзлар, деб хато қилган. Ҳақиқатда бу сўзларни Пушкин ўз асарининг қаҳрамони Онегин тилидан айтган.

342- бет. *Кочий* — биринчи жаҳон уруши вақтида Чехияда китоблар нашр этувчи ношир.

346- бет. *Бизнинг олий бош қўмондонимиз*. — Император Франц-Йосиф I Австрия-Венгрия армиясининг олий бош қўмондони ҳисобланар эди.

348- бет. *Худди ўша вақтнинг ўзида парламент ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлаши керак эди*... — Австрия парламентида чехлардан иборат анчагина кучли оппозиция бор эди. Шу сабабли шовинистларнинг чехларга қарши ҳужум қилиши мана шу қонун лойиҳасига қарши овоз берилишига олиб келиши мумкин эди.

353- бет. «*Чех гурунги*» — чехларнинг XIX асрда тузилган ватанпарварлик жамияти.

353- бет. *Рудольфинум* — 1880 йилда Прагада шаҳзода Рудольф шарафига қурилган уй. Биринчи жаҳон уруши вақтида бу жойда лекциялар, кўرғазмалар ва концертлар ташкил қилинар эди. Биринчи республика йилларида парламент шу уйга жойлашган эди. 1945 йилдан бери бу жой «Санъат арбоблари уйи» бўлиб турибди.

357- бет. *Шабач кунлари*. 1914 йилда Австрия қўшинлари Сербияда Сава дарёси бўйига жойлашган Шабач шаҳрига уч марта етиб борган эди. Бироқ ҳар сафар бу қўшинлар фақат шаҳарнинг ўзидагина эмас, шу билан бирга Сербиядан ҳам ҳайдаб чиқарилаверган.

363- бет. *Мост-Литава* — Чехиядаги шаҳар. 1914 йилда Австрия билан Венгриянинг чегараси Литава ёки Лейте дарёси бўйлаб ўтган эди, шаҳарнинг венгерлар қисми венгерча Кираль-Хид деган ном билан юритиларди. Шаҳарнинг немислар қисми эса Брук-Лейте деб аталарди.

364- бет. *Штваница-Прага* шаҳридан ўтган Вилтава дарёсидаги орол, ярмарка сайиллари шу оролда ўтказиларди.

364- бет. «*Лада*» — майда буржуазия фикрини ифодаловчи журнал.

365- бет. «*Катержинки*» — Прагада машҳур психиатрик касалхона.

377- бет. «*Ҳайвонлар олами*» журнали — аввал Коллинда, сўнгра Прагада чиқиб турган журнал, Ладислав Гасв билан Фукс нашр қилаётган бу журналга Гашекнинг ўзи бир оз вақт муҳаррирлик қилган. Кўнгилли аскар Марек бу ерда ҳикоя қилаётган фактлар Гашекнинг ҳаётидан олинган фактлар дейиш мумкин.

381- бет. «*Вақт*»— «Халқ» партиясининг ёки «реалистлар» партиясининг газетаси.

381- бет. Чех католиклари партияси ўнг қанотининг реакцион газетаси.

382- бет. *Енгоқ дарахти устида қўниб турган қушни...*— «Ҳайвонлар олами» журналида Гашекнинг «Енгоқ қуш» деган қушни тасвирлаган мақоласи босилган эди. Гашек бу қушга немисча «Eichelhäher» деган сўзни айнан таржима қилиб шундай ном берган эди. Кадлак бу қушнинг чехча номи «Енгоқ қуш» эмас, балки тўрғай деб айтаётганлиги тўғри.

390- бет. «*Жажжи журналхон*»— мактаб ўқувчилари учун чехча журнал.

390- бет. *Ян Штурса* (1880-1925)— XX асрдаги йирик чех ҳайкалтарошларининг бири.

397- бет. *Уни ...прагматик санкция учун қатл қилишди.*— Император Карл VI нинг ўғил вориси бўлмаганлиги сабабли 1713 йилда ёрлиқ чиқариб, башарти эркак зотидан ворисларимиз бўлмаса, Габсбурглар юртида императорнинг қизи подшо бўлиб қолиши мумкин, деб буюрган эди. Прагматик санкция деб аталган шу ёрлиққа биноан, Карл VI нинг қизи Мария-Терезия отаси ўлганидан кейин император бўлиб қолди. Прагматик санкциянинг душманлари Карл-Альберт Баварский, Испания қироли Филипп V ва Пруссия қироли Фридрих кўп йиллар давомида Мария-Терезия билан уруш қилиб турдилар. Швейкнинг бу ҳикоясида Австрия судьялари Карл VI нинг прагматик санкцияси билан прагматизм фалсафасини қориштириб юборганликлари кўриниб турибди, кўмирчи Франтишек Шквор айтган гаплар унинг прагматизм фалсафасининг мухлиси эканлигидан далолат беради.

400- бет. «*Курьер*»— Прагада чиқадиган расмли журнал. Бу реакцион журналда муштлашшлар, одам ўлдиришлар ва шу каби ҳодисаларни тасвирловчи суратлар тегишли изоҳлар билан босилиб турарди.

409- бет. *Графика*— почта маркалари ва гербовой маркалар, папирослар ҳамда тамаки сотиладиган дўкон. Австрия-Венгрияда тамаки ва шу кабиларни сотиш давлат монополияси қилиб қўйилган эди. Бундай дўкончаларда савдо қилиш учун фақат инвалидлар, солдатларнинг хотинлари, бевалар ва шу кабиларга рухсат берилар эди.

409- бет. *Дружечкалар* — тантанали маросимларда, тантанали учрашувлар ва шу кабиларда қатнашувчи қизлар.

413- бет. *Цислейтания* — Литава ёки Лейте дарёсининг бу (*цис* — латинча) томонидаги территория, яъни Австрия. Транслейтания — Литава дарёсининг нариги — (*транс* — латинча) томонидаги территория, яъни Венгрия.

425- бет. *Яҳудийлар ўчоғи* — Прага чеккасидаги ташландиқ жой.

432- бет. *Ярослав Врхлицкий* (1853-1912) — чехларнинг атоқли шоири.

435- бет. «Пестер-Ллойд» — Будапештда чиқадиган буржуа газетаси.

437- бет. *Авлиё Стефан тахтининг ери*. — Венгрия демоқчи.

437- бет. «*Пешти-Хирлап*» — венгер миллатчи буржуазиясининг Будапештда чиқиб турган газетаси.

437- бет. «*Шопрони-Напло*» — венгер буржуазиясининг Шопронь шаҳрида чиқиб турган газетаси.

438- бет. «*Тўти полк*» — 91-полк мундирларининг петлицаси яшил тусли бўлганлиги сабабли шу полкка берилган лақаб.

439- бет. *Прессбург* — Братиславанинг немисча ном.

441- бет. *Дейчмейстерлар* — имтиёзли Тўртинчи пиёда қўшинлар полкининг солдатлари ва офицерлари.

450- бет. *Павла Моудрая* (1861-1936) — чех ёзувчиси.

451- бет. «*Ет*» — оккупациячиларга қаршилик кўрсатган сербларга қўйилган ном.

452- бет. *Картоузи* — Чехиядаги Ичин шаҳри яқинидаги катта турма.

452- бет. «*Флеклар олдида*» — Прагада машҳур қадимий қовоқхона.

458- бет. *Александр Гумбольдт* — (1769-1859) — машҳур немис табиётшуноси.

469- бет. *Дукла* — Карпат тоғидаги довод. Биринчи жаҳон уруши вақтида бу ерда катта жанглар бўлган. Шу жанглар чоғида бутун Йигирма саккизинчи чех пиёда қўшинлар полки русларга асир тушган эди.

475- бет. «*Шафқат*» — Прагадаги энг катта ва энг яхши касалхоналарнинг бири. Бу касалхона хизматларини «Шафқат биродарлари» деб аталган католиклардан бўлган монахлар бажарар эди.

482- бет. *Қантина* — ҳарбий қисм, фабрика ва шу кабилар олдида очилган чойхона.

487- бет. *Прагна Парамита* — қадимий ҳинд динининг муқаддас китоблари.

488- бет. *Карма (санскритча)* — будда динининг тақдир тўғрисидаги таълимоти.

512- бет. *Мошон* (Мошонмадьярвар). Ғарбий Венгриядаги шаҳарлардан бири.

## МУНДАРИЖА

### БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ШОВВОЗ СОЛДАТ ШВЕЙКНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Сўз боши . . . . .	5
--------------------	---

### БИРИНЧИ ҚИСМ

#### МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДА

<i>I — боб. Шоввоз солдат Швейкнинг жаҳон урушига кириб келиши . . . . .</i>	9
<i>II — боб. Шоввоз солдат Швейк полиция бошқармасида . . . . .</i>	21
<i>III — боб. Швейк суд врачлари ҳузурида . . . . .</i>	32
<i>IV — боб. Швейкнинг жиннихонадан ҳайдалиши . . . . .</i>	40

V — боб. Швейк Салъмови кўчасидаги полиция комиссариатида . . . . .	47
VI — боб. Швейк кўп кулфатлардан қутулиб, яна ўз уйига келди . . . . .	57
VII — боб. Швейк урушга кириши . . . . .	70
VIII — боб. Швейк — муғамбир . . . . .	77
IX — боб. Швейк гарнизон турмасида . . . . .	98
X — боб. Швейк Фельдкуратнинг деншчиги . . . . .	124
XI — боб. Швейкнинг Фельдкурат билан ибодат маросимини бажаришга бориши . . . . .	151
XII — боб. Диний мунозара . . . . .	163
XIII — боб. Швейк соборлаш маросимида . . . . .	172
XIV — боб. Швейк поручик Лукашнинг деншчиги . . . . .	190
XV — боб. Фалокат . . . . .	240
«Мамлакат ичкарисида» сарлавҳали биринчи қисмга охириги сўз	255

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ФРОНТДА

I — боб. Швейкнинг поездда тортган кулфатлари . . . . .	261
II — боб. Швейкнинг Будейовица сафари . . . . .	284
III — боб. Швейкнинг Кираль-Хиддаги саргузаштлари . . . . .	363
IV — боб. Янги уқубатлар . . . . .	434
V — боб. Мост-Литавадан Сокальга . . . . .	463

Изоҳлар



*На узбекском языке*

ЯРОСЛАВ ГАШЕК

**ПОХОЖДЕНИЯ БРАВОГО СОЛДАТА ШВЕЙКА**

1 КИШИА

Роман

Перевод с русского издания издательства

«ПРАВДА» БИБЛИОТЕКА «ОГОНЕК»  
МОСКВА — 1958

Редактор Эргашев Х.

Рассом Фролов Г.

Расмлар редактори Циганов И.

Техн. редактор Саидов Э.

Корректор Рўзимухамедова Н.